



Жек Лондон

Мартин Иден



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 82-312.6(410.1)

КБК: 84(7)

Л — 75

Лондон, Жек

Мартин Иден/Жек Лондон. Таржимон: Қодир Мирмуҳамедов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015 йил. – 608 б.

ISBN 978-9943-27-561-4

«Камолот кутубхонаси» рукнида чоп этилаётган Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романи кўлчиликнинг талаб ва истаклари асосида нашрга тайёрланди. Уни муаллифнинг ўзига хос автобиографик асари дейиш мумкин. Чунки Ж.Лондоннинг ўзи ҳам асар қаҳрамони каби қашшоқ оиласдан чиққан ва ўзининг саъй-ҳаракатлари ҳамда ирова кучи билан адабиёт оламида довруг қозонди.

Инсон ва жамият, жамиятдаги кескин синфиий табакаланиш, унинг инсон ҳётидаги фалсафий-ижтимоий аҳамияти бундан юз йиллар аввал қанчалар долзарб бўлган бўлса, айни дамда ҳам шундай долзарб саналади.

Бой хонадон қизини севиб қолгач, соф муҳаббат туфайли рўёдек туйилган орзуга интилган Мартин ўша орзусига эришганда, унинг сароб эканини англаб етади. Бу орзуни у эмас, севган қизи Руфь эмас, балки жамият ва унинг шафқатсиз қонунлари саробга айлантиради. Мартин тушунган нарсани Руфь ҳеч қачон англаб етолмаганидек, қиз ардоқдаган қадриятлар ҳам Мартин учун ҳамиша бегона бўлиб қолаверади.

Асар мутолаасидан сўнг китобхон ҳар қандай жамият ва тузумда чин инсон бўлиш, буни anglay олиш энг юксак ва олий қадрият эканини ҳис қиласди.

УЎК: 82-312.6(410.1)

КБК: 84(7)

**Русчадан
ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси**

ISBN 978-9943-27-561-4

©Мартин Иден, «Жек Лондон». «Янги аср авлоди», 2015.

БИРИНЧИ БОБ

Олдинда келаётган йигит ясси калит билан эшикни очди. Унинг ортидан келаётган шериги оstonани ҳатлаб ўтишдан аввал, бошидан кепкасини апил-тапил юлқиб олди. Эгнидаги дағал одми кийимдан денгиз ҳиди анқиб турарди; йигит каттакон залга кирди-ю, ноқулай вазиятга тушиб қолди. Кепкасини қаёққа қўйишни билмай, уни буклаб чўнтағига тиқиб қўймоқчи бўлган эди, ҳамроҳи қўлидан олди, буни у шундай осон, шундай табиий ҳаракат билан бажардики, йи гитнинг кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди. «Аҳволим қанақалигини тушуняпти, – деган хаёл лип этиб ўтди миясидан, – у мени шарманда қилмайди».

Оёқ остидаги пол йигитга гўё денгиз тўлқинида дам пастга тушиб, дам баландга кўтарилаётган палубадай туюлганидан, ҳамроҳи орқасидан оёқларини кериб, ҳар қадамда чайқалиб юриб борарди. Палубада айқалиб-чайқалиб юришга одатланиб қолган йигит учун бу кенг хоналар жудаям тор туюлди, у ҳар қадамда елкаси билан эшикнинг ёндорига тегиб кетишдан, ё камин устига қўйилган безак ашёларидан биронтасини туртиб тушириб юборишдан қўрқарди. У ўзини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташлар ва шу ҳаракати билан ўз тасаввуридагина мавжуд бўлган хатарни яна зўрайтиарди. Китоб ўюлиб ётган стол билан рояль орасидан олти киши bemalol ўтиши

мумкин эди, лекин у бу оралиқдан юрагини ҳо-
вучлаб ўтди. Унинг бесўнақай қўллари шалви-
раб турар, уларни қаерга қўйишни билолмас-
ди. Бирдан ўзини стол устида ётган китобларга
тегиб кетаётгандай ҳис қилиб, худди ҳурккан
отдек орқага тисарилди-да, сал бўлмаса рояль
олдидаги курсини ағдариб юбораёзди. Шунда
у шаҳдам одим отиб бораётган ҳамроҳига қа-
ради-ю, умрида биринчи марта ўзининг қадам
ташлаши бесўнақай ва бошқаларникига ўхша-
маслигини фаҳмлади, хижолатдан бир зумга
чўғ бўлиб ёнди. Манглайида тер томчилари
пайдо бўлди ва тўхтаб, дастрўмоли билан оф-
тобда қорайган юзини артди.

– Артур, азизим, бирпас сабр қилсангиз, –
деди у ўзининг хижолат бўлганини яшириш
учун ҳазиломуз оҳангда. – Дабдурустдан бун-
чалик дабдаба мен учун жудаям ортиқча бў-
либ кетди. Нафасимни ростлаб олай. Ўзингиз
билардингиз, бу ерга келишни истамовдим,
ундан кейин, оила аъзоларингизниям мени
кўришга кўзлари учиб турган бўлмаса керак.

– Парво қилманг! – деди ҳамроҳи унга таскин
бериб. – Сиз ҳеч тортинманг. Биз содда одамлар-
миз... Э-ҳе! Менга хат келганга ўхшайди.

Артур столга яқин борди, конвертни очиб, хат-
ни ўқий бошлади, бу билан меҳмоннинг ўзига ке-
либ олишига имкон туғдирган эди. Меҳмон ҳам
буни тушуниб, ундан миннатдор бўлди. У таби-
атан сезгир ва одамшаванда эди, шунинг учун,
паришонхотир кўринса ҳам, аслида сезгирлиги-
ни, одамшавандалигини йўқотмаган эди. У пе-
шанасини яна артиб, хонага диққат билан разм
солиб чиқди, лекин унинг кўзлари қопқонга ту-
шишдан хавфсираётган ёввойи ҳайвоннинг кўз-

лариңек така-пұка әди, у нотаниш буюмлар қуршовида қолған, бу ерда юз бериши керак бўлган воқеалардан ҳайиқар, нима қилишини билмасди, у ўзининг бесўнақайлигини, юриш-туриши ва хатти-ҳаракатлари ҳам бесўнақай эканлигини тушунарди. Унинг сезгирилиги шу қадар ўт-кирлашди, шу қадар хижолат чекдики, Артурнинг мактуб оша ташлаган мугомбирона нигоҳи унинг дилига бамисоли ханжардек ботди. Гарчи бу қарашни пайқаган бўлса ҳам, ўзини сезмаганга олди, чунки у энди анча-мунча нарсага, биринчи галда интизомга одатланган әди. Аммо бу ханжар унинг фурурини жароҳатлади. Бу ерга келгани учун ўзини койиди, лекин шу заҳотиёқ: «Бўлганича бўлди, келишга келдимми, охиригача чидайман», – деб жазм қилди. Чехраси жиддий тус олди, кўзларида ғазаб учқунлари чақнади. У яна атрофга кўз ташлади, бу сафар ўзини куршаб олган уй жиҳозларини икир-чикиригача хотирасида сақлаб қолиш учун бирмунча дадилроқ мушоҳада қила бошлади. Унинг катта-катта очилган кўзларидан ҳеч нарса четда қолмади; бу нафис буюмларга қараган сари кўзидағи ғазаб учқунлари сўниб, ёқимли ифода пайдо бўла бошлади. У ҳеч қачон нафосатга бефарқ қарай олмасди, бу ерда эса бефарқ қараб бўлмайдиган буюмлар жуда кўп әди.

Унинг эътиборини девордаги мойбўёқ билан ишланган сурат ўзига тортди. Бу суратда қудратли денгиз тўлқини соҳилдаги қояга урилиб парча-парча бўлаётгани тасвирланган әди; момақалдириқдан дарак берувчи паст сузиб юрган қора булутлар бутун осмонни қоплаган, қутурган тўлқинлар сатҳида эса ботиб бораётган қуёш шуъласи билан ёритилган кичкинагина

шхуна¹ сузиб борар, у бир томонга чунонам оғиб кетган эдики, бутун палубаси кўзга яққол ташланиб турарди. Бу гўзал манзара эди, гўзалик эса уни ҳамма вақт ўзига ром қиласади. У ўзининг бесўнақай қадам ташлашини унубиб, сурат ёнига яқин келди. Лекин бояги гўзалик бирдан фойиб бўлди-қўйди. Энди у ҳар хил бўёқдар билан чаплаб ташланган расмга ҳайрон тикилиб турарди. Кейин у узоқлашди. Шу заҳотиёқ сурат бояги гўзал шаклга кирди. «Найрангли сурат экан, – деган фикрга келди у юзини суратдан ўгириб ва ёпирилиб келган янги таассуротлар ичида, – шундай нафосатни бетайин найрангбозлик учун қурбон қилишибди», – деб қаҳри келиб ўйлаб қўйди. У рассомлик санъати ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди. Шу пайтгача у фақат хромолитографияни² биларди, бундай суратлар узоқдан ҳам, яқиндан ҳам бир хилда кўринаверарди. Рост, дўкон витриналарида бўёқ билан ишланган расмларни ҳам кўрган, лекин витрина ойнаси уларни яқиндан кўришга имкон бермасди.

У хат ўқиётган дўстига ўгирилиб қаради-ю, стол устида ётган китобларга кўзи тушди. Унинг кўзлари худди овқат кўриб қолган оч одамникдай чақнаб кетди. Беихтиёр стол томон юрди ва ҳаяжон ичида китобларни бирма-бир кўздан кечира бошлади. У китобнинг ва муаллифнинг номини, ундаги айрим жумлаларни ўқир, уларга завқ билан тикилиб силаб қўярди, бирдан китоблар орасида ўзи яқинда ўқиган китобни кўриб қолди. Лекин шу китоб-

¹ Шхуна – уч мачтали ва қайрилма елканли кема.

² Хромолитография – литография йўли билан уч-тўрт хил рангда босилган сурат.

дан бошқа ҳамма китоблар ҳамда уларнинг муаллифлари унга тамомила нотаниш эдилар. Унинг қўлига Суинберннинг китоби тушиб қолган эди, у ўзининг қаердалигини ҳам унтутиб қўйиб, китобни ўқий бошлади; юзи чўғдек қизариб кетди. У муаллифнинг номини билиш мақсадида икки марта бармоғини ўқиётган саҳифасига қўйиб, китобни ёпди. Суинберн! Бу номни эслаб қолади. Суинберн деганлари, афтидан, мушоҳадаси ўткир одам бўлса керак, ҳар нарсанинг шаклини ҳам, рангини ҳам аниқ тасвиrlаган. Лекин ким ўзи у? Кўпчилик шоиrlар сингари бундан юз йил бурун ўлиб кетганми ёки ҳозир тирикми, ҳалиям ёзяптими? У китобнинг иккинчи бетини очди. Ҳа, бу Суинберн бошқа китоблар ҳам ёзган экан. Яхши, у эртага эрталабоқ ҳалқ кутубхонасига боради-да, бу муаллифнинг асарларидан биронтасини олиб ўқиди.

У ўқишга шу қадар берилиб кетган эдики, хонага ёш бир қиз кириб келганини ҳам пайқамади. У Артурнинг овозини эшитиб ўзига келди:

– Руфъ! Бу мистер Иден бўлади.

Китоб шартта ёпилди ва йигитнинг бутун вужуди янги бир нотаниш сезгидан сесканиб кетди, у хонага қиз кириб келганидан эмас, балки қизнинг акаси айтган гапдан шу ҳолатга тушган эди. Бу мускулдор гавда ҳаддан ташқари ҳассос эди. Ташқи муҳитнинг сезилар-сезилмас таъсири остида унинг туйфулари ва тафаккури худди алангадек лоп этиб ёниб кетарди. У бениҳоя ҳассос ва назокатли қалб эгаси эди, унинг оташин хаёли эса муттасил ишлаб, нарса-буюмлар орасидаги муносабатларни, уларнинг бир-биридан фарқи ва ўхшашликларини

белгилаб турарди. Уни «мистер Иден» деган сүз сесканиб кетишга мажбур этган эди. Умр бүйи «Иден», «Мартин Иден» ёхуд соддагина қилиб «Мартин» деб юритилган бу йигитни түсатдан «мистер» деб айтишди. «Шу сўзниң ўзиям чакки эмас», – деб қўйди у ўзига ўзи. Унинг тушунчалиги бирдан улкан фотокамерага айланди ва кўз ўнгидаги ўзига таниш бўлган лавҳалар: ўтхоналар, трюомлар, доклар, пристанлар, қамоқчоналар ва трактиrlар, касалхоналар ва хароба уйлар манзаралари бир-бирини қувалашшиб ўта бошлиди; бирин-кетин хаёлида жонланган бу жойларда у шундай муомалага қўникиб қолган эди.

Лекин худди шу пайт орқага ўгирилди-ю, қизга қўзи тушди. Унинг хотирасида гужон ўйнаб ётган пала-партиш лавҳалар бирданига фойиб бўлди. Рўпарасида порлаб турган мовий кўзлари шаҳдо, олтин соchlари қалин, рангпар, назокатли бир жонон турарди. Йигит қизнинг қанақа кийимда эканлигини пайқамади, аммо унинг либоси ҳам ўзи сингари фоят ажиб эканлигига ишонарди. У хаёлан қизни нозик бандли оч сарик олтин ранг гулга ўхшатди. Йўқ, аниқроғи, у илоҳий рух, пари, маъбуда эди – негаки бундай олийжаноб нафосат ер юзида учрамайди. Ёхуд китобларда чинданам тўғри ёзилганмикин, жамиятнинг ўзга кибор доира-ларида шу қизга ўхшаган гўзаллар кўпмикин? Анави Суинберн шу қизни тараниум этса қойил қиласади-да. Эҳтимол, Суинберн анави столда ётган китобидаги Изольдани тасвир этаётганда, айнан унга ўхшаган бир гўзални кўз олдига келтиргандир. Бу фикрлар, тасаввур ва ҳиссиётлар бир онда хаёлидан ўтиб кетди. Ташқи ҳодисалар эса тўхтамай давом этаётган эди.

Руфъ қўлини йигитга узатди, улар бир-бирла-рининг қўлини эркакчасига маҳкам сиқишиб кўришаётган чоғда, у қизни ўзига тик қараб турганини сезди. У билган аёллар ҳеч бундай қўл сиқишиб кўришмасди. Улар, умуман, камдан-кам қўл бериб кўришардилар. Яна уни хаёл чулғаб олиб, ранг-баранг манзаралар, ҳар турли аёллар билан учрашгани ва топишгани хотирасида жонланди. Лекин йигит уларнинг барчасини хаёлидан қувиб, қизнинг чехрасига боқарди. Бундай қизни у ҳеч қачон кўрмаган эди. У билган аёллар... «у» аёллар дарҳол қизнинг ёнида саф тортиб турдилар. У бамисоли абадиятдек туюлган бир лаҳза ичида, ўзини портретлар галереясига кириб қолгандек ҳис қилдики, бу ерда қиз марказий ўринни эгалланган, атрофида эса сон-саноқсиз аёллар уйма-ланарди, дарҳол уларнинг ҳар бирини баҳолаб, қиз билан таққослаш лозим эди. Унинг кўз олдида фабрикада ишловчи озгин ва ранги бў-зарган аёллар ва шаҳар кўчаларида учратган шўх қизлар, улкан чорвачилик ранчоларида ишловчи батрак аёллар ва оғзидан сигаретаси тушмайдиган мексикалик буғдойранг аёллар намоён бўлди. Сўнг, оёқларига ёғоч кавуш кийган, қўғирчоқсифат япон аёллари пиди-раб ўтди, насли айний бошлагани нозик юз бичимидан яққол кўриниб турган Евроосиё аёллари, улардан кейин қора баданларига ҳусн берган гулчамбарларни бошларига тақиб, Тинч океани оролларининг барваста қомат аёллари кўз олдидан ўтди. Ва ниҳоят, қабиҳ ва мудҳиши оломон – Уайтчепел йўлкаларида учровчи соchlари хурпайган фоҳишалар, овлоқ исловатхоналарда яшовчи, ҳамма ёғидан қўланса ароқ

ҳиди анқиб турадиган шаллақи хотинлар, жирканч ва бадаҳлоқ алвастилар, денгизчиларнинг йўлини пойлаб турувчи хотиннамо аянчли маҳлуқдар, хуллас, лиманларнинг чиқиндилари, одамзот қозонидан чиққан кўпик ва қуйқалар аёллар қиёфасини сиқишитириб, четга суриб қўйди.

— Ўтилинг, мистер Иден, — деди қиз. — Артурнинг ҳикоясидан сўнг сиз билан жудаям танишиш истагида эдим. Сиз фоят зўр жасорат кўрсатибсиз.

Мартин қўл ҳаракати билан қизнинг гапини бўлди ва: «Бу ҳаммаси беҳуда нарса, менинг ўрнимда бошقا одам бўлса, у ҳам худди шундай қилган бўларди», — деб фўлдираб қўйди. Қиз йигитнинг кўтарган қўли энди битиб келаётган яра-чақалар билан қопланганини кўрди; иккинчи қўлига қараган эди, у ҳам худди шунаقا экан. Кейин синовчан кўзлари билан йигитнинг чехрасига тез назар ташлаб чиқиб, унинг ёноғида, пешанасида, соchlари остида ва ниҳоят, бўйнида крахмалланган ёқаси остидаги чандиқقا кўзи тушди. У йигитнинг қора мағиз бўйни крахмал ёқадан қизариб кетганини кўриб, кулгисини яширди. Мартин, афтидан, ёқа тақишига одатланмаган бўлса керак. Қизнинг аёлларга хос синчков кўзлари йигитнинг ҳалпиллатиб тикилган бесўнақай костюмига, елкаларининг қатқатига, бақувват мушаклари туртиб турган енгларининг фижимиға тушди.

Мартин эътиборга лойиқ ҳеч қандай иш қилмаганини яна айтиб, итоаткорлик билан кресло томон йўналди. Бу аснода у қизнинг нозик бир ҳаракат ила креслога ўтиришини завқ билан кузатди ва ўзининг бесўнақай қиёфасини та-

саввур этиб, яна ҳам хижолат бўлди. Бу ҳолат унинг учун янгилик эди. У ўзининг эпчил ёки бесўнақай эканлиги ҳақида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган эди. Шу нуқтаи назардан, ўзининг қанақалиги тўғрисида бош қотирмаган эди. У креслонинг четига омонатгина ўтиаркан, қўлларини қаёқса қўйишни билмасди. Қўлларини қайга қўймасин, барибир халақит қиласади унга. Бунинг устига, Артур ҳам хонадан чиқиб кетди ва Мартин Иден унинг орқасидан файриихтиёрий ҳасрат билан тикилиб қолди. Энди у аёл қиёфасидаги бу рангпар пари билан хонада ёлғиз қолгач, тамомила довдираф қолди. Дўйстона сухбатни эркин давом эттириш учун кишига далда берувчи бирон ичкилик зарур эди-ю, аммо афсуски, бу ерда жин³ сўраш учун на пештакта ёки пивога юбориш учун на югурдак бола бор эди.

– Бўйнингизда чандиқ бор экан, мистер Иден, – деди қиз. – Қаерда бўлган? Балки у биронта гаройиб саргузашт оқибатидир?

– Бир мексикалик пичноқ урган эди, мисс, – деб жавоб қилди у лабларини ялаб ва хирқироқ овозини тозалаш учун йўталиб олиб. – Муштлашгандик. Кейин, қўлидан пичноқни тортиб олганимда, у бурнимни тишлаб олмоқчи бўлувди.

Мартин бу сўзларни соддагина қилиб айтди, аммо унинг кўз олдида Салина Круцдаги юлдузлар чараклаган дим кеча манзараси: оппоқ соҳил чизиги, қанд ортилган пароходларнинг чироқлари, сал нарироқдан эшитилаётган сархуш матросларнинг овозлари, мексикалик йигитнинг fazabdan бурушган башараси, юлдузлар ёруғида кўзининг ваҳшиёна чақнаши,

³ Жин – арақ.

бўйнига санчилган пўлатнинг совуқдиги, тизиллаб оқаётган қон, оломон ва шовқин-сурон, бир-бирига чирмашиб, қум устида у ёқдан-бу ёққа думалаётган икки гавда ва қаердандир узоқдан эшитилаётган гитаранинг оҳанрабо садоси жонланди. Бу воқеа шундай содир бўлганди, лекин Мартин буни эслаган заҳоти сесканиб кетди ва анави деворда осилиб турган расмни чизган рассом бу ҳодисани ҳам рангоранг бўёқдар билан тасвирлай олармидийкин деб ўйлади. Оқ соҳил, юлдузлар, юк ташувчи пароходларнинг чироқдари – булар ҳаммаси суратда жуда чиройли чиқса керак – суратнинг ўртасида қум устида муштлашаётганларни ўраб олган қора оломон. Расмда пичоқни ҳам тасвирласа бўларди, негаки юлдузлар шуъласида пўлат жуда чиройли ярақдайди деган фикрга келди у.

Лекин булар ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади.

– Ҳа, у бурнимни тишлаб олмоқчи бўлган эди, – деб такрорлади, холос.

– Ў! – деб юборди қиз, Мартин унинг овозида ҳам, чехрасида ҳам саросималик аломатини ҳис қилди. Мартиннинг ўзи ҳам довдираб қолди, унинг офтобда қорайган юзларига ранг югурди, қон қўйилди, лекин унинг назарида, гўё бир соатдан бери ланғиллаб ёниб турган ўчоқ олдида ўтирганидан юзлари шундай ловиллаб ёнаётганга ўхшаб туюлди. Пичоқбозлик сингари хунук нарсалар ҳақида кибор хонимга ҳикоя қилиш муносибмикин. Китобларда ёзилишича, бундай қизлар даврасида ҳеч қачон бунақа мавзуда сухбат қиласди, – эҳтимол, улар бундай нарсалардан бехабардирлар ҳам.

ЭндиGINA жонланиб келаётган сухбат хиёлгина узилиб қолди. Шунда Руфъ яна савол

берди, бу сафар савол унинг ёноғидаги чандиқ ҳақида эди. Қиз йигитта яқин бўлган нарсалар тўғрисида гаплашишга уринаётган эди, буни сезган Мартин дарҳол қизнинг саволига жавоб берди-ю, сұхбатни қизга яқин бўлган мавзуга буришга қарор қилди.

– Шунаقا бир воқеа бўлган эди, – деди у қўли билан ёноғини силаркан. – Бир кун кечаси кучли тўлқин пайтида грот⁴ ҳамма лаш-лушлари билан дабдала бўлиб кетди. Тross симдан эди, у илондай тўлғаниб дуч келганини қамчилай бошлади. Вахтадагиларнинг ҳаммаси уни ушлашга отилди. Мен ҳам унга ташланиб, тутиб боғладим, ўшандага юзимга шарақлаб келиб теккан эди.

– Ў! – деди қиз яна, бу сафар бирмунча ҳамдардлик билан, лекин барибир у «грот», «тросс» сўзларининг маъносига асло тушунмас эди.

– Ҳалиги... Свайнберн, – деб Мартин ўз режасини амалга оширишга киришди-ю, аммо бу сўзни янглиш талаффуз этди.

– Ким?

– Свайнберн, – деб такрорлади йигит, – шоир.

– Суинберн, – деб қиз унинг сўзини тузатди.

– Ҳа, ўша, – деб гапира бошлади Мартин яна чўғдек қизариб, – ўлганига анча бўлганми?

– Унинг ўлганини эшитган эмасман, – қиз унга ажабланиб боқди. – Сиз у билан қаерда танишгансиз?

– Э, мен уни ҳечам кўрмаганман, – деб жавоб қилди йигит. – Сиз кирмасингиздан олдин анави столда ётган китобни очиб, бир-иккита

⁴ Грот – ўрта мачтага ўрнатилган пастки қийғоч елкан.

шеърини ўқигандим. Унинг шеърлари сизга ёқадими?

Қиз Мартинни қизиқтирган нарса тўғрисида эркин ва равон гапира кетди. Йигит ўзини хийла дуруст ҳис эта бошлади ва ҳатто креслого баҳузур ўтириб олди, шунга қарамай, гўё кресло тагидан сирғалиб чиқиб кетиб, ерга «тап» этиб ўтириб қоладигандай, унинг икки ёндоридан маҳкам ушлаб ўтиради. У қизга таниш бўлган мавзуни ўртага ташлашга муяссар бўлди, энди эса қизнинг бу жажжи гўзал бошида нечоғли кўп ақл борлигидан таажжубланиб ва айни вақтда, унинг зариф латофатидан завқданиб, гапларига диққат билан қулоқ соларди. У қизнинг дудоқларидан осонгина отилиб чиқаётган сўзларнинг маъносини англашга ҳаракат қиласа ҳам, бу сўзлар уни таажжублантирса ҳам эшитганларининг барини англашга тиришарди. Руфъ айтган гапларнинг бари унинг миясини ишлашга мажбур этарди. Ақлий ҳаёт бу ёқда экан, деб ўйларди у, етти ухлаб тушимга кирмаган порлоқ ва ажиб ҳаёт бу ёқда экан. Мартин атрофини ўраб олган барча буюмларни мутлақо унутиб, ҳарис кўзларини қизга тикди. Ҳа, бу қиз шу қадар ажиб бир хилқат эдики, у деб яшаса, унга интилса, унинг учун курашса ва унинг йўлида жон фидо қиласа арзийди. Китобларда тўғри ёзилган экан. Дунёда мана бунақа аёллар бўларкан-у. Мана ўшалардан бири. Бу қиз Мартиннинг хаёлига қанот бахш этди, натижада йигитнинг кўз олдидаги улкан ва порлоқ лавҳалар намоён бўлди ва у лаҳзаларда сеҳрли ва романтик образлар, ишқ-муҳаббат манзаралари ва заррин чечак

янглиғ шу сўлим аёл йўлида қилинган мардонавор ишлар бир-бирига қоришиб кетди. Мартин ана шу антиқа сароб сингари жимиirlаб, мавжланиб турувчи лавҳада ўзи билан санъат ва адабиёт ҳақида суҳбат қуриб ўтирган аёлни кўрди. Йигит қизга тикилиб ўтириб, унинг гапларини тингларкан, ўз кўзларида, қизга тикилган ўткир кўзларида эркак киши табиати акс этиб турганини пайқамасди. Лекин ҳаётни ва эркаклар табиатини яхши билмаган бу қиз йигитнинг ўтдек чақнаб турган кўзларига кўзи тушди-ю, аёлларга хос эҳтиёткорлик билан ўзини тутиб олди. Шу пайтгача биронта ҳам эркак унга бу тарзда тикилмаган эди, шунинг учун ҳозир қиз уялиб кетди. Қиз суҳбат калавасининг учини йўқотиб, дудуқланди ва гапдан тўхтади. У бу одамдан қўрқарди ва айни вақтда унинг бу тарзда тикилиши негадир қизга хуш ёқарди. Тарбия билан сингдирилган одатлар қизни бу сеҳрли, макрли жозибанинг таҳлика ва қудратидан огоҳдантирарди; бироқ савқи табиий сезгиси унинг қонини жўшурдирап ва ундан ўзининг ким ва нима эканлигини унугашни талаб қиласар, бу бошқа муҳит одами бўлган меҳмон сари, қўллари яра-чақа ва ёқа тақишига одатланмаган бўйнида қирмизи доғ бўлган, яъни, тўпори одамлар орасида яшаб, қўпол ҳаётнинг чиркин изларини сақлаб қолгани сиймосида очиқдан-очиқ сезилиб турган йигит сари отилишини талаб этарди. У иффатли қиз эди ва ана шу маъсумалиги туфайли нафратлашарди, лекин у айни вақтда аёл эди ва боз устига аёллик табиатининг ўзига хос ажаб хислатларини эндиғина англай бошлаган аёл эди.

— Демак, мен айтгандек... ҳа, нимани гапи-раётган эдим? — деди бирдан қиз сўзини бўлиб ва ўзи шўх қулиб юборди.

— Сиз, Суинберн шунинг учун ҳам буюк шоир бўла олмадики, дёётувдингиз. Ҳа... худди шу жумлада тўхтаган эдингиз, мисс...

Шу гапни айтди-ю, гўё тўсатдан қорни очиқиб кетгандек бўлди. Қизнинг кулгисидан йигитнинг вужуди ёқимли жимирилаб кетди. Худди қумушдек, деб ўйлади у, худди жажжи қумуш қўнгироқчалардек жарангли экан кулгиси; айни шу дамда ва фақат бир зумгагина йигитнинг тасаввурида узоқ ўлка намоён бўлди — Мартин у ерда пушти ранг гулга бурканган олча дарахти остида папирос чекиб ўтирас ва похол сандал кийган қавмларини ибодатга чақирувчи мезанали будда ибодатхонасининг қўнгироқчалари садосига қулоқ соларди.

— Ҳа, ҳа... Миннатдорман сиздан, — деб жавоб берди қиз. — Суинберн шунинг учун ҳам буюк шоир бўла олмадики, очифи, у баъзида хийла қўпол ёзади. Унинг ўқишга арзимайдиган шеърлари ҳам бор. Чинакам шоирнинг ҳар бир мисраси гўзал ҳақиқат билан бойитилган бўлади ва инсонни энг юксак ва олийжаноб туйгулар сари чорлайди. Буюк шоирнинг асаридан бир мисрасини ҳам олиб ташлаб бўлмайди. Ундан қилинса, жаҳон кўп нарсани йўқотган бўлур эди.

— Мана бу ерда ўқиганларим, — тараддуланиб гапира бошлади йигит, — жудаям яхши шеърга ўхшади... Менинг хаёлимгаям келгани йўқ эди унинг бунақа... бунақа бетайинлиги. Эҳтимол, унинг бошқа китоблари шунақадир.

— Сиз ўқиган шу китобда ҳам чиқариб ташланса ҳеч зиён етмайдиган мисралар кўп, —

деди қиз ҳеч эътиrozга йўл қўймайдиган қатъий оҳангда.

– Афтидан, мен у мисраларни учратмаган бўлсам керак, – деди Мартин. – Мен ўқиган шеърлар жуда яхши ёзилган. Худди қуёш ёки проjектордек дилингни ёритади. Менга шундай туюлди мисс, балки мен шеърда ҳеч вақога тушунмасман-а.

У ўзининг пойма-пой гапираётганини ноилож эътироф этаркан, бирдан сукутга толди. У ҳозир ўқиган шеърларида ҳаёт кучини ва унинг илиқ нафасини ҳис этган эди, бироқ буни тан олиш учун унда забон йўқ эди. У ўзини ёт бир кемага тушиб қолган ва қоронги тунда нотаниш ускуна-анжомларга қоқилиб-суқилиб юрган матросга ўхшатарди. Яхши, деб жазм қилди у, демак, қандай қилиб бўлмасин, бу бегона муҳитга кўникишим керак. Ҳали ҳеч қачон у ўз истагига эришмай қолган вақт бўлмаган, ҳозир эса у ўз туйфу ва фикрларини Руфъ тушунадиган қилиб ифода этишни астойдил хоҳларди. Қиз унинг кўз олдидаги уфқни тўсиб қўйган эди.

– Мана, масалан, Лонгфеллони олайлик... – деб гап бошлади қиз.

– Ҳа, ҳа. Уни ўқиганман, – деб Мартин шартта қизнинг сўзини бўлди, ўзининг адабиёт соҳасидаги оз бўлса-да бутун билганларини тезроқ изҳор этиш ниятида. Қиз ҳам Мартиннинг унчалик оми эмаслигини билиб қўйсин. – Мен унинг «Ҳаёт суралари»ни, «Экс цельсиор»ини... ўқиганман, вассалом.

Қиз қулимсираб бош иргади, йигит унинг табассумидан уни аяб мурувват қилаётганини пайқади. Мартин ўзини билагон кўрсатишга

уриниб тентаклик қилиб қўйди. Ахир бу Лонгфелло сон-саноқсиз асалар ёзган бўлса керак.

– Сиз билан суҳбат қуришга журъат этганим учун мени кечиринг, мисс, – деди йигит. – Очигини айтсам, бундай нарсаларга кам тушунаман. Буларга менинг ақдим етмайди... Лекин уларга ақдим етадиган бўлгунча қўймайман...

Унинг охириги сўzlари худди таҳдид сингари янгради. Овози жаранглар, кўзлари чақнар, лаблари чеккасидаги ажинлар кўзга яққол ташланарди. Қизнинг назарида, ҳатто қуий жағи ҳам олдинга туртиб чиққандек, шу сабабдан бутун юзи аллақандай ёқимсиз, ҳаёсиз қиёфа касб этгандек бўлди. Айни вақтда, йигит қалбida мавж ураётган жасорат тўлқинлари қизга келиб урилгандек бўлди.

– Мен ишонаманки... аминманки, сиз уларга ақлингиз етадиган бўлгунча қўймайсиз, – деб таъкидлади қиз қула-кула. – Сиз жуда кучлисиз!

Унинг кўзи бир лаҳзага йигитнинг қуёшда қорайиб бронза тусига кирган, куч-қувват ёғилиб турган, буқаники сингари йўғон ва мускулдор бўйнига тушди. У қизнинг қаршисида хижолат чекиб, тортинчоқдик билан ўтирган бўлса ҳам, Руфни яна ўзига жалб этди. Бирдан қизнинг хаёлига телба бир фикр келиб қолди. Қизнинг тасаввурида, агар ҳозир йигитнинг бўйнидан қучоқласа, унинг бутун куч ва қудрати ўзига ўтадигандек эди. Қиз бу фикридан уялиб кетди. Гўё унинг табиатидаги яширин иллат бирдан ошкор бўлиб қолгандек эди. Бундан ташқари, жисмоний куч унга баъзи жиҳатдан доимо тубанлик ва бесўнақайликни эслатарди. Эркак кишининг ҳусни унинг келишган қоматида деб ҳисобларди Руфъ шу пайтгача. Бироқ

антиқа бир фикр ҳеч хаёлидан кетмасди. Унда қандай қилиб бу офтобда қорайган бүйинни құчоқлаш орзуси туғилганига ҳеч тушунолмасди. Ҳолбуки, бунинг жавоби оппа-осон эди. Қиз табиатан жуда нозик эди, шу сабабли ҳам, үз жисмида етишмаётган куч-құвват сари бутун вужуди ва қалби билан талпиниши табиий эди. Лекин қиз буни тан олмасди, у фақат ҳеч бир эркак унинг қалбига мана шу нотұғри талаффузи қулоққа дағал ботувчи йигитчалик күчли таъсир этмаганини биларди, холос.

– Ҳа, умуман, мен отдек соғман, – деди Мартин. – Лозим бўлса, занглаған темирниям ҳазм қилиб юбораман. Лекин мана ҳозир гүё ҳеч нимани ҳазм қилолмаётганга ўхшайман. Сиз айтаётган гапларнинг кўпини ҳазм қилишга қурбим етмайди. Биласизми, ҳеч қачон мени бундай нарсаларга ўргатишмаган. Мен китобларни, шеърларни яхши кўраман, вақт топилган пайтларда ўқиб тураман. Лекин у китоблар ҳақида мен ҳеч қачон сиздек мулоҳаза юритмайман. Шунинг учун ҳам улар ҳақида гапиришга қийналаман. Мен мисоли нотаниш денгизда харитасиз, компассиз сузиб кетаётган денгизчига ўхшайман. Ҳолбуки, мен бу масалаларнинг маъносига тушунишни истардим. Балки сиз менга ёрдамлашарсиз? Ўзингиз қаёқдан биласиз шунча кўп нарсани?

– Мен мактабда ўқиганман, – деб жавоб қилди қиз.

– Болалигимда мен ҳам мактабга борганман, – деб эътиroz билдириди йигит.

– Тұғри, лекин мен ўрта мактабни битирғанман, кейин университеттеңде қатнаганман, лекциялар әшитғанман.

– Сиз университетда ўқиганмисиз? – деб Мартин ошкора таажжуб билан такрор сўради. Шу заҳотиёқ улар бир-биридан миллион миль масофага узоқлашиб кетди.

– Мен ҳозир ҳам ўша ерда ўқийман. Мен инглиз филологиясидан маҳсус курс тинглайман.

Мартин «филология» нималигини билмасди, шунга кўра ўз нодонлигини тан олиб сўради:

– Университетта кириш учун қанча вақт ўқисам бўлади?

Қиз унинг илмга интилишини маъқуллаб, далда бермоқчи бўлди.

– Бу сизнинг илгари қанча ўқиганингизга боғлиқ. Сиз ўрта мактабда ҳеч ўқимаганмисиз? Ҳа, албатта ўқимагансиз... Лекин бошлангич мактабни битиргандирсиз?

– Битиришимга атиги икки йил қолганда ташлаб кетганман... – деди Мартин. – Лекин ҳамиша мукофот олиб ўқирдим.

У мақтанчоқдик қилгани учун шу заҳотиёқ ўзини койиб, креслонинг бандларини шундай маҳкам сиқдики, бармоқлари увушиб қолди. Айни вақтда, у хонага бир хонимнинг кириб келганини кўрди. Қиз дик этиб ўрнидан туриб, ўша аёлга пешвоз юрди. Улар ўпишиб кўришдилар ва бир-бирларини қучоқлаганча Мартин томон кела бошладилар. Онаси бўлса керак, деб ўйлади йигит. Бу баланд бўйли, малла ранг сочли, сарвқомат, удуғвор ва гўзал аёл шу бадавлат хонадоннинг бекасига муносиб либос кийган эди. Хонимнинг эгнидаги кўйлакнинг нафис бичими кишини ром қиласди. Хонимнинг бутун сиймоси Мартин Иденга у саҳнада кўрган аёлларни эслатарди. Кейин у худди шундай басавлат ва башанг хонимларни Лон-

дон театрларининг вестибюлларида кўрганини эслади; ундаи чоғларда, Мартин то полисмен кўчага, ёмғирга қувиб чиқармагунча, улардан кўзларини узмай томоша қилиб турарди. Шундан кейин Йокогаманинг Гранд Отели хаёлида жонланди; у ерда ҳам Мартин бу сингари хонимларни узоқдан томоша қиласр эди. Шу заҳотиёқ Йокогама шаҳрининг ва лиманнинг юзлаб манзаралари Мартиннинг кўз олдидан лип-лип ўта бошлади. Лекин у хотира калейдоскопини ёпишга ва ҳозирги муҳитта эътибор беришга уринди.

У хонимга ўзини танитиш мақсадида ўрнидан туриши кераклигини пайқади ва шимианинг тиззалири бесўнақай пуфак бўлиб турганини ҳис қилиб, зўр-базўр ўрнидан турди. Кўллари беихтиёр шалвираб ёнига тушди, ҳозир синовдан ўтажагини эслаши билан чеҳраси тумтайиб кетди.

ИККИНЧИ БОБ

Емакхонага ўтиш Мартин учун ўлимдан қаттиқ бўлди. У ҳар дақиқа туртиниб кетиши мумкин бўлган бу уй анжомлари орасидан ўтиб бораркан, қадамини секинлаштирас, қоқилар, тўхтар ва баъзан ўзини ҳеч ҳам манзилга ета олмайдигандек ҳис қиласрди. Шунга қарамай, Мартин бу таҳликали йўлни ахийри босиб ўтди; энди у қизнинг ёнида ўтиаркан, пичоқсанчқиларнинг кўплигидан ваҳимага тушди. Бу буюмлар унга қандайдир хатардек туюлди; Мартин ярақлаб ётган пичоқ-санчқиларга кўзлари қамашиб кетгунча маҳлиё бўлиб тикилиб қолди; ана шу ярақлаган лавҳа фонида матрос кубриgidаги таниш манзара намоён бўлди; ўзи

ҳам, ўртоқлари ҳам кубрикда бувлама пичоқ билан, баъзида тўғри қўл билан тузланган гўшт ер ёки ҳаммалари қингир-қийшиқ темир қошиқ билан бир товоқдан бўтқа бўлиб қолган нўхат шўрва ичар эдилар. Унинг димогига сасиган гўшт ҳиди, қулоғига эса матросларнинг чапиллатиб овқат ейиши ва бунга жўр бўлаётган кема анжомларининг фижир-фижири эшитилаётганга ўхшади. Матрослар худди тўнғизга ўхшаб шапиллатиб овқат еркан, деган фикрга келди Мартин; майли, бу ерда у ўзига эҳтиёт бўлади. Овқатни чапиллатмасдан чайнашга уринади, буни доим эслаб туради.

У стол атрофида ўтирганларга бир-бир назар ташлаб чиқди. Қаршисида Артур билан акаси Норман ўтирарди. Руфнинг акалари, деб ўйлади ичида ва уларга нисбатан қалбида самимий ҳусни таважжух ҳисси уйфонди. Бу оила аъзолари бир-бирларига нақадар меҳрибон-а! У Руфнинг ўз онасини қарши олганини, қандай самимий ўпишганини, бир-бирларини қучоқлаганча унинг олдига қандай юриб келишганини хотирлай бошлади. Мартин туғилиб ўсган муҳитда она билан бола ўртасидаги бу сингари меҳрибонлик одат тусига кирмаган эди. Унинг учун бу маълум даражада янги бир кашифиёт эди, бу – зодагонлар синфигина назокат ҳиссига мушарраф бўлишини исботлар эди. Бу янги муҳитда у кўришга муюссар бўлган барча нарсалар ичида энг гўзали шу эди. У беҳад таъсиrlаниб кетди ва қалби меҳрибонлик туйфуси билан тўлди. Мартин бутун умр муҳаббатга муштоқ эди. Унинг табиати ишқ-муҳаббатга ўч. Бутун вужуди шуни талаб этар эди. Лекин у ишқ-муҳаббатсиз яшаб келар ва

оқибатда ёлғизлиқда юраги тошга айланиб борарди. Ҳолбуки, у ҳеч қачон муҳаббаттаға әхтиёжы борлигини фаҳмламас эди. Буни ҳозир ҳам пайқамасди. У күз ўнгидә фақат муҳаббатнинг шарпасинигина кўрди, ҳозир ана шу олийжаноб, сернашъя ва нафис туюлган шарпа унинг қалбини ҳаяжонга солган эди.

Мартин дастурхон тепасида мистер Морз-нинг йўқлигидан хурсанд эди. Руфъ билан, унинг онаси ва акаси Норман билан танишганининг ўзи унга кифоя эди, Артур билан эса бир оз таниш. Бунинг устига яна отаси билан танишиш жуда ортиқча бўларди. Назарида, у ҳеч қачон меҳнат қилиб бунчалик кўп чарчамагандек эди. Энг оғир меҳнат ҳам бугун бу ерда қилаётган ҳаракатлари олдида болалар ўйинидек осон туюларди. Йигитнинг пеша-насини майдада тер томчилари қоплади, кўйлаги эса одатланилмаган жуда кўп масалаларни ечишга уриниш натижасида жиққа ҳўл бўлган эди. У илгариги овқатланишига мутлақо ўхшамаган янгича тарзда овқатланиши, қайси бирининг нимага ишлатилишини илгари билмаган пичноқ-санчқилардан тўғри фойдаланиш учун яширинча бошқаларга қараши ва айни вақтда селдек тинмай оқиб келаётган таассуротларини миясига сингдириб олиши лозим эди (хаёлида бу таассуротларни тасниф қилишга зўрга улгураётганди); шу билан бирга у яна Руфга нисбатан кучли майли борлигини ҳис қилардики, бу майл унинг қалбини ноаниқ ва изтиробли ҳаяжон билан тўлдирган эди; яна у Руфъ яшаб турган ҳаёт поғонасига кўтарилишни зўр әхтирос билан орзу қиласар ва бу мақсадга қандай қилиб муяссар бўлиш ҳақида зўр

бериб, түхтовсиз ўйларди. У қайси вақтда қайси пичоқ ё санчқини ишлатиш кераклигини билиш учун рўпарасида ўтирган Норманга ёки овқатланаётган бошқа бирон одамга кўз қирини ташларкан, айни замонда даврада ўтирган ҳар бир кишининг хусусиятини хотирасида аниқ сақлаб қолишга ва унинг Руфга нисбатан муносабатини аниқдашга уринарди. Бундан ташқари, у гапириши, ўзига қаратса айтилган гапларга ёки даврада ўтирганларнинг суҳбатига қулоқ солиши, зарур бўлган чоғда жавоб бериши ва жавоб қилаётган пайтда адабсиз гапларга одатланган тилини биронта номаъкул гап айтиб юборищдан тийиши лозим эди. Бу ҳам етмагандай, яна курси ортига сездирмай келиб, мисоли бир тасқарадай серрайиб турувчи ва жумбоқ айтиб, дарҳол жавоб талаб қилувчи малай Мартинни доим таҳдикага солиб турарди. Мартинни яна бармоқларни чайиш учун қўйилган идиш ҳақидаги фикр муттасил безовта қиласарди. Ўша идишлар ҳадеганда ғайриихтиёрий равишда эсига тушар, улар қандай идиш экан, қачон столга қўйишаркин, деб ўйларди. Шу пайтгача у шундай идишлар мавжудлигини фақат эшитган эди, энди бўлса мана, бир-икки дақиқадан сўнг, уларни ўз кўзи билан кўради, ахир у асилзода кишилар билан ўтирибди-ку, ахир улар овқатдан кейин бармоқларини чайишга одатланган-ку, энди Мартин ҳам – ҳа, унинг ўзи ҳам шундай қилиши лозим. Лекин ҳаммадан кўра, бу одамлар билан қандай муомалада бўлишим керак, деган саркаш бир фикр ҳеч хаёлидан кетмасди. Қандай муносабатда бўлиш керак? Бу масала ни ҳал қилишга зўр бериб, астойдил ҳаракат

қиласарди. Баъзан ўзини бошқача одам қилиб кўрсатиш истаги уни вассасага соларди, лекин шу заҳотиёқ қўлидан ҳеч иш келмаслиги, муғомбирликни эплай олмаслиги ва бир зумда шарманда бўлиши мумкинлигини эслаб, фикридан қайтарди.

Хаёли шу фикрлар билан банд бўлган Мартин овқатнинг биринчи ярмини сукутда ўтказди. Шу хатти-ҳаракати билан у Артурнинг айтганларини инкор этган эди, чунки у, овқатга бир ёввойи одамни бошлаб келаман, лекин қўрқманглар, ўша ёввойи жуда антиқа одам, деб уйидагиларни огоҳлантириб қўйган эди. Келиб-келиб Руфдай қизнинг акаси Мартинга шундай хиёнат қила олиши, хусусан, Мартин уни фалокатдан қутқариб қолгандан кейин шундай хиёнат қилиши икки дунёда ҳам бу содда йигитнинг хаёлига келмасди. Шунга кўра, Мартин ўзининг ночорлигидан эзилар ва атрофида юз бераётган ҳодисаларга маҳдиё бўлиб ўтиради.

У умрида биринчи дафъа таомнинг фақат жисмоний эҳтиёжни қондирувчи нарса эмаслигини тушунди. Авваллари нима еяётганига ҳеч қачон эътибор бермасди. У нарсалар таом эди, вассалом. Бу ерда, бу стол даврасида эса, у гўзалликни ҳис этувчи туйфусини қондирап, чунки бу ерда таом нафосат талабларига жавоб берарди. Наинки нафосат, балки ақдий эҳтиёж талабларини қаноатлантиради. Мартиннинг мияси зўр бериб ишларди. Атрофида ўтирганлар у тушунмайдиган сўзлар билан ёки у фақат китоблардагина учратган ва Мартинга мансуб бўлган муҳит кишиларининг ҳатто гапиришга ҳам тили келишмайдиган сўзлар-

ни ишлатишарди. У бу ажойиб оила, яъни, қиз оиласи аъзоларининг бундай сўзларни эркин талаффуз этишларига қулоқ солиб ўтиаркан, ҳаяжонланганидан титрарди. Мартин китобларда ўқиган жамики жозибали, юксак ва латиф нарсалар ҳақиқат бўлиб чиқди. У ширин хаёллари бирданига хаёл оламидан чиқиб, ҳақиқатга айланган ва шунинг учун хурсанд бўлган киши вазиятига тушиб қолган эди.

У ҳали ҳеч қачон ҳаётнинг бу қадар юксак поғонасига чиқмаган, шу сабабли атрофдагиларнинг эътиборини мумкин қадар ўзига камроқ жалб этишга уринар ва стол даврасида ўтирганларни кузатиб, гапларига қулоқ соларкан, агар қиз унга мурожаат этса, «ҳа, мисс» ва «йўқ, мисс» деб, агар унинг онаси мурожаат қилиб қолса, «ҳа, мэм», «йўқ, мэм» деб қисқа-қисқа жавоб берарди. Агар унга қизнинг акалари мурожаат қилгудай бўлса, денгизчилар интизоми қоидасига биноан «эшитаман, сэр» деб юборищдан ўзини зўрға тутиб қоларди. Шу хатти-ҳаракати билан у ўзини ерга уришини ҳис қилас, агар у қизга ёқмоқчи бўлса, бундай қилмаслиги керак эди. Бундан ташқари, Мартиндаги викор ҳам бунга йўл бермас эди. Худо ҳаққи, мен улардан кам эмасман, деб ўйларди у; агар улар мен билмаган кўп нарсаларни билишса, мен ҳам уларни баъзи бир нарсаларга ўргатишим мумкин. Лекин шу пайт қиз ёки унинг онаси «мистер Иден» деб унга юзланса, мағрурлигини унутиб, терисига сифмай жилмаярди. Ҳозир у маданий одам эди ва илгари-лари фақат китоблардагина ўқиган кишилар даврасида овқатланарди. Гўё у ўзи китобга

тушган-у, энди қалин китоб саҳифалари бўйлаб сайр қилиб юргандек эди.

Лекин Мартин айни дамда Артур тасвирлаган ёввойи одамга қараганда кўпроқ ювош қўзичноқни эслатиб ўтиаркан, ўзимни қандай тутишим керак, деган савол устида ҳамон бош қотирарди. У асло ювош қўзичноққа ўхшамас, унинг мустаҳкам иродаси иккинчи даражали роль ўйнашга рози эмас эди. У фақат зарурат туғилгандагина гапирава унинг нутқи меҳмонхонадан емакхонага ўтиш пайтидаги ҳолатни эсга туширади – у гапда ҳам боя юргандагидек қоқилар, ўзининг кўп тиллар қоришмасидан ташкил топган сўз бойлигини титкилаб, зарур сўзларни тўғри талаффуз эта олмасликдан қўрқар, ўзига таниш сўзлар эса бу асилзодаларга қўпол туюлиши ёки улар тушунмай қолишидан қўрқиб, тўхтаб қоларди. Сўз тополмагани ўзига зиён етказаётгани, аслида ҳис қилаётган ва ўйлаётган фикрларини баён этишга халал берәётгани уни муттасил азобларди. Бунинг устига, қотирма ёقا бўйини бўғаётгани каби бу сўзлар ҳам унинг эркесвар руҳини жиловлаб қўйган эди. У узоқ чидай олмаслигини биларди. Уни чулғаб олган ҳис ва тушунчалар зўр бериб сиртга чиқиб, муйаян бир шакл касб этишга интиларди; ниҳоят, Мартин ўзининг қаерда ўтирганини унутиб қўйди ва ўзи кўп такрорлашга одатланиб қолган эски таниш сўз оғзидан чиқиб кетди.

Мартин орқасида қаққайиб туриб, хирадлик билан овқат таклиф этаётган лакейнинг қўлидаги идишни рад этди ва қисқа ҳамда аниқ қилиб:

– Пау, – деди.

Стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси, бир нарсани кутгандек, бир зум қотиб қолиш-

ди, хизматкор заҳарханда қилишдан ўзини зўрга тутиб турарди, Мартиннинг ўзи эса, даҳшатга келиб, ҳанг-манг бўлди. Лекин зудлик билан ўзини қўлга олди.

– Бу канакча сўз, – деди у, – «етар», «бас» деган маънода. Бехос оғзимдан чиқиб кетди.

Руфъ Мартиннинг қўлларига қизиқсиниб тикилиб ўтиради, буни сезган йигит суҳбатга берилиб кетиб, гапида давом этди:

– Мен яқинда Тинч океанида юрувчи почта пароходларидан бирида келдим. У манзилга кечикаётган эди, биз Пюджет кўрфазининг портларида роса терлаб-пишиб юк ортдик. Ўшанда қўлимнинг териси шилиниб кетганди.

– Мен асло бунга қараётганим йўқ эди, – деди қиз шоша-пиша. – Шундай басавлат йигит бўла туриб, қўлларингиз жуда кичкина экан.

Мартин, гўё яна бир нуқсонини юзига солишгандек, қизариб кетди.

– Ҳа, – деди у маъюс оҳангда, – тўғри, муштумларим кичкина. Лекин мушакларим зўр, урган одамимни омон қўймайман. Агар биронтасининг тумшуғига ўхшатиб туширсан борми, қўлим қонга бўялмай қолмайди.

Шу гап оғзидан чиқди-ю, Мартин пушаймон бўлди. У ўзидан ўзи нафратлана бошлаганини сезди, чунки тилини тия олмай, хийла ёқимсиз нарсалар тўғрисида гапириб юборган эди.

– Сиз Артурга, сизга мутлақо бегона бўлган одамга ёрдамга отилиб, фоят мардлик кўрсатгансиз, – деди Руфъ назокат билан, унинг хижолат бўлганини пайқаса ҳам, сабабига тушунолмай.

Мартин эса бу гаплар одоб юзасидан айтилганига тамомила тушуниб хурсанд бўлди

ҳамда миннатдорлик ҳиссига берилиб, яна ти-
лига эрк берди.

– Бўлмаган гапни қўйинг, – деди у, – ҳар ким
ҳам менинг ўрнимда бўлса, шундай қиласди.
Ўша абллаҳлар жанжални уч пулга сотоволишар-
кан. Артур уларга теккани ҳам йўқ. Артурга
ташланишган эди, мен улар устига отилдим,
роса пўстакларини қоқдим ўзимам. Рост, қўл-
ларим хийла жароҳатланди-ю, аммо баъзила-
рининг тишини қоқиб қўлига бердим. Шундай
бўлганига жуда хурсандман. Агар мен...

У бирдан ўзининг нақадар тубан одам экан-
лигидан ҳайратга келиб, бу қиз билан ҳатто бир
ҳаводан нафас олишга ҳам лойиқ эмаслигини
сезган ҳолда, оғзини ланг очганча жим бўлиб
қолди. Артур гапни илиб кетиб, паромда юз
берган воқеани – аллақандай маст безорилар
унга ёпишганини, Мартин Иден уларга ташла-
ниб, уни қутқарганини – энди йигирманчи
марта ҳикоя қиласкан, бу можаро қаҳрамони
хўмрайиб, ўзининг каллаварамлигини намо-
йиш қилгани ҳақида чурқ этмай ўйлаб ўтирар
ва бундай кишилар даврасида ўзимни қандай
тутишим керак ахир, деган савол устида яна
ҳам кўпроқ бош қотириб қийналарди. У яккаш
қилиш керак бўлмаган ишни қиласди. У бу
одамлар тоифасидан эмасди ва уларнинг ти-
лида гаплашишни билмасди. Бунга шак-шубҳа
йўқ эди. Нима, уларга тақлид қиласинми? Лекин
бундан наф йўқ, муғомбирлик унинг табиати-
га тўгри келмайди. Унинг қалбида алдамчилик
ва сохталикка ўрин йўқ. Бўлганича бўлар, у ўз
қиёфасида қолиши керак. Ҳозир Мартин улар
сингари гапира олмайди, лекин вақти келган-
да бу нарса қўлидан келади; бу унинг қатъий

қарори. Ҳозир-чи, гунг бўлиб ўтира олмайди-ку ахир! Ҳозир ўз тилида, албатта, нутқини атрофидагиларни хижолат қилмайдиган ва уларга тушунарли ҳолда юмшатиб гапираверади. Бунинг устига, у сукут сақлаш билан ўзи аслида тушунмаган нарсаларни тушунгандай қилиб кўрсатмоқчи эмас. Шунга қўра, ака-укалар университет ҳақида гапириб ўтириб, бир неча бор «триг» сўзини ишлатишган эди, Мартин Иден ўз аҳдига амал қилиб улардан сўради:

- «Триг» нима дегани?
- Тригонометрия, – деб жавоб қилди Норман. – Олий «матика»нинг бир қисми.
- Хўш, «матика» нима? – деб Мартин навбатдаги савонни берган эди, бу сафар негадир ҳамма Норманга қараб кулиб юборди.
- Математика, яъни, арифметика, – деб жавоб берди у.

Мартин Иден бош иргатди. У биринчи қарангда ниҳоятда поёнсиз туюлган ҳикмат уфқига назар ташлаган эди. Лекин у кўрган нарсалар аниқ бир шаклга кирди. Мартиннинг файриоддий тасаввур кучи мужаррад тушунчаларни муайян тушунчалар шаклида гавдалантиради. Унинг миясида тригонометрия билан математика ва шу сўзлар билан ифодаланган билимнинг барча соҳалари ёрқин манзара касб этди. Гоҳ қуёшнинг заррин нурларига чўмган, гоҳ у шуълаларни ўзига сингдириб юборган яшил япроқларни, ўрмон орасидаги ялангликларни Мартин худди кўз олдида расм кўраётгандек тасаввур қиласади. Узоқдан ҳамма нарса ҳарир қирмизи парда билан ўралгандек туяларди, лекин бу парда ортида номаълум ўлка, хаёлий мўъжиза ўлкаси мавжуд эканлигини у

қатъий биларди. Буларнинг ҳаммаси бамисоли шаробдек кайф бағишларди кишига. Бу ерда жасорат кўрсатиш учун замин, тафаккур ва меҳнат учун кенг майдон, забт этиш учун олам бор эди – оқибат, шу оннинг ўзида йигит тафаккурининг энг теран еридан: шу қиз учун, шу ёнида ўтирган нилуфар сингари сўлгин қиз учун бу оламни забт этиш керак деган фикр қалқиб чиқди.

Чарақлаб турган бу манзарани Артур барбод қилди, чунки у Мартин Иден ниҳоят ёввойилигини бир кўрсатса эди деб астойдил уринарди. Мартин ўз аҳдини унутгани йўқ эди. У шу оқшом биринчи марта шинавандалик билан иш кўрди ва ижод завқига берилиб кетиб, аввалига зўр-базўр, кейин bemalol, ҳаётни ўзи билган тарзда тасвирашга уриниб, ҳикоя қила бошлади. Божхона катери «Алкион» деган контрабанда шхунасини тутганда, Мартин ўша шхунада матрос бўлиб ишларди. Мартинда кўриш қобилияти ва бунинг устига кўрганларини ҳикоя қилиб бериш қобилияти зўр эди. У дengiz pўrtanasinini, kемаларни, команда aъzolari ni tasvirlarkan, ўз тасавvuри кучи билан tингловчilarni uning kўzi bilan kўriishga mажбур etardi. У худди ҳассос санъаткордек, son-sanoqsim tafsilotlar ichidan eng erkin, eng faroyiblarini tanlar, ўziga xos sўzamolligi, ilxomi va қudрати билан tингловчilarni rom қилиб, nur, rang va ҳarakatga boy manzralarни ularning kўz oldida namoён қilardi. Baъzan ҳикояning ҳaётiiлиги ёки aйrim жумла tuziliшlari tингловчilarni hijolatga solib kўyяди, lekin uning ҳикоясидаги kўpollik албатта gўзаллик билан, fozjia esa ҳажвия

билинг, денгизчиларга хос ҳозиржавобликнинг ажойиб ва шўх намуналари билан алмашиниб турарди.

Мартин Иденнинг ҳикояси давомида Руфъ унга завқ билан тикилиб ўтирги. Қиз унинг тафтида исинарди. Руфъ умрида илк дафъа, шунча йилдан бери қалб оташи нималигини билмай яшаганини пайқади. У куч ва сиҳат бамисоли лавадек қайнаб тошаётган бу юрагида ўти бор, бақувват йигитнинг бағрига ўзини отгиси келарди. Бу истак шу қадар кучли эдики, қиз ўзини зўрға босиб турарди. Лекин айни вақтда, аллақандай ҳис уни Мартиндан четлаторди. Қизни ҳамма ёғи яра-чақа бўлиб, терисига ҳаёт кири сингиб кетгандек туюлган қадоқ қўллар, бўртиб турган мушаклар, ёқаси қизартириб юборган бўйин ўзидан четлаторди. Йигитнинг дағаллиги қизни чўчитарди. Ҳар бир қўпол сўз қизнинг қулоғига ҳақоратдек эшитилар, унинг ҳаётининг ҳар бир қўпол тафсилоти қизнинг ҳиссиятини таҳқирлар эди. Лекин шундай бўлса ҳам қандайдир, ниҳоятда даҳшатли бир куч қизни унга жазб этарди. Қизнинг онгига мустаҳкам ўрнашиб олган нарсалар, бирданига тебрана бошлади. Йигитнинг романтика ва саргузаштларга бой ҳаёти унинг учун одат тусини олган барча шартли тасаввурларни остин-устун қилиб юборди. Қиз унинг кулгисини, хатарли ҳодисалар ҳақидаги қувноқ ҳикояларини тингларкан, ҳаёт энди унга асло жиддий ҳам, машаққатли ҳам бўлмай қолди, билъакс, у ҳаёт гўё бир ўйинчоққа ўхшардики, уни ўйнаб, ҳар томонга айлантириб қўришдан лаззат олиш ва ҳеч ачинмасдан қурбон бериш мумкин эди. «Мана, сен ҳам ўйна,

– дерди унга дохилдан чиққан овоз, – унинг бағрига суқил, агар истасанг, бўйнидан қу-чоқла». Қиз бу истакларнинг нечоғлик беанди-шалигидан ҳайратга келди, лекин у ўзини, ўз маъсумалиги, маданияти, хуллас, ўзини йигит-дан ажратиб турган барча хусусиятлар ҳақида қанча ўйламасин, барибир, бефойда эди. Руфъ атрофида ўтирганларга назар ташлаб, улар-нинг ҳам Мартинга маҳлиё бўлиб қулоқ сола-ётганини кўрди, лекин қиз онасининг кўзида ҳам даҳшат аломатини, завқ аралаш бўлса ҳам, ҳар ҳолда, даҳшат аломати борлигини пайқади ва бу ҳол қизга мадад берди. Ҳа, бу зулматдан чиққан одам – балойи азим. Онаси ҳам шуни кўриб турибди, демак, шу тўғри. Руфъ доимий одати бўйича ҳозир ҳам онасининг сўзига қу-лоқ солишга тайёр эди. Мартиннинг ўтли ҳарорати қизни иситмай қўйди, унинг таъсирида туғилган даҳшат ҳам кучини йўқотди.

Овқатдан сўнг қиз пинҳона эътиroz билдириш ва икковларини ажратиб турган жар-ликни онгсиз равишда яна ҳам кенгайтириш истагида унга рояль чалиб берди. Қиз чалган мусиқа Мартинни эсанкиратиб қўйди, бошига тушган кучли бир зарбадек таъсир этди, лекин эсанкиратиб зарба бериш билан бирга қалбини ҳам уйғотди. У魯фга эҳтиром билан боқарди. Мартин ҳам Руфга ўхшаб, ораларидағи жар-лик янада кенгайганини ҳис қилди, аммо шун-га қарамай, Мартинда бу жардан ҳатлаб ўтиш истаги ҳам тобора ортиб бораради. У шу қадар серзавқ ва серғайрат йигит эдик, ораларида пайдо бўлган бу жарликка, яна боз устига, мусиқа садоси янграб турган пайтда муте одам-лардай жимгина мўлтираб ўтира олмасди. Му-

сиқа унга доим жуда күчли таъсир қиласырди. У худди ўткір шароб сингари қонини қыздыраар, кайфини ошираар ва осмони фалакка учиреб олиб кетарди. Унинг елкасида гүё қанот ўсиб чиққандай бўларди. Манфур воқелик ўрнини нафосат ва файритабиий нарсаларга бўшатиб бериб, ўзи ғойиб бўларди. Мартин Руфнинг нима чалаётганини тушунмасди, албатта. Бу мусиқа садоси Мартин матрослар базмидаги эшитган бузуқ пианинонинг овозига ёки оркестрнинг қулоқни кар қилувчи зил овозига асло ўхшамасди. Лекин у баъзи-баъзида китобларда шундай мусиқа борлиги ҳақида ўқирди, шунинг учун Руфъ чалаётган мусиқада ўзи эшитиб одатланган оддий ва аниқ бир оҳангни илғаб ололмай, уни шу ҳолиша инобатга олаверди. Онда-сонда у оҳангдор куй эшитиб қолгандаи бўлар ва кўз олдида жонланган қатор образларни шу оҳангга мослаштиришга шайланарди, лекин шу оннинг ўзида аралаш-куралаш товушлар оламига тушиб гаранг бўлар ва унинг тасаввуридаги ўйлар, таянчини йўқотган оғир буюмдек ночор ерга гурсиллаб тушарди.

Ҳатто бир марта Мартиннинг хаёлига, бу қиз мени мазах қилмаяптымикин тағин, деган фикр ҳам келди. Қизнинг чалишида адоварат борга ўхшаб туюларди, шу сабабли у қизнинг пианино клавишларига урилаётган қўллари нима демоқчи бўлаётганини англашга ҳаракат қиласырди. Лекин бу номақбул мулоҳазани шоша-пиша миясидан ҳайдади ва эркинлик билан ўзини мусиқа ихтиёрига топширишга уринди. Бояги шавқ-завқ уни яна секин-аста қамраб олди. Унинг оёқлари гүё ердан узилгандек, жисми руҳга айлангандек, кўз олдида

нурга гарқ бўлган ажиб бир манзара намоён бўлгандек туюлди. Атрофидаги бутун борлиқ кўздан фойиб бўлди, у энди кўп замонлардан бери ўзи орзу қилиб юрган номаълум бир олам узра парвоз қилиб юради. Кўздан нари кетмайдиган бу манзарада барча таниш ва таниш бўлмаган нарсалар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. У номаълум жазира маамлакатларнинг гаванларига тушар, ҳеч кимга маълум бўлмаган ёввойи қабилаларда яшовчи қишлоқларнинг гавжум майдонларида тентираб юради. У яна жазира маамлакатларда денгизда сузиб юрганида одатланган жануб оролларининг хушбўй ҳидларини ҳис қила бошлиди, яна узунданузун тропик кунлари фируза уммон сатҳида гоҳ йўқолиб, гоҳ яна қалқиб чиқувчи хурмо дарактлари билан бурканган маржон қоялар ораларида гармсеп билан олишарди. Манзаралар гўё хаёлдек тез пайдо бўлар ва тезда кўздан йўқоларди. Гоҳ Аризонанинг қуёшда қовжираган саҳросида от чоптириб борар, гоҳ бир зумдан кейин чўғдек қизиган ҳавонининг ҳарир пардаси орқали Калифорниянинг Ажал водийсидаги оқ даҳмага назар ташлар ёки улкан муз парчалари қуёшда ярқираб ётган Муз океани тўлқинлари устида эшкак солиб бораарди. Гоҳ Маржон оролида денгиз тошқинининг бир меъёрдаги шовиллашига қулоқ солиб, кокос пальмаси соясида ётарди. Фалокатга учраган эски кеманинг ускунаси кўкимтири алангана олиб ёнар ва шу сирли ўт шуъласида ашулачилярнинг серзавқ хонишлари, Гавай гитарасининг садоси ва там-тамларнинг дўпир-дўпирни остида раққослар «гулу» рақсига ўйинга тушарди. Кишини лоҳас қилувчи тун ҳар ёқни чулғаб ол-

ган. Узоқда, юлдузлар чарақлаган осмон остида, вулқон күланкаси гавдаланаарди. Сүлгин ой одамлар боши узра аста-секин сузиб борар, уфқда замин ва само қарийб туташган жойда эса тарози юлдзуи чарақларди.

Мартин гүё Эол арфасига⁵ айлангандек бўлди. У ўз ҳаётида кўриб, бошидан кечирган нарсалар арфанинг торлари, мусиқа эса – шу торларни тебратаетган шамол эдиким, бу торлар титраркан, хотираларни уйғотиб, янги орзуларни туғдиради. У шунчаки ҳис қилибгина қолмасди. Унинг ҳар бир туйғуси муайян бир шакл ва ранг касб этар ва аллақандай гаройиб ва сирли йўл билан образларга айланар эди. Ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак бир-бирига қоришиб кетар; у бепоён, жазирама ва гўзал ўлкаларга парвоз қиласи, қизга мұяссар бўлиш учун буюк қаҳрамонликлар кўрсатарди. Мана у орзусига эришди, қизга мұяссар бўлди, уни ўз бағрига босиб, энди хаёл ўлкаси сари олиб кетади.

Руфъ елкаси оша Мартинга қараб, унинг юзидан нимани ҳис қилаётганини билиб олди. Йигитнинг юзи ҳозир бутунлай бошқа одамнинг юзига ўхшар, катта-катта ўтдек чақнаб турган кўзлари тикилиб гүё мусиқа садоси пардасини тешиб ўтиб, у ердаги жўшқин ҳаётини ва унинг баҳайбат шарпаларини мушоҳада қилаётгандай эди. Қиз ҳайратга келди. Қўпол, бесўнақай йигит фойиб бўлгандай эди. Беўхшов тикилган костюм, яра-чақа қўллар, офтобда қорайган юз ҳамон қизнинг кўз олдида турарди-ю, лекин энди буларнинг ҳаммаси унга фақат қамоқхона панжарасидек гап эдики,

⁵ Эол арфаси (грек) – торлари шамол эсишидан чалинувчи афсонавий чолгу.

қиз бу панжара орқасида ожиз ва лол қолган буюк қалбни кўрди; у шунинг учун лол эдики, бу қалб ҳис этган нарсаларни ифода этишга қодир сўз тополмас эди. Лекин бу манзаралар Руфнинг кўз олдида бир зумгина намоён бўлди-ю, сўнг яна бесўнақай йигит гавдаланди. Шунда қиз ўзининг хом хаёлларидан кулиб юборди. Бироқ ана шу бир зумлик таассурот хотирада сақланиб қолган эди, шунинг учун Мартин Руфъ билан хайрлашгани унинг олдига ўнгайсизлик билан яқинлашганда, у йигитга Суинберн ва Браунингнинг китобини берди – у инглиз адабиётидан ҳозир Браунингни ўтаётган эди. Мартин унинг қаршисида туриб, фўлдираб миннатдорлик билдиаркан, бирданига қизнинг кўзига кичкина боладек туюлиб кетди ва қизда унга нисбатан беихтиёр оналик меҳри ва шафқат ҳисси уйғонди. Энди Руфъ қўпол йигитни ҳам, унинг асир бўлган қалбини ҳам, қизни ҳаяжонлантириб ва айни вақтда ўз қараши билан саросимага солиб, эркакчасига тикилиб турган бу йигитни ҳам унутиб юборди. Ҳозир қизнинг қаршисида фақат гўдак бир бола турарди, бу бола унинг қўлинин метиндек қаттиқ ва дағал қўли билан сиқаркан, дудуқланиб дерди:

– Бугун умримда энг ажойиб кун бўлди. Биласизми, буларнинг ҳаммасига, – у паришонлик билан атрофга аланглади, – бундай кишиларга, бундай уйларга унча одатланмаганман. Буларнинг ҳаммаси мен учун тамомила янги... булар менга ёқади.

– Умид қиласманки, бизникига яна келасиз, – деди қиз, Мартин унинг акалари билан хайрлашаётганда.

Мартин кепкасини бостириб кийди, остоңа-га қоқилиб кетиб, ташқарига чиқди.

– Хүш, сенга ёқдими у? – деб сўради Артур.

– Жуда ғалати йигит экан. Биз учун у мисоли шабада эсиб келгандек бўлди, – деб жавоб қилди қиз. – Ёши нечада унинг?

– Йигирмада, яқинда йигирма бирга кира-ди. Бугун сўровдим. Бунчалик ёш деб сира ўй-ламаган эдим.

«Демак, мен ундан роса уч ёш катта экан-ман-да», – деб ўйлади Руфъ акаларини ўпид, уларга тинч уйқу тилар экан.

УЧИНЧИ БОБ

Мартин Иден зинадан тушиб, қўлини чўнта-гига тиқди ва шоли қипигидан ишланган бир парча сарғиш қофоз билан бир чимдим Мек-сиқа тамакисини олди-да, папирос ўради. У ҳузур қилиб тамаки тутунини ичига ютди ва аста-секин оғзидан чиқара бошлади.

– Вой, жин ургур-э! – деди у, шу хитобнинг ўзида ҳам ажабланиш, ҳам завқ-шавқ мавжуд эди. – Вой, жин ургур! – деб тақрорлади у ва бир оз сукутдан сўнг яна фўлдиради: – Вой, жин ургур! – кейин кўйлак ёқасини ечиб олиб, чўнтағига тиқиб қўйди. Совуқ ёмғир савалаб ёғарди, лекин Мартин атрофида ҳеч нимани пайқамай, бош яланг, камзулининг олди очиқ кетиб бораради. Ёмғир ёғаётганини сал-пал се-зарди, холос. У ўзини йўқотиб қўйган, ҳозирги-на кўрганларини хаёлан бошдан кечириб, ўн-гида туш кўра бошлаган эди.

Ниҳоят, у ўзи орзу қилган аёлни учратди; рост, аёллар тўғрисида кўп ўйламас эди, чунки

аёллар ҳақида бош қотириш унинг табиатига тўғри келмасди, аммо айнан шундай аёлга дуч келишни, унча аниқ бўлмаса ҳам, доимо умид қиласарди. Мартин у билан бир столда ёнма-ён ўтирди, унинг қўлларини сиқди, кўзларига тикиларкан, гўзалликда шу кўзларнинг ўзига teng, шу кўзларда акс этиб турувчи қалбининг латофатини, руҳининг маскани бўлмиш нафис вужудни кўрди. Лекин Мартин қизнинг жисми ҳақида ўйламасди – бу унинг учун янгилик эди – чунки шу пайтгача аёллар ҳақида фақат шундай ўйларди. Аммо Руфнинг жисми тамомила файритабиий бир жисм эди; гўё бу бадан ҳатто оддий жисмоний хасталикларга мубтало бўлмайдигандек туюларди. Бу жисм қиз руҳининг масканигина эмас, айни вақтда, қиз руҳининг зуҳури, илоҳий моҳиятнинг энг мусаффо, энг латиф ифодаси эди. Бу узвий таассурот Мартинни ҳайратга келтирди ва унинг хаёлларини елдек совуриб, диққатини бир қадар жиддий фикрларга жалб қилди. Шу чоққача илоҳиёт масаласига доир на бир оғиз сўз, на бирон мулоҳаза, на биронта ишора унинг кўнглига таъсир қилган эди. Мартин илоҳий кучга ҳеч ишонмас эди. У ҳеч қачон диндор бўлган эмас ва инсон руҳининг боқийлиги ҳақида ваъзхонлик қилувчи руҳонийлар устидан бегараз кулиб юрарди. «У ерда ҳеч қандай ҳаёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, – дерди у ўзига ўзи, – ҳаёт фақат бу дунёда – у ёғи зулмат». Лекин Мартинга қизнинг кўзида кўринган нарса айнан ўша руҳ, ҳеч қачон ўлмайдиган, боқий руҳ эди. Илгари биронта эркак ё биронта аёл унга боқий ҳаёт ҳақида гапириб, сўзини ўтказа олмаган эди. Лекин бу қиз шу ишни қил-

ди! У йигитга бир нигоҳ ташлашнинг ўзида бу фикрни сўзсиз талқин этди. Қизнинг чеҳраси, унинг рангпар ва жиддий, меҳрибон ва маънодор, фақат фаришталаргагина хос майин ва изтиробли табассум қилиб турган ва йигитнинг тасаввурига ҳам сифмаган иффат нури билан ёритилган чеҳраси ҳанузгача унинг кўз олдида порлаб турарди. Қизнинг мусаффолиги уни ҳайратга келтирди ва довдиратиб қўйди. У яхшилик ва ёвузлик деган нарса борлигини биларди, лекин ҳар бир тирик жоннинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган мусаффолик ҳақидаги фикр ҳеч қачон хаёлига келмаган эди. Энди бўлса, Мартин бу қиз тимсолида шу мусаффоликни, энг юксак эзгулик ва иффатни кўрди, бу фазилатлар мужассами боқий ҳаётни ифодаларди.

Шунда бирдан уни ана шу боқий ҳаётга восил бўлиш ҳаваси қамраб олди. У Руфдек қизнинг қўлига ҳаттоқи сув қуишига ҳам лойиқ эмаслигини жуда яхши биларди; у билан бутун кеч ёнма-ён ўтириб суҳбатлашганининг ўзи ҳеч кутилмаган афсонавий бир баҳт эди, албатта. Бу баҳтга мұяссар бўлмоқ учун, у ҳеч қандай заҳмат чеккани йўқ. У бундай баҳтга лойиқ эмас эди. Мартин диний кайфиятга берилиб кетди. У мўмин ва қобил, фидойиликка ва бошига тупроқ сочишга тайёр бўлиб қолди. Гуноҳкор банда бундай вазиятда тавба-тазарру қиласи. Унинг гуноҳкорлиги фош бўлди. Лекин ҳар қандай осий банда қилган гуноҳдари учун тавба қилиб, изтироб чекиб, роҳатга эришганидек, Мартин ҳам қизга эришиш учун имкон берувчи баҳтни ўз қаршисида кўриб турарди. Лекин эришиш тўғрисидаги фикр аллақандай

туман билан қопланган ва хаёлга келадиган одатдаги фикрларга асло ўхшамасди. Иззатталаб орзулар Мартинга қанот бахш этар, унинг тасаввурида икковлари руҳ осмонида парвоз қилиб юргандек, жамики гўзаллик ва ҳузур-ҳаловатдан биргаликда баҳраманд бўлаётгандек, қиз билан ҳамдардлашаётгандек эди. Бу барча қўполликлардан озод бўлган қандайдир руҳий васл эди, ўзи охиригача ҳеч тушуниб ета олмаган озод кўнгиллар ҳамрозлиги эди. У бу ҳақда ўйламасди ҳам. Умуман, ҳеч нима тўғрисида ўйламасди. Унинг туйғулари идрокидан устун чиқаётган эди, натижада у ўзини илгарилари ҳеч қачон бошдан кечирмаган туйғулар ихтиёрига топшириб, олийжаноб ва нафис туйғулар дарёсида оқимга қараб сузуб борар ва тобора ҳақиқий ҳаётдан узоқлашарди. У худди маст кишидек гандираклаб борар ва эшитилар-эшитилмас фўлдиради:

– Вой, жин ургур! Вой, жин ургур!

Муюлишда турган полисмен унга шубҳали назар ташлаб, оёқ олишидан матрос эканлигини билди.

– Қаерда уриб олдинг? – деб сўради полисмен.

Мартин Иден шу заҳоти самодан ерга қайтиб тушгандек бўлди. У табиатан жуда зийрак ва вазиятга тез мослаша олиш қобилиятига эга эди. Полисмен чақириши билан дарҳол ўзига келди.

– Салом, – деди кулиб. – Овоз чиқариб ўзим билан ўзим гаплашаётганимни пайқамабман ҳам.

– Яна қиттай отиб олсанг, қўшиқ ҳам айта бошлайсан, – деб полисмен унинг қай ҳолда эканини аниқлаган бўлди.

— Янглишасиз, қүшиқ айтмайман. Гугуртингизни беринг, ҳозироқ трамвайга тушиб, уйимга кетаман.

У папиросини тутатиб олди ва полисменга, «тунингиз хайрли ўтсин», деб нари кетди.

— Буни қаранг-а – деб фўлдиради ўзига ўзи, – бу овсар мени фирт масти деб ўйлади, шекилли! – у жилмайиб қўйди ва: «Ахир мен чинданам мастман-да, аёл кишининг жамоли мени масти қиласди деб ҳеч ўйламаган эдим», деб ўйлади.

У Телеграф Авенюда Берклига бораётган трамвайга сакраб чиқиб олди. Вагонда ёшяланглар кўп эди, улар талабалар ашуласини айтишарди. Мартин уларни завқ билан кузата бошлади. Улар университет талабалари эди. Булар ҳам Руфъ қатнайдиган лекцияларга қатнашар, Руфъ билан бир жамиятга мансуб эдилар. Руфъ билан танишишлари, агар истасалар, уни ҳар куни қўришлари мумкин эди. Аммо улар буни истамаганлиги, бу оқшомни у билан суҳбатда ўтказиш, унинг жамолини завқ ва эҳтиром билан томоша қилиш ўрнига, вақтларини аллақаерларда бекорга ўтказгандари Мартинни ажаблантирди. У кўзлари қисиқ, лаби осилган бир йигитчага назар ташлади. Бемаъни, ахлоқсиз бола бўлса керак, деб ўйлади. Кемада бунақа одам қўрқоқ, ландавур ва чақмачақар бўларди. Ўзининг шу боладан минг марта афзаллигини ўйлаб, Мартин бениҳоя севиниб кетди. Бу фикр уни гўё Руфга яқинлаштираётгандек туюлди. У ўзини бу талабалар билан таққослаб кўра бошлади. Мартин ўзининг бақувват, мускулдор эканини ўйлаб, жисмоний жиҳатдан буларнинг ҳаммаси ҳам менга асло teng кела олмайди деган қарорга

келди. Лекин талабаларнинг мияси илмга тўла, шунга кўра, улар Руфъ билан бир тилда суҳбатлаша олардилар, Мартинни изтиробга солган фикр ҳам айнан шу эди. Аммо менинг миям нима учун яратилган, деб қизишиб ўйлади Мартин. Рост-да, бу талабалар эришган илмга наҳотки у эриша олмаса? Улар ҳаётни китоб орқали ўрганишган, ҳолбуки, Мартин бевосита шу ҳаётнинг ичидаги яшайди. Унинг боши ҳам илм билан лиммо-лим, аммо бу илм бошқа илм эди. Буларнинг қайси бири елкан тортишни, руль бошқаришни, вахтада туришни билади? Ҳаётининг хавф-хатар, мардлик, муҳтожлик ва меҳнат билан тўлган саҳифалари кўз олдидан бир-бир ўта бошлади. У ҳаёт мактабида имтиҳон бераётганида, бошидан кечирган барча машаққатларни эслади. Ҳа, ҳар ҳолда, у ютқазганий йўқ. Вақти келиб, бу талабалар ҳаёт билан тўқнашиб, Мартиннинг бошидан кечирганларини кўрсалар, ажаб эмас. Жуда соз. То улар Мартинга аллақачон таниш бўлган нарсларни ўрганиб олгунча, у китоб мутолаа қилиб, ҳаётнинг бошқа томонларини ўрганиб олади.

Трамвай Окленд билан Беркли ўртасида тез-тез учраб турадиган хароба ерлар ёнидан ўтиб борарди. Мартин Иден трамвай ўзига яхши таниш бўлган икки қаватли уйнинг рўпарасига келишини кутиб турарди. Бу уйнинг олдига «Хиггинботамнинг чакана савдо дўкони» деб тумтароқли пешлавҳ осилган эди. У шу уй олдида трамвайдан сакраб тушди ва бир дақиқача пешлавҳга тикилиб турди. Унга ёзилган сўзларнинг тагида кўп маъно бор эди. Бу ҳарфлардан гўё пасткашлиқ, худбинлик ва разиллик ҳиди анқиб турганга ўхшарди. Бернард

Хиггинботам опасининг эри, Мартин унинг феълини жуда яхши ўрганиб олган эди. Мартин ўз калити билан эшикни очди ва зинадан уйнинг иккинчи қаватига чиқди. Поччаси шу ерда яшарди. Дўкон пастда эди, лекин чириган сабзавотларнинг қўланса ҳиди бу ерга ҳам етиб келарди. Мартин зим-зиё йўлакдан ўтиб бораракан, бир гала жиянларидан кимдир унтиб қолдирган ўйинчоқ аравага қоқилиб кетди-да, эшикка ўзини қаттиқ уриб олди. «Хасис, – деб ўйлади у, – уйдагилар пешаналарини фурра қилмасин деб, газга икки цент ортиқча тўлашга қизғанчиқлик қиласди». У эшикнинг бандини тимирскилаб топиб очди-да, ёритилган хонага кирди; у ерда опаси билан Бернард Хиггинботам ўтиради. Опаси эрининг шими ни ямар, эр эса эскирган латта шиппак кийган қоқсуяқ оёқларини узатиб, икки курсини эгаллаб ўтирас ва газета ўқирди. Мартин хонага кирганда, газета оша писмиқ бит кўзлари билан унга еб қўйгудек бўлиб тикилди. Бернардни кўрганида ҳар доим Мартин Иденда файриихтиёрий равишда жирканиш ҳисси уйфонарди. Опасига бу одамнинг нимаси ёқсан экан? Бернард Мартинга аллақандай заҳарли илонни эслатарди ва Мартин уни пошинаси билан эзib ташлагиси келарди. «Бир кун эмас, бир кун уни боплаб тумшуғига тушираман-ку», деб ўзига-ўзи тасалли берар ва фақат шу фикр поччасининг ҳузурида чираб ўтиришга имкон берарди. Ҳозир унинг баджаҳд, ваҳшиёна бит кўзлари ёвузлик билан тикиларди.

– Ҳа, – деб сўради Мартин, – нима бўлди?

– Бу эшикни бўяшганига ҳали бир ҳафтаем бўлгани йўқ, – деди мистер Хиггенботам, у но-

лияптими, ғазабланяптими, билиб бўлмасди, – ўюшмаларнинг қанақа хизмат ҳақи олишини, шилишини ўзинг биласан. Сал эҳтиёт бўлиб юрсанг ҳам бўларди!

Мартин унга жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин бундан ҳеч наф чиқмаслигини тушуниб, фикридан қайтди. У жирканиш туйғусидан ўзини халос этиш ниятида деворда осилиб турган хромолитографияга қаради. Қаради-ю, тажжубланди. Бу сурат ҳамма вақт унга ёқарди, лекин ҳозир уни гўё биринчи марта кўраётгандек бўлди. Бу кулбадаги барча нарсалар сингари шу сурат ҳам учинчи даражали бемаъни бир матах эди. Бирдан унинг кўз олдида ҳозиргина ўзи чиқиб келган уй гавдаланди, шунда у аввалига деворлардаги суратларни, кейин эса, хайрлашув пайтида навозиш табассум билан қўлини сиққан қизни кўрди. У ўзининг қаердалигини, Бернард Хиггинботамнинг шу ерда ўтирганини ҳам унутиб қўйди, фақат номи юқорида зикр этилган жентельменнинг унга:

– Нима, кўзингта арвоҳ кўриндими дейман? – деб берган саволидан кейингина эсини йигиб олди.

Мартин ўзига келди ва поччасининг жоҳил, айёр бит кўзларига тикилиб, бирдан бу кўзлар харидорга мол сотаётган пайтда ялтоқилик билан, мулозамат билан, кўр-кўrona хушомад билан қарашини эслади.

– Ҳа, – деб жавоб берди Мартин, – кўзимга арвоҳ кўринди. Хайрли тун! Хайрли тун, Гертруда!

У эшик томон юрди, йўл-йўлакай чанг босган гиламнинг тахига қоқилиб, сал бўлмаса йиқиляёзди.

– Эшикни қаттиқ ёпма, – деб қичқирди мистер Хиггинботам огоҳлантириб.

Қон Мартиннинг миясига урилди, лекин ўзини тутди ва чиқа туриб эшикни оҳиста ёпди.

Мистер Хиггинботам хотинига «гапим тўғри чиқдими?» дегандай қараб қўйди.

– Маст, – деди у хирқироқ овоз билан пичирлаб, – фирт маст бўлиб келади деб айтувдим-а.

Хотин итоаткорона бош иргатди.

– Тўғри, кўзлари чақнаб турибди, – деб тан олди у, – ёқасиям қаёққадир йўл олибди; уйдан ёқа тақиб чиқиб кетувди. Лекин унчалик кўп ичмагандир дейман.

– Оёғида зўрға турибди, – деб эътиroz билдириди эр, – разм солиб турувдим. Қоқилмасдан бир қадам ҳам қўя олмади. Йўлакда йиқилиб тушишига сал қолганини эшитдингми ўзинг?

– Алисанинг аравачасига қоқилиб кетган бўлса керақ, – деб жавоб қилди хотини, – қоронгида кўрмагандир.

Мистер Хиггинботам хуруж қилиб келаётган фазабига эрк бериб, ўшқира бошлади. У кун бўйи харидорлар олдида камтарлик билан қўл қовуштириб турар ва ниҳоят, оиласи даврасида ўзини кўрсатиш учун кеч киришини кутарди.

– Мехрибон уканг mast деб айтапман сенга!

У ҳар бир сўзни гўё дастгоҳда муҳрлаётган-дек лўнда-лўнда қилиб, ёқимсиз ва қатъий оҳангда талаффуз этарди. Хотини маъюсланиб жим қолди. У ҳамиша пала-партиш кийинадиган, ҳамиша ўз гавдасининг, ишининг оғирлигидан ва эрининг бадфеълигидан тинка-мадори қуриган бақ-бақалоқ, хомсемиз аёл эди.

– Майхўрликда отасига тортди бунинг, – деб гапида давом этди эр прокурорларга хос оҳангда. – Бу ҳам бирорта пастқам ерда ичкиликдан ўлиб кетади. Эсингда бўлсин!

Хотин яна бош иргатди ва чуқур хўрсиниб, ямогини ямашга киришди. Икковлари ҳам Мартинни уйга маст бўлиб келди деб ўйлашганди. Уларнинг қалби ҳар қандай нафосатта нисбатан ҳам бепарво эди, акс ҳолда, бу чақнааб турган кўзлар, лов-лов ёниб турган ёноқлар илк ёшлик муҳаббатининг акси эканлигини тушунган бўлардилар.

– Болаларга жуда яхши ўрнақ кўрсатяптида! – деб мистер Хиггинботам бирдан қичқириб юборди, хотинининг жим ўтирганидан хуноб бўлиб. Баъзан у хотинининг тез-тез эътиroz билдириб туришини истаб қоларди. – Агар яна бир марта шу алфозда келса, уйимдан йўқолсин. Билдингми? Бегуноҳ болалар унинг бадмаст башарасига қараб, ахлоқсиз бўлиб кетишини истамайман! – Мистер Хиггинботам ҳозиргина газетада ўқиган сўзларини гапда ишлатишни яхши кўтарди. – Ҳа, ахлоқсиз бўлиб кетишини. Бошқача таърифлаб бўлмайди буни.

Лекин хотин бояги-боягича фақат хўрсинар, бош чайқар ва ямоқ ямашда давом этарди. Мистер Хиггинботам яна қўлига газетани олди.

– Ўтган ҳафта учун ҳақ тўлаганми ўзи? – деб сўради бирдан, газета оша қараб.

Хотин «ҳа» дегандек бошини эгди.

– Унинг пули бор ҳали.

– Қачон денгиз сафарига жўнаб кетаркан?

– Ҳамма пулинин сарфлаб бўлгандан кейин кетса керак, – деб жавоб қилди хотин. – Дурустроқ кема йўқмикин деб кеча Сан-Францискога ҳам бориб келди. У ёнида пули бор вақтида дуч келган кемага ёлланавермайди. Мулоҳазали йигит.

– Оббо! Палуба шипиргисига кеккайишни ким кўйибди! – Мистер Хиггинботам заҳарханда қилди. Мулоҳазали эмиш! Гапини қара-я!

– Узоқ элларга хазина қидиргани борадиган бир шхуна бор экан. Агар шу шхуна жүнагунча еб-ичиб туришга пули етса, ўшанда кетмоқчи.

– Агар шу ерда ишга жойлашишни хоҳласа, ўзимга аравакаш қилиб олардим, – деди эр, лекин унинг сўзларида хайрихоҳликдан асар ҳам йўқ эди. – Том бўшаб кетди.

Хотин юраги така-пука бўлиб, унга савол назари билан қаради.

– Бугун ҳисоб-китоб қилди. У Каррузерсларга ишга ўтаяпти. Улар кўпроқ ҳақ тўларкан. Мен унча тўлолмайман.

– Ана, кўрдингми! – деб чинқириб юборди хотин. – Айтмовдимми сенга. Иши оғир бўлса ҳам жуда оз ҳақ тўлардинг унга.

– Менга қара, кампир, – деб жеркиб берди мистер Хиггинботам, – аралашма деб сенга минг марта айтганман. Энди такрорлаб ўтирмайман.

– Менга-қу барибир, – деб мингирилади хотин, – фақат Том яхши болайди-да.

Эр дарғазаб кўзлари билан хотинига ялт этиб қаради. Бу – эрга нисбатан ҳурматсизлик эди.

– Агар уканг ялқов бўлмагандага аравакашликни ўзи қиласарди.

– У овқат билан квартира пулинин вақтида тўлаб турибди, – деб эътиroz билдириди хотин.

– У менинг укам, сендан ҳеч қандай қарзи йўқ, унга тирғилишга ҳаққинг йўқ. Кейин, мен ҳам одамман, сен билан роса етти йилдан бери бекорга бир ёстиқقا бош қўйиб келаётганим йўқ.

– Кечалари китоб ўқийдиган бўлсанг, газ ҳақини тўлайсан деб айтдингми унга? – деб сўради эр.

Миссис Хиггинботам ҳеч нима демади. Унинг фазаби энди сўнган, руҳи эса яна тин-

каси қуриган жасадининг бир бурчига кириб яширинган эди. Эр мамнун эди. У устун чиқди. Унинг мунчоқдек бит кўзлари фаразли севинчдан чақнаб кетди. У хотинини ипакдек мулоим қилишдан беҳад завқланарди; кейин, очифини айтганда, ҳозир бу ҳеч қийин эмас эди, лекин турмуш қуришгандан сўнг дастлабки йиллар эр унга осонликча сўзини ўтказа олмасди, чунки на ҳар йили бола туфиш, на эрнинг муттасил инжиқдиклари ҳали хотиннинг кучини қирқмаган эди.

– Ҳа, эртага айтиб қўй, – деди эр. – Айтгандай, эрталаб Мартенга одам юбориш эсингдан чиқмасин, болаларга қараб туради. Энди, Том йўғида, мол олгани ўзим боришимга тўғри келади, сен дўконда менинг ўрнимда савдо қилиб турасан.

– Эртага кир ювишим керак, – деб эътиroz билдириди хотин қўрқа-писа.

– Вақтлироқ турсанг, ҳаммасига улгурасан...
Мен соат ўнсиз кетмайман.

У жаҳл билан газета саҳифасини айлантириди ва яна ўқишига киришди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Мартин Иден поччаси билан бўлган можародан ҳамон ўзига кела олмай, қоронги йўлакдан пайпаслаб ўз хонасига кириб борди. Бу торги на ҳужрада фақат каравот, чаноқ ва бир курси бор эди, холос. Мистер Хиггинботам шу қадар хасис эдики, хотинининг қўлидан иш келишини билиб, хизматкор аёл ёллашни асло хаёлига келтирмас эди. Бунинг устига, ўша хизматкор турадиган хонани ҳам ижарага қўйиш мумкин

эди. Мартин Суинберн ва Браунингнинг китобларини курсига қўйди, камзулини ечиб қаравотга ўтирди. Каравот пружиналари унинг оғир гавдасидан фижирлаб кетди, аммо Мартин бунга парво қилмади. У ботинкасини ечмоқчи бўлиб энгашган эди, бирдан кўзи рўпарасидаги деворга тушиб қолди-ю, оқланган деворда чакканинг узун-узун доғларидан кўзини узолмай қолди. Шу исқиrt деворда ҳар турли манзаралар гоҳ пайдо бўлар, гоҳ ғойиб бўларди. У ботинкасини ечишни ҳам унутиб, анча вақтгача деворга тикилиб ўтирди, кейин лаблари қимиirlади, «Руфъ!» деб пицирлади.

«Руфъ!» Оддий бир товушнинг бу қадар нафис бўлишини Мартин ҳеч қачон ўйламаганди. Бу товуш унинг қулоғига мулоийим эшитилар ва у лаззатланиб такрорларди: «Руфъ, Руфъ». Қизнинг исми мисоли тилсум эди, сеҳрли афсун эди; ҳар сафар унинг исмини тилга олганда, Мартиннинг кўз олдида бутун деворни заррин нур билан ёритиб, қизнинг жамоли намоён бўларди. Бу шуъла наинки деворни ёритар, у чексиз уфқ сари қулоч ёзарди, йигит қалби эса ўша ёқларда, олтин водийда қизнинг қалбини ахтарарди. Мартиннинг вужудида мавжуд жамики яхши фазилатлар лава сингари сиртга отилиб чиқди. Қиз ҳақида ўйлашнинг ўзи Мартинда ажиб ҳислар уйғотар, уни самога кўтарар, яна ҳам яхшироқ одамга айлантириб, дилида яна ҳам яхшироқ бўлиш истагини уйғотарди. Бу унинг учун янгилик эди. Мартин аёл киши билан учрашганда ўзини бирон марта бўлсин яхши одам бўлганини ҳис қилганини ҳеч билмайди. Аксинча, ҳамма хотинлар одатда Мартинни қўпол бир ҳайвонга

айлантирар эдилар. Аммо айнан ўша хотинлар ўзларининг заиф, эзгу туйғуларини унга бахш этардиларки, буни Мартин билмасди. У ҳеч қачон ўзи ҳақида ўйламас, ўзининг аёллар қалбидаги муҳаббат уйғотадиган аллақандай хислати борлигидан ва аёллар айнан шу сабабли унинг эътиборини жалб қилишга астойдил интилишларидан асло бехабар эди. У ҳеч қачон хотин қидирмас, хотинларнинг ўзлари Мартинни қидириб топардилар, лекин баъзи хотинлар шу Мартин туфайли одам бўлиб қолишганини хаёлига ҳам келтирмас эди. Шу чоғгача Мартин аёлларни менсимай, уларга парво қилмас эди, энди билса, ана шу аёллар ўзларининг нопок қўллари билан уни кўпроқ ушлаб туришга интилишаркан. Мартин аёллар ҳақида ҳам, ўзи ҳақида ҳам нотўғри фикрда экан. Лекин бунга унча тушуна олмас, чунки ўзи ҳақида мулоҳаза юритишга ҳали одатланганича йўқ эди, фақат энди, ўзи учун уятдек туюлган нарсани эслаб, чўғдек қизариб кетарди.

У дик этиб ўрнидан турди ва чаноқ тепасидаги пашшалар ўтириб кетган кўзгуга қаради. У сочиқни қўлига олиб, кўзгуни ҳафсала билан артди ва анча вақтгача ўз аксига диққат билан тикилиб қараб қолди. Аслини олганда, у умрида биринчи дафъя ўзини бунчалик диққат билан кузатаётган эди. Унинг кўзлари ўткир ва ўйчан эди, аммо шу пайтгача у ташқи дунёнинг хилма-хил томонларига маҳдиё бўлиб, ўзига назар ташлашга вақт тополмаган эди. Энди у ўз қаршисида йигирма яшар йигитнинг чеҳрасини кўриб турар, лекин бу чеҳра чиройлими, йўқми, ҳал қила олмасди, чунки у ҳали қайси андазага қараб баҳо беришни билмасди.

У кенг ва дўнг пешанаси устидаги бир тутам жингалак қўнғир сочга назар солди. Мартин-нинг жингалак соchlарини хотинлар ёқтиради, улар унинг сочини таталашни ва силашни яхши кўрардилар. Лекин Мартин сочининг у қиз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ деб ҳисоблаб, сочига ортиқ қараб ўтиrmади-да, диққат ва ўйчанлик билан ўз пешанасига тикилди: у гўё ўткир нигоҳлари билан ўз пешанасини тешиб, унинг ичида нима борлигини билмоқчига ўхшарди. У зўр бериб ўзига ўзи савол берарди: «Миям қанаقا ўзи? Бу миям менга нима бера оларкин? Шу миям билан нимага эриша оламан? У қизга муяссар бўла олармикинман?»

Мартин кўпинча, худди қуёш шуъласига фарқ бўлган денгиздек ложувард тусга кирувчи бу қўй кўзларимда қалбим акс этармикин, деб ўзидан ўзи сўрарди. Кўзларим унга ёқармикин, йўқми, деб савол берарди Мартин. У ўз кўзларига четдан туриб, унинг кўзлари билан қарашга уриниб кўрди, лекин бундан ҳеч иш чиқмади. У, одатда, бошқа одамларнинг дилидагини осонлик билан топиб оларди, негаки Мартин у одамларнинг ҳаётини жуда яхши биларди. Руфнинг ҳаёти эса унинг учун бир сир ва мўъжиза эди – Мартин унинг биронта ҳам фикрини билишга ожиз эди. Нима қипти, деди у ниҳоят, кўзларим номусли одамнинг кўзи, уларда на разолат ва на макр бор. У ўз баданинг қоралигидан таажжубланарди, бунчалик қора эканлиги ҳақида ҳеч қачон ўйламаган эди. У енгларини шимариб, тирсагидан юқорироқ еридаги оқ баданини юзининг қоралиги билан таққослай бошлади. Йўқ, у ҳар ҳолда оқ танли одам. Аммо қўллари офтобда хийла қорайган.

Шунда у қўлини букиб, ҳеч офтоб тегмаган ерларини кўришга уринди. У елар жудаям оппоқ эди. Кўзгуда акс этиб турган буғдой ранг юзим ҳам бир вақтлар мана шундай оппоқ бўлган, деган фикр унинг миясига келиб, кулиб юборди; ўз баданининг Мартинникидек оқлиги (офтоб тегмаган ерлари, албатта) билан мақтана оладиган аёллар дунёда жуда камдан-камлиги унинг хаёлига ҳам келмас эди.

Агар Мартин аччиқланган чоғларида эҳтирос уйғотадиган лабларини маҳкам қимтиш одати бўлмагандай эди (бу одат унинг қиёфасига аллақандай қаҳрли, қарийб зоҳидларга хос кескин тус берарди), унинг оғзи суратдаги малаклар оғзига ўхшаб кетарди. Бу жангчи ва ошиқнинг дудоқлари эди. Бу дудоқлар ҳаётнинг бутун лаззатини тотиб кўрган, аммо зарур бўлган чоғда амирона бир қиёфага кириши ҳам мумкин эди. Мартиннинг ияги ва бироз салобатли пастки жағи бу амирона қиёфани таъкидларди. Ундаги куч эҳтиросини мувознатда сақлаб туарди, шунинг учун ҳам соғлом гўзалликни ёқтирар ва соғлом туйгуларгагина бериларди. Ҳали бирон марта ҳам тиш докторининг ёрдамига муҳтож бўлмаган соғлом тишлари лаблари орасида йилтиллаб кўринарди. Тишлари оппоқ, бақувват ва теп-текис эди – Мартин тишларини синчиклаб кузатгандан кейин шу қарорга келди. Лекин шу заҳотиёқ хижолат чекди. Хотирасининг аллақайси бир ерида, баъзи одамлар ҳар куни тишларини тозалайдилар, деган гира-шира фикр пайдо бўлди. Ўша тишини тозалаб турувчилар киборлар даврасига, қизнинг даврасига мансуб одамлар эди. Қиз ҳам, эҳтимол, тишини ҳар куни тозалаб

туар. Агар у Мартин умрида бир марта ҳам тишини тозаламаганини эшитса, нима деб ўйлаган бўларди. Мартин эртагаёқ тиш чўткаси сотиб олиб, ҳар куни тиш тозалашни одат қилмоқчи бўлди. Фақат жасорат кўрсатиш билан у қизни мафтун қила олмайсан. Мартин ўзининг ташки қиёфасида тиш тозалашдан тортиб, қотирма ёқа тақиб юришгача (ҳолбуки, қотирма ёқа таққанида ўзини озодликдан маҳрум одамдай ҳис қиласади) ўзгартириш киритиши лозим.

Мартин қўлинин кўтариб, бармоқлари билан қадоқ босган кафтини қашлади, кир териси орасига шу қадар сингиб кетган эдики, уни чўтка билан ҳам қашлаб тозалаш қийин эди. Қизнинг кафтлари қандай! Ҳатто эслашнинг ўзи ҳам кўнгилга хуш ёқарди. Мисоли қизил гул барги сингари нафис, қор парчаси янглиғ сарин ва латиф. Аёл кишининг қўли бу қадар юмшоқ ва нозик бўлишини у ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бундай қўлнинг навозиши нечоғлик ажиди бўларкин, деб ўйлади у ва хаёлининг шундай фикр билан банд бўлганини пайқаб қолиб, уялганидан чўғдек қизариб кетди. Бу ҳаддан ташқари жасурона хаёл эди ва айни вақтда, қизнинг руҳий гўзаллигини таҳқирлаш эди. Ахир у қиз бу оламдан жуда йироқларда парвоз қилиб юрувчи сўлим бир руҳ, шаффоф кўланка эди. Шундай бўлса ҳам, Мартин унинг момиқ кафтлари ҳақидаги хотирани хаёлидан чиқара олмади. У фабрикада ишловчи аёлларнинг ва уй ишлари билан қийналган хотинларнинг қаттиқ, дағал қўлларига одатланиб қолган эди. Ҳа, нима сабабдан уларнинг қўллари бунчалик дағаллигини тушунарди, албатта. Руфнинг қўли... у қўл меҳнат

нималигини билмайди, шунинг учун ҳам нозик ва юмшоқ. Мартин дунёда яшаш учун ишлашлари шарт бўлмаган одамлар ҳам борлиги ҳақида ўйлаган заҳоти Руфъ билан ўзи ўртасидаги жар яна теранлашди. Бирдан унинг кўзи олдида меҳнат нималигини билмайдиган оқсусяклар қиёфаси намоён бўлди. Бу қиёфа исқиরт оқ деворда такаббур ва улуғвор бронза ҳайкал сифатида намоён бўлди. Мартин эсини таниганидан бери муттасил ишларди; унинг ҳамма оила аъзолари ҳам меҳнат билан кун кўрарди. Чунончи, Гертрудани олайлик. Унинг заҳматкаш қўллари кир ювишдан шишиб, худди пишган гўштдек қип-қизарib кетарди. Ё бошқа опаси Мэриенни олайлик. У консерва заводида ишлар, унинг жажжигина чиройли қўллари помидор тўғровчи пичоқдан шилиниб кетган эди. Бунинг устига, ўтган қишида, картон фабрикасида ишлаётганида, қўлининг иккита бармоғини машина олиб кетди. Мартин тобутда ётган онасининг кўксига чалиштирилган ғудруш қўлларини эслади. Мартиннинг отаси ҳам умрининг охирги кунигача меҳнат билан яшади, унинг кафтлари қалин қадоқ билан қопланган эди. Руфнинг эса қўллари нозик, фақат унинг эмас, онасининг ҳам, акаларининг ҳам қўллари нозик. Айниқса, шу ҳол Мартинни ҳайратга солди; бу уларнинг тамомила бошқа тоифадан эканлигининг ёрқин далили, Мартин билан уларни ажратиб турган масофа ниҳоятда йироқ эканлигининг исботи эди.

Мартин аччиқ истеҳзо билан яна каравотга ўтирди ва ниҳоят ботинкасини ечди. У ўзини йўқотиб қўйган эди, аёл кишининг жамомидан, унинг нозик қўлларидан маст эди у. Шу

чоқ түсатдан унинг кўз олдида янги манзара намоён бўлди. У тунда Лондоннинг Ист Энд кўчасида каттакон бир беўхшов бино олдида турарди, ёнида ўн беш ёшлар чамаси ишчи қиз, Маржи. Мартин уни сайдр-томошадан кейин уйига қузатиб қўймоқда. Қиз мана шу улкан молхонага ўхшаган исқирт бинода туради. Мартин қиз билан хайрлашаркан, унга қўлини узатди. Қиз эса ўпишиш учун лабини тутди, лекин Мартиннинг ўпгиси келмади. У қизнинг алланимасидан ҳайиқиб турарди. Шунда қиз ҳаяжон билан титраб-қақшаб йигитнинг қўлини сиқди. Мартин унинг жажжи кафтидаги қадоқларни ҳис қилди-ю, бирдан раҳми келиб кетди. Унинг кўзлари қизнинг ёлворувчи эҳтиросли қўзларига, унинг энди балофатга ета бошлаган заиф гавдасига тушди; бу сиймода аёл кишининг ҳуркак, аммо эҳтиросли туйфулари уйғона бошлаган эди. Шунда қизга раҳми келиб кетди-ю, уни маҳкам бағрига босиб, лабидан бўса олди.

У қизнинг севинч тўла нидосини эшилди; қиз шўх мушук бола сингари Мартиннинг пинжига суқилди. Мурғаккина, нимжон қиз! Мартин узоқ ўтмишда содир бўлган бу лавҳага тикилиб турарди. Ўша вақтда қиз унинг пинжига суқилганида юз берганидек, ҳозир ҳам баданлари жимиirlаб кетди ва ачинганидан юраги эзилди. Бу кўнгилсиз манзара эди; ўша куни ҳаво ҳам булатли, тош кўчанинг ифлос харсангларига кўнгилни фаш қилювчи ёмғир савалаб ёғарди. Лекин шу пайт бирдан деворни порлоқ шуъла ёритиб юборди; олтин соchlарини бошига чамбарак қилиб олган унинг оппоқ чеҳраси Мартиннинг кўз олдида намоён бўлиб, барча

қиёфалар ва лавҳаларни хиралаштириб юборди ва ҳеч эришиб бўлмайдиган олис юлдуз янглиф порлай бошлади.

У курсида ётган Суинберн билан Браунинг китобларини олиб ўпди. Ҳар ҳолда, мени уйига таклиф қилди-ку, деб ўйлади йигит. Кейин яна кўзгуга қараб, ўз аксини томоша қилди-да, баланд овоз билан мағурланиб деди:

– Мартин Иден, эртага эрталаб туриб биринчи қиласиган ишинг – текин қироатхонага бориб, яхши хулқ-атвор қоидалари ҳақида бирон нарса олиб ўқийсан. Тушундингми?

Шундан сўнг у чироқни ўчирди, ўрнига ётаркан, гавдасининг вазминлигидан каравот пружинаси гижирлаб кетди.

– Энг муҳими, Мартин, сен камроқ сўкинишинг керак! Буни қулоғингга қуиб ол!

Шу сўзлар билан аста уйқуга кетди, кўрган туши таряқ чекувчи кишининг хаёлидек журъатли ва файритабиий эди.

БЕШИНЧИ БОБ

Эртасига эрталаб уйқудан уйғонгач, Мартиннинг димогига совун ва кир кийим ҳиди урилди-ю, ширин тушларини унутди. Қулоқлари шу заҳотиёқ оғир ва кўнгилсиз ҳаётнинг бетартиб шов-шувидан қоматга келди. У ўз хонасидан чиқиши билан опасининг бақирган овозини ва аламини тарқатиш учун болаларидан биттасини шапалоқлаб урганини эшитди. Боланинг чинқириғи унинг юрагига тифдек санчилди. Бу ердаги ҳамма нарса, ҳаттоқи ўзи нафас олаётган ҳаво ҳам унга жирканч бўлиб туюлди. Бу муҳит Руфъ истиқомат қилаётган

үйда ҳукм сурган осойишталик ва уйғунликка нақадар зид! У ерда ҳамма нарса күтариңки маънавий руҳ билан суғорилган; бу ерда эса моддий, ниҳоятда қўппол моддий манфаат устун эди, холос.

– Бу ёққа кел, Альфред! – деб чақирди у ийғлаб турган жиянини ва ён чўнтағига қўлини тиқди. У пулга бефарқ эди, бу унинг қўли очиқлигини кўрсатарди. У боланинг қўлига йигирма беш центлик танга тутқазди-да, уни овутиш учун қўлига олди.

– Қани энди физилла, «чайнамай шиминг» олиб, ака-укаларинг билан бўлашиб егин. Лекин оғизда тез эрийдигани бўлмасин.

Мартиннинг опаси кир тогора тепасида бир зумгагина қаддини ростлаб, унга ўгирилди.

– Ўн цент берсанг ҳам етарди, – деди у, – пулнинг қадрига ҳеч етмайсан-да. Энди у бўкиб қолгунча ейди.

– Ҳечқиси йўқ, – деб шўх оҳангда жавоб қилди Мартин. – Менинг пулим ўз қадрини ўзи билади. Ўзинг яхши ётиб турдингми, опа, агар унчалик банд бўлмаганингда, худо ҳаққи, сени ўпип олган бўлардим.

У опаси билан ширинсўз бўлгиси келарди; бу кўнгли юмшоқ аёл укасини ўзига хос тарзда яхши кўрарди – буни Мартин биларди. Рост, вақт ўтиши билан Гертруда аввалги қиёфасини тобора йўқотиб, жагига суюниб, серзарда бўлиб қолган эди. Бу ўзгаришга оғир меҳнат, оиланинг катталиги ва эрининг бадфеъллиги сабаб бўлса керак, деган қарорга келди Мартин. Бирдан, шунча йилдан бери опамнинг баданига ачиған сабзавот, магзава ва ўзи пештахта олдида туриб санайдиган, қўлдан қўлга ўтавериб кир бўлиб

кетган чақаларнинг қўланса ҳиди уриб қолибди, деб ўлади.

– Ундан кўра кириб нонуштангни қил, – деди опаси сиртдан аччиқлангандай кўринса ҳам, ичида хурсанд бўлиб. Унинг дарбадар укалари орасида Мартин энг севимлиси эди.

– Қани, берироқ кел, сени бир ўпид қўяй, – деб илова қилди опаси ийиб кетиб.

У аввал бир қўлидан, сўнг иккинчи қўлидан совун кўпикларини бармоқдари билан сидириб ташлади. Мартин унинг йўғон белидан қучоқлади-да, терлаб кетган нам лабларидан ўпди. Опасининг кўзларида ёш пайдо бўлди; наинки зўр ҳиссиёт таъсиридан, балки муттасил ҳоргинлик оқибатида содир бўладиган ожизликдан кўзига ёш келган эди. У Мартинни итариб юборди, лекин Мартин опасининг кўзлари ёшланганини барибир кўриб қолди.

– Овқат печкада, – шоша-пиша деди опаси.
– Жим ҳам ўрнидан турган бўлса керак. Бугун кир юваман деб, каллаи саҳарлаб турдим. Тезроқ бориб овқатингни егин-да, уйдан чиқиб кет; бугун уйда жудаям иш кўп. Том кетиб қолди чоғи. Энди Бернардинг ўзи арава қўшиб молга боради.

Мартин юраги эзилиб ошхонага йўл олди. Опасининг қизариб кетган юзи ва бутун исқириқ қиёфаси унинг кўз ўнгидан нари кетмас эди. Агар опамнинг вақти бўлганда, мени эркалаган бўларди, деб ўлади Мартин. Лекин у ишлаб толиқади. Бу Бернард Хиггинботам фирт ҳайвон экан, опамни ҳеч аямай ишлатгани-ишлатган. Айни вақтда, опамнинг ўпишида ҳеч қандай гўзаллик йўқ, деган фикр ҳеч Мартиннинг хаёлидан кетмасди. Рост, унинг

ўпиши ғалати. Опаси жуда кўп йиллардан бери уни фақат денгиз сафарига кузатаётганда ёки сафардан қайтганда, кутиб олиб, ўпарди. Аммо бу ўпишда совун кўпигининг мазаси бор эди, лаблари эса сўлиб бурушган эди. Бу лаблар, ўпишга тайёрланган лабга ўхшаб, лабларга тез ва чиппа ёпишмасди. Ҳолбуки, бу – қандай ўпишишни унутиб юборган, меҳнатдан жуда ҳориган аёлнинг бўсаси эди. Мартин, беихтиёр, опасининг турмушга чиқмасдан олдин кун бўйи ишлаб, кечаси билан тинмай рақс тушишини, эрталаб яна худди ҳеч нима бўлмагандай, тўппа-тўғри рақсдан ўз кирхонасига ишга жўнашини эслади. Шунда Мартиннинг эсига яна Руфъ келди, унинг лаблари ўзи сингари маъсума бўлса керак, деб ўйлади йигит. Унинг қараши тетик, қўлни қаттиқ сиқиб са-мимиий кўришади, бўсаси ҳам шундай бўлса керак. У журъат этиб, ҳатто қизнинг дудоқла-рини ўз дудоқлари билан туташаётганини та-саввур қилди. Бу манзарани шундай аниқ та-саввур этдики, боши айланиб кетди. Мартин муаттар ҳиди билан кишини маст қилувчи атиргул баргларидан ташкил топган булат пар-часи устида оҳиста парвоз қилиб кетаётгандай ҳис қилди ўзини.

Ошхонада Мартин Жимни учратди, у ҳам опасиникида ижарага яшарди. Жим бўшлиқقا маънисиз лоқайд тикилиб, сули ёрмасидан пиширилган бўтқани баҳузур еб ўтиради. У чи-лангар шогирди эди; ияги ялқов табиатлиги ва иродасизлигидан дарак берар, иродасизлиги бир қадар ақдий қолоқлиги билан қўшилиб, яшаш учун кураш жараёнида муваффақият қозонол-маслигидан хабар берарди.

– Нега емаяпсан? – деб сўради у Мартиннинг яхши пишмаган ва совиб қолган сули бўтқасини истар-истамас ковлаб ўтирганини кўриб. – Ё, кечак яна ичиб келувдингми?

Мартин «йўқ» дегандай бош чайқаб қўйди. Атрофидаги нарсаларнинг фақироналигидан кўнгли хаста эди. Энди Руфъ Морз ундан яна ҳам узоқлашиб кетгандек бўлди.

– Мен роса ичибман, – деди Жим асаб билан тиржайиб, – ўзим ҳам фирт маст бўлиб қолибман. Оҳ, жуда қулинг ўргилсан қиз экан-да! Мени уйга Билл судраб келди.

Мартин «эшитяпман» деган маънода бош иргаб қўйди, ҳамсуҳбатининг ким бўлишидан қатъий назар, гапига эътибор бермаётганини шу йўсинда намойиш қиласиган файришуурый одати бор эди унинг. Кейин у ўзига илиб қолган қаҳва қўйди.

– Бугун «Нилуфар»га рақс тушгани борамизми? – деб сўради Жим. – Пиво бўлади. Темескалдан йигитлар келишса, муштлашиш бўлмай иложи йўқ. Мен, албатта, парво ҳам қилмайман бунга. Барибир, қизимни бошлаб бораман. Уф!.. Оғзим жудаям бемаза бўлиб кетибди-да. Нима бало бўлди ўзи!

У афтини бужмайтириб, бир қултум қаҳва билан шоша-пиша оғзини чайиб ташлади.

– Сен Жулияни танийсанми?

Мартин бош иргади.

– У ҳозир мен билан юрибди, – деб тушунтирди Жим. – Қиз эмас, жудди попук дейсан! Сен билан таништирардим-у, лекин ўзингга оғдириб оласан-да. Нимага қизлар нуқул сенга осилишаркин, ўлай агар тушунсан. Ҳар қанақа қизни ҳам бир боқишида ўзингга оғдириб

олганингни кўрсам, шунақаям алам қиладики кишига.

– Сенинг битта ҳам қизингни ўзимга оғдириб олганим йўқ ҳали, – деди Мартин лоқайдик билан. – Нонушта қилиб бўлмагунингча, барибир кетмайсан дейман.

– Нега энди, – деб эътиroz билдириди Жим, – Мэгги-чи?

– Э, у билан ҳеч қандай алоқа қилмаганман. Ўша сафардан кейин у билан ҳатто рақсга ҳам тушмаганман.

– Ана шунақа-да, – деб юборди Жим, – сен у билан фақат рақсга тушиб, бир-икки марта кўз қирингни ташлаб қўйгансан-у, қиз тайёр бўлган-қолган! Эҳтимол, кўнглингга ҳеч нима келмагандир ҳам. Аммо у ўшандан кейин менга қиё ҳам боқмай қўйди. Қачон қарасанг, фақат сени сўрайди. Агар хоҳласанг, сен билан дарров учрашишга рози бўларди.

– Лекин мен учрашишни хоҳдамадим-ку!

– Аҳамиятийи йўқ. Барибир мени истеъфога чиқариб юборди, – Жим Мартинга ҳавас билан тикилди. – Қанақа қилиб ром қиласан-а, Март?

– Уларга унча парво қилмайман, вассалом.

– Бундан чиқди, ўзингни улар билан ҳеч ишинг йўқдай қилиб кўрсатаркансан-да, а? – деб суриштиради Жим.

Мартин нима жавоб қилсам экан деб, бир дақиқача ўйлаб қолди.

– Балки, шу ҳам таъсир қилар. Лекин мени чиндан ҳам улар билан ҳеч ишим йўқ. Сен ҳам ўзингни шунақа кўрсатишга уриниб кўр, зора кор қилса.

– Э-сиз, кеча Райлиникида йўқ эдинг-да, – деб юборди бирдан Жим. Унинг гапида на

мантиқ ва на маъно бор эди, – у ерга Фарбий Окленддан Каламуш лақабли бир олифта йигит келувди. Муштлашишни унга чиқарган экан! Йигитларимиздан биттаси ҳам уни йиқита олмади! Ҳамма сенинг йўқлигингга ачинди! Кеча қаёқда дайдиб юрувдинг ўзинг?

– Оклендда эдим, – деб жавоб қилди Мартин.

– Театрдамидинг дейман?

Мартин олдидаги тақсимчани нари суриб қўйиб, эшик томон юрди.

– Хўш, рақс тушгани борасанми? – деб қичқирди Жим унинг орқасидан.

– Ҳа, йўқ, боролмасман, – деди Мартин.

Унда тоза ҳаводан нафас олиш эҳтиёжи туғилиб, зинадан гириллаб пастга тушди-да, кўчага чиқди. Бу хонадон муҳитида унинг нафаси шундоқ ҳам қайтиб кетаётган эди, Жимнинг bemalni safsatalari esa gazablantiriib yobordi. У дик этиб туриб, maҳmadona йигитнинг tumshugini bутқа solingan taқsimchaga tiқmoқчи ҳам bўldi. Жим vaysagan sari, Ruфъ ҳам Martinдан shuncha uzokлаша boшlagan edi. Axir, mana shundai ҳайvonlar orasida yashab turib, bir kунmas bir kун Ruфning visoliga etishiшини umid қилиб bўlарmidi? Ўз қаршисидаги vazifанинг mushkulligi Martinни umidsizlanтиради, у ўз aҳволининг, яъни, iшчилар sinfigidan чиқсан kишининг aҳволи benajot эканлигини xис қила boшlagan edi. Гўё tevaraak-atrofidagi ҳамма нарса, ўзи kўnikiб қолган ҳамма odamlar, ўз ҳаёти bilan bevosita chambarchas bogланган opasi, uning uyi, oиласи, chilanggar Жим – ҳаммалари xarsangtoшдек elkasidan bosib ётар ва қаддини rostlab ўrnidan turishiiga imkon bermasdi.

Унинг учун ҳаётнинг завқи қолмаган эди. Шу пайтгача у ҳаётни қандай бўлса, шундайлиги-ча қабул қилганди. Мартин ҳаётининг яхши-ёмонлиги ҳақида ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмас, фақат китоб ўқиган чоғларидагина бу ҳақда бош қотирар эди. Лекин улар китоб эди, холос, мавжуд бўлмаган ажойиб дунё ҳақидаги ажойиб эртаклар эди. Энди бўлса, ўша дунё – ўртасида Руфь исмли гулжамол турган дунё унинг кўз олдидаги ҳақиқатан намоён бўлди. Энди у бундан буён ҳасрат ва умидсизликка маҳкумдир, бу умидсизлик ниҳоят даражада изтиробли, негаки Мартин умид билан озиқданиб келарди.

Мартин, қайси қироатхонага борсамикин: Берклейдаги оммавий қироатхонагами ё Окленд қироатхонасигами, деб анча вақтгача ўйланиб қолди ва ниҳоят, Окленд қироатхонасига боришга жазм қилди, чунки Оклендда Руфь яшарди. Ким билсин! Қироатхона – Руфга жуда мос жой ва Мартин уни ўша ерда учратиб қолса ҳам ажаб эмас. Қироатхона бўлимларининг қай тарзда жойлашгани унга бутунлай маълум эмас эди, шунинг учун, то ориққина, афтидан, французга ўхшаган бир қиз унга маълумот кутубхонаси юқори қаватда эканлигини айтмагунча, беллестристика китоблари терилган сон-саноқсиз жавонлар орасида сандирақлаб юрди. Стол ортида ўтирган кишига мурожаат қилиш унинг ақдига келмади ва ўзи тусмоллаб юриб, фалсафа бўлими-га кириб қолди. У фалсафа ҳақида китоблар борлигини эшитган эди, аммо бу фан ҳақида шунчак кўп китоб ёзилган деб ҳеч ўйламаган эди. Қалин-қалин жилдалар билан тўлган баланд шкафлар уни босиб қолаётганга ўхшар

ва айни пайтда, унинг тафаккурини ҳаяжонга соларди. Бу ерда мияни ишлатиш учун имконият тўлиб ётарди. Математика бўлимидан кўзи тригонометрияга оид китобларга тушди ва ҳеч маъносиз бўлиб туюлган формула ва чизмаларга анча вақтгача тикилиб қолди. У инглизча сўзларни ўқиди, лекин бу сўзларнинг маъносини сира тушунмасди. Бу қандайдир бошқа тил эди. Норман билан Артур билишарди бу тилни. Уларнинг шу тилда сўзлашганини Мартин ўз қулоги билан эшигтган. Улар эса Руфнинг акалари. Мартин фалсафа бўлимидан ҳафсаласи пир ҳолда чиқиб кетди. Инсоният билимининг бу қадар теран ва чексиз эканлиги ҳеч қачон хаёлига келмаган эди. Шуларнинг ҳаммасини ўқиб улгуармикинман, деб ўйлади-ю, уни қўрқув босди. Лекин бу илмларни ўзлаштира олган одамлар кўп бўлгани эсига тушиб кетди. Шунда у, бошқа одамлар мұяссар бўлган ҳамма илмни мен ҳам ўргана оламан, деб онт ичди.

У бир умидсизликка тушиб, бир завқшавқقا тўлиб, ҳикмат хазиналари жамланган жавонлар орасида тентираб юрди. Умумий бўлимда у Норрининг «Хулоса курси» сини топди. Бу китобни у зўр ихлос билан варақлаб чиқди. Ҳар ҳолда, бу китоб унга қадрдон эди. Чунки муаллиф Мартин сингари денгизчи эди. Кейин у Боудичнинг «Навигация ҳақидаги маълумотлар»ини ва Лекки билан Маршалнинг асарлар мажмуасини топди. Жуда соз бўлди-да! У навигацияни ўрганишга киришади. Ичишни ташлайди, астойдил меҳнат қилиб, капитан бўлади. Шу чоқ Руфъ унга жуда яқинлашгандай бўлиб туюлди. Капитан бўлиб олгандан кейин, агар Руфъ хоҳласа, унга уйланиши мум-

кин. Борди-ю, хоҳламаса – начора, шу қиз туфайли яхши ва бамаъни ҳаёт кечира бошлайди, лекин ичишни барибир ташлайди. Кейин у капитаннинг иккита хўжайини – сугуртачи билан кема хўжайинини эслади, капитан билан уларнинг кўзлаган манфаатлари ҳеч қачон бир-бирлариникига мос тушмас эди: шундан сўнг Мартин, уларнинг ҳар қайсиси уни хараб қилиши мумкинлигини ва хароб қилиши муқаррар эканлигини ўйлай бошлади. У хонага кўз югуртириб чиқиб, ўн минг жилдлик салобатли китоб жавонлари олдида ҳатто кўзлари қамашиб ҳам кетди. Йўқ, дengизга барҳам берилди. Бу ерда, бу сон-саноқсиз китобларда бениҳоя улкан қудрат мавжуд, агар у чиндан ҳам буюк ишларга бел боғламоқчи экан, уларни қуруқлиқда рўёбга чиқариши лозим! Бунинг устига, капитанлар хотинларини ўзлари билан дengиз сафарига олиб боришига ружсат берилмайди.

Туш пайти бўлди. Вақт ўтиб борарди. Мартин овқатни ҳам унутиб, ҳамон китобларнинг номларини ўқиб, ахлоқ қоидалари ёзилган китобни ахтариш билан овора эди. Унинг мияси юқори мартабага эришиш орзусидан бошқа яна энг оддий вазифани ҳал қилиш билан ҳам банд эди: агарда ёш хоним сиз билан хайрлаша туриб, яна ташриф буоришингизни илтинос қилса, қанча вақт ўтказиб бориш мумкин уникига? Ниҳоят, зарур китобни учратди-ю, бироқ ўз саволига бу китобдан ҳам жавоб топа олмади. У ахлоқ қоидаларининг нечоғлик мурракаб ва ранго-ранг эканлигини кўриб ҳайрон қолди, киборлар жамиятида одат бўлган таклифномалар алмашиш қоидалари ҳақидаги

қўлланмаларни ўқийвериб, мияси говлаб кетди ва маъюс бир қиёфада бу ердан узоқлашди. У ўзи қидирган нарсани топа олмади, лекин ҳар жиҳатдан назокатли бўлиш учун жуда ҳам қўп вақт кераклигини ва буларнинг ҳаммасини ўзлаштироқ учун даставвал бутун умр яшаш кераклигини тушунди.

– Қалай, қидирган китобингизни топдингизми? – деб сўради чиқиб кетаётган Мартиндан стол ортида ўтирган киши.

– Ҳа, сэр, кутубхонангиз жудаям яхши экан, – деб жавоб берди Мартин.

У киши бош ирфитиб қўйди.

– Тез-тез келиб туринг. Сиз денгизчимисиз?

– Ҳа, сэр. Яна вақт топиб бир келарман.

«Менинг денгизчи эканимни қаёқдан билдийкин?» – деб сўради Мартин ўзидан ўзи, зинадан пастга тушганда.

Шундан кейин, қўчага чиқиб, бесўнақай чайқалмасдан бир текисда юришга уринди. Яна ўйга толмагунча бу нияти эсида эди, кейин эса ўзининг одатдаги юришини қилиб кетаверди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Мартиннинг вужудини очлик азобига ўхшаш беҳаловат изтироб туйгуси қамраб олганди. У қизни қайта кўриш истагида ўртанаарди, чунки қиз ниҳоятда зўр абжирлик билан Мартиннинг бутун ҳаётини ўзининг нозик қўлларида маҳкам ушлаб турарди. Уникига боришга Мартиннинг юраги бетламасди. Ҳали жуда ҳам вақтли бўлса керак, деган фикрга бориб, назокат қоидалари мажмуасини бузиб қўйишидан

қўрқарди. У Окленд ва Берклей кутубхоналарида бир неча соатлаб қолиб кетарди; у ерда Мартин ўз номига, Гертруда, Мэриен ва ҳатто Жимнинг ҳам номига ёзилиб қўйган эди. Жим бунга Мартин олиб берган пивога роса мириқиб тўйғандан кейин рози бўлди. Мартин шу тўрттала обуначи номига бирталай китоб олди, энди унинг ҳужрасида ҳар куни кечаси тонг отгунча чироқ ўчмайдиган бўлди, мистер Хиггинботам эса бунинг эвазига Мартиндан ҳафтасига яна эллик цент ортиқча ҳақ ола бошлади.

Лекин Мартин ўқиган китоблар уни яна кўпроқ безовта қиласади. Янги китобнинг ҳар бир саҳифаси унинг учун мисоли илм бўстонига кирадиган бир эшик эди. У китобларни ўқиган сари илмга бўлган иштиёқи ҳам орта борди. Бунинг устига, у нимадан бошлаш зарурлигини билмас, шу билан бирга, тайёргарликнинг йўқдиги унга кўп халал берарди, у ҳар қандай китобхон хабардор бўлган энг оддий нарсаларни ҳам билмасди. Мартин ғоят зўр иштиёқ билан шеър ўқишга киришган, лекин бу соҳада ҳам кўп нарсани билмасди. У Суинберннинг Руфъ берган кичик бир тўпламидаги шеърларини ўқиши билан чекланиб қолмади. У шоирнинг «Долорес»ини ҳам ўқиб чиқди ва унга мукаммал тушунди. Руфъ бу асарни тушунмаган бўлса керак, деган қарорга келди у. Бундай нозик, енгил ҳаёт кечирувчи қиз уни қандай ҳам тушунсин? Кейин қўлига Киплингнинг шеърлари тушиб қолди ва китобни ўқиркан, ўзига ниҳоятда таниш нарсаларни бир мақомда жуда оҳангдорлик билан, жозибали тарзда ифодаловчи сатрларга мафтун бўлди. Киплингнинг жамики шеърларига хос бўлган

нарса – ҳаётга муҳаббат, психологик таҳдил Мартинни ҳайратда қолдирган эди. «Психология» Мартин Иденнинг сўз бойлигига кирган янги сўз бўлди. У ўзига изоҳли лугат сотиб олиб, бу билан моддий аҳволини янада мушкуллаштириди ва қуруқликда яшаш муддатини бирмунча қисқартириди; бунинг устига, мистер Хиггинботамнинг ҳам аччиини чиқарди, чунки лугатга тўланган шу пулни ижара ҳақи учун олишни афзал кўрарди.

Кундуз кунлари у Руфъ истиқомат қилиб турган уйга ҳатто яқин йўлашга ҳам журъат эта олмасди, лекин кечалари чироқ ёниб турган деразаларга яширинча кўз ташлаб, ҳатто Руфни қуршаб турган деворларга ҳам суқланиб боқиб, Морзлар уйининг атрофида худди ўгри одамдай тентираబ юрарди. Бир неча марта у Руфнинг акаларига тўқнаш келиб қолди, бир кун эса анча ергача мистер Морзнинг орқасидан эргашиб борди; Мартин уни кузатиб бораркан, муюлишларда, кўча фонусларининг ёруғида Морзнинг юз бичимини ўрганар ва қани энди бу муҳтарам жентельмен ҳозир катта бир фалокатга учраса-ю, бу фалокатдан уни қутқариб қолсам, деб астойдил орзу қиласарди. Бошқа сафар у бирдан иккинчи қават деразаси олдида Руфни кўриб қолди. Қизнинг фақат боши кўриниб турарди, елкаси билан қўлларининг ҳаракатидан соч тарайпти, шекилли деб ўйлади. Бу ҳол фақат бир лаҳзагина давом этди, лекин шу лаҳза ҳам бутун вужудидаги қонни қайнатиб, уни маст қилувчи шаробга айлантириш учун кифоя эди. Тўғри, қиз шу заҳотиёқ дераза пардасини ёпди, лекин Мартин унинг хонаси қаерга жойлашга-

нини билиб олди ва шу воқеадан сүнг ҳар сафар уй рўпарасидаги йўлкадаги дараҳт тагида ҳеч кетини узмай сон-саноқсиз папирос чекиб, соатлаб деразага тикилиб турадиган бўлди. Кунларнинг бирида у Руфнинг онасини кўриб қолди, у банкдан чиқиб келаётган экан, шунда Мартин ўзи билан Руфни ажратиб турган ма-софани ҳеч қандай ўлчов билан ҳам ўлчаб бўл-маслигига яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Руфъ пулинини банкда сақловчилик даврасига мансуб эди! Мартин эса умрида бирон марта ҳам банк остонасидан ҳатлаб ичкари кирма-ган ва бундай маҳкамага фақат жуда ҳам ба-давлат ва қудратли одамларгини кира олади деб биларди.

Мартиннинг ҳаётида том маъноси билан катта ўзгариш содир бўлаётган эди. Руфнинг беғубор ва маъсумалиги Мартинга шундай қат-тиқ таъсир қиласан эдики, энди у тамомила озо-далиқ шайдоси бўлиб қолди. Агар у Руфъ билан ҳамнафас бўлишни истаса, ўзини озода тути-ши лозим. У тишларини тозалар ва идиш-товоқ чўткаси билан тинмай қўлларини қашларди; у магазин ойнасида тирноқ чўткачасини кўриб, унинг нимага ишлатилишини тушуниб олди. Гумашта унинг тирноқларини кўриб, яна тир-ноқ тозаловчи чўтка ҳам тавсия қиласан; шун-дай қилиб, Мартиннинг пардоз ашёлари сони яна биттага кўпайди. У кутубхонадан шахсий гигиена ҳақида китоб олиб келиб, ундан ҳар куни эрталаб совуқ сув билан ювениш ҳақи-даги маслаҳатни ўқиб чиқди. Ўқиб чиқди-ю, Жимни жуда ҳам севинтириб, мистер Хиг-гинботамни эса танг қолдириб, шу маслаҳат-га амал қила бошлади; аммо бундай антиқа

қилиқларга бепарво поччаси, Мартиндан сув учун алоҳида ҳақ олсаммикин, деб жиддий ўйланиб қолди. Тараққиёт йўлида қўйилган иккинчи қадам шимнинг ташвиши бўлди. Бу масалага қизиқа бошлаган Мартин тез орада ишчиларнинг қопга ўхшаб ҳалвираган шимлари билан олий табақа кишилари кийган тиззадан то почагача теп-текис тах тушган шимлар ўртасидаги фарқни дарров аниқлаб олди. Бунинг сири нимадалигига тушунган Мартин дазмол билан дазмол тахтасини олгани ошхонага кирди; лекин дастлабки уриниш муваффақиятсиз чиқди, у шимини куйдириб қўйиб, янги шим сотиб олишга мажбур бўлди, бу ҳол унинг денгиз сафарига жўнаш муддатини яна қисқартириди.

Сиртқи ўзгариш билан масала чекланиб қолмади. У ҳамон папирос чекар, аммо ичкиликни ташлаган эди. Шу чоққача у майхўрликни эркаклар учун энг муносиб машгулот деб билар ва ҳатто ўзининг бақувватлигидан, ароқхўр ўртоқларининг аксарияти маст бўлиб, стол остида думалаб қолганда ҳам ичишни давом эттираверишидан жуда гуурланарди. Сан-Францискода олдинги денгиз сафарларида ҳамроҳ бўлган ўртоқлари кўп эди, учрашиб қолса, ҳали ҳам уларни меҳмон қилас, лекин ўзи учун фақат бир кружка кучсиз пиво ёки занжабил лимонади буюриб, ўртоқларининг истеҳзоларига мулойимгина жилмайиб ўтираверарди. У ичиб маст бўлган ўртоқларининг бора-бора ҳайвондан фарқ қилмай қолишлирини кузатаркан, энди уларга ўхшамаслигидан севинарди. Ўртоқларининг ҳар бирининг ўз дарди бор эди, ичкилик эса мавжуд ҳаётни унутишга, орзу ва хаёллар оламига парвоз қи-

лишга ёрдамлашарди. Лекин Мартинга энди маст қилювчи ичимлик даркор эмас. У жуда қаттиқ маст бўлган вақтлар бўлган эди – у қалбидা муҳаббат туйғусини уйғотган ва янги, гўзал ҳаётга интилиш учун қанот бахш этган Руфдан маст эди; унинг дилида сон-саноқсиз янги орзулар туғдирган китоблардан маст эди; у янгидан одатланган озодалигидан маст эди; озодалик соғломликни илгаригидан ҳам мукаммалроқ ҳис қилишга имкон берди ва бутун вужудини жисмоний ҳаёт қувончидан ҳаяжонланишга мажбур этди.

Бир куни Мартин зора Руфни кўриб қолсам деган умидда театрга борди ва балконнинг иккинчи ярмида ўтириб, чиндан ҳам қизни кўриб қолди. У Артур ва яна қандайдир нотаниш ёш йигит билан партердан кетиб бораради; бу – сочини калта қилиб олдирган, кўзойнак таққан йигит шу заҳотиёқ Мартиннинг дилида ҳаяжон ва рашк уйғотди. Руфъ биринчи қаторга бориб ўтирди, шу пайтдан бошлаб Мартин бутун кеч қизнинг хушбичим елкалари ва узоқдан худди тутун орасидан кўзга чалингандай олтин ранг соchlаридан бошқа ҳеч нима кўрмади ҳисоб. Аммо шундай бўлса ҳам бир-икки марта атрофига аланглаб қараб қўйди, шунда ўзидан бир неча ўрин нарида ўтирган иккита қизни кўриб қолди; у қизлар табассум билан унга ноз-ишва қилишарди. Мартин ҳамма вақт одамга эл бўлиб кетарди, бундай илтифотни эътиборсиз қолдириш одати йўқ эди унинг. Сал илгарироқ, у ҳам албатта жилмайиб жавоб қилган бўларди, кейин илакишиб кетарди. Лекин энди ҳамма нарса ўзгариб кетган. Тўғри, у қизларга жилмайиб жавоб қилди, бироқ шу

захотиёқ юзини тескари ўгириб олди ва улар томонга бошқа қарамасликка уринди. Аммо у қизларни тамомила унуган ҳолда, яна бир неча марта тасодифан уларнинг табассумларига кўзи тушди. Бир кунда ўзгариш жуда қийин, бунинг устига, у табиатан дилкаш ва хушмуомала йигит эди, шунинг учун ҳам қизларга жавобан беихтиёр илжаяр, бегараз дўстона илжаярди. Бу хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси унга таниш эди. Қизлар одатдаги аёллар ўйинини қилаётган эдилар – буни Мартин яхши биларди. Лекин унинг учун энди ҳамма нарса ўзгарган. Ҳув анави ерда, биринчи қаторда дунёда ягона қиз ўтиради, у Мартин мансуб бўлган синфнинг қизларига сира ўхшамас, булар бир-бирига шу қадар ўхшамас эдиларки, Мартинда энди бу қизларга ачинишдан бошқа ҳеч қандай ҳис қолмаган эди. У Руфнинг гўзалиги ва маънавий юксаклигидан ҳеч бўлмаса озгинагина ҳиссасини бу қизларга насиб бўлишини чин юракдан тиларди. Мартин қизларнинг бу қадар дадиллик билан хушомад қилишгани учун ҳеч қачон таъна қилмаган бўларди. Лекин бу хушомадлар уни мафтун қила олмасди; аксинча, бу нарса гўё Мартин мавқеининг пастлигини таъкидлаётгандай туюлардики, бу унинг учун кўнгилсиз бир ҳол эди. Агар у Руфъ яшаб турган муҳитга мансуб бўлганида эди, бу қизлар у билан ўйнашмаган бўларди – буни Мартин жуда яхши тушунади. Шунинг учун қизлар унга ҳар нигоҳ ташлаганда, ўз муҳитининг чайир панжалари уни маҳкамроқ ушлаб, тобора пастга тортаётганини ҳис қиласарди.

Мартин томоша тугашига озгина қолганда, Руфни кўчага чиқаётган чоғида яна бир кўриш

иштиёқида ўрнидан туриб кетди. Театр олдида бекорчи одамлар доим уймалашиб юришарди, шунга кўра, агар кепкани бостириброқ кийилса-ю, битта-яримтанинг орқасига ўтиб турилса, ҳеч ким уни пайқамайди. У деярли ҳаммадан олдин чиқди ва оломон орасига кириб кетди, лекин йўлка ёқасидан ўзига эндиғина қулай жой топган эди, бояги қизлар чиқиб қолишиди. Мартин қизлар уни қидиришаётганини билди, шу чоқ у аёлларни мафтун этувчи кучига лаънатлар ўқиди. Аввалига қизлар ўзларини кўрмаганга солдилар, лекин бу фақат йўли эди – буни Мартин биларди. Қизлар яқинроқ келиб, қадамларини секинлатдилар ва ниҳоят, биттаси Мартиннинг ёнидан ўтиб кета туриб, елкаси билан уни туртиб юборди-да, ўгирилиб уни худди энди таниган одамдай қаради. Бу қадди-қомати келишган, қоп-қора кўзлари айёrona ўйнаб турган қорача қиз эди. Иккала қиз яна унга табассум қилишиди, Мартин ҳам уларга жавобан жилмайди.

– Салом бердик! – деди йигит.

Бу гап мутлақо файриихтиёрий тарзда оғзи-дан чиқиб кетган эди – у кўпинча шу йўсинда танишарди. Очигини айтганда, унинг табиатидаги дилкашлик ва хушфеълик хислатлари унинг бошқача ҳаракат қилишига имкон бермас эди ҳам. Қора кўз қиз шўх ва беҳаёлик билан кулди, дугонасини қўлтиқлаб олиб, тўхтамоқчи эканини билдириди; дугонаси қиқирлаб кулиб қўйди, бу аломати ризо эди. Мартин, ҳозир Руфъ чиқади-ю, мана бу қизлар билан ҳиринглашиб турганимни кўриб қолади, деб қўрқиб кетди. Бунга йўл қўймаслик керак эди.

У худди шундай қилиши керакдай, қора күз томон қадам ташлади ва у билан ёнма-ён юриб кетди. Бу муҳитда у ўзини ўнгайсиз ҳис қилмас, пойма-пой ҳам гапирмасди. Булар билан у ўзини эркин ҳис қиларди, у ўзининг ҳам сўзамоллигини кўрсатиши, ҳам умумнинг тилидан фарқ қиласиган шева билан қизларни оғзига қаратиши, тез ва тасодифий танишишган кишилардек кулиши, оғзига келган ҳамма нарса тўғрисида вайсаши мумкин эди. Муюлишга борганида у орқароқда қолиб, тор кўчага кириб кетишга уриниб кўрди. Лекин қора күз қиз дугонасининг қўлини қўйвормаган ҳолда, Мартиннинг тирсагидан ташлаб қолди ва:

– Тўхта, Билл, – деб қичқирди. – Нега мунча шошмасанг? Ё бизларни ташлаб жуфтагингни ростламоқчисан дейман?

Мартин тўхтади-да, кулиб юзини уларга ўғирди. Орқаларида, кўча фонусларининг чароғон шуълалари остида одамлар дарёдек оқиб келарди. Мартин ҳозир турган ер бир қадар қоронғи эди, шунинг учун ҳам у ўзи панада туриб, агар Руфъ шу ердан ўтгудек бўлса, уни қўриши мумкин эди. У албатта шу йўлдан ўтиши муқаррар эди, негаки унинг уйига шу йўлдан бориларди.

Мартин қора күз қизга ишора қилиб, унинг ҳиринглаб турган дугонасидан:

– Унинг оти нима? – деб сўради.

– Ўзингиз сўрайверинг, – деди у пиқирлаб кулиб.

– Хўш, отингиз нима? – деб сўради йигит қора күз қизга ўгирилиб.

– Ўзингизнинг отингизни айтмадингиз-ку менга! – деб эътироҳ билдириди қиз.

— Ўзингиз сўрамадингиз-да, — деди Мартин жилмайиб, — лекин топдингиз. Менинг отим чинданам Билл! Рост, рост!

— Кўйсангиз-чи! — деди қиз фусункор ва ошкора эҳтиросли нигоҳ билан йигитга узоқ тикилиб. — Йўқ, ростданми? Айта қолинг!

Кейин қиз яна ғамза қилди. Унинг бу қарашида асрлар давомида ўзгармай келаётган бутун хотинлик табиати акс этарди. Шунинг учун Мартин бу ёғи нима бўлишини биларди: энди тавозе билан, кўрқа-писа чекина бошлайди-ю, лекин Мартиндаги таъқиб этувчи оташин эҳтирос сўна бошлиши билан ҳужумга ўтишга шай бўлиб туради. Ҳар не бўлганда ҳам, эркак эмасми, қизнинг дилбар чиройига бефарқ қарай олмасди, кейин, қизнинг эҳтиросли нигоҳлари Мартиннинг иззат-нафсига хуш ёқарди. О, бу қизалоқларни яхши билар, уларни жуда мукаммал ўрганганди! Улар шу табақа қизларининг энг дилбар ва энг ёқимтойлари эди. Оғир меҳнат билан кун кўришга одатланган ва ўз навозишларини пулга сотмайдиган бу такаббур қизлар, эртанги ҳаётга парво қилмасликка ва нажотсиз қотиб қолган меҳнатни ёки яхши ҳақ тўланадиган-у, лекин даҳшатли йўлни, ахлоқий тушкунлик йўлини танлаш муддатини орқага суришга уриниб, бу ҳаёт саҳросида озгина бўлса ҳам баҳтли кун ке-чиришни орзу қиласидилар.

— Билл, — деб жавоб қилди яна Мартин. — Худо ҳақи! Отим Билл, вассалом.

— Ҳазиллашяпсизми? — қайта сўради қиз.

— Ҳечам Билл эмас-да, — деб гапга аралашди иккинчи қиз.

— Сиз қаёқдан биласиз? Мени ҳеч қачон кўрмагансиз-ку.

– Кўрмаган бўлсам нима қипти. Ёлғон гапираётганингизни шундоқ ҳам билиб турибман!

– Хўш, нима, Билми? – деб сўради биринчи қиз.

– Майли, Билл бўла қолсин, – деди Мартин самимият билан.

Қиз унинг елкасидан ушлаб олиб, завқ билан силкиди.

– Ёлғон гапираётганингизни билувдим. Шундай бўлса ҳам дуруст йигит кўринасиз.

Мартин қизнинг пайпаслаётган қўлини сиқди ва унинг кафтида ўзига таниш бўлган чақа ва чандиқ изи борлигини сезди.

– Консерва заводидан кетганингизга анча бўлдими? – деб сўради у.

– Сиз қаёқдан биласиз? Авлиё бўлманг тағин!

– деб чинқириб юборишди иккала қиз.

Мартин қизлар билан бўлар-бўлмас сийқа ҳазил-хузул гап қилиб тураркан, бирдан хаёлан кўз олдида асрлар ҳикматини жамлаган кутубхонанинг кўп қаватли китоб жавонлари намоён бўлди. Йигит бемаврид кўзига кўринган бу манзарадан аччиқ кулиб қўйди ва яна шубҳалар гирдобига гарқ бўлди. Лекин ўзи сафсатабозлик ва хаёл суриш билан банд экан, кўчадан ўтаётган одамлар оқимини кузатишни қўймади. Мана ниҳоят, Мартин фонусларнинг ёруғ нурида уни кўриб қолди, қиз акаси билан кўзойнак таққан нотаниш йигит ўртасида келарди. Мартиннинг юраги уришдан тўхтади. Бу дамни у узоқ кутган эди. У қизнинг виқорли боши атрофида аллақандай енгил ва нафис бир нарса борлигини, сарвдек тик қоматини, хиромон одим отишини, кўчадан ўтиб кетаётган чоғда зўр назокат билан юбкасини хиёл кўтаришини кўришга улгурган эди. Мана,

у ўтиб кетди, Мартин эса фабрикада ишлайди-
ган бу икки қиз билан қолиб, уларнинг тузук-
роқ ясаниш учун зўр бериб уринганлари сези-
либ турган кўйлакларининг бичимига, арzon
ботинкаларига, арzon тасмаларига, дағал бар-
моқларига тақилган арzon узукларига тикилиб
туради. Кимдир унинг қўлига туртди, шунда у:

– Ухламанг, Билл. Сизга нима бўлди ўзи? –
деган овозни эшилди.

– Менга гапирдингизми? – деб сўради Мартин.

– Шундай, ўзим, – деди қора кўз қиз боши-
ни бир силкиб қўйиб. – Шунчаки хаёлимга бир
нарса келди...

– Нима?

– Агар унга ҳам, – деб қиз дугонасига ишора
қилди, – биронта йигит топсангиз ёмон бўлmas-
ди, кейин қахва ичганими, ё музқаймоқ егани-
ми, бирон жойга борардик.

Бирдан Мартиннинг кўнгли айниб, аллане-
чук беҳузур бўлиб кетди. Руфъ ҳақидаги ха-
ёллардан бу мавжуд нарсаларга ўтиш анча
мушкул бўлган эди. Бу қизнинг беҳаёлик билан
очиқдан-очиқ ўзига чорлаётган кўзлари ёнида
Мартин бирдан Руфнинг нур таратиб турган
شاҳло кўзларини, яъни, ниҳоятда олис беғубор
фазодан унга нигоҳ ташлаб турган санамнинг
кўзларини кўриб қолди. Шунда у ўз вужудида
қудратли куч пайдо бўлганини сезди. У булар-
нинг ҳаммасидан юксакда эди. Ҳаёт Мартин
учун орзу-истаклари йигитлар-у музқаймоқ-
дан нарига ўтмайдиган мана бу қизлардан
кўра буюкроқ нарса эди. Аслини олганда, у
илгари ҳам ҳаёлан алоҳида сирли ҳаёт кечи-
рарди. У баъзида фикрларини бошқалар би-
лан ўртоқлашишга уриниб кўрарди, лекин шу

чоққача фикрларига тушуна оладиган биронта ҳам аёлни, наинки аёлни, эркак кишини ҳам учрата олмади. У ўз фикрларини очиқ сўзлаган пайтда гапини тинглаётганлар унга таажжубланиб қаради. Ҳай майли, модомики, унинг фикрлари ўз атрофидаги одамларга етиб бормас экан, демак, унинг ўзи ҳам улардан юксакроқдадир. Ўзини кучли ҳис қилиш Мартинга қувонч бағишларди; у муштларини қисди. Бас, ҳаёт унинг учун муҳим нарса экан, у ҳам ҳаётдан кўпроқ неъмат талаб қилишга ҳақлидир, лекин фақат бу ерда, мана бу одамлар қуршовида эмас, албатта. Бу қора кўзлар Мартинга ҳеч нарса бахш этолмайдилар. Бу нигоҳларда қандай орзулар акс этишини Мартин биларди – бу кўзлар музқаймоқ ва яна баъзи бир нарсаларни орзу қиласди, холос. Ҳолбуки, Руфнинг самовий нигоҳи Мартин интилган жамики нарсаларни ва яна сон-саноқсиз бошқа нарсаларни ваъда этаётган эди. У кўзлар китоблар, суратлар, гўзаллик ва ҳамоҳанглик, олийжаноб ва нафосатли ҳаёт ваъда қиласди. Мартинга тикилиб турган қора кўзларда акс этаётган фикрлар эса унга бутун тафсилоти билан аён. Бу нигоҳ бамисоли соат механизми эди-ю, Мартин унинг ичидаги ҳар бир мурватни мушоҳада қила оларди. Бу кўзлар кишини жондан бездириб, оқибати қабристонга элтувчи қабих, разил эркаклар сари чорларди. У самовий нигоҳ эса ақл бовар қилмайдиган сирларни, боқий ҳаёт мўъжизаларини таҳдил қилишга чорларди. У нигоҳда Мартин қиз қалбининг, шунингдек, ўз қалбининг ҳам аксини кўрарди.

– Дастуриламалда битта хато ўтибди, – деди Мартин баланд овоз билан, – бугун мен бандман.

Қиз ҳафсаласи пир бўлганини яширмай,
ачитиб деди:

– Балки, касал ётган дўстингизни бориб кўр-
моқчидирсиз?

– Йўқ, нега энди... – Мартин тутилиб қолди,
– бир қиз билан учрашишим керак.

– Рост айтяпсизми? – деб сўради қиз жиддий
оҳангда.

Йигит унинг кўзига тикилиб туриб жавоб
берди:

– Ўлай агар, рост. Лекин биз бошқа сафар
учрашишимиз мумкин. Ҳар ҳолда, отингиз
нима ўзи? Қаерда турасиз?

– Отим Лиззи, – деб жавоб қилди қиз Мар-
тинни қўлтиқлаб оларкан, унинг пинжига ки-
риб. – Лиззи Конолли. Уйим Маркет-стрит би-
лан Бешинчи кўчанинг муюлишида.

Улар хайрлашишдан олдин яна бир неча
дақиқа гаплашиб туришди. Мартиннинг тўғри
уйга боргиси йўқ эди. У таниш дараҳт олдига
бориб, унинг деразаси тагида, ўзи одатланган
ерда турди ва ҳаяжон билан пичирлади:

– Мен сиз билан учрашгани келдим, Руфъ.
Бошқа ҳеч ким билан учрашишни истамайман.

ЕТТИНЧИ БОБ

Мартиннинг Руфъ билан танишганига бир
ҳафта бўлди, лекин Мартин ҳамон унинг ол-
дига боришга журъат эта олмасди. Баъзида у
боришга жуда шайланса ҳам, ҳар сафар та-
раддудга тушиб қоларди. Қанча вақт ўтгандан
кейин қизникига бориш одобга мувофиқ экан-
лигини у билмасди, айни вақтда, унга буни ту-
шунтирадиган одам ҳам йўқ эди, Мартиннинг

ўзи эса тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйишдан қўрқарди. У аввалига ҳамма улфатлари билан муносабатни узди, эски одатларини ҳам тарк этди, аммо унинг ҳали янги дўстлари йўқ эди, шунга кўра, фақат китоб мутолаа қилиш билан кифояланарди. Шу қадар кўп мутолаа қилардик, оддий одам кўзлари аллақачон бундай оғир вазифага бардош бера олмаган бўларди. Лекин у кўзлари ўткир, жисман бақувват йигит эди. Бундан ташқари, у ҳанузгача мужаррад китобий тафаккурлардан бехабар ҳолда яшаган эди, унинг мияси бамисоли қўриқ ерга, экин битадиган серунум тупроққа ўхшарди. У илм олиб чарчамаган эди, шунинг учун ҳам энди китобий ҳикматларга астойдил ёпишиб олди.

Ҳафтанинг охирида – Мартинга орадан бир аср вақт ўтгандай туюлди – аввалги ҳаёт ва мавжуд муҳитга бўлган аввалги муносабат шунчалик йироқлашиб кетган эди. Лекин ҳамма вақт унга тайёргарлиги етарли эмаслиги халақит берарди. Негаки кўп йиллар давомида маҳсус машғулотлар орқали тайёргарлик қўришни талаб этувчи китобларни мутолаа қиласарди. Бугун у қадимги дунё фалсафаси, эртага энг янги фалсафага доир китобларни ўқирди, натижада мияси ғовлаб кетарди. Иқтисодий таълимотга доир асарларни ўқигандан ҳам шу аҳволга тушди. У кутубхонадаги бир китоб жавонининг ўзида Карл Маркснинг ҳам, Рикардонинг ҳам, Адам Смитнинг ҳам, Миллнинг ҳам асарларини учратди, аммо улардан бирининг Мартин учун мавҳум бўлган дастурлари иккинчисининг даъвосини рад этмасди. У бутунлай гангид қолди, шундай бўлса ҳам ҳамма

нарсани билишни истарди. У иқтисод, саноат ва сиёsat масалаларига қизиқарди. Бир куни у Сити Холл – паркдан ўтиб кета туриб, беш-олти нафар кишининг атрофини ўраб олган олононга кўзи тушди; ўртадаги одамлар, чамаси, қизғин мубоҳаса билан машғул эдилар. Мартин яқинроқ борди ва умрида биринчи марта ўзига нотаниш бўлган халқ файласуфларининг сўзи-ни эшитди. Баҳслашаётгандардан бири – дарбадар, иккинчиси – касаба уюшмаси ташвиқотчиси, учинчиси – юридик факультет талабаси, қолганлари – мунозарага ишқибоз ишчилар эди. Мартин бу ерда биринчи марта анархизм, социализм, ягона солиқ тўғрисидаги баҳсларни эшитди, ижтимоий фалсафанинг бир-бирига зид турили тармоқдари мавжудлигини билди. У ўзининг қашшоқ илм хазинасиغا ҳали кирмаган фанлар оламига хос, аммо ўзи учун ҳали нотаниш бўлган юзлаб атамаларни эшитди. Шунга кўра у мубоҳасанинг мағзини чақа олмас ва фақат фалати сўзлар билан ифода этилган foяларни ўз фаҳм-фаросати билан илғаб оларди. Баҳслашувчилар орасида ресторанда ишловчи қора кўзли лакей-теософ⁶, новвойлар касаба уюшмасининг аъзоси – агностик⁷, ўзининг жамики мавжуд нарсаadolатли деган назарияга асосланган ажойиб фалсафаси билан ҳаммани мот қилган аллақандай чол ва фазо ҳақида, ота атом ва она атом ҳақида муфассал муҳокама юритаётган яна бир чол бор эди.

⁶ Тeасоf – муроқаба йўли билан худони билиш мумкин деган диний-мистик таълимот намояндаси.

⁷ Агностик – объектив дунёнинг туб моҳиятини англаш мумкин эканлигини инкор қилувчи идеалистик фалсафий таълимот намояндаси.

Бу муҳокамалардан Мартин Иденнинг ми-яси ғовлаб кетди ва хотирасида қаттиқ ўрнашиб қолган ўнлаб сўзларнинг маъносини аниқлаб билгани кутубхонага шошилди. У кутубхонадан қайтаётганида қўлтифида тўртта қалин китоб бор эди. Булар Блаватская хонимнинг «Махфий таълимот» асари, шунингдек: «Тараққиёт ва қашшоқлик», «Социализмнинг моҳияти», «Дин ва илм уруши» деган китоблар эди. Бахтга қарши, Мартин мутолаани «Махфий таълимот»дан бошлиди. Китобнинг ҳар бир сатрида унга нотаниш сон-саноқсиз сўзлар учраарди. У каравотида ўтиаркан, китобдан кўра лугатга кўпроқ қаради. Нотаниш сўзлар шу қадар кўп эдики, бирини эслаб қолса, иккинчиси ёдидан кўтариларди ва яна лугатдан ахтаришга тушарди. У янги сўзларни алоҳида бир дафтарга ёзиб боришга аҳд қилди ва хиёл вақт ўтар-ўтмас дафтарнинг йигирма бетини тўлдириб қўйди. Лекин барибир ҳеч нимага тушуна олмади. У эрталабки соат учгача ўқиди; мияси айниб кетди-ю, лекин ўқиганларидан биронта ҳам муҳим фикрнинг мағзини чаҳа олмади. У бошини китобдан кўтарган эди, ҳужранинг деворлари ҳам, шифти ҳам худди тўлқин пайтидаги кема каби чайқалаётгандай туюлди. Шунда сўкиниб, «Махфий таълимот»ни улоқтириб ташлаб, чироқни ўчириди ва ухламоқчи бўлди. Қолган учта китоб оддингисидан бешбаттар эди. Мартиннинг миясининг мазаси йўқ ёки зеҳни паст деб бўлмасди, у бу китобларда ёзилган ҳамма нарсаларни ўзлаштира олиши мумкин эди, аммо фикр юритишга ҳали одатланмаган, лугати қашшоқ эди. Ниҳоят, шу нарсага тушунди-да, бир қанча вақтгача, то

нотаниш сўзларнинг ҳаммасини ёд билиб олмагунимча фақат луғат ўқийман, деган фикр билан ўзини юпатиб юрди.

Мартин учун бирдан-бир тасалли берадиган нарса поэзия эди; ҳар бир мисраси тушунарли бўлган шоирларнинг шеърларини завқ билан ўқирди. У гўзалликни яхши кўрарди, шеърият эса гўзалликка бой эди. Поэзия унга худди мусиқа сингари қаттиқ таъсир этарди ва сездирмасдан унинг ақдини бўлғуси оғир ишларга тайёрлар эди. Унинг хотира саҳифалари топ-тоза эди, шунинг учун ҳам у шеърларни мисрама-мисра осонлик билан ёдлаб олди, тез орада китобларнинг жонли сатрлари оҳангидан лаззатланаб, бутун-бутун шеърларни ёддан ўқий бошлади. Бир кун у тасодифан Гэйлининг «Классик афсоналар»ини, Булфинчнинг «Афсона асри»ни топиб олди. Нодонлик зулматини бирдан порлоқ нур ёриб ўтгандай бўлди, шундан бошлаб, унинг шеъриятга бўлган иштиёқи яна ортди.

Стол ёнида ўтирган одам Мартинни таниб олганди, у билан самимий гаплашар, Мартин кутубхонага келганда унга дўстона бош силкитиб қўярди. Шунинг учун ҳам Мартин бир кун дадил иш кўришга бел боғлади. Уйига олиб кетиш учун бир неча китоб олди ва кутубхоначи унинг обуна дафтарчасига муҳр босаётганида Мартин гўлдираб деди:

– Менга қаранг, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

Кутубхоначи жилмайди ва унга далда бераеттандай бош иргади.

– Борди-ю, сиз ёш бир леди билан танишиб қолдингиз-у, у сизни уйига таклиф қилди... шундай қилиб... қачон борса бўлади уникига?

Мартин ҳаяжондан терга ботган елкасига күйлаги ёпишиб қолганини сезди.

– Менимча, истаган вақтингизда боришин-гиз мумкин, – деб жавоб қилди кутубхоначи.

– Йўқ, сиз тушунмаяпсиз, – деб эътиroz билдири-ди Мартин. – У қиз... гапнинг пўскалласи, уйида бўлмаслиги мумкин. У университетда ўқийди.

– Унда, бошқа сафар кирасиз.

– Очифи, гап бунда ҳам эмас, – деб эътироф этди Мартин ниҳоят, ҳамсуҳбатининг марҳа-матига сифинишга аҳд қилиб, – биласизми, мен оддий бир матросман, киборлар жамиятига ҳали унча одатланмаганман. У қиз менга сира ўхшамайди, мен ҳам унга ўхшамайман. Тағин мени жиннилик қиляпти деб ўйламанг, – деб у бирдан ўз сўзини ўзи бўлди.

– Йўқ, йўқ, нима деяпсиз, – деб кутубхоначи унга далда берди. – Тўғри, сизнинг илтимосингиз маълумот берувчи ўзубанинг салоҳиятига оид эмас, лекин мен сизга бажону дил қўмаклашаман.

Мартин унга завқ билан тикилиб қолди.

– Эҳ, қани энди мен ҳам гапни шунаقا дўн-дирсам, қойилмақом бўларди-да, – деди у.

– Афв этасиз...

– Айтмоқчиманки, сизга ўхшаб мен ҳам шундай келишитириб назокат билан гапира ол-сам, қандай яхши бўларди.

– Ал! – деб хайриҳоҳдик билдириди кутубхоначи.

– Қачон борган яхши? Кундузими? Лекин овқат вақтига тўғри келмаслик керак-а? Ё кечқурун борган маъқулми? Балки, якшанба куни борган яхшидир?

– Сизга бир маслаҳат берай, – деди кутуб-хоначи кулимсираб, – сиз унга телефон қилиб сўраб қўринг.

– Ҳа, рост-а! – деб қичқириб юборди Мартин, сүнг китобларини йифиштириб олиб, эшик томон юрди.

У оstonага борганда ўтирилиб сўради:

– Ёш леди билан, масалан, мисс Лиззи Смит билан гаплашганингизда унга қандай мурожаат қилиш керак: мисс Лиззи дебми ё мисс Смит дебми?

– «Мисс Смит» деб айтинг, – деди кутубхоначи қатъий ишонч билан, – то у билан яқинроқ танишиб олмагунингизча «мисс Смит» деб мурожаат қилинг.

Шундай қилиб, масала ҳал бўлган эди.

Мартиннинг: «Сиздан олган китобларни қачон қайтариб беришим мумкин», – деб қўрқа-писа берган саволига, телефон орқали Руфь:

– Хоҳдаган пайтингизда келаверинг. Тушки овқатдан кейин доим уйдаман, – деб жавоб қилди.

Мартинни эшикда қизнинг ўзи қарши олди ва унинг аёлларга хос ўткир кўзлари йигитнинг дазмолланган шимининг текис қатини ҳам, унинг қиёфасидаги аллақандай аниқлаб бўлмайдиган умумий ўзгаришни ҳам пайқади. Лекин Мартиннинг юз ифодаси ажойиб эди. Гўё бу соғлом йигитнинг куч-қуввати ошиб-тошиб кетаётгандай ва ўша куч оқими тўлқинлари Руфга ҳам келиб урилаётгандек туюларди. Қиз ўз дилида яна унинг пинжига кириш, баданинг ҳароратини ҳис қилиш иштиёқи уйғонганини сезди, шу билан бирга, бу йигит ёнида бўлганида ўзи бундан қанчалик кучли таъсиrlанишини пайқаб, яна ҳайратга келди. Мартин эса қизнинг қўлини сиқиб кўришаркан, ўз навбатида, яна вужуди ҳузур билан

жимиirlаб кетганини сезди. Улар ўртасидаги фарқ шу эдики, қиз ўз ҳаяжонини асло сиртга чиқармасди, Мартин эса тирноғининг учигача чўғдек қизариб кетган эди.

У Руфнинг орқасидан аввалги сафаргидек бесўнақай чайқалиб борди. Лекин улар меҳмонхонага кириб жойлашиб ўтиришгандан кейин, Мартин ҳеч кутилмагандан ўзини бирмунча эркин ҳис қила бошлади. Қиз ҳар турли восита билан унинг қалбида яна шу бамайлихотирлик ҳиссини уйготишга уринар, уйготганда ҳам, шундай назокат ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиласидики, натижада у Мартинга яна юз карра жозибалироқ бўлиб туюлди. Аввалига улар китоблар ҳақида, Мартиннинг завқини келтирган Суинберн, у тушуна олмаган Браунинг ҳақида суҳбатлашишди. Руфъ сухбат мавзузини зарур томонга буаркан, қандай қилиб бу йигитга ёрдам берсам экан, деб ўйларди. Биринчи дафъя учрашганларидан бери у бу тўғрида тез-тез ўйлаб турарди. Руфъ унга албатта ёрдам беришни орзу қиласарди. Қиз унга меҳрибонлик қилишни истар, унга ачинарди, лекин бу ачиниш ҳиссида кишини таҳқирловчи ҳеч нарса йўқ эди: билъакс бу – Руфъ илгари ҳеч қачон бошидан кечирмаган, қариyb оналиқ ҳиссига яқин бир туйфу эди. Чиндан ҳам, бу оддий ачинишга ҳеч ўхшамасди, чунки қизни ўзига мафтун қилаётган кишининг куч-қудрати шу қадар зўр эдики, у яқинлашиши билан қиз қалбида файриихтиёрий қўрқув ҳисси уйғонар, ажиб хаёл ва ҳислардан юраги гурс-гурс ура бошларди. Қиз кўнглида яна унинг бўйиндан қучоқлаш ёки унинг елкасига қўлларини қўйиши орзуси туғилди. У ҳали ҳам буни иста-

ганидан илгариgidек хижолат тортарди-ю, лекин энди бу ҳисга күникиб қолган эди. Энди ниш отиб келаётган муҳаббат шундай шакл касб этиши қизниң хаёлига ҳам келмаган эди. Шунингдек, уни қамраб олган туйғуни муҳаббат туйғуси деб аташ ҳам ақдига келмаган эди. Назаридә, Мартин улкан имкониятларга бой, зўр истеъододи шахс сифатида уни шунчаки қизиқтирган-у, у Мартинга нисбатан оддий инсонпарварлик муносабатида эди.

Қиз ўзининг йигитга иштиёқмандлигини тушуммасди, аммо йигитнинг аҳволи бошқача эди. Мартин Руфни севишини биларди; наинки севишини, балки яна ўз ҳаётида шу пайтгача ҳеч кимни ва ҳеч нарсани Руфни қўмсагандек қўмсамаганди. У илгари ҳам жамики гўзалликларни севганидек, шеъриятни севар эди, лекин Руфъ билан учрашгандан сўнг, кўз олдида ишқ лирикасининг бепоён бўстонидаги дарвоза ланг очилди. Руфъ унга Булфинчдан ҳам, Гэйлидан ҳам қўпроқ нарса бахш этди. Бундан бир ҳафта бурун, чунончи, мана бундай мисра устида бош қотириб ҳам ўтирасди: «Муҳаббат шайдоси – бахтиёр йигит бўса ола туриб жон бергусидир», ҳолбуки, энди бу сўзлар ҳеч хаёлидан кетмасди. Бу сўзлардан худди энг улкан кашфиётдан завқлангандай завқланарди; у Руфга тикилиб ўтиракан, уни ўпа туриб, жон-жон деб ўлишга тайёрлиги ҳақида ўйларди. Шу билан ўзини «муҳаббат шайдоси» бўлган «бахтиёр йигит» деб ҳис қиласди ва бундан шундай фахрланардики, рицарлик лавозимига мұяссар бўлганда ҳам, бу қадар фахрланмаган бўларди. Мана, ниҳоят, у ҳаётнинг маъносига ва нима учун яшаётганига тушунди.

Мартин қизга тикилганда, унинг гапларини тинглаганда тетик мулоҳаза қила бошларди. У қизнинг қўлини сиқиб кўришганда олган лаззатини эслаб, яна шуни ҳис қилишни истарди. Аҳён-аҳёнда қизнинг дудоқларига ҳарислик билан, ҳасрат билан тикиларди. Ваҳоланки, бу ҳасратли бокишида беадаблик ва таҳқиромуз ҳеч қандай аломат йўқ эди. Қиз сўзлаётганда дудоқларининг ҳар бир ҳаракатини кузатиш унга бениҳоя зўр лаззат бахш этарди; бу ҳамма аёл ва эркаклардагидек оддий дудоқлар эмас эди. Бу дудоқлар тан ва жондан яратилмаган эди. Бу жисмсиз маликанинг дудоқлари эди ва бу дудоқлардан бўса олиш истаги ҳам, бошқа аёлларнинг лабларини кўрганда уйғонадиган ўпиш истагига асло ўхшамасди. У жон-жон деб лабларини бу самовий дудоқлар билан туташти-
рарди-ю, лекин бу нарса муқаддас санамни ўпган билан баробар бўларди-да. У ўз қалбида содир бўлаётган фикр ва мулоҳазаларни ажиб бир тарзда қайтадан кўриб чиқишининг боисига ҳеч тушуна олмаётган эди ва шунга кўра, қизнинг жамолига тикилган чофида, муҳаббатга ташна бўлган ҳар қандай эркакнинг кўзла-
ри қандай ёнса, унинг ҳам кўзларидан шундай ўт чақнаётганини тушунмасди. У ўз боқишли-
рининг нақадар эҳтиросли ва мардона эканли-
гини, қизнинг юрагига қанчалик қучли фулгула солаётганини пайқамасди. Руфнинг бенуқсон маъсумалиги Мартиннинг ҳисларини маъна-
вий жиҳатдан бойитар ва уларни сайёralар маскани бўлмиш совуқ иффат фазосига юксал-
тиради. Мартин ўз кўзлари нурининг гойибо-
на ҳарорати қизнинг вужудига сингиб, у ерда жавоб ўтини алангалаётганини билса эди,

қаттиқ таажжубланган бўларди. Йигитнинг боқишидан уялиб, безовта бўлган қиз суҳбат пайтида бир неча бор гапидан адашиб кетди ва паришон фикрларни зўр-базўр қайта йўлга солди. Одатда, у жуда бамайлихотир суҳбат қиласарди, энди эса, ўзига нима бўлганини тушунмай, бунақа файриоддий ҳамсуҳбат билан ҳеч қачон гаплашмаганимдан шундай бўлаётгандир, деган фикрга келди. Руфъ табиатан жуда таъсирчан қиз, шунинг учун ўзга муҳит кишиси бўлган бу йигит унинг юрагига фулгула солаётган бўлса, бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ.

Руфъ унга ёрдам бериш йўлини ўйларди ва шунга кўра, суҳбатни шу мавзу устига кўчирмоқчи бўлган эди, Мартин ундан олдинроқ гап бошлади.

– Сиздан маслаҳат сўрамоқчи эдим, – деб гап бошлади у ва қизнинг: «Сизга қўлимдан келганча ёрдам беришга тайёрман», деб айтиши билан, севинганидан нафаси оғзига тиқилаёзди.

– Эсингиздами, мен ўтган гал китоблар ҳақида, шунинг сингари, бошқа ҳар хил нарсалар ҳақида гапиришни билмайман, гапларим ҳеч бир-бирига қовушмайди деб айтган эдим. Хуллас, ўшандан бери жуда кўп ўйладим. Кутубхонага қатнай бошладим, у ердан ҳар хил китоблар олдим, лекин уларнинг ҳаммасига ҳам ақлим етаётгани йўқ. Балки ҳамма нарсани энг бошидан бошлашим керакдир? Ҳеч қачон, очиги, дурустгина ўқиган ҳам эмасман. Мен болалик чофимдан ишлай бошлаганман, кутубхонага эса энди қатнаяпман, у ерда китобларни кўздан кечирдим, ўқиб кўрдим. Қарасам, илгари ҳеч кераксиз китобларни ўқиб юрган эканман. Биласизми, биронта фермада ёки бўлмаса

пароход қубригидә, масалан, сизнинг уйингиздаги сингари китоблар топилмайди. У ерда китобхонлик тамомила бошқача, мен ҳам худди ана ўшанақа китобхонликка одатланганман. Ҳолбуки, мени мақтаняпти деманг, мен улфатларимга ўхшамайман. Йўқ, мен ўзимни бошқа матрос ва ковбойлардан юқори қўймоқчи эмасман, мен ковбой ҳам бўлганман, лекин доимо китобга ишқибоз эдим, ҳамма вақт қўлимга тушган ҳар қандай китобни ўқиб чиқардим, шунинг учун ҳам, назаримда, менинг миям ўртоқларимнинг миясидан бошқача ишлайдиганга ўхшарди. Лекин гап бунда ҳам эмас. Гап мана бу ёқда. Мен ҳеч қачон сизларни киша ўхшаган уйда бўлган эмасман. Ўтган ҳафта бу ерга келиб сизни, онангизни, акаларингизни, уйингизнинг шинамлигини кўрдим, ҳаммаси кўнглимга ўтиришди. Мен илгари бунақа ҳаёт тўғрисида фақат китобларда ўқиганман, мана, китобларда ёлғон ёзилмаган экан. Менга ёқиб қолди. Энди шуларнинг ҳаммасига муюссар бўлишни орзу қилдим, ҳозир ҳам орзу қиласман. Мен сизнинг уйингиздаги каби соф ҳаводан нафас олишни истардим, ҳамма ёқ китоблар, суратлар ва ҳар турли чиройли буюмлар билан тўлишини, одамларнинг сокин ва оҳиста гапиришини, озода кийинишини, ниятлари ҳам пок бўлишини истардим. Мен умрбод нафас олиб келган муҳит ҳавосидан ошхона ҳиди, бадбўй спирт ҳиди анқийди, ҳақорат ва ижара ҳақи ҳақидаги можаролар эшитилиб туради. Ўшанда, сиз онангиз олдига бориб, уни ўпдингиз, бу манзара кўзимга шунақсанги чиройли кўринидики, назаримда, дунёда бундан гўзалроқ нарсани кўрмаган бўлсам керак. Аммо мен умримда

оз нарса күрмадим, шуни айтиб қўя қолай: мен доимо бошқаларга нисбатан кўпроқ кўрардим. Мен ҳар нарсани кўришни ёқтираман, доимо янги-янги нарсаларни кўрсам дейман.

Лекин мен айтмоқчи бўлган гаплар булар эмас. Энг муҳими бу ёқда: мен сиз яшаб турган шу хонадон ҳаёти даражасига қўтарилиши истардим. Ҳаёт – фақат мастилик, муштлашибиши, оғир меҳнатдан иборат эмас-ку, ахир. Энди шундай савол туғилади: Қандай эришиш мумкин бунга? Нимадан бошлаш керак? Ишдан қўрқмайман, гапнинг очишини айтсам, ишда ҳар қандай одамни йўлда қолдириб кетаман. Фақат бошлаб юборсам бўлгани, кейин кечаси-ю кундузи тинмай ишлайман. Бу ҳақда сиз билан гаплашаётганим балки кулгили туюлаётгандир. Биламан, ҳадеб ҳар хил саволлар билан сизни безор қилишим яхши эмас, лекин сиздан бошқа сўрайдиган одамим йўқ, балки Артурдан сўрасам бўлармиди? Эҳтимол, унинг ўзига мурожаат қилишим керакмиди-а? Агар мен...

У бирдан жим бўлиб қолди. Чинданам, Артурдан сўрашим керакмиди, деган фикр ва бу фикри орқали ўзини тентак қилиб кўрсатиши уни қўрқитиб юборди. Руфъ дарров жавоб бермади. У Мартиннинг фализ жумлалари ва содда мулоҳазаларини унинг кўзларидан ўқиган маъно билан боғлаш устида бош қотираётган эди. Бу қадар иқтидорли куч акс этган кўзни Руфъ ҳеч қачон кўрмаган. Унинг қўлидан ҳамма иш келади, дерди кўзлари, лекин бу ҳол сўзга нўноқлигига асло ёпишмасди. Ваҳоланки, Руфнинг тафаккури шу қадар ўткир ва мураккаб эдики, у Мартиннинг нутқидаги табиийлик ва самимийликни чинакамига қадрлай олмади.

Шунга қарамай, Мартиннинг пойма-пой айтган фикрларида ҳам зўр куч мавжуд эди. Руфнинг тасаввурида Мартин оёқ-қўлига солинган кишанин парчалаб ташлашга уринаётган паҳлавондек туюлди. Қиз гапира бошлагандা, чеҳрасидан меҳр нури ёғила бошлиди.

– Сизга нима етишмаётганини ўзингиз биласиз, – деди у, – маълумотингиз кам. Сиз бир бошдан бошласангиз бўларди – аввал мактабни битириб, сўнгра университетда таҳсил олишингиз керак.

– Бунинг учун пул керак, – деб Мартин унинг сўзини бўлди.

– О, – деб юборди қиз, – бу томонини ўйламабман! Лекин қариндош-уругларингиздан биронтаси сизга кўмаклашиб туролмайдими?

Мартин «йўқ» дегандай бошини чайқади.

– Ота-онам ўлиб кетган. Иккита опам бор: биттаси уйли-жойли, иккincinnиси яқинда турмушга чиқса керак. Акаларим бирталай, мен кенжасиман, лекин акаларим ҳеч қачон ҳеч кимга ёрдамлашмаган. Уларнинг ҳаммаси аллақачон баҳт ахтариб, дунёнинг турли томонига тарқалиб кетишган. Катта акам Ҳиндистонда ўлди. Иккита акам ҳозир Жанубий Африкада, учинчиси кит оловчи кемада ишлайди, тўртингиси сайёр цирк билан кезиб юради, у акробат. Мана, мен ҳам ўшаларнинг бириман. Ўн бир ёшимдан – онам ўлгандан бери ўзим ишлаб кун кўриб келяпман. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсани ўзим, мактабсиз ўрганишим керак, фақат нимадан бошлашни билсам бас.

– Биринчи галда, сиз ўз нутқингизга эътибор берсангиз яхши бўларди. Сиз баъзида бир оз нотўғри («жуда ёмон» демоқчи эди-ю, лекин ти-

лини тиЙди) гапирасиз. Мартиннинг пешанаси терлаб кетди.

– Тўғри, баъзида сиз тушунмайдиган сўзларни ҳам айтиб юбораман. Лекин мен худди ўша сўзларни қандай талаффуз қилишни биламан-да. Миямда китобдан ўқиб билган баъзи бир сўзлар ҳам бор, ҳолбуки, у сўзларни қандай айтишни билмайман, шунинг учун ҳам уларни оғзимга олмайман.

– Бу ерда гап фақат сўзлар устида эмас, балки бутун нутқни равон тузишда. Сизга очиғини гапираверайми? Мендан хафа бўлмайсизми?

– Йўқ, асло! – деб юборди у, ичида қизнинг хайриҳоҳлигидан мамнун бўлиб. – Боплайвенинг! Бу гапларни бошқа биронта одамдан эшигтганимдан кўра сиздан эшигтганим яхши!

– Демак, бундай. Сиз кўпинча жумлани нотўғри тузасиз. Адабий тилда ишлатилмайдиган ибораларни қўллайсиз. Сизнинг гапларингизда тарк этишингиз лозим бўлган ибораларни кўп эшигтдим. Лекин, яхшиси, сиз грамматикадан бошлаганингиз маъқул. Ҳозир сизга дарслик олиб келиб бераман.

Руфъ ўрнидан турганида, Мартиннинг эсига хулқ-одоб қоидалари ҳақидаги китобда ўқиган бир қоида ёдига тушди-ю, ўрнидан бесўнақай сапчиб турди, лекин шу заҳотиёқ, мени уйга кетмоқчи деб ўйламасмикин тагин, деб қўрқиб кетди.

Руфъ грамматика дарслигини олиб келди, курсини унинг курсисига яқин суриб ўтирди, шу заҳотиёқ Мартин, унга кўмаклашишим кепрак эди, шекилли, деб ўйлади. Қиз китобни очди ва икковларининг бошлари бир-бирларига яқинлашди. Яқинлик Мартинни шу қадар ҳаяжонга солган эдики, қизнинг изоҳларига

тушуниш мушқул эди. Лекин Руфъ феълларни турлаш сирини тушунтира бошлаганда, у дунёдаги ҳамма нарсани унугиб юборди. У турланиш нималигини ҳеч қачон эшитмаган эди, нутқнинг сеҳрли қоидаларини тушуниш учун қўйилган бу биринчи қадам уни мафтун этган эди. У бошини китобга яна пастроқ эгди, шу чоқ бирдан қизнинг соchlари унинг ёноқларига тегиб кетди.

Мартин Иден умрида фақат бир марта ҳушини йўқотган эди, лекин, ҳозир иккинчи марта ҳушимдан кетаман, деб ўйлади. Унинг нафаси қайтиб кетди, юраги эса ҳозир кўкрагини ёриб, отилиб чиқиб кетадигандек қаттиқ ура бошлади. Руфъ ҳеч қачон бунчалик яқин бўлмаган эди унга. Бир лаҳзага уларни ажратиб турган жар устига кўприк ташланди. Лекин Мартинда ёмон ҳис уйғонмади. Руфъ унга нузул қилгани йўқ. Аксинча, Мартин булултар оша фазога парвоз қилиб, Руфга яқинлашди. Унинг муҳаббати илгаригидек, ҳали ҳам илоҳий эҳтиром билан лиммо-лим эди. У қандайдир бир ибодатхонанинг энг муқаддас гўшасига кириб қолгандай ҳис қилди ўзини ва гўё электр токидек таъсир этаётган бу соч толаларидан четланиш учун эҳтиётлик билан бошини нари олди. Лекин Руфъ ҳеч нимани сезмади.

САККИЗИНЧИ БОБ

Орадан бир неча ҳафта ўтди, Мартин Иден эса ҳамон грамматикани ўрганар, хулқ-одоб қоидалари ҳақидаги қўлланмани зўр бериб ўқир эди; у эътиборини ўзига тортган ҳар бир китобга жон-жаҳди билан ташланарди. У аввалги улфатларидан бутунлай узоқлашди.

«Нилуфар»даги қизлар унга нима бўлганини тушунишмас ва ҳадеб Жимдан уни суринтиришар, йигитларнинг қўпчилиги эса Райлинида бўладиган олишувга Мартин қатнашмай қўйганидан хурсанд әдилар. Кутубхона хазинасида у яна бир қимматли нарса топди. Грамматика унга тил асосини очган бўлса, бу янги китоб шеърият қонун-қоидаларидан ҳабар берди. У вазнлар, шакллар, шеърият қонунларини ўрганишга киришиб, ўзини шайдо қилган бу нафосатнинг қандай юзага келишини тушунди. Энг янги илмий асардан бирида поэзия, тасвирий санъат деб аталган ҳамда бу назария адабиётнинг энг яхши намуналаридан келтирилган мисоллар билан қувватланган эди. Мартин биронта ҳам романни бунчалик мароқ билан ўқимаган эди. Шунинг учун ҳам, илм олиш ҳавасига тушган бу йигирма ёшли йигитнинг ҳали теша тегмаган соф ақли, ҳамма нарсани талабаларга хос бўлмаган идрок ва файрат билан ўзлаштиради.

Мартин ўзининг ўтмиш муҳитига узоқ эллар, денгизлар, кемалар, матрослар ва бузук хотинлар муҳитига назар ташлаганда, у муҳит, назарида, жуда кичик бўлиб туюлди; лекин шунга қарамай, ўша муҳит аллақайси қирралари билан Мартин томонидан эндиғина кашф этилган янги дунёга туташган эди. Унинг ақли ҳар бир нарсада беихтиёр муштарақлик ахтарарди; лекин бу икки муҳитнинг бир-бирига боғлиқ эканлигини пайқаганда, у таажжубда қолди. У китоблардан ўқиб ўзлаштирган олийжаноб фикр ва туйғулар уни маънавий жиҳатдан бойитар эди. Руфъ ва унинг оиласи мансуб бўлган киборлар даврасида ҳамма эркак ва

аёлларнинг айнан шундай фикр ва туйғу билан яشاшига энди унинг имони комил эди. Шу чоққача у қандайдир ифлос ботқоқда яшади, энди эса тозаланиб, олий даражага күтарилишни истарди. Болалик ва ёшлик йилларида-ёқ, уни аллақандай ноаниқ бир ташвиш муттасил таъқиб этиб келарди. У алланарсалар кетидан қувиб юрар, лекин то Руфни учратмагунича ниманинг кетидан қувганини ўзи ҳам тушунмаган эди. Энди эса унинг изтироби ошди, алами зўрайди, у гўзаллик, ақд ва муҳаббат шайдоси бўлганлигини энди аниқ ва пухта тушунди.

Шу ҳафталар ичида Руфъ билан бир неча дафъя учрашди, ҳар бир учрашув унга илҳом бағишларди. Руфъ унинг тилини ва талаффузини тузатар, у билан арифметикадан машғулот ўтказарди. Лекин уларнинг суҳбати фақат дарс машғулотлари билан чекланиб қолмасди. У ўз ҳаётида жуда кўп нарсаларни кўрган, идроки етук эди, шунга кўра, касрлар, куб илдизлари, грамматик таҳдил ва феъл турланишлари билан кифояланмасди. Уларнинг суҳбатлари тамомила бошқа мавзуга кўчадиган дамлар ҳам бўларди, улар Мартин эндигина ўқиб чиққан шеър ҳақида, ҳозир Руфъ ўрганаётган шоир ҳақида суҳбатлашишарди. Қиз ўзига ёққан мисраларни ўқиб берган пайтларда эса Мартин чексиз даражада ҳузур қиласарди. У ҳеч қачон, дунёда ҳеч бир аёлдан бундай овоз эшифтмаган эди. Қизнинг ёлғиз товушининг ўзидан Мартиннинг муҳаббати чамандай яшнар, унинг ҳар бир сўзидан аъзойи бадани жимирлаб кетарди. Қиз овозидаги мусиқийлик, унинг оҳангдорлиги – маданиятли ва олийжаноб кишиларга хос бўлган бу сифат уни мафтун қи-

ларди. Мартин унинг овозини эшитаркан, бе-ихтиёр ёввойи қабила аёлларининг бўғиқ овоз-ларини, портдаги фоҳишаларнинг шанфиллаб гапиришини, фабрикаларда ишловчи, ўз син-фига мансуб хотин-қизларнинг ёқимсиз овоз-ларини эслади. Шу заҳотиёқ уни хаёл суриб ке-тиб, тасаввурида турли аёлларнинг қиёфалари бирин-кетин намоён бўлаверди, Мартин улар-ни Руфъ билан такқосларкан, қизни қуршаган ёрқин шуъла гардиши яна ҳам порлоқ нур соча бошлади. Лекин у Руфнинг овозигагина шай-до эмас эди, Руфъ ўзи ўқиётган китобнинг туб моҳиятига чуқур тушунишини, шоирона фикр гўзаллигига ўз муносабатини дарҳол билди-ришини Мартин зўр мамнуният билан эъти-роф этарди. Қиз унга «Малика» китобидан кўп ўқирди, бундай пайтларда Мартин кўпинча унинг кўзларида ёш пайдо бўлганини кўради – қиз гўзалликни шу қадар чуқур ҳис қиласади. Бундай пайтларда Мартин ўзида бутун оламни мушоҳада қила олиш даражасига кўтарилган илоҳий куч борлигини ҳис қиласади; у қизга ти-килиб, унинг овозини эшитаркан, гўё ҳаётнинг ўзини мушоҳада қилаётгандай ва унинг энг маҳфий сирларини ўрганаётгандай бўларди. Сўнг, ҳиссиётнинг шу чўққисига чиқиб олгач, муҳаббат шу эканлигини ва унинг жаҳонда энг буюк нарса эканлигини тушуна бошларди. Мартиннинг бир вақтлар ўз бошидан кечирган қувончли кунлари – айш-ишратлар, хотинлар навозиши, қимор ўйинлари, жисмоний курашга ҳавас унинг қалб кўзи олдидан бирин-кетин ўта бошлади, лекин буларнинг ҳаммаси, ҳозир уни қамраб олган ҳиссиётлар олдида ниҳоят даражада қабиҳ ва олчоқ кўринарди.

Руфъ юз бераётган ҳодисаларнинг моҳиятига тушунмасди. Ишқ-муҳаббат бобида ҳали ҳеч қандай тажрибаси йўқ эди. У фақат китобдан ўқиган нарсаларнигина биларди, китобларда бўлса муаллифнинг ижодий хаёли ҳар доим оддий ҳаёт ҳодисаларини қандай бўлса шундай эмас, балки гўзал қилиб тасвиirlарди; бу беўхшов матрос қизнинг қалбига учқун ташлаганини, бу учқун бир кун келиб, уни куйдириб юборадиган ёрқин алангага айланишини хаёлига ҳам келтирмасди. Шу пайтгача бу аланга бирон марта ҳам уни куйдиргани йўқ эди. Унинг муҳаббат ҳақидаги тасаввури соғ мужаррад ҳолида, «муҳаббат» сўзининг ўзи эса унга юлдузларнинг мунис шуъласини, дengиз сатҳининг хиёлгина жимиirlаб, мавжланиб туришини, майин ёз тонгидаги сарин шабнамни эслатарди. Унинг тасаввурида муҳаббат – меҳрибонликдан, гулларнинг муаттар ҳиди билан тўлган, осойишта ва сокин хилват гўшада севикли ёрига хизмат қилишдан иборат эди. Муҳаббат пўртаналаридан, унинг ёр қалбини куйдириб кул саҳросига айлантирувчи даҳшатли ҳароратидан қизнинг хабари йўқ эди. У дунёда ва ўз вужудига яширинган қудратли кучлар ҳақида ҳеч нима билмас, ҳаётнинг теран сирлари хом хаёл пардаси ортида яшириниб ётарди. Отаси билан онаси ўртасидаги эр-хотинлик муносабатини у ишқий қовушишнинг энг мукаммал намунаси деб биларди, шунинг учун ҳам, бир кун келиб, ҳеч қандай ҳаяжонсиз ва изтиробсиз, ўз севган кишим билан худди шундай осоиишта ҳаёт кечира бошлайман, деб ўша кунни хотиржамлик билан кутиб ўтиради.

Шундай қилиб, у Мартин Иденга ўзи учун янги ва файриоддий, ажиб бир махлук деб қарап ва Мартин унинг дилида уйғотган ўша файритабиий ҳисларни шу янгиликдан, шу файриоддийликдан деб биларди. Бу табиий ҳол эди. Қиз ҳайвонот боғида ваҳшний ҳайвонларни ёки бўрон пайтида дараҳтларнинг эгилишини кўрганда, чақмоқ чақинидан сесканиб кетган пайтларида ҳам, айнан шундай нарсани ҳис қиласади. Бу сингари табиат ҳодисаларида аллақандай самовий қудрат мавжуд эди, шубҳасиз, Мартин ҳам шундай самовий қудратдан холи эмас эди. У қизга денгиз нафасини, бепоён ерларнинг нашъасини олиб келди. Тропик ўлкалар қуёшининг шуъласи унинг ёноқдарида акс этар, метин мушакларида эса ибтидий ҳаёт қудрати бор эди. Мартиннинг аъзойи баданини ямоқ ва чандиқлар қоплаган эди; буларга у Руфъ тасаввуридан четда, қизга нотаниш ёвуз кишилар ва ёвуз ҳодисалар дунёсида йўлиқкан эди. У ҳали ром қилинмаган ёввойи одам эди, шунинг учун ҳам Руфъ йигитнинг унга итоат этишидан пинҳона мамнун эди. Хуллас, қизнинг дилида бу ёввойи одамни қўлга ўргатиш истаги уйғонди. Бу онгсиз истак эди, шунинг учун ҳам, Мартинни ўз отаси, яъни, Руфъ камолот намунаси деб ҳисоблаган одам каби бўлишини истагани хаёлига ҳам келмасди. Қиз қалбида Мартин уйғотган жўшқин самовий ҳиссиёт муҳаббат эканлигини, яъни, бир-бирига талпинган эркак билан аёл учун икки дунёни бир қадам қилувчи, куйикиш даврида кийикларни бир-бирини ўлдиришга мажбур этувчи ва борлиқ жониворларни бир-бири билан қовушишга ундовчи қудратли

куч – муҳаббат эканлигини оламдан хабарсиз қиз тушуна олмасди.

Мартин ҳар бир нарсаны жуда тез ўзлашти-
рарди, бу ҳол Руфни ниҳоят даражада ажаб-
лантираар қизиқтираарди. Қиз Мартиннинг
бу қадар истеъдодли эканини хаёлига ҳам кел-
тирмаган эди; бу истеъдод бамисоли серҳосил
ерга экилган гул сингари кун сайин кўпроқ
очила бошлади. У Мартинга Браунингни ўқиб
берганида, йигит деярли ҳар мисрани, ҳар
қайси мавҳум жумлани ҳеч кутилмаган тарзда
шарҳлаб бериб, қизни таажжубга қўярди. Ҳа-
ётни ва одамларни яхши билгани учун унинг
берган изоҳлари кўпинча қизнинг изоҳлари-
дан тўғрироқ чиқарди, ҳолбуки, Руфъ буни ту-
шунмасди. Унинг назарида, Мартин жуда саёз
муҳокама қилаётгандай туюлар, шунга қара-
май, йигитни фазойи бепоёнга олиб кетувчи
дадил фикрлари баъзан қизни қизиқтириб қо-
ларди, лекин қизнинг ўзи бундай пайтларда
унинг орқасидан қувиб етиша олмас, фақат
аллақандай номаълум куч билан тўқнашиб ке-
тиб, аъзойи баданини титроқ босарди. Баъзи-
да Руфъ унга рояль чалиб берарди, шунда куй
Мартин вужудининг шундай теран ерларигача
бориб етардики, Руфъ бу теранликни ҳеч қачон
ўлчаб ололмасди. Фунча қуёш шуъласига тал-
пиниб очилганидек, Мартин ҳам мусиқа садо-
ларидан тамомила очилиб кетарди; у тез кунда
матросча рақс мусиқаларининг дўпир-дўпир
мақомларини, қулоқни кар қилгудек чинқириқ
куйларини унутиб юборди ва Руфъ яхши кўра-
диган классик қуйларни қадрлашга ўрганди.
Лекин, ҳар ҳолда, унда Вагнерга нисбатан қан-
дайдир оддий халқقا хос ишқибозлик пайдо

бўлган, бу бастакорнинг «Тангейвер»га ёзган увертюраси эса, айниқса, Руфнинг изоҳотидан сўнг, унга жудаям ёқиб қолган эди. Бу увертюра гўё унинг ҳаётини акс эттирувчи лавҳадек эди. Унинг ўтмиш ҳаёти муҳаббат маъбудаси Венеранинг маскани – фор ҳақидаги куйда ифодаланган эди, Руфни эса у зиёратчилар тўдасига қўшиб қўйган эди; шунинг учун ҳам, Вагнер тароналари уни яхшилик ва ёвузлик муттасил кураш олиб борадиган руҳ оламига олиб кетаётгандай туюларди.

Баъзан Мартин унга савол ташлаб қоларди, шунда бирдан қиз ўзи ҳам мусиқани нотўғри тушунадигандай ҳис қила бошлиарди. Аммо у ашула айтган вақтда Мартин ҳеч нима сўрамасди. У сукут сақлаган ҳолда қизнинг бефубор баланд овозига зўр эҳтиром билан қулоқ соларкан, назарида, қизнинг қалб тароналарини эшитаётгандай бўларди. Яна бунга қарама-қарши ўлароқ, фабрика қизларининг чийилдоқ қўшиқларини ва порт қовоқхоналаридаги маст шаллақи хотинларнинг хирқироқ овоз билан айтган қўшиқларини эсларди. Руфъ Мартинга рояль чалиб, ашула айтишни ёқтиради. Аслини олганда, бундай мулоим ва юмшоқ инсон қалбини умрида биринчи марта учратиши эди; Мартиннинг қалбини муайян шаклга солишнинг ўзи кишига лаззат бафишларди, Руфъ, Мартиннинг қалбини шаклга соляпман, деб ўйлар ва бу ишни энг эзгу ният билан қиласарди. Бундан ташқари, Мартин билан бўлиш унга хуш ёқарди. Энди қиз ундан чўчимасди. Дастлабки пайтларда Руфъ чиндан ҳам ундан чўчигандай бўлган эди. У Мартиндан эмас, балки қалбида фавқулодда уйғон-

ган аллақандай ҳислардан қўрққан эди, энди бу қўрқув ғойиб бўлган. Қиз ўзи билмаган ҳолда баъзан унга сўзини ўтказмоқчи бўларди. Иккинчи томондан эса Мартин ҳам унга ҳаётбахш таъсир ўтказарди. Қизнинг кўп вақти университет машгулотлари билан банд бўларди, шунинг учун ҳам, баъзида китоблардан юз ўтириб, денгизнинг сарин елларидан тўйиб-тўйиб нафас олиш унга фойдали эди; бу сарин еллар Мартиннинг бутун вужудига сингиб кетган эди. Қувват! Ҳа, Руфга қувват керак эди, Мартин ҳам ўзининг битмас-туганмас файратини қиз билан бажонидил баҳам қўярарди. Мартин билан бир хонада бўлиш, уни остоңада кутиб олиш – Руфъ учун кўкракни тўлдириб нафас олиш керак эди. Шунинг учун, Мартин кетганда, қиз икки ҳисса ортиқ файрат билан шуғулана бошларди.

Руфъ Браунинг ижодини жуда яхши биларди, лекин инсон қалби билан ўйнашмоқ жуда хавфли экани ҳеч қачон хаёлига келмасди. У Мартинга қўпроқ қизиққан сари, унинг ҳаётини ўзгартириш иштиёқи ҳам шунча ортиб борди.

Кунларнинг бирида улар ҳам грамматика, ҳам арифметика, ҳам поэзия билан шуғулланиб бўлгач, Руфъ:

– Мана, мистер Бэтлерни олинг, – деди, – аввалига ҳеч бахти юришмаган экан. Отаси банкда кассир бўлиб ишлаган, лекин бир неча йил касал бўлиб, Аризонада сил касалидан ўлган, шундан кейин мистер Бэтлер – у пайтда ҳали фақат Чарльз Бэтлер – танҳо ўзи қолган. Отаси австриялик бўлгани учун, Калифорнида қариндош-уруглари ҳам йўқ экан. У босмахонага ишга кирибди – бу тўғрида менга бир неча марта гапириб берган эди – дастлабки

пайтларда ҳафтасига уч доллардан маош олибди. Ҳозир унинг ийллик даромади ўттиз минг долларга етган. Қандай қилиб эришди бунга? У номусли, заҳматкаш ва режали одам. У деярли ҳамма ёшларнинг жону дили ҳисобланган майшатпарастликдан воз кечган. У нечоғлик оғир муҳтожликка тушмасин, ҳар ҳафтада пулнинг бир қисмини ажратиб, жамғаришни одат қилган. Бир оз вақтдан кейин уч доллардан кўпроқ маош ола бошлаган, хуллас, маоши ошган сари жамғараёттан пули ҳам ортиб борган. У қундузи ишлаган, ишдан кейин эса кечки мактабга қатнаган. У доим келажак ҳақида ўйлаган. Кейин кечки курсларга қатнай бошлабди. Ўн етти ёшида у ҳарф терувчи бўлиб, дурустгина маош ола бошлабди-ю, лекин мансабпарастлик туйғуси унга ором бермабди. Шунинг учун умрининг охиригача бекаму-кўст яшашнигина эмас, яна юқори мартабага минишни истабди; у ана шу истиқбол йўлида бутун бор-йўғини қурбон беришга ҳам тайёр экан. У адвокат бўлишга аҳд қилиб, оқибат отамнинг маҳкамасига хат ташувчи бўлиб ишга кирибди, эътибор беринг-а! Маоши ҳафтасига тўрт доллар. Лекин у тежамли одам бўлганидан, ҳатто шу тўрт доллардан ҳам бир қисмини ажратиб, сақлаб қўяркан.

Руфъ нафасини ростлаб олиш ва ҳикоясининг Мартинга қандай таъсир этаётганини кўриш учун бир зумга тўхтади. Мартиннинг чеҳрасида мистер Бэтлернинг қисматига бўлган зўр қизиқиш аломати акс этарди, лекин бир оз қовоқлари солинган эди.

– Чинданам, хийла азоб чекибди, – деди у. – Ҳафтасига тўрт доллар! Бу пул билан гашт суро олмайсан. Мана, мен ижара ҳақи билан овқат-

га ҳафтасига беш доллар түлайман, худо ҳақи, тузукроқ кун кечирганимни билмайман. Афтидан, у ит азобида яшаган бўлса керак. Еган овқати ҳам балки...

– У овқатини керосинкада ўзи пиширган, – деб Мартиннинг гапини бўлди қиз.

– Назаримда, балиқ овловчи кемаларнинг матрослари сингари кун кўрган бўлса керак, бундан баттар овқатланиш бўлмайди.

– Лекин сиз ҳозир у нималарга муюссар бўлганини ўйланг! – деб қичқириб юборди руҳланиб Руфъ. – Ахир ҳозир ёшлигида кўрган муҳтожликлари эвазига ҳаётдан кўнглига сикқанча лаззатланиши мумкин!

Мартин унга синовчан назар ташлади.

– Биласизми, – деб эътиroz билдириди у, – ўша мистер Бэтлерингизнинг энди ҳаётдан лаззатланишига кўзим етмайди. Шунча йил муттасил ёмон овқатланган одамнинг ошқозони расвойи раддивало бўлган бўлса ажаб эмас.

Қиз унинг тикилиб қарашига бардош беролмай, юзини четга бурди.

– Гаров ўйнайман, у катар⁸ касалига йўлиқкан.

– Ҳа, – деб эътироф этди Руфъ, – лекин...

– Ва эҳтимолки, – деб давом этди Мартин, – у ҳозир қариб қолган уккига ўхшаш баджаҳ, шўртумшуқ бўлса керак, ўттиз минг доллари билан кўнглига чироқ ёқса ҳам ёришмаса керак. Кейин у теварак-атрофида ўйин-кулги қилгандарни ёмон кўрса керак. Шундайми, йўқми?

Қиз тасдиқ маъносига бош иргади ва изоҳ беришга ошиқди:

⁸ Катар – ошқозоннинг яллиғланиши.

– Ахир унга бу ўйин-кулгиларнинг кераги йўқ. У табиатан одамларга аралашмайдиган, жиддий одам. У азалдан шунаقا.

– Шунаقا бўлмай ҳам иложи йўқ эди-да! – деди Мартин. – Ҳафтасига уч ё тўрт доллар билан кун кўрса! Ёш йигит бўла туриб, пул жамғариш ниятида ўзи овқат пиширса! Кундузи ишласа, кечаси ўқиса, фақат ишдан бошқа нарсани билмаса, ҳеч қачон бундоқ кўнгил ёзиб ўйнаб-кулмаса, балки у ўйин-кулги нималигини ҳам билмаса керак. Ҳе! Бу ўттиз минг доллари қўлига жуда кеч тегибди.

Шу заҳотиёқ Мартиннинг жонли тасаввурида бу тежамли йигитнинг бутун ҳаёти ва ниҳоят, уни ўттиз минг долларли йиллик даромадга бошлиб келган торгина ҳаёт сўқмоғи муфассал жонланди. Чарльз Бэтлернинг бутун ўй ва ҳаракатлари гўё кино тасмаси сингари унинг кўз олдидан лип-лип ўтди.

– Биласизми, – деб илова қилди Мартин, – сизнинг ўша мистер Бэтлерингизга раҳмим келяпти. Илгари у жуда ёш бўлган-у, шу ўттиз мингни деб ўз умрини ўзи хазон қилган, энди эса пулларидан кўнгли қувонмайди. Илгари жамғарган ўн цент пулига олмоқчи бўлган нарсасини, масалан, болалик чофида биронта обакими ёки ёнгоқми, ё бўлмаса театр галёркасига чиптами – шуларнинг биронтасини энди ўша ўттиз минг долларига сотиб ололмайди!

Мартиннинг мулоҳазаси Руфни гангитиб қўйди. Бу ҳол унинг учун наинки янгилик, наинки ўз тафаккурига зид нарса эди; балки қиз ўзининг дунё ҳақидаги жамики тушунчасини остин-устун қилиб юборишга ёинки у тушунчаларни тубдан ўзгартириб юборишга таҳдид

қилаётган ҳақиқат улушини фира-шира сезган эди. Агар Руфнинг ёши йигирма тўртда эмас, ўн тўртда бўлганида, эҳтимолки, у Мартиннинг таъсири билан ўз фикрларини ўзгартирган бўлармиди. Бироқ у йигирма тўрт ёшда, бунинг устига, табиатан муҳофазакор эди ва ўзи туғилиб ўсган муҳитнинг турмуш ва тафаккури тарзига жуда ҳам одатланиб қолган эди. Рост, баъзан сухбат вақтида Мартиннинг ғалати муҳокамаларидан аҳён-аҳёнда довдираб қоларди, аммо Руфь буни Мартиннинг шахси ва тақдиди антиқа бўлгани учун шундай деб изоҳларди ва тезроқ ҳаёлидан чиқариб юборишига уринарди. Шунга қарамай, Руфь унинг фикрига қўшилса ҳам, Мартин гапларидаги қатъият, кўзларининг чақнаб туриши ва жиддий қиёфаси доимо уни ҳаяжонлантирап ва ўзига жазб этарди. Руфга бегона бўлган муҳитдан келган бу одам тез-тез Руфнинг тушунчаси учун ниҳоятда теран ва унинг тасаввур доирасидан анча четга чиқувчи фикрлар айтардики, бу Руфнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Қиз оламни ўз тасаввур доираси билангина чеклаб қўярди, лекин ақли чекланган одамлар фақат ўзгалардаги маҳдудликнигина кўра оладилар. Шунга кўра, Руфь ўз савиясини ниҳоятда кенг деб ҳисоблар ва ҳар сафар Мартин билан келиша олмагандан буни йигитнинг фикри торлигига йўяр, хуллас, Мартиннинг кўзига оламни ўзи тасаввур қилгандек кўрсатишни ва унинг савиясини ўзиники даражасига етказишни орзу қиласар эди.

– Шошманг, ҳали ҳикоям тамом бўлгани йўқ,
– деди қиз. – Отамнинг айтишига қарагандা, мистер Бэтлер жуда серфайрат, серҳафсала

экан. У доимо ўта ишчанлиги билан бошқалардан ажралиб тураркан, ишга ҳам ҳеч кечикиб келмас экан, аксинча, күпинча олдинроқ келаркан. Шунга қарамай, вақтини тежаркан. Бир дақиқа бўш қолса мутолаа билан шуғулларкан. У бухгалтерияни, машинкада ёзишни ўрганибди, стенография билан шуғулланибди, унга тўлайдиган ҳақ эвазига кечалари ўз муаллимига, яъни, тажрибаси оз бўлган суд мухбирига диктант ёздирибди. Тез орада у хат ташувчиликдан маҳкамама ходими лавозимига кўтарилибди, ходим бўлгандаям тенги йўқ ходим бўлибди. Отам бу ходимнинг истиқболи юксаклигини кўриб, уни қадрлабди. У отамнинг маслаҳати билан ҳуқуқ мактабига кириб ўқибди, адвокат бўлиб, кейин маҳкамага кичик шерик сифатида қайтиб келибди. У жуда буюк одам. У бир неча марта Қўшма Штатлар сенатидаги лавозимни рад этди, хоҳласа, Олий суд аъзоси ҳам бўлиши мумкин. Бундай одам ҳаммамизга ибрат бўлиши керак. Унинг ҳаёти саботли ва мустаҳкам иродали одам ўзи яшаб турган мұхитдан юксакларга кўтарилиши мумкинлигидан далолат беради.

– Ҳа, у буюк одам, – деб розилик билдириди Мартин самимият билан.

Шунга қарамай, бу ҳикоянинг аллақайси ерлари Мартиннинг ҳаёт ва гўзаллик ҳақидаги тасаввурига ҳеч сифмасди. Мистер Бэтлер бошидан кечирган мұхтожлик ва машаққатларни оқлаш учун ҳеч етарли далил тополмас эди. Агарда у бирон аёлга бўлган мұҳаббат туфайли ёки гўзаллик мафтуни сифатида шундай қилганда эди, Мартин унинг жасоратига тушунарди. Мұҳаббат шайдоси бўлган йигит бир бўса

учун жон бериши мүмкін, аммо ўттиз минг доллар йиллик даромад учун асло жон фидо құлмайды! Мистер Бэтлернинг мансабга интилишида қандайдир аянчли пасткашлик бор эди. Ўттиз минг доллар пул чакки әмас, албатта, аммо ошқозон касалига мубтало бўлиш-у ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлолмаслик, у пулининг қадрини йўқقا чиқаради.

Мартин бу мулоҳазаларининг қўпини Руфга айтди, натижада Руфъ, Мартинни қайта тарбиялаш албатта шарт, деган қарорга келди. Руфъ тор фикр юритувчи калтафаҳм одамлар тоифасига мансуб эдиким, бу калтафаҳмлик уларни, факат бизнинг ўз ирқимиз, динимиз ва сиёсий маслагимизгина яхши, шуларгина ҳаққонийдир, ер юзининг ҳамма бурчакларига тарқалиб кетган жамики одамлар биздан бирмунча паст погонада туради, деб ўйлашга мажбур этар эди. Бу ҳам, қадимий яхудийни хотин бўлиб туғилмагани учун худога шукр қиодиришга мажбур этган, энди эса, ҳаммага ўз худосини ташвиқ қилиш ниятида миссионерларни ер курраси бўйлаб сафар қилишга мажбур этган ўша калтафаҳмлик эди. Бу хусусият қизда мутлақо ўзга шароитда ўстган бу одамни қўлга олиб, ўз тоифасидаги одамлар тимсолида уни қайта тарбиялаш истагини уйғотарди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Мартин Иден ошиқларга хос сабрсизлик билан денгиз сафаридан Калифорнияга шошиларди. Бундан саккиз ой муқаддам у бор-йўқ пулинин ҳаржлаб бўлиб, Сулаймон оролларининг аллақайси ерига кўмилган хазинани қи-

диргани кетаётган кемага ёлланган эди. Узок давом этган беҳуда қидибулардан кейин бу ташаббус муваффақиятсиз деб топилди, Австралияда кема ҳайъати билан ҳисоб-китоб қилинди, Мартин эса дарҳол Сан-Францискога кетаётган кемага ишга ёлланди. Бу саккиз ой мобайнода қуруқликда узокроқ яшаш учун етарли пул ишлаб олиш билан бирга, айни вақтда, ҳар бир бўш дақиқани ғанимат билиб, машғулотларини ҳам анча-мунча илдамлатиб қўйган эди.

Унинг зеҳни жуда ўткир эди, бунинг устига, Мартиндаги туғма тиришқоқлик ва Руфга бўлган муҳаббат туйғуси унга мадад берарди. У魯фдан олган грамматика дарслигини бир неча бор синчилаб ўқиб чиқиб, ниҳоят, уни мукаммал ўзлаштириб одди. Энди у матрослар нутқидаги хатоларни сезар, уларнинг талаф-фузидаги ва жумла тузишидаги хатоларини ўзича тузатарди. Мартин қулоқлари сўзларни ниҳоятда сезгирилик билан эшитаётганини ва ўзида грамматикага қобилият вужудга келганини мамнуният билан ҳис қиласади. Баъзи пайтларда ўзининг оғзидан ҳам нотўғри иборалар чиқиб кетарди, лекин шунга қарамай, ҳар қандай нотўғри тузилган жумла мисоли товушлари бир-бирига мослашмаган мусиқа сингари унинг қулоғига ғализ бўлиб эшитиларди. Нотўғри гапиришдан халос бўлиш учун, чамаси, фурсат керак бўлса керак.

Грамматикани ўзлаштириб бўлгач, у луғатга ўтди ва ҳар куни йигирматадан янги сўзни ўзлаштиришни одат қилиб одди. Бу мушкул вазифа эди. У вахтада ё штурвал олдида турганда ёдлаган сўзларини такрорлар, такрор-

лаганда ҳам түгри талаффуз этиб такрорларди. У Руфнинг жамики насиҳатларини ёдида сақлади, натижада орадан бир оз вақт ўтгач, инглизчани зобитлардан ҳам, бу қалтис ишга маблаг яратган қаютадаги жентльменлардан ҳам дурустроқ ва яхшироқ гапирадиган бўлганини пайқаб, таажжуб қила бошлади.

Кўзлари балиқники сингари маъносиз норвегиялик капитандада, иттифоқо, Шекспирнинг асарлар тўплами топилиб қолди, капитан уларни варақдаб ҳам кўрмаган эди, албатта; Мартин китоб эгасининг кирларини ювиб бериб туриш эвазига бу қимматбаҳо китоблардан фойдаланишга ижозат олди. Шекспир фожиаларининг ўзига жуда маъқул бўлган айрим жойларини у осонгина ёдлаб олди ва анча вақтгача Шекспирга шу қадар шайдо бўлиб юрдики, бутун олам унинг кўзига Елизавета театридаги образлар ва манзараларда намоён бўла бошлади, фикр ва мулоҳазалари эса ўз-ўзидан оқ шеър билан ифодалана бошлади. Бу ҳол унинг тинглаш қобилиятини кучайтириш учун фойдали машғулот бўлди ва Мартиннинг нутқини кам учрайдиган эски иборалар билан бойитган бўлишига қарамай, унга инглиз тилининг улуғворлигини қадрлашга ўргатди.

Бу саккиз ойни Мартин жуда самарали ўтказди. У сўз бойлигини оширди, ақл-заковати яна ривожланди, ўзини яна ҳам яхшироқ таниб олди. Бир тарафдан, камтарлик қилиб, ўзининг нодонлигини эътироф этса, иккинчи томондан, ўзининг жуда кучли эканлигини ҳис қиласди. У ўзи билан ўртоқлари ўртасида жуда катта фарқ борлигини кўрди; бу фарқ у эришган ютуқда эмас, балки имкониятида

эди. Мартин буни тушунди. У қилган ишни ўртоқлари ҳам қила олишлари мумкин эди, лекин қандайдир ботиний бир ҳис унинг бундан ҳам улкан ишларга қодир эканлигини таъкидлар эди. У олам гўзаллигини файритабиий бир ҳасосслик билан идрок этар, бу гўзалликни ўзи билан бирга Руфнинг ҳам томоша қилишини истарди. У魯фга Тинч океанининг улуғворлиги ҳақида ёзишга жазм қилди. Бу фикр уни ижод қилишга ундади, у олам гўзаллиги ҳақида ёлғиз Руфъ учун ёзиш билан кифояланмайди. Бунинг натижасида, Мартиннинг миясида порлоқ бир фикр пайдо бўлди: у ёзади. У жаҳоннинг кўзи, қулоғи ва қалби бўлган одамлардан бири бўлади. У ҳамма жанрда ёзади, назм ва наср, роман ва очерк ёзади. Шекспирга ўхшаб пьесалар ҳам ёзади. Юксак мартабага эришишнинг асл йўли шу, шу билан Руфнинг қалбига ҳам йўл очилади. Ахир адиллар, жаҳоннинг олимлари-ку, ўттиз минг доллар йиллик даромади бўлган ва агар истаса Олий суд аъзоси ҳам бўла оладиган қандайдир мистер Бэтлерга бу олимлар билан тенглашишга йўл бўлсин.

Бу фикр Мартиннинг хаёлига келди-ю, бутун вужудини қамраб олди, Сан-Францискога қайтаётганда, бутун йўл худди туш кўргандай ўтди. У ўзининг курдатли эканини англаганидан, ҳар қандай ишга қодир эканлигини сезганидан маст эди. Буюк уммоннинг бўм-бўш сатҳида ҳар бир нарса узоқдан ажойиб манзара касб этарди. Руфъ ҳам, у яшаётган муҳит ҳам Мартиннинг кўз олдида биринчи марта яққол намоён бўлди. Бу муҳитнинг аллақайси бир жиҳатлари унга шундай аён ва яққол бўлиб қолдики, гўё уни ўз қўлига олиб, ҳар томон-

га айлантириб мушоҳада қилиши мумкиндай эди. Бу муҳитда англашилмайдиган ва ноаниқ нарсалар кўп эди, лекин у айрим тафсилотларни эмас, муҳитни бутунича кузатарди ва айни вақтда, уни бутунлай забт этиш имкониятларини кўра бошлаган эди. Ёзиш керак! Бу фикр унинг юрагига ўт солган эди. У қайтиб борган заҳоти ёза бошлайди. Энг аввал хазина ахтарувчилар экспедицияси ҳақида ёзади. У ҳикоясини Сан-Францискодаги журналлардан бирiga юборади-да, бу ҳақда Руфга ҳеч нима демайди, кейин, қиз Мартиннинг номини матбуот саҳифасида кўриб ажабланади-ю, севиниб кетади. У айни вақтда ҳам ёзиши, ҳам таҳсил кўриши мумкин. Ахир бир суткада йигирма тўрт соат бор-ку. У енгилмайди, чунки қўлидан иш келади, шунинг учун ҳар қандай ғовларни ҳам енгигб ўта олади. Энди унга оддий матрос бўлиб денгизда сузишнинг ҳам кераги бўлмайди, Мартин бирдан ўзининг шахсий яхтасини тасавур қила бошлади. Ўз шахсий яхтаси бўлган адиллар ҳам бор-ку! Тўғри, дарров муваффақиятга эришиб бўлмайди, деб ўзига таскин берарди у, дастлабки пайтларда, ёзган асарлари ҳисобига ўқиши давом эттириш мумкин бўлса, шунинг ўзи ҳам ёмон бўлмайди. Кейин, бир қанча вақтдан кейин – қанча вақтлиги но маълум – ўқиши тамомлаб, ўзини етук ёзувчи деб ҳис қилгач, у буюк асарлар ёзади-ю, номи тилларда достон бўлади. Лекин бундан ҳам муҳими, энг муҳим нарсалардан ҳам муҳими – ўшанда Руфга муносиб бўлади. Шуҳрат яхши нарса, аммо бу орзуларини у шуҳрат қозониш учун эмас, Руфъ учун ардоқларди. У шуҳратнинг кетидан қувгувчилардан эмас, фақат ёр ишқида девона бўлган бир йигит эди, холос.

Оклендга ҳамёнини қаппайтириб қайтиб келган Мартин Бернард Хиггинботамнинг уйидаги ҳужрасига яна қамалиб олиб, ишга берилиб кетди. У қайтиб келгани ҳақида Руфга хабар қилмади. Руфнинг олдига хазина қиди-рувчилар ҳақидаги очеркини тамомлагандан кейингина боришга қарор қилди. Унинг бутун вужудини қамраб олган ижод васвасаси висол дамининг кечикишига бардош беришга кўмаклашди. Бунинг устига, у ёзган ҳар бир жумла Руфни унга яқинлаштиради. У очеркнинг қандай ҳажмда бўлишини билмас эди. Лекин «Сан-Франциско ахбороти» газетасининг якшанбалик иловасида икки саҳифани эгаллаган очерқдаги сўзларни санаб чиқиб, шунга амал қилмоқчи бўлди. Мартин уч кун бошини кўтармай ўтириб ишлаб, очеркини ёзиб битирди, сўнг ўқиши осон бўлсин учун, йирик ҳарфлар билан пухталаб кўчириб чиқди-ю, кейин бирдан, кутубхонадан олиб келган адабиёт дарслигидан абзац ва тирноқ деган нарсалар борлигини ўқиб қолди. У эса буни хаёлига ҳам келтирмабди. Мартин шу оннинг ўзида очеркини қайта кўчиришга киришди; у дам ўтмай дарсликни варақлаб ўқиб, очеркни кўчиаркан, бир куннинг ўзида шу қадар кўп маълумот олдики, буни оддий мактаб боласи бир йилда зўрга ўзлаштирган бўларди. У очеркини иккинчи марта кўчириб бўлиб, уни найча қилиб авайлаб ўраркан, бирдан қўзи бир газетадаги ёш муаллифлар учун берилган қоидага тушиб қолди; бунда қўлёzmани найча қилиб ўраш мумкин эмаслиги ва варақнинг бир томонига ёзиш кераклиги ёзилган эди. Мартин иккала қоидани ҳам бузган эди. Лекин у яна

энг яхши журналлар асарнинг бир устунига камида ўн доллар қалам ҳақи түлашини ҳам ўқиди. Мартин очеркини учинчи марта кўчи-раркан, такрор-такрор ўн устунни ўн долларга кўпайтириш билан ўзига тасалли берарди. Ҳосил доим бир хил, яъни, юз доллар чиқаверди, шундан кейин, бу иш матрослик хизматидан ўлса ўлиги ортиқ экан, деган қарорга келди. Агар у икки марта хато қилиб қўймаганда, ҳикоя уч кунда битарди. Уч кунда юз доллар! Шунча пулни ишлаб топиш учун эса уч ой денгизда кезиши керак. Қўлида қалами бўлган одамга азият чекиб, матрослик қилиш фирт аҳмоқлик. Лекин Мартин учун пулнинг унчалик қадр-қиммати йўқ эди. Пул фақат вақти-чоғлик қилишига, янги костюм сотиб олишига имкон берардики, бу имкониятларнинг ҳаммаси қўшилиб, унинг ҳаётини остин-устун қилиб юборган ва илҳомбахш этган сарвқомат, оқбадан қизга яқинлаштириши лозим эди.

Мартин қўлёzmани каттакон конвертга солиб, оғзини елимлади ва «Сан-Франциско ахбороти» муҳарририга юборди. У таҳририятга юбориладиган қўлёzmаларнинг ҳаммаси дарҳол босилиб чиқади деб ўйларди, шунга кўра, мodomики, очеркини жума куни юборган экан, якшанба куни газета саҳифасида пайдо бўлишини кутган эди. Ўзининг қайтиб келганини шу йўсинда Руфга маълум қилса жуда кўнгилли иш бўлади-да. Шу якшанба куниёқ у Руфникига боради. Бу орада унда яна янги бир фикр туғилиб қолди, назарида, бу фикр жуда тўғри, бамаъни ва айни вақтда камтарин туюлди: у болалар учун саргузашт ҳикоя ёзиб, уни «Ёшлилар ҳамроҳи»га юбормоқни ўйлаб қолди. У қироат-

хонага бориб, «Ёшлар ҳамроҳи»нинг бир неча тўпини кўриб чиқди. Маълум бўлишича, катта ҳикоялар ва қиссалар ҳафталик журналда тахминан уч минг сўздан бўлиб-бўлиб босиларкан. Ҳар бир қисса журналнинг бешта сонида, баъзилари эса ҳатто еттига сонида босилган эди; Мартин ҳам шу ўлчамга риоя қиласидиган бўлди. Бир вақтлар Мартин кит овлайдиган кемада Арктикага сафарга чиқсан эди; сафар уч йилга мўлжалланган эди, бироқ ярим йил деганда сафар қариди, чунки кема ҳалокатга учраган эди. Мартиннинг уйдирмалар тўқишига суяги бўлмаса ҳам, ҳақиқатни севарди, шунинг учун ҳам, ўзи билган нарсалар ҳақида ёзишни истарди. У кит овлаш касбини жуда яхши биларди, шунга кўра содир бўлган воқеалар асосида, икки ўсмир боланинг афсонавий саргузаштини ҳикоя қилмоқчи бўлди. Бу қиёйин эмас эди, натижада, шанба куни кечқурун асарнинг уч минг сўздан иборат биринчи қисмини ёзib ташлади, бундан Жим ниҳоятда мамнун бўлди, мистер Хиггинботам эса хонадонда пайдо бўлган «ёзувчи» устидан мазах қилиб кулди.

Мартин чурқ этмасдан ўтиаркан, фақат поччаси «Ахборот»нинг якшанбалик сонини очиб, хазина ахтарувчилар ҳақидаги очеркни ўқиб, ҳанг-манг бўлиб қолишини зўр мамнуният билан тасаввур қила бошлади. У якшанба куни эрталаб барвақт газета олгани дарвоза олдига тушди.

У газетани бир неча марта диққат билан кўриб чиқиб, букиб, яна жойига қўйди ва яхшиям қиласидиган ишим ҳақида ҳеч кимга мақтандаган эканман деб суюнди. Кейин, ўзича му-

лоҳаза қилиб кўриб, ҳикояни матбуотда боси-либ чиқиши муддатини аниқлашда янгишган эканман, деган қарорга келди. Бунинг устига, очерки куннинг муҳим мавзуи эмас эди, эҳти-молки, муҳаррир очеркни босишдан олдин унга ўз мулоҳазаларини ёзиб юбормоқчиидир.

Нонуштадан сўнг у яна қисса ёзиш билан шуғулланди. Гарчи у лугатга ёки адабиёт дарс-лигига тез-тез қараб турса ҳам, қалами остидан сўзлар тўхтовсиз тизилишиб чиқиб келарди. Баъзан лугат ва китобларга қараб иши тўхтаб қолган вақтда, ёзилган бобни қайта-қайта ўқир ва бу билан буюк ижодий ишдан чалғиса ҳам, эвазига асар ёзиш қоидасини ўзлаштиряпман, ўз фикрларимни ифодалашни, изҳор этишини ўрганяпман, деб ўзига ўзи тасалли берарди. У қош қорайгунча ёзар, сўнг қироатхонага бо-риб, кеч соат ўнгача, яъни, қироатхона ёпил-гунча ҳафталик ва ойлик журналларни титиб ўтиради. Унинг бу ҳафтага тузган иш режаси шундай эди. Ҳар куни уч мингта сўз ёзар, ҳар куни кечқурун қироатхонага борар ва ношир-ларга қандай шеър, қисса, ҳикоялар ёқишини аниқлаш учун журналларни титкиларди. Шу нарса шубҳасиз эдики, у мана бу сон-саноқсиз адиллар ёзган ҳамма нарсани ёзишга ҳам қо-дир, ҳаттоқи унга агар муҳлат берилса, мана бу адиллар ҳам эплай олмайдиган кўп нарсаларни ёзиб ташлайди. У «китоб бюллетени»да го-норарлар ҳақида ёзилган мақолани ўқиб, жуда хурсанд бўлди; ўша мақолада, гап орасида, Киплингнинг ҳар бир сўз учун бир доллар оли-шини, ёш адиллар эса (Мартин мақоланинг ай-ниқса шу ерига кўпроқ қизиқиб қолди) бирин-чи даражали журналларда ҳар сўзига камида

икки цент олиши айтиб ўтилган эди. «Ёшлар ҳамроҳи», шубҳасиз, биринчи даражали журнал эди, шундай қилиб, у бир кунда ёзган уч минг сўзи учун олтмиш доллар олиши мумкин эди. Бу – денгиз сафарида икки ойлик маош демак эди.

Жума куни кечқурун у қиссани ёзиб тутатди. Қиссада роса йигирма бир мингта сўз бор эди. Ҳар бир сўзга икки центдан тўлашганда ҳам, шу қиссанинг ўзига тўрт юз йигирма доллар оларкан. Бир ҳафталик ишга шунча ҳақ тўланса, чакки эмас. Мартин умрида ҳеч қачон бирваракайига шунча пул олмаган эди. У шунча пулни нимага сарфлашни билмай, ҳатто боши қотиб қодди. Ахир бу олтин кони-ку! Фарогатли ҳаётнинг битмас-туганмас манбаи бу! У яхши кийим-бош қилмоқчи, бирталай газета ва журналларга обуна бўлмоқчи, зарурий маълумот китобларини сотиб олмоқчи бўлди – ҳозир уларни кўргани ҳар сафар кутубхонага югуради. Шундан кейин ҳам тўрт юз йигирма доллардан яна анча-мунча пул ортиб қолади; Мартин, бу пулларни қаёққа сарф қилсан экан, деб бош қотириб ўтириб, ниҳоят иложини топди; опаси Гертрудага хизматкор аёл ёлламоқчи, Мэриенга велосипед олиб бермоқчи бўлди.

Мартин қалин қўллёzmани «Ёшлар ҳамроҳи»-га юборди ва шанба куни кечқурун марварид овловчилар ҳақида очерк ёзишни мўлжаллаб қўйгач, Руфнинг олдига жўнади. У боришдан один қизга телефонда қўнғироқ қилди, шунинг учун ҳам Руфнинг ўзи унинг истиқболига чиқди. Шу заҳотиёқ, қиз Мартиндан барқ уриб турган таниш куч ва соғломликни ҳис қилгандек бўлди. Назарида, бу куч унга ҳам ўтаёт-

гандай томирларидан ҳароратли түлқин бўлиб оққандай ва ҳаяжондан баданларини жимирлатиб юборгандай бўлди. Руфнинг қўлини олиши ва унинг мовий кўзларига тикилиши билан Мартин чўғдек қизариб кетди, лекин Руфъ буни пайқамади, чунки саккиз ой давом этган денгиз сафари вақтида унинг юzlари офтобда қорайиб кетган эди. Лекин бўйнидаги қотирма ёқа кийиб қизартирган эни ҳатто қорайгани ҳам яшира олмади, Руфъ буни кўриб қолиб, табассумдан зўрға ўзини тийди. Бироқ унинг костюмга кўзи тушганида, кулгиси қайтиб кетди. Шими худди қуйиб қўйгандек ўзига ярашиб турарди – бу унинг буюртма қилиб тиктирган биринчи костюми эди, Мартин бу костюмда яна ҳам хушбичим, хипча кўринарди. Бунинг устига, қўлида кепка ўрнига юмшоқ шляпа ушлаб турарди; Руфъ шу оннинг ўзида, шляпангизни кийиб кўрсатинг, деб илтимос қилди, сўнг унинг ташқи қиёфасини мақтади. Мартинда юз берган бу ўзгаришлар Руфнинг иши, бу Руфни фурурлантирап эди, шунга кўра қиз уни бундан буён қандай йўлга солишни ўйлай бошлади.

Лекин Руфъ учун энг муҳим ҳисобланган бир нарса – Мартиннинг нутқидаги ўзгариш уни айниқса қувонтирди. Энди Мартин тўғри сўзлаш билан чекланмай, гапирганда ўзини бир қадар эркин ҳис қиласади, унинг сўз бойлиги ҳам анча-мунча ортган эди. Тўғри, суҳбатга берилиб кетган чоғларда ўзини унутиб қўйиб, яна маҳаллий шева сўзларини ишлата бошлар, жумланинг охирини ямлаб юборарди; баъзида у эндинина ўрганганде сўзни талаффуз этаётиб тутиларди. Лекин масала фақат жумлаларни тўғри ифодалашда эмас эди. Энди у суҳбат

пайтида эркин гапирап ва енгил асқия қиласди, буни эшитиб Руфь бениҳоя хурсанд бўлди. Бу йигитнинг тугма ҳазилкашлигидан дарак берарди; шу ҳазилкашлиги учун Мартиннинг ўртоқлари уни доим ҳурмат қилишарди, лекин авваллари у керакли сўзларга камбағал бўлгани учун, қизнинг олдида асқия қилолмаганди. Энди у аста-секин кўнига бошлаб, қиз яшаб турган муҳитда ўзини бегона ҳис қилмай қўйди. Шундай бўлса ҳам, Мартин ниҳоят дараҷада эҳтиёткорлик билан гапирапди, сухбатни шўх ва бемалол олиб боришни у Руфга ҳавола қилиб, ўзи ҳам орқада қолмасликка ҳаракат қиласди-ю, лекин бирон марта бўлсин, ўзи бошламас эди.

У Руфга ўзининг ёза бошлаганини айтиб, ўз режаларини – пул топиш учун ёзиб, ўқиши давом эттиromoқчи бўлганини баён қилди. Бироқ Руфъ бу режага шубҳа билан қараб, Мартиннинг ҳафсаласини пир қилди.

– Биласизми, – деди қиз очиқдан-очиқ, – адабиёт ҳам бошқа ҳамма касбларга ўхшайди. Мен мутахассис эмасман, албатта, фақат ҳаммага аён бўлган ҳақиқатни айтмоқчиман. Ахир темирчи бўлиш учун ҳам, олдин уч йил, ҳаттоқи беш йил шогирд бўлиш керак. Лекин адиллар темирчилардан яхшироқ пул топишади, шунинг учун ҳам, назаримда, жуда кўп одамлар ёзувчи бўлишни орзу қилишса, ҳаттоқи ёзишга уриниб ҳам кўришса керак.

– Нима сабабдан, менинг ёзишга истеъодидим йўқ деб фараз қиласиз? – деб сўради Мартин, шундай равон жумла тўқиганидан пинҳона севиниб; кейин шу заҳотиёқ унинг тасаввури ишга тушиб кетди-ю, бу меҳмонхонада бўлаёт-

ган суҳбатни четдан туриб кузатгандай бўлди, ўзининг аввалги қўпол ва жирканч ҳаётининг юзлаб лавҳалари ҳам қўз олдида тизилиб турарди.

Лекин бу турли-туман манзараларнинг ҳаммаси унинг қўз олдидан бир зумда ўтиб кетди, лекин фикр юритишини тўхтатмади, суҳбатни кесиб қўймади. Мартин ўз хаёли экранида, ҳар бир нарсадан маданият ва яхши одоб ҳиди келиб турган шинамгина бир хонани ва бу хонада китоблар ва суратлар орасида чиройли инглиз тилида суҳбатлашаётган бу зебо ва жонон қиз билан ўзини кўрди. Бу бир текисда тушиб турган нур билан ёритилган манзара экраннинг ўртасини эгаллаган эди. Бу манзара атрофига, экран чеккаларида эса тамомила ўзгача манзаралар пайдо бўлиб, яна кўздан йўқоларди, Мартин томошабин сифатида у манзаралардан хоҳлаганини қўриши мумкин эди. Туманинг жимиirlовчи хира нурлари орасини ёриб чиққан қирмизи ёғду билан ёритилган бу манзаралар унинг кўзи олдида алмашиниб турарди. Кўзига қовоқхонада ўткир виски ичаётган ковбойлар кўриниб кетар, атрофдан беҳаё сўзларни эшитарди, унинг ўзи ҳам пештахта олдида туриб олиб, ичкилик ичар ва энг ашаддий муттаҳам ёки безорилардан қолишмасдан сўкинар ёки улар билан стол атрофига, пилиги тутаб ётган чироқ остида ўтириб олиб, қарта тарқатар, очко санайдиган фишкаларни шиқирлатарди. Кейин у ўзини «Сасквеганна» кемасининг баъзида белигача ялангоч қиёфада муштларини сиққан ҳолда кўрди – бу ливерпуллик малла йигит билан бўлган машхур муштлашишга шайланган пайти эди; кейин

исён күтарилган буултули тонгда «Жон Рожерс!» кемасининг қонга ботган палубасини кўрди, ўлим талвасасида ижирғаланаётган биринчи ёрдамчини, капитан қўлидаги тутуни чиқиб турган револьверни, унинг атрофида тўдаланиб турган матрослар оломонининг разабдан тиржайган башараларини, бўралаб сўкинаётган ярадорларни кўрди ва яна бу манзаралардан порлоқ шуъла билан ёритилган сокин ва оромбахш марказий саҳнага қайтди; қайтди-ю, яна китоблар ва расмлар қуршовида ўзи билан суҳбатлашиб ўтирган Руфни кўрди; яна каттакон роялни кўрди, бир оздан кейин қиз унга шу роялда куй чалиб беради, ўзининг тўғри тузилган ва тўғри талафғуз этган жумласини эшилди: «Нима сабабдан менинг ёзишга истеъдодим йўқ деб фараз қиласиз?»

– Чунончи, кишининг темирчиликка қобилияти бор дейлик, – деб кулиб эътиroz билдириди қиз, – шунинг ўзи кифоя қиладими? Биронта одамнинг олдин шогирд бўлмай туриб, темирчи бўлганини ҳеч эшиitmaganman.

– Менга нима маслаҳат берасиз? – деб сўради йигит. – Лекин унутманг, мен ёза олишим мумкинлигини чинданам ҳис қиляпман. Буни изоҳлаб беришим қийин, аммо бу аниқ.

Қиз жавоб қилди:

– Ёзувчи бўлиш-бўлмаслигингиздан қатъий назар, ўқишингиз керак. Қайси соҳани танласангиз ҳам, таҳсил олишингиз муқаррар, шу билан бирга тасодифий эмас, мунтазам таҳсил олишингиз керак. Сиз мактабга кириб ўқишингиз зарур.

Мартин:

– Ахир... – деб гап бошлаган эди, қиз унинг сўзини бўлди:

– Ўшанда ҳам ёзишни давом эттиришингиз мумкин.

– Давом эттирмай иложим йўқ, – деб қўпол жавоб қилди Мартин.

– Нега ахир?

Қиз нохушлангандай қаради унга: йигитнинг ўз сўзида қаттиқ туриб олиб, қайсарлик қилиши унга ёқмаган эди.

– Чунки шусиз ўқиб бўлмайди ҳам. Мен ахир еб-ичишим, кийинишим, китоблар сотиб олиш имкониятим керак-ку.

– Ҳамиша эсимдан чиқади-я, бу, – деди Руфъ қулиб. – Нега тайёр даромад эгаси бўлиб туғилмагансиз?

– Мен соғлом ва фаросатли бўлишни афзал кўраман, – деб жавоб қилди йигит, – даромад ўзи келаверади. Мен... – у «сизни хушнуд этиш учун» деб юборишдан ўзини зўрга тутиб қолди, – бирон нарсани деб, олам-жаҳон ишларни дўндириб ташлардим.

– «Дўндириб» деманг! – деди қиз ҳазиломуз, қўрққан кишидек. – Бу жуда хунук сўз.

Мартин уялиб кетди.

– Гапингиз тўғри, – деди у, – илтимос қила-ман, ҳамиша гапимни тузатиб туринг.

– Мен... мен жоним билан, – деб Руфъ тараддуланиб жавоб қилди. – Сизнинг яхши хислатларингиз жуда кўп, истардимки, шу хислатлар яна ҳам кўпайса.

Мартин шу заҳоти яна қизнинг қўлида бир парча лой бўлди-қолди, энди у Руфнинг шу лойдан кўнгли истаган нарсани ясашини астойдил хоҳларди, Руфъ ҳам ундан ўзи орзу қил-

ган эркакни ясаб олишни хоҳларди. Қиз ўрта мактабга кириш имтиҳонлари душанба куни бошланишини айтганди, Мартин шу заҳотиёқ имтиҳон топширгани боришини айтди.

Шундан кейин Руфъ рояль олдига ўтириб, анча пайтгача унга мусиқа чалиб, қўшиқ айтиб берди, Мартин эса завқданиб, бу қизнинг қўшиқларини бутун вужуди билан тингловчи, у билан учрашишни зориқиб кутувчи сонсаноқсиз муҳлислари нима учун унинг атрофида парвона бўлмаяпти деб ажабланар, унга иштиёқ тўла кўзлари билан тикилиб ўтиради.

ЎНИНЧИ БОБ

Шу куни кечқурун Мартин Морзларникида овқатлангани қолиб, Руфни жуда хурсанд қилди, чунки Мартин унинг отасига ёқиб қолган эди. Суҳбат Мартин учун жуда ҳам таниш касб устида – денгизчилик касби устида борди; кейин мистер Морз уни жуда идрокли, бамаъни йигит экан деб айтди. Мартин дағал сўзлар ва нотўғри ибораларни талаффуз қилишдан ўзини тийишга уринар, шунинг учун ҳам шошмай гапирав, ўз фикрларини яна ҳам яхшироқ ифодаларди. У тахминан бундан бир йил муқаддам биринчи марта овқатланган пайтидагидан кўра ҳозир ўзини анча эркин тутар, лекин камтарлиги ва бир оз тортинчоқдиги ҳали ҳам бор эди, бу эса Мартинда содир бўлган ўзгаришларни маъқул кўриб, таажжубланган миссис Морзга жуда ёққан эди.

- Мартин Руфнинг эътиборига сазовор бўлган биринчи эркак, – деди у кейинроқ эрига.
- Қизимиз доим эркакларга лоқайд қааради.

Бундан мен ҳатто ташвишга ҳам туша бошлажан эдим.

Мистер Морз хотинига ажабланиб қаради.

– Бу матрос йигит қизингда аёллик ҳисларини уйғотишини истайсанми? – деб сүради эр.

– Қизимнинг оламдан қари қыз бўлиб ўтиб кетишини истамайман. Агар Мартин Иден туфайли унда умуман эркакларга қизиқиш уйғонса, жуда яхши бўларди.

– Жуда яхши бўлади! – деб эътироф этди мистер Морз. – Лекин фараз қилайлик, баъзан, азизим, фараз қилишга ҳам тўғри келади. Фараз қилайлик, қизинг эркак зотига умуман эмас, хусусан қизиқиб қолса-чи?

– Бу мумкин эмас, – деди кулиб миссис Морз.

– У қизимиздан уч ёш кичик, кейин бу ҳеч бўлиши мумкин эмас! Ёмон иш бўлмайди. Менга ишонавер.

Шундай қилиб, Мартин Иденнинг вазифаси мутлақо аниқ белгиланган эди. Бу пайт Мартиннинг ўзи ҳам бир гайриоддий фикр устида бош қотира бошлади; бу фикр Артур билан Нормандан чиққан эди. Гап ҳар якшанба куни шаҳар ташқарисига велосипедда сайр қилиш устида бораради; бу сайрга Руфъ ҳам отланаттани билмаганда, Мартинни бу сайр қизиқтириши амримаҳол эди. У ҳеч қачон велосипед минмаган эди, модомики, сайрга Руфъ чиқар экан, Мартиннинг ҳам велосипед менишни ўрганиши зарурлигига шубҳа қолмади. Шунинг учун уйига қайтаётиб, йўл-йўлакай магазиндан қирқ долларга велосипед сотиб олди. Бунча пулни у энг машаққатли меҳнат билан бир ойда ҳам топа олмас эди, боз устига, бундай катта харажат ҳамёнини хийлагина

қоқлаб қўйган эди. Бироқ у «Ахборот»дан оладиган юз долларига «Ёшлар ҳамроҳи» тўлайдиган тўрт юз йигирма долларни қўшди-ю, бу пулларнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини ўрнига сарфлай олганидан ҳатто мамнун ҳам бўлди. У велосипед минишни ўрганишга киришганида шими билан камзулининг йиртилганидан ҳам хижолат бўлмади. Шу оннинг ўзида у Хиггинботамнинг дўконидан машиначига телефон қилиб, ўзига янги костюм буюртириди. Кейин у кўчадан кириладиган тор зинадан велосипедини ҳужрасига олиб чиқди-да, каравотни девордан сурган эди, хонада фақат ўзи билан велосипедга жой қолди, холос.

У якшанба куни кириш имтиҳонларига тайёрланмоқчи бўлди, лекин марварид овловчилар ҳақидаги ҳикоя эс-ҳушини шу қадар олиб қўйган эдики, миясида алангаланиб турган гўзал лавҳаларни қофозга туширишга уриниб, куни билан ижод қозонида қовурилди. «Ахборот» бу якшанба ҳам унинг хазина қидиувчилар ҳақидаги ҳикоясини босиб чиқармади, лекин у довдираб қолмади. У ўз хаёли қанотида шу қадар юксакликка парвоз этиб кетган эдики, икки марта овқатга чақиришганда ҳам эшитмади. Шундай қилиб, мистер Хиггинботамнинг одатда якшанба кунларини нишонлаш учун пиширилган лаззатли таомидан татиб кўриш Мартинга насиб бўлмади. Бундай таомлар мистер Хиггинботам учун унинг баҳтли ҳаёт кечираётганидан дарак берувчи далилӣ ашё эди, шунинг учун ҳам бундай овқат пайтида у америкача турмуш тарзининг бамаънилиги ва унинг одамларга бераётган бой имкониятлари ҳақида, чунончи, уни сабзавот дўконининг гу-

маштаси лавозимидан савдо корхонасининг хўжайини мартабасига кўтарган имконият ҳақида, бу сўзга у алоҳида урғу бериб гапиради, ўта бачканга сўзлар билан валдирагани-валдираган эди.

Душанба куни эрталаб Мартин Иден маврид овловчилар ҳақида ёзиб тугата олмаган очеркига маъюс назар ташлаб, Окленд мактабига жўнаб кетди. У имтиҳон натижалари ни билгани бир неча кундан кейин борганида, унга грамматикадан бошқа ҳамма фанлардан йиқилганлигини айтдилар.

– Грамматикани жуда яхши биларкансиз, – деди профессор Хилтон, унга қалин шишали кўзойнаги орқали тикилиб қарапкан, – лекин бошқа фанлардан ҳеч нима билмайсиз, мутлақо ҳеч нима билмайсиз, Қўшма Штатлар тарихидан берган жавобларингиз эса – даҳшат, ҳа, даҳшат, бошқа сўз билан таърифлаб бўлмайди. Мен сизга маслаҳат тариқасида...

Профессор Хилтон жим қолди ва Мартинга гўё ўз найчаларидан бирига қараётгандай соvuқ ва лоқайд назар ташлади. У мактабда физика ўқитар, оиласи катта, аммо маоши оз эди, илми эса худди тўтиқуш сингари ёдлаб олинган нарсалардан нари ўтмасди.

– Шундай денг, сэр, – деди Мартин итоаткорона оҳангда ва профессор Хилтон ўрнида кутубхонанинг маълумот бўлимидаги кутубхоначи бўлмаганидан афсусланди.

– Мен сизга яна икки йил бошланғич мактабда ўқиши маслаҳат берардим. Хайр, омон бўлинг!

Мартин бу муваффақиятсизликка унча парво қилмади, лекин профессор Хилтоннинг айт-

ганларини Руфга айтиб берганида, қизнинг қанчалик хафа бўлганини кўриб таажжуб қила бошлади. Руфнинг хафа бўлгани шундай аниқ сезилиб турардики, буни кўриб, имтиҳондан йиқилганидан ўзи ҳам афсусланана бошлади – ўзи учун эмас, қиз учун афсусланди.

– Мана, кўрдингизми, – деди қиз, – мен ҳақ чиқдим. Сиз баъзи талабалардан ҳам анча кўп биласиз, аммо имтиҳонда йиқиласиз. Чунки сиз мунтазам равища эмас, тартибсиз ўқигансиз. Сиз мунтазам шуғулланишингиз керак, лекин яхши муаллимсиз бунга эришиб бўлмайди. Билимни чуқур ўрганиш керак. Профессор Хилтон ҳақ, агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсан, кечки бошланғич мактабга ўқишга кирган бўлардим. Сиз бутун курсни бир ярим йилда тугаллаб, ярим йил вақтингизни тежаб қоласиз. Бундан ташқари, кундузи вақтингиз бўш бўлади, сиз ёзиш билан шуғулланишингиз ёки қалам тебратиш билан кун кўра олмасангиз, бошқа бирон иш билан шуғулланишингиз мумкин.

«Ахир, кундузи ишласам, кечқурунлари мактабда ўқисам, унда сиз билан қачон учрашаман?» Мартиннинг хаёлига келган биринчи фикр шу эди, лекин бу гапни айтишга қўрқди. Бунинг ўрнига шундай деди:

– Кечки мактабга қатнаబ ўқиш – гўдак болаларнинг иши. Агар ундан фойда чиқишини билсан, қараб ўтирмасдим, албатта. Лекин фойда чиқмаса керак деб ўйлайман. Ҳамма фанни ўзим, мактаб муаллимлари ўқитгандан ҳам тезроқ ўзлаштириб олишим мумкин. Мактабга қатнаш – бекорга вақт ўтказиш бўларди (Мартин қиз ҳақида, ўзининг унга мұяссар бўлиши ҳақида ўйларди), менинг эса бекорчи вақтим йўқ!

– Лекин сиз ҳали жуда күп ишлар қилишин-гиз керак-ку.

Қиз унга меҳрибонлик билан қараб қўйди, Мартин унга эътиroz билдиргани учун ичидагузини ҳайвон деб койиди.

– Физика, химияни ўрганиш учун лаборатория керак бўлади, – деди қиз. – Алгебра, геометрияни ҳеч қачон мустақил ўргана олмайсиз. Сизга раҳбар, тажрибали мутахассис муаллимлар керак.

Мартин қандай қилиб яхшироқ жавоб беришни ўйлаб, бир дақиқача сукутга толди.

– Мени мақтаняпти деб ўйламанг, – деди у, – гап асло бунда эмас. Лекин ҳамма нарсани осонгина ўргана олишим мумкинлигини сезяпман. Мен ўзим ҳамма нарсани ўрганишим мумкин. Ўрдак сувга интилгани сингари мен ҳам илмга интиламан. Грамматикани қандай ўзлаштирганимни ўзингиз кўрдингиз. Мен яна жуда күп нарсаларни ўргандим, улар шунчалик кўпки, сиз хаёлингизга ҳам келтира олмайсиз... Аммо мен эндиғина киришяпман. Менга ҳали... – у бир он тутилиб қолиб, сўнг дангал гапирди: энерция етишмайди. Мен ахир эндиғина сафга тура бошладим-ку.

– Сафга тура бошладим деганингиз нима деганингиз? – деб унинг сўзини бўлди қиз.

– Яъни, нарсаларнинг фарқига бора бошладим демоқчиман, – деди Мартин.

– Бу жумлада ҳеч қандай маъно йўқ, – деди яна Руфь.

Шунда Мартин ўзгача ибора билан гапирмоқчи бўлди:

– Мен ўз йўналишимни энди тушуняпман.

Бу сафар қиз унга раҳми келганидан индамади, Мартин эса гапида давом этди:

— Менинг тасаввуримда фан денгиз хариталири сақданадиган штурман хужрасига ўхшайди. Кутубхонага борганимда ҳамиша шуни ўйлайман. Муаллимнинг вазифаси талабага ҳамма харитани бир бошдан ўргатиб чиқишидан иборат. Вассалом. У бамисоли йўл кўрсатувчи. Аммо ўзи ҳеч нимани ўйлаб чиқара олмайди. У ҳеч қандай янгилик яратмайди. Харитада ҳамма нарса мавжуд, муаллим янги талабанинг адашиб қолмаслиги учун унга фақат қаерда нима турганини кўрсатиб бериши керак. Мен адашмайман. Мен жойларни танийман. Шу билан бирга қандай иш қилишимни ҳам тушунаман, албатта. Яна бирон сўзни нотўғри айтдимми?

— «Қандай» эмас, «нима», — деди Руфъ.

— Тўғри, нима қилишимни тушунаман, — деб такрорлади Мартин қиздан миннатдор бўлиб.
— Нимани гапираётувдим? Ҳа, денгиз хариталини. Ҳуллас гап шуки, бағзи одамларга...

— Баъзи, — деб тузатди Руфъ яна.

— Баъзи одамларга йўл кўрсатувчи керак бўлади. Бу тўғри. Мен эса, ўшаларсиз ўзим йўл топа оламан, деб ўйлайман. Мен бу хариталар олдида жуда кўп ўралашиб юрдим, шунинг учун уларнинг қайсилари менга кераг-у, қайси соҳилларни тадқиқ этишим лозимлигини ҳам биламан. Ёлғиз ўзим буларнинг ҳаммасини тезроқ текшириб чиқаман. Денгиз флотининг тезлиги доим энг секин юрар кеманинг тезлиги билан ўлчанади. Мактабда ҳам худди мана шу аҳвол. Муаллимлар қолоқ талабаларга қараб дарс ўтишлари керак, лекин мен ёлғиз ўзим илдамроқ юришим мумкин.

Руфъ аллақаерда ўқиган жумлани айнан такрорлади:

– «Ёлғиз сайёх ҳаммадан ўзиб кетади».

Мартин бунга жавобан:

«Лекин мен ёлғиз әмас, сиз билан сафар қи-
лишни истардим», деб юборишига сал қолди. Кү-
зига Руфь билан күл ушлашиб қуёш нурига гарқ
бўлган юлдузлар тўла бепоён фазода парвоз қи-
лаётгани кўриниб кетди; қизнинг сарғиш олтин
ранг соchlари шамолда ҳилпираб унинг ёноқла-
рини қитиқларди. Шу пайт у ўзининг сўзга нақа-
дар қашшоқ эканлигини сезди.

Барҳақ эгам! Қани энди буларнинг ҳамма-
сини Руфга шундай сўзлаб берсаки, у ҳам ҳо-
зир Мартин кўриб турган манзарани кўролса! Кутимаганда Мартин ўз тафаккур кўзгусида
намоён бўлган бу манзараларни Руфга эҳти-
рос-ла тасвирлаб бергиси келди, бу истак, ми-
соли алами дард сингари, унинг қалбини ўр-
таб юборди. Бирдан у ҳамма нарсага тушунди.
Сирнинг калити бу ёқда экан. Буюк санъаткор-
лар, шоирлар ва адиллар айнан шундай қили-
шади-ку! Уларнинг улуғлиги ҳам шунда. Улар
ўzlари кўраётган, ўйлаётган ва ҳис қилаётган
ҳамма нарсани сўз билан ифодалай оладилар.
Офтобда мудраб ётган ит кўпинча уйқусираф
фингшийди, акиллайди, лекин у нима сабабдан
фингшигани ва акиллаганини изоҳлаб берол-
майди. Мартин ҳам бамисоли қуёшнинг тифи-
да ухлаб қолган ит, у ҳам ажойиб ва гаройиб
тушлар кўради-ю, аммо тушини Руфга сўзлаб
беришга ожиз. Энди ухлашни бас қилиш ке-
рак. То кўзлари очилмагунча ва тили калима-
га келмагунча, кўрган тушларининг гаройиб
хазиналарини Руфь билан баҳам кўрмагунча
тинмай ўқийди ва ишлайди. Ўз фикрларини

ифода этиш сирларини биладиган, сўзларни ўзларига қулдек итоат эттира оладиган, ҳосила алоҳида рақамларнинг оддий йифиндицидан тамомила бошқа бўлганидек, сўзларни бир-бира га қўшиб, мутлақо янгича маъно берувчи жуммалар тўқийидиган одамлар бор-ку ахир. У ўзини изтиробга солиб юрган сир масканига бир зумга кириб чиққанини ўйлаб, жуда таъсиrlаниб кетди ва яна кўз олдида қуёшу юлдузлар нури тўла олам чаракдаб кетди. Ниҳоят, у орага чўккан сукутдан ҳайратланиб, ҳушига келди-ю, ўзига шўх табассум билан тикилиб ўтирган Руфга кўзи тушди.

– Мен кўзим очиқ ҳолича туш кўрдим, – деди Мартин ва шу сўзларни айтаркан, юраги қаттиқ ура бошлади.

Бундай сўзларни у қаердан топди? Нима сабабдан сукутга чўмганини бу сўзлар тўғри ифодалаб берган эди. Бу мўъжиза эди. У ҳеч қачон гўзал фикрларни бу қадар гўзал ифодаламаган эди. Лекин у ҳеч қачон бунга уриниб ҳам кўрмаган эдн-да. Ҳа, бўлмасам-чи. Энди ҳаммаси равшан. У уриниб кўрмаган. Суинберн, Теннисон, Киплинг ва бошқа буюк шоирлар уриниб кўришган, шунинг учун ҳам улар чиқара олган. Эсига ўзининг «Марварид овловичлар»и тушди. У ахир дилидаги гўзалликни ҳеч қачон сўз билан ифодалашга уринмаган эди-да. Агар у шундай қилганида ҳикоя тамомила бошқача бўлиб чиқарди. Қанчадан-қанча гўзал нарсаларни тасвирлашим мумкин эди, деб ўйлаганда, у даҳшатга тушди; хаёл эса уни яна опқочиб кетди, шу чоқ бирдан, мени ҳаяжонга солган жамики гўзалликни шеърий мисралар воситаси-ла, буюк шоирлар синга-

ри янгроқ, олийжаноб шеърлар воситаси ила ифодаласам бўлмасмикин, деб ўйлаб қолди. Ҳеч бўлмаса, ўзининг Руфга бўлган муҳаббатини, бу муҳаббатнинг сирли жозибасини ва юксак маънавийлигини тасвиirlаши керак. Нима учун шоирлар қилган ишни у қилиши мумкин эмас? Улар муҳаббат ҳақида куйладилар. У ҳам куйлади. Арвоҳ урсин!..

Бу сўзлар унинг қулоғи остида момақалдироқ садосидек гумбурлаб кетди. У хаёлга берилиб кетиб, бу сўзларни овоз чиқариб айтиб юборган эди. Юзига қон қуйилиб, офтобда қорайган бадани тирноқларининг учигача чўфдек қизариб кетди.

– Мен... мен, ўтинаман, афв этинг мени, – деб пицирлади йигит, – хаёлга берилиб кетибман...

– Сиз худди «Мен ибодат қиляпман» дегандек оҳангда талаффуз этдингиз, – деб қатъий равишда ҳазил қилмоқчи бўлди қиз, лекин вужуди қалтираб кетган эди.

Руфъ умрида биринчи марта ўзига таниш бўлган одамнинг оғзидан чакки сўз чиққанини эшитган эди, қулоғига хунук эштилгани, ахлоқ туйфусини таҳқирлагани учунгина у ҳаяжонга тушмади, балки эҳтиётлаб парвариш қилинаётган иффат чаманига тўсатдан кучли шамол ёпирилиб келгани уни чўчитиб юборди.

Лекин шунга қарамай, у Мартиннинг гуноҳидан кечди, кечди-ю, ўз муруватидан ўзи ҳайрон қолди. Негадир, унинг гуноҳини кечириш қийин эмас эди. Ҳаёт бошқаларга берган кўп нарсаларни бу йигитга бермади, лекин Мартин бой берган нарсаларни қўлга киритишга уринар ва ҳозирданоқ қўпгина натижаларга эришган эди. Ўзининг муруватли

бўлиши боисини яна ҳам соддароқ изоҳловчи бошқа сабаблар ҳам борлиги қизнинг хаёлига ҳам келмасди. У Мартинга жуда ҳам меҳрибон эди-ю, аммо буни ўзи пайқамасди. Пайқай олмас эди ҳам. У ишқ нималигини хиёлгина бўлса ҳам билмай, йигирма тўрт йил хотиржам яшади, ўз туйғуларини таҳдил қила билмаган ва шу чоққача ишқ оташида ёнмаган бу қиз ҳозир шу ишқ алангасида исинаётганини тушунмасди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Мартин яна ўзининг «Марварид овловчилар»ини ёзишга киришди, агар шеър ёзиш истаги унинг кўнглига фулу солмагандан, эҳтимолки, очеркини ҳам тезроқ ёзиг битирган бўлармиди. У ёзган шеърлар ишқий шеърлар бўлиб, ҳаммаси Руфдан илҳомланиб ёзилган эди. Бироқ у битта ҳам шеърни ёзиг тугата олмади. Бу қадар қисқа вақт ичида шеъриятдек юксак санъатни эгаллаб бўлмас экан. Шеърнинг оҳангиги, вазни, умумий тузилишининг ўзи ҳам хийлагина мураккаб, аммо булардан бошқа, шеърият санъатида яна аллақандай кўзга илинмайдиган бир хусусият ҳам борки, бу хусусияти Мартин буюк шоирларнинг шеърларида учратган-у аммо ўзи ёзган шеърларга ҳеч кирита олмаган эди. Бу шеърият руҳи эди. Мартин уни ҳеч ўзлаштира олмаётган эди. У Мартиннинг кўзига қандайдир шуъладек, боши узра парвона бўлувчи аллақандай ранго-ранг тутундек бўлиб кўринарди-ю, қўлини узатганида доим ҳар томонга тўзиб кетарди. Мартин жуда нари борса, ўша тутуннинг бирон парчасини қўлга

илинтиришга мұяссар бўлиб, алоҳида нафис мисралар яратарди; бу мисралар йигитнинг миясида худди мусиқий оҳангдек жарангларди ёки кўз олдидан тиник бир шарпа янглиғ фув этиб ўтиб кетарди. Бу ҳол Мартинни қаттиқ изтиробга соларди. Тил учида турган энг ажойиб туйгулар ҳам қоғозга ёзилганда, энг оддий насрый жумлалар бўлиб қоларди. Мартин ўз шеърларини ўзича овоз чиқариб ўқий бошлади. Бу шеърларда вазн бор, қофия ва ритм ҳам бир қадар муваффакиятли чиқаётган эди, аммо уларда на жўшқин ҳарорат, на чинакам илҳом мавжуд эди. Бунинг сабабини ҳеч тушуна олмас ва баъзан умидсизликка тушиб, яна очеркига қайтарди... Наср бир қадар итоаткор соҳа эди.

Мартин марварид овловчилар ҳақидаги очеркидан кейин, денгизчининг касби, тошибақа ови, шимоли-шарқдан эсувчи қуруқ тропик шамол ҳақида яна бир неча очерк ёзди. Сўнг кичикроқ сюжетли ҳикоя ёзиб, ўз кучини синамоқчи бўлди-ю, бу ишга берилиб кетиб, бир эмас, олтита ҳикоя ёзиб ташлади-да, уларни турли журналларга юборди. Унинг кутубхонага борган ёки Руфнинг ҳузурида бўлган вақти мустасно қилинса, эрталабдан кечгача, ҳаттаки ярим кечагача астойдил берилиб, смарали ишларди. Шу кунларда Мартин ниҳоят даражада баҳтиёр эди, унинг ҳаёти бекам-у кўст ва гўзал эди, ижод париси ҳеч қачон ундан юз ўгириласди. Илгари у фақат худоларгагина хос нарса деб ҳисоблаб юрган яратувчилик қувончига энди ўзи ҳам мушарраф бўлган эди. Унинг атрофидаги ҳамма нарсалар – ириган сабзавот ва мағзаванинг бадбўй ҳиди, опа-

сининг бақ-бақалоқ гавдаси ва мистер Хиггинботамнинг писмиқ башараси – буларнинг ҳаммаси аллақандай тушга ўхшарди. Чинакам дунё фақат унинг миясида мавжуд эди, у ёзган ҳикоялар эса шу дунёдан намуналар эди.

Кунлар жуда ҳам қисқа туюларди, чунки Мартин жуда кўп нарсани билгиси келарди. У уйқу вақтини беш соатга туширди ва буни етарли деб топди. У ҳатто тўрт ярим соат ухлашга ҳам уриниб кўрди, аммо ноилож беш соатли муддатга қайтишга мажбур бўлди. Қолган ҳамма вақтини шавқ-завқ билан севимли машғулотига бағишлади, у дарсликларни ўқиши учун истар-истамас асар ёзишдан тўхтар, сўнг кутубхонага бориш учун дарсликларни четта суриб қўяр, кутубхонада эса минг афсус билан илм-фаннинг штурманлик рубкасини тарқайлар ёки ёзувчилар қандайдир йўлини қилиб ўз асарларини бостирган журналларни ўқишидан бошини кўтарарди. Мартин Руфнинг ҳузурида бўлиб, ҳар сафар ўрнидан туриб жўнаб кетмоқчи бўлганда, уни ўз юрагидан юлиб олиб ташлашга мажбур бўларди; уйдан чиққач эса тезроқ китоблари олдига етиб бориш учун зимиston кўчалардан шоша-пиша чопиб кетарди. Лекин алгебра ва физика дарсликларни ёпиш, қаламни бир чеккага суриб қўйиб, ҳоргин кўзларини юмишга жазм қилиш ҳаммадан ҳам мушкул эди. Шу қисқа муддат ичida ҳам ҳаёт қучоғидан ўзини четда ҳис қилиш Мартин учун ниҳоятда мушкул туюлар, фақат беш соатдан сўнг соат жиринги мени яна уйғотади, деган фикр билан ўзига тасалли берарди. У фақат беш соат йўқотади, сўнг қулоқни кар қилувчи қўнғироқ садоси уни самарасиз

гафлат қучоғидан тортиб олади-ю, ихтиёрида яна ўн түққиз соатлик иш вақти бўлади.

Бу орада вақт ўтиб борарди. Мартиннинг пуллари тугай деб қолди, аммо гонорардан ҳамон дарак йўқ эди. «Ёшлилар ҳамроҳи»га юборган қўлёзмасини бир ойдан кейин қайтиб олди. Рад жавоби шундай назокат билан ёзилган эдики, Мартин ўзида ҳатто ноширга нисбатан ҳусн-таважжуҳ туйғусини ҳис қилди. Лекин «Сан-Франдиско ахбороти» бошқача муомала қилди. Мартин икки ҳафта кутгач, журналга хат ёзди: бир ҳафтадан кейин яна ёзди. Ҳадеганда жавоб келавермаганидан кейин муҳаррир билан шахсан сұхбатлашгани ўзи таҳририят борди. Бироқ эшикда соқчилик қилиб турган махлуқ –mallа соч йигит олий зотнинг муборак чехраларини мушоҳада қилиш учун Мартинни ичкари қўймади. Беш ҳафта деганда, қўлёзма ҳеч қандай изоҳсиз почта орқали қайтариб юборилди. На рад жавоби, на тушуниши мактуби бор эди. Шунингдек, орадан кўп ўтмай, Сан-Францисконинг йирик газеталарига юборган бошқа қўлёзмалари ҳам қайтиб келди. Шундан кейин Мартин асарларини Шарқий штатларнинг журналларига юборди, лекин ҳаш-паш дегунча қўлёзмалари у ерлардан ҳам қайтиб келди, лекин ҳар бир қўлёзмага, асарларингизни босишнинг имкони йўқ, деган маънода машинкада босилган хабар илова қилиб юбориларди.

Ҳикояларнинг қисмати ҳам худди шундай бўлди. Мартин ҳикояларини қайта-қайта ўқиб чиқди, улар ўзига шундай ёқдики, нима сабабдан журнallар уларни қатъиян рад қилишларига ҳеч тушуна олмади; у газеталардан

бирида, юбориладиган қўлёзмалар албатта машинкада босилган бўлиши шарт, деган гапни ўқиди-ю, ҳамма гапга тушунди. Масала равшан. Муҳаррирлар, шубҳасиз, ниҳоят даражада банд бўлсалар кераг-у, ўқилиши қийин қўлёзмаларни кўздан кечиришга вақт топа олмасалар керак. Мартин ижарага ёзув машинкаси олиб, кун бўйи унда ёзишни машқ қилди. Энди у ҳар куни кечқурун, кундузи ёзганларини машинкада кўчиради, бундан ташқари, у аввал ёзган ҳамма асарларини аста-секин машинкада кўчириб чиқа бошлади. Лекин машинкада босилган қўлёзмалар ҳам қайтиб кела бошлагандан кейин Мартиннинг таажжуби ошди. Унинг чехрасида ўжарлик ифодаси пайдо бўлди, ияги аламзадалиқдан олдинга тутиб чиқди, лекин шунда ҳам қатъият билан қўлёзмаларини ҳамон янги-янги манзилларга юбораверди.

Ниҳоят, унинг миясига, ўз асарларим тўғрисида ўзим мулоҳаза юритишим жуда қийин, деган фикр келди. У Гертруданинг фикрини билмоқчи бўлди-да, унга ҳикояларидан баъзиларини ўқиб берди. Опасининг кўzlари чақнаб кетиб, Мартинга гуурур билан қараб деди:

- И-е, ажойиб нарсалар ёзгансан-ку!
- Ҳа, ҳа, – сабрсизлик билан опасининг сўзини бўлди Мартин. – Очифини айт, сенга ёқдими?
- Вой, худойим-ей, – деди опаси. – Нимага энди ёқмас экан. Менга шунақаям таъсир қилдики, асти қўявер!

Лекин ҳикоясининг ҳамма ерлари ҳам опасига тушунарли бўлмаганини Мартин сезаётган эди. Опасининг очиқ чехрасида ҳайронлик аломати бор эди. Мартин кутарди.

- Менга айт-чи, Март, – узоқ сукутдан сўнг деди опаси, – уларнинг иши нима билан туга-

ди? Анави маҳмадона йигит бор-у... нима бўлди, қизга уйландими?

Ҳикоянинг нима билан тугаши Мартинга сюжетнинг ривожидай очиқ-ойдин кўриниб турарди. Мартин буни опасига тушунтириб бергандан кейин, опаси:

– Э, бунақа дегин, – деди, – нимага энди тўп-па-тўғри шундай деб ёза қолмадинг?

Мартин опасига ўнтача ҳикоя ўқиб бергандан кейин тушундики, унга охири баҳайр бўлган ҳикоялар ёқаркан.

– Яхши ҳикоя, нимасини айтасан, – деди опаси кир тоғора устида қаддини ростлаб ва хўрсиниб туриб, қайноқ сувда ҳалимдай юмшаб, қип-қизариб кетган қўли билан пешанасини артаркан, – фақат жудаям юрагим эзилиб кетди. Йиғлаб юборай дедим. Шундоқ ҳам ҳамма ёғимиз кишини ғамнок қиладиган нарсалар билан тўлиб ётибди. Хайрли нарсалар тўғрисида эшитсам, ўзимнинг ҳам дилим ёришиб кетади. Улар турмуш қуришганда эди, яхши бўларди... Мендан хафа бўлмаяпсанми, Март? – деб сўради у хавотирланиб. – Балки менга шундай туюлгандир, негаки мен жуда ҳам чарчаганман. Бўлмаса, ҳикоянг жуда ажойиб, бирам ажойибки. Қайси журналга жойлаштироқчисан уни?

– Бу бошқа масала, – деб жилмайиб қўйди Мартин.

– Мабодо жойлаштирсанг, қанча пул олардинг?

– Ҳар ҳолда, камида юз доллар олсам керак.

– Ўҳ-ҳӯ, ростдан ҳам жойлаштира қолсанг яхши бўларди.

– Пули чакки эмас-а? – кейин Мартин фуур билан илова қилди: – Шуни билки, буни мен

икки кунда ёзиб ташладим. Кунига эллик долардан тушади!

Мартин ўз ҳикояларини Руфга ўқиб бергиси келарди-ю, лекин юраги бетламасди. У то бирон асари матбуотда босилиб чиқмагунча сабр қымоқчи бўлди, ўшанда Руфъ, ҳеч бўлмаса, Мартиннинг тиришқоқлигига қойил қолади-ку. Бу орада ўқишини ҳам давом эттираверди. Ҳеч бир саргузашт илм-фаннынг тадқиқ этилмаган бу чангалзорларига қилинган саёҳатдек қизиқарли туюлмаган эди унга. У физика ва химиядан дарслклар сотиб олди. Алгебра билан бир қаторда физика қонунларини, уларнинг исботларини ўрганди. Тажриба қисмларини эса фойибона инобатга олишга тўғри келарди, лекин унинг кучли тасаввuri ҳар қандай кимёвий реакцияларни яққол тасаввур қилишга имкон берардики, оқибат, уларни тажриба тепасида турган талабалардан ҳам яхшироқ тушунарди. Мартин дарслк саҳифалари орқали тадрижий равишда табиат ва дунё сирларини англай бошлади. Илгари у дунёни мавжуд бир муҳит деб биларди, энди эса, унинг тузилишини, қувват ва модданинг бир-бирига таъсири ва табиатини тушуна бошлади. Унинг ақли кўпдан таниш бўлган нарсаларни энди аста-секин изоҳлайдиган бўлди. Ричаглар ва блокларни кўрган заҳоти, денгиз сафари вақтида иши тушган чиғирлар ва қўтарма кранларни эслади. Кемаларнинг очиқ денгизда йўлдан адашмаслигига имкон берувчи навигация назарияси бир зумда унга энг содда ва кундай равshan бўлиб қолди; у бўронлар, ёмғирлар, денгиз сувининг қалқиб қўтарилиши сирларини билди, ҳаттоқи қуруқ

тропик шамолнинг пайдо бўлиш сабабини ҳам ўрганди ва шимоли-шарқдан эсувчи тропик шамол ҳақидаги очеркимни ёзишда шошқалоқдик қилмадиммикин, деган мулоҳазага ҳам борди. Ҳар ҳолда, очеркни энди ёзса, дурустроқ чиқишини ҳис қила бошлади. Бир кун у Артур билан университетга борди ва нафасини ичига ютиб, лабораторияда олиб борилаётган тажрибаларни камоли эҳтиром билан кузатди, физика профессорининг лекциясини тинглади.

Лекин адабиёт машғулотларини ҳам бир четга йифиштириб қўймади. Унинг қалами остидан очерк ва ҳикоялар турнақатор тизилишиб чиқиб келарди, бунинг устига у яна, журнallарда босилаётган шеърларга ўхшаш оддийгина шеърлар ҳам ёзишга вақт топарди; кейин бирдан қуюшқондан чиқиб кетиб, икки ҳафта ичида оқ шеър билан бир трагедия ёзив ташлади, лекин бу асарни беш-олти ношир ўша захоти чиқитга чиқариб, Мартинни таажжублантириб қўйди. Бир куни у Гэнлининг асарларини муккасидан тушиб ўқиб чиқди-ю, «Касалхона каравотида ёзилган дostonлар»га ўхшатиб, дengiz ҳақида бир туркум шеър ёзди. Бу орзулар билан тўлиб-тошган, жанговар руҳдаги порлоқ ва таъсирчан оддий шеърлар эди. Мартин бу шеърларига «Денгиз қўшиқлари» деб ном қўйди, бу тўпламини шу пайтгача ёзган асарлари ичида энг яхшиси деб топди. Тўпламда ўттизта шеър бор эди; у бир ой мобайнида, ҳар куни кечқурун биттадан шеър ёзган эди, кун бўйи проза билан шуғулланарди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Мартиннинг бир кунда ёзган проза асарини ёзиш учун ҳар қандай манаман деган машҳур адаб

ҳам камида бир ҳафта вақт сарфлаган бўларди. Лекин Мартин учун бу иш ҳеч гап эмасди. У ҳатто буни иш деб ҳам ҳисобламасди. Шунчаки у энди тилга кирган эди-ю, жуда кўп йиллардан бери қалбидаги товуш чиқармай ётган нафосат ҳақидаги жамики орзу ва фикрлари энди ҳар қандай говларни бузиб, қудратли ва янгроқ оқим сингари сиртга отилиб чиқа бошлаган эди.

Мартин ўзининг «Денгиз қўшиқлари»ни ҳеч кимга кўрсатмади ҳам, ҳеч қаёққа юбормади ҳам. Унинг муҳаррирларга ишончи қолмаган эди. Аммо бу сафар ўз асарини муҳаррирларга ишончи қолмаганидан олиб қолганий йўқ. Тўпламидағи шеърларнинг нағислиги уни қувонтирап ва қувончини ёлғиз Руфъ билан баҳам кўришни истарди; Мартин ўз асарини Руфга ўқиб беришга журъят эта оладиган баҳтли онлар ахир бир кун келади деб умид қиласди. Унгача бу шеърларини сақлаб қўйишга аҳд қиласди, айни вақтда, уларни қайта-қайта ўқийвериб, ахийри ёд одди.

У уйгоқ вақтида ҳар бир дақиқани бекор ўтказмасди, ҳаттоки ухлаб ётганида ҳам мияси ишларди; унинг онги беш соатлик мажбурий фаолиятсизликка қарши норозилик билдириб, кун бўйи ўйлаган, бошидан кечирган ҳар бир нарсага ёпишиб, ақл бовар қилмайдиган, маъносиз хаёлларни вужудга келтиради. Шунга кўра, ҳеч қачон дам олмас, унинг ўрнида жисман ожизроқ ва руҳан носоғроқ одам бўлганида, аллақачон кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олган бўларди. У Руфъ билан тобора камроқ учрашадиган бўлиб қолди; имтиҳонлар бошланадиган июнь ойи яқинлашиб қолган эди, Руфъ

шу имтиҳондан ўтса, университет дипломини оларди. Санъат фанлари бакалаври! Мартин шу даража ҳақида ўйлаганида, Руфь жуда юксак фазога парвоз қилиб кетаётгандай ва Мартин унга ҳеч қачон ета олмайдигандай бўлиб туюларди.

Ҳарқалай, Руфь ҳафтада бир кунини Мартинга бағишилар, шу куни, одатда, Морзларни-кида овқатлангани қолар, овқатдан кейин эса мусиқа эшитарди. Бу кунлар унинг учун мисоли байрам эди. Морзлар уйида ҳукм сурган муҳит Мартин яшаб турган муҳитга мутлақо ўхшамасди, Руфнинг ўзига яқинлигидан шу қадар илҳомланардики, ҳар гал уйига қайта-ётиб, нима қилиб бўлса ҳам, шу даражага мусяссар бўлмай қўймайман, деб хаёлан онт ичарди. Ижодга иштиёқи ва юрагини орзиқтирган нафосатга ташналиги битмас-туганмаслигига қарамай, биринчи галда ёлғиз Руфни деб меҳнат қилаётган эди. У биринчи галда ошиқ эди ва қолган ҳамма нарсани шу ишқига тобе қилиб қўйган эди. Ишқ-муҳаббат орзуси унинг учун илм олиш орзусидан муҳимроқ эди. Дунё аллақандай сирли қонунларга тобе бўлган молекула ва атомлардан ташкил топгани учун жозибали бўлиб кўринмасди, балки Руфь яшаётганилиги учун жозибали эди. Руфь – мўъжиза эди, аммо бу мўъжиза илгари ҳеч қачон Мартиннинг хаёлига ҳам келмаган эди.

Лекин Мартин ўз ораларидаги масофани ўйлаганда, доим маъюсланаарди. Руфь ундан ниҳоят даражада йироқда, шунинг учун ҳам у қанча кўп ўйлагани билан қизга яқинлашиш иложини топа олмас эди. Ўз синфига мансуб хотин-қизларга Мартин ҳамма вақт хуш ёқар-

ди. Лекин уларнинг биронтасини ҳам севмаган эди. Руфни эса севиб қолди. Масала Руфнинг бошқа синф намояндаси эканлигига эмасди. Мартиннинг муҳаббати Руфни ҳар қандай олий синфлардан ҳам юксакка олиб чиқиб қўйган эди. Қиз бошқа ҳамма қизлардан тамомила фарқ қиласидан шундай бир файриоддий хилқат эдики, Мартин унга ўз муҳаббатини қандай изҳор этишни ҳам билмас эди. Тўғри, энди кўп нарсани билиб, чиройли гапиришни ўргангандан кейин, қиз гўё унга яқинлашгандай бўлди, уларнинг тили, суҳбат мавзулари, дидлари ва завқлари ҳамоҳанг бўлиб қолди, аммо муҳаббатга бўлган ташналигини бу билан қондириб бўлмасди. Ошиқи-бекарор бўлган Мартиннинг тасаввури қизни шу қадар муқаддас, шу қадар илоҳий, беғубор малак даражасига олиб чиқиб қўйган эдики, жисмоний яқинлашиш ҳақидаги ҳар қандай фикрни ҳам рад этарди. Мартин зўр эҳтирос билан истаган нарсани унинг муҳаббати тортиб олган эди.

Ниҳоят, кунлардан бир кун уларни ажратиб турган жарлик устига бир зумгина кўприк ташланди, шу зумдан бошлаб, бу тубсиз жардан ўтиш мумкинга ўхшаб қолди. Улар йирик-йирик қорайган олча еб ўтирадилар, олчанинг шираси нордон мусалласни эслатарди. Кейин қиз Мартинга «Малика»ни ўқий бошлаганида, у қизнинг дудоқларида олча шираси изларини кўриб қолди. Бир он қиз маъбудага ўхшамай қолди. У тан ва жондан бунёд бўлган бир хилқатга айланди; унинг жисми ҳам Мартиннинг жисми ва бошқа ҳар қандай одамнинг жисми сингари битта ҳаёт қонунига итоат этарди. Қизнинг дудоқлари ҳам Мартин-

ники сингари тан ва жондан иборат эди, олча шираси ҳам унинг дудоқларида худди Мартиннинг лабидаги сингари из қолдирганди. Модомики, қизнинг дудоқлари шундай экан, унинг бутун вужуди ҳам худди шундай эди. У аёл эди – бошқа жамики аёлларга ўхшаш аёл киши эди. Бу фикр Мартинни гўё момақалди-роқ сингари гангитиб қўйди. Унинг учун бу чинакам бир кашфиёт эди. Гўё у ўзини осмондан қуёш йиқилиб тушаётганини ёки муртадларнинг тангри-таолога шак келтиришини кўргандек ҳис қилди.

Мартин бу кашфиётнинг маъносига тамомила тушуниб олганидан кейин, сийнасидаги юраги, асло осмони фалакдан учиб тушган малақнинг эмас, балки дудоқларига олча шираси ювган оддий аёл бўлмиш бу қизнинг муҳаббатини қозонишга даъват этиб, қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади. Бу журъатли фикрдан сесканиб кетди, аммо ақл ва қалб садоси голибият қўшигини жўр бўлиб куйлаб, унинг ҳақ эканлигини таъкидларди. Руфъ Мартиннинг кайфијатида тўсатдан юз берган бу ўзгаришни пайқади, шекилли, бирдан ўқиши тўхтатиб, унга қаради ва табассум қилди. Мартин қизнинг мовий кўзларидан тортиб, олча ширасининг изи қолган дудоқларигача кўздан кечирди; шу жажжигина доф Мартиннинг эс-ҳушини олиб қўйган эди. У бир вақтлар саёқ юрган пайтларида кўпинча қўлини аёлларга чўзгани сингари, ҳозир ҳам қўлини Руфга чўзишга тайёр эди. Қиз эса хиёлгина Мартин томонга ташланиб, унинг шу қўл узатишини кутаётгандек эди, шунинг учун йигит жон-жаҳди билан тиришиб, ўзини босишга уринди.

— Сиз ҳеч нима эшитмадингиз, — деди қиз ўпкаланиб.

Кейин йигитнинг хижолат бўлганидан завқданаб, шу заҳотиёқ жилмайиб қўйди. Мартин унинг чақнаб турган кўзларига тикилиб, ўз дилида юз берган түғёндан Руфнинг тамомила бехабар эканлигини англади ва уялиб кетди. У хаёлан жуда ортиқча нарсага журъят этди! Бошқа ҳар қандай аёл — Руфдан бошқа ҳар қандай аёл унинг бу ҳолатига тушунган бўларди. Аммо Руфь тушунмади. У мана шу билан бошқалардан фарқ қиласарди! У бошқаларга ўхшамасди. Мартин ўзининг беадаблигига ва қизнинг маъсумалигига икror бўлганидан лол қолиб, Руфга тикилиб турарди, ораларида яна чуқур жар пайдо бўлди. Кўприк вайрон этилди.

Шундай бўлса ҳам, бу ҳодиса уни қизга яқинлаштириди. Бу ҳодиса хотираси хаёлдан ўчмади ва умидсизликка, тараддудга тушган чоғларida унга тасалли берадиган бўлди. Жарлик энди илгари вақтдагидек теран эмас эди. У санъат фанлари бакалаври унвонини олиш учун босиб ўтиладиган йўлдан ҳам қўпроқ йўлни босиб ўтди. Тўғри, Руфь покиза эди, шу қадар покиза эдики, бу каби иффатнинг мавжудлигини Мартин илгари ҳеч қачон билмаган эди. Лекин унинг дудоқларида олча доғ қолдиради. У дунёдаги ҳамма одамлар сингари табиат қонунларига итоат этарди, у яшаш учун овқат ейиши керак, шамоллаши, касал бўлиши мумкин эди. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими шунда эдики, у очлик ва ташналикини ҳис қилиши, иссиқ ва совуқдан азият чекиши, демакки севиши, эркак кишини севиши мумкин эди. Мартин эркак киши эди! Модомики, шундай

экан, нега у Руфнинг севгилиси бўлолмайди? «Мен бахтга эришаман, – деб жонсарак бўлиб пичирларди Мартин. – Руфнинг севган кишиси бўламан! Бу қўлимдан келади. Мен саодатга эришаман!»

ЎН ИККИНЧИ ВОВ

Бир кун кечқурун Мартин миясини банд қилган ажойиб, лекин ноаниқ образларни сонет⁹да ифодалаш учун қийналиб уриниб ўтирганида, уни телефонга чақириб қолишиди.

– Сени бир хоним сўраяпти. Овозидан асилзода хонимга ўхшайди, – деди истеҳзо билан мистер Хиггинботам.

Мартин бурчакда турган телефонга яқинлашди, у Руфнинг овозини эшитиши билан гўё бошидан қайноқ сув қўйиб юборишгандай бўлди. Мартин сонет ёзиш билан овора бўлиб, Руфни унутиб қўйган эди, лекин қулоғига таниш овоз эшитилган заҳоти, муҳаббат ўқи бамисоли яшиндек қақшатқич куч билан унинг юрагига санчилиди. Қандай ажаб овоз эди бу! У гўё йироқ-йироқлардан эшитилаётган мусиқадек, кумуш қўнғироқчаларнинг билур овозидек нафис ва оҳангдор эди. Йўқ! Оддий аёл кишида бундай овознинг бўлиши мумкин эмас. Бу овозда аллақандай самовийлик, файриоддийлик бор эди. Жўш уриб бораётган ҳиссиётларга берилиб, Мартин Руфнинг нима деёттанига зўрға тушунди, лекин мистер Хиггинботамнинг сичқонникига ўхшаган кўзлари уни тешиб юборгудек тикилиб тургани учун Мартин сиртдан ўзини хотиржам кўрсатишга уринди.

⁹ Сонет – ўн тўрт қатор шеър.

Руфнинг унда ҳеч қандай иши йўқ эди; шунчаки бугун кечқурун Норман билан оммабоп лекция эшитгани бориши керак экан-у, лекин – қандай таассуф! Норманинг боши оғриб қолибди, чипталар олиб қўйилган экан, шунинг учун Мартин агар банд бўлмаса, у билан бора олмасмикин, шуни билмоқчи экан.

Агар банд бўлмаса! Мартин ўз овозининг титраётганини зўрға яширди. У қулоқларига ишонмасди! Шу пайтгача у Руфъ билан фақат унинг уйида учрашган эди ва уни бирон ёқса таклиф қилишга журъат эта олмаган эди! У қўлида телефон гўшагини ушлаб тураркан, шу қиз учун жонини фидо қилишга тайёр эканлигини ҳис қилди ва хаёлан кўз олдидан қаҳрамонона образлар ўта бошлади, муҳаббат йўлида жонини фидо қилиш манзаралари намоён бўлди. У魯фни ниҳоятда кучли, даҳшатли бир тарзда, ноумидлик билан севарди. У Руфнинг ўзи билан, яъни, Мартин Иден билан бирга лекцияга боришини ўйлагандан, уни шундай телба қувонч қамраб олдики, шу оннинг ўзида Руфъ учун жон фидо қиласи келди. Бундан яхшироқ ҳеч нима ўйлаб топа олмасди. Ўзининг туйфуси чексиз ва бегараз эканини кўрсатишнинг бирдан-бир тўғри йўли шу эди. Бу чин юракдан севган ҳар бир ошиқда таниш фидокорлик туйфуси эди, у қиз билан телефон орқали қилинган қисқа муддатли суҳбат пайтида, бу туйфу мисоли ўт уфурувчи бўрондек Мартин хаёлинни чулғаб олган эди. Унинг йўлида ўлиш, деб ўйларди Мартин, яшаш ва чинакамига уни севиш демакдир. Мартин энди йигирма бирга кирган эди, бу унинг ilk муҳаббати эди!

Мартин титроқ қўллари билан гўшакни осиб қўйди, сўнг ҳозиргина бошидан кечирган ҳајжондан дармонсизланиб қолди. Унинг кўзлари фаришталарнинг кўзиdek чақнарди, гўё фоний дунё маразларини ювиб, муқаддас ва пок бўлган кишидек чеҳраси тамомила бошқа қиёфага кирди.

– Хилват ерда учрашмоқчимисизлар дейман, а? – ичиқоралик билан пичирлади поччаси. – Бунинг оқибати нима бўлишини биласанми? Тўппа-тўғри полиция маҳкамасига бориб тушасан, ука.

Аммо Мартин осмондан дарҳол туша олмасди. Ҳаттоки поччасининг жирканч луқмалари ҳам уни ерга тушира олмади. У ғазаб ва асабдан жуда ҳам йироқда, у ҳамон бутун вужуди билан ажиб хаёллар оғушида эди, шунинг учун у худди парвардигорга ўхшаб поччаси сингари паст маҳлуқларга фақат ачиниб қараварди. У мистер Хиггинботамни пайқамади ҳам, Мартиннинг кўзлари ундан жуда йироқдаги нарсаларни мушоҳада қиласарди. Кейин у бошқа кийимини кийиш учун худди туш кўраётган одамдай хонадан чиқди. У кичкина кўзгу олдида галстугини боғлай бошлагандагина ғашга тегувчи аллақандай овоз шуурига етиб келди. Бу Бернард Хиггинботамнинг Мартин қулоғида қолган аҳмоқона кулгиси эди, буни Мартин гўё энди эшитаётган эди.

Морзларнинг эшиги уларнинг орқасидан ёпилиб, Мартин Руфь билан бирга зинапоядан тушиб бораракан, бирдан саросимага тушиб қолди. Бу сайд шодиёнаси кутилмаган шубҳалар билан хиралашди. У ўзини қандай тутишни билмасди. Қизнинг даврасидаги кишилар

күчага чиққанда аёл кишини қўлтиқлаб олганини бир эмас, бир неча марта кўрган эди. Лекин ҳамма вақт шундай қилинmas эди, шунинг учун ҳам, у фақат кечқурунлари қўлтиқлашиб юришадими ёки эҳтимол, фақат эр-хотинлар ё ака-сингиллар қўлтиқлашиб юришадими, деб ўйлаб тараддуланиб қолди.

Мартин охирги зинага оёқ қўяркан, бирдан Минни эсига тушиб кетди. Минни модага жуда муқкасидан кетган аёл эди, улар иккинчи марта учрашишганидаёқ, у Мартинни йўлканинг ичкари томонидан юргани учун уришиб берган эди; ҳолбуки, чинакам жентльмен хоними билан сайд қилиб юрганида доимо йўлканинг чеккасидан юриши керак экан. Шундан кейин Минни Мартин қаердан юришини унутмасин деб, кўчадан ўтиб кетишаётганда, унинг оёғини босишни одат қилиб олган эди. Бироқ бу одатни қаердан ковлаб топганини ва бундай одат киборлар жамиятида борми, йўқлигини Мартин билмас эди.

Ниҳоят, Мартин, шундай қилсан, ҳар ҳолда, зиён бўлмайди-ку, деган қарорга келди-да, кўчага чиқишигач, Руфни олдинга ўтказиб юбориб, ўзи йўлканинг чекка томонидан у билан ёнма-ён юриб кетди. Лекин бу ўринда иккичи бир муҳим масала туғилди. Қизга қўл бериш керакмикин? Шу пайтгача у ҳеч қачон ўзи билан юрган аёлнинг қўлидан ушлаб юрмаган эди. Ўзи айланишган қизлар йигитлар билан қўлтиқлашиб юрмас эдилар. Энди танишган пайтларида улар шундоқ, ёнма-ён юрадилар, кейинроқ эса хилват тор кўчаларни танлаб, бошлирини йигитнинг елкасига қўйиб юрадилар, йигит эса унинг белидан қучоқлаб оларди.

Лекин бу ерда масала бошқача эди. Руфъ асло у қизларга ўхшамасди. Шунинг учун Мартин нима қилишини билмай ҳайрон эди.

Шу чоқ гүё бехосдан, ўз одати бўйича, ўнг қўлининг тирсагини хиёлгина буккан эди, дарҳол мўъжиза содир бўлди. Мартин ўзини Руфъ қўлтиқлаб олганини ҳис қилди. Бутун вужудини ёқимли титроқ босди ва бир лаҳза оёқлари ни ердан узилгандай, елкаларида қанот пайдо бўлгандай ҳис қилди. Бироқ яна янги бир қийинчилик уни аввалги ҳолатига қайтарди. Улар кўчани кесиб ўтдилар ва Мартин энди йўлканинг сиртқи эмас, ичкари томонига ўтиб қолди. Энди нима қилсин? Қизнинг қўлини қўйиб юбориб, жойини алмаштирасинми? Борди-ю, яна иккинчи марта кўчани кесиб ўтишга тўғри келса, унда нима қиласди? Учинчи мартасида-чи? Бу қоида унчалик ойдин эмас эди, шунинг учун Мартин ҳадеб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ликиллаб ўтиб жиннилик қилмай деган қарорга келди. Лекин бу қарори унинг ўзини унчалик қониқтирмасди, шунинг учун у йўлканинг ички томонидан юра бошлаганида алланималар тўғрисида астойдил берилиб гапира бошлади. Бу билан у, борди-ю, Руфнинг қўнглига келса, мени гапга берилиб кетиб, шунчаки нариги томонга ўтишни унутиб қўйди деб ўйлай қолсин, демоқчи эди.

Бродвейда Мартин яна янги синовдан ўтишига тўғри келди. Кўча фонуслари ёргуфида бирдан Лиззи Конолли билан унинг кулонгич дугонасини кўриб қолди. У бир зум, фақат бир зумгина тараддуланиб қолди, лекин шу заҳотиёқ бошидан шляпасини олиб, таъзим қилди. У ўз муҳити кишиларини кўрганда хижолат

бўлмоқчи эмас эди, ундан кейин, берган саломи ёлғиз Лиззи Коноллига оид эмасди. Қиз Мартинга шўх чақнаб турган чиройли кўзлари билан ялт этиб қараб, унга жавобан бош ирғади; унинг кўзлари Руфнинг нурли ва равshan кўзларига асло ўхшамасди. Лиззи Руфга бир назар ташлаб, афтидан, унинг ташқи қиёфаси, лиbosларидан дарҳол қизнинг жамиятда тутган мавқеини тушунди. Мартин Руфнинг ҳам у қизга назар ташлаганини пайқади, бу маъсумона қараш бир зумда, қизнинг эгнидаги арzon кийимлари ва ишчи аёллар кийиб юришни яхши кўрадиган антиқа шляпани пайқаб олишга имкон берган эди.

– Жуда чиройли қиз экан, – деди Руфъ бир дақиқадан сўнг.

Бу гап учун Мартин Руфдан миннатдор бўлишга ҳам тайёр эди, лекин бундай деди:

– Билмадим. Ҳар кимнинг ўз диidi бўлса керак; мен уни унчалик гўзал дея олмайман.

– Йўғ-е, нима деяпсиз? Бундай хушбичим қомат мингтадан биттада учрайди. Унинг юзи худди тарашланган асиł тошга ўхшайди. Кўзлари ҳам фоят фусункор!

– Сиз шундай фикрдамисиз? – лоқайдлик билан деди Мартин, чунки унинг учун дунёда фақат битта гўзал аёл бор эди, у аёл ҳозир унинг қўлига суюниб ёнида кетиб борарди.

– Агар бу қизни яхшилаб кийинтириб, ўзини тута билишга ўргатилса, сизни ишонтириб айтаманки, у ҳамма эркакларни, шулар қатори сизни ҳам ўзига мафтун қилган бўларди, мистер Иден.

– Биринчи галда, унга тўғри гапиришни ўргатиш керак бўлади, – деб жавоб қилди Мартин, – акс ҳолда, кўпчилик эркаклар унинг га-

пига тушунмаган бўларди. Аминманки, агар у қиз ўз одати бўйича гапирадиган бўлса, гапларининг ярмини ҳам тушунмасдингиз.

– Бемаънилик! Сиз ҳам бирон нарсани исботламоқчи бўлсангиз, худди Артурга ўхшаб, қайсарлик қиласиз.

– Сиз билан биринчи марта учрашганимизда қандай гапирганимни унутдингизми? Ҳозир тамомила бошқача гапираман. У пайтда мен ҳам худди анави қизга ўхшаб гапирадим. Аммо бу орада анча-мунча нарса ўргандим, у қизнинг тилини тушунолмаслигингизни энди мен сизга таниш бўлган тилда исботлаб бера оламан. Мана, сиз қизнинг ўзини тута билмаслигига эътибор бердингиз. Нимага шундай эканлигини биласизми? Мен ҳозир илгари хаёлимга ҳам келмаган нарсалар тўгрисида доим бош қотираман, энди кўп нарсаларга тушуна бошлаяпман.

– Нима учун у қиз ўзини бундай тутаркан?

– У қиз бир неча йилдан бери фабрикада ишлайди. Ёш одамнинг бадани мумга ўхшаш юмшоқ бўлади, шунинг учун оғир меҳнат қоматини ўз қолипига солади; гавда мазкур иш учун қулай бўлган вазиятга беихтиёр ўрганади. Мен кўчада ўтиб кетаётган ишчини бир кўришимидаёқ қандай иш билан шуғулланишини айтиб бера оламан. Мана, мени олинг. Нима сабабдан чайқалиб юраман? Чунки бутун умрим денгизда ўтган. Борди-ю, шунча йилдан бери мен матрос эмас, ковбой бўлганимда эди, бунақа чайқалиб юрмасдим-у, лекин оёқларим айри бўлиб қолган бўларди. Бояги қизнинг вазияти ҳам шундай. Сиз унинг кўзларига, агар таъбир жоиз бўлса, тикандек кўзларига эъти-

бор бердингизми? Ҳеч қачон бирон кишининг паноҳида яшамаганлигининг аломати бу. У ҳамма вақт ўз фамини ейиши керак, қиз болаки ўз фамини ўзи еб, ўзи қайфурадими, унинг кўзлари ҳеч қачон, масалан... сизнинг кўзларингиз сингари меҳрибон, майин боқмайди.

– Гапингиз балки тўғридир, – деди оҳистагина Руфъ. – Қандай даҳшат-а, бу! Шундай гўзал қиз...

Мартин унга тикилиб, кўзларида ачиниш аломати порлаганини кўрди. Шу оннинг ўзида у Руфни нақадар севишини, уни севишдек ва биргаликда қўлтиқлашиб лекцияга боришдек улуғ баҳтга муяссар бўлгани ҳақида ўйлай бошлади.

«Сен кимсан ўзинг, Мартин Иден? – деб сўради у ўзидан ўзи ўша куни кечқурун уйига қайтиб келгач, кўзгуда ўзини кузатаркан. У кўзгудаги аксига узоқ вақт синчилаб тикилиб турди. – Кимсан ва нимасан? Ўрнинг қаерда ўзи? Сенинг ўрнинг Лиззи Конолли сингари қизнинг ёнида. Сенинг ўрнинг миллион-миллион заҳматкашлар орасида – ҳамма нарса дағал, қўпол ва хунук бўлган жойда. Сенинг ўрнинг оғилхонада, отхонада, ахлат ва гўнгхонада. Кўланса ҳидни сезяпсанми? Картошка чирияпти. Ҳидла, арвоҳ ургур, тўйиб-тўйиб ҳидла! Сен бўлсанг, тумшуғингни китобларга тиқишига, нафис мусиқа куйларини тинглашга, ажойиб суратларни томоша қилишга, ўз тилингни тўғрилашга, ўртоқдарингдан биронтасининг ҳам хаёлига келмаган нарсалар тўғрисида ўйлашга, Лиззи Коноллидан воз кечиб, ўзингдан ниҳоят даражада узоқда, юлдузлар оламида ошён қурган қизга муҳаббат қўйишга журъят этяпсан! Кимсан ва нимасан ўзинг, арвоҳ ургур? Ўз орзунгга эришармикансан?»

У кўзгудаги аксига муштумини дўлайтириб пўписа қилди ва каравоти четига ўтириб, бақрайган, аммо ҳеч нимани кўрмайдиган кўзларини рўпарасига тикди. Бир оздан кейин дафтарини, алгебра китобини олди-да, квадрат тенгламаларни ўрганишга киришиб кетди. Вақт эса ўтар, юлдузлар сўниб, ташқарида тонг фира-шира ёриша бошлаган эди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Жазирама ёз кунлари Сити-Холл-паркда тўпланишадиган сергап ишчи фаоллар ва файласуфлар тўгараги, иттифоқо, Мартинни буюк бир кашфиёт сари йўллади. Мартин парк орқали кутубхонага кетаётиб, ойда бир-икки марта велосипедидан тушиб, мунозарага қулоқ солар, ҳар сафар бу ердан зўрга жўнаб кетарди. Бу мунозараларнинг умумий руҳи мистер Морзникида, овқат пайтида бўладиган мубоҳасаларга асло ўхшамасди. Баҳслашувчилар нуфузли ҳам, мўътабар кишилар ҳам эмас эдилар. Улар қизишиб, бир-бирларига хунук лақаблар қўйишар, бир-бирларини ҳақорат қилишар ва аччиқ таъналар билан гап қотишарди. Можаро икки марта муштлашишгача бориб етди. Шундай бўлса ҳам, Мартин нима сабабдан бундай қилаётганини ўзи мулоҳаза ҳам қилиб ўтирмай, бу мунозараларнинг ҳаммасида қандайдир жон бор деб ҳис қиласди, бу баҳслар мистер Морзнинг хотиржам ва вазмин ақидапарастлигидан кўра унга кучлироқ таъсир этарди. Назарида, инглиз тилини аямай бузиб талаффуз этувчи, телба кишилар сингари ҳадеб қўлларини пахса қилиб гапирувчи ва ўз

рақибларига ваҳшиёна ҳужум қилувчи бу одамлар, мистер Морз ва унинг дўсти мистер Бэтлерга нисбатан минг карра жонлироқ туюларди.

Паркдаги йигинда Мартин бир неча марта Герберт Спенсернинг номини эшитди, лекин кунларнинг бирида у ерда ўша Спенсернинг шогирди ва муҳлиси пайдо бўлиб қолди; бу – ич кўйлаги йўқлигини яшириш учун йиртиқ камзулнинг тугмаларини қадаб олган фақир бир саёқ киши эди. Кети узилмай чекилаётган папиросларнинг қуюқ тутуни орасида тамакиарини тинмай чайнаб туфлаётганларнинг катта жангига бошланди, аммо саёқ йигит ҳамма зарбаларга, ҳаттоқи қизиққон ишчилардан бири истехҳзо билан: «Нималигини билиб бўлмайдиган нарсадан бошқа худо йўқ, Герберт Спенсер эса унинг ердаги пайғамбари!» – деб қичқирганда ҳам, ҳар қандай ҳужумни чаққонлик билан рад қилиб турди. Мартин мунозаранинг нима тўғрида бораётганига ҳеч тушуна олмади, аммо Герберт Спенсернинг кимлигига қизиқиб қолди, шунинг учун ҳам, кутубхонага бориб, «Асосий маншалар» китобини сўради, чунки саёқ йигит мунозара қизиган пайтда Спенсернинг шу асарини кўп тилга олган эди.

Мана шу нарса буюк кашфиётнинг муқаддимаси эди. Мартин илгари ҳам бир марта Спенсер асарини ўқишга уриниб кўрган эди, лекин муаллифнинг «Психология асослари» китобини олган-у, Блаватская хонимнинг асарларини ўқиганда қандай муваффақиятсизликка учраган бўлса, бунда ҳам шундай муваффақиятсизликка учраган эди. Мартин китобга тушуна олмай, ўқимай қайтиб берган эди. Лекин бу сафар кечқурун алгебра ва физика билан шуғулланиб

бўлиб, анча вақтгача сонет ёзиш билан овора бўлди, ўрнига ётиб, «Асосий маншаларни очди. Тонг отганда ҳам китоб мутолааси билан банд эди. У ухлай олмади. Шу кун ёзмади ҳам. Биқинлари оғриб кетгунча, ўрнидан турмай ўқиб ётди; кейин тўшакдан қоқ ерга тушиб ётди-да, гоҳ китобни боши узра кўтариб, гоҳ тирсагига таяниб мутолаани давом эттирди. Кейинги кечаси, ҳар ҳолда, бирпас ухлади-ю, эрталаб ёзишга ўтирди, лекин китоб уни шу қадар ўзига мафтун қилиб қўйган эдикки, дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто-ки шу куни кечқурун Руфникига боришни ҳам унутиб, яна китоб мутолаасига берилиб кетди. Фақат Бернард Хиггинботам эшикни ланг очиб: «Менинг уйимни ресторан деб ўйларсан, балки?» – деб сўрагандагина Мартин ўзига келди.

Мартин ҳамиша билим олишга қизиқарди. У ҳамма нарсани билгиси келар ва қисман шунинг учун ҳам саргардон денгизчиллик касбига қизиқсан эди. Лекин энди Спенсерни ўқиганидан сўнг, ўзининг ҳеч нима билмаслигини, денгизда яна қанча сузуб юрса ҳам, ҳеч қачон ҳеч нима билмаслигини тушунди. У турли ҳодисаларни мушоҳада қиласкан, уларни фақат юзаки ўрганарди, айрим далилларни жамлаб, улардан қисман хulosалар чиқарди-ю, лекин буларнинг ҳаммасини бир-бирига боғлашга, тасодифларнинг мажмуаси бўлиб туюлган оламни бир тартибга солишига асло уринмасди. У учеб кетаётган қушларни кузатаркан, кўпинча уларнинг парвоз қилиш механизми тўғрисида фикр юритарди; лекин учувчи жониворларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган тараққиёт жараёни ҳақида бирон марта ҳам ўйлаб кўрмаган эди. У ҳатто шундай жараён

борлигини ўйламаган эди. Қушларнинг «пайдо бўлиши» унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Улар «бўлган» – вассалом, доимо бўлган.

Қушлар ҳақида қандай мулоҳаза юритган бўлса, қолган ҳамма нарса тўғрисида ҳам шундай мулоҳаза юритар эди. Унинг билими ва фикр юритиш малакаси бўлмагани учун, фалсафий хуласа чиқаришга уринишлари самарасиз эди. Кантнинг ўрта асрга хос метафизикиси унга ҳеч нимани очиб бермади, билъакс, уни ўз ақлининг кучига шубҳаланиб қарашга мажбур этди. У Роменснинг мутахассислар учун ёзилган маҳсус китоби бўйича тадрижий такомил назариясини ўрганишга киришганда ҳам айнан шундай муваффақиятсизликка учраганди. Бу мутолаадан олган бирдан-бир таассуроти шу бўлдики, у тадрижий такомилни ўз фикрларини тушуниб бўлмайдиган тилда изҳор қилувчи ўта расмиятчи кишиларнинг асоссиз назарий уйдирмаси деб тасаввур эта бошлаган эди. Энди бўлса, бунинг асло қуруқ назария эмас, балки барча эътироф этган тараққиёт қонуни эканлигини, агар олимлар ўртасида бу борада энди мунозаралар бўлса ҳам, у фақат такомил шакли ҳақидаги хусусий масалалар устида борарди.

Мана, ниҳоят, Спенсер исмли одам майдонга келди-ю, буларнинг ҳаммасини тартибга солди, бирлаштириди, хуласалар чиқарди ва матрослар бўш вақтларида ясад, шиша идишларга тиқиб қўядиган кемаларнинг жажжи моделлари сингари аниқ ва батартиб оламнинг ҳар бир қисмини, Мартиннинг ҳайраттга тўлган кўзлари олдида яққол гавдалантириди. Бу ерда фавқулодда ва тасодифий нарсалар йўқ

эди. Ҳамма нарса қонунга асосланган эди. Шу қонун бўйича қуш учарди; айнан шу қонунга кўра шаклсиз бир плазма қимирлаб, тўлғана бошларди, унинг қанот ва панжалари ўсиб чиқарди, натижада қуш пайдо бўларди.

Мартин ўзининг онгли ҳаёти давомида илм чўққиларини бирма-бир эгаллай бошлаган ва энди энг юксак чўққига чиқсан эди. Бирдан у буюмларнинг сеҳрли моҳиятини англади ва шу онг уни маст қилди. Кечалари уйқуда ажойиб тушлар кўриб, худолар орасида яшарди. Кундузлари эса шабкўр сингари тентираб юрар, олазарак кўзлари оддида фақат Спенсернинг Мартин учун кашф этган дунёси на-моён бўларди. Овқат пайтида дастурхон тепасида ҳар турли икир-чикир гапларни ва мояроларни эшитмас, чунки унинг мияси, ўзи шоҳиди бўлган ҳамма нарсалар ўртасидаги алоқа сабабини аниқдаш билан машғул бўлиб, тинмай астойдил ишларди. У ликобчада ётган гўшт бўлагида қуёш нурлари қувватини кўра билар ва тескари тартиб бўйича, жамики ўзгаришларни тасаввур қилиш орқали шу нурларни миллион миль масофада турган манбаигача кузатиб борарди, ёинки хаёлан шу йўлда давом этиб, қўлларининг мускулларини ҳаракатга келтириб, шу гўшт бўлагини қирқишига мажбур этувчи куч ҳақида ва мускулларга фармон берувчи мияси ҳақида ўйлар, энг охир, айнан шу қуёш шуълаларининг қуввати ўз миясида ҳам мавжуд эканлигини аниқларди. Мартин шу қадар ўйга толиб кетган эдики, Жимнинг: «Бола фақир, эсдан айрилибди», деб ғўлдираганини эшитмади, опасининг хавотирланиб қараганини пайқамади, бармоғини бир неча

бор пешанасига олиб бориб, маънодор қилиб айлантириб қўйган Бернард Хиггинботамга парво ҳам қилмади.

Барча илмларнинг бир-бирига боғлиқ эканлиги Мартинни ҳаммадан қўпроқ таажжублантирган эди. У ҳамма вақт ҳам илмга ўч эди, лекин у эгаллаган илмлар, хотирасининг алоҳида-алоҳида ҳужрасига жойланарди. Шунга кўра, бир ҳужрада денгиз сафари ҳақида жуда қўп бўлак-бўлак маълумотлар, бошқасида эса аёллар ҳақида маълумотлар йигилган эди. Бироқ бу икки ҳужра бир-бирига боғланмаганди. Асаб касалига мубтало бўлган аёл киши билан тӯфонда қолган кема ўртасида алоқа бўлиши мумкин деб айтилса, бу фикр Мартинга бемаъни ва мумкин бўлмаган нарсадек туюлар эди. Лекин Герберт Спенсер ёлғиз бунинг бемаънилигини эмас, балки аксинча, бу икки ҳодиса ўртасида муносабат бўлмаслиги мумкин эмаслигини унга исботлаб берди. Дунёда ҳамма нарса – чексиз фазодаги энг йироқ юлдуздан тортиб, то инсон оёғи остида ётган қум заррачасигача – ҳамма нарса бир-бирига боғлиқdir.

Мартин учун бу битмас-туганмас таажжуб манбаи эдики, у энди ҳамма вақт шу сайёрадаги эмас, бошқа сайёralардаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ҳам муносабатини аниқлаш билан банд бўлди. У тамомила бир-бирига зид нарсаларнинг узундан-узоқ рўйхатини тузар ва то улар орасидаги муносабатни аниқламагунча кўнгли тинчимас эди. Шундай қилиб, муҳаббат, шеърият, зилзила, олов, чинқироқ илон, камалак, қимматбаҳо тошлар, бедаволик, қуёш ботиши, шернинг наъраси, ёритувчи газ, ваҳшийлик, гўзаллик, қотиллик, ричаглар, та-

янч нуқтаси ва тамакилар орасида алоқа мавжудлиги аниқланди. Энди бутун коинот унинг кўз олдида бир бутун ҳолида гавдаланди, энди бу коинотнинг тор кўчалари, сўқмоқлари ва чакалакзорларида, номаълум мақсад сари сирли чакалакзорларни ёриб ўтиб бораётган саёқ йўловчи сингари эмас, балки ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка уринувчи ва ҳар бир кўрган нарсасини харитага кўчирувчи тажрибали мушоҳадачи сайёҳ сифатида кезиб юрарди. У қанча кўп нарсани ўрганса, оламдан, ўзининг бу дунёдаги ҳаётидан шунча кўп завқданарди.

– Вой, галварс-э! – деб қичқиради у кўзгудаги ўз аксига, – ёзувчилик қилгинг келди, ёздинг ҳам, аммо ёзадиган нарсангнинг тайини йўқ эди-ку! Хўш, ниманг бор эди? Гўзаллик ҳақида гўдаклик тушунчаси, хом-хатала ҳислар, фира-шира тасаввурлар, жаҳолат зулмати ва муҳаббат туйфусидан ёрилаёзган юраг-у, яна шу муҳаббатинг сингари улкан ва жаҳолатинг сингари умидсиз иззат-нафсинг бор эди. Яна сен ёзувчи бўлмоқчимидинг? Лекин нима тўғрида ёзиш кераклигини энди тушуняпсан-ку. Сен гўзаллик бунёд этмоқчи бўлдинг, ўзинг эса гўзалликнинг табиати ҳақида ҳеч нима билмасдинг. Сен ҳаёт ҳақида ёзмоқчи бўлдинг, ўзинг эса унинг моҳиятидан бехабар эдинг. Сен дунё ҳақида ёзмоқчи бўлдинг, аммо бу дунё сен учун бир муаммо эди; шунинг учун, нима тўғрида ёzsанг ҳам, нодонлигингни бир карра исботлаган бўлардинг. Лекин хафа бўлма, иним Мартин! Сен ҳали кўп ёзасан. Ҳозир ҳам баъзи нарсаларни биласан, лекин сен энди тўғри йўлдан кетяпсан, яқинда яна кўп нарсаларни ўрганиб оласан. Агар омадинг кел-

са, вақти келиб, билиш керак бўлган нарсаларнинг деярли ҳаммасини билиб оласан. Ана ўшанда ёза бошлайсан!

Мартин ўз қувончи ва таажжубини Руфъ билан баҳам кўриш эҳтиёжи туғилганини ҳис қилиб, ўзининг буюк кашфиётини қизга баён қилди. Лекин Руфъ бунга жуда хотиржамлик билан қулоқ солди, афтидан, буларнинг ҳаммасини олдиндан билар эди. Шунинг учун ҳам Мартинни талвасага соглан нарсага қизнинг бу қадар лоқайд муносабати йигитни ажаблантирмади, бу ўринда қиз учун ҳеч қандай янгилик йўқлигини тушунарди. Мартин билдики, Артур билан Норман тадрижий такомил назарияси тарафдори эканлар ва икковлари ҳам Герберт Спенсерни ўқиган эканлар, аммо уларда Спенсер Мартинга таъсир қилгандай зўр таассурот қолдирмаганга ўхшарди, кўзойнак таққан, соchlари пахмайган йигитчача эса (унинг исми Вилл Олни эди), Спенсернинг номи тилга олинганда заҳарханда кулди ва Мартин илгари эшитган аччиқ кинояни такрорлади: «Нималигини билиб бўлмайдиган нарсадан бошқа худо йўқ, Герберт Спенсер эса унинг пайғамбари».

Лекин Мартин унинг бу киноясига аҳамият бермади, чунки у Олнининг Руфга ҳеч ҳам ошиқ эмаслигини сеза бошлаган эди. Кейинчалик ҳар турли майда далилларга асосланиб, Олнининг Руфга наинки ошиқ эмаслиги, ҳаттоқи қизни очиқдан-очиқ ёқтираслигини билиб олди. Мартин бунга тушуна олмасди. Бу шу қадар ноёб ҳодиса эдики, Мартин бу ҳодисани коинотдаги бошқа ҳодисаларга ҳеч боғлай олмади. Ҳатто Мартиннинг бу йигитга раҳми ҳам кела бошлади, афтидан, йигитда мавжуд бўлган

аллақандай жисмоний иллат Руфнинг латофати ва гўзаллигини қадрлашига халал бераётган бўлса керак. Улар якшанба кунлари кўпинчча биргалиқда велосипедда сайдрга чиқардилар, шу сайдр пайтларида Руфъ билан Олни дўст кўринсалар ҳам, Мартин уларнинг қўйинларида тош борлигини англади. Олни кўпроқ Норман билан дўстона алоқада бўлар, Руфни эса Артур билан Мартинга топширар, бунинг учун Мартин Олнидан беҳад миннатдор эди.

Якшанба кунлари Мартин учун икки қатла байрам эди, чунки бу кунлар унинг Руфъ билан учрашишига имкон берарди; бундан ташқари, уни қизнинг синфига мансуб йигитлар билан бир қаторга қўярди. Бу йигитлар муентазам равишда таҳсил олган бўлсалар ҳам, Мартин ақдий жиҳатдан ўзининг улардан сира ҳам кейинда қолмаганини кўтарди; улар билан қилинадиган суҳбат эса Мартин учун оғзаки нутқни ривожлантириш учун тажриба мактаби вазифасини ўтарди. У ўзининг кузатувчанлик қобилиятига ишониб, кўпдан бери жамиятдаги ахлоқ-одоб қоидалари ҳақидаги қўлланмаларни ўқимай қўйган эди. У суҳбат мавзуига берилиб кетиб, ҳамма нарсани унутиб юборган пайтларини мустасно қилганда, ўз ҳамроҳларининг хатти-ҳаракатини доимо зўр эътибор билан кузатар ва уларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳар турли майда-чуйда тафсилотларни хотирлаб қолишга ҳаракат қиласиди.

Спенсерни, умуман, жуда оз мутолаа қилишлари Мартинни ажаблантиради. «Герберт Спенсер, – деди кутубхонанинг маълумот бўлимида ишлайдиган ходим, – о, фоят зўр заковат соҳиби у». Лекин кўринишидан, кутубхонада

начининг ўзи ҳам бу буюк заковат соҳибининг асарларини жуда оз ўқиганга ўхшарди. Бир куни Мартин Морзларницида овқат устида мистер Бэтлер ҳузурида Спенсер ҳақида гап очиб қолди. Мистер Морз инглиз файласуфинг агностицизм¹⁰ини қаттиқ қоралади, лекин айни вақтда унинг «Асосий маншалар»ини ўқимаганлигини эътироф этди; мистер Бэтлер эса, Спенсер кишининг юрагини сиқиб юборади, шу сабабдан унинг асарларидан бир сатрини ҳам ўқимаганман, аммо ўқимаган бўлсам ҳам, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, деб айтди. Мартиннинг дилида шубҳа туғила бошлади, агар ўта даражада ўзига хос одам бўлмаганда, ким билсин, кўпчиликнинг мулоҳазасига қулоқ осиб, бундан буён Спенсерни мутолаа қилишдан воз кечган бўлармиди. Лекин Спенсернинг дунёқараши Мартинга шу қадар ишонарли бўлиб туюлган эдики, ундан воз кечиш денгизчининг компас билан харитани сувга улоқтириши билан баравар гап эди. Шунинг учун Мартин тадрижий такомил назариясини ўрганишда давом этар, бу илмни тобора чуқуроқ эгаллар ва минглаб бошқа ёзувчиларнинг асарларида Спенсер фикри тасдиқданганини кўрарди. Мартин қанча кўп шуғулланса, унинг кўз олдида илмнинг тадқиқ этилмаган соҳалари шунча кўп намоён бўла бошладики, у бир сутканинг атиги йигирма тўрт соатдан иборат эканлигига афсус қила бошлади.

Бир куни вақтни тежаш мақсадида алгебра билан геометриядан воз кечишга аҳд қилди. Тригонометрияни эса ўрганишга ҳали кириш-

¹⁰ Оламни ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини инкор этувчи фалсафий оқим.

маган ҳам эди. Кейин дарс жадвалидан химијани ҳам ўчириб ташлаб, фақат физикани олиб қолди.

– Мен мутахассис эмасман-ку, – деди у Руфга ўзини оқлаш учун важ ахтариб, – ундан кейин, мен мутахассис бўлмоқчи ҳам эмасман. Чунки фанлар шу қадар кўпки, уларни ўрганиш учун бир кишининг умри етмайди. Мен умумий маълумот олмоқчиман. Агар маҳсус билим керак бўлиб қолса, китобларга мурожаат қилишим мумкин.

– Лекин бу илмларни кишининг ўзи эгаллагани бошқа, – деб эътиroz билдириди қиз.

– Нима кераги бор уларни эгаллашнинг? Биз ҳар доим мутахассислардан фойдаланамиз. Улар шунинг учун ҳам кераклар-да. Мана, бугун уйингизга кириб, мўри тозаловчилар ишлатганини кўрдим. Улар ҳам мутахассис, улар ўз ишини битириб кетгандан кейин, печнинг тузилишини мутлақо билмаган ҳолда, тозаланган мўридан фойдалана бошлайсиз.

– Йўқ, бу жуда ўринсиз ўхшатиш!

Қиз унга норози қиёфада бокди, Мартин унинг кўзлари ва овозида таъна аломатини сезди. Лекин йигит ўзининг ақлига қатъий ишонган эди.

– Умумий масалалар тўғрисида мулоҳаза юритган барча мутафаккирлар, жамики ақдидрок соҳиблари, аслида, айрим масалалар бўйича доимо мутахассисларнинг фикрлари га асосланганлар. Герберт Спенсер ҳам айнан шундай қилган. У минг-минглаб тадқиқотчиларнинг кашфиётларини умумлаштирган. Агар уларнинг ҳаммасини ўзи ўзлаштиromoқчи бўлса, унга минг кишининг умри керак бўлар-

ди. Дарвин ҳам худди шундай иш тутган. У боғбонлар ва чорвадорларнинг тажрибаларидан фойдаланган.

– Сиз ҳақсиз, Мартин, – деди Олни, – сиз ўзингизга нима кераклигини биласиз, лекин Руфъ билмайди. У ҳатто шахсан ўзига ҳам нима кераклигини билмайди. Ҳа, ҳа, – деб давом этди у Руфнинг эътиroz билдиришига йўл қўймай. – Биламан, сиз буни умумий маданийлик деб атайсиз. Лекин агар мақсад шу умумий маданийликка эришиш бўлса, нимани ўргансанг барибир эмасми? Сиз француз тилини ўрганишингиз мумкин, барибир, ўша «умумий маданият» деб аталган нарсага мусассар бўласиз. Ё бўлмаса лотин тили ва юонон тили билан шугулланинг. Рост, бу тилларнинг на униси, на буниси ҳеч қачон сизга керак бўлмайди, аммо сизни маданиятли қилиши муқаррар. Ахир икки йил бурун Руфъ эски инглиз тилини ўрганган эди, ҳатто жуда муваффақият билан ўрганган эди, энди бўлса ўша ўқиганларидан бир мисрагина шеър эсида қолган, холос: «Апрель келиб, ёмғирлар ёғди». Шундай эди, шекилли? Ана шу мисра туфайли сиз «умумий маданият» соҳиби бўлдингиз, – деб қулиб юборди яна Руфнинг эътиroz билдиришига имкон бермай, – биламан, биламан. Ахир биз бир курсда ўқирдик-ку.

– Сиз маданият ҳақида шундай гапирасизки, гўё у мақсад эмас, балки бир воситадай нарса! – деди Руфъ. Унинг кўзларида ўт чақнади, ёноқларида икки дона қирмизи хол пайдо бўлди. – Маданиятнинг қиммати ўзи билан.

– Лекин Мартинга бу керак эмас.

– Сиз қаёқдан биласиз?
– Сиз нима истайсиз, Мартин? – деб сўради
Олни шартта у томонга бурилиб.

Мартин жуда ўнгайсизланиб кетиб, Руфга
ёлворувчи бир тарзда тикилди.

– Ҳа, айтаверинг, нима истайсиз, – деди
Руфъ. – Жавобингиз баҳсимизни ҳал қиласди.

– Албатта, маданийлик зарур менга, – деди
Мартин тараддувланиб. – Мен гўзалликни
яхши кўраман, маданият эса гўзалликни ях-
широқ англашга, уни қадрлашга ўргатади.

Руфъ фолибона қиёфада бош иргади.

– Бўлмаган гап! Буни ўзингиз яхши биласиз,
– деб гапира бошлади Олни. – Мартин мада-
ниятиликка эмас, мансабга интиляпти. Унинг
ҳаётида мансабнинг маданиятга боғлиқдиги
оддий тасодиф, холос. Агар у кимёгар бўлиш-
ни истаганида, унга маданиятнинг ҳеч кераги
бўлмасди. Мартин ёзувчи бўлишни хоҳлайди,
лекин Руфъ баъзида енгилиб қолмасин деб, ни-
ятини айтгани қўрқяпти. Нима учун Мартин
ёзувчи бўлишни истайди? – деб давом этди у.

– Чунки унинг пули йўқ. Нима учун сиз эски
инглиз тили ва жамики бошқа «умумий мада-
ният»ингиз билан бошингизни қотирдингиз?
Чунки ҳаётда ўзингиз учун йўл очишга сизда
эҳтиёж йўқ. Бу ҳақда отангиз жон куйдира-
ди. Кийим-кечакларингиз учун у пул тўлайди,
сизга алоқадор бўлиб қолган ҳамма ишни ҳам
отангиз бажаради. Биз, яъни, сиз ҳам, мен ҳам,
Артур ҳам, Норман ҳам олган таҳсилимиздан
нима фойда? Бизга «умумий маданият»ни ке-
рагидан ортиқ тиқишириб ташлашган, бор-
ди-ю, оталаримиз хонавайрон бўлишса, унда
мактаб муалими бўлиш учун имтиҳон бериш-
дан бошқа ҳеч иложимиз қолмас эди, шекилли.

У чоғда Руфь, жуда нари борса, қишлоқ муаллимаси ёки хотин-қизлар пансионида мусиқа муаллимаси бўлиши мумкин эди.

– Сиз ўзингиз нима қилардингиз? – деб сўради Руфь.

– Тузукроқ иш қайда. Кунига бир ярим доларча топиш учун қора ишга ёлланардим ёки таваккал қилиб, Хэнли мактабига репетитор бўлиб ёлланардим-да, зеҳни паст болаларни имтиҳонга тайёрлардим, «таваккал қилиб» деяётганимнинг боиси шуки, бир ҳафтадан кейин муаллимликка мутлақо ярамаслигимни айтиб, ҳайдаб юборишса керак деб ўйлайман.

Мартин гапга жимгина қулоқ солиб ўтиради; у Олнининг ҳақдигини сезар, лекин айни пайтда унинг Руфга нисбатан бетакалуфлик қилаётганини қораларди. Шу мунозара пайтида унинг миясида муҳаббат ҳақида янги фикрлар туғилди. Ақл муҳаббат масалаларига аралашмаслиги керак. Севган ёринг тўғри мулоҳаза қиляптими, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. Муҳаббат ақлдан юксакдир. Мартин учун мансабнинг нақадар зарур эканлигини Руфь тушунмаётганга ўхшарди, лекин тушунмаса ҳам латофати камаймасди. У foят латофатли қиз, лекин ўйлаётган нарсасининг ўз латофатига асло дахли йўқ эди.

– Нима дедингиз? – деб сўради Мартин Олнидан, Олни тўсатдан савол берид, унинг хаёлини бўлган эди.

– Наҳотки тентаклик қилиб, лотин тилини ҳам ўргансангиз деб сўрадим.

– Лотин тили кишини маданиятли қилибгина қолмайди, – деб гапни бўлди Руфь, – у яна ақлни ривожлантирувчи машғулот ҳамдир.

– Хўш, нима дейсиз Мартин, лотин тилини ўрганасизми? – деб таъкидлаб сўрай бошлади Олни.

Мартин ноилож аҳволга тушиб қолган эди. Руфъ унинг жавобини сабрсизлик билан кутаётган эди.

– Вақтим бўлмас деб қўрқаман, – жавоб қилди Мартин ниҳоят, – у тилни ўрганаардим-у, лекин вақтим етмайди-да.

– Кўрдингизми, «умумий маданият»ингизнинг Мартинга асло кераги йўқ! – деди Олни шодланиб. – У ҳаётда муайян нарсага эришишини, одамлар қаторига киришни истайди.

– Ҳа, лекин бу ақдни ривожлантирувчи машғулот-ку, бу – интизом! Лотин тили ақдни интизомга солади! – Руфъ шу сўзларни айтаркан, гўё ўз фикрингизни ўзгартиринг деб илтимос қилаётгандай Мартинга боқди. – Футболчиларнинг ўйин олдидан машқ қилишини кўрганмисиз? Лотин тили ҳам тафаккур аҳди учун шундай зарурий нарса. Бу – машқ.

– Қандай бемаънилил! Бу гапни бизнинг миямизга болалигимизда қуишишган эди! Лекин шундай бир ҳақиқат борки, уни ўз вақтида миямизга қуишишни унугтишган. У ҳақиқатни ўз ақлим билан топдим, – Олни ҳозир айтмоқчи бўлган гапидан тингловчилар кучлироқ таъсирансин учун сукутга толди, сўнг тантанали вазиятда деди: – Жентльмен лотин тилини ўрганиши керак, лекин жентльмен уни билиши керак эмас.

– Бу инсофдан эмас! – деб қичқириб юборди Руфъ. – Ҳамма гапни ҳазилга йўйишингизни билган эдим.

– Лекин ҳазилимнинг бамаънилигини эътироф этарсиз! – деб эътироф билдириди Олни.

– Боз устига бу ҳақ гап. Лотин тилини фақат дорихона ходимлари, адвокатлару лотин тили муаллимларигина билишади. Агар Мартин дорихонада ишламоқчи ё адвокат бўлмоқчи бўлса, мен тилимни тияман. Лекин у ҳолда, бунга Герберт Спенсернинг нима дахли бор? Мартин эндингина Спенсерни топиб, ундан бениҳоя ҳаяжонланган. Нега? Негаки Спенсер унга бирон маънавий озуқа беради. Сизга Спенсер ҳеч нима беролмайди, менга ҳам. Кейин бизга ҳеч ниманинг кераги ҳам йўқ. Сиз бир кун келиб, турмушга чиқасиз, менинг эса, умуман, ҳеч қандай қоладиган ишим бўлмайди, чунки мен учун ҳамма ишни ҳар хил ишончли вакиллар ва иш бошқарувчилар бажаради, улар отамдан менга мерос бўлиб қоладиган сармоянинг фамини ейдилар.

Олни эшик томон йўналди-ю, лекин тўхтаб, охири гапларини айтди:

– Мартинни ўз ҳолига қўйинг, Руфъ. Унга нима кераклигини ўзи яхши билади. Қаранг, қанчадан-қанча нарсаларни билиб олибди. Баъзан, ўзимни ўйласам, хижолатдан қизариб кетаман. Бизнинг лотин тили, француз тили, эски инглиз тилини билишимиизни, биздаги маданият деб аталган имкониятни мустасно қиласак, у ҳозир ҳам ҳаёт ҳақида, ҳаётда инсоннинг тутган ўрни ҳақида Артур, Норман, мен ё сиздан анча-мунча кўпроқ билади.

– Лекин Руфъ менинг муаллимам, – деб олий-жаноблик билан эътиroz билдириди Мартин, – нимаики ўрганган бўлсам, ҳаммаси Руфъ туфайли бўлди.

– Сафсатани қўйинг! – Олни Руфга аллақандай бадхоҳлик билан қаради. – Сиз ҳали Спен-

серни ҳам Руфнинг маслаҳати билан ўқидим дерсиз? Ишониб бўпман! Мен Сулаймон подшонинг олмос конлари ҳақида қанча билсам, Руфъ ҳам Дарвин ва тадрижий такомил ҳақида шунча билади. Эсингиздами, бир неча кун муқаддам сиз Спенсернинг файри муайян, илғаб бўлмайдиган нарсалар ва ҳамжинслик ҳақида айтганларини шарҳлаб, ҳаммамизни эсанкиратиб қўйган эдингиз. Шуни Руфга изоҳлаб беринг-чи, кўрасиз, гапингизга тушунармикин, йўқми. Бу, мен сизга айтсам, «маданият» эмас! Хуллас, Мартин, агар лотин тилини ёдлайдиган бўлсангиз, сизга ҳурматим қолмайди.

Мартин бу суҳбатга мароқ билан қулоқ соларкан, айни вақтда, юрагига аллақандай фашлик тушди. Гап таълим ва дарслар ҳақида, илм ҳақидаги ибтидоий маълумотлар тўғрисида бораради; шунга кўра, мунозаранинг мактаб болаларига хос бир оҳангда бориши, Мартинни ҳаяжонга солган улкан масалаларга асло мос тушмасди, бу масалалар уни ҳаётий ҳодисаларнинг барчасига маҳкам ёпишиб олишга мажбур қиласарди ва ўзининг уйғониб келаётган қудратини сезиши бутун вужудини титратиб даҳшатга соларди. У хаёлан ўзини номаълум бир мамлакат соҳилига чиқариб ташланган шоир билан қиёс қиласарди; у шоир теварак-атрофидаги гўзал манзарадан қаттиқ таъсиранган-у, бу гўзалликни ерли ёввойи ҳалқ тилида тараннум қилишга бехуда уринарди. Мартин ҳам шундай аҳволда эди. У ўз вужудида улкан жаҳоншумул ҳақиқатни ўрганишга кучли интилиш ҳисси борлигини сезарди, лекин бунинг ўрнига, «Лотин тилини ўрганиш керакми, йўқ-

ми» деган мавзуда гүдакларга хос можарога қулоқ солиб ўтириши лозим эди.

– Қай гүрдан чиқди бу лотин тили? – дерди у шу куни кечқурун күзгү олдида туриб ўзига ўзи тикиларкан, – ўликлар ўликлигича қолаверсин. Улар билан неча пуллик ишим бор? Гүзаллик абадий ва доимо барҳаёт. Тиллар эса яратида ва йўқолиб кетади. Улар ўликлар ҳокидир.

Шу аснода ўз фикрларини чиройли ифодалашга ўрганганини ўйлаб қолди ва ўрнига ётаркан, нима сабабдан Руфнинг ҳузурида шу қобилиятини ишлата олмаганини билишга уринди. Қизнинг ҳузурида у мактаб боласига айланиб қолар ва шу мактаб боласи тили билан гапира бошларди.

– Фурсат беринглар менга, – деди у овозини чиқариб, – менга фақат фурсат беринглар!

Вақт! Фурсат! Бу унинг доимий илтимоси эди.

ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ

Мартин Руфни севишига қарамай, лотин тилини ўрганишдан воз кечди. Аммо Олни берган маслаҳатларнинг бунга дахли йўқ эди. Вақт унинг учун мисоли пулдай зарур нарса эди, лотин тилидан кўра муҳимроқ бўлган анча-мунча фанлар Мартиннинг эътибор беришини қатъийлик билан талаб қиласди. Бунинг устига, ёзиши ҳам керак эди. У пул ишлаши керак эди. Лекин афсуски, унинг ёзганларини ҳеч қаерда босмасдилар. Қўлёзмалари аянчли тарзда таҳририятма-таҳририят юради. Нима сабабдан бошқа ёзувчиларнинг асарларини босиб чиқаришаркин? Мартин қироатхонада узоқ

ўтириб, ўзга ёзувчиларнинг асарларини ўқир, бу ёзувчиларнинг ўз асарларини бостириб чиқаришга ёрдам берган нарсаларнинг нималигини аниқлашга беҳуда уриниб, у асарларни ўзи ёзган асарлар билан таққосларкан, уларни диққат билан ва танқидий кўз билан ўрганарди.

У матбуот саҳифаларида босилган асарларнинг кўпчилик қисмининг уйдирма эканлигидан ажабланарди. Бу ҳикояларда на нур, на бўёқ бор эди. Улардан ҳаёт нафаси келмас, ҳолбуки, уларнинг ҳар бир сўзига икки центдан, ҳар минг сўзига йигирма доллардан ҳақ тўланарди – Мартин газетадан қирқиб олиб қўйган мақолада шундай ёзилган эди. У осонлик ва уддабуронлик билан ёзилган (Мартин буни эътироф этмай иложи йўқ эди), лекин ҳақиқий ҳаётдан узоқ бўлган сон-саноқсиз ҳикояларни қайта-қайта ўқиб таажжубланарди. Ахир ҳаётнинг ўзи шу қадар фусункор, шу қадар жозибали, унда ҳал этилмаган масалалар, орзулар, қаҳрамонона ишлар жуда кўп, лекин бу ҳикоялар фақат оддий ҳаёт икир-чикирини тасвирлаш билан чекланиб қолган. Мартин ҳаётнинг қудрати ва улуғворлигини, унинг ҳарорати ва ҳаяжонини, унинг исёнкор руҳини ҳис қиласди – мана шулар тўғрисида ёзиш керак эди! У хатарли ишга бел боғлаган довюрак кишиларни, муҳаббат шайдоси бўлган йигитларни, даҳшат ва изтироблар ичida жанг қилиб, қудратли билак кучлари билан ҳаётни ларзага келтирадиган азаматларни тараннум этишни истарди. Ваҳоланки, журнallардаги ҳикояларда қандайдир мистер Бэтлерлар, долларга тузоқ қўйган аянчли кишилар мадҳ этилар, ноқас, аҳамиятсиз одамларнинг арзимас ишқий

изтироблари тасвиrlанаарди. «Бунга сабаб, балки муҳаррирларнинг ўзи арзимас одамлардир? – деб ўзига ўзи савол берарди Мартин. – Ё бўлмаса, бу муҳаррирлар, ёзувчилар ва журналхонларнинг ҳаммаси ҳаётдан кўрқишиади!»

Ҳаммадан кўпроқ у муҳаррирлар билан ҳам, ёзувчилар билан ҳам таниш бўлмаганидан хижолатда эди. У биронта ёзувчини билиш у ёқда турсин, ҳаттоки бирон марта бўлсин асар ёзишга уриниб кўрган одамни ҳам билмасди. У билан суҳбатлашадиган, унга бамаъни маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатадиган одам йўқ эди. У ҳатто муҳаррирларнинг жонли одамлигига ҳам шубҳа қила бошлади. Мартиннинг тасаввурида улар аллақандай машинанинг винтлари ёки ричагларига ўхшарди. Ҳа, ҳа, айнан шу қиёфада. Мартин ўз ҳикоялари, очерклари ва достонларига дилидагиларни ёзарди-ю, уларни машиналар ихтиёрига юборарди. У қўлёзмасини ва жавоб мактуби учун керак бўладиган маркани каттакон конвертга солиб, унинг оғзини беркитарди-да, почта қутисига ташларди. Қўлёзма муайян бир неча кун бутун қитъани кезиб чиқиб, яна Мартиннинг қўлига қайтиб келарди; лекин энди қўлёзма бошқа конвертга солинган, илова қилиб юборилган марка эса шу конвертга ёпиштирилган бўларди. Эҳтимолки, ҳеч қандай муҳаррир йўқдир, балки унинг ўрнида қўлёzmани бир конвертдан олиб, иккинчисига солувчи ва конверт устига марка ёпиштирувчи моҳирона тузилган механизм бордир. Бу механизм пул ташласанг, «лик» этиб сақич ёки бир бўлак шоколад чиқариб берадиган автоматни эслатарди. Тангани унинг бир тешигига туширсанг, сақич оласан, бошқаси-

га туширсанг, шоколад оласан. Бу ўринда ҳам вазият айнан шу ҳолатда эди. Механизмнинг бир туйнугидан гонорар чеки отилиб чиқар, иккинчисидан эса қўлёzmани рад этувчи мактуб чиқарди. Аммо шу пайтгача Мартин нуқул иккинchi туйнукка тўғри келаётган эди.

Машъум мактублар муҳаррирни машинага янада кўпроқ ўхшатарди. Бу фақат ёзувчининг ва асарнинг номи қўйилган босма стандарт бланкалар эди. Мартин бу бланкалардан юзта-часини олди – ҳар бир қўлёzmасига тахминан ўнтадан тўғри келарди. Агар у шахсан ўзига мурожаат этиб қўл билан ёзилган бир сатрги-на жонли хат олса эди, ўзини бениҳоя баҳтиёр ҳис қилган бўларди. Лекин биронта ҳам муҳар-рир ўзининг жонли одам эканлигини исботла-масди. Шунга кўра, дунёда биронта ҳам жонли муҳаррир йўқ, фақат яхшилаб мойланган ва яхши ишлайдиган автоматлар бор, деган хуло-сага келишдан бошқа илож қолмади.

Мартин табиатан чидамли, матонатли ку-рашчи эди, шунинг учун бу тошюрак маши-наларни узоқ йиллар давомида таъмин этишга бардош бера оларди. Лекин жони кўп кетиб ҳолдан тойган эди, шунга кўра, кураш нати-жасини йиллар эмас, балки ҳафталар ҳал этиши керак эди. Ҳар ҳафта тўланадиган ижара ҳақи уни ҳалокатга яқинлаштирас, почта ха-ражатлари эса ўша машъум дақиқани яқин-лаштиришга ёрдам берарди. У энди китоб со-тиб ололмасди, шу сабабли фалокатни орқага суриш мақсадида майда-чуйда харажатларни камайтириб, пулинин тежаб сарф қилмоқчи бўлди; лекин Мартин режали бўла олмасди, бир қун у опаси Мэриенга кўйлак олиш учун беш

доллар совға қилиб, жанг оқибатини бир ҳафтага бери сурди.

Мартин зулмат қўйнида жанг қилар, унинг на маслаҳат берадиган, на далда берадиган одами бор эди; гўё атрофидаги кишиларнинг ҳаммаси ўзаро келишиб олиб, унинг матонатини синдиришга уринаётганга ўхшарди. Ҳатто-ки Гертруда ҳам унга қовоқ солиб қарайдиган бўлиб қолди; аввалига у Мартиннинг болалар шўхлигига ўхшаб туюлган ишларига меҳрибон опа сифатида бепарво қараган эди; лекин ке-йин яна меҳрибон опа сифатида безовта бўла бошлади. Болалик шўхлиги энди унга жинни-ликка айланаб кетаётгандек туюлди. Мартин опасининг ташвиш билан қараётганини пай-қар, мистер Хиггинботамнинг бетакаллуф ва ҳаёсиз истеҳзоларидан кўра, опасининг шу қарашларидан кўпроқ изтироб чекарди. У ўзи-га ишонарди, аммо ёлғиз эди. Ҳатто-ки Руфъ ҳам унинг ишончига шерик эмасди. У Мартиннинг фақат мустақил таҳсил олиш йўли билан шуғулланишини истарди, унинг адабиётга иштиёқини очиқдан-очиқ ҳеч қораламаса ҳам, айни вақтда ҳеч қачон рағбатлантирмасди.

Мартин унга ёзганларини бирон марта ҳам кўрсатмаган эди. Аллақандай андиша йўлини тўсиб турарди; бундан ташқари, у қизнинг университетда бандлигини билгани учун унинг вақтини олишни ўзига эп кўрмасди. Лекин имтиҳонлар тамом бўлгандан кейин Руфнинг ўзи унинг асарларидан биронтасини ўқишини истаганини билдириди. Мартин ҳам севиниб, ҳам қўрқиб кетди. Руфъ – ҳақиқий ҳакам. У санъатшунос. У адабиётни профессорлар қўл остида ўрганган. Эҳтимол, муҳаррирлар ҳам

тажрибали ҳакамлардир, лекин Руфъ бошқа, у Мартиннинг асарларига бошқа кўз билан қарайди. У Мартина босма бланкка ёзилган рад жавобини юбормайди, ҳикояларингизнинг ижобий хислатларга бой бўлишига қарамай, афсуски, мазкур нашриётда боса олмаймиз деб хабар қилмайди. Руфъ унга инсоний, жонли тил билан ўз фикрини изҳор қиласди, энг муҳими – Руфъ, ниҳоят, чинакам Мартин Иденни кўради. Қиз Мартиннинг асарларида унинг дили ва қалбини ҳис қиласди, унинг нималарни орзу қилишини ва нималарга қодир эканлигини озгина бўлса ҳам, қиттаккина бўлса ҳам англаб олади.

Мартин ҳикояларидан бир нечасини танлади-да, бир оз тараддуланиб тургандан кейин, яна «Денгиз қўшиқлари»ни ҳам илова қиласди. Жазирама июнь кунларининг бирида у Руфъ билан велосипедларга миниб, шаҳар ташқарисидаги тепалик томон жўнаб кетишиди. Қиз бу ерни яхши кўрарди. Бу уларнинг иккинчи марта бирга сайр қилиши эди. Улар куннинг тафтини пасайтирувчи денгиз шабадасига юзларини тутиб, велосипедда кетиб борарканлар, Мартин оламнинг гўзаллигини, яшаш ва севиш қандай соз эканлигини бутун вужуди билан ҳис қила бошлади. Улар велосипедларини йўл ёқасига қўйиб, ўзлари қўнғир тепа бошига чиқишиди; қуёшда жизғанак бўлган ўт-ўландан яқинда ўрилган пичаннинг қуруқ хушбўй ҳиди гуркираб димоққа урилди.

– Бу ўтлар ўз вазифасини ўтаб бўлган, – деди Мартин ерга ўтиришгандан кейин. Руфъ унинг курткасига, у эса тўппа-тўғри иссиқ ерга ўтирган эди.

Мартин кишини маст қилувчи, ёқимли, хушбўй ҳидлардан тўйиб-тўйиб нафас оларкан, шу заҳотиёқ одати бўйича хусусий ҳодисалардан умумий ва асосий ҳодисаларга ўтиб, фикр юрита бошлади.

– Ўзининг ҳаётий вазифасини ўтаб бўлди бу,
– деб гапида давом этди Мартин офтобда қовжираган ўтларни меҳрибонлик билан силаркан,
– қишки ёғин сувини шимириб, баҳорнинг илк бўронлари билан курашди, гуллаб қумурсқа-ю, болариларни ўзига жалб этди, уругларини шамолга совуриб, атрофга таратди, энди эса табиат олдида ўз вазифасини ўтаб бўлиб...

– Нима учун сиз ҳамма нарсага кўнгилни хира қиладиган бундай амалий нуқтаи назардан қарайсиз? – деб Руфъ унинг сўзини бўлди.

– Тадрижий такомил назариясини ўрганаётганимдан шундай бўлса керак. Очифини айтганда, мен ҳамма нарсанинг асл моҳиятини яқингинада англай бошладим.

– Лекин, менинг назаримда, сиз ана шу амалий нуқтаи назарингиз туфайли гўзалликни тушунмай қолаётганга ўхшайсиз. Гўдак бола капалакларнинг чиройли қанотларидағи чангни артиб ташлаб, уларни маҳв этганидек, сиз ҳам гўзалликни маҳв этяпсиз.

Мартин бошини сарак-сарак қилди.

– Гўзалликнинг ўз маъноси бор, лекин мен шу чоққача ўша маънони ҳис қилганим йўқ. Менга чиройли нарса чиройли бўлгани учун ёқарди, вассалом. Мен гўзалликнинг моҳиятини тушунмасдим. Энди бўлса тушунаман, ёинки, аниқроқ қилиб айтганда, тушуна бошляяпман. Мен учун бу ўт, айниқса, унинг нима сабабдан бундайлигини билганимдан кейин, унинг шу

тепа бошида ўсиши учун зарур бўлган қуёшнинг, ёмғирнинг ва ер шарбатининг мураккаб таъсирини билганимдан кейин, ниҳоятда гўзал бўлиб кетди. Ҳар битта гиёҳнинг тарихи ажойиб саргузаштлар билан бой; у не-не воқеаларни бошидан кечирмаган. Ана шу фикрнинг ўзи мени илҳомлантиради. Мен қувват билан материянинг ишини, буюк ҳаётий курашларни ўйласам, шу гиёҳ тўғрисида бутун бир достон, наинки бир достон, бир неча достон ёза олишимни ҳис қиласман.

– Бирам чиройли гапирасиз-а, – деди Руфъ ўйчанлик билан, унинг синовчан кўзлари ғалати бир тарзда Мартинга тикилиб турарди; Мартин бирдан буни пайқаб қолди-ю, шу заҳотиёқ уялиб кетди, ҳатто боши гангиг, ёноқлари чўғдек қизарди.

– Оҳ, қани энди, мен чиндан ҳам чиройли гапира олсам эди, – деб тутила-тутила гап бошлади Мартин. – Миямда фикрлар шу қадар кўпки, уларни изҳор этишни хоҳлайман. Лекин уларнинг кенглигидан ифодалашга муносиб сўз топа олмайман. Баъзан, бутун олам, бутун жониворлар олами менга юзланиб, улар учун гапиришимни талаб қилаётгандай туюлади. Мен шу нарсани ҳис қиласман, сизга қандай ифодалаб берсам экан? – бутун борлиқнинг улуғворлигини ҳис қиласман, лекин гапира бошласам кичкина болага ўхшаб фўлдирайман. Фикр ва туйгуларингни шундай сўз билан ифодалаш, уни шундай ёзиш ёки гапира олиш керакки, токи гапингни тингловчи ёки жумларингни ўқувчи уларни тушунсин, ёзилган китоб ёки айтилган жумлада яна айнан ўша фикр, ўша туйгулар гавдалансин, лекин бу ниҳоятда буюк

вазифа. Бу – ҳеч нарсага қиёс қилиб бўлмайдиган вазифа. Мана, кўринг, мен юзимни ўтлар орасига тиқяпман, шунда димоғимга кираётган бу ҳидлар миямда минг-минглаб фикр ва лавҳаларни туғдиради. Ахир мен бутун коинот ҳидини ҳидладим-да. Мен қўшиқлар ва кулгиларни эшитяпман, саодат ва офатни, кураш ва ўлимни кўряпман. Миямда сон-саноқсиз лавҳалар на-моён бўлади, мен шуларни сизга, бутун оламга изҳор қилсам дейман! Лекин буни қандай бажарай? Тилим лол. Мана, ҳозир ҳам, ўтнинг хушбўй ҳидини ҳиддаб туриб, ҳис қилган нарсаларимни сизга сўз билан ифодалаб бермоқчи бўлдим. Лекин ҳеч нима чиқмади. Қўтполдан-қўтпол, но-аниқ ишорадан бошқа нарса чиқмади. Қандайдир бир-бири билан боғланмаган бир неча сўзни айтдим, холос... Ҳолбуки, мен ўз фикрларимни баён қилишни шунақаям хоҳлайманки. О... – у умидсизлик билан қўлларини қисирлатди, – бунинг иложи йўқ! Гапириш мумкин эмас! Изҳор этиш мумкин эмас!

– Лекин сиз жуда яхши гапирияпсиз, – деб таъкидлади Руфъ, – шу қисқа вақт ичida бунчалик гапиришни ўрганиб олганингиздан та-ажжубдаман. Мистер Бэтлер – ҳаммага манзур бўлган нотиқ. Штат қўмитаси доим сайлов олди кампанияси пайтида уни нутқ сўзлашга даъват этиб туради. Лекин сиз анови куни овқат пайтида ундан ёмон гапирмадингиз. Фақат у ўзини босиб гапира олади. Сиз жуда қизиққонсиз; ҳали сиз ҳам аста-секин ўзингизни тутиб оласиз. Сиз жуда яхши нотиқ бўлиб кетишингиз мумкин. Жуда катта муваффақиятларга эришишингиз мумкин... агар хоҳласангиз. Сизда қандайдир бир сир бор. Шунга қараган-

да, сиз оммага бош бўлишингиз мумкин, мен бунга аминман. Сиз йўлингизга гов бўлган ҳар қандай қийинчиликни худди грамматикани ўзлаштиргандай енгиб ўтишингиз мумкин. Таниқли адвокат ёки сиёсий арбоб бўлишингиз мумкин. Мистер Бэтлер эришган муваффақиятга эришишингиз учун сизга ҳеч нима халал бера олмайди. Эришгандаям, ошқозонингизни касал қиласдан эришасиз, – деб табассум билан илова қилди Руфъ.

Улар ҳамон суҳбат қилиб ўтирадилар; Руфъ ўз одати бўйича ўқишининг зарурлиги ҳақида ётифи билан, айни вақтда, талабчанлик билан гапирав, лотин тилини илмнинг ҳар бир соҳасида энг асосий негиз вазифасини ўташини таъкидларди. У инсоннинг, хусусан, эркак кишининг энг муқаммал намунаси қандай бўлишини Мартинга тасвирлаб берди; бу камолот намунаси бутунича ўз отасидан кўчириб, унга мистер Бэтлернинг баъзи бир хусусиятлари илова қилинган эди. Мартин чалқанча тушиб ётиб, Руфнинг гапларини тингларкан, унинг дудоқлари ҳаракатини қузатишдан ҳузур қилар, бироқ қизнинг айтиётганларини мутлақо сингдирмасди. Руфъ тасвирлаб берган истиқбол уни қизиқтирмасди, шунга кўра у умидсизликдан пинҳона фусса чекаркан, айни вақтда, шиддатли ишқ азоби уни ўртарди. Қиз унинг адабий фаолияти ҳақида лом-мим демади, Мартин олиб келган қўлёзмалар ерда унтутилиб ётарди.

Ниҳоят, суҳбат узилиб қолган пайтлардан бирида Мартин қёшга тикилиб, унинг уфқда етиб келишига қанча қолганини чамалаб кўрди-да, қўлёзмаларини йифишириба бошлади, шу

ҳаракати билан у қўлёзмалар борлигини Руфга эслатган эди.

– Вой, эсимдан чиқибди-ю, – деди Руфъ шоша-пиша, – ўқиб берсангиз, жон-жон деб эшитардим!

Мартин унга ўзининг энг яхши қўрган ҳикоясини ўқиб берди. Ҳикояга «Хаёт шароби» деб ном қўйган эди. Мартин ҳикоя ёзаётган чоғида уни маст қилган ўша шароб, энди шу ҳикояни ўқиётган чоғида яна миясига урди. Ажойиб мавзуда ёзилган бу ҳикояда ўзига хос бир нафосат руҳи мавжуд эди, аммо Мартин тумтароқ сўзлар ва иборалар билан бу нафосатни янада кучайтиришга уринганди. У ҳикоя ёзаётган чоғда ловиллаб ёниб турган илҳом алангаси ҳозир ҳам уни қўршаб олган эди, шунинг учун у ўзининг ҳеч қандай нуқсонини сезмасдан, зўр эҳтирос билан ўқирди. Лекин ҳикояга Руфнинг муносабати тамомила бошқача эди. Ҳикоянинг барча заиф томонлари, барча муболагалар, ёш қаламкашларгагина хос бўлган ҳаддан зиёд шавқ-завқ, жуда кўп ерда жумлалардаги ҳамоҳангликнинг бузилиши дарҳол Руфнинг ўткир қулоқларига чалинди. Очиги, у Мартиннинг ҳикоясида оҳангдорлик йўқлигини сезди, дабдабали, салмоқдор жумлалар бундан мустасно эди, албатта; аммо айнан шу жумлаларнинг юзакилиги Руфнинг фашига тегди. «Дилетантизм»¹¹ – қизнинг бу асарга берган қатъий баҳоси шу эди, лекин бу фикрни айтмади. Аксинча, у бор-йўғи бир неча майда камчиликларни тилга олиб, умуман, ҳикояни ўзига ёққанлигини айтиш билан кифояланди.

¹¹ Дилетантизм – юзакилик, саёзлик.

Лекин Мартиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Қиз ҳақдли танқид қилди, Мартин буни эътироф этмай иложи эди, аммо ҳикоясини унга майда-чуйда камчиликларни тузатиш учун ўқимаган эди-ку. Гап тафсилотда эмас. Бунинг ҳаммасини тузатса бўлади. Вақти келиб, унинг ўзи майда нуқсонларни пайқайдиган, ҳатто уларга йўл қўймайдиган бўлади, албатта. Лекин у ўз ҳикоясида улкан, жонли ҳаётнинг бир қисми ифодаламоқчи бўлган эди-ку. Мартин Руфга нуқта ва вергуллар билан ажратилган бир қатор жумлаларни эмас, балки ана шу жонли ҳаётнинг бир қисмини кўрсатмоқчи эди. Мартин ўз кўзи билан кўрган, ўз тафаккури билан англаган ва ўз қўллари билан машинкада босган мана шу сатрлардаги улкан ва муҳим нарсаларни Руфъ ҳам англашини истарди. Афтидан, бу истагимга муяссар бўлмадим, шекилли, деб ўйлади у. Балки муҳаррирлар чиндан ҳам ҳақдирлар. У ҳаётнинг улкан, муҳим жиҳатларини мушоҳада қиласди-ю, аммо уни сўз билан ифодалашга қодир эмас эди. Натижада, Мартин ҳафсаласи пир бўлганини яшириб, қизнинг танқидий мулоҳазаларига шундай осонлик билан рози бўлдики, қиз унинг қалбида қандай зўр эътиroz уйғотганини хаёлига ҳам келтирмади.

– Мана, бунга «Қозон» деб ном қўйганман, – деди Мартин иккинчи қўлёzmани очаркан. – Бу тўрт-беш журналдан рад этилиб қайтиб келган, шундай бўлса ҳам, бу ҳикоя ўзимга ёқади, ўз асарингга баҳо бериш қийин, лекин менимча, бу ҳикоянинг бир нимаси бор. Балки мени қизиқтирганчалик қизиқтирмас сизни, лекин ҳикоя қисқагина, бор-йўғи икки минг сўздан иборат.

Мартин ҳикояни ўқиб бўлгандан кейин Руфь:
– Қандай даҳшат! – деб қичқириб юборди. –
Жудаям даҳшат-ку бу!

Мартин қизнинг ранги ўчган чеҳрасига, чақнаб турган қўзларига ва асаб билан чалишган қўлларига пинҳона завқ билан қаради. У ниятига етган эди. Ўзининг бутун вужудини қамраб олган тўйғулар ва лавҳаларни қизга ёқдими, ёқмадими, бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими – ҳикоя унга қаттиқ таъсир этди, уни диққат билан тинглашга мажбур этдики, на-тижада Руфь ҳикоянинг майдага нуқсонларини пайқамади ҳам.

– Бу ҳаёт, – деб эътиroz билдириди Мартин, – ҳаёт ҳамма вақт ҳам жозибали бўлавермайди. Ким билсин, эҳтимол, мен жуда фалати маҳлуқ бўлсан керак, чунки шу ерда ҳам гўзалликни кўряпман. Бу гўзаллик менга шу қиёфасида яна ўн карра азизроқ...

– Лекин нега ахир ўша бахтиқаро аёл... – деб Руфь унинг гапини бўлди-ю, гапини тамомламай яна жон-жаҳди билан қичқирди: – О! Бу бемаънилик! Бу бадкорлик! Бу қабоҳат!

Бир зумга Мартиннинг юраги уришдан тўхтагандай туюлди. Қабоҳат! Буни у ҳеч қачон ўйламаган, ҳеч қачон тасаввур ҳам қилмаган эди. Бутун ҳикоянинг ҳар бир ҳарфи унинг кўзи олдидага аланга бўлиб ёниб турар ва унинг шуъласидан қамашган қўзлари ҳеч қандай қабиҳликни кўрмасди. Мана, юраги сийнасида яна гупиллаб ура бошлади. Унинг виждони пок эди.

– Нега чиройлироқ мавзу танламадингиз?
– деди қиз. – Биламиз, дунёда қабиҳлик жуда кўп, лекин бу билан...

Руфъ алланарсалар тўгрисида аччиқ-аччиқ гапирав, лекин Мартин унга қулоқ солмасди. У қизнинг тароватли чеҳрасига тикилиб ўтиради; бу чеҳра шундай таъсирчан, шундай иффат шуъласи билан ёритилган эдики, гўё бу иффат Мартин юрагининг энг теран ерига сингиб боргандек ва уни юлдузлар шуъласидек сарин, майин ва сернавозиш самовий нур билан ювиб тозалаётгандек бўларди. «Биламиз, дунёда қабиҳлик жуда кўп!» Нимани ҳам «биларди» деб ўйлади Мартин ва гўё қиз у билан ҳазиллашашётгандай, мийифида шўх қулиб қўйди. Унинг кўз олдида бирдан ўзи миридан-сиригача ўрганган ифлос ҳаётнинг поёнсиз уммони «лоп» этиб пайдо бўлди-ю, ҳикоясини тушунмагани учун Руфни айбламади. Мартиннинг ҳикоясига тушунмагани учун қиз айбдор эмас эди. Худога шукурки, Руфъ бундай муҳитдан тамомила четда туғилиб ўсан. Лекин Мартин, Мартин ҳаётни биларди, ундаги жамики разолат ва улуғворликни биларди, устини қоплаб ётган барча ифлосликларга қарамай, ҳаётнинг гўзал эканлигини биларди, шунинг учун ҳам бу ҳақда бутун жаҳонга ўз фикрини айтмай қўймайди. Самовий маликаларнинг пок ва бенуқсонлигидан ҳеч ким ажабланмайди. Бу ўринда уларнинг хизмати йўқ. Лекин ифлосликлар орасида авлиёлар бўлиши, бу – чинакам мўъжиза! Шу мўъжиза туфайли ҳам яшаш керак! Адолатсизлик ахлатхонасидан униб чиқаётган ахлоқий камолотнинг шоҳиди бўлиш; шахсан ўзининг ўсиш ва ҳали исқирти ювилмаган кўзлар билан гўзалликнинг ilk нурларини илғаб олиш; заифлик, ахлоқсизлик, олчоқлик ва ҳайвоний бетамизликдан ҳам куч, ҳам ҳақиқат, ҳам маънавий олий-

жаноблик хислатларининг бунёдга келаётганини кузатиш учун яшаш керак!

Шу пайт бирдан Мартиннинг қулоғига Руфнинг овози эшилди:

– Ҳикоя бошдан-оёқ аллақандай палид нарсаларга асосланган! Фоят латиф ва олий жаноб нарсалар жуда ҳам қўп-ку: «In memoriam¹²ни эсланг.

Мартин: «Локсли Холл-чи?» демоқчи бўлди, агар яна хаёл денгизига фарқ бўлмаганида айтарди ҳам. У қизнинг жамолига тикиларкан, аёл киши юз минг аср мобайнида ҳаёт пиллапоясидан муттасил юриб, ниҳоят энг юксак камолот чўққисига чиқиши, Руфъ бўлиш, яъни, пок ва гўзал, илоҳий қувват соҳибаси – Руфъ бўлиш учун ва Мартин Иден қалбида муҳаббат, покликка интилиш ҳамда ўша илоҳий қувватни синаб кўриш ҳиссини уйфота олиш даражасига кўтарилиш учун қанча мураккаб йўлларни босиб ўтишини ўйлади; ибтидоий ҳаётнинг теран жарлигидан, ҳаётнинг доимий жараёнида юз берувчи сон-саноқсиз хатолар ва муваффақиятсизликлар гирдобидан ақл бовар қилмайдиган тарзда юксалиб чиққан Мартин Иден қалбида муҳаббат уйфота олиш даражасига етгунча, у аёллар қанчадан-қанча мураккаб йўллар босиб ўтганлар. Романтика, гўзаллик ва мўъжиза шунда! Мана шулар ҳақида ёзиш керак; фақат уларни ифодалаш учун сўз топилса бас. Малоикалар осмонда – улар фақат малоика, холос. Мартин эса инсон.

Мартин Руфнинг овозини эшилди:

– Сиз жуда кучли одамсиз, лекин кучингиз қандайдир бебош куч.

¹² Эсдалик (хотира)

– Идиш-товоқ дўконига кириб қолган бегемотга ўхшайман, – деб ҳазил қилди Мартин. Руфъ табассум билан уни тақдирлади.

– Ҳеч ниманинг фарқига бормай, дуч келган нарса тўғрисида ёзавериш яхши эмас. Сизнинг ўз дидингиз, латофатли услубингиз бўлиши керак.

– Мен ўзимга ҳаддан ташқари ишонсам керак, – деб ғўлдиради Мартин.

Руфъ унинг бу фикрига қўшилиб, жилмайиб қўйди ва навбатдаги ҳикояни эшиитмоқчи бўлди.

– Билмадим, сизга ёқармикин, – деди Мартин гўё ўзини оқлаётгандай. – Бу фалати ҳикоя! Балки мен ошириб юборгандирман, лекин гапимга ишонинг, ниятим холис эди. Икир-чикирларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Энг муҳими, асосий фикрни тушуна олсангиз бўлгани. Бу жуда муҳим ва тўғри фикр, фақат уни тушунарли қилиб ёза олдиммикин, билмадим.

У ўқий бошлади; ўқиркан, Руфга қараб-қараб қўярди. Ниҳоят, ҳикоя қизнинг диққатини тортгандай бўлиб туюлди. Руфъ гўё Мартин яратган образларга маҳлиё бўлгандай, нафасини ичига ютиб, ундан кўзини узмай қимир этмай ўтиради. Мартин бу ҳикоянинг номини «Саргузашт» деб атади, бу чиндан ҳам китобий эмас, ҳаётий саргузаштнинг энг юксак чўққиси, яъни, ҳам жазога, ҳам вафога бир хилда саҳий, ҳам инжик, ҳам бевафо, қулларча итоаттгўйликни ва тиним билмай ишлашни талаб қилувчи, гоҳ қуёш тафтидан лов-лов ёнаётган саҳрога олиб чиқиб, гоҳ ташналиқ, очлик, мاشаққатли олис йўл азобига солувчи ёки ажалга гирифтор этувчи даҳшатли безгак азоби билан қайнавчи

ва ниҳоят, дарё-дарё тер тўқтириб, қон оқизиб, заҳарли қумурсқаларга чақтириб, сон-саноқсиз майда-чуйда, эътиборсиз ҳодисаларни бошдан кечириб, охири фоят ажиб зафар билан туговчи хотимага олиб келувчи даҳшатли ҳукмдорнинг чинакам улуғ саргузашти эди.

Мартин ҳикоясида шуларни ва бошқа бирталай нарсаларни тасвирлаган эди; шу нарсаларнинг ҳаммаси Руфнинг кўзларини чақнатиб, эшитишга мажбур этаётгандай эди; қизнинг ёноқлари чўғдек қизариб кетди, шунинг учун Мартин ҳикоя охирлаб қолганда, Руфъ ҳозир ҳушидан кетиб йиқилади деб қўрқиб кетди. Руфъ чинданам зўр ҳаяжонда эди, аммо у ҳикоядан эмас, Мартиннинг ўзидан ҳаяжонланган эди. Масала ҳикояда эмас эди; Руфъ Мартиннинг вужудидан уфуриб турган ва қизни бошдан-оёқ қамраб олган ўша таниш куч таъсирини яна ҳис қила бошлаган эди. Аммо шуниси қизиқки, ҳикоя ҳам айнан шу куч билан суғорилган эди, Руфъ ҳам ҳозир ўша кучни ҳикоя орқали ҳис қилаётган эди. У ёлғиз шу кучни ҳис қиласди-ю, айни вақтда, воситалик вазифасини ўтаётган ҳикояни деярли сезмасди; сиртдан қараган одамга у гўё ҳикояни берилиб эшитаётгандай туюлса ҳам, аслида, тўсатдан хаёлига келиб қолган даҳшатли, ақл бовар қилмайдиган, тамомила ўзгача бир фикр билан банд эди. Унинг хаёлига бирдан эрга тегиш ҳақидаги фикр келди-ю, бу фикрнинг миясига қаттиқ ўрнашганлиги уни қўрқитиб юборди. Бу Руфга ярашмасди. Бу унга тамомила ёт фикр эди. Уйғониб келаётган аёллик ҳирси ҳали уни ҳеч қачон изтиробга солмаган

эди, шу чоққача у Теннисон шеърияти таъсирiga фарқ бўлиб, фафлат оламида яшар ва ҳатто бу энг назокатли шоирнинг рицарлар билан қироличалар ўртасидаги самимий муносабатлар ҳақидаги нозик имо-ишораларига ҳам парво қилмасди. Қиз уйқуда эди, бирдан ҳаёт шиддат билан унинг эшигини қоқди. Қўрқиб кетган қиз эшикнинг ҳамма занжиirlарини солиб беркитмоқчи бўлган эди, лекин энди уйғониб келаётган ҳислар антиқа ва ниҳоятда гўзал меҳмонга эшикни кенг очишини талаб қилди.

Мартин Руф ўз фикрини айтишини мамнуният билан кутарди. У фикрнинг қандай бўлишига ҳеч шубҳа қилмаган эди, шунинг учун Руфъ фақат:

– Гўзал, – деб жавоб қилганида Мартин ҳангманг бўлиб қолди.

Бир оз сукутдан сўнг Руфъ жўшқин оҳангда такрорлади:

– Жуда гўзал!

Тўгри, бу гўзал ҳикоя эди; лекин ҳикояда бошқа йирик бир нарса мавжуд эди, гўзаллик унга тебе эди. Мартин ерда чўзилиб ётарди; машъум шубҳа булулари боши узра тўплана бошлади... Яна бўлмади. У сўзга уста эмас. У жаҳондаги энг ажойиб мўъжизаларни кўради-ю, лекин уларни тасвиrlашга қурби етмайди.

– Сиз қандай фикрдасиз ҳикоянинг... – янги сўзни талаффуз этишдан тортиниб, бир оз тутилиб қолди, – фояси ҳақида?

– Фояси унча аниқ эмас, – деди қиз, – мен олган умумий таассурот шундан иборат. Мен воқеанинг боришини илғаб олишга уриндим, лекин қийин бўлди. Сиз ҳаддан ташқари сергапсиз. Ҳикояга мутлақо алоқадор бўлмаган

материалларни олиб кириб, асосий воқеани хиралаштириб қўйгансиз.

– Лекин буларнинг ҳаммаси асосий гояга алоқадор-ку, – деб шоша-пиша изоҳлай бошлади Мартин. – Асосий гоянинг жуда буюк, оламшумул аҳамияти бор. Мен бутун ҳикояни шу фоя билан сугормоқчи бўлдим. Ҳикоя бу фоя учун фақат қобиқ вазифасини ўтайди. Мен тўғри йўлдан бораётган эдим, лекин чамамда, вазифани яхши бажара олмабман, шекилли. Мен кўнглимдаги гапларни изҳор эта олмадим. Эҳтимол, вақти келиб, ўрганиб қоларман.

Руфъ унинг фикрлари инкишофини кузата олмади. У санъатшунос бўлишига қарамай, бу фикрларга унинг ақли етмас эди. У Мартиннинг фикрларига тушунмасди ва бунинг сабаби шуки, Мартин ўз фикрини ифодалашга нўноқлик қиласди деб ўйларди.

– Сиз жуда кўп сўз ишлатаркансиз, – деб такрорлади қиз, – лекин баъзи ерлари жуда яхши чиққан.

Қизнинг овози Мартинга жуда олисдан эши-тилаётгандай туюлди, чунки бу пайт у, Руфга «Денгиз қўшиқлари»ни ўқиб берсаммикин, йўқми, деб ўйлаётган эди. Мартни ҳасрат ва умидсизлик билан жимгина ётар, қиз эса унга тикилиб ўтирас экан, миясига ўша эрга тегиш ҳақидаги кутилмаган хаёллар ҳадеб келаверарди.

– Сиз машҳур бўлишни истайсизми? – деб сўраб қолди бирдан Руфъ.

– Ҳа, шундай, шекилли, – деб эътироф этди Мартин, – лекин энг муҳими бу эмас. Мени шуҳратдан ҳам кўра унга олиб борувчи йўл кўпроқ қизиқтиради. Ундан ташқари, шуҳрат менга бошқа бир ишда кўмаклашган бўлар-

ди. Мен, очиини айтсам, бир нарса туфайли машхур бўлишни истардим.

У «сиз туфайли» деб илова қилмоқчи бўлди, агар Руфъ унинг асарларига бирмунча қизиқиб қараганида, эҳтимол, шундай деб айтарди ҳам.

Лекин бу пайт қизнинг хаёли Мартин учун бир қадар муносиб бўлган мансаб топиш билан банд эди, шунинг учун у Мартиннинг нимага шама қилаётганини ҳам сўрамади. Ундан ёзувчи чиқмаслигига Руфъ қатъий ишонган эди. Буни Мартин ҳозиргина ўзининг саёз ёзилган, фўр асарлари билан исбот қилди. У чиройли гапиришни ўрганиб олган эди-ю, аммо адабий услуби жуда ҳам нўноқ эди. Қиз уни Теннисон, Браунинг билан ва ўзининг энг севимли адиблари билан таққослар, бу таққослаш Мартин учун қулай эмасди. Лекин қиз дилидаги гапларнинг ҳаммасини унга айтиб ўтирмади. Унинг Мартинга бўлган рағбати талабчанлигини заифлаштираётган эди. Хуллас, Мартиннинг ёзувчиликка майл қўйиши шунчаки бир ишқибозлик эди, лекин вақти келиб, бу барҳам бериб кетса керак. Ана ўшанда Мартин, шубҳасиз, ўз кучини ҳаётнинг бирмунча жиддийроқ соҳасида синаб қўради-да, муваффақият қозонади. Руфнинг бунга имони комил эди. Мартин шундай кучлики, хоҳлаган нарса-сига албатта эриша олади... Фақат тезроқ ёзувчиликни ташласа бўлгани.

– Ёзганларингизнинг ҳаммасини менга ўқиб бериб турсангиз, мистер Иден, – деди қиз.

Мартин севинчдан қизариб кетди. Қиз унинг асарларига қизиқиб қолибди – бунга шубҳа йўқ эди. Хуллас, ахир у Мартиннинг асарларини яроқсиз деб топмади-ку. У ҳатто баъзи ерла-

рини гўзал деб айтди. Мартин руҳлантирувчи сўзларни биринчи марта эшилди.

– Яхши, – деди Мартин ҳаяжон билан, – сизга сўз бериб айтаманки, мисс Морз, яхши ёзувчи бўламан. Мен жуда узоқ йўл босиб келдим, билиман, ҳали яна жуда узоқ йўл босишим керак, лекин эмаклаб бўлса ҳам, бу йўлни босиб ўтаман. – У Руфга машинкада босилган варақларни узатди. – Мана бу – «Денгиз қўшиқлари». Сизга бериб юбораман, вақтингиз бўлганда уйда ўқиб чиқинг. Лекин кейин менга фикрингизни очиқ айтинг. Танқидий мулоҳаза мен учун ниҳоятда зарур! Ўтинаман, бор ҳақиқатни айтинг!

– Мен ҳеч нимани яширмайман, – деб сўз берди Руфъ, бироқ бугун Мартин билан рўйирост гаплашмаганини кўнглидан ўтказаркан, бундан кейин ҳам у билан рўйирост гаплаша олиш-олмаслигини билмасди.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

– Биринчи тўқнашув бўлиб ўтди, – деди Мартин орадан ўн кунча вақт ўтгач, кўзгудаги аксига қараб, – лекин иккинчи, учинчи тўқнашув ҳам бўлади, то...

У жумлани тугалламай, ўзининг фарибона ҳужрасига кўз югуртириб чиқаркан, кўзлари бурчакда сочилиб ётган бир тўп узунчоқ конвертларга маъюс тикилиб қолди. Буларнинг ҳаммаси таҳририятлардан қайтариб юборилган қўлёзмалари эди. Буларни янги манзилларга юбориш учун марка керак эди; марка олиш учун эса пул керак, шунинг учун ҳам бир ҳафтада анча-мунча қўлёзма тўпланиб қолган эди.

Ҳали қўлёзмаларнинг ҳаммаси қайтиб келганича йўқ, эртагаям, индингаям улар келаверади. Энди, бу қўлёзмаларни бошқа таҳририятларга юборишга унинг имкони қолмади. У ёзув машинкасининг бир ойлик ижара ҳақини тўлагани йўқ, тўлай олмас эди ҳам, чунки қўлидаги пули бир ҳафталик ижара ҳақи билан воситачилик маҳкамасига тўланадиган пулга аранг етарди; Мартин шу маҳкамам орқали ўзига иш топмоқчи эди. У ўтириб, столга тикилганча ўйга толди. Столда сиёҳ доғлари бор эди, Мартиннинг дилида бирдан столга меҳрибонлик туйфуси уйғонди.

– Э, бечора кўхна стол, – деди у, – сенинг қошингда жуда кўп баҳтиёр дамларни ўтказдим, сен ҳамиша вафодор дўстим эдинг. Ҳеч қачон кўксимдан итармадинг, ўринсиз инжиқликлар қилиб мени ранжитмадинг, ҳеч қачон иш оғирлигидан нолимадинг.

У столга тирсакларини қўйиб, юзини қўллари билан ёпди. Бир нима томоғига келиб тиқилди, йиғлаб юборгиси келди. Биринчи марта муштлашгани эсига тушди: у пайтда олти ўшли бола бўлган Мартинни ўзидан икки ўш катта бошқа бола ўлардай дўппослар, Мартин эса кўзида ўш билан унинг зарбаларини даф қиласади. Ниҳоят кўз ўшларига қоришиб кетган бурнидан оққан қонни ютиб йиқилганда, қийқириб юборган болаларнинг тепасида уймалашиб турганини кўрган эди.

– Бола фақир, – деб фўлдиради у, – ҳозир ҳам яна дўппослашди сени! Дўппослашгандаям ўрнингдан туролмайдиган қилишди.

Бу дастлабки муштлашиш хотираси хаёлидан ҳадеганда кетмади. Ўша пайтда жуда кўп

марта муштлашган эди, шуларнинг ҳаммаси бирин-кетин Мартиннинг хотирасида гавдалана бошлади. Ярим йил ўтгач, Мой Қовоқ (ўша боланинг лақаби шундай эди) яна Мартинга ёпишди. Лекин бу сафар Мартин ҳам унинг кўз остини қўқартирди. Бу ҳазилакам гап эмас эди! У ўша бола билан бўлган ҳамма муштлашгандарини бирма-бир эслай бошлади. Мой Қовоқ доим енгиб чиқарди. Лекин Мартин бир марта ҳам қочмади. Бу эсига тушганда фуурланиб қўйди. У муштлашиш пайтида қаттиқ азоб чексаям, ҳар доим охиригача чидаб турарди. Мой Қовоқ инсоғиз рақиб эди, у ҳеч кимга шафқат қилмасди. Лекин Мартин ҳаммасига чидади. У ҳамиша жанг охиригача чидади.

Кейин Мартиннинг кўз олдида икки томонида омонатгина тиккайиб турган синч деворли уйлар тизилишиб кетган тор кўча намоён бўлди. Кўча бошида бир қаватли фишт иморат бўлиб, у ердан «Ахборот» газетасининг кундузги сонларини босадиган машиналарнинг бир меъёрдаги фувиллаши эшитилиб турарди. У пайтда Мартин ўн бирда, Мой Қовоқ эса ўн учда эди; икковлари ҳам газета сотишарди. Шунинг учун ҳам икковлари босмахона дарвозаси олдида учрашишарди. Табиий ҳолки, Мой Қовоқ Мартинни кўрган заҳоти унга ўчакишиб қолди, яна муштлашиш бошланди, лекин жанг натижасиз қолди, чунки соат чорак кам тўртда босмахона дарвозаси очилди-ю, ҳамма болалар «гур» этиб газета олгани отилишди.

– Эртага дўппослайман сени, – деб ваъда қилди Мой Қовоқ. Мартин эса йифидан қалтираган овоз билан эртага шу ерда бўлишини айтди.

Эртаси куни у мактабдан қочиб, муштлашадиган ерга Мой Қовоқдан икки дақиқа олдин етиб келди. Бошқа болалар Мартинни мақташиб, унга маслаҳат беришди, мабодо Мартин шу маслаҳатларга амал қылса, албатта рақибини енгиши турган гап эди. Лекин айнаң шу болаларнинг ўзи Мой Қовоққа ҳам шу маслаҳатни беришди. Бу текин томошани улар астойдил завқданиб томоша қилишарди. Мартин эса ўша пайтда болаларнинг қандай завқланганини эслаб, ҳозир ўзининг ҳам уларга ҳаваси келиб кетди. Жанг бошланиб, ярим соат, яъни, то босмахона дарвозаси очилгунча давом этди. Мартиннинг кўз олдида ўзининг ҳар куни мактабдан қочиб, босмахона дарвозаси олдига шошиб боргани, болалик чоғи қайта-қайта намоён бўлаверди. У чопа олмасди. Муттасил муштлашишдан унинг қадди буқчайган, оёқлари оқсарди. Унинг аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетган, қўллари тирналган, баъзи тирналган ерлари йиринг боғлай бошлаган эди. Унинг биқинлари, бели, елкалари зирқираб оғирдиди; боши худди қўрошин қуийиб қўйилгандай гаранг эди. У мактабда ўйнай олмасди, ўқишдан ҳам орқада қолиб кетди. Кун бўйи партада ўтириш унинг учун азоб эди. Бу ҳар кунги жанглар бошлангандан бери, назар이다, орадан неча юз йиллар ўтиб кетганга ўхшарди, вақт муттасил янги тўқнашишни кутиш билан, худди қўрқинчли тушдай ўтарди. «Нимага Мой Қовоқни енгиб бўлмайди?» – деб ўйларди Мартин. У енгилганида, Мартин жами азоблардан бирварақайига қутулган бўларди. Лекин таслим бўлиш ва Мой Қовоқнинг ўзидан

кучлироқ эканлигини эътироф этиш ҳеч хаёли-га келавермасди.

Шундай қилиб, ҳам руҳан, ҳам жисман қаттиқ азоб чеккан Мартин матонат сабофини олди, ҳар кун босмахона дарвозаси олдига судралиб борар ва у ерда ўзи сингари қаттиқ азоб чеккан ашаддий душмани Мой Қовоқ билан муштлашарди; Мой Қовоқ газета сотувчи болалар олдида шарманда бўлишни истамас эди, агар шу болалар гиж-гижлатмагандага жон-жон деб уришга барҳам берган бўларди. Бир куни уришнинг ҳамма қоидаларига (тепмаслик, чалмаслик, ётганни урмаслик) риоя қилган ҳолда йигирма дақиқа жиққамушт уришишгандан кейин Мой Қовоқ гандираклаб келиб, зўрга нафасини ростлаб, жангни дуранг билан тутатиб қўя қолишини тавсия қилди. Мартин ҳозир бу таклифни эслаб лаззатланганидан сесканиб кетди: у ҳансираф, ёрилган лабидан оққан қон томоғига тиқилиб, Мой Қовоққа ташланди, гапиришига халақит қилаётган оғзидаги қонни тупуриб ташлади-да: «Дурангга рози эмасман, агар Мой Қовоқ ҳолдан тойган бўлса, таслим бўлсин», – деб қичқирди. Лекин Мой Қовоқ таслим бўлишни истамади, жанг яна давом этди.

Эртаси куни яна муштлашишди, ундан кейин ҳам ҳар куни муштлашаверишди. Ҳар сафар уриш бошланиши олдидан Мартин баданини зирқираб оғриганидан қаттиқ изтироб чекарди, лекин кейин оғриқ сезилмай қолар ва худди туш кўраётгандай вужуди fazabga тўлиб муштлашаркан, кўз олдида фақат Мой Қовоқнинг кенг жағларини ва ваҳший ҳайвонникига ўхшаб ёниб турган кўзларини кўрарди, холос. У бутун диққатини шу башарага қаратар, бош-

қа ҳеч нарса кўзига кўринмас эди. Унинг учун дунёда шу башарадан бошқа ҳеч нима йўқ эди, шунинг учун Мартин шу башарани бир парча қонли гўштга айлантиргунча, ёки ўз афти қонли гўштга айланмагунча, кўнгли тинчи маслигини биларди. Ана ўшандагина муштлашишни тўхтатса биларди. Лекин Мартиннинг дурангга рози бўлиши асло мумкин эмас эди! Ниҳоят, бир кун Мартин босмахона дарвозаси олдига одатдаги вақтда келиб, Мой Қовоқни топа олмади. У келмаган эди. Болалар, Мой Қовоқ таслим бўлди, деб Мартинни табриклий бошладилар. Лекин Мартинни бу ажрим қониқтиргади. У Мой Қовоқни енгмади, Мой Қовоқ ҳам уни енгмади. Ора очилмай қолди. Кейинчалик билишса, худди ўша куни Мой Қовоқнинг отаси тўсатдан ўлиб қолган экан.

Мартин хаёлан бир неча йилни ҳатлаб ўтди ва ўзини театр галёркасида кўрди. У эндиғина денгиз сафаридан қайтиб келган эди, ёши ўн олтига тўлиб, энди ўн еттига қадам қўйган эди. Бирдан томошибинлар орасида жанжал кўтарилиди. Кимдир аллакимни туртиб юборибди. Мартин жанжалга аралашди-ю, бирдан кўзи эски рақиби – Мой Қовоқнинг чақнаб турган кўзлари билан тўқнашди.

– Томошадан кейин сени дўппослайман, – деб унга шивирлади Мартиннинг рақиби.

Мартин «яхши» дегандай бош иргади. Чунки жанжал кўтарилган ерга тартиб нозири шошилиб келаётган эди.

– Томоша тамом бўлгандан кейин эшик олдида учрашамиз, – деб пичирлади Мартин, ўзини саҳнадаги ўйинни берилиб томоша қилаётганга солиб.

Тартиб нозири – полисмен уларни бир кўздан кечирди-ю, нари кетди.

– Шерикларинг борми? – деб сўради Мартин парда ёпилганда Мой Қовоқдан.

– Бўлмасам-чи!

– Ундай бўлса мен ҳам уч-тўртта шеригимни чақираман, – деди Мартин.

Танаффус вақтида у мих заводида ишлайдиган учта оғайнисини, битта ўт ўчирувчини, олтига матрос ва Маркет-Стритдаги машхур ўғрилар тўдасидан ҳам шунча азамат йигитни чорлаб, бир тўда тузди.

Томоша тамом бўлгандан кейин иккала тўда кўчанинг икки чеккасидан юриб кетди. Сал нарироқдаги хилватгина тор кўчада улар тўпланишиб, ҳарбий кенгаш очишиди.

– Энг маъқул жой – Саккизинчи кўчанинг кўприги, – деди Мой Қовоқ тўдасидан малла йигит, – кўприкнинг ўртасида электр фонарлари ёруғида муштлашасиз, биз эса фиръавнларга¹³ кўз-қулоқ бўлиб турамиз. Бир томондан келиб қолишса, иккинчи томонга қочиб кетамиз.

– Майли, розиман, – деди Мартин ўз одамлари билан маслаҳатлашиб олгандан кейин.

Сан-Антонионинг океанга қўйилиш еридаги тармоғи устига қурилган Саккизинчи кўча кўпригининг узунлиги шаҳардаги уч кварталнинг узунлигига teng келарди. Кўприкнинг ўртасида ва икки бошида электр фонарлар ёниб турарди. Биронта ҳам полисмен бу ерга писиб кела олмасди. Мартиннинг юмуқ кўзлари олдидага жанг қилиш учун қулай бўлган бу жой бу-

¹³ Фиръавнлар – полисменлар.

тун тафсилотлари билан намоён бўлди. У ҳар қайсиси ўз жангчиси орқасида, бир-бирларининг рўпараларида адоват билан хўмрайишиб турган икки тўдани кўрди. Мартин билан Мой Қовоқ белларигача ечинишиди. Кузатувчилар кўприкнинг ҳар икки бошига бориб, ўринларини эгалладилар. Матрослардан бири Мартиннинг курткаси, кўйлаги ва қалпогини қўлига кўтариб олди, полиция босиб келиб қолгудек бўлса, у кийимларни бехавотирроқ жойга олиб қочиши керак эди. Мартиннинг кўз олдида ўша вақтдаги ўз қиёфаси яққол кўринди; мана, у давра ўртасига чиқди, Мой Қовоқнинг кўзига тик қараб, муштини кўтарганча деди:

– Ҳеч қандай такаллуфга ҳожат йўқ! Билдингми? Ора очди бўлгунча муштлашамиз! Баҳона қилиш йўқ. Икковимизнинг эски ҳисоб-китобимиз бор, орани очди қилиш керак! Билдингми?

Рақиб тараддуланиб қолди – Мартин буни пайқади, лекин Мой Қовоқ сиркаси сув кўтармайдиган йигит эди, шунинг учун шунча томошабин олдида шарманда бўлишни истамасди.

– Ҳай, майли, чиқ ўртага, – деб қичқирди у,
– мунча эзмалик қиласан! Ора очди бўлгунча десанг, ора очди бўлгунча-да!

Шу чоқ улар муштларини дўлайтирганча худди иккита буқача сингари бир-бирларига ташландилар; улар ёшлик файрати билан уриш, мажақдаш, майиб қилиш истаги билан ёниб муштлаша бошладилар. Башариятнинг тараққиёт сари минг-минг йиллар давомида босиб ўтган машаққатли йўлларда эришган ҳамма нарсаси бир зумда барбод бўлди. Фақат электр фонуси тараққиётнинг унутиб қолди-

рилган бир нишонаси сифатида қаққайиб турарди. Мартин билан Мой Қовоқ ҳозир фор ва дараҳтларда истиқомат қилувчи тош аср ваҳшийларига айланган эдилар. Улар ибтидоий ҳаёт ботқогига тобора чуқурроқ ботиб борардилар, фазода учиб юрувчи тошлар сингари, муттасил бир-бирига тортилиб, бир-биридан қочувчи атомларга ўхшаб, кўр-кўронга, файрихтиёрий равишда бир-бирлари билан тўқнашардилар.

Мартин бу жангнинг бутун тафсилотини эсларкан:

– Ё тавба! Фирт мол эканмиз-да ўзимиз ҳам! Ёввойи ҳайвон эканмиз-ку! – деб инграб юборди.

У ўз тасаввурининг фавқулодда кучи туфайли бу воқеани худди кинематографда ўтиргандек аниқ-тиник, равшан кўрарди. У айни вақтда бу воқеанинг ҳам иштирокчиси, ҳам томошабини эди. Унинг шунча ойлардан бери ўқиб ўргангандари бу даҳшатли манзарадан уни жиркантириб юборарди; лекин ҳадемай ўтмиш хотиралари унинг онгидан ҳозирги замонни сиқиб чиқариб ташлади ва у яна собиқ Мартин Иденга айланди ҳамда денгиз сафаридан қайтиб кела солиб, Саккизинчи кўчанинг кўприги ўртасида Мой Қовоқ билан муштлаша бошлади. У бор кучини йиғиб олишар, терлар, қонга беланар, муштлари мўлжалга бориб текканда шодланарди.

Булар одам эмас, балки бир-бирига келиб урилган икки зўр қуюнга ўхшарди. Вақт ўтиб бораар, иккала тўда ҳам нафасларини ютиб, қимир этмай турарди. Улар бундай қаҳру fazabни ҳеч қачон кўрмаган эдилар ва бу fazab уларни

даҳшатга соларди. Уларнинг олдида ўзларидан ҳам ваҳшийроқ иккита ҳайвон олишарди.

Рақибларнинг дастлабки жўшқин ғазаби со-види ва энди улар эҳтиёт ва мулоҳаза билан мушт сола бошладилар. Униси ҳам, буниси ҳам устун чиқа олмасди.

– Дуранг бўлади, – деган овоз эшитилди Мартиннинг қулогига.

У бехосдан янгиш ҳаракат қилди, лекин шу заҳоти ёноғига қаттиқ зарба келиб тушиб, уни суяғигача тарс ёриб юборди. Тўгри муштдан бундай жароҳат очилиши мумкин эмас эди. Мартин одамларнинг таажжубланиб қичқирганини эшитди, юзидан шариллаб қон оқаётганини сезди. Лекин у сир бой бермади. У дарҳол сергакланди, чунки рақибининг қандай одамлигини, унинг қўлидан ҳар қандай разиллик ҳам келишини яхши биларди. Мартин рақибини диққат билан кузата бошлади-ю, унинг қўлида металл ярақлаганини пайқаб қолиб, чаққонлик билан қўлидан ушлаб олди.

– Кафtingни оч! – деб бақирди у. – Мени кастет билан урдинг!

Иккала тараф бақириб-чақириб, ҳақорат ёғдириб бир-бирларига ташландилар; яна бир сониядан сўнг тўс-тўполон кўтарилар ва Мартин қасосини қондира олмай қоларди. У ўзида йўқ дарғазаб эди.

– Қайтинглар орқага! – деб бақирди у. – Ҳамманглар қайтинглар! Эшитдингларми?

Одамлар тисаримишди. Улар мисоли ҳайвон эдилар, лекин Мартин улардан ҳам ўтиб кетган ваҳший ҳайвон эди ва ҳаммага даҳшат соларди, мана шу даҳшат туйфуси уларни итоат этишга мажбур қилди.

– Бу менинг ишим, ҳеч ким тумшуғини тиқ-масин. Ҳей! Бу ёққа бер кастетни.

Бир оз чүчиб қолган Мой Қовоқ унга итоат этди ва номардлик қуролини унга узатди.

– Бу темиртакни сен бергансан, лаънати сариқ мошак, – деб давом этди Мартин, кастетни сувга улоқтиаркан, – орада ўралашиб юрганингни кўрувдим, лекин нима қилганингни пайқамабман. Агар яна тумшуғингни тиққудек бўлсанг, ўласи қилиб дўппослайман. Тушундингми?

Жанг яна давом этди, иккала рақиб ҳам таомила ҳолдан тойган бўлишига қарамай, ҳамон бир-бирига мушт соларди, ниҳоят, уларнинг атрофини ўраб олган ваҳшнийлар галаси қонга тўйиб, даҳшатга тушиб қолди ва уришни тўхтатинглар деб муштлашаётганларни кўндиришга тушди. Оёғида зўрга турган, инсоний қиёфасини йўқотгунча калтак еб, аллақандай даҳшатли маҳлуққа айланган Мой Қовоқ тараддуланиб, урищдан тўхтади, лекин Мартин унга ташланиб, кетма-кет мушт тушира бошлади.

Улар гўё жуда узоқ замонлардан бери олишиб келаётгандай эдилар, энди Мой Қовоқ сезиларли даражада сустлашиб бораётганда бирдан «қарс» этган қаттиқ овоз эшитилди-ю, Мартиннинг ўнг қўли «шилқ» этиб осилиб қолди. Суяқ синган эди. Буни ҳамма эшитди, ҳамма тушунди ҳам. Мой Қовоқ ҳам тушунди ва ярадор рақибига худди йўлбарсдек ташланиб, жон ҳолатда уни дўппослаб кетди. Мартиннинг тўдаси ёрдамга ташланди. Лекин устма-уст тушаётган зарбалардан гангиб қолган Мартин, тинмай гоҳ бўралаб сўкиб, гоҳ оғриқ ва ғазабдан инграб, шерикларига «аралашманлар»,

деб қичқирап, чап қўли билан рақибини тинмай муштлар, ҳеч нарсанинг фарқига бормай дўппослар эди. Ҳаяжонли пичирлашлар унинг қулоғига гўё жуда олислардан эшитилаётгандай туюлди, кейин у кимнингдир титроқ овозини эшитди: «Йигитлар, бу муштлашиш эмас! Бу қотиллик! Ажратиб қўйиш керак уларни!»

Лекин уларнинг биронтаси ҳам олишаётгандарга яқинлашгани журъат эта олмади, Мартин эса ҳамон чап қўли билан дўппослаб ётар, қўли ҳар урганда одам башарасига мутлақо ўхшамайдиган аллақандай юмшоқ қонли, жирканч нарсага тегар, ана шу алланарса эса ҳеч таслим бўлишни истамас, ҳамон унинг хира тортган кўзлари одидан нари кетмасди. Лекин Мартин ҳамон тўхтамасдан урар, аста-секин энг охирги кучини сарфлаб мушт солар эди, зарбалари тобора заифлаша борди, то бу беўхшов қонли гўшт қўприк тахталарига гурс этиб йиқилмагунча урди, у ўзини асрлар давомида, минг йиллардан бери уришаётгандек ҳис қилди. Шунда Мартин бўшлиққа таянмоқчи бўлиб, маст одамлардай гандираклаб кетди ва рақибининг тепасига бориб, ўзгарган овоз билан:

– Муштлашишни хоҳдайсанми яна? Гапир...
Хоҳдайсанми? – деди.

У ҳамон қаттиқ туриб жавоб талаб қиласди, шунда бирдан ўртоқлари уни ушлаб етаклаб кетаётганини, эгнига курткасини кийгизмоқчи бўлишганини ҳис қилди. Ана шундан кейин бирдан ҳушидан кетиб қолди.

Стол устидаги соат жиринглаб кетди, лекин Мартин уни эшитмай, юзини қўллари билан бекитиб, қимир этмай ўтираверди. Қулоғига ҳеч нарса кирмас, ҳеч нарсани ўйламасди. Бутун

бўлган воқеани у шундай аниқ тасаввур этди-ки, худди ўша кечаси Саккизинчи кўча кўп-ригида бўлганидек, яна ҳушидан кетди. Бир неча дақиқа давомида уни зулмат ва бўшлиқ қуршаб олди. Сўнг кўзлари ола-кула бўлиб, терлаб-пишиб, худди тирилган мурда янглиғ сапчиб туриб кетди.

– Ахийри сени енгдим-ку, Мой Қовоқ! – деб қичқириб юборди у. – Бунинг учун ўн бир йил кутдим, лекин барibir сени енгдим!

Унинг оёқлари қалтирас, боши айланарди, шунинг учун гандираклаб кетиб, тўшагига ўтиришга мажбур бўлди. У ҳамон ўтмиш хотира-лари исканжада эди. Қаерда ётганини билмай, то бурчакда ётган бир тўп қўлёзмаларга кўзи тушмагунча ҳанг-манг бўлиб, атрофга олазарак бўлиб қарап эди. Кўзи қўлёзмаларга тушганда, хотирасининг фидираги фириллаб айланаб, уни тўрт йиллик масофадан олиб ўтди ва у энди китобларни, шу китоблар орқали таниган дунёни, ўзининг катта орзуларини, рангпар қизга бўлган муҳаббатини эслади; агар бу таъсирчан ва назокатли қиз, ҳозиргина Мартин қайта бошидан кечирган даҳшатли воқеаларнинг бир лаҳзалик шоҳиди бўлсайди, у кечиб ўтган ҳаёт ботқогини бир зумгина кўрсайди, қўрққанидан юраги ёрилиб ўларди!

У ўрнидан туриб, кўзгуга қаради.

– Энди сен ўша ботқоқликдан қутулиб чиқдинг, Мартин, – фуур билан деди ўзига ўзи, – кўзларинг равшан, қўлингни чўзсанг юлдузларга етади, чинакам ҳаёт кечиряпсан, энг қимматли асрий меросларни уларнинг эгаларидан тортиб оляпсан.

У ўз аксига диққат билан тикилди-да, кулиб юборди.

– Озгина асабийлашиб, ҳаяжонланиб олдикми? Ҳечқиси йўқ! Бу хавфли эмас. Сен бир вақтлар Мой Қовоқни енгансан, ноширларни ҳам худди шундай енгасан, ўн бир йилдан ҳам кўпроқ вақт сарф қилсанг-қиласан, лекин енгасан! Аммо йўлда тўхтаб қолишни хаёлингга ҳам келтирма, фақат олга юр. Курашгандан кейин охиригача курашиш керак!

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Соат жингирлаб, Мартинни қўйқисдан уйғотиб юбордики, жисман заифроқ одамнинг миясида бундан оғриқ турган бўларди. У жуда қаттиқ ухлаган бўлса ҳам, беш соатлик гафлат уйқуси тугаганидан севиниб, дарҳол уйғонди. У уйқуни ёмон кўрарди. Қиладиган иши жуда ҳам кўп, ҳаётда ҳали жуда кўп нарсани синаб кўриши керак эди! У уйқуга кетган ҳар бир дақиқага ачинарди. Мартин сув тўла тоғорага бошини тиқиб, муздек сув таъсиридан лаззатла-наётганда ҳам, соат қўнгириғи тинмаган эди.

Лекин бугунги кун одатдаги дастур бўйича ўтмади. Бошлиб қўйилган ҳикоя йўқ эдики, уни тамомлаш керак бўлсин, қофозга туширилиши керак бўлган янги фикрлар ҳам йўқ эди. Мартин кеча кечқурун ишни жуда кеч тўхтатди, энди нонушта пайти бўлиб қолган эди. У Фискнинг китобидан бир бобини ўқимоқчи бўлди-ю, лекин хаёли бошқа нарса билан банд бўлгани учун китобни суриб қўйишга тўғри келди. Бугун у ҳаёт билан янгитдан жанг қи-

лиши керак эди, бунинг учун маълум вақтга-ча ёзувчиликни йиғиштириб кўяди. Ўз оиласи, ўзи туғилиб ўсган макони билан видолашаётган одамнинг кўнгли нечоғлик фаш бўлса, Мартиннинг ҳам кўнгли ҳозир шундай фаш эди. У бурчакда уюлиб ётган қўлёзмаларига назар ташлади. Ҳа, у ҳеч ким бошпана беришни ис-тамаган, баҳтиқаро фарзандларини тарк этиши лозим. У энгашиб, қўлёзмаларини тартибга солар экан, улардан севимли ерларини қайта ўқий бошлади. «Қозон» ва «Саргузашт»ни ҳатто овоз чиқариб ўқиди. Кечагина ёзилиб, марка йўқлигидан бурчакка ташланган «Қувонч» номли ҳикояси унга айниқса кўпроқ маъқул бўлди.

– Ҳеч тушунолмадим, – деб ғўлдиради у, – балки муҳаррирларнинг ўзи тушунмаётгандир. Яна нима истайди улар? Улар бундан бешбат-тар нарсаларни босиб ётишибди-ку. Улар боса-ётган асарларнинг ҳаммаси... деярли ҳаммаси менинг асарларимдан анча суст.

У нонуштадан кейин ёзув машинкасини фи-лофига солиб, Оклендга олиб кетди.

– Менинг бир ойлик қарзим бор, – деди у гу- маштага. – Хўжайинга айтиб қўйинг, мен ишга кетяпман, қарзимни қайтиб келгандан кейин тўлайман. Бир ой ё шунга яқин вақт ичидা қайтиб келаман.

У паромда Сан-Францискога сузуб ўтди-да, тўғри воситачилик идорасига борди.

– Қандай иш бўлса ҳам барибир, ишлашга ро-зиман, – деб Мартин энди гап бошлаган эди, янги мижознинг кириб келиши унинг гапини бўлди; бу янги одам айш-ишратга ўрганган ишчиларга ўхшаб жўнгина, аммо олифта кийинган эди.

Стол ортида ўтирган киши умидсизлик билан бошини чайқади.

– Наҳотки ҳеч ким топилмаса! – деб сўради янги кирган киши. – Мен шу бугуннинг ўзида албатта биронта одамни топишим керак.

У ўгирилиб Мартинга қаради, Мартин ҳам унга қаради-ю, ишрат билан ўтган тундан кейин бўзариб, озиб кетган, аммо хийла хушрўй чеҳрали йигитни кўрди.

– Иш қидириб юрибсанми? – деб сўради у Мартиндан. – Қанақа ишни биласан?

– Ҳар қандай оғир иш қўлимдан келади: денгизчиликни биламан, машинкада ёзаман, лекин стенографияни билмайман, от минишниям биламан – хуллас, тўғри келган ҳамма ишни қила оламан.

Келган киши «маъқул» дегандай бош ирғади.

– Дуруст, тўғри келади. Менинг отим Доусон. Жо Доусон, кирхонада ишлаш учун ўзимга ёрдамчи ахтаряпман.

– Кирхонада? – аёлларнинг тўр тикилган ҳар хил майдо-чуйда нозик кийим-кечакларига дазмол босиш ҳақидаги фикр Мартинга жуда аломат туюлди. Лекин ишга ёлловчи йигитнинг аллақаери унга ёқиб қолди, шунга кўра у қўшиб қўйди: – умуман, кир ювишни биламан. Денгизда сузган пайтимда ўргангандман.

Жо Доусон бир дақиқа ўйланиб қолди.

– Менга қара, биз келишиб олсак керак дейман. Гапнинг нима тўғрида бораётганини билишни истайсанми?

Мартин тасдиқ маъносида бош ирғади.

– «Қайнар Булоқ» деган курорт шаҳарчасидаги меҳмонхона қошида кичкинагина кирхона бор. У ерда ишлаш учун икки киши керак.

Бош ишчи билан ёрдамчи. Мен бош ишчиман. Ҳар ким ўз ишини қиласы, лекин сен менга бўйсунасан. Қалай, розимисан?

Мартин ўйланиб қолди. Ишнинг натижаси уни қизиқтириб қўйган эди. Бир неча ой ишласа – кейин машғулоти учун яна вақт топилади. У ҳалол ишлашни, жон-жаҳди билан ўқишни биларди.

– Овқатлари яхши, алоҳида хона, – деди Жо.

Шу гап масалани ҳал қиласди. Алоҳида хона бўлса, кечалари чироқ ёқиб ўтиришига ҳеч ким ҳалал бермайди.

– Лекин иш жуда оғир, – деб қўшиб қўйди Жо.

Мартин енги остидан туртиб турган мушакларини силади.

– Мен ишдан қўрқмайман.

– Бўлмаса келишдик!

Жо пешанасига қўлини қўйди.

– Уф, лаънати! Ҳалигача қўзим тиниб, бошим айланяпти. Кеча жуда кўп тортиб юборибман, шекилли... Ҳа, айтгандай, шартимиз бундай: Иккаламизга юз доллар пул ва квартира берилади. Мен олтмиш доллар олардим, ёрдамчим қирқ доллар. Лекин у йигит ишни яхши биларди, сен ҳали янгисан. Дастробки пайтларда сен учун ҳам анча-мунча ишлашимга тўғри келади. Фараз қилайлик, сен аввалига ўттиз доллардан оласан-у, лекин бора-бора қирқ доллардан оладиган бўласан. Мен товламайман. Ишга мослашиб олиб, чинакамига ишлай бошлаганингдан кейин қирқ долларингни олаверасан.

– Розиман, – деди Мартин ва қўлини чўзди, Жо унинг қўлини сиқди. – Фақат озгина бай пули берсангиз яхши бўларди. Йўлкирага, яна бошқа харажатларга.

– Ҳамма пулимни харжлаб бўлдим, – деди маъюслик билан Жо, яна пешанасини ишқаларкан, – фақат қайтиш чиптаси қолди, холос.

– Мен охирги центимгача ижара ҳақига тўлашим керак.

– Э, парво қилма бунга, – деб маслаҳат берди Жо.

– Иложим йўқ. Ўз опамдан қарзман.

Жо унинг аҳволига ачингандай, ҳуштак чалиб қўйди, чехрасидан чуқур ўйга толганга ўхшарди.

– Менда ярим шишага пул чиқиб қолади.
Юр. Бир иложини ўйлаб топармиз.

Мартин бу таклифни рад этди.

– Ичмайсанми? – деб сўради Жо.

Мартин бош чайқади, Жо эса шу заҳоти маъюс овоз билан деди:

– Сенга ҳавасим келади, лекин мен ҳеч ташлай олмаяпман. Бир ҳафта итдай ишлаганингдан кейин, ноилож қовоқхонага борасан. Агар ичиб маст бўлмаганимда, аллақачон бўйнимга пичноқ соловрган бўлардим, ё бўлмаса бутун кирхонага ўт қўйиб юборардим. Лекин сенинг ичмаслигингдан хурсандман. Шу тарзда давом этавер.

Мартин ўзи билан бу одам ўртасида қандай чуқур жар – китоблар яратган жар ётганини кўрди; лекин бу жардан қайта сакраб ўтиш унинг учун қийин эмас эди. Унинг бутун умри ишчилар орасида ўтди, шунга кўра, ўз ўртоқдарига ҳамкорлик ҳисси унинг табиатида энг катта ўринни эгалларди. Мартин кўчиб ўтиш масаласини бир зумда ҳал қилди-қўйди, ҳолбуки, мияси ғовлаган Жо учун бу ниҳоятда мушкул муаммо эди. Мартин чамадонини Жонинг чиптасига илова юк сифатида жўнатиб юборади-да, ўзи

«Қайнар Булоқ»қа велосипедда боради. Якшанба куни етмиш километр йўлни велосипедда босиб ўтиб, душанба кунидан ишга киришса бўлади. Ҳозир у уйига бориб, юкларини саранжомлади. Унинг видолашадиган ҳеч кими йўқ. Руфъ оиласи билан Сиеррадаги Тоҳо кўли соҳилига бутун ёз бўйи дам олгани жўнаб кетган.

Мартин «Қайнар Булоқ»қа якшанба куни кечқурун ҳориб-чарчаб, чангга ботиб етиб келди. Жо уни қучоқ очиб қарши олди. Жо бошини ҳўл сочиқ билан боғлаб олган эди, чунки у кун бўйи ишлаган экан.

– Сени ёллагани кетганлигимдан кирларнинг бир қисми ўтган ҳафтадан қолган эди, – деб тушунтириди у. – Юкинг эсон-омон етиб келди. Ўзингнинг хонангга қўйдим. Ўзиям зилдай оғир экан. Нима соглансан ўзи унга? Олтин эмасми?

Мартин чамадонини очиб, ичидаги нарсалари ола бошлиди, Жо унинг каравотига ўтириди. Очиги, бу чамадон ҳам эмас, шунчаки консерва қутиси эди, шу қути учун мистер Хиггинботам Мартиндан ярим доллар олган эди. Мартин бу қутига арқондан иккита банд ясаб, уни чамадоннамо бир нарсага айлантириди. Уч-тўрт жуфт ички кийим олганидан сўнг, чамадондан ҳадеб китоблар кети узилмай чиқиб келаверди, буни қўриб, Жонинг кўзлари бақрайиб қолди.

– Ие! Тагигача китобми дейман? – деб сўради у.

Мартин тасдиқ маъносида бош иргади-да, қўлювгич чаноқ вазифасини ўтовчи ошхона столи устига бирин-кетин китобларни олиб қўяверди.

– Вой-бў!

Жо шу нидо билан юрагини бўшатиб олиб, жим бўлиб қолди, афтидан, унинг миясида

аллақандай бир фикр туғила бошлаган эди. Нихоят у:

– Сен қызларга қалайсан? Ўчмисан? – деб сүради.

– Йўқ, – деб жавоб қилди Мартин. – Китоб ўқишига берилмасымдан олдин бўлиб турарди, энди вақтим йўқ.

– Э, бу ерда китоб ўқишига ҳам вақтинг бўлмайди, фақат ишлайсану ухлайсан.

Мартин беш соатлик уйқу нормасини эслаб, кулимсираб қўйди. Унинг хонаси кирхонанинг тепасида эди, сув чиқариш, электр қуввати бериш ва кирхонадаги машиналарни ҳаракатга келтириш вазифасини бажарадиган мотор ҳам шу бинода эди. Қўшни хонада турувчи механик янги келган ишчи билан танишгани кирди, у электр чирофини стоддан каравот бошига олиб юришига қулай бўлсин учун уни узун симга улашда ёрдам берди.

Эртаси куни эрталаб Мартин соат олтидан чорак ўтганда турди, унга нонушта соат чорак кам еттида бўлади деб айтишди. Бу ерда хизмат қилувчилар учун ванна ҳам бор экан, Мартин Жони ҳайратда қолдириб, муздай сувда чўмилиб олди.

– Фирт тентак экансан-ку! – деди Жо улар ошхонага кириб нонуштага ўтиришганда.

Механик, боғбон, боғбон ёрдамчиси, яна икки-учта отбоқар ҳам улар билан нонушта қилишди. Ҳаммалари тумтайиб, апир-шапир овқатланишар ва аҳён-аҳёнда битта-яримта луқма ташлаб қўйишарди; Мартин бундай содда суҳбатга қулоқ солиб ўтиаркан, бу тоифадаги одамлардан қанчалик узоқлашиб кетганини ўйларди. Уларнинг мулоҳазалари нихоят

даражада саёз эди, шунинг учун Мартин булар даврасидан тезроқ қутулиб чиқишини истарди. Шунинг учун у ҳам маза-матрасиз суюқ бўтқани ёнида ўтирганлар сингари апир-шапир еди-ю, ошхона эшигидан ташқари чиққандан кейин эркин нафас олди.

Буг билан ишлайдиган мўъжазгина кирхона энг янги машиналар билан жуда яхши жиҳозланган эди; бу машиналар машина бажарадиган ҳамма ишни бажаардди. Мартин қисқагина йўл-йўриқ олгандан кейин, тог-тог бўлиб уюлиб ётган кирларни хилларга ажратишга киришди, Жо эса бу орада машиналарни юргизиб юбориб, аччиқ кимёвий моддалардан таркиб топган суюқ совунни ковлай бошлади; бунинг учун у кўзи, оғзи, бурнини сочиқ билан ўраб олишга мажбур бўлган эди, натижада у мумиёланган мурдага ўхшади-қолди. Мартин кирларни саралаб бўлгач, ювилганларини сиқишига киришди. Бунинг учун ювилган кийим дақиқасига бир неча минг марта айланиб, марказдан қочма куч ёрдами билан кийимдаги намни сиқиб чиқарадиган маҳсус барабан орасига суқиб қўйиларди. Мартин ҳадеганда кийим қуритадиган машина билан кийим сиқадиган машина орасида бўзчининг мокисидай зир югуриб турди, бўш вақтларида яна калта пайпоқлар билан узун пайпоқларни хиллади. Тушки овқатдан кейин улар то дазмоллар қизигунча, узун ва калта пайпоқларни юмалатишиди. Кейин соат олтигача ички кийимларни дазмоллашди, лекин соат олтига жом чалганида, Жо гумонсираб бош чайқаб қўйди.

– Битира олмадик! – деди у. – Кечки овқатдан кейин ҳам ишлашга тўғри келади.

Кечки овқатдан кейин улар соат ўнгача кўзни қамаштирувчи электр шуъласида ишлаб, энг охирги ички кийимни дазмоллаб, топширишга тахт қилиб қўйишди. Калифорниянинг иссиқ туни, деразалар ланг очилган бўлишига қарамай, кирхона қиздирилган плита ва дазмоллардан ўт бўлиб ёнарди. Кўйлакларининг енглари ни шимариб олган Мартин билан Жо нафаслари қайтиб, қора терга ботиб ишлашарди.

– Худди тропик мамлакат портида кемага юк ортгандай бўлдим! – деди Мартин улар зинадан чиқиб кетишаётганда.

– Сен ишни эплаб кетасан, – дерди Жо. – Жуда азамат экансан. Бундан буён ҳам шундай ишласанг, фақат бир ойгина ўттиз доллар оласан. Кейинги ойга бориб, қирқ долларнинг ҳаммасини олаверасан. Лекин илгари ҳеч дазмол босмаган бўлишинг мумкин эмас. Мени лақиллатиб бўпсан.

– Худо ҳақи, умримда бир парча латтани ҳам дазмолламаганман!

Мартин қаттиқ чарчаганини ҳис қилди ва ўн тўрт соат муттасил оёқда тик туриб ишлаганини унугиб, чарчаганидан таажжубланди! У соат қўнфирионини олтига тўғрилаб қўйди-да, уйқуга беш соат ажратиб, соат биргача ўқимоқчи бўлди. У оёқларига дам бериш учун ботинкасини ечди, атрофига китобларни уйиб, стол ортига ўтирди. У Фискнинг китобини очиб, икки қун бурун келиб тўхтаган еридан ўқий бошлади. Лекин мияси яхши ишламаганидан бир абзацни икки қайталаб ўқиди. Кейин мушакларининг зирқираб оғришидан, тоғ томондан очиқ деразага эсиб кираётган совуқ

шамолдан уйғониб кетди. Соат икки эди. У түрт соат ухлаб қолибди. Шундан кейин ечи-ниб ўрнига ётди-да, боши ёстиққа тегар-тег-мас яна ухлаб кетди.

Сешанба куни ҳам иш шундай оғир бўлди. Мартин Жонинг чаққонлигига қойил қолди. Эпчилликда унга шайтон ҳам бас кела олмасди. Узундан-узоқ иш куни мобайнида у бир дақиқани ҳам бекор ўтказмас, бутун фикру зикри ишда ва йўл-йўлакай Мартинга қаерда беш марта ҳаракат қилиш ўрнига уч марта, уч марта ўрнига икки марта ҳаракат қилиш йўлларини ўргатарди. Мартин Жонинг ишини кузатиб туриб, унга тақлид қилмоқчи бўларди. Унинг ўзи ҳам чаққон, идрокли, моҳир ишчи эди, шунинг учун ҳам ишда ҳеч ким ундан ўзиб кета олмаслигидан доим фуурланиб юаради. Энди у бутун диққатини ишга қаратмоқчи, Жонинг барча маслаҳатларига амал қилмоқчи бўлди. У дазмол қилган вақтида пуфакчалар ҳосил бўлмайдиган қилиб, ёқа ва манжетларни шундай моҳирлик билан крахмаллай бошлади-ки, ҳатто Жо уни мақтаб ҳам қўйди.

Улар ҳеч танаффус қилмай ишлашарди. Жо бир ишни тугаллаган заҳоти, ҳеч нимани кутиб ўтирамай, пайсалга солмай, дарҳол бошқа ишни бошлаб юборарди. Улар икки юзта кўйлакни крахмаллашди; ўнг қўллари билан кўйлакнинг ёқаси, манжетларини ва кўкрагини биқирлаб қайнаб турган крахмалга тиқиб, чап қўллари билан унинг қолган қисмини крахмалга тек-кизмаслик учун юқори кўтариб туришарди; крахмал шунақаям иссиқ эдики, ҳар сафар крахмал сиқилгандан кейин қўлларини совуқ

сувга тиқиб олишарди. Шу куни кечқурун улар аёлларнинг нафис ички кийимларидағи бурмаларни крахмаллаш билан овора бўлиб, соат ўн яримгача ишлашди.

– Тропик мамлакатларда ҳам иш бунчалик қийин эмас, – деди кулимсираб Мартин.

– Лекин у ерлар менга тўғри келмайди, – деб жиддий оҳангда эътиroz билдирид Жо, – бундан бошқа ҳеч қандай иш қўлимдан келмайди.

– Лекин бунаقا ишга суюгинг йўқ экан.

– Бўлмасам-чи, мен Оклендда ўн бир ёшимдан ишлай бошлаганман. Буғ қозоннинг олдида туриб ишлардим. Ўшандан бери ўн саккиз йил ўтди, мен ҳамма вақт шу иш билан шуғулланаман. Лекин бу ердагидек жаҳаннам азобини ҳали ҳеч қаерда кўрмадим. Бу ерда кам деганда уч киши ишлаши керак. Эртага кечаси ҳам ишлашга тўғри келади. Чоршанба кунлари доим кечаси ишлашга тўғри келади: ёқа ва манжетлар кўп бўлади.

Мартин яна соатни бураб қўйиб, стол ортига ўтириди-да, Фискнинг китобини очди. Лекин у бир абзац ҳам ўқий олмади. Сатрлар кўзи олдида дикир-дикир ўйнай бошлади, уни мудроқ босиб, мункиб-мункиб кета бошлади. Уйқусини қочириш учун хонанинг у бошидан бу бошига бориб, мушти билан бошига гурс-гурс урди, лекин бу ҳам фойда бермади. Кейин олдига китобни очиб қўйиб, бармоқлари билан қовоқларини ушлаб туриб ўқий бошлади, лекин шу заҳотиёқ қўзлари очик ҳолда ухлаб қолди. У ҳоргинликни енга олмагандан кейин нима қилаётганини ўзи ҳам ҳис қилмай, ўзини каравотга отди. Етти соат маст уйқуда ётди,

соат қўнғироғидан уйғонаркан, ҳамон уйқуга тўймаганини ҳис қилди.

– Анча ўқидингми? – деб сўради ундан Жо.

Мартин «ўқимадим» дегандек бош чайқаб қўйди.

– Ҳечқиси йўқ! – деб тасалли бера бошлади унга Жо. – Кийим текислайдиган фалтакни буғун кечаси ишга туширамиз, эртага ишни соат олтида тутатамиз. Ўшанда китоб ўқишингга вақт бўлади.

Бугун Мартин аччиқ совун эритмаси тўлдирилган каттакон тоғорада жун кийимларни чайди, аммо бу иш тоғора тепасига қўндирилган, қўндаланг дорга ўрнатилган фидирак втулкаси билан поршиндан иборат маҳсус мослама орқали бажарили.

– Ўзим ихтиро қилганман, – фуур билан деди Жо. – Ҳам кир тўқмоқлайдиган ёғочнинг, ҳам қўлнинг вазифасини бажаради, бунинг устига ҳафтасига ҳеч бўлмаганда ўн беш дақиқа вақт тежайди! Бу жаҳаннам қаърида ҳар бир дақиқанинг қадри қанчалик қиммат эканини ўзинг яхши биласан!

Ёқа ва манжетларни кийим фалтакда текислашни ҳам Жо кашф этган эди. Электр чироғи ёруғида ишни давом эттиришганида Жо тушунириб берди:

– Бошқа кирхоналарда ҳали буни ўйлаб тошишмаган. Мен бўлсан шу туфайли шанба кунлари ишни соат учда туталлай оламан. Фақат бу ишни жуда усталик билан бажариш керак, вассалом. Бунинг устига ҳарорат ва босим маълум даражада бўлиши керак, яна кирни фалтакдан уч марта ўтказиш керак. Мана, қара.

У манжетни қўлига олди.

– Құл билан ҳам бундай қила олмайсан, түғрими?

Пайшанба қуни Жонинг фифони чиқиб кетди: мүлжалдан ташқари яна бир тугун крахмаллана-диган нафис ички кийим юборишибди.

– Падарига лаънат! – деб бақирди у. – Аблаҳлар! Энди ишлаб бўтман. Бир ҳафтадан бери молдай ишлаб, ҳар бир дақиқани тежасам-у, томдан тараша тушгандай, тўсатдан мүлжалдан ортиқча яна бир тугун крахмалла-надиган ички кийим юборишса! Мен озод мамлакатда яшайман, мен ўша голланд тўнғизига унинг ҳақида қўнглимдаги гапни битта қўймай юзига айтаман! Мен у билан французча чудиришиб ўтирмайман. Қўшма Штатлар тилида ҳам муносиб сўзлар топилади. Мўлжалдан ортиқ бир тугун кир-а!

– Бугун ҳам ярим кечагача ишлашга тўғри келади, – деди у бир дақиқадан кейин. У ғазабланганини унутган ва тақдирга тан берган эди.

Бу кечаси ҳам Мартин ўқий олмади. У бир ҳафтадан бери газета бетини кўрмаган, лекин ўзи ҳам сира қўриш иштиёқи йўқлигидан таажжубда эди. Янги ахборотлар уни қизиқтирасди. Унинг бирон нарсага қизиқадиган ҳоли қолмаган эди, лекин шунга қарамай, шанба қуни чинданам ишни соат учда тутатсалар, велосипедда Оклендга бориб келмоқчи бўлди. Етмиш миль у ёқقا ва етмиш миль бу ёқقا велосипедда юриш бу – дам ҳам ололмайди, келгуси ҳафтага куч ҳам йиға олмайди деган гап эди. Поездда борса яхши бўларди-я, лекин бу нарса унга икки ярим долларга тушарди, Мартин эса пул йиғишига қатъий аҳд қилган эди.

ҮН ЕТТИНЧИ БОБ

Мартин анча-мунча янги нарсаларни ўрганди. Биринчи ҳафтада улар бир кун Жо билан икковлари икки юзта оқ кўйлакни ювиб дазмолладилар. Жо тўснинг босимни тўғрилаб турувчи пўлат пружина боғлаб учига дазмол осилган машинани бошқарди. У шу тарзда кўйлакнинг крахмалланган қисмларини дазмоллар, кейин уни Мартинга ташларди. Мартин уларни тахта устига қўйиб, қолган қисмини дазмоллаб тугатарди.

Айни вақтда, бу соатма-соат тўхтовсиз давом этадиган оғир, машаққатли иш эди. Мехмонхонанинг айвонларида оқ кийим кийган эркаклар ва хонимлар тоза ҳаво олиб сайд қилиб юришарди ёки пастак столчалар атрофидага ўтиришиб, муздек ичимликлар ичишарди. Лекин кирхонада ҳаво чидаб бўлмайдиган дарражада дим. Чўғдек қизариб кетган плитадан гуп-гуп иссиқ ураг эди, нам кўйлакларга теккан дазмоллар остидан буғ бурқиб чиқарди. Бу ерда дазмоллар, одатда, уй бекаларининг дазмолидан бирмунча кучлироқ қиздириларди. Бармоқни тупуклаб туриб қизиган-қизимаганигини билишадиган дазмоллар Мартин билан Жо учун совуқ ҳисобланарди. Улар дазмолнинг қизиган-қизимаганигини аниқдаш учун, тўғридан-тўғри уни юзларига яқинлаштирадиларда, Мартин учун мутлақо мавҳум бўлган аллақандай маҳсус бир ҳассослик билан унинг ҳароратини аниқлардилар. Агар дазмол жудаям қизиб кетган бўлса, уни сувга тиқардилар. Бу ҳам зўр малака ва чаққонлик талаб қиласарди. Дазмолни керагидан ортиқ совитиш учун уни сувда бир

сониягина ушлаб туриш кифоя эди; Мартин ҳам бу оғир ишни худди автомат сингари аниқ, бенуқсон бажараётганига ўзи ҳайратланарди.

Аммо ҳайратланишга вақт ҳам йўқ эди. Мартин бутун диққат-эътиборини ишга қаратган эди. У мисоли жонли машинадек ҳам боши, ҳам қўли билан тиним билмай ишларди, иш эса унда мавжуд бўлган жамики инсоний хусусиятларни зулукдек сўриб оларди. Мартиннинг бошида дунё ва унинг сирлари ҳақидаги мулоҳаза учун ўрин қолмаган эди. Унинг миясидаги кенг ва катта хоналар беркитилиб, михлаб ташланган эди. Унинг онги штурман ҳужраси сингари торгина хонага кўчиб ўтган ва шу ердан туриб, қўл ва бармоқларига буғи чиқиб турган мато устида дазмолни қандай юргизиш, кийимларнинг сон-саноқсиз енглари, елкала-ри, этаклари, ёнларини бир энлик ҳам четга чиқиб кетмасдан, бир меъёрда изчиллик билан қандай дазмоллаш кераклиги, дазмолланиб бўлган кўйлакни қандай қилиб фижимланмайдиган қилиб отиб юбориш ҳақида фармойиш бериб турарди. Бир кўйлакни дазмоллаб бўлган заҳоти, бутун эътибори навбатдаги кўйлакка қаратиласади. Шу тарзда жуда кўп соатлар ўтарди. Ташқарида Калифорниянинг жазира-ма офтобида бутун ҳаёт тўхтаб қолган, лекин дим кирхонада бир он ҳам тўхтамасди. Чунки меҳмонхона айвонларида салқинлаб ўтирганлар учун муттасил тоза кўйлаклар керак бўлиб турарди.

Мартин терлаб сув бўлиб кетди. У ҳаддан ташқари кўп сув ичар, лекин ҳарорат шу қадар баланд эдики, сув унинг баданида қолмай, ҳар бир мўй тагидан тер бўлиб сиртга чиқарди.

Денгиз сафари пайтида энг оғир иш ҳам унинг фикр юритишига халал бермаган эди. Кема соҳиби унинг вақтигагина хўжайин эди, меҳмонхона соҳиби эса унинг тафаккурига ҳам хўжайин бўлиб чиқди. Мартин ақлини ҳам, вужудини ҳам ҳолдан тойдирувчи оғир меҳнатдан ўзга ҳеч нима тўғрисида ўйлай олмасди. Унинг миясида бошқа ҳеч қандай фикр йўқ эди ҳам. У ҳатто Руфни севиш-севмаслигини ҳам билмай қолганди. Руфъ гўё йўқдай эди, чунки оғир заҳмат чеккан Мартиннинг хотираларга берилишга мажоли йўқ, фақат кечқурунлари ўринга ётаётганда ёки эрталаб нонушта пайтларидагина унинг кўз олдида қизнинг шарпаси фира-шира кўриниб қоларди.

– Дўзах ҳам бунчалик бўлмаса керак-а, тўғрими? – деб сўраб қолди бир куни Жо.

Мартин бош иргади, лекин бирдан асаби қўзизб кетганини сезди. Бу шундоқ ҳам маълум эди. Улар одатда иш пайтида гаплашишмасди. Суҳбат ишдан адаштириб қўярди, мана ҳозир ҳам Мартин Жонинг саволига алаҳсиб, дазмолини икки марта ортиқча обориб, олиб келди.

Жума куни эрталаб кир ювадиган машинани ишга туширишди. Ҳафтада икки марта меҳмонхонанинг дастурхонлари, сочиқдари, чойшаб ва ёстиқ жилдларини ювишга тўғри келарди. Буларнинг ҳаммасини ювиб, дазмоллаб бўлишгач, нафис ички кийимларга гал келарди. Бу ниҳоятда мاشаққатли ва ҷарчадиган иш бўлиб, ғоят даражада эҳтиётликни талаб қиласарди, шунинг учун Мартиннинг иш суръати шу ерга келганда секинлашиб қоларди; бунинг устига, у хато қилиб қўйишдан

қўрқар, чунки бундай пайтдаги хатоси унга фақат зиён келтиради.

– Мана буни кўряпсанми? – деди Жо, бир сийнабандни кўрсатиб, у шу қадар нафис эдики, фижимланса бир қисим бўларди, – куйдириб қўйгин-чи, хизмат ҳақингдан йигирма доллар чегириб қолишади.

Лекин Мартин ҳеч нимани куйдирмади, у асабларини зўриқтириб, мусқулларини сусайтириб ишларкан, Жонинг нафис ички кийим кийишга кийиб, ўзлари уни ювиб дазмолламайдиган хотинларни бўралаб сўкишини ҳузур қилиб тингларди. Нафис ички кийимни дазмоллаш Мартин ва Жо учун ҳам мисоли баданга босилган лаънат тамфасига ўхшарди. Бу нафис кийимлар уларнинг энг қимматли дақиқаларини ўғирларди. Улар бу кийимлар билан кечгача овора бўлишди. Соат еттида нафис кийимларни ювишни тўхтатиб, чойшаб, дастурхон ва сочиқларни фалтакка солишди, соат ўн бўлиб, меҳмонхонадаги одамларнинг ҳаммаси уйқуга кетгандан кейин эса яна нафис ички кийимларга ўтишди ва ярим кечагача, ҳатто соат бир-иккигача тер тўкиб ишлашди! Улар ишни соат икки яримда тугатишли.

Шанба куни яна нафис кийимлар, ҳар хил майда-чуйда нарсалар ювилди ва ниҳоят, соат учда бир ҳафталик иш поёнига етди.

Улар пиллапояга ўтириб, ҳузур қилиб тамаки тортишаркан, Жо сўради:

- Бу сафар Оклендга бормассан дейман?
- Йўқ, бораман, – деб жавоб қилди Мартин.
- Нима бор ахир сенга у ерда? Ё қизинг борми дейман?

– Йўқ, кутубхонага бориб китобларни алмаштиришим керак. Велосипедда бориб келишмнинг сабаби икки ярим долларни сақлаб қолиши.

– Китобларингни почта орқали юбор. Бу чорак долларга тушади.

Мартин ўйланиб қолди.

– Сен, яхшиси, эртага дамингни ол, – деб давом этди Жо. – Сенга жуда зарур бу. Мен ўзимдан қиёс қилиб айтяпман. Жудаям силлам қуриб қолди.

Силласи қуригани яққол кўриниб туради. Сония ва дақиқаларни тежашга бел боғлаган, сусткашлик душмани ва ғовларни бузиб ўтувчи куч-қувватнинг битмас-туганмас манбай, энг қудратли инсоний мотор, ишда иблисни орқада қолдириб кетувчи Жо, энди иш ҳафтини тамомлаб, тамомила сулайиб қолган эди. У ўзини анча олдириб қўйган, чиройли чехраси маъюс ва ҳоргин кўринарди. У папиросни паришонхотирлик билан чекар, овози бир оҳангда, хунук эшитиларди. Ундаги ўт ва файратдан асар ҳам қолмаган, ҳаттоқи тер тўкиб эришган истироҳати ҳам уни қувонтирумасди.

– Душанба куни яна ҳаммаси бошидан бошланади, – маъюс оҳангда деди у. – Ахир кимга кераги бор буларнинг ҳаммасини? А? Баъзан, ростини айтсан, бошпанаси йўқ саёқларга ҳавасим келади. Улар ишламайди, ишламаса ҳам бир кунини кўришади-ку. Оҳ, оҳ! Ҳозир бир стакан пиво бўлса, жон-жон деб ичардим, лекин бунинг учун қишлоққа судралиб бориш керак. Лекин сен жиннилик қилма. Китобларингни почта орқали юбор-у, ўзинг шу ерда қол.

– Кун бўйи нима қиласан бу ерда? – деб сўради Мартин.

– Дам оласан. Сен нечоғлик чарчаганингни ўзинг ҳам тушунмаяпсан. Масалан, мен якшанбагача шунақаям чарчайманки, ҳатто газета қарашга ҳам дармоним қолмайди. Бир вақтлар терлама касали билан оғриган эдим. Касалхонада икки ярим ой ётдим, шунча вақт ичида ҳеч нарсага қўл урмадим. Жуда қойил бўлган эди-да!

– Ҳа, қойил бўлган эди! – деб такрорлади у бир дақиқадан сўнг ўйчанлик билан.

Мартин ваннага тушгани кетди, қайтиб чиқса, Жо аллақаёққа фойиб бўлибди. Бир стакан пиво ичгани кетгандир, деб ўйлади Мартин, лекин уни қидиргани қишлоққа бориш учун юраги дов бермади. У оёқ кийимини ечмай каравотига ётди, сўнг фикрларини бир ерга тўплашга уриниб кўрди. Китобларга-ку қўл ҳам уролмади. У жуда ҳам ҳолдан тойган эди, то кечки овқатгача ҳеч нарса ўйламасдан чала ўлиқ бўлиб ётди. Жо ҳали ҳам келгани йўқ эди. Мартиннинг саволига боғбон, Жо майхонанинг пештахтаси олдида илдиз отган бўлса керак, деб жавоб қилди. Кечки овқатдан кейин Мартин ухлагани кириб кетди, у эртасига эрталаб уйғонди; назарида, тамомила ҳордиқ чиқаргандай эди. Жодан эса ҳамон дарак йўқ эди. Мартин газетанинг якшанба сонини очиб, дарахт тагига, сояга бориб ётди. У эрталабки пайтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди. Ҳеч ким унга халақит қиласади, у ухламади, аммо шундай бўлса ҳам газетани ўқиб чиқа олмади. Тушки овқатдан кейин яна газетхонликка киришган эди, лекин ўқиб туриб, бир оздан сўнг ухлаб қолди.

Якшанба куни шу зайдада ўтди, душанба куни эрталаб эса у астойдил берилиб, кирларни навларга ажратарди. Жо эса бошини сочиқ билан ўраб олиб, сўкина-сўкина совун қоришти-пар ва кир ювадиган машинани юргизарди.

– Ҳеч иложини топа олмаяпман, – деди у, – шанба куни келди дегунча ичкилик хумор қи-лаверади.

Яна бир ҳафта тинимсиз меҳнатда ўтди, бу сафар ҳам кўзни қамаштирадиган электр чироги ёргуғида вақт ярим кечадан оққанга қадар ишлашди, шанба куни эса Жо ишни соат учда тутатганларига тузукроқ севиниб улгурмасдан ҳамма қайгуларини унугтиш учун қишлоққа жў-нади. Мартин бу якшанбани ҳам аввалгисидек ўтказди. У дараҳтлар соясида бир оз мизғиб олди, кейин паришонлик билан газетани кўздан кечирди, ундан кейин, ҳеч нарса қилмай ва ҳеч нарсани ўйламай, бир неча соат чўзилиб ётди. Унинг ўй ўйлашга мажоли қолмаган эди, шунинг учун, негадир, ўзини ерга урган, юзига қора суртган кишидек ўзидан ўзи нафратланди. Мартиндаги жамики олий ҳислар топталган, иззат-нафси хўрланган, ҳаётий кучи эса шу қадар заифлашгандики, энди унда орзу-умиддан асар ҳам қолмаган эди. У ўлган. Унинг қалби ўлган эди. У оддий ҳайвонга, иш ҳайво-нига айланиб қолганди. Энди у яшил япроқлар орасини ёриб ўтаётган қуёш шуъласининг гў-заллигини сезмас, ложувард самонинг теранлиги ортиқ уни қизиқтирмас, сирли жумбоқларга тўла фазо ҳақида фикр туғдирмас, ваҳоланки, ўша жумбоқларни ечишни Мартин жуда-жу-да истарди. Ҳаёт чидаб бўлмайдиган даражада зерикарли ва бемаъни эди, гўё у кишининг

фашига тегишдан бошқа нарсага ярамасди. Унинг тасаввур экранига қора парда ёпилган, орзу-тилаклари эса бир қатра ҳам шуъла тушмайдиган қоронғи хужрага қамалиб, изтироб чекиб ётарди. Энди ҳар шанба куни қишлоққа бориб, мунтазам равишда ичиб келадиган ва қаттиқ маст бўлиб, навбатдаги мاشаққатли меҳнат ҳафтасини унутиб юборадиган Жога унинг ҳаваси кела бошлади.

Тўртинчи ҳафта бошланди; Мартин ўзини сўкар, ҳаётга лаънат ўқирди. У ўзининг мағлубиятга учраганини минг надомат ила тан оларди. Муҳаррирлар унинг ҳикояларини рад этиб, тўғри қилган эканлар. Буни у энди ўзи ҳам очиқ-ойдин тушунар ва ўз устидан ҳамда яқингинада кўнглига келган хом хаёллардан куларди. Руфъ унга «Денгиз қўшиқлари»ни почта орқали қайтариб юборди. Мартин унинг хатини лоқайдлик билан ўқиб чиқди. Қиз, шеърларни мароқ билан ўқидим, деб зўрма-зўраки ёзгани сезилиб турарди. Лекин魯fъ ёлғон гапиришни билмас, ҳақиқатни ўзидан яшириш ҳам унинг учун жуда қийин эди. Шеърлар унга ёқмабди, унинг иштиёқсиз ва қийналиб ёзган мақтovларининг ҳар бир сатрида бу яққол сезилиб турарди. Қиз албатта ҳақ эди. Мартин ўз шеърларини қайта ўқиб чиқиб, бунга ишонди; энди бу шеърлардан ҳеч қандай нафосат тополмади ва уларни ёзишга нима мажбур қилганини ҳеч тушуна олмади. Дадиллик билан ёзилган иборалар унга энди кулгили бўлиб, ўхшатишлар даҳшатли ва бемаъни бўлиб туюлди, умуман, бу шеърлар тамомила аҳмоқона ва ҳақиқатдан йироқ эди. У шу заҳотиёқ «Денгиз қўшиқлари»ни жон-жон деб ёндириб юборар-

ди-ю, лекин ёқаман деган билан қофозларни ўт олмасди-да, машина бўлимига тушиб ёндириш учун эса унда куч йўқ эди; унинг бутун кучи бегоналарнинг кирини ювишга сарф бўлар, ўз шахсий иши учун ҳеч дармони қолмасди.

Мартин нима қилиб бўлса ҳам, якшанба куни Руфга мактуб ёзаман деб аҳд қилиб қўйди. Лекин шанба куни кечқурун ишни тугаллаб ваннага тушиб чиққач, унда ҳамма ташвишларни унтиш хоҳиши туғилди. У ўзига ўзи: «Бориб кўрай-чи, Жо қандай вақтичоғлик қилаётганикин», – деди-ю, ёлғон гапирганини шу заҳотиёқ англади; лекин бунинг устида бош қотириб ўтиришга ҳоли келмади, кейин барибир, ўзини ёлғончиликда айбламоқчи эмас эди, чунки унинг бирдан-бир истаги шу ташвишларни бошдан чиқариб ташлаш эди. У гўё сайр қилиб юрган одамдай ҳеч шошмасдан қишлоқ томон йўл олди, лекин қовоқхонага яқинлашганда беихтиёр қадамини илдамлатди.

– Сен сувдан бошқа ҳеч нима ичмасанг керак деб ўйловдим! – дея қарши олди уни Жо.

Мартин жавоб қилишни лойиқ топмади, виски буюриб, ўзига бир стаканни тўлдириб қўйди-да, шишани Жога узатди.

– Тезроқ бўл, – деди у қўрслик билан.

Лекин Жо имиллаб ҳаракат қилаётган эди, Мартин стаканидаги вискини бир кўтариб ичди-да, яна қўйди.

– Энди кутиб ўтиришим мумкин, – деди Мартин қовоғини уйиб. – Лекин барибир, тезроқ бўл.

Жо ортиқ ялинтириб ўтирмади, улар бара-вар ичишди.

– Ахийри бўлмабди-да? – деди Жо.

Лекин Мартин бу масалани музокара қи-
лишни истамади.

– Сенга айтувдим-ку, бу иш әмас, жаҳаннам
азоби деб, – гапида давом этди Жо. – Очифи-
ни айтсам, таслим бўлганинг менга ёқмаяпти,
Март. Э, падарига лаънат! Ке, ичамиз.

Мартин индамасдан ичар, дам-бадам виски
буюриб, соchlари силлиқ қилиб таралган, мовий
кўз, ўзи қиз болага ўхшаган буфетчи йигитни
тонг қолдиради.

– Одамларни бунаقا молдай ишлатиш фирт
аблаҳлик, – дерди Жо. – Агар ичмайдиган бўл-
ганимда аллақачон кирхоналарига ўт қўйиб
юборган бўлардим. Худо ҳаққи, уларнинг баҳ-
тига ичиб тураман.

Лекин Мартин унга жавоб қилмади. Яна
икки-уч стакандан кейин кайфи ошиб, маст
бўлиб қолди. Мана ниҳоят, шунча ҳафтадан
бери биринчи марта ҳаёт нафасини у ҳам ҳис
қила бошлади. Унинг хаёллари қайтиб кедди.
Орзулари қоронги ҳужрадан отилиб чиқиб,
уни порлоқ чўққилар сари чорлай бошлади.
Унинг тасаввур экрани яна кумушдай ярақлай
бошлади ва унда бир-бирларини қувалашиб,
равшан лавҳалар лишиллаб ўта бошлади. Энг
гўзал ва файриоддий нарсалар унга ҳамроҳ бўл-
ди, у яна ҳамма нарсани билар, ҳамма нарсага
қодир эди. Шуларни Жога тушунтирмоқчи бўл-
ган эди, аммо Жо ҳам ўз орзулари билан банд
экан, оғир ишдан халос бўлиб, ўзининг буг би-
лан ишлайдиган каттакон кирхонаси бўлиши-
ни орзу қиласади.

– Ҳа, Март. Кирхонамда болалар ишлашмай-
ди, гапимга ишонаверишинг мумкин. Болалар-
ни асло ишлатмайман. Соат олтидан кейин кир-

хонамда ҳеч кимни қолдирмайман. Эшитяпсанми? Машиналар кўп бўлади, одамлар ҳам ишни вақтида тутатиши мумкин бўлади. Сени бўлса, Март, ўзимга ёрдамчи қилиб оламан. Режам мана бундай. Ичишни ташлайман-у, пул йиға бошлайман, икки йилдан кейин қарабсанки...

Лекин Мартин Жони буфетчига рўпара қилиб, ўзи унинг гапига қулоқ солмай қўйди; буфетчи эса то янги кирган хўрандалар – иккита шу ерлик фермер чақирмагунча, Жонинг гапларига қулоқ солиб турди. Мартин шу фермерларни ҳам, яна бир неча батракни, меҳмонхона боғбонининг ёрдамчиси билан отбоқарни, буфетчининг ўзини ҳам, яна қовоқхонага худди соядек лип этиб кириб, пештахтанинг нариги бошида турган саёқни ҳам, хуллас, трактирдаги ҳамма хўрандаларни шоҳона саховат билан меҳмон қилди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Душанба куни эрталаб Жо сўка-сўка кирларнинг дастлабки тўпини кир ювадиган машинага ботирди. У:

– Шунинг учун ҳам айтяпманки... – деб гап бошлиган эди, Мартин:

– Товушингни ўчир! – деб жеркиб берди.

Кейин тушки овқатга ўтиришганда у:

– Кечир мени, Жо, – деди.

Жонинг кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Қўявер, оғайни, – деб жавоб қилди у, – ахир биз жаҳаннам қаърида яшаяпмиз-ку, ўқтин-ўқтин жининг қўзизб кетса ажабланарли эмас. Лекин шу вақт ичидан менга ёқиб қолдинг-да, ўлай агар. Шунинг учун ҳам бир оз хафа бўлув-

дим. Мен, негадир, биринчи күрган вақтимдан сенга күнглим яқын бўлиб қолди.

Мартин унинг қўлини сиқди.

– Бу ердан бошимизни олиб кетамиз, – деб таклиф киритди Жо, – жаҳонгашталик қила-миз. Ҳеч қачон дайдиб кўрмаганман-у, лекин жуда соз бўлса керак. Бундоқ ўйлаб қара: Қўлингни ҳеч нимага урмасдан юраверасан! Бир марта терлама касали билан оғриб касалхонада ётиб чиққанман, ҳозир ўша пайтни эсласанг ҳузур қиласан киши. Кошкийди, тағин бир ка-сал бўлиб қолсам!

Ҳафталар кетидан ҳафталар ўта бошлади. Меҳмонхона гавжум эди, нафис ички кийимлар тобора кўпроқ келаверди. Йигитлар мардоналилк мўъжизасини кўрсатиб, электр чироғи ёруғида ярим кечагача ишлашар, овқат вақтини қисқартиришар, ишни нонуштадан олдин бошлашарди. Мартин энди ваннага кириб, совук сувда чў-милмас, чунки вақт етишмас эди. Жо ҳар бир дақиқани тежар, бирон дақиқани бекор ўтказмас, уларни худди хасис одам олтинларини са-нагандек ҳисобга оларди; гўё машинага ўхшаб, шиддат ва жон-жаҳди билан ишлар, ишлаганда ҳам, бир замонлар Мартин Иден исмли одам бў-либ, эндилиқда машинага айланган киши билан доимо ҳамжиҳатлика ишларди.

Ўй ўйлашга Мартиннинг вақти йўқ эди. Унинг хаёлхонаси берк, деразаларига тахта-лар қоқиб, парчинлаб ташланган, ўзи эса шу хаёлхона остонасида шарпадек бир соқчи бў-либ туради. Ҳа, у шарпага айланган эди. Жо тўғри айтди. Иккови ҳам поёни йўқ меҳнат ўлкасидаги шарпалар эди. Балки буларнинг ҳаммаси тушдир? Баъзан Мартин қордек оп-поқ матолар устида вазмин дазмол юргизиб,

қайноқ буғга қўмилиб ишларкан, буларнинг ҳаммаси чиндан ҳам фақат туш деб ўзига ўзи тасалли бермоқчи бўларди, Эҳтимол, тез орада, эҳтимолки, минг йилдан кейин, у яна ўзининг кичкинагина ҳужрасида, ҳамма ёғига сиёҳ томган столи ортида ўтирган жойида уйғониб кетар ва бўлинниб қолган ишини давом эттиран. Ё бўлмаса, эҳтимол, унинг ёзувчилиги туш бўлган-у, энди вахтада туриш учун уйғониб кетар ва койкасидан иргиб туриб, палубага чиқар, сўнг тропиканинг чараклаган юлдузлари остида штурвал олдига бориб турар, шунда бадани куруқ шамолнинг салқин нафасидан жунжикар.

Яна шанба бўлди, соат учда иш тугади.

– Бориб бир стакандан пиво ичсакмикин, – деб сўради Жо лоқайд овоз билан, чунки яна шанба кунларидагидек ланж бўлиб қолди.

Лекин Мартин фафлатдан уйғонгандай бўлди. У велосипедини созлади, фидиракларини мойлади, рулини текширди ва мурватларини тозалади. Мартин бошини рулга эгиб, одидаги чанг йўлга тикилганча, тепкиларни бир меъёрда босиб, физиллаб ўтиб кетганда, Жо қовоқхонада ўтирган экан. Мартин етмиш миль масофани босиб ўтиши керак эди. У Оклендда тунаб, якшанба куни қайтиб келди ва душанба куни, толиққан бўлса ҳам, бу сафар маст бўлмаганидан мамнун ҳолда ишга киришди.

Бешинчи ҳафта, унинг кетидан олтинчи ҳафта ўтди. Мартин эса ҳамон машина сингари ишларди, фақат қалбининг энг теран еридагина аллақандай кичкинагина учқун бор эдики, у ҳар ҳафта охирида велосипедда бир юз қирқ миль келадиган масофани босиб ўтишга мажбур этарди. Лекин бу дам олиш эмас эди.

Бу ҳам машинага ўхшаш механик иш эди, бора-бора Мартиннинг қалбидаги аввалги ҳаётидан қолган бирдан-бир нишона – ўша сўнгги учқун ҳам сўнди. Еттинчи ҳафтанинг охирида у ҳеч тихирлик ҳам қилмасдан, Жо билан бирга қишлоқقا жўнади ва яна душанбагача ҳаёт қучогида эканлигини сезди.

Бироқ кейинги шанба куни у қақшаган аъзойи баданидаги ҳорғинликинундан ҳам кучлироқ ҳорғинлик билан бартараф қилиш учун яна велосипедда етмиш миль йўл босди. Кейин фақат учинчи ойнинг охирида Жо билан бирга учинчи марта қишлоқقا борди. Маст бўлиб, яна жонланди, гўё бехосдан чақнаган яшин ёруғида ўзининг қанчалик ҳайвонга айланганини – ичгани учун эмас, молдек ишлагани учун ҳайвонга айланганини кўрди. Мастлик сабаб эмас, натижажа эди. Зарурият қонунига биноан кун орқасидан тун қандай эргашиб келса, мастлик ҳам иш орқасидан шундай эргашиб келарди. Иш ҳайвонига айланганингдан кейин, ҳеч қачон нурли чўққиларга чиқа олмайсан: бу фикрни унинг кўнглига виски солди, бу фикрга у қўшилди. Виски буюк ҳикматни очиб берди. У Мартинга муҳим бир ҳақиқатни кўрсатди.

Мартин қофоз билан қалам сўраб олди-да, бутун улфатларга виски буюрди ва ҳамма унинг соғлиги учун ичиш билан банд бўлганда, у пештахтага суюниб, қофозга бир нималарни ёзди:

– Жо, телеграмма, – деди у. – Ўқиб кўр.

Жо мастлик билан тиржайиб ўқий бошлади. Лекин ўқиган нарсасидан кайфи учди-кетди. У Мартинга гинахонлик билан тикилди, кўзларида ёш милтиллади.

– Мени ташлаб кетмоқчимисан, Март? – деб сўради у ғамгин қиёфада.

Мартин «ҳа» дегандек бош иргади-да, битта болани чақириб, уни телеграфга физиллатди.

– Түхта! – деди Жо тили зўрға калимага келиб.
– Мен баъзи нарсаларни ўйлаб олишим керак.

У йиқилиб кетмаслик учун пештахтани ушлаб қолди, Мартин эса, то Жо фикрини йифиб олгунча, уни қуchoқлаб ушлаб турди.

– Иккала ишчи кетади деб ёз, – деди тўсатдан Жо. – Ёз.

– Аммо сен нега кетасан? – деб сўради Мартин.

– Сен нега кетаётган бўлсанг, мен ҳам шунинг учун.

– Мен денгиз сафарига жўнайман, сен боромайсан.

– Тўғри, – жавоб қилди Жо, – лекин мен жаҳонгашта бўламан. Жудаям қойил бўлади-да.

Мартин унга синовчан кўзлари билан бир дақиқача тикилиб турди-да, ниҳоят деди:

– Ўлай агар, тўғри гапирдинг! Иш ҳайвони бўлгандан дарбадар бўлган яхши. Ҳар на бўлганда ҳам бир кунингни кўрасан. Ҳолбуки, ишлаб шу пайтгача ҳеч тузукроқ кун кўрмагансан ҳам.

– Кўрганман, – деб эътиroz билдириди Жо,
– бир марта касалхонада ётганман. Терлама бўлганман, сенга айтиб берган эдим, шекилли. Жудаям соз бўлган эди-да!

То Мартин телеграммадаги «иккинчи ишчи» сўзини «кирхонанинг иккала ишчиси» деб ту затгунча Жо ҳикоясини давом эттириди:

– Касалхонада ётганимда ҳеч ичгим келмаган эди. Қизиқ-а? Лекин бир ҳафта мобайнида эшакдек ишлаганимдан кейин бир тўйиб ичмасам бўлмайди-да. Ошпазларнинг... новвой-

ларнинг ҳам... молдай ичишини ҳамма билади. Иш ўзи шунаقا. Тўхта! Телеграмма ҳақининг ярмини мен тўлайман.

– Қўйсанг-чи, кейин ҳисоблашамиз, – деди Мартин.

– Ҳей, бу ёққа келинглар, мен эрийман! – деб қичқирди Жо.

Душанба куни эрталаб Жо ҳаяжондан ҳеч ўзига келолмасди. У бошининг оғриганига парво қилмади, ишга ҳам қизиқмади. У деразага лоқайд тикилиб ўтириб, қуёшни, дараҳтларни томоша қиларкан, қанчадан-қанча қимматли дақиқалар ўтиб кетди.

– Буни қара! – деб қичқирди у. – Шуларнинг ҳаммаси меники-ку, ахир. Озодлик бу! Мен дараҳт соясида ётиб, истасам, минг йил ҳам ухлашим мумкин. Юр. Март, ҳеч нарсага парво қилмаймиз. Нимани кутамиз? Олдимизда бекорчилар мамлакати ётибди, энди мен ўша ёққа чипта оламан, лекин орқага қайтиш учун чипта олиш йўқ.

Бир неча дақиқадан сўнг, Жо кир ювиш машинасига кирларни сола туриб, меҳмонхона хўжайнининг кўйлагини кўриб қолди. Жо унинг белгисини танирди. Энди эришилган озодликдан маст бўлиб, у кўйлакни ерга отди ва уни оёфи билан топтай бошлади.

– Шу кўйлак сенинг башаранг бўлса соз бўларди, голланд тўнфизи! – деб бақиради у.
– Мана! Сени жазоинг шу! Ҳа! Мана! Қани, биронта одам ўртага тушиб кўрсин-чи! Қани, тушиб кўрсин!

Мартин кула-кула уни тартибга чақира бошлади. Сешанба куни кечқурун иккита янги

ишчи келди, Жо билан Мартин ҳафтанинг охиригача уларга кирхонанинг бутун йўл-йўриқларини ўргатиш билан машғул бўлишди. Жо ўтириб олиб, йўл-йўриқ кўрсатарди, аммо ўзи қўлинни ҳеч нимага урмасди.

– Аҳмоги йўқ! – деди у, – ҳеч нарса қилмайман. Муддатдан олдин бўшатиб юборса ҳам майли, барибир, қўлимни ҳеч нимага урмайман. Ишлаб бўлганман. Энди юк вагонларида сайр қиласман, дарахт сояларида ётиб ухлайман. Ҳей, шалвираганлар! Тезроқ қимиirlанглар! Тер тўкинглар! Тер тўкиб ишланглар, жин ургурлар! Тарракдек қотганингиздан кейин, сиз ҳам худди мен сингари чирийсиз, сиз қандай яшадингиз-у, мен қандай кун кечирдим, барибир эмасми? А? Қани, менга айтинг-чи, азизлар, барибир эмасми, ахир?

Шанба куни улар ҳисоб-китоб қилишиб, чорраҳагача бирга боришли.

– Сен, албатта, мен билан кетмайсан, сенга ёлворишининг ҳам ҳожати йўқдир-а? – деб сўради Жо тамомила умидсиз қиёфада.

Мартин бошини сарак-сарак қилиб қўйди. У велосипедига минмоқчи бўлиб турган эди. Улар қўл сиқишиб хайрлашишли. Жо Мартиннинг қўлинни бирпас ушлаб туриб деди:

– Бу дунёда ҳали сен билан яна кўришамиз, Март. Юрагим сезиб турибди. Алвидо, Март! Бахт ёр бўлсин сенга. Яхши кўраман сени, худо ҳаққи, яхши кўраман!

То Мартин муюлишга бориб кўздан фойиб бўлгунча, Жо йўл ўртасида унинг орқасидан хомуш тикилиб турди.

– Ажойиб йигит-да, – деб фўлдиради у, – жуда ажойиб йигит.

Кейин у йўл ёқалаб, сув чиқаргич томон кетди; у ерда, чекка йўлда, беш-олтита бўш юк вагони поезд составига уланишини кутиб туарди.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Руфъ оиласи билан Оклендга қайтиб келгач, Мартин яна у билан учраша бошлади. Таҳсилни тутатиб, илмий даража олган Руфъ энди ҳамма вақтини илмга сарфламас, Мартин эса бутун маънавий ва жисмоний кучини оғир меҳнатга сарфлаб чарчаганидан ёзмай қўйган эди. Бу ҳол уларнинг тез-тез кўришиб туришларига имкон берарди, оқибат улар бир-бирларига тобора кўпроқ яқинлаша бошладилар.

Дастлабки пайтларда Мартин ҳеч иш қилмай фақат дам олди. У кўп ухлар, кўп ўйлар, умуман, катта баҳтсизликдан кейин тадрижий равишда ўзига келаётган кишидек яшарди. Лекин мана, у сўнгги ҳафталаарда эринчоқлик билан кўз юргутириб чиқадиган газеталарни энди аста-секин қизиқиши билан кузата бошлади, бу унинг такрор уйғонаётганидан дарак берувчи илк аломат эди. Шундан сўнг у яна мутолаага киришди, аввалига шеърий ва насрый асарларни ўқий бошлади, лекин яна бир неча кун ўтар-ўтмас, анчадан бери унугиб юборган Фискнинг асарларига боши билан шўнғиб кетди. Мартиннинг жисмоний жиҳатдан ўта соғломлиги унинг деярли бутунлай йўқолиб кетган файратини қайта тиклашга имкон берди, оқибат, унда яна ёшлик фурури ва эҳтирос уйғонди.

Мартин, мириқиб дам олганидан кейин денгиз сафарига жўнайман, деганида Руфъ хафа бўлганини яширолмади.

– Нега энди? – деб сўради қиз.

– Пул керак, – деди Мартин, – ноширларга янгидан ҳужум бошлишим учун менга пул керак. Бу курашда пул ва матонат энг яхши қуроддир.

– Дуруст, агар фақат пул керак бўлса, нега кирхонада қолиб ишлайвермадингиз?

– Чунки кирхонада мен ҳайвонга айланиб қолардим. Бунаقا ишда ичкиликка берилиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас.

Қиз унга даҳшат билан қаради.

– Айтмоқчисизки... – деб гап бошлади у.

Мартин жавоб беришдан осонликча бош тортиши мумкин эди, лекин у ёлғон гапиришни хуш кўрмасди, бунинг устига яна, оқибати нима бўлса-бўлсин, барибир, ҳамма вақт рост гапираман, деб аҳд қилиб қўйгани эсига тушиб кетди.

– Ҳа, – деб жавоб берди у, – бир неча марта мааст бўлдим.

Руфъ сесканиб кетиб, нарироққа силжиди.

– Менга таниш бўлган одамларнинг биронтаси ҳам бундай аҳволга тушмайди.

– Зоро, уларнинг биронтаси ҳам «Қайнар Булоқ» кирхонасида ишламаган, – деб Мартин аччиқ истеҳзо билан эътиroz билдириди.

– Ваъзхонларнинг айтишича, меҳнат яхши нарса, ҳатто унинг инсонга фойдаси ҳам бор; худо шоҳид, мен ҳеч қачон меҳнатдан қўрққан одаммасман. Лекин ҳамма нарса ҳам меъёрида бўлса яхши. Ҳолбуки, кирхонада ана шу меъёр йўқ эди. Шунинг учун ҳам денгиз сафарига бел боғладим. Бу охирги сафарим бўлади. Қайтиб келгач, журнал саҳифаларига йўл топа оламан. Бунга имоним комил.

Руфъ фамгин ва норози тарзда сукут сақлар, Мартин эса у кечирган нарсаларни Руфъ тушуна олмаслигини ҳис қилди.

– Вақти келиб, мен буларнинг ҳаммаси ҳақида бир китоб ёзаман, китобнинг номи «Меҳнатнинг хўрланиши» ёки «Ишчилар синфида мастлик психологияси» бўлади ёки шунга ўхшаш ном топаман.

Агар Мартин билан Руфнинг танишишган биринчи кунини мустасно қилсак, шу пайтгача улар ҳеч қаҷон бир-бирларидан бу қадар узоқда турмаган эдилар. Мартиннинг қалбидаги норозилик туйфусини ниқоблаб турган очиқ эътирофи Руфни ўзидан узоқлаштириб юборди. Лекин қизни бу узоқлашишнинг сабабидан кўра, шу узоқлашишнинг ўзи кўпроқ ҳайратга солган эди. Шу узоқлашиш ҳолати уларнинг бир-бирларига нақадар яқин бўлиб қолганини кўрсатар ва Руфъ унга яна ҳам яқинлашишни истарди. Бундан ташқари, унинг Мартинга раҳми келар, шу сабабли унинг қалбida Мартинни тўғри йўлга солсам деган соддагина орзулар пайдо бўларди. Қиз йўлдан озган бу йигитни қутқармоқчи, уни қуршаб олган муҳитдан халос этмоқчи, йигитнинг хоҳишига хилоф бўлса-да, уни ўзидан қутқармоқчи эди. Руфнинг назарида, уни бу ишга ундаётган нарса мавҳум ва олийжаноб мулоҳазалар эди, шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммасига фақат рашк ва ишқ истаги сабаб эканлиги унинг хаёлига келмасди.

Куз, ҳаво очиқ кунлари улар кўпинча велосипед миниб, шаҳардан четга, жуда узоқларга кетишарди, у ерларда, тепаликларда ўтириб, кишида нашъали фикрлар уйғотувчи яхши,

таъсири назм асарларини галма-гал овоз чиқарип ўқишарди. Руфь унга фидойилик, сабр-тоқат, меҳнатсеварлик хислатларини талқин қилишга ҳаракат қиласарди, чунки қиз бу хусусиятларни ўз отаси, мистер Бэтлер ва бутун дунёни китоб билан таъминлаётган «китоблар қироли»га айланган, кўчиб келганда бир қашшоқ бола бўлган Эндрью Карнегида кўрган эди.

Руфнинг бу уринишларини Мартин қадрлар эди. У энди қизнинг фикр-ўйларини хийла яхши тушунар, унинг қалби муҳр босилган сирли китобга ўхшамасди. Улар суҳбатлашибар, тенг кишилардек фикрларини очиқ айтишарди. Бу суҳбат пайтида пайдо бўлган ихтилофлар Мартин Руфни севишига халал бермасди. Йигитнинг муҳаббати тобора теранлаша ва зўрая борди, чунки у Руфни шу туришича севар, ҳаттоки қизнинг жисмоний заифлиги унинг кўзида алоҳида гўзаллик бахш этарди. У узоқ йиллар ўрнидан туриб бир қадам ҳам юрмаган ва ниҳоят, унутилмас бир кун Браунинг билан бирга қочиб, очиқ ҳавода дадил қадам ташлаган касалманд аёл Элизабет Баррет ҳақида ўқиган эди. Браунинг ўз севгилиси учун нелар қилган бўлса, Мартин ҳам Руфь учун шундай қилишга бел боғлаган эди. Лекин аввал Руфь унга кўнгил қўйиши керак. Қолгани осонликча бўлаверади. У қизнинг жонига малҳам, белига қувват бўлади. Мартин Руфь билан келгусида турмуш қуриб, бирга яшashi ҳақида тез-тез хаёл сурарди. У ўзи билан Руфни меҳнат билан бунёд қилинган ҳузур-ҳаловатли ва фаровон ҳаёт қўйнида тасаввур қиласарди. Улар китоб ўқишиади ва шеърият ҳақида суҳбат

қуришади, Руфъ ранг-баранг ёстиқчаларга ёнбошлаб ётиб, овоз чиқарип унга китоб ўқийди. Мартиннинг кўз олдида ҳамиша икковларининг бутун ҳаётлари рамзи бўлган бир манзара намоён бўларди. Баъзида қиз эмас, ўзи овоз чиқарип ўқийди, бундай пайтларда у қизнинг белидан қучоқлаб ўтиради, қизнинг жажжи боши эса Мартиннинг елкасига қўйилган бўлади, баъзан икковлари бир китобни овоз чиқармасдан ўқишида ва босма сатрлардан уфуриб турган бутун нафосатни ёлғиз кўзлари билан қамраб олишади.

Руфъ табиат манзарасини яхши кўрарди ва шунга кўра Мартиннинг бой тасаввури шу кўнгилли воқеа содир бўлаётган саҳна декорациисини ўзгартиришга имкон берарди. Гоҳ улар баланд тик қоялар билан ўралган водийда ўтиришади, гоҳ бу манзара аллақаердаги тоғлар қўйнидаги чаманзорга ёки этакларига денгиз тўлқинлари келиб шалоплаб урилаётган хилват қум тепаларга айланиб қолади, баъзида у ўзи билан Руфни тропик юртдаги вулқонли оролда ҳис қиласи, бу ерда шовиллаб оқиб тушаётган шалолаларнинг томчиларини шамол денгизга учириб олиб кетади. Лекин улар, гўзал орзулар сultonлари бўлмиш Мартин билан Руфъ, ҳамиша олдинда, китоб узра бош эгиб ўтирган ҳолда намоён бўлар, табиат гўзалиги улар учун фон вазифасини ўтарди, холос. Бу лавҳанинг ичкари томонида уларнинг жаҳон бойликларидан лаззатланишига имкон тугдирган меҳнат ва муваффақият ҳамда шу меҳнат туфайли ортирилган давлат кўланкалари туман пардаси орасидан фира-шира кўзга ташланиб турарди.

– Қизгинам, эҳтиёт бўлсанг яхши бўларди, – деди бир кун Руфнинг онаси қизига огоҳлантирувчи оҳангда.

– Нима деётганингизга тушуняпман, лекин бу бўлмаган гап. У менинг...

Руфъ уялганидан қизариб кетди, бу – ҳаётнинг муқаддас сирлари ҳақида ўз онаси билан, яъни, унинг учун муқаддас ҳисобланган она билан умрида биринчи бор гаплашган қизнинг уялиши эди.

– У сенинг tengning эмас, – деб онаси қизнинг гапини тамомлади.

Руфъ бош ирғади.

– Мен бундай демоқчи эмасдим, лекин бу тўғри гап. У қўпол, бесўнақай, кучли... Ҳаддан ташқари бақувват, у ёмон муҳитда...

Қиз дудуқданиб қолди. Онаси билан бундай мавзуларда гаплашиш унинг учун мутлақо янгилик эди. Бу сафар ҳам она қизнинг фикрини ниҳоясига етказди.

– У ёмон муҳитда яшаган. Шундай демоқчи-мидинг?

Руфъ яна бош ирғади, юзига қон югурди.

– Ҳа, мен айнан шуни айтмоқчи эдим. Бу, албатта, унинг айби эмас, лекин у ҳаддан ташқари кўп тўқнаш келган...

– Ҳаёт сарқитларигами?

– Ҳа. Шунинг учун нимаси биландир мени хавотирга соляпти. Баъзан ўз бошидан кечирганларни хотиржамлик билан ҳикоя қила бошлаганда мени даҳшат босади. Гўё у айтиётган гапларнинг ҳеч ёмон томони йўқдек. Лекин бу яхши эмас. Тўғрими?

Она-бала бир-бирларини қучоқлаб ўтиришарди, Руфъ сукутга толган эди, она қизининг

яна гап бошлашини кутиб, меҳрибонлик билан қўлини силади.

– Лекин у билан бирга бўлиш мен учун мароқли, – деб гапида давом этди Руфъ, – биринчидан, мен унга баъзи жиҳатдан васийлик қиласман. Ундан кейин... мен шу пайтгача эркаклардан ҳеч дўст орттиргмаган эдим, аслида у менга дўст эмас. У айни вақтда ҳам дўст, ҳам шогирд. Баъзида мен ундан қўрқаман, шунда мен худди бульдог ит билан – тишларининг оқини кўрсатиб, ириллаб, ҳозир занжирини узиб менга ташланмоқчи бўлиб турган мана бундоқ катта бульдог билан ўйнашаётганга ўхшайман.

Руфъ яна сукутга чўмди, онаси эса унинг гапиришини кутарди.

– Унга худди... бульдогга қизиққандек қизиқаман. Лекин унинг яхши фазилатлари жуда кўп, айни вақтда у билан ўзгача муносабатда бўлишим учун... халақит берадиган томонлари ҳам оз эмас. Кўриб турибсизки, мен ҳамма нарса тўғрисида ўйлаб қўйганман. У сўкинаркан, чекаркан, ичаркан, муштлашаркан ҳам, бу тўғрида менга унинг ўзи гапириб берди, ҳатто муштлашишни яхши қўришиниям айтди. Бу мутлақо мен орзу қиласман... – бирдан қизнинг овози сўнди, сўнг паст овоз билан жумлани тамомлади: – Мен эр қилишни хоҳлаган одам эмас. Бундан ташқари, у қўпол, кучи ҳаддан ташқари кўп. Менинг севикли ёrim фусункор шаҳзодага ўхшаб, хипча бел, сарвқомат, қоп-қора сочли ўқтам йигит бўлиши керак. Йўқ, хавотир олманг, Мартин Иденга ишқим тушмайди, агар уни севиб қолсам, энг бахтиқаро қиз бўлардим.

– Мен буни айтганим йўқ, – деди онаси мужмал қилиб, – лекин сен уни ўйладингми? Бун-

дай одам ҳар жиҳатдан сенга муносиб эмас...
Агар сени севиб қолса, нима бўлади?

– Лекин у... у мени анчадан бери севади! – деб чинқириб юборди Руфъ.

– Шундай бўлиши муқаррар эди, – меҳри-бонлик билан деди миссис Морз. – Ахир сени билган одам севмай туро олармиди?

– Олни мени ёмон кўради! – жўшқин овоз билан деди Руфъ. – Мен ҳам Олнини ёмон кўраман. У менга яқин келганида, худди мушукдек уни тимдалаб олгим келади, биламан, у мени ёқтиргмайди, лекин, ҳар ҳолда, уни ёқтиргмаслигим аниқ. Мартин Иден ёнида ўзимни яхши сезаман. Ҳали ҳеч ким мени севмаган, «шу қадар» севмаган. Ахир «шу қадар» севилмоқ қандай яхши. Нима демоқчи бўлганимни тушуняпсизми, ойижон? Қиз бола ўзини аёл деб ҳис қилиши жуда кўнгилли бўларкан... – Руфъ юзини онасининг сийнасига яширди. – Била-ман, мен ўлгудек ёмонман, лекин ёлғон гапириб нима қиласман, нима ҳис қилаётганимни сизга очиқ айтяпман.

Миссис Морз ҳам хафа бўлди, ҳам севинди. Қизи – университет дипломини олган қизчаси фойиб бўлиб, қаршисида қадди камолга етган қизи турарди. Тажриба ўнгидан келди. Руфнинг табиатидаги камчилик тўлдирилди, тўлдирилгандаям бехатар ва енгилгина тўлдирилди. Бу бесўнақай матрос ўз бурчини адо этди. Руфъ уни севмаса ҳам, ҳар ҳолда, қизда аёллик ҳисларини уйғотган эди.

– Унинг қўллари қалтирайди, – дерди Руфъ уялганидан юзини яшириб, – бу ҳам кулгили, ҳам бемаъни, унга ҳатто раҳмим келади. Қўл-

лари жуда қаттиқ титраб, күzlари жуда қаттиқ чаңнай бошлаганда, унга насиҳат ўқиб, ҳамма камчиликларини юзига сола бошлайман. У мени бошида күтариб юришгаям тайёр, биламан, унинг қўллари билан кўzlари кишини алдамайди. Шуни ўйлашим биланоқ, ўзимни улғайгандек сезаман. Демак, вужудимда табиатимга монанд бир нарса борки, мен ҳам бошқа қизларга... ва... ва... ёш аёлларга ўхшашлигимни ҳис қиласман. Биламан, мен илгарилари уларга ўхшамасдим ва ўхшамаслигим сизни ҳаяжонга соларди. Сиз безовталанаётганингизни сездирмасдингиз-у, лекин мен сезардим... ва Мартин Иденнинг таъбирича, «сафга туриш»ни истардим.

Бу она учун ҳам, қиз учун ҳам энг бебаҳо дамлар эди, қош қорая бошлаган пайтда уларнинг намланган кўzlари йилтиради. Руфь – маъсума, самимий ва тажрибасиз қиз; она – меҳрибон, тушунадиган ва панд-насиҳат қиласидиган аёл эди.

– У сендан уч ёш кичкина, – деди миссис Морз, – унинг киборлар даврасида ҳеч қандай мавқеи йўқ. У ҳеч ерда хизмат қиласайди, маош олмайди. Қўлидан ҳеч қандай иш келмайди. Агар сени севса, ҳикоя ёзиш, болаларга ўхшаб хаёл суриш ўрнига сенга уйланишга имкон ва ҳуқуқ берадиган бирон машгулот тўғрисида ўйлаб кўриши керак эди. Унга ҳеч қачон эс кирмаса керак деб қўрқаман. У масъулиятни севмайди, сенинг отангда, мистер Бэтлерда ва умуман, бизнинг даврага мансуб барча кишиларда бўлгани каби, эркак кишига хос бўлган чинакам иш ахтариб топиш истаги йўқ унда.

Назаримда, Мартин Иден икки дунёда ҳам пул ишлаб топмаса керак. Лекин бу дунёда пулсиз яшаб бўлмайди, пулсиз баҳтли бўлолмайди киши. Мен, албатта, катта мол-дунё ҳақида гапираётганим йўқ, дурустроқ кун кўришга етадиган доимий даромад бўлса бас. У сенга ўз севгиси тўғрисида оғиз очдими?

– Оғиз очгани йўқ. Ҳатто гапиришга уриниб ҳам кўргани йўқ, барибир, гапирса ҳам қулоқ солмасдим. Ахир мен уни севмайман-ку.

– Бунга хурсандман. Менинг қизим, покиза қизим, бундай одамни севишини истамасдим. Ахир дунёда олийжаноб, пок йигитлар озми? Бир оз сабр қил. Бир кун эмас-бир кун шундай одамни учратиб, бир-бирларингни севиб қоласиз. Мен отанг билан қандай баҳтли умр кечирган бўлсам, сен ҳам у билан шундай баҳтли бўласан. Сен бир нарсани ёдингда тутишинг керак...

– Нимани, ойи?

Миссис Морз оҳиста ва мулоим овоз билан деди:

– Болаларингни.

– Мен... мен буни ўйлаган эдим – деб эътироф этди Руфъ, аҳён-аҳёнда унинг вужудини қамраб оловчи кутилмаган орзуларни эсларкан, сўнг уялганидан яна қизариб кетди.

– Мартин Иден айнан шу болалар туфайли сенга эр бўла олмайди, – деди миссис Морз маъноли қилиб. – Болалар соф ирқли бўлиши керак, унинг бунга қурби етиши амримаҳол. Отанг матросларнинг туриш-турмуши ҳақида менга гапириб берди, сен... сен гапимга тушуняпсанми?

Руфъ ҳамма нарсани тушунаётганини ҳис қилиб, ҳаяжон билан онасининг қўлинини сиқ-

ди, ҳолбуки, унинг хаёлидаги ўша даҳшатли ва мутлақ тасаввур ҳеч вақт аниқ ва муайян тафаккур шаклига кира олмасди.

– Биласизми, ойи, мен сиздан ҳеч қачон гап яширмайман, – деб гап бошлади қиз, – фақат баъзи-баъзида, бугунгига ўхшаб, ўзингиз ҳам суриштириб туришингиз керак. Сизга буни анчадан бери гапираман деб юрувдим, лекин қандай қилиб бошлашни билмаётувдим. Бу сохта уятчанлик, албатта, лекин сиз менга жуда осонгина кўмаклашишингиз мумкин! Баъзида сиз ҳолимни сўраб туришингиз, юрагимдагини очиб ташлашимга имкон беришингиз керак. Ахир сиз аёлсиз-ку! Ойи! – деб бирдан қичқириб юборди Руфъ, у онасининг қўлидан маҳкам ушлаб ва teng эканликларини ҳис қилиб, хурсанд бўлди. – Агар бу суҳбатни сиз бошламаганингизда, ҳеч қачон бу тўғрида ўйламаган бўлардим. Сизнинг ҳам аёл эканлигинизни англамоқ учун, аввал ўзимни аёл киши деб ҳис қилишим керак эди.

– Икковимиз ҳам аёлмиз, – деди она қизини бағрига босиб қучоқларкан, – улар ўз тақдирларининг умумийлиги ҳақида янги туйфу вужудга келганидан ҳаяжонланиб, бир-бирларини қучоқлаганча хонадан чиқдилар. – Икковимиз ҳам аёлмиз, – деб такрорлади яна она.

Миссис Морз бир соатдан кейин эрига фуур билин:

– Қизалогим ниҳоят ўзини аёл деб ҳис қила бошлади, – деди.

– Яъни, бирорни севиб қолибди демоқчимисан? – деб сўради эр хотинига савол назари билан тикилиб.

– Йүқ, уни севиб қолишибди демоқчиман, – жавоб қилди хотин табассум билан. – Тажриба яхши натижә берди. Қизимиз қалбидә аёллик хислатлари уйғонибы.

– Унда Иденни четлатиш керак, – мистер Морз қысқагина қилиб, жиддий оҳангда яқун ясади.

Лекин хотини бош чайқади:

– Ҳожати йүқ, бир неча кундан кейин ўзи денгиз сафарига жүнаб кетади. Қайтиб келганида эса Руфь бу ерда бўлмайди. Уни Клара холасиникига юборамиз. Бир йил мамлакат шарқида яшаб, ҳар хил одамларни, уларнинг туриш-турмушларини кўриб келса, ҳаво ва муҳитни ўзгартирса, ўзига фойда.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Ёзиш истаги Мартинни яна қамраб олди. Унинг миясида янгидан-янги ҳикоя, шеър мавзулари пайдо бўларди. Кези келганда шу мавзуларни қаламга олиш учун уларни шоша-пиша дафтарига қайд қилиб қўярди. Лекин ёзмасди. Бу кунлар унинг учун таътил эди, шунинг учун бу кунларни муҳаббатга бағишиламоқчи, ҳордиқ чиқармоқчи бўлди-ю, бу аҳдини тўла-тўкис бажаришга мұяссар бўлди. Унинг қалби яна булоқдек қайнай бошлади, энди Руфь ҳар сафар Мартин билан учрашганида унинг соғлом тани ва куч-қувватининг қудратли жозибасига яна илгари-гидек мафтун бўларди.

– Эҳтиёт бўл, – деди бир кун онаси қизини огоҳлантириб. – Сен, назаримда, Мартин Иден билан ҳаддан зиёд кўп учрашяпсан.

Аммо Руфъ бунга жавобан жилмайиб қўйди, холос. Қиз ўзига жуда қаттиқ ишонарди, бунинг устига, Мартин яна бир неча кундан кейин денгиз сафарига жўнаб кетиши керак. У қайтиб келганда Руфъ узоқда, Шарқий Америкада бўлади. Шунга қарамай, Мартиннинг куч ва соғломлиги қиз учун кучли бир жозиба эди.

Мартин унинг яқинда Шарқقا кетишини билар ва ишни пайсалга солмаслик кераклигини тушунарди. Аммо Руфдек қизнинг юрагига қандай йўл топиш кераклиги ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эди. Унинг эски тажрибалари вазиятни фақат мушкуллаштиради, холос. У айланишиб ўрганиб қолган қиз-жувонлар Руфга асло ўхшамас эдилар. Улар турмушни билишар, ишқ-муҳаббат, кўнгил овлаш, ўйнашиш нималигига яхши тушунишарди, Руфъ эса буларнинг биронтасига ҳам тушунмайди. Қизнинг табиатидаги ажиб маъсумалик йигитни ҳайратга келтирас, тилини лол қиласар, беихтиёр, бу қизга муносиб эмасман, деган фикр хаёлига келарди. Ишни мушкуллаштирувчи яна бир нарса бор эди. Унинг ўзи ҳали бирон марта ҳам бирон аёлга ошиқ бўлмаганди. Баъзизда аёллар унга ёқар, баъзиларига ҳатто кўнгил ҳам берар, аммо буларни асло муҳаббат деб бўлмасди. У бепарволик билан бир ҳуштак чалса бўлди, аёллар шу заҳоти таслим бўлишарди. Бу унинг учун бир дақиқалик эрмак, тасодиф, эркаклар ҳаётида кўп учрайдиган мураккаб ўйиннинг узвий бир қисми, шундаям иккинчи даражали қисми эди. Энди эса, умрида биринчи марта қўрқоқлик қилиб, уяляпти, хижолат бўляпти. У севгилисининг ажиб маъсумалиги

қаршисида ўзини қандай тутишни, нима де-иишни билмай лол эди.

Мартин бу хилма-хил бевафо дунёни кезиб юрган чоғларида бир оқилона қоидага амал қилишга, яъни, нотаниш ўйин ўйнаётганда ҳеч қачон биринчи бўлиб бошламасликка одат-ланган эди. Бу қоида бир эмас, бир неча минг марта ўзини оқлади; бунинг устига, бу қоида кишининг мушоҳада қобилиятини ривожлантиради. Мартин мўлжал қилишни, ўз кучини чамалаш, рақибининг заиф томони очилгунча кутиб туришга ўрганиб олди. Шунингдек, муштлашган вақтида ҳам, доимо душманнинг заиф ерини топиб олишга ҳаракат қиласади. Ана ундан кейин тажрибаси қўл келиб, янгилишмасдан зарба берарди.

Энди у Руфга ўз муҳаббатини изҳор этишни истар, ҳам бунга журъат этолмай, айнан шундай пайт пойларди. У қизни таҳқирлаб қўйишдан қўрқар, чунки ўзига ишонмасди. Лекин у ўзи билмасдан туриб тўғри йўл тутган эди. Муҳаббат дунёда нутқдан олдин пайдо бўлган ва ўзи вужудга келган илк замонлардаёқ турли восита ва усувларни ўзлаштириб олганким, уларни ҳанузгача ҳеч унутмай келади. Мартин айнан ана шу қадимий усувлар билан Руфнинг илтифотига сазовор бўлмоқчи эди. Аввалига у тушунмасдан ҳаракат қилган эди, ҳақиқат эса фақат кейинчалик ошкор бўлди. Қўлининг қиз қўлига хиёлгина тегиб кетиши ҳар қандай тумтароқ сўздан ҳам таъсирли, йигитнинг куч-қувватини бевосита ҳис қилиш шеър мисралари ва қоғияларидан ҳам, минглаб ошиқлар авлодининг оташин ишқий сўzlаридан ҳам қудратлироқ эди. Сўз билан муҳаббат

изҳор қилиш биринчи галда Руфнинг онгига таъсир этар, ҳолбуки, қўл теккизисиб қўйиш, бир зумлик яқинлашув эса қизнинг вужудидага пинҳона ётган аёллик ҳисларини жунбишга келтиради. Қизнинг онги ўзи сингари ёш эди. Аммо аёллик ҳислари башарият каби эски, ҳатто ундан ҳам қадимиЙроқ эди. Бу савқи табиий муҳаббат дунёга келган ўша қадим замонларда туғилган, аммо кейинги асрларда бунёдга келган жамики нозик урф-одатлар бу қадимиЙ ҳикмат кучи қаршисида ожиз эди. Руфнинг ақди ун чиқармас эди. Мартин ҳам унинг ақлига эмас, балки қизнинг муҳаббат дардида изтироб чекаётган томонига сўзсиз мурожаат қилас, Руфъ эса йигитнинг бу даъватининг бутун куч-қудратини англаб етганича йўқ эди. Мартиннинг севиши қизга кундай равшан эди, шунинг учун Руфъ унда муҳаббат нишоналари пайдо бўлишидан, кўзларининг чақнашидан, қўлларининг қалтирашидан, офтобда қорайган ёноқларининг бирдан чўғдек қизариб кетишидан лаззатланарди. Баъзида Руфъ ҳатто Мартиннинг юрагига ўт ёқар, лекин буни шу қадар тортинчоқдик ва мунислик билан қиласиди, на Мартин, на ўзи пайқарди буни. Руфъ ўзида аёллик қудрати борлигинн тушуниб, бундан ўзида йўқ севинар ва Мартин билан ўйнашиб, унга тегажоқлик қилиб, бамисоли Момо Ҳаводек лаззат топарди.

Мартин эса сукут сақларди, чунки гапни нимадан бошлишни билмасди, у вужудини қамраб олган туйгуларнинг бениҳоя кучли бўлгани учун сукут сақлар ва қўрқа-писа, нўноқлик билан яқинлашиш йўлини ахтарарди. Мартиннинг қўл тегизишидан қиз ҳузур қилас, ҳу-

зур қилиш у ёқда турсин, ҳаттоғи лаззат оларди. Мартин буни билмас, аммо ўзининг Руфга ёқишини сезарди. Тўғри, улар саломлашганда ва хайрлашгандагина қўл сиқишар, лекин велосипедга минаётганда, бир-бирларига китоб узатганда ёки уни биргаликда варақлаганда, қўпинча бармоқлари бир-бирига тегиб кетарди. Шундай вақтлар ҳам бўлардики, қизнинг соч толалари унинг ёноқларига тегиб кетар ёки қиз китобнинг қизиқ ерига келганда энгашиб бир онгагина елкаси билан йигитга суйкалиб кетарди. Руфъ бундай дамларда ўзини қамраб олган ажиб туйфулардан хижолат бўлиб, жилмайиб қўярди: масалан, баъзида Руфъ Мартиннинг соchlарини титкилагиси келарди; Мартин эса, айни вақтда, ўқишдан чарчаб, бошини унинг тиззасига қўйишни ва кўзларини юмганча келажак ҳақида – икковларининг келажакда бирга яшашлари ҳақида ўйлашни жон-дили билан истарди. Мартин якшанба кунлари боғ сайилига чиққан пайтларида жуда кўп марта бошини биронта қизнинг тиззасига қўйиб, бамайлихотир ухлаб кетарди, Мартин ўша қизга уни қуёшдан сақдаш, ўзининг муҳаббатга ҳаддан ташқари лоқайд эканлигига ажабланиб, ошиқона кўзлари билан тикилиб ўтириш имконини берар эди. Маъшуқасининг тиззасига бош қўйиш Мартинга дунёда энг осон ишдек туюларди, энди эса, Руфнинг жамолига боқаркан, буни имкон хорижидаги ақдга сифмайдиган орзу деб тан олди. Лекин Мартин табиатидаги тамкинлик, унинг ўзига ҳам сездирмай, мақсад сари олиб бораётган эди. У айнан шу тамкинлиги туфайли Руфнинг кўнглида шубҳа туғдирмади. Тажрибасиз ва уятчан Руфъ бу уч-

рашувларининг оқибати қандай хатарли экан-лигини тушунмасди. Руфъ нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, йигит сари талпинар, у эса орадаги яқинлик тобора зўрая бораётганини сезаркан, дадилроқ бўлишни истар ва лекин журъат эта олмасди.

Бир кун Мартин ахийри журъат қилди. Руфнинг уйига келиб, уни пардалари туширилган хонада ўтирганини кўрди; қиз боши қаттиқ оғриётганидан шикоят қилди.

– Ҳеч нима кор қилмаяпти, – деди қиз Мартиннинг саволига жавобан. – Доктор Холл дори ичишимни ман қилиб қўйди.

– Мен сизни ҳеч қандай дори-дармонсиз ту-затаман, – деди Мартин. – Албатта, сизга унинг таъсир этиш-этмаслигини билмайман, лекин хоҳласангиз, синаб кўриш мумкин. Менинг даволаш усулим – уқалаш. Буни Японияда ўргатишган эди. Японлар уқалашга жуда моҳирдирлар. Кейинчалик худди шу уқалаш усулини хиёл ўзгартирилган шаклини гаваяликларда ҳам кўрдим. Улар бу усулни «ломи-ломи» деб атарканлар. Бу уқалаш баъзан ҳар қандай дори-дармондан ҳам яхшироқ таъсир қиласи кишига.

Мартиннинг қўли қизнинг пешанасига тегар-тегмас, Руфъ хўрсишиб туриб деди:

– Қандай яхши-я!

Яrim соатдан кейин қиз:

– Чарчамадингизми? – деб сўради.

Бу савол ортиқча эди, чунки қиз Мартиннинг нима деб жавоб беришини биларди. Шунинг учун Руфъ мудраб, ўзини Мартиннинг ихтиёрига топширди. Унинг бармоқларидан шифобахш куч оқиб ўтиб, дардига даво бўларди – ҳар ҳолда, қизга шундай туюларди. Ниҳо-

ят, оғриқ шунчалик йүқөлдики, Руфь баҳузур ухлаб қолди, Мартин эса секингина хонадан чиқиб кетди.

Кечқурун қыз унга телефон қылди.

– Кечки овқат маҳалигача ухлабман, – деди Руфь, – сиз мени бутунлай тузатиб қўйдингиз, мистер Иден, миннатдорчилигимни қандай билдиришимни ҳам билмайман.

Мартин ҳам севинганидан, ҳам хижолат бўлганидан зўрга гап топиб жавоб қылди, чунки Браунинг билан Элизабет Баррет ўртасидаги ишқий можаро ҳеч хаёлидан кетмасди. Браунинг ўз маъшуқаси учун нималар қилган бўлса, у, яъни, Мартин Иден ҳам Руфь Морз учун шуни қила олади. У хонасига қайтиб кириб, ўрнига ётди-да, Спенсернинг «Социология»сини ўқишига киришди. Лекин ўқигани билан миясига ҳеч нима кирмасди. Унинг бутун фикру зикри муҳаббатда эди, у бир оздан сўнг, ҳамма ёғига сиёҳ томиб ифлос бўлиб кетган столча олдига бориб ўтирганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шу оқшом ёзилган сонет, «Муҳаббат сонетлари» туркумидаги элликта шеърнинг биринчиси бўлди; бу шеърларни у икки ойдан кейин ёзил битирди. У Элизабет Барретнинг «Португалча сонетлар»идан илҳомланиб ёзган эди. Мартин шеърларни буюк ижод учун энг қулай вазиятда – ошиқи шайдо бўлиб юрган маҳалида ёзган эди.

У Руфь билан учрашмаган вақтларида «Муҳаббат сонетлари» билан шуғулланар, ўз уйида ёки қироатхонада мутолаа қилар, ноширларнинг қандай асарларни ёқтиришлирини билишга уриниб, журналларнинг ҳамма сонини навбатма-навбат диққат билан кузатиб борарди. Мартин Руфь билан бирга бўлган

пайтларида эса ҳам орзу-умидларга түлар, ҳам күнгли алағда бўларди, аммо ҳам у, ҳам бу ҳол Мартинни бир хилда изтиробга соларди. Мартин Руфнинг бош оғриқ касалини тузатгандан кейин бир ҳафта ўтгач, Норман ойдин кечада Меррит кўлида қайиқда сайр қилишни таклиф қилди. Артур билан Олни буни бажонидил маъқуллашди. Мартиндан бошқа ҳеч ким елканли кемани бошқаришни билмасди, шунинг учун ҳам ундан капитанлик вазифасини зиммасига олишни илтимос қилишди. Руфъ қайиқнинг тумшуғига, Мартиннинг ёнига ўтирди, қолган уч йигит қайиқ ўргасидаги кўндаланг ўриндиқчаларга ўтириб олиб, ўзларининг талабаликка тегишли ишлари ҳақида узундан-узоқ мунозара бошлаб юборишди.

Ой ҳали чиқмаган эди, юлдузлар чарақлаган осмонга жимгина тикилиб ўтирган Руфъ бирдан ўзини ёлғиз ҳис қила бошлади. Мартинга қаради. Бирдан эсиб келган шамол қайиқни хиёлгина бир томонга оғдирди, шунда Мартин бир қўли билан румпель¹⁴, иккинчи қўли билан граташкотни¹⁵ ушлаганча, сувга туртиб чиқиб турган соҳилни айланиб ўтиш учун, қайиқнинг йўналишини бир оз ўзгартирди. У қизнинг қараётганини сезмас, қиз эса унга тикилиб қараб ўтиаркан, бу зўр истеъододли йигитни бекорга вақт сарфлаб муваффақиятсизликка учраши очиқ-ойдин кўриниб турган ўртамиёна ҳикоя ва шеърлар ёзишга унdagан антиқа ҳавас ҳақида ўйларди.

¹⁴ Румпель – рул ричаги.

¹⁵ Граташкот – кемада елканнинг пастки учи боғланадиган жой.

Руфнинг кўзлари йигитнинг чиройли қўндирилган бошига, юлдузлар ёруғида фирасира кўриниб турган бақувват бўйнига тушди, сўнг унинг вужудини яна шу бўйинни маҳкам қучоқлаб олиш истаги қамраб олди. Мартиннинг Руфга ёқмаётгандай туюлган ўзига хос кучи айни замонда уни мафтун ҳам қилган эди. Руфъ борган сари ўзини ёлғиз ҳис қилиб, ҳолдан тойганини сезди. Қайиқнинг чайқалиши фашига тегарди. У Мартиннинг фақат қўли тегиши билан бошининг оғриши қолганини эслади. Мартин унинг ёнида, шундоққина ёнгинасида ўтирибди, қайиқ қийшайган пайтда қиз Мартин томонга сурилаётгандек бўлди. Шу пайт бирдан Руфнинг Мартинга суянгиси келиб кетди-ю, бу истагига ўзи ҳам тушуниб улгурмай, итоаткорлик билан йигит томонга эгилди. Балки бунга қайиқнинг чайқалиши сабаб бўлгандир? Руфъ буни билмасди. У кейин ҳам ҳеч қачон буни билолмади. У фақат Мартинга суянганини ва энди ўзини яхши, хотиржам ҳис этаётганини биларди. Майли, ҳаммасига қайиқнинг чайқалиши сабабчи деб ҳам фараз қилайлик, аммо Руфъ Мартиндан четланишни истамасди. У йигитнинг елкасига оҳиста бош қўйди, Мартин қизнинг қулайроқ ўтириши учун вазиятни ўзгартирганда ҳам нари сурилмади.

Бу телбалик эди, лекин Руфъ ҳеч нима тўғрисида ўйлашни истамасди. У аёл эди, аёлларнинг суянишга бўлган эҳтиёжи уни шунга даъват этарди; тўғри, у Мартинга сезилар-сезилмас суянган эди, аммо шунга қарамай, эҳтиёж қондирилди. Руфдаги ҳорғинликдан асар ҳам қолмади. Мартин лол эди. У сеҳрни бузиб юборишдан қўрқарди. Бу сеҳр унинг сиполиги ва

ҳүркаклиги туфайли ҳамон давом этарди, лекин Мартиннинг боши айланиб, фикрлари чалкашиб кетди. Нима бўлаётганини ҳеч тушуна олмасди. Бу ниҳоятда фусункор ҳол эди, аммо бундай ҳолат ўнгидаги бўлиши мумкин эмас эди. У шкот билан румпелни қўйиб юбориб, Руфни бағрига босиб қучоқлаш истагини зўр-базур босди. Агар шундай қисса, ишнинг пачаваси чиқишини беихтиёр ҳис қиласа ва қўллари банд бўлгани учун хаёлан тақдирга шукrona ўқирди. Бироқ у қайиқни фақат шамол ихтиёрига топшириш учун, ҳеч уялиб-нетиб ўтирмай елканни бўшатиб юборди-да, атайлаб қайиқнинг сузишини секинлатди. Шамолнинг йўналиши ўзгарган чоғда у ҳам жойини ўзгартириши керак бўларди, натижада икковлари ўртасидаги яқинлик йўқоларди. Бу тадбирларнинг ҳаммасини баҳслашиб ўтирган ҳамроҳлар кўнглида ҳеч қандай шубҳа уйғотмай, моҳирлик билан бажаарарди. Шу пайт у денгиз, қайиқ ва шамолни ўз измига сола олишга ўргатиб, бу жозибали ойдин кечада, севгилиси билан ўзи ўртасидаги яқинликни чўзишга имкон берган узоқ йиллик машаққатли матрослик ҳаётига ташаккур ўқиди.

Инжудек ярқираган ой ўз шуъласи билан уларни ёритганда Руфь Мартиндан нарироқча сурилди, Мартиннинг ҳам айнан шундай харакат қилганини сезди. Икковлари ҳам буни бошқалардан яширмоқчи эдилар. Бу уларнинг сири бўлиб қолиши керак эди. Руфь энди икки юзи лов-лов ёниб чеккароқда ўтирас, нима ҳол юз берганини у ҳозиргина англаган эди. У шундай бир иш қилиб қўйган эдики, уни акаларига ҳам, Олнига ҳам сездиришни истамасди. Бунга қандай журъат этдийкин? У илгарилари

ҳам жуда кўп марта ойдин кечада ёш йигитлар билан қайиқда сузган, аммо ҳеч қачон бундай ҳодиса рўй бермаган эди. Ҳатто, бунақа истак туғилмаган ҳам эди унда. Қиз уйғониб келаётган бу аёллик туйғусидан хижолат тортар ва қўрқарди. У Мартинга ўғринча қараб қўйди. Мартин бу пайт шамол йўналишини ўзгартириш билан банд эди; шунда Руфъ, ўзини бундай бемулоҳаза ва беҳаёй йўлга бошлаган Мартиндан нафратланишга ҳам тайёр эди. Ҳа, уни шу йўлга бошлаган Мартин Иден эди! Балки онаси ҳақдир, чиндан ҳам жуда тез-тез учрашяптилар. Руфъ шу заҳотиёқ, энди бу ҳеч қачон такрорланмайди, деган қатъий қарорга келди. Бундан буён у билан камроқ учрашишга ҳаракат қиласди. Қизнинг қўнглига ҳатто, кези келганда, қайиқнинг чайқалишидан беҳузур бўлиб, ой чиқиши олдидан ўзимни ёмон ҳис қилдим деб ёлғон айтсаммикин, деган бемаъни фикр ҳам келди. Лекин сирни фош этувчи ой бош кўтариши билан, бир-бирларидан нари бурилиб ўтиришганини эслади-ю, Мартиннинг бу баҳонага ишонмаслигини тушунди.

Бундан кейинги кунларда Руфъ боши гангиб юрди; у ўз ҳисларини таҳлил қилишни истамади, ўзига нима бўлганини ва бундан кейин нима бўлишини ўйламай қўйди, у безгак тутгандай қалтираб, табиатнинг гоҳ даҳшатли, гоҳ фусункор сирли даъватига қулоқ соларди. Лекин бир нарсага қатъий қарор қилди-ю, ана шу қарори унга ишонч бағишлади: Мартиннинг муҳаббат изҳор этишига имкон бермаслик керак. Мартин муҳаббатдан сўз очмаса, олам гулистон. Бир неча кундан кейин у дениз сафарига жўнаб кетади. Агар борди-ю, ишқ ҳақида оғиз очса ҳам, ҳеч нима бўлмайди.

Ахир Руфъ уни севмайди-ку. Түгри, ўша ярим соатлик вақт Мартин учун жуда қиийин, қиз учун анча мушкүл бўлади, чунки Руфъ умрида биринчи марта муҳаббат изҳор қилаётганлари ни эшитади. Ёлғиз шу фикрнинг ўзидан юраги қувончга тўлди. У ҳақиқий аёл бўлди, эркак унга муҳаббат изҳор қилаяпти. Унинг жисмидаги жамики аёллик хислатлари эркакнинг даъватига «лаббай» деб жавоб беришга тайёр эди. Бутун вужуди жимиirlаб кетди, миясида ҳамон бир фикр, худди чироқ атрофида учган парвона янглиғ зўр бериб айланарди. У хаёлга жуда берилиб кетиб, Мартиннинг унга расмий суратда муҳаббат изҳор этишини тасаввур қила бошлади; қиз Мартинни гапиртириб, ўзи унга такрор-такрор рад жавобини берарди, рад жавоби бераркан, Мартиннинг олийжаноблигидан фойдаланиб ўз жавобини имкони борича, мулоимроқ изҳор этишга уринарди. Даставвал у чекишни ташлаши керак. Буни қиз жуда қатъий талаб этади. Йўқ, йўқ, Мартиннинг муҳаббат ҳақида оғиз очишига асло йўл қўймайди. Бу унинг қўлидан келади, кейин шундай қиласман деб онасига ҳам сўз берган. Юзлари қизарган ва бутун вужудини титроқ босган Руфъ ман этилган фикрларни мингминг афсус-ла хаёлидан қувиб чиқаради. Илк муҳаббат изҳор этишни ҳам қулайроқ вақтга, муносиброқ йигит билан учрашгунча, кейинга қолдиришга тўғри келади.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Илиқ ва ҳузурбахш ажойиб кунлар бошланар, эрта куз пайларида Калифорнияда бундай кунлар кўп бўларди; бундай пайтда қуёш

гүё тутунга буркангандай туюлади, кучсиз эсган шабада мудраб ётган ҳавони зўрға тебратади. Худди ранг-баранг иплардан тўқилгандек кўкиш туман дўнгликлар орасига яширинган; кўрфазнинг нариги соҳилида эса Сан-Франциско шаҳри туман ичида ястаниб ётарди. Кўрфаз эритилган металл сингари яраклар, унинг сатҳида онда-сонда, гоҳ қилт этмай турган, гоҳ оқимга қараб сустлик билан сузиб бораётган кемаларнинг елканлари оқариб кўринарди. Узокда, кумуш ранг туман ичида Тамальпайс чад кўтартган, Олтин Қопқа ботиб бораётган қуёш шуъласида чиндан ҳам олтиндек товланарди, унинг нарёфида эса поёни йўқ Тинч уммони кўзга ташланар эди; уммон уфқларида кириб келаётган қишининг илк хабарчилари – қуюқ булатлар тўдаланган эди.

Ёзниңг кетар чоғи эди. Лекин у бу дўнгликлар орасида юриб, кетишни пайсалга солар, водийларда бинафша ранг кўланкаларни қуюқлаштирап ва ўзининг умр кечирганидан, ҳаётининг самарали ўтганидан кўнгли тўлиб, ҳоргинликнинг сурма ранг кафанига ўралганича, сокин ва хотиржам жон берарди. Мартин билан Руфъ ўз севимли тепаларининг ён бағрида, бошларини китоб сахифасига эгиб, ёнма-ён тиқилишиб ўтиришарди; Мартин унга Браунингни севган аёлнинг ишқий шеърларини овоз чиқариб, ўқирди; у аёл шоирни шундай қаттиқ севган эдики, бундай севги камдан-кам аёлларда учрайди.

Бироқ мутолаа секин борарди. Сўниб бораётган табиат гўзаллигининг жозибаси ниҳоятда кучли эди. Йилнинг олтин фасли, худди гуноҳ қилишга пушаймон бўлмаган гўзал хоним

сингари, қандай яшаган бўлса, шундай ўлаётган эди, теварак-атрофдаги ҳавонинг ўзи ҳам ширин хотиралардан хумор бўлиб, ҳолсизлангандек туюларди. Бу ҳолсизлик Мартин билан Руфнинг қонига сингиб, уларнинг иродасини бўшаштирап, фикр ва қарорларини камалак ранг туман билан чулгарди. Мартин бу ҳолсизлик туйгусини қайтара олмас, баъзан ўзини илиқ тўлқинга гарқ бўлгандай ҳис қиласади. Уларнинг бошлари бир-бирларига жуда яқин келди, Руфнинг соч толалари тасодифан эсган шабададан Мартиннинг ёноғига тегиб кетганда, китобдаги сатрлар йигитнинг кўз олдида жимирашиб кетди.

Мартин янгилишиб кетиб, ўқиётган ерини йўқотиб қўйганда:

– Назаримда, нима ўқиётганингизни ўзингиз эшитмаётганга ўхшайсиз, – деди Руфъ.

Мартин чақнаб турган кўзларини қизга тикиди, лекин сир бой бермасдан жавоб қилди:

– Сиз ҳам эшитмаяпсиз. Охирги сонетда нима ёзилган эди?

– Билмайман, – деб қулиб юборди Руфъ. – Эсимдан чиқиб қолди. Энди ўқимай қўя қолайлик. Ҳаво жуда ҳам ёқимли.

– Энди биз анча вақтгача бирга сайр қилмаймиз, – деди Мартин жиддий оҳангда. – Ҳўв ана у ёқда, уфқда бўрон кўтариляпти.

Китоб унинг қўлидан сирғалиб тушиб кетди, энди улар ҳеч нарса кўрмайтган хаёлчан кўзларини мудроқ босган кўрфазга тикиб, жим ўтирадилар. Руфъ Мартиннинг бўйнига кўз қирини ташлаб қўйди. Ернинг тортиш кучи қонунидан ҳам кучлироқ, тақдири азалдек қудратли бир куч бирдан қизни ўзига торта бошлади. У

елласини Мартиннинг елласига тегизиш учун атиги бир энликкина энганиши керак эди, бу ҳол унинг ихтиёрисиз содир бўлди. У гўё капалак гулга тегиб ўтгандай Мартинга елласини хиёлгина тегизиб қўйди, тегди-ю, шу заҳоти Мартиннинг ҳам унга айнан шундай енгил тегиб қўйганини, яна шу заҳоти Мартиннинг бутун вужудида титроқ турганини ҳам ҳис қилди. Руфъ дарҳол ўзини четга суриши керак эди. Аммо у энди ўзини идора қила олмай қолди. У нимаики қиласа, ҳаммасини бехосдан, гайриихтиёрий равищда қиласади, хуллас, у шодиёна телбалик ҳиссига берилиб, энди ҳеч нарсанинг ташвишини қилмай қўйган эди.

Мартин иккиланиб туриб, қўлини узатди ва Руфнинг белидан қучоқлади. Қиз вужудини ўртаб юборган лаззат билан кутар, лекин нимани кутаётганини ўзи ҳам билмас эди; унинг дудоқлари қовжираб кетди, юраги қаттиқ-қаттиқ урап, қони ўт бўлиб жўшарди. Мартин уни яна қаттиқроқ қучоқлай бошлади, у Руфни секин-секин, жуда эҳтиётлик билан ўзига тортарди. Қизнинг ортиқ кутишга тоқати қолмади. У энтикиб хўрсинди-да, гайриихтиёрий ҳаракат билан бошини йигитнинг сийнасига қўйди. Мартин шу заҳоти бошини эгди-ю, дудоқлар дудоқларга туташди.

Бу муҳаббат бўлса керак, деб ўйлади Руфъ бир зумгагина ҳушига келиб. Агар муҳаббат бўлмаса ўта шармандалик. Албатта, бу фақат муҳаббат эди. У белидан қучиб, лабларини унинг лабларига туташтирган бу одамни севади. Қиз беихтиёр ўз вазиятини яхшиламоқчи бўлгандай ҳаракат қилиб, йигитнинг пинжига яна суқилди, кейин бирдан, унинг қучоғидан

деярли отилиб чиқди-да, ўзини йўқотиб, қатъийлик билан Мартин Иденнинг қуёшда қорайган бўйнига қўллари билан маҳкам чирмасиб олди. Қаноатланган орзу қувончи шу қадар кучли, шу қадар ширин эдики, Руфъ шу оннинг ўзида эшитилар-эшитилмас бир инграб ҳушидан айрилиб, Мартиннинг кўксига бошини қўйди.

Яна анча вақтгача оғизларидан бир оғиз ҳам сўз чиқмади. Мартин икки марта энгашиб, қизни ўпди, ўпаркан, ҳар гал қизнинг дудоқлари қўрқа-писа Мартиннинг лаблари сари тал-пинар, сийнаси эса ғайрииҳтиёрий равишда янада қулайроқ вазиятга тушишга уринарди. Қизнинг Мартиндан ажralишга мадори йўқ эди, Мартин эса уни жимгина қучоқлаб ўтириб, кўрфазнинг нариги соҳилидаги улкан шаҳарга тикилар, аммо қўзлари ҳеч нимани кўрмасди. Бу гал унинг кўз олдида ҳеч қандай лавҳалар намоён бўлмади. У фақат шу ажойиб кун сингари иссиқ, ўз муҳаббати сингари алангали ранглар ва чароғон шуълаларни кўрди. У Руфга энгашди, Руфъ гап бошлади:

– Мени қачондан бери севасиз? – пичирлаб сўради қиз.

– Сизни қўрганим биринчи куни, биринчи дақиқадан бери. Ўша вақтдаёқ сизни севиб қолган эдим, ўшандан бери тобора яна қаттиқроқ сева бошладим. Энди эса яна ҳам кучлироқ севаман, азизам. Мен девона бўлиб қолдим. Бу баҳтдан бошим гангид қолди.

– Мартин... азизим? Аёл бўлиш қандай яхши, – деди қиз чуқур бир тин олиб.

Мартин уни яна маҳкам қучоқлади, сўнг оҳистагина сўради;

– Сиз-чи, сиз биринчи марта қачон сезган эдингиз?

– О, буни мен аллақачон, деярли ўша заҳоти-ең сезганман.

– Бундан чиқди, мен кўршапалак сингари кўр эканман-да! – деб Мартин қичқириб юборди, унинг оҳангига ўкинч бор эди. – Мен буни ҳозиргина, сизни ўпган пайтимда сездим.

– Мен ундей демоқчимасдим. – Қиз хиёлгина сурилиб Мартинга тикилди. – Мени севишин-гизни кўпдан бери сезганман демоқчийдим.

– Ўзингиз-чи? – деб сўради йигит.

– Мен севишимни бехосдан пайқаб қолдим.

– Қиз жуда оҳиста гапира бошлади, кўзлари туманланиб, илиқ бир ифода касб этгандай бўлди, ёноқларига қизил югурди. – Токи сиз мени... Кучоқламагунингизча тушунмаган эдим. Ке-йин, мен шу дақиқагача ҳеч қачон сизга хотин бўлишни ўйламаган эдим, Мартин, нима билан мени мафтун этдингиз?

– Билмадим, – деб жилмайди Мартин, – ўз муҳаббатим билан бўлса керак-да. Менинг муҳаббатим наинки аёл кишининг юрагини, ҳатто тошни ҳам эрита олади.

– Буларнинг ҳаммаси мен тасаввур қилган муҳаббатга ҳеч ҳам ўхшамайди, – деди гангби қолган Руфъ.

– Сиз уни қандай тасаввур қилган эдингиз?

– Унинг бунақа эканлигини ўйламаган эдим.

Руфъ Мартиннинг кўзларига бир он тикилиб турди-да, сўнг ерга қараб деди:

– Мен ҳеч нарсага тушунмас эканман.

Мартин Руфни яна бағрига босиб қучоқла-гиси келди, лекин уни чўчитиб юборишдан қўрқиб тараддувланиб қолди, фақат қизнинг

белидан қучиб турган қўли беихтиёр титраб кетди. Шунда қизнинг ўзи унга талпинди-ю, дудоқлари бир-бирига туташиб, бир-бирларидан узоқ бўса олишди.

– Ота-онам нима деркин энди? – деди бирдан қиз ташвишга тушиб.

– Билмадим. Лекин буни билишимиз қийин эмас.

– Ойим рози бўлмаса-чи. Унга айтишга сира ҳам тилим бормайди.

– Келинг, мен айтай, – дадиллик билан таклиф этди Мартин. – Негадир, назаримда, ойингиз мени унча хуш кўрмайдиганга ўхшаб туюлади, лекин ҳечқиси йўқ. Унинг кўнглини олиш иложини топаман. Сизнинг кўнглингизни ола олган одам ҳар қандай одамнинг ҳам кўнглини ола билади. Агар бу режамиз амалга ошмаса...

– Унда нима бўлади?

– Биз барибир ажралмаймиз. Аммо онангизнинг рози бўлишига менинг имоним комил. Онангиз сизни жудаям яхши кўради.

– Ойимнинг юрагини ёриб юбормасам деб қўрқаман, – ўйчан бир вазиятда деди Руфъ.

Мартин, оналар юраги осонликча ёрилавермайди, деб айтмоқчи бўлди-ю, лекин унинг ўрнига:

– Аммо муҳаббат дунёда энг улуғ нарса! – деди.

– Биласизми, Мартин, мен баъзида сиздан қўрқаман. Сизнинг кимлигингизни, илгари ким бўлганингизни ўйласам, ҳозир ҳам қўрқаман. Сиз мен билан жуда-жуда яхши муомалада бўлишингиз керак. Шуни унутмангки, мен, очифини айтганда, ҳали гўдакман! Мен ахир ҳали ҳеч кимни севмаганман!

– Мен ҳам. Икковимиз ҳам гүдакмиз. Икковимиз ҳам ниҳоятда бахтиёрмиз. Ахир илк муҳаббатимиз икки ёқлама бўлиб чиқди!

– Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, – деб бирдан қичқириб юборди Руф тез ва кескин ҳаракат билан унинг қучоғидан отилиб чиқаркан, – негаки сиз... Ахир сиз матрос бўлган-сиз-ку, матрослар эса, мен биламан...

Руфъ индамай қолди.

– Ҳар қайси портда хотин олишга одатланиб қолишган, – деб Руфнинг гапини тугаллади Мартин. – Сиз шундай демоқчимидингиз?

– Ҳа, – деб оҳистагина жавоб қилди қиз.

– Лекин у муҳаббат эмас-ку, – деб қатъият билан эътиroz билдириди Мартин. – Мен кўп портларда бўлдим, лекин то сизни учратгунимча муҳаббатга ўхшайдиган ҳеч қандай ҳисни бошимдан кечирмадим. Биласизми, биринчи марта сизнинг уйингиздан қайтаётганимда, мени сал бўлмаса тутиб олиб кетишмоқчи бўлишган эди.

– Нега тутишади?

– Нега бўларди. Полисмен мени маст деб ўйлади. Мен чиндан ҳам маст эдим... муҳаббатдан маст эдим!

– Лекин биз мавзудан четлаб кетдик. Сиз иккаламиз ҳам гүдакмиз деб айтдингиз, мен эсам бу мумкин эмас дедим. Гап мана шу ҳақда бораётган эди.

– Илгари ҳеч кимни севмаганман деб айтдим-ку, – эътиroz билдириди Мартин, – сиз менинг биринчи, энг биринчи севгилимсиз.

– Барибир матрос бўлгансиз, –деб таъкидларди қиз.

– Шунга қарамай, биринчи марта сизни севдим.

– Дуруст, лекин аёллар... бошқа аёллар ҳам бўлган-ку!.. О! – шунда Руфъ Мартинни қаттиқ таажжубга қўйиб, бирдан юм-юм йифлай бошлади, уни юпатиш учун озмунча бўса олинмади.

Мартиннинг эсига беихтиёр Киплингнинг сўзлари келди: «Лекин асилизода леди билан Жуди ОГреди бошқа жиҳатлардан баравар эдилар». Аслини олганда, бу тўғри фикр, деб ўйлади Мартин, ҳолбуки, у ўқиган романлар бошқача фикр юритишга мажбур этарди. Шу романлар асосида, у юқори табақага мансуб бўлган аёл кишига мушарраф бўлишнинг бирдан-бир йўли – расмий равишда уйланишни таклиф қилиш деб тасаввур қила бошлади. Ўзи ўсиб катта бўлган муҳитда йигит ва қизлар учун ўпиш ва қучоқлашлар оддий бир ҳол эди. Лекин юқори синфнинг назокатли намояндалари орасида бу тарзда муҳаббат изҳор этиш Мартиннинг назарида мумкин бўлмаган бир ҳолдай туюлган эди. Бундан чиқди, романларда ёлғон ёзилган экан. Бу фикр ҳозир исботланди. Бир хилдаги сўзсиз навозиш, ҳам қашшоқ ишчи аёлларга, ҳам юқори табақа қизларига бир хилда таъсир этиши мумкин экан. Уларнинг мавқелари бир-бирига ўхшамаса ҳам, «бошқа жиҳатлардан баробар» эдилар. Агар у Герберт Спенсерни эслаганида эди, бу фикр ўзининг ҳам хаёлига келган бўларди. Шунга кўра Мартин Руфни навозиш ва бўсалар билан юпатар экан, асилизода леди билан Жуда ОГреди, аслини олганда, ҳар жиҳатдан баробар, деган фикрга жон деб қўшилди. Бу фикр Руфни унга яқинлаштирас, унга муюссар бўлишни енгиллаштиради. Руфнинг чиройли бадани ҳам бошқа одамларнинг баданига ўхшарди..

Уларнинг эр-хотин бўлишлари учун файриихтиёрий ҳеч нарса йўқ эди. Улар ўртасида бирдан-бир фарқ синфий фарқ эди, аммо бу ҳам очиғини айтганда, фақат зоҳирий фарқ эди. Бунга парво қилмаса ҳам бўларди. Ахир Мартин қирмизи ранг шоҳона либос кийиш дараҷасигача кўтарилган румолик бир қул ҳақида китобда ўқиган эди-ку. Нега энди у ҳам Руфга мушарраф бўлиш даражасига кўтарила олмасин? Руфъ нечоғлик соғ, маъсума, ўқимишли ва таъби нозик қиз бўлмасин, барибир, у Лизи Конолли каби ва дунёдаги жамики лиззи коноллилар каби оддий бир аёл. Уларга хос бўлган ҳамма хусусият Руфга ҳам хос эди. Руфъ севиши, нафратланиши мумкин эди, эҳтимол, жазаваси тутиб, тўполон қилган пайтлари ҳам бўлгандир; ниҳоят, у рашқ қила олар, Мартиннинг ҳар бир портдаги ўйнашларини ўйлаб, ҳалитдан рашқ қила бошлади ҳам.

– Бундан ташқари, мен сиздан каттаман, – деди бирдан Руфъ Мартиннинг кўзига тикилиб, – мен сиздан уч ёш каттаман.

– Шундай бўлса ҳам, боласиз. Ҳаётий тажрибага бойликда мен сиздан уч эмас, ўттиз уч ёш каттаман, – деб эътиroz билдириди Мартин.

Ҳақиқатда эса, муҳаббат бобида уларнинг иккови ҳам ҳали гўдак эдилар; Руфнинг университет дипломи, илмий даражасини, Мартиннинг фалсафий маълумоти ва машаққатли ҳаёт тажрибасига қарамай, улар ўз туйғуларини гўдакларга ўхшаб нўноқдик ва соддадиллик билан баён этардилар. Улар ботиб бораётган қуёш нурлари оғушида худди ҳақиқий ошиқ-маъшуқалардай сухбатлашиб ўтиришарди; муҳаббатнинг ва уларни бир-бирига қо-

вуштирган тақдирнинг қудратли мўъжизасидан таажжубланишар, бир-бирларини ҳали дунёда ҳеч ким мусассар бўлмаган энг кучли муҳаббат билан севишларига ишонишар эди. Улар муттасил ўзларининг илк учрашувларини эслашар, бир-бирларидан олган таассуротларини қайта тиклашга, ўша пайтда нима ўйлашганини, нимани ҳис қилишганини аниқ эслашга уринишарди.

Фарbdаги булутлар ботиб бораётган қуёшлини ютиб юборди. Уфқ алвон рангга кирди, теварак-атроф ҳам шу алвон рангга бурканди ва Руфъ «Алвидо, баҳтиёр қун» деб оҳиста ашула айта бошлади. У бошини Мартиннинг елкасига қўйиб куйлар, қўллари эса Мартиннинг қўлларида эди, шу чоғ икковлари ҳам бир-бирларининг қалбларини ўз қўлларида ушлаб турар эдилар.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Миссис Морз оналик туйғусидан маҳрум бўлганда ҳам, Руфни кўрган заҳоти нима ҳол юз берганини билиб олган бўларди. Бунинг учун қиз ёноқдариға юргурган қизилликка, ҳам қувонч, ҳам зафар шодлиги акс этиб турган порлоқ кўзларига бир қарашнинг ўзи кифоя эди.

– Нима бўлди? – деб сўради миссис Морз, то қизининг ўрнига кириб ётгунича зўрға сабри чидаб.

Руфъ, ўз навбатида, титроқ овоз билан:

– Сездингизми? – деб сўради.

Она жавоб бериш ўрнига қизини меҳрибонлик билан бағрига босиб, сочини силади.

– У ҳеч нима демади! – деди Руфъ... – Бундай бўлишини мен ҳеч истамаган эдим, гапириши-

га сира ҳам йўл қўймаган бўлардим, лекин у ҳеч нима демади.

– Модомики, у ҳеч нима демаган экан, ҳеч нима рўй бермабди-да?

– Шундай бўлса ҳам, рўй берди.

– Худо ҳақи, эркам, нималар деяпсан ўзинг!

– деди миссис Морз. – Нима гап ўзи? Нима бўлди?

Руфъ онасига ҳайрон қараб қолди.

– Ҳамма гапга тушунгандирсиз деб ўйловдим, – деди қиз. – Биз энди Мартин билан келин-куёвмиз.

Миссис Морз қаҳ-қаҳ уриб кулди, унинг бу кулгисида шубҳа ва таассуф сезилиб турарди.

– Лекин у ҳеч нима демади, – деб гапида давом этди Руфъ. – У мени севади, вассалом. Бу сиз учун нечолик кутилмаган ҳол бўлса, мен учун ҳам худди шундай кутилмаган ҳол. У бир оғиз ҳам сўз айтмади. У шунчаки мени қу-чоқлади-ю, мен... мен эсимни йўқотиб қўйдим. У мени ўпди, мен ҳам уни ўпдим... Ўзга иложим йўқ эди. Мен уни ўпишшим керак эди. Ана ўшанда уни севишимни англаб қолдим.

Руфъ онасининг эркалашини кутиб, жим қолди, аммо миссис Морз жаҳл аралаш сукут қўйнида эди.

– Албатта, ўзим ҳам тушуниб турибман, хунук иш бўлган, – нафаси ичига тушиб яна гапида давом этди Руфъ. – Мени афв эта олармикинсиз, билмайман. Лекин бошқа иложим йўқ эди. Мен ўша дақиқагача уни севишимни билмаган эдим. Фақат энди отамга ўзингиз айтинг.

– Балки отангга билдирмай қўя қолганимиз маъқулдир? Мартин Иден билан ўзим гап-

лашиб, унга ҳамма гапни тушунтираман. У тушунади, берган ваъдасидан воз кечади.

— Йўқ, йўқ, — деб қичқириб юборди Руфь дарров. — Унинг мендан кечишини истамайман. Мен уни севаман, севиш жуда яхши бўларкан. Мен унга турмушга чиқаман, агар розилик берсанглар албатта.

— Руфъ, тасаддуғим, отанг икковимизнинг сен тўғрингда бошқа режаларимиз бор... Йўқ, йўқ, йўқ, биронтага зўрлаб эрга беришаркан деб хаёлингга ҳам келтирма. Биз шунчаки сен ўз муҳитимиздан биронта нуфузли ва обрўли, чинакам жентльмен кишини ўзинг танлаб, ўзинг севиб турмушга чиқишингни истардик.

— Ахир мен энди Мартинни севаман-ку, — деди Руфъ мунгли овоз билан эътиroz билдириб.

— Ўзинг куёв танлашингга асло тўсқинлик қилмоқчи эмасмиз, лекин сен бизнинг фарзандимизсан, шунинг учун бундай одамга турмушга чиқишингга йўл қўя олмаймиз. У сенинг жамики латофату назокатли муомалангга қўполлик ва адабсизлик билан жавоб беради. У асло тенгинг эмас. Ҳатто сени боқишига ҳам қурби етмайди. Биз бойликнинг кетидан қувадиган одамлар эмасмиз, лекин эр деган хотинининг бекаму кўст ва фаровон яшашига имкон туғдира олиши шарт; шунинг учун ҳам қизимизнинг ялангоёқ, муттаҳам, матрос, ковбой, контрабандачи ва худо билсин яна алланима бало бўлган одамга эмас, балки у билан роҳату фароғатда яшай оладиган кишига турмушга чиқишини истаймиз. Бунинг устига, Мартин Иден ўлгудек енгилтак, ҳеч масъулиятни сезмайдиган одам.

Руфъ онасининг ҳақ гапираётганини эътироф этиб, лол қолди.

— У вақтини бўлмагур ёзув-чизув билан ўтказиб юрибди, ҳатто энг лаёқатли ва маълумоти зўр кишилар ҳам камдан-кам эриша оладиган нарсага эришмоқчи. Уйланишни кўнглига олган одам сал-пал уйланиш тараддудини кўради-да, ахир. У бўлса парвойи фалак. Биламан, сен ҳам бу фикримга қўшиласан, ҳали айтганимдек, унда масъулият ҳисси йўқ. Қаёқдан ҳам бўлсин унда? Ҳамма матрослар шунаقا. У ҳеч қачон тежамли бўлмаган, ўзини тута билмаган. Орқа-ўнгига қарамасдан харажат қилишта одатланиб қолган, бу унинг суюк-суюига сингиб кетган бўлса керак. Албатта, бунга у айбдор эмас, лекин бу билан масала ўзгармайди. Сен унинг аввалги ҳаёти – ишратпараматлик ва ахлоқсизлик билан ўтган ҳаёти ҳақида ўйлаб кўрдингми, у албатта шу зайлда кун кечирган. Сен никоҳ нималигини биласанми, қизим?

Руфъ бир сесканиб кетиб, ўзини онасининг пинжига урди.

— Ўйлагандимки... – Руфъ муносиб сўз ахтариб анча вақт жим қолди. – Бу даҳшат, албатта. Бу ҳақда ўйлаш мен учун жуда оғир. Мұҳаббатим бошимга битган бало эканлигини сезиб турибман, лекин ўзимга ўзимнинг кучим етмайди. Сиз дадамни севмаганлигиниз мумкинми? Мен ҳам шу аҳволга тушганман. Унда ҳам, менда ҳам қандайдир бир нарса бор – шу қунга қадар буни тушунмаган эканман, лекин бу шундай нарсаки, уни севишга шу нарса мажбур этяпти мени. Уни севиб қоламан деб ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим, аммо мана, севиб қолдим, – деб шодиёна бир оҳангда гапини ту-

галлади Руфь. Сұхбат алламақалгача давом этган бўлса ҳам, ҳеч натижа бермади, ниҳоят улар ҳеч қандай тадбир қўлламасдан, бир оз вақт сабр қилиб туришга қарор қилдилар.

Бир соатдан кейин миссис Морз ўз найрангинг кутилмаган натижа берганини айтиб, қандай қарорга келишганини эрига айтиб берган эди, мистер Морз ҳам бу қарорни маъқул топди.

– Шундай бўлиши муқаррар эди, – деди мистер Морз, – чунки қизимиз шу матросдан бошқа биронта эркак билан яқин муносабатда бўлган эмас. Бир кун эмас-бир кун унда аёллик ҳисси уйғониши керак эди. Уйғонди ҳам, аммо, мана оқибат, қизимиз келиб-келиб шу бебошни севиб қолибди – Турган гапки, Руфь уни бирпасда севиб қолган ёки ҳеч бўлмаганда, севаман деб ўзини ўзи ишонтирган – аслини олганда, униси ҳам, буниси ҳам бир гўр.

Миссис Морз Руфнинг истакларига тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатишдан кўра, унга бошқача йўл билан таъсир этмоқчи бўлганини айтди. Бунинг учун вақт етарли, чунки Мартин ҳозир уйланиш тўғрисида ўйлай олмайди ҳам.

– Майли, Руфь у билан истаганича учрашаверсин, – деган қарорга келди мистер Морз. – Мартинни қанча яхши билса, шунча тез ундан кўнгли совиди. Кейин шундай қилиш керакки, қизимиз у йигитни бошқа бирон одам билан таққослаб кўрсин. Уйимизга юқори табақа ёшларидан, маданиятли ва баодоб йигит-қизлардан, чинакам жентльменлардан тез-тез таклиф этиб туриш керак. Шулар олдида Мартин бутунлай бошқача бўлиб кўринади. Руфь унинг асл қиёфасини ана ўшандада кўради. Ундан кейин, ахир у ҳали гўдак бола-ку. Энди

йигирма бирга кирди. Руфъ ҳам ҳали ёш. Бу болалик ҳаваси, вақти келиб унутилиб кетади.

Улар шу қарорга келишди. Ўз оила аъзолари ўртасида Мартин билан Руфъ унаштирилган деб эътироф этилди-ю, аммо ҳеч кимга овоза қилинмади. Ота билан она бунинг кераги ҳам йўқ деган фикрда эдилар. Унашиш муддатининг жуда узоққа чўзилиши ўз-ўзидан маълум эди. Мартинга ўз турмуш тарзини ўзгартириши ва биронта жиддий иш билан шуғулланиши зарурлиги ҳақида ҳеч нима дейишмади; ёзувчиликни тарк этинг, деб унга ҳеч ким маслаҳат ҳам бермади. Унинг ҳаётда муваффакият қозонишига қўмаклашиш бу оила аъзоларининг ниятида йўқ эди. Мартин бўлса, ўз бадҳоҳдари-нинг тегирмонига сув қўйиш билан овора эди, чунки у жиддийроқ бир машғулот ахтариб то-пиш ҳақида мутлақо бош қотирмасди.

– Билмадим, менинг ташаббусим сизга маъқул бўлармикин, – деди Мартин Руфга орадан бир неча кун ўтгач, – опамнинг уйида туриш менга қимматга тушиб кетяпти, шунинг учун алоҳида яшамоқчиман. Мен Шимолий Окленддаги сокин бир уйдан бир хонани ижарага олдим, керосинка ҳам сотиб олдим, ўзим овқат пишираман энди.

Руфъ севиниб кетди. Айниқса, унга керосинка ёққан эди.

– Мистер Бэтлер ҳам шундан бошлаган эди, – деди у.

Мартин муҳтарам жентльменнинг исми шарифини эшитиб, қовоқларини уйди ва гапида давом этди:

– Мен ҳамма қўлёзмаларимга маркалар ёпишириб, яна таҳририятларга жўнатиб юбордим.

Бугун янги квартирага күчиб ўтаман-да, эртадан иш бошлайман.

Руфь бу шодиёна хабарга жон-тани билан хайрихоҳлик билдиаркан:

– Хизматга кирибсиз-да! – деб қичқириб юборди ва табассум билан унга яқин келиб, қўлини маҳкам қисди. – Нега энди менга ҳеч нима демадингиз? Қандай хизмат ўзи у?

Аммо Мартин бошини сарак-сарак қилди.

– Мен эртадан бошлаб яна ёзишга киришман демоқчи эдим. Қизнинг чаккаси тиришди, Мартин шоша-пиша гапини давом эттириди: – Гапимга тўғри тушунинг. Бу сафар мен ширин хаёлларга берилмайман. Мен энди, ёлғиз моддий аҳволни яхшилаш учун жиддий ишлаш ниятидаман. Яна денгиз сафарига жўнагандан шу маъқул, оклендлик оддий хизматчига қараганда хийла дурустроқ пул топаман деб ўйлайман. Кейинги ойлар ичida қўп нарсалар устида бош қотирдим. Мен аравага қўшилган отек ишлаганим йўқ, деярли ҳеч нима ёзганим ҳам йўқ, ёзган бўлсам ҳам, матбуот учун ёзмадим. Бутун вақтимни сизни севишга ва турли-туман нарсалар устида мулоҳаза юритишга бағишладим. Тўғри, баъзи нарсаларни ўқиб турдим, лекин у ўқиганларим – асосан, журналлар – менинг мулоҳазаларим билан бевосита алоқадор эди. Мен ўзим тўғримда, дунё ҳақида, дунёда тутган мавқеим ҳақида ва сизга манзур бўладиган мартабага эришиш учун қандай имкониятларга эга эканлигим ҳақида ўйладим. Бундан ташқари, мен Спенсернинг «Услуб фалсафаси»ни ўқиб чиқдим; у китобда менга, аниқроғи, менинг ёзувчилик фаолиятимга, шунингдек, ҳар ойда журналларда бо-

силаётган асарларга бевосита алоқадор бўлган жуда кўп ажойиб фикрларни учратдим. Мана шуларнинг ҳаммаси натижасида, яъни, ўй-мулоҳазалар, мутолаалар ва сизга бўлган муҳаббатим натижасида шундай қарорга келдим: адабиётни касб қиласман. Дурдона асарлар ёзишни вақтинча тарк этиб, ҳар хил олди-қочди нарсаларни; фельетонлар, латифалар, кундалик ҳаёт ҳақида кичик шеърлар, ҳажвиялар, хуллас, нимага талаб бор бўлса, шуни ёзаман. Ахир, газеталарга, юмор саҳифаларига, якшанбалик иловаларга материал ҳозирлаб берадиган адабиёт агентликлари мавжуд-ку. Мен уларга нима керак бўлса шуни ёзаман, сизни ишонтириб айтаманки, бу ишдан чакана пул топмайман. Ойига тўрт юз, ҳатточи беш юз доллар ҳам туширадиган азаматлар бор. Мен уларга ўхшамоқчи эмасман; лекин ҳар ҳолда нон пулимни топиб тураман, ундан кейин ўз ишим билан шуғуланишимга ҳам, ўқишимга ҳам вақтим бўлади; ҳолбуки, ҳеч қандай хизматда ҳам менинг ўқишимга имкон туғилмайди. Мен чинакам асарлар устида ҳам секинаста қалам тебратаб бошлайман, ҳам ўқийман, ҳам чинакам ишга ҳозирлик кўраман. Биласизми, ҳозир мен қанчалик илгарилаб кетганимни кўриб, ўзим ҳам ажабланаман. Мен қўлимимга биринчи марта қалам олганимда, очиғи, нима тўғрида ёзишни билолмай бошим қотган эди. Ҳар хил ҳодисалар ҳақида уларнинг асл моҳиятини мукаммал тушунмасдан туриб ёза-верардим. Менда ҳеч қандай ғоя, ҳеч қандай мулоҳаза йўқ эди. Фикр юритишм учун ҳатто сўз ҳам тополмасдим. Бошимдан кечирган нарсаларнинг ҳаммаси кўз олдимда маъносиз

лавҳалар бўлиб қаторлашиб турарди. Лекин мен кўп ўқиб, сўз бойлигимни орттирганимдан кейин, ўша лавҳаларнинг ҳаммасида илгари мен пайқамаган жуда кўп нарсаларни кўра бошладим. Ана шундан кейин ҳақиқий асарлар ёза бошладим: Мен «Саргузашт», «Қувонч», «Қозон», «Ҳаёт шароби», «Қувноқ кўча», «Муҳаббат сонетлари» ва «Денгиз қўшиқдари»ни ёздидим. Мен бу сингари ва булардан ҳам анча яхшироқ асарларни яна кўп ёзаман, лекин улар билан фақат бўш вақтларимда шугулланаман. Энди мен ортиқ ҳавоийлик қилмайман. Аввалига, нон пули топиш учун қора иш билан шугулланаман, сўнг дурдоналар ёзишга киришаман. Кеча кечқурун, ўзимнинг ҳақлигимни атайлаб сизга исбот қилиш учун, ҳафталик юмористик газеталар учун беш-олтита майда-чуйда нарса ёзив қўйдим, ётиш олдидан эса ҳазиломуз термалар ёзишда ҳам қуч синаб кўриш хаёлимга келиб қолди-ю, бир соатча вақт ичида бир эмас, тўрт терма ёзив ташладим. Ҳар бир бандига бир доллардан олиш мумкин. Иш орасида, уйқуга ётар пайтда тўрт доллардан ишлаб туриш чакки эмас, албатта. Тўғри, бундай ишнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Бу зерикарли ва бир хил иш, лекин умрбод конторада ўтириб, ойига олтмиш доллардан маош олиб, кети узилмайдиган рақамларни дафтарга кўчириш билан овора бўлишдек зериктирадиган иш эмас. Бунинг устига, бу иш ҳар ҳолда адабиётга алоқадор ва ҳақиқий асарлар ёзишимга имкон туғдиради.

– Лекин ўша ҳақиқий асарларни, дурдана асарларни ёзишингиздан нима наф? – деб сўради Руфъ. – Барибир, уларни сота олмайсиз-ку!

– Ундей деманг... – деб гап бошлади Мартин.

Руфь унинг гапини бўлди:

– Ҳозир ўзингиз санаб ўтган ва ўзингизга жуда ҳам ёқсан асарларингиздан ҳалигача бирон сатрини ҳам сота олмадингиз-ку. Биз ҳеч ким сотиб олмайдиган дурдона асарларга орқа қилиб турмуш қура олмаймиз.

– Унда ҳамма сотиб оладиган лапарларга орқа қилиб турмуш қуришимиз мумкин, – деди Мартин ўжарлик билан ва Руфни қучоқлади. Лекин ҳозир Руфнинг эркаланишга ҳуши йўқ эди, – мана, эшитинг, – деди Мартин атайлаб шўх оҳангда, – буни санъат деб бўлмайди-ю, пул ишласа бўлади:

*Йўқлигимда бир жўрам
Ақчага бўлиб муҳтож,
Қарз сўраб кепти атай.
Тополмай қилиб алам,
Жўрам тушкур ноилож,
Сўккан эмиш пайдар-пай.
Уйда йўқ бўлган эсам,
Дардини қайдан билай!..¹⁶*

Шеърнинг шўх, ўйноқи ритми Мартиннинг тобора кўпроқ саросимага туша бошлаган чехраси билан ҳамоҳанг эмасди. Руфь ҳатто кулимсирамади ҳам. У Мартинга хомуш тикилиб ўтиради.

– Балки бу термангизга бир доллар беришар ҳам, – деди қиз, – лекин у циркдаги масҳарабознинг даромадига ўхшайди. Бу билан ўзингизни камситасиз-ку, нега тушунмайсиз, Мартин! Мен ўзим ҳурмат қилган суюкли ёримнинг қо-

¹⁶ Романдаги шеърларни З.Обидов таржима қилган.

фияли бемаъни шеърлар ёзгандан кўра, бирмунча жиддийроқ ва ўзига муносиб иш билан шуғуланишини истардим.

– Сиз унинг мистер Бэтлерга ўхшашини истармидингиз? – деб сўради Мартин.

– Биламан, сиз мистер Бэтлерни ёқтирмайсиз, – деб гап бошлади қиз.

– Мистер Бэтлер – ажойиб одам, – деб Мартин унинг сўзини бўлди. – Унинг овқат ҳазм қиолмайдиган меъдасидан бошқа ҳамма томони яхши. Лекин, очиги, ҳайронман, нима учун шеър ёзиш машинкада ёзишдан ёки конторада ёзув-чизув билан шуғуланишдан кўра ёмон экан? Униси ҳам, буниси ҳам мақсадга эришиш учун бир восита, холос-ку. Сиз дастлабки пайлардан ҳар турли контора дафтарлари устида ивиришиб ўтиришимни ва ниҳоят, биронта адвокат ёки тожир бўлиб чиқишимни истайсиз. Мен эса газеталарга майда-чуйда нарсалар ёзишдан бошлаб, оқибат йирик адиб бўлишни истайман.

– Бунинг фарқи бор, – деб таъкидлай бошлади Руфъ.

– Қандай фарқ?

– Чунончи, сиз ўзингиз муваффақиятли чиққан деб ҳисоблаган асарларингизни ҳам ҳеч сота олмаяпсиз. Ахир сиз жуда кўп маротаба уриниб кўрдингиз, аммо муҳаррирлар ҳеч нимангизни сотиб олмаяптилар.

– Менга муҳдат беринг, азизам, – деди Мартин ёлворувчи оҳангда. – Бу фақат вақтинчалик иш, мен уни жиддий иш деб ҳисобламайман. Менга икки йил муҳдат беринг. Шу икки йил ичида албатта муваффақиятга эришаман, ўшандаги асарларим талаш бўлиб кетади. Нима деётганимни яхши биламан. Мен ўзимга ишо-

наман, қўлимдан қандай ишлар келишини яхши биламан. Мен адабиёт нима эканлигини тушунаман, нўноқ ёзувчилар газета ва журнал саҳифаларини қандай ярамас нарсалар билан тўлдираётганини ҳам биламан. Шунинг учун аминманки, икки йилдан кейин мен муваффақият ва шон-шуҳрат йўлига тушиб оламан. Лекин хизматга кириб, ҳеч кўтарила олмайман. Ундаи ишга ҳушим йўқ. Негадир, назаримда, зерикарли, бачканা, тутуруқсиз ва маъносиз бўлиб туюлади. Ҳар қалай, мен ундаи ишга ярамайман. Мен ҳеч қачон конторанинг оддий ходими лавозимидан нарига ўта олмайман, аммо биз контора ходимининг арзимас маоши билан баҳтиёр кун кечира олармидик? Мен дунёнинг энг ажиг ноз-неъматлари билан сизни таъминлаш орзуидаман ва ҳар на бўлганда ҳам орзумга эришаман. Эришмай қўймайман! Машҳур ёзувчи пул топишда мистер Бэтлерга ўхшаганларнинг ўнтасини йўлда қолдириб кетади. Биласизми, «яхши тарқалган» китоб муаллифга эллик минг доллар, ҳаттоқи юз минг доллар ҳам келтириши мумкин. Баъзан ундан бир оз кўпроқ, баъзан бир оз камроқ, умуман, ўрта ҳисобда шунга яқин пул туширади.

Руфъ сукут сақлаб ўтиради. У жуда хафа эди, хафа бўлганини яширмоқчи ҳам эмасди.

– Хўш, ёмонми? – деб сўради Мартин.

– Менинг умид ва режаларим тамомила бошқа эди. Машинкада ёзишни биласиз, шунинг учун стенографияни ҳам ўрганиб олиб, дадамнинг конторасига ишга кирсангиз яхши бўларди деб ўйловдим, ҳозир ҳам шу фикрдаман. Сиз жуда истеъдодли одамсиз, ажойиб ҳукуқ-шунос бўлиб чиқишингизга ишончим комил.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Руфъ Мартиннинг ёзувчилик қобилиятига ишонмаса ҳам, Мартин уни бояги-боягидай севиб эъзозлайверди. «Таътил» пайтларида Мартин ўзи ҳақида кўп ўйлади ва ўз ҳиссиётларини таҳдил қилди. Гўзаллик унинг учун шону шуҳратдан ҳам қимматроқ эди, бунга у қатъий ишонч ҳосил қилганидан кейин фақат Руфъ учун шуҳрат қозонишни истарди. Шу Руфъ деб у шуҳрат қозонишга жону дили билан интиларди. У ўз севгилисинг ундан фахрланиши ва уни ўзига муносиб деб топиши учун бутун дунёга машҳур бўлишни орзу қиласади.

Мартин гўзалликни шу қадар севардики, унга хизмат қилишдан завқ оларди. Руфни эса гўзалликдан ҳам ортиқ севарди. У муҳаббатни дунёда энг гўзал нарса деб ҳисобларди. Ахир, Мартинни бесўнақай матросдан мутафаккир ва санъаткорга айлантириб, унинг қалбидаги бундай буюк ўзгариш ясаган шу қиз эмасми? Модомики, муҳаббат Мартинга илм-фандан ҳам, санъатдан ҳам юксак бўлиб туюлган экан, бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Мартин тафаккур бобида ўзининг Руфдан, унинг акаларидан ва отасидан кучлироқ эканини энди англай бошлади. Руфъ университетда таҳсил олган, санъатшунос деган номга сазовор бўлган бўлса ҳам, шу афзаликларига қарамай, бундан бир йил бурун ҳеч нимадан хабари бўлмаган ва мустақил ўқиш билан Мартинчалик дунёни, санъатни, ҳаётни англашни орзу ҳам қила олмас эди. Мартин буларнинг ҳаммасини тушунарди, лекин бу нарса на унинг Руфга бўлган муҳаббатига, на Руфнинг унга бўл-

ган муҳаббатига халал берарди. Муҳаббат ғоят гўзал, ғоят олийжаноб туйфу эдиким, чинакам ошиқ бўлган Мартин бу туйфуни таҳқирлаш мумкин эмас деб ҳисобларди. Руфнинг санъат ҳақида, Франция инқилоби ҳақида ёки умумий сайлов ҳуқуқи ҳақида қандай фикр юритишига муҳаббатнинг нима дахли бор? Буларнинг ҳаммаси ақл-идрок оламига тааллуқдидир, муҳаббат эса ақлдан юксак туради. Мартин муҳаббат туйғусини ерга уролмасди, чунки унга ўзи сажда қиласарди. Муҳаббат ақл-идрок водийси устидаги жуда юксак чўққида маскан қурган эди. У ҳаётнинг жавҳари, ҳаётнинг энг олий шакли бўлиб, ҳар кимга ҳам насиб бўлавермасди. Мартиннинг севимли муаллифларининг фалсафаси унга муҳаббатнинг биологик аҳамиятини очиб берди; лекин Мартин уларнинг асосий қоидаларини ўзича ривожлантиришда давом этиб, инсон организми айнан муҳаббат туфайли ўз бурчини мукаммал оқлади, шунга кўра, муҳаббат ҳаётнинг энг юксак неъмати сифатида ҳеч қандай шартсиз қабул этилмоғи лозим, деган хуносага келди. Мартиннинг тасаввурида ошиқ йигит ҳузур-ҳаловатли ҳаётга йўлланма олган шахс бўлиб кўринар, шунинг учун ҳам унга бу олам неъматлари – бойлик, илм, муваффақият, ҳаттоқи ҳаётнинг ўзини ҳам заррача қадрламайдиган «ошиқи шайдо» бўлган йигит образи ёқарди, негаки у йигит «бўса ола туриб жон бериш» га тайёр эди.

Бундай фикрлар Мартиннинг эсига илгари ҳам келиб турарди, аммо кўпчилигини кеийинчалик ўйлаб топди. Ҳозирчалик эса, қаноат билан ҳаёт кечириб, тинмай ишлар ва фақат Руфь билан учрашиш мақсадидагина машфу-

лотни тўхтатишни ўзига эп кўради. У Мария Сильва исмли португалиялик аёлга квартира ҳақи учун ойига икки ярим доллар тўларди. Хийла шаллақи табиат бу португалиялик аёл бева эди, шунинг учун бир гала бола-чақасини боқаман деб, тиним билмай ишлар, аҳён-аҳёнда қўшни қовоқхонадан ўн беш центга сотиб олган бир шиша нордон вино билан дард-аламини унутмоқчи бўларди. Мартин аввалига бу хотинни ёмон кўриб қолди, айниқса, унинг аччиқ тили фашига тегарди, лекин кейинроқ, бу аёлнинг бир амаллаб кун кўриш учун қанчалик сабр-тоқат билан не-не машаққатларни бошидан кечираётганини кўриб қойил қолди. Унинг уйида ҳаммаси бўлиб тўртта кичик-кичик хона бор эди, шулардан бирини Мартин эгаллади. Иккинчи хона меҳмонхона вазифасини ўтарди, ерга ёзилган олачипор пояндоз бу хонага файз киритиб туради, лекин беканинг ўлган болаларидан бирининг тобутда ётган сурати хонага маъюс тус берарди. Меҳмонхона фақат меҳмонлар учун сақланар, унинг эшиги доим берк бўлар, ўзининг ялангоёқ болалари эса у ерга тантанали кунлардагина киритиларди. Мария овқатни ошхонада пиширап, бутун оила шу ернинг ўзида овқатланар, шу ернинг ўзида Мария кир ювар, дазмоллар, якшанба кунидан бошқа ҳар куни тиним билмай ишларди. У қўшниларнинг кирини ювар, асосий даромад манбаи шу эди. Ётоқхона Мартиннинг хонасига ўхшаш мўъжазгина бўлиб, у ёрда Мариянинг ўзи ҳамда еттита боласи истиқомат қилишарди. Уларнинг ҳаммасини қандай қилиб жойлашишини Мартин асло тасаввур қила олмас эди, кечқурунлари у парда девор

ортидан болаларнинг гурпанглашганини, чумчукларнинг чириллашини эслатувчи қий-чувларини эшпитарди. Мариянинг иккита сигири бўлиб, булар ҳам унинг даромад манбаи эди; Мария уларни ҳар куни эрталаб ва кечқурун соғар, сигирлар майдонда ўтлаб юришар ёки йўл ёқасидаги ўтларни ўгринча чимдиларди. Уй бекасининг иккита жулдуровоқи ўғли сигирларни боқар, бошқача қилиб айтганда, полисменлар кўриб қолмасин учун зийраклик билан атрофга олазарак бўлиб туришарди.

Мартин ўзининг шу тор ҳужрасида ухлар, ўқир, ёзар, ўйлар, рўзгори билан шуғулланарди. Кўча томонга қараган битта дераза олдида овқат столи бўлиб, у айни вақтда ҳам ёзув столи, ҳам кутубхона, ҳам машинка қўйиладиган курси вазифасини ўтарди. Орқа деворга тираб қўйилган каравот хонанинг учдан икки қисми ни эгалларди. Стол ёнида кийим-бош қўйиш учун шкаф бор эди; кўринишидан, бу шкафни ясаган уста унинг харидор учун қулайлигидан кўра қўпроқ оладиган даромадини ўйлаганга ўхшарди; унинг устидан қоқилган юмшоқ фанер тоб ташлаган эди. Бу шкафча ҳужранинг бир бурчагида турарди, бошқа бурчакда эса ўчоқбоши, яъни, совундан бўшаган қути, қути устида керосинка, қути ичида эса товоқ-қошиқ, ошхона анжомлари, қути тепасида озиқ-овқат учун токча, қути ёнида сув солинган челак турарди; хонада сув крани йўқ эди, сув олгани ошхонага чиқиши керак эди. Кўпроқ овқат пиширилган кунлари иссиқ буф хонани тўлдирар, шунда ҳаммадан ҳам шкафчанинг сирти кўпроқ шикаст кўрарди. Мартин велосипедини каравоти тепасига осиб қўйди. Дастребаки

пайтларда уни пастда қолдириб юрди, лекин Сильванинг болалари унинг тепкиларини бураб олиб, шиналарини тешаверишди. Шундан кейин у велосипедни эшик олдидаги бостирма мага қўймоқчи бўлди, лекин бостирма жуда кичкина бўлиб, вилосипедни ёмғирдан сақдай олмасди, шунинг учун Мартин, ниҳоят велосипедни уйига олиб кириб, шипга осиб қўйди.

Деворга ўрнашган торгина шкафда Мартиннинг кийим-бошлари осилиб турар, столда ва стол остида сифмай қолган китоблар ётарди. Мартин мутолаа вақтида янги сўзларни қайд қилишни одат қилган эди, ҳозир қайд дафтарлари шу қадар қўпайиб кетган эдикси, уйининг у бошидан бу бошига арқон тортиб, уларни худди қуритиш учун дорга илинган кирдай тизиб, илиб қўйишга тўғри келди. Натижада уй ичида юриш жуда мушкуллашди. У деворга ўрнашган шкаф эшигини ёпмасдан туриб хона эшигини оча олмасди ва аксинча. Хона ичида тўғри юриб бўлмасди. Остонадан каравот бошига етиб боргунча, жуда мураккаб илон изи йўлни босиб ўтиш керак эди, шунинг учун ҳам Мартин қоронгида албатта битта-яримта нарсага қоқилиб кетарди. Хонага кирадиган эшик билан шкаф эшикчаси очиб ёпилендан кейин, ўчоқ боши вазифасини ўтовчи қутига қоқилиб кетмаслик учун шартта ўнг томонга бурилиш, кейин каравот ёнидан чапга бурилиш керак эди; лекин хиёлгина бўлсин мўлжалдан адашилса, столга бориб урилиш турган гап эди. Шу тарзда моҳирлик билан олға юриб, каналга кириш мумкин эдиким, унинг бир қирғоғи стол бўлса, каравот иккинчи қирғоқ вазифасини ўтар эди. Лекин борди-ю, хонадаги яго-

на курси ўз ўрнида турган бўлса, канал тўси-ларди-қоларди. Шунинг учун курси ишлатилмаган пайтда каравот устига олиб қўйиларди, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Мартин кўпинча овқатни ўтириб пиширади, чунки то сув қайнаб чиққунча ё гўшт қовурилиб бўлгунча, икки-уч саҳифа ўқиб қўярди. Ўчоқбоши банд қилган бурчак шу қадар тор эдики, Мартин ўтирган ўрнида қўл чўзиб, ўзига керакли нарсани олаверарди. Ўтириб овқат қилиш ҳатто қулай ҳам эди: тик турганида ёргуни тўсарди.

Мартин айни вақтда ҳам тўқ тутадиган, ҳам арzon таомларни пиширишни биларди, бундан ташқари, унинг соғлом ошқозони дуч келган ҳамма нарсани ҳазм қилиб юборарди. У истеъмол қиладиган асосий таомлар нўхат шўрва, картошка ва мексикача усуlda пишириладиган йирик-йирик жигар ранг ловия эди. Мартин, қунига бўлмаганда бир марта шундай усталик билан гуруч таом пиширадики, бундай пазандалик биронта ҳам америкалик уй бекасининг қўлидан келмасди. Мартин сариёf ўрнига нон билан мева қоқисини ерди, қоқи ҳўл мевага нисбатан икки марта арzon турагарди. Аҳён-аҳёнда бир бўлак гўшт ёки суяк шўрва пишириб, таомнинг хилини қўпайтиради. Қунига икки марта қаймоқсиз ёки сутсиз қаҳва ичар, кечқурун эса чой ичарди; лекин қаҳва ҳам, чой ҳам ниҳоятда усталик билан дамланарди.

Мартин чор-ночор пулни расамади билан сарфлашга мажбур эди. Кирхонада ишлаб топган пулларининг деярли ҳаммасини таътил вақтида харжлаб бўлди, ўзининг «жўн» асарларини эса жуда узоқларга жўнатган, шунинг учун яна бир неча ҳафтадан кейингина улар-

дан жавоб келиши мумкин эди. У тарки дунё қилган одамдай яшар, фақат опасини бориб кўргани ёки Руфъ билан учрашгани хилватхонасини тарк этарди. У уч кишининг ишини қиласади. Ҳамон бир вақтлардагидек фақат беш соат ухлар ва фақат отдек соғломлиги туфайли ҳар куни ўн тўққиз соат сурункасига оғир меҳнатга бардош берарди. Мартин бир дақиқани ҳам бекор ўтказмасди. У кўзгу роми орқасига баъзи сўзларнинг изоҳдари ёзилган ва талаффуз этиш белгилари кўрсатилган қофозларни қистириб қўярди: у соқолини олаётганда ёки сочини тараётганда шу сўзларни такрорларди. Худди шундай қофозлар керосинка тепасига ҳам осиб қўйилган эди; у овқат пишираётганда ёки идиш-товоқ юваётганда ўша сўзларни ёд оларди. Бундай қофозлар доимо ўзгариб турарди. Китоб мутолааси пайтида нотаниш сўзни учратиб қолса, дарҳол луғатни тишиб, у сўзнинг маъносини қофозга қўчирап ва деворга осиб қўярди ёки кўзгу ромининг орқасига қистириб қўярди. Мартин бундай сўзлар ёзилган қофозларни чўнтағига ҳам солиб юрар ва кўчада кетаётганда ёки дўконда навбат кутиб турган пайтида уларга қараб-қараб қўярди.

Мартин бу усулини фақат сўз ўрганишгагина татбиқ этмасди. У ном қозонган муаллифларнинг китобларини ўқиркан, услубининг хусусиятлари, сюжет тузилишини, муаллифнинг ўзига хос иборалари, ўхшатишлари, асқияларини, хуллас, муваффақият қозониш учун имкон берувчи ҳамма хусусиятларини қайд қилиб борарди. Шуларнинг ҳаммасини кўчириб олиб, мукаммал ўрганарди. У тақлид қилишга уринмасди. Фақат қандайдир умумий тамо-

йилларни изларди. У қўпчилик ёзувчиларнинг асарларида учраган адабий усулларнинг узундан-узоқ рўйхатини тузарди; бу нарса адабий усулининг моҳияти ҳақида умумий хуносаси чиқаришига ёрдам берарди, сўнг шу хуносаларга таянган ҳолда ўзининг хусусий, янги, бетакрор усулини ўйлаб чиқарар ва уларни меъёри билан бир ўлчовда татбиқ этишга уринарди. У жонли тиљдаги чиройли ибораларни – худди ўтдек куйдирувчи ёки аксинча, қулоққа хуш ёқувчи майин сўзларни, одамларнинг бемаъни вадириашларидан ажралиб кўзга ташланиб турадиган оҳанрабодек сўзларни ёзиб, шу йўсинда тўплаб юрарди. Мартин ҳамма вақт ва ҳар ерда ҳодисаларнинг негизида ётувчи таомойилларни изларди. У ҳодисаларнинг қандай вужудга келишини билишга ҳаракат қиласи ва айни вақтда ўзи ҳам яратиш имконига эришишни орзу қиласи. Гўзалликнинг ажиб жамолини томоша қилиш унга кифоя эмас эди; у ошхона иси ўтириб қолган ва уй бекаси болаларининг қий-чуви эшитилиб турган торгина ҳужрасида гўё ўз тажрибахонасида ўтирган кимёгар сингари гўзалликни таркибларга бўлиб, унинг қандай тузилишини ўрганишга ҳаракат қиласи. Бу нарса унинг гўзалликни каашф этишига ёрдам бериши керак эди.

Мартин фақат ақл-идрок билан ишлаши мумкин эди. Унинг одати шунаقا эди; ўз қалами остидан нима чиқишини билмай, фақат тасодифга ва ўз қобилияти кучига таяниб, кўр-кўрони ишлай олмасди. Тасодифий муваффақиятлар уни қаноатлантирумасди. У ҳар бир ҳодисанинг «қандай» ва «нима учун»лигини ўзи билишни истарди. Унинг ижоди пухта ўй-

ланган ижод эди, шунинг учун Мартин ҳикоя ё шеър ёзишга киришишдан олдин, бутун асарнинг режасини миясида пухта ўйлаб олар, ўз мақсадини ҳам, ўз мақсадига эришиш учун ихтиёрида бўлган бадиий воситаларни ҳам аниқ тасаввур этарди. Шу бўлмаса, уринишлари зое кетишини биларди. Иккинчи ёқдан, миясида тўсатдан пайдо бўлган ва кейинчалик асарга халал бериш у ёқда турсин, ҳаттоти унинг гўзалигини оширадиган, такомиллаштирадиган, синовдан шараф билан ўтган тасодифий сўзлар ва жумлаларни қадрлар эди. Мартин учун бундай сўзлар онгли ижодий уриниш натижасигина эмас, балки ундан ҳам улуғроқ нарса эдиким, шунинг учун уларни эҳтиром билан тилга оларди. Лекин гўзалликни тадқиқ этиш билан шуғулланиб, унинг қонунларини билишга уринаркан, бу гўзаллик таркибида аллақандай мубҳам бир гўша борлигини ва у ерга киришга ўзининг қодир эмаслигини ва ҳали биронта ҳам одамзот у ерга кира олмаганини эътироф этарди. У Спенсер асаларини ўқиб, шу нарсани мустаҳкам ўзлаштириб олди: инсон нарсаларнинг энг сўнгги моҳиятини англашга қодир эмас, гўзаллик сири мисоли ҳаёт сири янглиғ ҳеч қандай ақлга сифмайдиган мураккаб, ҳаттоти ундан ҳам мураккаброқ муаммодир; гўзаллик ва ҳаёт бир-бири билан чамбарчас боғланган, инсоннинг ўзи эса шу юлдузлар тўзони, қуёш нури ва яна аллақандай номаълум нарсаларнинг бир заррачасидир.

Шу мулоҳазалар таъсири остида Мартин бир кун «Юлдузлар тўзони» номли мақола ёзди; бу мақоласида у танқидга эмас, танқидчиларга ҳужум қилган эди. Бу нафис, маъноли ва ҳажв

били сугорилган чуқур, ажойиб асар эди. Бироқ шу мақолани ҳам журналлар рад этди. Мартин эса юрагини ҳаяжонга солган фикрлардан халос бўлиб, ўз йўлида давом этди. У кўпдан бери миясида пайдо бўлган ҳар бир фикрни аввал яхшилаб пишитишни, яхшилаб ўйлаб олишни ва шундан кейингина қофозга кўчиришни одат қилган эди. Шу пайтгача бир сатр ҳам асари босилиб чиқмаганидан ҳеч хафа эмасди. Асар ёзиш унинг учун мураккаб ақдий жараённинг сўнгти босқичи, йигилган далил ва ҳолатларни умумлаштирувчи, алоҳида-алоҳида, тарқоқ фикрларни боғловчи сўнгти тутун эди. У бир мақолани ёзиб бўлиб, миясида янги ғоя ва масалалар учун жой бўшшатарди. Хуллас, бу кўпчилик одамларга хос бўлган, вақти-вақти билан «гапириб ё ёзиб хумордан чиқиши» одатига ўхшаган бир ҳол эдики, бу одат баъзан ҳақиқий ёхуд соҳта изтиробларга бардош беришга ёки уларни унтишга ёрдам беради.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Орадан ҳафталар ўтди. Мартиннинг пули тугаб қолаёзган бўлса ҳам, нашриёт чекларидан ҳамон дарак йўқ эди. Жиддий ҳикоялар муқаррар қайтиб келарди, «жўн» асарларнинг тақдирни ҳам бундан дуруст эмасди. Энди унинг кичкинагина ошхонасида турли таомлар пиширилмай қолди, чунки унинг бор-йўғи ярим халта гуручи билан озгина туршаги қолган эди. Бир неча кун шулар билан кун кечирди. Кейин насияга мол олиб кун кўрмоқчи бўлди. Мартиннинг қарзи йириклишиб, уч доллару саксон беш центга етганда, португалиялик баққол унга насияга мол беришни тўхтатди.

– Негаки, – деди баққол, – сизники иш йўқ.
Қандай тўлайди сиз ҳақ?

Мартин эътиroz билдиришга ожиз эди. Баққолнинг мулоҳазасида жон бор эди. Фақат ялқовлигидан иш қидиришни истамаётган навқирон, соппа-соғ ишчига қандай қилиб насияга мол берсин.

– Пул топасан – овқат оласан, – дерди баққол.
– Ақча йўқ – овқат йўқ. Шунаقا...

Сўнг португалиялик Мартинга нисбатан ҳеч қандай шахсий ғарази йўқлигини исботлаш учун илова қилди:

– Кел, ич, битта стакан. Маники меҳмон қиласди. Сен дўст, мен дўст.

Мартин ҳам дўст эканлигини тасдиқлаш учун бир стакан винони ичди-ю, овқат емасдан ётиб ухлади.

Мартин сабзавотни бошқа дўкондан оларди, савдо ишида унча қаттиққўл бўлмаган америкалик баққол Мартиннинг қарзини беш долларгача олиб чиқди. Шундан кейин насияга мол беришни тўхтатди. Новвой икки долларга етганда, қассоб эса тўрт долларга етганда насияга мол беришни тўхтатиши. Мартин ҳамма қарзларини жамлаган эди, уларнинг умумий миқдори ўн тўрт доллару саксон беш пенс бўлди. Ёзув машинкасининг ҳақини тўлайдиган вақт ҳам етиб келди, лекин Мартин ундан қарзга яна икки ой фойдаланишга қарор қилди, шунда у яна саккиз доллар қарз бўларкан. Бу муҳдат ҳам ўтгандан кейин насияга мол олишнинг ҳеч имкони қолмайди.

Сабзавот дўконидан у охирги марта бир халта картошка олган эди, шунинг учун Мартин бир ҳафта муттасил қунига уч мартадан фақат кар-

тошка пишириб еди. Вақт-вақти билан у Морзларницида овқатланар ва шу билан бир оз куч йиғиб оларди, ҳолбуки, у столга териб қўйилган турли-туман таомлардан бир бўлак ҳам ортиқ-ча емасдан одоб сақлаб, ўзини Тантал¹⁷ азобига соларди. Баъзида Мартин уятни йиғишириб қўйиб, опасиникига овқат пайтида бораради-да, андиша доирасидан чиқмай – ҳар ҳолда, Морзларницидагидан кўпроқ овқат ерди.

У ҳамон ўша тарзда кун-уззукун жонини жабборга бериб ишлар, почтачи ҳам кун сайин рад этилган қўлёзмаларни ҳеч канда қилмай олиб келиб турагди. Марка олишга пул йўқ эди, шунинг учун қайтиб келган қўлёзмалар стол тагида уюлиб ётарди. Бир вақт у деярли икки суткагача туз тотмади. У Морзларницида овқатланишни орзу қила олмасди, чунки Руфь икки ҳафтага Сан-Рафаэлга меҳмондорчиликка кетган эди, опасиникига боришга уяларди. Худди шу кунларда, ўлганнинг устига тепгандай, почтачи бирварақайига бешта қўлёзмасини қайтариб олиб келди. Шундан кейин Мартин пальтосини олиб, Оклендга жўнади-ю, бир оздан кейин уйга пальтосиз, аммо чўнтагида беш доллар пул билан қайтиб келди. У ҳар қайси бақдолга бир доллардан қарзини тўлаган эди, яна ошхонасида пиёз доф қилиб қовурилаётган гўштнинг жиз-бизи эшитилди, қаҳва қайнади ва каттакон хурма тўла пиширилган олхўри пайдо бўлди. Мартин овқатланиб олиб, столга ўтирди-ю, шу куниёқ ярим кечада «Суд-

¹⁷ Тантал – қадимги юонон афсонасининг қаҳрамонларидан. У худолар томонидан муттасил очлик ва ташналик азобига маҳкум этилган эди. Ҳолбуки, унинг теварак-атрофи турли ноз-неъматлар билан тўла бўлган.

хўрлик қудрати» деган мақоласини ёзиб тутгатди. Ёзид бўлиб, уни стол остига улоқтириди, чунки беш доллар пулдан ҳеч вақо қолмаган эди: марка олишга пул йўқ эди.

Бир неча кундан сўнг Мартин соатини, ундан кейин велосипедини гаровга қўйди; овқатдан иқтисод қилиш ҳисобига маркалар сотиб олди ва яна ҳамма қўлёзмаларни ҳар томонга юборди. «Даромадли» асарлар Мартиннинг умидларини пучга чиқарди. Уларни ҳеч ким сотиб олмас эди. У ўз асарларини газета ва арzon баҳоли ҳафталик журнallарда босилиб чиқаётган асарлар билан таққосларкан, ҳамон илгаригидек, ўзининг улардан минг карра яхши ёзишига ишончи комил эди. Бироқ, шунга қарамай, ёзган асарининг бир сатрини ҳам сота олмади. Мартин аксарият газеталар тайёр материалларни махсус агентликлардан, яъни, «синдикатлар»дан олишини билиб қолиб, бир неча мақоласини улардан бирига юборди, лекин тез кунда қўлёзмалари у ердан ҳам қайтиб келди, қўлёзмаларга, синдикат ўз штатидаги ходимларнинг кучи билан материал уюштиради, деб ёзилган босма бланка илова қилинган эди.

Мартин ёшлар учун чиқариладиган журнallардан бирида «аралаш» деб аталувчи бир неча устун латифа ва шингил ҳикоячаларни ўқиб қолди. Мана, пул топишнинг яна бир усули! Лекин Мартиннинг бунда ҳам ҳеч омади юришмади: юборган асарларининг ҳаммаси ҳар галгидек яна ўзига қайтиб келди. Кейинчалик билса, таҳририят ходимлари қўшимча даромад ишлаш мақсадида бундай майдада-чуйда асарларни, одатда, ўзлари ёзаркан, ваҳоланки, энди бу нарсаларнинг унга ҳеч аҳамияти қол-

маган эди. Ҳар ҳафтада чиқадиган юмористик газеталар унинг ҳамма лапару шеърларини қайтариб юборди; Мартиннинг йирик журналларга юборган шеърий фельетонлари ҳам босилмади. Энди газета фельетони қолган эди. Мартин газеталарда босилаётган фельетонлардан юз карра яхшироқ фельетон ёзарди – буни жуда яхши тушунарди, шунга кўра адабиёт агентликларидан иккитасининг манзилини билib олиб, уларни очерк ва кичик ҳикоялар билан кўмиб ташлади. Бироқ ёзган йигирмата асаридан биронтасини ҳам бостира олмагач, Мартин ёзишдан воз кечди. Ҳолбуки, у ҳар куни ўнлаб ҳикоя ва фельетонлар ўқирдики, улар Мартиннинг бу соҳада яратган асарлари билан тенглашишга ожизлик қиласарди. Тарвузи қўлтиғидан тушган Мартин, ниҳоят, ўз асарларимга маҳдиё бўлиб ижодимга танқидий қўз билан қарашдан ва у тўғрида соғлом фикр юритиш қобилиятидан маҳрум бўлибман, деган қарорга келди.

Бераҳм нашриётлар автомати ҳамон ўз ишини давом эттиради. Мартин пакетга қўлёзма билан бирга жавоб хати учун марка солиб, сўнг уни почта қутисига ташларди, уч-тўрт ҳафтадан кейин эса почтачи эшигини тақиллатиб, қўлёзмасини қайтариб берарди. Афтидан, мазкур манзилларда биронта ҳам тирик жон бўлмай, фақат яхши созланган, мойланган автоматлар бўлса керак. Умидлари пучга чиқсан Мартин, умуман муҳаррирлар борлигига ҳам шубҳа қила бошлади. Ҳали шу чоққача биронта ҳам муҳаррирнинг жони борлиги сезилмади; Мартин ёзган асарларнинг ўзи муттасил ҳеч қандай изоҳсиз рад этилиб келарди, бу эса,

муҳаррир – ҳарф терувчилар, метранпажлар¹⁸ ва таҳририят дастёrlари томонидан тўқилган афсона, шулар тарқатиб юрган бир афсона, деган фикрни гўё тасдиқлаётгандай бўларди.

Мартиннинг ҳаётидаги бирдан-бир баҳтиёр дамлар унинг Руфъ билан ўтказган дамлари эди, ҳолбуки, бундай баҳт ҳамиша насиб бўлмас эди. Қалбини доимо бетинч қилган ҳаяжон, Руфъ ўз севгисини ошкор қилгандан кейин уни яна ҳам кўпроқ азобга сола бошлади, чунки Руфнинг ўзи ҳамон илгаригидай етишиб бўлмайдиган юксакликда эди. Мартин ундан икки йил кутиб туришни илтимос қилган эди, лекин вақт ўтиб борарди-ю, Мартин ҳали ҳам ҳеч нимага мұяссар бўла олгани йўқ эди. Бундан ташқари, Руфъ Мартиннинг машғулотини маъқул кўрмасди, буни йигит доим ҳис қилиб турарди. Рост, Руфъ бу тўғрида унинг юзига шартта айтмаса ҳам, ҳар ҳолда, унга шама қилиб турарди. Руфъ хафа бўлмас, лекин маъқулламасди ҳам; ҳолбуки, унчалик ювош табиат бўлмаган бошқа аёл уни ранжитаверишганидан албатта аччиқланган бўларди. Руфъ ўзи қайта тарбияламоқчи бўлган одам қайта тарбияланмаётганидан аччиқланарди, холос. Дастлабки пайтларда бирмунча итоаткор бўлиб туюлган Мартин кейинроқ бирдан оёғини тираб туриб олди-ю, мистер Морзга ҳам, мистер Бэтлерга ҳам ўхшашни истамади.

Руфъ Мартиннинг диққатга лойиқ, муҳим томонларини пайқамас ёки тушунмасди, бу ундан ҳам ёмон эди. Инсон ҳаётида мавжуд бўлган ҳар қандай шаклга ҳам мослана ола-

¹⁸ Босмахонада терилган матнларни саҳифаларга бўлувчи.

диган ҳалимдай юмшоқ бу одамни Руфь ўжар ва қайсар деб ҳисобларди, чунки у Мартинни ўзи билган бирдан-бир қолипга солишга ожиз эди. Руфь унинг фикрлари парвозини кузатишга қодир эмас эди ва Мартин Руфнинг қурби етмайдиган чўққиларга чиққанида, қиз уни шунчаки адашяпти деб ҳисобларди. Қиз отасининг, онасининг, акаларининг ва ҳатто Олнининг мулоҳазаларига ҳам тушунарди-ю, Мартинга тушунмас эди ва бунинг учун айбни Мартиннинг ўзига тўнкарди. Ҳақиқатни жаҳонга таратишга уринган сўққабош кишининг азалий фожиаси тайёрланаётган эди.

Бир куни Мартин Руфь билан Прапс ва Вандеруотер ҳақида баҳслашиб қолди.

– Сиз эътибор қозонган ҳар бир кимса олдида таъзим қилишга одатланиб қолгансиз, – деди Мартин. – Уларнинг эътиборли ва улкан нуфузли одамлар эканлигига қўшиламан, уларни Кўшма Штатларнинг адабиёт танқидчилари деб аташади. Ҳар бир мактаб муаллифи Вандеруотерни Америка мунаққидларининг доҳийиси деб тан олади. Лекин мен унинг асарларини ўқиб кўрган эдим, моҳир маҳмадоналикнинг энг оддий намунаси бўлиб туюлди менга. Тумтароқ жумлалар билан ниқобланган юзаки мулоҳазалардан бошқа ҳеч вақо йўқ. Прапс ҳам ундан қолишмайди. Чунончи, унинг «Ўрмон бахмал ўтлари» мақоласи фоят чиройли ёзилган. Биронта ҳам вергулини олиб ташлаб бўлмайди, умумий оҳангига келсак, бай-бай, нақадар дабдабали! Кўшма Штатларда энг катта ҳақ оладиган танқидчи шу бўлади. Лекин, қўполлигимни худонинг ўзи кечирсин, очиғини айтганда, у асло танқидчи эмас. Англияда

танқид санъати анча юксак савияда туради. Гап шундаки, бу сингари танқидчилар ҳамма вақт барчага маълум ҳақиқатни такрорлайдилар; бу ҳақиқат уларнинг ёзувларида ҳам дабдабали, ҳам юксак ахлоқий тус касб этади. Улар оғиздан оғизга ўтиб юрувчи мулоҳазалар жарчиси, холос. Уларнинг танқидий мақолалари якшанбалик хутбани эслатади. Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, инглиз филологарини кўллаб-кувватлайдилар, филологлар эса, ўз навбатида, бу танқидчиларни кўллайдилар. На уларнинг, на буларнинг бош чаноғи остида биронта мустақил ғояннинг маскан қурганини кўра оласиз. Улар фақат барча эътироф этган нарсаларнигина биладилар – очиғини айтганда – уларнинг ўзини ҳамма эътироф этган. Барча тасдиқланган ғоялар уларга худди пиво шишиасига ёпиширилган ёрлиқ сингари чиппа ёпишади. Сўнг, уларнинг энг асосий вазифаси, университет ёшлиари миясидаги жамики бетакрор фикрларни ситиб чиқариш ва муайян андазадан чиқмай фикр юритишга мажбур этишдан иборат.

– Менимча, – деб эътиroz билдириди Руфъ, – ҳамма эътироф этган нарсага амал қилганим туфайли, ҳақиқатга сиздан кўра яқинроққа ўхшайман, чунки сиз муқаддас тасвиirlарга ҳужум қилган ёввойи одамдек, баобрў одамларга ташланяпсиз.

– Муқаддас тасвиirlарни ёввойилар эмас, миссионерлар оёқости қиладилар, – деб кулади Мартин, – лекин, афсуски, барча миссионерлар мажусийлар мамлакатларига тарқалиб кетганлар, оқибат, мистер Вандеруотер билан мистер Прапсни ағдаришга ёрдам берадиган биронта ҳам миссионер қолмаган.

– Улар билан бирга ҳамма университетларнинг профессорларини ҳам, – деб илова қилди қиз.

Мартин қатъий бош чайқади.

– Йўқ. Табииёт фанлари муаллимлари қолсин.

Улар чиндан ҳам катта иш қиляптилар. Лекин миялари зигирча келмайдиган тўтикушнамо инглиз филологияси муаллимларидан ўндан тўққизи-ни ҳайдаб юборилса ҳам зарар қилмасди.

Мартиннинг филологларга нисбатан бу қа-дар ёмон кўз билан қарashi Руфга шаккоклик-дай туюлди. У салмоқли овоз билан гапирав-чи нозик маданият аҳди бўлмиш басавлат ва олифта кийинган университет муаллимларини ўзи негадир севиб қолган, шу беўхшов костюм кийган, қора ишчига хос пўлат мускулли, ваз-мин табиат, кечаги матрос билан ҳеч бир нарса тўғрисида хотиржам гаплаша олмайдиган, ўз фикрини одоб билан баён қилиш ўрнига қизи-шиб кетадиган, сабот қўрсатиш керак бўлган ерда бақириб юборадиган одам билан беих-тиёр таққослаб кўрди. Муаллимлар ҳар ҳолда дурустгина маош олишарди ҳамда улар – буни эътироф этмай бўлмайди – чинакам жентльмен эдилар, ҳолбуки, Мартин бир пенс ҳам ишлаб топа олмас, жентльменга ҳам унча ўхшамасди.

Руфъ Мартиннинг далилларини чуқурроқ таҳдил қилишни ҳатто лозим ҳам топмади. Вазият унинг далиллари хатолигидан далолат бериб турарди. Муаллимлар адабиёт ҳақида, шубҳасиз, тўғри мулоҳаза юритардилар, чунки улар ҳаётда муваффақият қозонган одамлар эдилар, биронта ҳам асарини сота олмагани учун ҳам Мартин янгишарди. Мартиннинг таъбири билан айтганда, уларнинг «омади» кел-ган-у, Мартинники келмаётган эди. Шунинг

учун ҳам, кечагина, худди шу хонанинг ўртасида уялганидан чўғдай қизариб, бесўнақайлик билан биронта безак буюмини тушириб юборишдан қўрқиб атрофга аланглаб турган ва «Свайнберн»-нинг ўлганига анча бўлдими, деб сўраб, «Тобора юксакка» ва «Ҳаёт сураси»ни ўқиганман, деб тентакларча мақтанган йигит адабиёт ҳақида қандай қилиб тўғри мулоҳаза юрита олсин.

Шундай қилиб, Руфъ ҳамма эътироф этган нарса олдида бош эгишини ўзи тасдиқлади. Мартин унинг фикрларини жуда яхши тушунса ҳам, уларга аҳамият бермасди. У Руфнинг Прапсга, Вандеруотерга ва инглиз филологияси муаллимларига нисбатан қандай муносабатда бўлишидан қаттий назар уни севарди, лекин Мартин тафаккур соҳасида шундай юксакликка эришган эдики, Руфъ бундай юксаклик борлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Руфъ эса, ўз навбатида, Мартинни мусиқа соҳасида ҳеч нима тушунмайди деб ўйларди, унинг опера ҳақидаги мулоҳазаларини нотўғри дебгина қолмай, атайин айтилган тескари фикр деб биларди.

Бир куни улар операдан қайтаётганларида Руфъ:

– Сизга ёқдими? – деб сўради.

Шу куни кечқурун Мартин бир ой мобайнида ўзини аёвсиз равишда сиқиб, овқатни иқтисод қилиш эвазига Руфни театрга таклиф қилган эди. Спектакль қизга кучли таъсир этди. Руфъ Мартиннинг спектакль ҳақида гап бошлишини узоқ кутгандан кейин, ниҳоят, ўзи савол беришга журъат этган эди.

– Менга увертюраси жудаям ёқди, – деб жавоб қилди Мартин, – фоят гўзал нарса.



– Хўш, операнинг ўзи-чи?

– Опера ҳам ёқди, яъни, демоқчиманки, оркестри ёқди. Агар анави масхарабозлар саҳнада камроқ жилпанглашса ёки бутунлай чиқиб кетишича, ундан ҳам яхши бўларди.

Руфъ ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Сиз Тетралани билан Барильони айтяпсизми? – деб сўради қиз.

– Ҳа, ўшаларни ҳам, қолган ҳамма артистларни ҳам айтяпман.

– Аммо улар буюк артистлар-ку!

– Барибир. Улар аҳмоқона жилпанглашиб мусиқани бузиши, холос.

– Чинданам, Барильонинг овози сизга ёқмадими? – деб юборди Руфъ. – Ахир у Карузодан кейин иккинчи хонанда ҳисобланади-ку!

– Йўқ, нега энди, менга ёқади, Тетралани яна ҳам кўпроқ ёқади. Фикрим тўғри бўлса, у аёлнинг ниҳоятда нодир овози бор экан.

– Ахир... ахир... – Руфъ нима дейишини билмай қолди. – Унда мен ҳеч нарсага тушунолмаяпман. Сиз уларнинг овозидан завқданяпсиз-у, айни вақтда мусиқани бузиши дейсиз.

– Ҳа, балли. Мен уларнинг овозини концертда эшитиш учун ҳеч нарсани аямасдим, аммо оркестр чалаётган пайтда эшитмаслик учун ундан ҳам кўпроқ берардим. Мен бедаво реалист бўлсам керак. Буюк хонандалар ҳамма вақт ҳам буюк артист бўлавермайди. Тўғри, Барильонинг малоҳатли овоз билан ишқий арияни ижро этиши Тетраланининг ундан ҳам малоҳатли овоз билан унга жўр бўлиши ва буларнинг ҳаммасини ранго-ранг бўёқларга бой, ажаб оркестр мусиқаси фонида ижро этилиши фоят соз, албатта. Шак-шубҳасиз, фоят зўр лаз-

зат бағишлиайди бу. Лекин мен саҳнага қараб, вазминлиги икки юз қадоқ келадиган дароз хоним билан унинг ёнида юзи солқиган, кўкрак қафаси темирчиникига ўхшаган, чорпахилдан келган, паст бўйли кишини кўрган заҳотим ва уларнинг сунъий қиёфада туриб, худди жиннихона аҳди сингари ўз юракларини чанглаб, кўлларини силташларини кўрарканман, юқоридаги айтган таассуротларим бир зумда барбод бўлади. Ҳолбуки, мен бу шаҳзода билан гўзал малика ўртасида бораётган муҳаббат саҳнаси эканлигига ишонишим керак. Йўқ, мен ишонмайман. Бу беҳуда, аҳмоқона нарса. Бу табиий эмас. Ҳамма гап шундаки, бу табиий эмас. Наҳотки, шу тарзда муҳаббат изҳор қилувчи одамлар ҳам бўлса? Агар мен сизга шу тарзда муҳаббат изҳор қиласам, юзимга тарсаки қўйиб юборган бўлардингиз.

– Сиз тушунмайсиз, – дерди Руфъ аччиғи чиқиб, – ҳар бир санъатнинг ўз чегараси бўлади. (У яқинда дорилфунунда эшитган санъатнинг шартли белгилари ҳақидаги лекцияни эслади.) Мана, тасвирий санъатни олинг, у икки ўлчовдан иборат. Бироқ сиз расмга тикиласиз-у, ундаги манзарани уч ўлчовда тасаввур қиласиз, ҳолбуки, мазкур учинчи ўлчовни рассом ўз истеъдод кучи билан яратгандир. Адабиёт соҳасида муаллиф ҳамма нарсага қодир ва ҳамма нарсадан хабардордир. Ахир у қаҳрамон аёлнинг пинҳона ўйларини тасвирлагандан, сиз уни ҳақди деб топасиз-ку, шундайми? Ҳолбуки, ўша қаҳрамон аёл ўйлаганида, ҳеч ким унинг хаёлидан ўтган гапга қулоқ солмаган. Театрда ҳам, ҳайкалтарошлиқда ҳам, операда ҳам, умуман, ҳамма соҳада ҳам аҳвол шу. Баъзи бир зиддиятларга қўникишга тўғри келади.

– Ҳа, тушунаман, – деб жавоб қилди Мартин, – ҳар қандай санъат ҳам шартли. (Мартин ўз фикрини бунчалик түғри ифода этганини күрган Руфь таажжубга тушиб қолди: гүё бу одам кутубхонага бориб, нима қўлига тушса, фарқига бормай ўқийверган ва ўзича мустақил савод чиқарган эмас, балки дорилфунунда таҳсил олган одамга ўхшарди.) Лекин мазкур шартлилик ҳам реал бўлиши керак. Картон қоғозга чизилган ва саҳнанинг четларига тиккайтириб қўйилган дараҳтларни биз ўрмон деб ҳисоблаймиз. Бу шартлилик, аммо етарли даражада ревалдир. Лекин биз денгиз тасвирини ўрмон деб тан олмаймиз-ку. Биз бундай қила олмаймиз. Шундай қилсак, ўз ҳисларимизни зўрлаган бўлардик. Шунга кўра ҳам, биз ҳозир шоҳиди бўлган иккита телбанинг жамики бачкана қилиқларини муҳаббат туйғуси ва кайфиятдининг ифодаси деб ҳисоблай олмаймиз.

– Наҳотки, сиз мусиқа соҳасида ҳам ўзингизни машҳур танқидчилардан устун қўймоқчи бўлсангиз, – деди аччиғланиб Руфь.

– Йўқ, асло. Мен шахсий мулоҳазамни баён этишга ўзимни ҳақди деб биламан. Буларнинг ҳаммасини сизга айтишимдан мақсад, Тетралани хонимнинг филники каби «нозик» ҳаракатлари нима сабабдан оркестрдан олган таас-суротимни поймол қилганини изоҳлаб бермоқчиман. Балки мусиқа танқидчилари мутлақо ҳақдирлар. Лекин менинг ўз мулоҳазам бор ва бутун дунёдаги танқидчиларнинг ҳаммаси бир тараф бўлганда ҳам, уни танқидчиларнинг ҳукмига бўйсундирмайман. Қўймайман. Кўнглимга ёқмаган нарсани ёқмади деявераман, нега ахир, ёқмаган нарсани менга ёқди

деб айтишим керак экан! Фақат унинг аксари-ят одамларга ёққани ёки ёққандай кўрингани учунми? Мен ўз дидимни модага тобе қилишни истамайман.

– Лекин тайёргарликсиз мусиқани англаб бўлмайди, – деб эътиroz билдириди Руфъ, – опера эса маҳсус тайёргарлик талаб қиласади. Балки...

– ...Мен операни эшитиш учун унчалик тайёр эмасдирман? – деб Мартин Руфнинг гапини тутгаллади...

Руфъ тасдиқ маъносида бош иргади.

– Эҳтимол, – деб рози бўлди Мартин, – шундай бўлганидан ҳатто хурсандман ҳам. Агарда мени болалигимдан опера эшитишга ўргатишганида, эҳтимолки, бугун ҳалиги ошиқ-маъшуклардан таъсиrlаниб, ийиб кетиб кўз ёши тўкиб ўтирган бўлармидим, артист хонимнинг қилиқларидан қўшиқ ва мусиқа яна ҳам жозибали бўлиб туюлган бўлармиди. Лекин сиз ҳақсиз. Буларнинг ҳаммаси тарбияга боғлиқ, мени эса, энди тарбиялаб бўлмайди, вақт ўтди. Менга ё реал нарса керак ёки ҳеч ниманинг кераги йўқ. Ҳақиқат асари бўлмаган хаёлий нарса менга таъсиr этмайди, шунинг учун пак-пакана Барильо титраб-қақшаб дароз хоним Тетраланини бағрига босганини ва унга севги изҳор этганини кўрганимда опера, назаримда, бошдан-оёқ сохта бўлиб туюлади.

Лекин зоҳирий белгиларга қараб баҳо беришга, ҳаммага манзур бўлган нарсаларга сажда қилишга ўрганиб қолган Руфъ, Мартиннинг фикрларига шу нуқтаи назардан баҳо бера бошлади. Ахир у ким бўлибдики, ёлғиз ўзини ҳақди ҳисоблаб, жамики маданият аҳлларини омиликда айblasин? Мартиннинг айт-

ган гаплари Руфга заррача ҳам таъсир этмади. Руфъ умум эътироф этган ҳамма нарсага жуда одатланиб қолган-у, исёнкор фикрларга майли йўқ эди; бунинг устига, болалик чоғидан мусиқа билан шуғулланар, ўз табақаси кишилари сингари болалик чоғидан операни севарди. Кечагина рэгтайм¹⁹ ва кўча қўшиқларидан бошқа ҳеч нима эшитмаган бу Мартин Иденнинг жаҳон мусиқа хазиналари ҳақида фикр юритишга қандай ҳаққи бор? Бу ҳол Руфнинг иззат-нафсиға қаттиқ ботган эди, у Мартин билан ёнма-ён кетиб бораркан, ранжиганини элас-элас ҳис эта бошлади. Жуда бўлмагандан, Мартиннинг мулоҳазаларини бир инжиқдик ёки бемаъни ҳазил деб топиш мумкин эди. Лекин Мартин Руфнинг уйи эшиги олдида у билан хайрлашаркан, уни қучоқлаб, меҳр билан ўпганида, яна муҳаббат ҳиссига берилган Руфъ ҳамма нарсани унтиб юборди. Кейин, Руфъ тўшагида ухломай ётаркан, бундай ғалати одамни қандай севиб қолгани, оила аъзоларининг норозилигига қарамай қандай севиб юргани ҳақида анчагача ўйлаб ётди.

Эртаси куни Мартин Иден даромад учун ёзган асарларини бир четга йиғишириб қўйиб, бир нафасда «Хом хаёл фалсафаси» номли мақолани ёзиб ташлади. Ичига қўлёзма солиниб, устига марка ёпиширилган конверт «сафарга чиқди», лекин шўрлик «Фалсафа»нинг пешанасига жуда кўп мартаба марка ўзгаришиш ва жуда кўп марта узоқ сафарларга чиқиши ёзилган эди.

¹⁹ Жаздан олдин яратилган америка негрларининг рақс мусиқаси.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Мария Сильва қашшоқ эди, қашшоқлик нималигини яхши биларди. Руфъ эса «қашшоқлик» сўзини маълум даражада яшашда бир ўнгайсизлик деб тушунарди. У Мартин Иденнинг қашшоқ эканлигини билар ва хаёлан унинг ҳаётини ёш Авраам Линкольннинг ёки мистер Бэтлернинг, умуман, ҳаётини муҳтожликдан бошлаб, ниҳоят, муваффақиятга эришган ва ажойиб ҳаёт кечира бошлаган жамики одамларнинг ҳаёти билан таққосларди. Руфъ қашшоқликнинг кўнгилсиз ҳодиса эканлигини эътироф этаркан, айни вактда буржуазиянинг, қашшоқлик – ақл-идрокли ва қобилиятли одамларни юксак мартабага рағбатлантирадиган ажойиб восита, деб тасалли берувчи назариясига ҳам қўшиларди. Шунинг учун Мартиннинг соат ва пальтосини гаровга қўйганини эшитиб, Руфъ унчалик хафа ҳам бўлмади. Аксинча, энди яна ҳам тезроқ эсини йифиб, адабий машғулотларини тарк этади деган умидда хурсанд ҳам бўлди.

Руфъ Мартиннинг озиб, бир ҳолатда бўлиб қолган юзига тикилганда ҳам, унинг оч қолгани хаёлига келмасди. У ҳатто Мартиндаги ўзгаришни, руҳданишни, илгарилари Руфни ҳам ўзига ром қилиб, ҳам ҳуркитадиган ҳайвоний куч-қудрат йўқолганини қўриб, қувонди ҳам. Баъзида Руфъ унинг кўзларида аллақандай антиқа учқунлар кўриб завқланарди; бу уни шоирга ёки олимга, яъни, Мартинни унинг ўзи хоҳлаган кишига ўхшатиб юборардиким, Руфъ ҳам уни шу шоир ё олим сифатида кўришни истарди. Лекин Мартиннинг чўккан юzlари ва

чақнаб турган кўзларини кўрган Мария Сильва бу ҳолатни тамомила бошқача тушунарди, шу аломатларга қараб, ўз уйида турувчи йигитнинг турмушидаги ўзгаришларни кун сайин кузатиб бораради. Мартин бир куни уйидан пальто кийиб чиқиб кетиб, кун совуқ ва ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамай, пальтосиз қайтиб келганини кўрган эди. Шундан кейин Мартиннинг юзи бир неча вақтгача тўлишиб, кўзларидаги очлик учқунлари сўнганди. Шунингдек, Мария соат билан велосипеднинг ҳам фойиб бўлганини пайқади, бу ҳол ҳам Мартинга бир оз дармон бўлган эди. Бундан ташқари, Мария Мартиннинг қанчалик кўп ишлашини биларди, чунки бир кечада қанча керосин сарфлаши унга аниқ маълум эди. Иш! Мартиннинг ўзидан кам ишламаслигини Мария жуда яхши тушунарди, ваҳоланки, унинг иши мутлақо бошқача эди. Мартиннинг қанча оч бўлса, шунча файрат билан ишлаганини кўриб, Мария таажжуб қиласади. Баъзан у Мартиннинг жуда ҳам оч эканлигини сезган пайтларида болаларидан бирининг қўлига янги ёпилган нон бериб, Мартинга киритиб юборар, шунда ҳам у, бунақа ширин нон ёпиш сизнинг қўлингиздан келмаса керак, деган баҳона билан киритиб юборарди. Баъзида бир товоққина қайноти шўрва киритар, аммо айни вақтда, ўз жигарпораларим – фарзандларимнинг оғзидан ошини тортиб олишга ҳаққим бормикин деб изтироб чекарди. Мартиннинг қалби Марияга нисбатан миннатдорчилик ҳисси билан лиммо-лим тўларди, чунки у камбағалларнинг меҳрибонлигининг қадрига етадиган одам эди.

Бир куни Мария уйида қолган охирги озуқаларини пишириб, бир гала болаларини тўйғиз-

ди-да, охирги ўн беш цент пулига бир галлон арzon вино олиб келди ва ошхонага сув олгани кирган Мартинга винодан қўйиб берди. Мартин Мариянинг соғлиғи учун, Мария эса Мартиннинг соғлиғи учун ичишди. Кейин Мария унинг ишига ривож тилаб ичди, Мартин эса Жемс Грант тезроқ келиб, кир ювиш ҳақини тўласин деб ичди. Жемс Грант дурадгор шогирди бўлиб, ювдирган кирининг ҳақини вақтида тўламас, натижада Мариядан уч доллар қарз бўлиб қолган эди.

Мартин ҳам, Мария ҳам оч қоринга ичишган эди, шунинг учун янги нордон вино икковининг ҳам миясига урди. Улар бир-бирларига ҳеч ўхшамасалар ҳам, икковлари ҳам қашшоқ, икковлари ҳам ёлғиз қўл эди; шундай бўлса ҳам ҳеч қачон қашшоқликларини тилга олмасдилар, ана шу қашшоқлик иплари уларни бир-бирига чамбарчас боғлаб қўйган эди. Мартиннинг Азор оролларида бўлганини эшитиб, Мария севиниб кетди, чунки Мария ўн бир ёшигача ўша ерда яшаган эди. Ота-онаси кейин кўчиб ўтган Гавайи оролларида ҳам Мартиннинг бўлганини билиб, боши осмонга етди. Лекин Мартин унга Мауий оролида ҳам бўлганини айтганда, ўша оролда турмушга чиққан Мария севинганидан терисига сифмай кетди. Мария бўлфуси эри билан илк бор танишган Кагулуи оролида эса Мартин икки марта бўлган экан. Ҳа, қанд ортган кемаларни Мария унча эсламас экан! Ие, шу кемаларда сузганмиди у? Буни қаранг-а, дунё шунақаям тор эканми? Вайлукуда-чи? Мартин у ерда ҳам бўлган... Плантациянинг бош нозирини танирмиди? Бўлмасам-чи, унинг соғлиғига бир стакан вино ҳам ичган.

Улар шу тарзда хотираштар оламига фарқ бўлиб, оч қоринга нордон вино ичиб ўтиришди. Шуни ҳам айтиш керакки, келажак Мартинга унчалик мудҳиши бўлиб туулмасди. У бир кун эмас, бир кун муваффақиятга ва шон-шуҳратга эришади. Ҳозирданоқ уларниң нафасини ҳис қиляпти. Яна озгина уринса, қўли билан тутиб олиши мумкин. Шу пайт у қаршисида ўтирган аёлнинг сўлғин чеҳрасига тикилиб қарай бошлади. У киритиб юборган нон билан шўрва эсига тушди-да, қалбида миннатдорлик туйфуси уйғонганини ҳис қилди, унга яхшилик қилмоқчи бўлди.

– Мария, – деб қичқириб юборди у бирдан, – дилингиздаги энг катта орзуингизни айтинг.

Мария ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди.

– Масалан, ҳозирнинг ўзида кўпроқ нимани хоҳлардингиз?

– Етти жуфт ботинка – болалар учун.

– Уларни оласиз, – деб юборди Мартин, Мария эса фурур билан бош силкиб қўйди. – Хўш, яна ундан муҳимроқ нима истайсиз?

Мариянинг кўзларида самимий қувонч учқунлари чақнади. Мартин у билан, яъни, кўп замонлардан бери ҳеч ким ҳазиллашмаган Мария билан ҳазиллашаётган эди.

Мария гагиргани оғиз жуфтлаган эди, Мартин:

– Шошмасдан ўйлаб кўринг, – деди огоҳлантирмақчи бўлгандай.

– Якши, – деди Мария, – маники ўйлади. Ман уй керак, маники уй, бепул яшайман. Ойда етти доллар тўламайди маники.

– Ўйингиз ҳам бўлади, – деб ваъда қилди Мартин, – яқин кунларда. Хўш, юрагингиздаги энг катта орзуингиз нима? Сиз мени ҳамма

нарсага қодир худо деб фараз қилинг. Қани, гапириңг, қулогим сизда.

Мария чуқур ўйга толиб, бир дақиқача жим қолди.

– Сизники қўрқиб кетади.

– Йўқ, йўқ, – деб кулди Мартин, – мен қўрқ-майман. Қани, гапираверинг.

– Катта нарса,вой, жуда катта нарса, – деб огоҳлантирид Мария.

– Майли, майли. Айтаверинг.

– Якши, – у ўзининг энг азиз, энг муқаддас орзусини айтишга оғиз жуфтлаб, болалар сингари чуқур хўрсишиб қўйди. – Ферма керак, сут ферма. Кўп сигир, кўп ўтлоқ, кўп ўт керак. Сан-Лиана яқинида. Сан-Лианада меники опа яшайди. Оклендда меники сут сотади. Пул кўп. Жо билан Ник сигир боқади йўқ. Якши мактаб боради. Катта муҳандис бўлади, йўл қуради. Ҳа, сут ферма хоҳдайди меники.

Мария жим бўлиб қолиб, порлаб турган кўзлари билан Мартинга қаради.

– Сизнинг ўз фермангиз бўлади, – деб дарҳол жавоб қилди Мартин.

Мария тасдиқ маъносида бош иргади-да, сўнг саховатли тухфа соҳибининг соғлигига ичди, ҳолбуки, у ваъда қилган бу тухфаларга ҳеч қачон мұяссар бўлмаслигини жуда яхши биларди. Лекин у Мартиннинг раҳмдиллиги учун ундан беҳад миннатдор эди, шунинг учун у олган ҳақини қанчалик қадрласа, берилган ваъдани ҳам шунчалик қадрларди.

– Ҳа, ҳа, Мария, – давом этди Мартин, – Ник билан Жо сигир боқмайди. Болалар йил бўйи мактабда ўқишади, пишиқ тикилган яхши ботинкалар кийиб юришади. Сизнинг жуда яхши

фермангиз, ўз уйингиз, ошхона, молхонангиз бўлади. Сизнинг чўчқаларингиз, товуқларингиз, полизингиз, мевазорингиз, хуллас, нимаики зарур бўлса, ҳаммаси бўлади, сизнинг битта, ҳаттоти иккита хизматчи ёллашга қурбингиз етади. Шунда сиз қўлингизни совуқ сувга ҳам урмай, фақат болаларни тарбиялаш билан машғул бўласиз. Борди-ю, биронта дуруст одам учраб қолса, унга турмушга чиқасиз, кейин, фермани эрингиз бошқаради, сиз эса дам оласиз.

Мартин келажакдаги давлатидан Марияга сахийлик билан катта улуш ажратиб, ўрнидан турди, сўнг ягона костюмини гаровга қўйгани чиқиб кетди. Бу қарорга у осонлийча келмади, чунки шу иши билан ўзини Руфъ билан учрашиш имкониятидан маҳрум этарди. Мартиннинг бошқа дурустроқ костюми йўқ эди, ямоқ тушган матрос курткасида эса новвойхонага, қассоб дўконига кириши, опасиникига бориши мумкин эди, лекин Морзларникига кийиб боришни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

Мартин умидсизлик жари ёқасида қайфуга ботиб, тер тўкиб меҳнат қиларди. У иккинчи жангда ҳам мағлубиятга учради, чинданам яна иш қидириши кераклиги ҳақида тобора қўпроқ ўйлай бошлади. Шундай қилса, ҳамма – баққоллар ҳам, опаси ҳам, Руфъ ҳам, ҳатто Мария ҳам хурсанд бўлади; Марияга у яна ойлик ижара ҳақи тўламаган эди. Мартин икки ойдан бери ёзув машинкасининг ҳам ҳақини тўламаган эди, шунинг учун дўкон, ё қарзни тўланг, ё машинкани қайтариб беринг деб талаб қўя бошлади. Шундан сўнг, таслим бўлишга ва курашни қулай фурсат келгунча йифиштириб қўйишга рози бўлган Мартин темир йўл

початчиси лавозимига имтиҳон топширгани жүнади. У имтиҳондан жуда яхши ўтиб, ўзи ҳам ҳайратда қолди. Лекин қачон ўрин бўшаши маълум эмас эди.

Мана ниҳоят, Мартин тамомила мушкул аҳволга тушиб қолган пайтда тўсатдан нашриёт машинасининг юриши ўзгарди. Ё унинг биронта мурвати ўрнидан чиқиб кетган, ё унчалик яхши мойланмаган бўлса керак, ҳар ҳолда, кунларнинг бирида эрталаб почтачи муҳрланган кичкина бир конверт олиб келиб берди. Мартиннинг кўзи конвертнинг бир чеккасидаги «Трансконтинентал ойлик журнали»нинг штампига тушди. Унинг юраги ўйнаб, кейин бўшашиб кетди, тиззалари қалт-қалт қилиб титрай бошлиди. У ўз хонасига кириб, қўлидаги очилмаган конверт билан каравотига ўтирди, шу пайт одамларнинг қувончли хабардан қандай ўлишларини жуда аниқ тасаввур қилди.

Албатта, бу қувончли хабар бўлиши керак эди. Бундай кичкина конвертга қўлёзма сифиши мумкин эмасди. Мартиннинг эсида: «Трансконтинентал ойлик журнали»га беш минг сўздан иборат «Қўнғироқ садоси» исмли «даҳшатли» ҳикоясини юборган эди. Модомики, энг яхши журналлар қўлёzmани қабул қилиш билан муаллиф ҳақини тўлашар экан, афтидан, бу конвертдаги нарса чек бўлиши керак. Бир сўзга икки центдан бўлса, мингта сўзга йигирма доллар; демак, конвертда юз долларга ёзилган чек ётибди. Юз доллар! Мартин конвертни йиртаркан, қарзларини хаёлан ҳисоблаб чиқди: З доллару 85 цент бақъолга; 4.00 – қассобга; 2.00 – новвойга; сабзавот учун – 5.00; ҳаммаси 14.85. Ундан кейин ижара ҳақи – 2,50; яна

бир ойлик ҳақни олдиндан тўлаш керак – 2.50; ёзув машинкасининг икки ойлик ижара ҳақи – 8.00; бир ойлигини олдиндан тўлаш учун – 4.00; ҳаммаси бўлиб 31.85. Бундан ташқари гаровга қўйилган молларни сотиб олиш керак: соатга – 5.50; пальтотга – 5.50; велосипедга – 7.75; костюмга – 5.50 (60 фоиз судхўрга – барибир эмасми!). Жами 56.10. Бу пул унинг кўзи олдида худди ҳавода ялтироқ рақамлар билан ёзилгандай намоён бўлди. Агар ҳам уйнинг, ҳам машинкасининг бир ойлик ҳақини олдиндан тўлаб қўйилганини эътиборга олинса, қолган 43 доллару 90 цент миқдоридаги пул жуда катта бойлик эди.

Бу орада у, ниҳоят, конвертни очиб, ичидан машинкада босилган хатни олди. Чек йўқ эди. У конвертни силкитиб кўрди, ёруқقا тутиб кўрди, кўзларига ишонмай йиртиб қаради. Чек йўқ эди. Шундан кейин у хатни ўқий бошлиди; ўқиркан, муҳаррирнинг мақтов гаплари орасидан мақсадни англашга, нима учун чек юборилмаганига изоҳ топишга уринарди. Хатда изоҳ топилмади, аммо у шундай нарса ўқидики, у нарса худди момақалдироқ гулдуросидек Мартинни гангитиб қўйган эди. Хат қўлидан тушиб кетди. Кўзлари тиниб, бошини «таппа» ёстиққа ташлади ва титраб-қақшаб кўрпани устига тортди.

«Қўнғироқ садоси» учун беш доллар. Беш минг сўзга беш доллар! Бир сўз учун икки цент ўрнига ўн сўзга бир цент! Яна, босилган заҳоти чек юборилади, деб хабар қилган ноширнинг ҳикояни осмонга кўтариб мақтаганини айтмайсизми? Бундан чиқди, Мартиннинг ҳамма билгандари – энг ками бир сўзга икки цент тўлайдилар дегандари ҳам, қўлёзма қабул

қилиниши билан гонорар тўланади деганлари ҳам ёлғон экан-да. Ҳаммаси пучак гаплар экан, Мартин эса лақقا тушиб ишониб юрибди. Буни илгари билганида ёзмаган бўларди. Ишга кирарди – Руфъ учун ишларди. У қанчадан-қанча вақтини ёзув ишига сарфлаганини ўйлаб, сочлари тикка бўлди. Шунча уринишлари, фақат ўнта сўзга бир центдан ҳақ олиш учун экан-да! Газеталарда ёзилишича, ёзувчилар учун яратилган бошқа ажойиб имкониятлар ва бошлирига ёғилаётган иззат-ҳурматларнинг ҳаммаси ҳам, бундан чиқди газетачиларнинг уйдирмалари экан-да. Ёзувчилик касби ҳақидаги бошқа одамлардан эшитган гапларнинг ҳаммаси нотўғри чиқди. Мана далили: «Трансконтинентал ойлик журнали»нинг бир сони йигирма беш цент туради, унинг чиройли муқовада чиқиши энг яхши журналлардан бири эканлигидан далолат беради. Бу Мартин Иден туғилмасдан анча илгари чиқа бошлаган кўхна ва баобрў журнал эди. Унинг муқовасида ҳамиша бутун дунёга машҳур бўлган бир ёзувчининг «Трансконтинентал ойлик журнали»нинг буюк вазифалари ҳақида айтган ҳикматли гапи босилиб чиқади; мазкур машҳур адаб ўзининг фаолиятини шу журнал саҳифаларида бошлаган эди. Келиб-келиб, мана шу буюк вазифалардан илҳомланган журнал беш минг сўзга беш доллар тўламоқчи! Шу пайт, Мартиннинг эсига ўша ҳикматли гап муаллифининг бегона юртда қашшоқликда вафот этгани тушиб қолди-ю, бунинг ҳеч таажжуб қиласиган ери йўқ, деган қарорга келди.

Ҳа. Уни лақиллатишган. Газеталар ёзувчиларнинг гонорарлари ҳақида роса вайсашган

экан, у эса шу туфайли икки йил вақтини бекор ўтказиб юборди! Энди етар. Энди у бир сатр ҳам ёзмайди! У Руфнинг хоҳишига, атрофидаги одамларнинг хоҳишига қараб иш тутади – ишга киради. Бирдан Мартиннинг эсига Жо – аллақаерларда, бекорчилик юртида дайдиб юрган Жо тушиб қолди. Мартиннинг унга ҳаваси келиб, хўрсишиб қўйди. Кундалик ўн тўққиз соатлик иш бирдан ўз таъсирини кўрсатди. Лекин Жо ошиқ эмас, муҳаббат юклаган масъулиятдан холи эди-да, шунга кўра, бекор юриб, оламни кезиши мумкин эди. Лекин Мартин нима мақсадда ишланини билади, шунинг учун ҳам у ишлайди. Эртагаёқ тонгдан туриб иш қидира бошлайди, эртагаёқ Руфнинг олдига бориб, турмуш тарзини ўзгартироқчи бўлганини, отасининг конторасига ишга киришга тайёр эканлигини айтади.

Беш минг сўзга беш доллар, ўн сўзга бир цент – санъатнинг бозордаги баҳоси мана шу! Бунинг замирида ётган адолатсизлик, бўхтон, разолат Мартинга ором бермасди. 3.85 рақами (баққолга қарзи), юмуқ бўлса ҳам, кўзларига кўриниб ўртаб юборарди. Мартиннинг эти увуша, суяклари зирқираб оғрий бошлади. Айниқса, бели сирқирапди. Унинг боши ҳам, энсаси ҳам оғрир, ҳатто бош чаноги остида миясининг ўзи ҳам оғриётгандай туюларди; айниқса, пешанасининг оғриганига чидаб бўлмасди. Кўзи олдида эса, ҳамон ўша шафқатсиз, беомон 3.85 рақами ярақлаб турарди. Мартин бу фашга тегувчи шарпадан халос бўлиш учун кўзини очган эди, лекин қуёшнинг ёрқин шуъласи қаттиқ оғритиб юборди; яна кўзини юмиб олган эди, 3.85 рақами аввалгидек ярақлаб кўрина бошлади.

– Беш минг сўзга беш доллар, ўн сўзга бир цент! – бу фикр бошини гаранг қилган эди; кўзлари олдида парпираб турган 3.85 рақамидан қутула олмаганидек, бу фикрни ҳам ҳеч бошидан чиқариб ташлай олмасди. Ниҳоят, 3.85 рақамида аллақандай ўзгаришлар содир бўла бошлади; Мартин мароқданиб кузатиб турган эди, у аста-секин 2.00 рақамига айланди. Ҳа, Мартиннинг эсига тушди, бу унинг новвойга берадиган қарзи! Навбатдаги рақам 2.50 бўлиб чиқди. Бу рақамга жуда қизиқиб қолди, гёё у рақам Мартиннинг ҳаёт-мамоти масаласини ҳал қиласидигандай эди. У чиндан ҳам, кимгайдир икки ярим доллар қарз, лекин кимга? Мартин бу масалани ҳал қилиши, қандай қилиб бўлмасин, албатта ҳал қилиши шарт эди, шунинг учун ҳам у хотирасининг узундан-узоқ қоронги йўлакларида тентираб юриб, кераксиз маълумот ва хотиралар айқаш-уйқаш бўлиб ётган миянинг бурчаклари, хилват ерларини тимирскилаб, бу жумбоқقا жавоб ахтарди. Ниҳоят, бу пул Марияга берадиган қарзи эканлигини эслади, аммо эслагунича орадан бир неча аср вақт ўтиб кетгандай бўлди. Мартин елкасидан тоғ афдарилгандай енгил ҳис қилди ўзини, шундай мураккаб жумбоқни ечганимдан кейин энди баҳузур дам олишим мумкин, деб ўйлади. Лекин айтгани бўлмади. 2.50 рақами ўчиб, унинг ўрнида бошқа – 8.00 рақами ёна бошлади. У кимдан саккиз доллар қарз экан? Яна хотиранинг илон изи кўчаларида машаққат чекиб тентираш керак эди.

Бу тентираш қанчага чўзилганини Мартин билмас (унинг назарида, жуда ҳам узоқ давом этгандек эди), лекин бирдан эшик тақиллаши-

дан ҳушига келди ва Мариянинг, касал бўлиб қолмадингизми, деб сўраган овозини эшитди. Мартин нотаниш, хирқироқ овоз билан, озгина кўзим илинибди, деб жавоб қилди. Кўзини очиб, хонанинг қоп-қоронфилигидан таажжубланди. Мактуб кундузи соат иккида келган эди, ҳозир кечқурун. Афтидан, касал бўлиб қолганга ўхшайди.

Шу чоқ унинг кўзи олдида яна 8.00 раҳами пайдо бўлди-ю, у яна жон-жаҳди билан ўйлай бошлади. Аммо энди у мугомбирлик қила бошлади. Айқаш-уйқаш бўлиб ётган хотира-лар орасида санғиб юришнинг ҳеч ҳожати йўқ экан. Фирт гўл экан-да! Таваккал қилиб, улкан хотира чархпалагини айлантириш керак: ана, айланана бошлади – тўсатдан чархпалак файри-оддий тезлиқ билан айланиб, Мартинни ҳам ўзи билан чирпирак қилиб учира бошлади ва зулмат сари тортиб кетди.

Мартин ўзини кирхонада ишлаётганини, қотирма манжетларни юмалатадиган ғалтак орасига қўяётганини кўриб ҳеч таажжубланмайди. Манжетларга аллақандай раҳамлар ёзилган. Кийимга янгича белги қўйиш усули бўлса керак, деб ўйлайди Мартин ва белгига тикилиброқ қарайди; манжеттга 3.85 раҳами ёзилган. Бу бақдолга берадиган қарзи эканлигини ва уни албатта ғалтакдан ўтказиш кераклигини эслайди. Шу чоқ хаёлига маккорона бир фикр келади. Ҳозир ҳамма қарзларини ерга улоқтиради-да, кейин тўламайди-қўяди. Гап битта – вассалом. Мана у андишани йиғиштириб қўйиб, манжетларни фижимлай бошлайди, сўнг уларни жудаям ифлос бўлиб кетган полга улоқтираверади. Кир ўюми борган сари баланд

күтарилади, ҳар бир рақам икки ҳисса, ўн ҳисса күпаяди, минг-минглаб шунақа рақамларга бўлинади, лекин фақат Мариянинг икки ярим доллар қарзи кўпаймайди.

Бу – Мариянинг ҳадеб қистамаслигига далолат беради, шунинг учун Мартин илтифот қилиб, фақат унинг қарзини тўлашга аҳд қиласиди. Шундай аҳд қиласиди-ю ерда ўюлиб ётган кийимлар орасидан уни ахтара бошлайди. У кўп асрлар давомида ахтаради, лекин шу пайт бирдан эшик очилади-ю, хонага меҳмонхона хўжайини – хўппа семиз голландиялик кириб келади. Унинг юзи fazabdan лов-лов ёнади, у момақалдироқ янглиғ овози билан бутун оламни ларзага келтириб бақира бошлайди: «Манжетларнинг ҳақини маошингиздан чегириб қоламан!» Ўюлиб ётган кирлар бирдан тоғ бўлиб кетади, шунда Мартин бу манжетларнинг ҳақини узиш учун минг йил ишлаб бериши кераклигини тушунади. Меҳмонхона хўжайинини ўлдириш ва кирхонага ўт қўйишдан бўлак чора қолмайди. Лекин семиз голландиялик унинг ёқасидан ушлаб олиб, силкита бошлайди. Кейин уни дазмоллар турган стол оша, плита, кийим юмалатадиган фалтак, кир юувучи машина, кир сиқувчи машиналар оша улоқтиради. Мартин осмонда шунақаям чархпалак бўлиб учиб борадики, тишлари такиллаб, миёси гувиллайди, голландияликнинг бунчалик кучлилигига ҳайрон бўлади.

Кейин яна кир юмалатувчи дастгоҳ олдида пайдо бўлади, бу сафар ювилиб, юмалатилган манжетларни қабул қиласиди, бу манжетларни дастгоҳнинг нариги томонида турган ойлик журнал ношири узатиб туради. Ҳар бир манжет

дастгоҳдан чек бўлиб чиқади, Мартин уларни дикқат билан кузатади, аммо чекларнинг ҳаммаси ҳам ёзилмаган. У дастгоҳ бошида миллион йилдан бери туради, биронта тўлдирилган чек чиқиб қолса, ўтказиб юборишдан қўрқиб, ҳадеб чек қабул қиласкеради, мана буниси унинг номига ёзилган чек бўлиб чиқиб қолса-я! Нихоят, шундай чек чиқади. Мартин уни титроқ қўллари билан олиб, ёруққа тутиб кўради. Бу беш долларга ёзилган чек эди. «Ҳа-ҳа-ҳа», деб кулади ношир дастгоҳ орқасига беркиниб. «Яхши, ҳозир сени ўлдираман», – дейди Мартин. У болта олиб келгани қўшни хонага чиқади, у ерда қўлёзмаларни крахмаллаётган Жони кўриб қолади. Мартин қўлёзмаларни қутқариш ниятида Жога болта отади, аммо болта ҳавода муаллақ туриб қолади. Мартин қайтиб дастгоҳ олдига югуриб келади, аммо у ерда қор қуюни авжга чиққан экан. Йўқ, бу қор эмас, балки ҳар биттаси камида минг долларли сон-саноқсиз чеклар қуюни эди. Мартин уларни териб, юзта-юзталаб дасталай ва ҳар бир дастани авайлаб тасма билан боғлай бошлайди.

Бирдан Мартиннинг қаршисида Жо пайдо бўлади. Жо қўлидаги дазмоллар, кўйлаклар, қўлёзмаларни ҳавога отиб, ҳуққавозлик қила бошлайди. Баъзан дасталангандекларни олиб осмонга отади, шунда чек дастаси томни тешиб, фазода кўздан ғойиб бўлади. Мартин Жога ташланади, лекин Жо қўлидан болтани тортиб олиб, уни ҳам осмонга отади. Болтанинг орқасидан Мартиннинг ўзини ҳам улоқтиради. Мартин томни тешиб, учиб чиқиб кетади ва ҳавода анча-мунча қўлёзмаларни тутиб олади-да, ерга бир қучоқ қўлёзма билан қайтиб тушади.

Лекин уни яна шамол ҳавога учиреб кетади. У гир-гир айланиб узоқ-узоқларга парвоз қилиб кетади. Жуда узоқдан бир боланинг «Мен билан рақс туш, Вилли, яна бир марта рақс туш!» деб айтган қўшифи эшитилади.

Болта чеклар, қотирилган кўйлаклар ва қўл-ёзмалардан ташкил топган сомон йўли ўртасида қадалиб туради; Мартин уни қўлга олади-да, ерга тушган заҳоти зудлик билан Жони ўлдиришга аҳд қиласди. Лекин у ерга қайтиб туша олмайди.

Кечаси соат иккита Мария парда девор орқали унинг инграганини эшитиб, хонасига кирди, атрофига иссиқ дазмолларни териб, қонталаш кўзларига ҳўл сочиқ ёпиб қўйди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОВ

Мартин Иден эртаси куни эрталаб иш қидиргани бормади. У ҳушига келиб, хонага бир-бир назар ташлаганида вақт тушдан оғган эди. Сильванинг саккиз ёшли қизи Мэри Мартиннинг тепасида навбатчилик қилиб ўтиради, Мартин кўзини очиши билан у чинқирганича онасининг олдига югурди. Ўчоқ бошида овқат пишираётган Мария хонага кирди. У қадоқ қўлини Мартиннинг ўт бўлиб ёнаётган пешансига қўйди, томирини ушлаб кўрди.

— Овқат еяди? — деб сўради у.

Мартин бошини сарак-сарак қилди. Унинг овқатга ҳуши йўқ эди, шунинг учун, у бир вақтлар очлигини ҳис қилганини эслаб, ҳатто ажабланди ҳам.

— Мен касалман, Мария, — деди у заиф овоз билан. — Нима бўлди менга? Билмайсизми?

— Тумов бўлгансиз, — деди Мартин, — уч кун, сизники тузалади. Овқат емаган яхши. Кейин ейсиз. Эртага.

Мартин касал бўлишга одатланмаган эди, шунинг учун Мария қизи билан хонадан чиқиб кетгач, кийинишга уриниб кўрди. Кўзлари шу қадар қадалиб оғрирдики, дам ўтмай юмишга мажбур бўларди. У бутун ирода кучини тўплаб, ўзини каравотдан туришга мажбур этди-да, стол ёнига ўтирди, лекин шу пайт дармони қуриб, бошини столга кўйганча анча пайт ўрнидан туролмай қолди. Ярим соатдан кейин бир амаллаб ўрнига қайтди-да, кўзларини юмганча, қаерида оғриқ сезаётганини аниқдашга ҳаракат қилиб, қимир этмай ётди. Мария унинг хонасига бир неча марта кириб, пешанасига қўйилган ҳўл сочиқни янгилаб турди. Лекин бемаъни гап билан жонга тегмай деган оқилона қарорга келиб, у билан гаплашмади, миннатдор Мартин фўлдираб гапирди:

— Мария, сизнинг сут фермангиз, яхши сут фермангиз бўлади.

Кейин у кечаги кунни, энди аллақачон ўтиб кетгандек туюлган кечаги кунни эслади. У «Трансконтинентал ойлик журнали»дан мактуб олганидан буён, ўзининг адашганини тушуниб, ёзувчиликни тарк айлагани ва ҳаёт китобининг янги саҳифасини очганидан буён бир аср вақт ўтгандек эди. У камон ипини жуда ҳам таранг қилиб тортган экан, мана оқибат, узилиб кетди. Агарда у очлик ва муҳтоҷликда яшаб, бунчалик дармонини қуритиб қўймаганда, дард уни енга олмасди. Аъзойи баданига жойлашиб олган микроб билан олишишга унинг кучи етмади. Оқибат, ўрнидан туролмай ётиб қолди.

«Модомики, жонимни фидо қилиб китоб ёзганимдан, ҳаттоки бир кутубхона китоб ёзганимдан нима маъно чиқди? – деб сўрарди у ўзидан ўзи. – Йўқ, бу менга тўғри келмайди. Падарига лаънат адабиётнинг! Менинг пешанамга ёзилган нарса – конторада ёзув-чизув билан шуғулланиш, ҳар ойда маош олиб, кичкинагина бир уйда Руфь билан бирга яшаш».

Икки кундан кейин Мартин икки бурда нон билан битта тухум еди ва бир финжон чой ичиб, шу вақт ичидаги келган хат ва газеталарни олиб келишни илтимос қилди. Лекин кўзлари ҳамон санчиб оғрири, ўқишига қийналарди.

— Менга хатларни ўқиб беринг, Мария, – деди у. – Каттакон, қалин конвертларни очманг. Уларни стол остига улоқтириинг. Фақат кичик конвертлардаги хатларни ўқинг.

— Маники билмайди, – деб жавоб қилди аёл.
– Тереза билади, у мактаб боради.

Тўққиз ёшлардаги қизча – Тереза Сильва конвертларни очиб ўқий бошлади. Мартин ёзув машинкаси ҳақини тўлаш ҳақидаги қатъий талбномани паришонхотирилик билан тинглади, чунки боши ўзига иш топиш хаёли билан банд эди. Бирдан унинг қулоғига шундай сўзлар чалинди:

— «Агар биз таклиф қилган қисқартириш ва ўзгартиришларга рози бўлсангиз... – деб ҳижжалаб ўқиди Тереза. – Ҳикоянгизни фақат бизнинг журналдагина босиш ҳуқуқини берсангиз, сизга қирқ доллар таклиф қиласиз».

— Хат қаёқдан, қайси журналдан? – деб қичқириб юборди Мартин. – Бу ёқقا бер-чи.

У кўз оғригини ҳам унугиб қўйиб, жон-жаҳди билан ўқий бошлади. «Оқ сичқон» журнали

унинг энг дастлабки «даҳшатли» ҳикояларидан «Гирдоб»га қирқ доллар тавсия қилаётган эди. Мартин хатни бир неча марта ўқиб чиқди. Мұхаррир ҳикоянинг гояси унчалик аник эмас-лиги, аммо айнан шу роя ўзининг оригиналлиги билан ёқиб қолгани ва ҳикояни босишига рози эканликлари ҳақида очиқдан-очиқ ёзган эди. Яна, агар у «Гирдоб»нинг учдан бирини қисқартиришга рози бўлса, дарҳол унга қирқ долларга чек юборилиши ҳам айтилган эди.

Мартин кўлига қалам олиб, мұхаррирга, «ҳикоямни тўртдан учини қисқартиришингизга ҳам розиман, менга чекни мумкин қадар тезроқ юборсангиз бўлгани» деган маънода хат ёзиб юборди.

Тереза хатни почта қутисига ташлагани югуриб кетди, Мартин эса ёстиққа суюнганича ўйга толди. Демак, ҳар ҳолда ёлғон эмас эканда. «Оқ сичқон» журнали қўлёзмани қабул этган заҳоти пул тўламоқчи.

«Гирдоб» ҳикоясида уч минг сўз бор эди. Учдан бири қисқартирилса икки минг қолади. Демак, ҳар бир сўз нақ икки центдан тушаркан. Қўлёзма қабул қилиниши билан тўла наркан, бир сўзга икки центдан тўлашаркан, газеталарда тўғри айтилган экан! У бўлса «Оқ сичқон»ни учинчи даражали журнал деб ҳисоблаб юрибди-я. Афтидан, у журналлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган. У «Трансконтинентал ойлик журнали»ни биринчи даражали журнал деб ҳисобларди, аммо у ўн сўзга бир центдан тўлаяпти! У «Оқ сичқон»ни менсизмаган эди, аммо бу журнал йигирма баробар қимматроқ ҳақ тўлаяпти, яна асарнинг босилиб чиқишини кутмасдан!

Унга бир нарса равшан эди: тузалиб кетса, иш қидириб юришга эҳтиёж қолмайди. Миясида «Гирдоб»дан қолишмайдиган юзлаб ҳикояларнинг мазмунлари қалашиб ётибди, агар ҳар донасига қирқ доллардан туширадиган бўлса, ҳар қандай хизматда топган пулидан юз чандон кўпроқ пул топади. У, жангда мағлубиятга учрадим, деб турган пайтида голиб чиқди. У ёзувчиликни танлаб янглишмаган экан. Унинг йўли очиқ. «Оқ сичқон» ҳикоясини босиб чиққандан кейин, унинг асарларини босишга тайёр журнallар рўйхати тобора кўпаяверади. Энди «тирикчилик» учун ёзадиган икир-чикир асарларга барҳам берса ҳам бўлади. Барibir, улардан бир доллар ҳам наф йўқ. У иш билан, ҳақиқий ижод билан шугуулланади, ижодида ўзида бўлган жамики қимматли маълумотлардан фойдаланади. Мартин, ҳозир Руфнинг шу ерда бўлиб, қувончига шерик бўлишини истарди. Бирдан у тўшаги устида сочилиб ётган хатлар орасида Руфдан келган битта хатни ҳам кўриб қолди. Руфъ унинг тўсатдан фойиб бўлиб, бир неча кундан буён дом-дараксиз кетганидан мулоийимлик билан гинахонлик қиласади. Мартин мактубни зўр ҳаяжон билан қайта-қайта ўқиди, ёзувни томоша қилди, ҳар бир ҳарфга ҳавас билан тикилди, имзосини меҳр билан ўпди.

Унга юборган жавобида, битта-ю битта костюмини гаровга қўйгани учун боролмаганини очиқ ёзди. У ўзининг касаллиги ҳақида ҳам айтиб ўтиб, ҳозир деярли тузалиб қолганини, яна икки ҳафталардан кейин (шу муддат ичида Нью-Йоркдан чек етиб келиши керак эди) костюмини сотиб олиб, ўша куниёқ унинг ҳузурида бўлишини ёзди.

Лекин Руфь икки ҳафтагача кутиб ўтиришни истамади. Ахир унинг севгилиси касал ётибди-ку. У эртаси куниёқ Артур билан бирга файтонда етиб келди; бу ташриф Сильванинг болаларини ва теварак-атрофдаги болаларни қувонтириб, Марияни қаттиқ саросимага солиб қўйди. Мария бу гайриоддий меҳмонларни ўраб олган болаларига шапалоқ урди, тилни ниҳоят даражада бузиб, кийим-бошининг исқириллиги учун узр сўради. Унинг қўлларида совун кўпиги қотиб қолган эди, олдига фартук ўрнида тутиб олган ҳўл чипта меҳмонларга бу аёлнинг қандай иш билан шуғулланаётганини аниқ айтиб туради. Файтонда келиб, уйида турувчи йигитни сўраётган бу яхши кийинган ёшлар Марияни шу қадар эсанкиратиб қўйдики, ҳатто уларни ўзининг кичкинагина меҳмонхонасига таклиф этишни ҳам унутиб қўйди. Мартиннинг хонасига кириш учун, олам-жаҳон кир ювилганидан буфга тўлган ҳаммомдек иссиқ ошхонадан ўтишга тўғри келди. Мария ҳаяжонланганидан хона эшиги билан шкаф эшикчасини очиб-ёпишдек мураккаб ишни ҳеч бажара олмасди, натижада, bemорнинг хонаси паға-паға кирган буғ, мағзава ва кир кийимлар ҳидига тўлиб кетди.

Руфь эпчилик билан ўнгга бурилди, кейин чапга, кейин яна ўнгга бурилди-да, Мартиннинг столи билан каравоти оралиғидаги торгина оралиқдан ўтди. Артур унчалик эҳтиёткор бўлмагани учун, ошхона вазифасини ўтовчи бурчакдаги хурмача ва товаларни тарақлатиб тушириб юборди. Ундан кейин, Артур хонада унча узоқ турмади. Битта-ю битта курсига Руфь ўтирди, акаси эса ўз вазифамни ўтаб бўл-

дим деб ҳисоблаб, кўча эшик олдига чиқди, у ерда Артурга жуда ҳам қизиққан Сильванинг бир гала болалари дарҳол унинг атрофини ўраб олишди. Бутун маҳалла болалари файтон атрофидаги ўралашиб юришарди; улар биронта даҳшатли ҳодиса рўй беришини кутишарди. Бу ёқларда файтонлар фақат тўй ёки аза кунлари пайдо бўларди; аммо ҳозир ҳеч ким уйлангани ҳам, ўлгани ҳам йўқ, демак, биронта кутилмаган можаро юз бериши муқаррар.

Мартин шу кунларда муттасил Руфни қўмсаб изтироб чекарди. Қалби оташин муҳаббат билан ёнган бу йигит биронта ҳамдард кишига, шунчаки оддий ҳамдард эмас, балки унинг қалбини тушунадиган самимий ва меҳрибон одамга муҳтоҷ эди; лекин Руфъ, унинг, яъни Мартин Иденнинг орзуларини тушунгани учун эмас, балки, табиатан раҳмдил бўлгани учун ғамхўрлик қилаётганини Мартин ҳали тушунмасди. Мартин Руфнинг қўлидан ушлаб, у билан гаплашиб ўтираркан, қиз муҳаббатга берилиб, унинг қўлини меҳрибонлик билан сиқиб жавоб қиласа ва ёш тўла кўзларини унинг чўкиб, бир ҳолатда бўлиб қолган ёноқларига тикар, шўрлик нақадар баҳтсиз ва бечора деб ўйларди.

Мартин «Трансконтинентал ойлик журнали»дан хат олиб, қандай умидсизликка тушганини ва «Оқ сичқон»нинг таклифидан нақадар севинганини шоша-пиша гапирди, лекин Руфъ бунга эътибор қилмади. У Мартин талаффуз этаётган сўзларни эшитар, маъносига ҳам тушунар эди, аммо унинг на қувончига, на қайғусига шерик бўларди. Қиз ўз фикридан қайтмаган эди. Ҳикоялар, журналлар ва муҳаррирлар уни камдан-кам қизиқтиради. У фақат

бир нарса тўғрисида: қачон Мартин билан турмуш қура оларкинмиз деб ўйлар эди. Рост, буни Руфнинг ўзи тушунмасди, шунингдек, Мартинни «ишга жойлашиш»га мажбур этиш истагининг ўзи унчалик тушуниб етмаган оналиқ инстинктига асосланганини ҳам англамасди. Албатта, агар бу гапни Руфнинг тўғри юзига айтишса, у биринчидан, хижолат чекар, иккинчидан, аччиғи чиқиб, ниятим фақат севгилимга фамхўрлик қилишдан иборат эди, деб айтган бўларди. Лекин, бунга қарамай, Руфъ то Мартин ўзи танлаган соҳада эришган биринчи муваффақиятидан ҳаяжонланиб Руфга дилидаги гапларни тўкиб соларкан, қиз унинг гапларига қулоқ солса ҳам, ҳеч нарса эшитмай, атрофига аланглаб, кўз олдидаги нарсаларга ҳайрон бўлиб ўтирди.

Руфъ умрида биринчи марта қашшоқлик билан юзма-юз тўқнашди. Назарида, муҳаббат билан очлик ҳамиша бирга бўладиган юксак нарсадек туюлар, аммо уларнинг ҳаётда қандай бўлишини ҳеч қачон тасаввур қилмаган эди. Ҳар ҳолда, у бундай манзаранинг шоҳиди бўлишни ўйламаган эди. Ошхонадан кираётган кирнинг қўланса ҳиди Руфнинг кўнглини беҳузур қиласди. Модомики, бу баҳтиқаро аёл тез-тез шунаقا кир юваркан, деб ўйлади Руфъ, унда бу қўланса ҳид Мартиннинг бутун вужудига сингиб кетган бўлса керак. Қашшоқлик юқумлидир. Атроф-муҳитдаги ифлосликлар Мартинга ёпишиб қолгандай туюла бошлиди Руфга. Мартиннинг ўсиб кетган соқоли (Руфъ Мартиннинг соқоли олинмаган ҳолда биринчи марта кўриши эди) қизда нафрат уйготарди. Мартиннинг ияги ва ёноқларидаги тиккайиб

турган туклардан унинг юзи худди Сильванинг кулбаси сингари мудҳиш ва ифлос бўлиб туюларди, бу ҳол эса Мартиндаги ҳайвоний қувватни Руфнинг кўзига янада бўрттириб кўрсатарди. Келиб-келиб шу пайтда Мартиннинг иккита ҳикоясини нашрга қабул қилишганини айтмайсизми! Энди у ўзининг бемаъни режаларига қаттиқ ёпишиб олади. Ҳолбуки, яна озгина вақт ўтганда, у таслим бўлиб, хизматга кирган бўларди. Энди бўлса бу мудҳиш кулбада оч ўтириб, ёзувчилигига муккасидан шўнғиб кетади.

— Ниманинг ҳиди келяпти? — деб сўради бирдан Руфъ.

— Кир ҳиди бўлса керак. Мария кир ювяпти, — деб жавоб қилди Мартин. — Мен бунга кўни-киб қолганман.

— Йўқ, йўқ, яна аллақандай, уйга ўтириб қолган қўланса ҳид бор.

Мартин жавоб беришдан олдин, ҳавони ис-каб кўрди.

— Мен тамаки ҳидидан бошқа ҳеч нима сез-маяпман, — деди у.

— Ҳа, балли. Қандай бадбўй! Нега энди бунчалик кўп чекасиз, Мартин?

— Ўзим ҳам ҳайронман. Юрагим сиқилиб кетган пайларда кўпроқ чекаман. Умуман, менга эскидан одат бўлиб қолган. Мен болалик чоғимдан чека бошлаганман.

— Ёмон одат бу, — таънаомуз деди Руфъ. — Бу ерда нафас ҳам олиб бўлмайди.

— Айб тамакида. Мен энг арzon папирос чекаман. Озгина сабр қилинг, қирқ долларнинг чекини олай, фаришталар ҳузурида ҳам чекса бўладиган тамакидан сотиб оламан. Ҳар ҳолда,

чакки эмас! Уч кун ичида иккита қўлёзмамни қабул қилишди. Шу қирқ беш доллар билан деярли ҳамма қарзларимдан узилиб оламан.

— Икки йиллик ишингиз эвазигами? — деб сўради Руфъ.

— Йўқ, бу ишга бир ҳафтадан ҳам озроқ вақт сарфлаганман. Илтимос, анави кул ранг муқовали дафтарчани узатиб юборсангиз. Ана, столнинг бурчагида ётиби.

Мартин дафтарчани очиб, тез-тез варақдай бошлади.

— Ҳа, жуда тўғри, «Қўнгироқ садоси» тўрт кунда; «Гирдоб» икки кунда ёзилган экан. Бир ҳафталик иш ҳақи қирқ беш доллар. Ойига бир юз саксон доллар! Бундай маошни қайси ишда топа олардим? Бу ҳали хамир учидан патир. Ҳолбуки, сизни мукаммал таъминлашим учун менга минг доллар керак бўлади. Беш юз долларли маошга ҳам мен кўнмаган бўлардим. Аммо бошда қирқ беш доллар ҳам ёмон эмас. Изимга тушиб олишинга имкон беринг. Ана ўшанда ҳамма мўрилардан тутун чиқариб юборамиз.

Бу ибора Руфга бир вақтлардаги суҳбатни эслатди.

— Сиз ҳозир ҳам ҳаддан зиёд тутатяпсиз, — деди у. — Гап тамакининг сифатида эмас... Чекишнинг ўзи, нима чекаётганингиздан қатъий назар, бемаъни одат. Сиз худди ўзиорар мўрконга ёки жонли вулқонга ўхшайсиз. Бу даҳшат! Азизим Мартин, бунинг даҳшат эканлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку!

Руфъ меҳр ва муҳаббат тўла нигоҳлари билан боқди, Мартин унинг тиниқ мовий кўзларига, майин чеҳрасига боқаркан, яна бир вақтлардагидек, ўзининг қизга муносиб эмаслигини ҳис қилди.

— Мен чекишни ташлашингизни истайман, – деб пичирлади қиз, – мени деб ташланг шуни!

— Яхши, – деди Мартин, – чекишни ташлайман! Сизни деб, жамики истаган нарсаларингизга амал қиласман, азизим, жоним!

Руфь васвасага тушиб қолди. Мартиннинг нечоғлик осонлик ва итоаткорлик билан ён беришини кўриб, ҳозир агар ёзувчиликни ҳам тарк этасиз деб талаб қилса, йўқ демаслиги ҳақида ўйлади. Лекин гапи оғзида қолди. Руфь бу гапни айта олмади. Юраги дов бермади. Бундай қилиш ўрнига энгашди-да, бошини Мартиннинг кўксига қўйиб, пичирлади:

— Мартин, азизим, буни мен ўзимнинг эмас, сизнинг фойдангизни ўйлаб айтдим. Сизга чекиш зарар бўлса керак, ундан сўнг, қул бўлиш, ҳаттоқи одатга қул бўлиш ҳам яхши эмас.

— Мен сизнинг қулингиз бўламан, – деб жилмайди Мартин.

— Ундан бўлса, фармон беравераман.

Руфь ўзининг дилидаги хоҳишини унга айта олмаганидан ич-ичидан ачиниб, Мартинга айёrona боқди.

— Ҳазрати олияларининг фармонларига мунтазирман.

— Мақбул. Сизга менинг биринчи буйруғим мана шу: кунда соқол олишни унутманг. Юзларимни тимдалаб олганингизни кўринг.

Шундай қилиб, сухбатга эркалашлар, шўх кулгилар билан хотима ясалди. Лекин ҳар ҳолда, Руфь баъзи бир муваффақиятларга эришди, биринчи галнинг ўзида бундан ортиғи ортиқлик қиласарди. Руфь Мартинни чекишни ташлашга мажбур этганидан аёлларга хос фурурга берилди. Келгуси сафар уни ишга ки-

ришга күндиради: ахир у Руфнинг ҳамма истакларига амал қилишга сўз берди-ку.

Руфъ ўрнидан туриб, хонани қўздан кечира бошлади. У кир иладиган арқонга осилган ёзувларга эътибор берди, велосипедни антиқа тарзда осиб қўйилганига дикқат қилди, стол остида уюлиб ётган қўлёзмаларни кўриб афсусланди: қанчадан-қанча вақт бекор кетган-а? Керосинкани кўриб, хурсанд бўлди-ю, лекин озиқ-овқат турадиган токчалар бўум-бўш эканлигига кўзи тушди.

— Ейдиган ҳеч нимангиз йўқ-ку! Вой, шўрлик, — деб юборди қиз ачиниб, — сиз ҳали оч ётган бўлсангиз керак?!

— Озиқ-овқатларим Марияникида туроди, — деб ёлғон гапирди Мартин, — ўша ер қулайроқ. Кўрқманг, мен оч эмасман. Мана, бир кўринг!

Руфъ яқинлашиб, Мартиннинг тирсагини букканини ва қўйлаги тагида метиндек қаттиқ мушаги туртиб чиққанини кўрди. Бу нарса унинг нафратини қўзгади. Мартин унинг ҳиссиётини таҳқирлаган эди. Лекин қизнинг қалби, қайноқ қони, вужудидаги ҳар бир томири қудратли мускуллар сари талпинарди ва Руфъ ўзига таниш бўлган мавҳум кучга итоат этиб, Мартиндан ўзини четга олиб қочиш ўрнига, унинг устига энгашди. Сўнг Мартин уни бағрига босиб, маҳкам қучоқлаганида, ҳаётнинг фақат зоҳирий ҳодисаларидангина хабардор бўлган идроки норози бўлиб, фалаён кўтарди, лекин қалби, ҳаёт шабадаси тегиб ўтган аёл қалби тантана қиларди. Бундай дамларда Руфъ Мартинга бўлган муҳаббатининг бутун куч-қудратини англай бошлар, зеро, йигитнинг бақувват қўллари унинг белини чирмаб олиб,

фоят зўр эҳтиёт билан маҳкам сиққандада, баҳти-ёрликдан Руфнинг боши айланиб, кўзи тиниб кетарди. Бундай пайтларда Руфъ урф-одатни бузганини ҳам, юксак орзуларга хиёнат қилганини ҳам, ҳаттоки, индамай ота билан онага итоат этмаётганини ҳам оқлар эди. Ота-онаси унинг бу одамга турмушга чиқишини исташмас эди. Руфнинг Мартинга ошиқ бўлиши гўё исноддек туюларди уларга. Руфъ Мартиндан йироқлашиб, яна эҳтиоросиз ва сермулоҳаза Руфга айланган пайтларда, ораларидағи муҳаббат қизнинг ўзига ҳам худди исноддек бўлиб туюларди. Лекин Мартин ёнида бўлганида уни севарди; тўғри, баъзи пайтларда бу севги дилсиёҳликка сабаб бўлар, аммо барибир, бу амирана ва голиб муҳаббат эди.

— Тумов енгил касал, — деди Мартин. — Рост, бир оз бошим оғриб, этим увушяпти, лекин тропик безгак олдида ип эшолмайди.

— Сиз тропик безгак билан оғриганмисиз? — деб сўради Руфъ паришонхотирлик билан; бу билан у Мартиннинг қучогида ҳис қилаётган саодатли сархушлик ҳиссини яна чўзишни истарди.

Қиз Мартиннинг жавобига деярли қулоқ солмасди, аммо шу чоқ бир жумла тўсатдан унинг диққатини ўзига тортди. Мартин Гавай оролларидан биридағи моховлар истиқомат қиладиган маҳфий колонияда тропик безгак билан оғриб қолганини эслаётган эди.

— У ерга қандай бориб қолган эдингиз? — деб сўради Руфъ. Мартиннинг ўзига нисбатан ўтакетган бепарволиги Руфга жиноятдек туолган эди.

— Тасодифан, — деб жавоб қилди Мартин, — мен ҳеч қандай моховлар ҳақида ўйлаганим ҳам йўқ эди.

Бир кун кемадан қочдим-у, соҳилга сузиб чиқиб, ўзимга хатарсиз бир бошпана ахтариб, оролнинг ичкарисига йўл олдим. Мен уч кунгача гуава меваси, ёввойи олма, банан, хуллас, жунглида нимаики ўсса, шуни еб юрдим. Тўртинчи куни бир сўқмоққа чиқиб қолдим. Тоғ томонга қараб кетган йўл устида янги босилган одам изи бор эди. Бир ерда сўқмоқ пичоқнинг дамидек ўткир тоғ қиррасидан ўтарди. У ерда сўқмоқнинг кенглиги уч футдан ошмасди, икки томонида эса чуқурлиги бир неча юз фут келадиган жар. Яхши қуролланган битта одам бу ерда юз минг кишилик қўшиннинг ҳужумини қайтариши мумкин эди. Орол ичкарисига борадиган бирдан-бир йўл шу эди. Уч соатлардан кейин мен ўюлиб-уюлиб ётган совуқ вулқон лавалари орасидаги кичик бир водийга тушдим. У ерда мева дарахтлари ва етти-саккизта қамиш кулба бор эди. Бу ернинг аҳолисига кўзим тушиши билан, қаерга келиб қолганимни пайқадим. Бир қараашнинг ўзи кифоя эди.

Мисоли Дездемонадек даҳшатга келган, лекин сеҳрлангандек ҳанг-манг бўлиб қолган Руфь бу гапларни эшитиб сўради:

— Сиз нима қилдингиз?

— Қўлимдан нима ҳам келарди? Уларнинг бошлифи бошдан-оёқ мохов кемириб ташлаган бир оққўнгил чол экан: у ҳақиқий қиролдек ҳукмронлик қиласкан. Бу водийни топган ҳам, бу ерда колония ташкил қиласкан ҳам шу экан; лекин, ўз-ўзидан маълумки, бу файриқонуний иш эди. Уларнинг милтиқлари ва ўқлари бор эди; айтгандек, канакилар ниҳоятда уста мерган бўладилар. Улар тўнғиз ва ёввойи мушукларни ов қилишга одатланган эканлар.

Демоқчиманки, қочишни хаёлга ҳам келтириш мүмкін эмас эди. Оқибат, Мартин Иденга ўша ерда уч ой қолиб кетишига түғри келди.

— Лекин қандай қилиб қочиб қутулдингиз?

— Агар ярим хитой, чорак оқ тан ва чорак гавайилик бир қыз бўлмаганда, ҳали ҳам ўша ерда ётган бўлардим. У шўрлик жуда гўзал ва бунинг устига яна саводли эди. Онасининг Гонулулуда камида бир миллионлик давлати бор эди. Ана шу қыз ахир бир кун мени балодан қутқарди. Биласизми, унинг онаси колонияни пул билан таъминлаб турарди, шунинг учун ҳам жазога тортишларидан қўрқмасди. Лекин қыз бу маконни ҳеч кимга очмаслик ҳақида менга онт ичирди. Мен ҳам онтимга содиқ қолдим. Ҳозир мен бу ҳақда биринчи марта гапиряпман. Ўша пайтда бечора қизда мохов касалининг энг биринчи нишоналари энди пайдо бўла бошлаган эди. Ўнг қўлининг бармоқлари ириб тушиб кетган ва тирсагидан юқорироқда кичкинагина доф пайдо бўлган эди. Ҳозир ўлган бўлса керак.

— Қандай қилиб қўрқмадингиз? Яхшиямки, бу даҳшатли касални ўзингизга юқтирумабсиз!

— Аввалига жуда қийналдим, — деб эътироф этди Мартин. — Лекин кейинчалик кўникиб қолдим. Бунинг устига ўша баҳтиқаро қизга жуда раҳмим келди, натижада ўзимни эҳтиёт қилишим кераклигини ҳам унутиб қўйдим. У ҳам руҳан, ҳам жисман шундай гўзал қыз, касаллик унга эндингина ўтган эди. Қизнинг ўзи ҳам энди ҳеч қачон инсон юзини кўрмасликка ва ибтидоий ёввойи одамларга ўхшаб ҳаёт кечириб, тадрижий равишда тириклайнин чиришга маҳкум этилганини биларди. Бу мохов

касалининг нақадар даҳшат эканлигини сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз.

— Бечора қиз! — деб ингради Руфъ. — Шундай бўлса ҳам сизни қўйиб юборгани таажжубли ҳол.

— Нега? — деб сўради Мартин тушунмай.

— Чунки у қиз сизни севган бўлса керак, — деб гапида давом этди Руфъ ҳамон паст овозда. — Қани, очиғини айтаверинг: севармиди?

Мартиннинг офтобда қорайган юзлари кирхонада ишлаганидан ва тарки дунё қилиб яшаганидан, кейинги пайтларда эса, очлик ва хасталикдан оқариб кетган эди; энди, ана шу рангпар чехрасига хиёлгина қизиллик югурга бошлади. У жавоб бергани энди оғиз жуфтланган эди, Руфъ унинг олдини одди.

— О, ўтинаман, жавоб берманг! Жавобга ҳожат йўқ! — деди қиз кулиб.

Лекин Руфнинг кулгисида аллақандай қатъийлик оҳангি сезилгандай, кўзлари совуқ ярақлаб кетгандай бўлди. Шунда, бир вақтлар Тинч океанининг шимолий қисмида бўронга дуч келгани эсига тушди. Унинг кўз олдида бир онгагина совуқ ой шуъласи билан ёритилган даҳшатли тўлқинлар манзараси намоён бўлди. Бунинг кетидан кўзига моховлар колониясидағи қиз кўринди ва Мартин, у қиз айнан мени севганлиги учун қочишимга имкон туғдирган, деб ўйлади. Лекин:

— У олийжаноб қиз эди, — деди соддагина қилиб, — шунинг учун мени ўлимдан қутқариб қолди.

Шу билан масала равшан бўлди ҳисоб эди, лекин Мартин бирдан пиқ-пиқ йифи овозини эшишиб қолди-ю, Руфъ юзини тескари ўгириб, деразага қараб турганини кўрди. Қиз яна Мартинга ўгирилиб қараганида, унинг чехрасида

денгиз бўронини эслатувчи ҳеч қандай аломат қолмаган эди.

— Жудаям тентакман-да, — деди Руфъ ўзидан ёзириб, — лекин ўзимни тута олмайман. Сизни жудаям яхши кўраман, Мартин, жудаям. Эҳтимол, бора-бора кўникиб қоларман, лекин ҳозир сизни беихтиёр ўтмишдаги ҳар бир шарпага rashк қиламан. Сизнинг ўтмишингизда эса шарпалар кўп бўлган!.. Рост, рост, бўлмай иложи ҳам йўқ эди. — У Мартиннинг эътиroz билдиришига имкон бермай, тез-тез гапира бошлади. — Ана, Артур ҳам мени имлаб чақиряпти. Кутиш бечоранинг жонига тегди. Хайр, азизим. Чекишни ташлашга ёрдам берадиган қандайдир бир дори бор, — деди Руфъ эшик олдига борганида, — сизга бериб юбораман.

Руфъ хонадан чиқиб, эшикни ёпди, кейин яна қия очиб:

— Севаман, севаман, — деб пичирлади-да, шундан кейингина уйдан чиқиб кетди.

Мария Руфни файтонга иззат-эҳтиром билан кузатиб қўяркан, йўл-йўлакай, унинг кийими-ни батафсил кўздан кечириб чиқди. (Мария ҳеч қачон бунаقا бичимдаги кийимни кўрмаган эди, шунинг учун кийим ниҳоятда бежирим бўлиб туюлди унга. Файтон муюлишда кўздан фойиб бўлгунча бир гала бола ҳафсаласи пир бўлиб қараб турди. Ундан кейинги дақиқада ҳамманинг диққати Марияга қаратилди; у бирдан бутун кварталда энг эътиборли кимса бўлиб қолган эди. Бироқ унинг ўз чурвақаларидан қайсиям бири, асилизода меҳмонларнинг онаси олдига эмас, уйларида турадиган кишининг олдига келганини айтиб, ишни пачава қилиб қўйди. Шундан кейин Мария яна ҳеч эъ-

тибори йўқ одам аҳволига тушиб қолди, лекин Мартин қўни-қўшниларнинг ўзига зўр эҳтиром кўрсата бошлаганини ҳис қилди. Мариянинг олдидаги унинг обрўси жуда ошди, лекин бояги ажойиб файтонни баққол ҳам кўргандада, Мартинга яна уч доллару саксон беш центлик мол насияга бериши шубҳасиз эди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Мартиннинг баҳт қуёши балқиди. Руфъ келиб кетган куннинг эртасига у Нью-Йоркда чиқадиган бетайин бир журналдан учта триолети²⁰ эвазига уч долларга чек олди. Яна икки кундан кейин Чикаго газеталаридан бири унинг «Хазина қидирувчилар»ини қабул қилиб, ҳикоя босилиб чиққандан кейин ўн доллар тўлашга ваъда берди. Бу жуда арzon баҳо эди, лекин у Мартиннинг ўз қалбини ҳаяжонга солған фикрларни биринчи марта қофозда ифода этган илк асари эди. Бу хушхабар устига, яна унинг ёшлилар учун ёзган саргузашт қиссасини ҳам «Ёшлик ва етуклик» номли ойлик журнал қабул қилди. Тўғри, қиссада йигирма бир минг сўз бўлишига қарамай, унга бор-йўғи ўн олти доллар таклиф қилишаётган эди; бу эса ҳар минг сўз тахминан етмиш беш центдан тушади деган гап эди, шу пулни ҳам, қисса чоп қилингандан сўнг тўлашмоқчи эди, лекин бу асар Мартиннинг адабиёт соҳасидаги иккинчи уриниши эди, холос; асардаги камчиликлар ҳозир Мартиннинг ўзига ҳам яққол кўриниб турарди.

Шуни ҳам айтиш керакки, унинг энг дастлабки асарларини ҳам жўн асар деб бўлмас-

²⁰ Триолет – 8 қаторли шеър.

ди. Бу асарларда ҳаддан зиёд куч – чумчуқни түп отиб уриб туширишга ҳам тайёр бўлган ҳаваскор ёзувчининг еру кўкка сифмайдиган куч-қудрати бор эди. Мартин дастлабки асарларини арzon-гаров бўлса ҳам пуллай олганидан хурсанд эди. У мазкур асарларининг қийматини биларди, бунинг учун унчалик қўп вақт ҳам керак бўлмади. Бутун умиди сўнгги асарларидан эди. У журналларда босилаётган ҳикоя ва қиссаларнинг муаллифидан кўра улугроқ сиймо бўлишни орзу қиласарди. У чинакам санъаткор эга бўлган жамики усувларни ўзлаштиришга интиларди. Лекин кучини бекорга сарфлашни истамасди. Бильякс, кучни жиловлашга ўрганиб олиб, яна ҳам қўпроқ куч йиғишишга уринарди. Шу билан бирга, унинг реализмга бўлган меҳри ҳам сўнмади. У ўзининг ҳамма асарларида реализмни хаёл билан, хаёл яратган гўзаллик билан бирлаштиришга уринарди. У реализмга, инсонга ва унинг орзуларига ишонган илҳомбахш реализмга интиларди. У ҳаётни борича акс эттиришни, нотинч кўнгил интилишларини тасвирлашни истарди.

Мартин мутолаа қилиб, иккита адабий мактаб мавжудлигини аниқлади. Улардан бири инсонни, унинг ҳақиқий табиатини мутлақо назарга олмаган ҳолда, қандайдир бир илоҳијат деб тасвирласа, иккинчиси аксинча, одамини фақат ҳайвон деб тасвирлар, унинг маънавий орзуларини ва буюк имкониятларини тан олишни истамасди. Мартин на у ва на бу йўлнинг кўрсатмаларига амал қиласарди, чунки уларни ҳаддан ташқари бир ёқлама таълим, деб ҳисобларди. Унинг фикрича, ҳақиқат уларнинг ўртасида эди, «илоҳий» мактаб ҳақиқат-

дан қанчалик йироқ бўлса, «ваҳший» мактаб ҳам, ўзининг ҳайвонийлиги билан унга асло яқинлашмас эди.

Мартин бир вақтлар Руфга манзур қила олмаган «Саргузашт» ҳикоясида ўзининг бадиий ҳақиқат ҳақидаги орзусини амалга оширишга уриниб кўрди, «Худо ва ҳайвон» мақоласида эса шу масалага доир бўлган ўз назарий мулоҳазаларини баён қилди.

Лекин «Саргузашт» ва ўзи энг яхши деб ҳисоблаган бошқа ҳикоялари таҳририятларда сарсон юрарди, Мартин ўзининг илк асарларига эътибор бермас, фақат улар учун олаётган гонорарга хурсанд эди; у «даҳшатли» ҳикояларини ҳам унчалик қадрламасди, ҳолбуки, улардан иккитасини яқингинада журналда босишга қабул этишган эди. Бу ҳикоялар бошдан-оёқ уйдирма бўлиб, Мартин уларга зоҳирان реаллик тусини берган эди, ҳикояларнинг кучи ҳам ана шунда эди. Бемаъни ва ақл бовар қилмайдиган нарсани ҳақиқатга ўхшатиб тасвирлашни Мартин моҳирона найрангбозлик деб ҳисобларди, вассалом. Бундай асарларнинг буюк адабиётга ҳеч бир даҳли йўқ эди. У асарларнинг бадиий ифодаси кучли бўлиши мумкин эди, лекин Мартин ҳаётий ҳақиқатдан ажralиб турган бадиий маҳоратни қадрламасди. Найрангбозликнинг моҳияти уйдирмага жонли ҳаёт ниқобини кийдиришдан иборат эди ва Мартин «Саргузашт», «Қувонч», «Қозон» ва «Ҳаёт шароби» каби асарлари савиясига кўтарилилмасидан олдин, беш-олтита «даҳшатли» ҳикояларида шу усулага амал қилган эди.

То «Оқ сичқон»дан чек келгунча триолетлар учун олинган уч доллар билан бир амаллаб кун

кўриб туриш мумкин эди. Мартин шубҳа билан қараб турган португалиялик баққолдан уч долларлик чекни майдалатиб олди-да, унинг ўзига қарзи юзасидан бир доллар берди, қолган икки долларни новвой билан сабзавотфурушга бўлиб берди. У ҳали гўшт ейдиган даражада бой эмас эди, шунинг учун то орзиқиб кутилган чек етиб келгунча, бир амаллаб очинтўқин кун кечириб юрди. «Оқ сичқон»дан чек келганида, Мартин нима қилишини билмай, эсанкираб қолди. У умрида бирон марта ҳам банкда бўлган эмас, пул масаласида бўлса инчунун, шу сабабдан, ҳозир албатта Окленддаги йирик банклардан бирига бориб, қирқ долларлик чекини пул бериладиган туйнукка менсимаслик билан ташлаш каби гўдакларга хос бир истак туғилди. Лекин ақли шайтонга ҳай бериб, чекни баққолдан майдалаб олишга ва шу билан ўз обрўсини оширишга даъват этди, бу ҳол, кейинчалик, яна зарур бўлиб қолганда қарзга мол олишга имкон тугдиради. Мартин истар-истамас баққолнинг олдига борди, чекни майдалаб, унинг қарзларидан батамом қутуди. У баққолнинг дўконидан бир ҳамён пул билан чиқиб, бошқа қарзларини ҳам тўлагани кетди: новвой билан қассобнинг қарзини берди, Марияга ўтган ойнинг ижара ҳақини, яна бир ой олдин кейинги ойнинг ҳақини тўлади, велосипедини сотиб олди, ёзув машинкасининг ижара ҳақини тўлади. У қарзларининг ҳаммасидан узилиб бўлгандан кейин, чўнтағида атиги уч доллар қолган эди.

Лекин шу озгина пул ҳам Мартинга катта бойлиқдек туюларди. У костюмини сотиб олиб, шу заҳотиёқ Руфнинг олдига жўнади; йўл-йўла-

кай у ўзини тия олмай, чўнтағидаги майда пулни шиқиллатиб лаззатланиб қўярди. Оч одам қўзини овқатдан уза олмаганидай, чўнтағида бир қанча вақтдан бери сариқ чақа бўлмаган Мартин ҳам танга-чақаларни қўлидан қўёлмасди. У очкўз ҳам, хасис ҳам эмас эди, лекин пул унинг учун маълум миқдордаги доллар ва центлардан кўра қимматлироқ нарса ҳисобланарди. Улар муваффақият гарови эди, шунинг учун тангаларга чекилган бургут суратлари фалабадан дарак берувчи қушларга ўхшаб туяларди Мартинга.

Оlam гўзал деган фикр яна аста-секин Мартиннинг кўнглида пайдо бўла бошлади. Дунё энди унга яна ҳам гўзалроқ бўлиб кўрина бошлаган эди. Бир неча ҳафта мобайнида дунёни зулмат чулғагандек эди; лекин энди, ҳамма қарзлар тўланиб, чўнтақда яна уч доллар жиринглаб ётганда, Мартиннинг қалбида муваффақиятга ишонч яна ошди, офтоб Мартинга яна иссик, чароғон бўлиб туюлди, ҳаттоқи бирданига шаррос қўйган ёмғир ҳам уни хурсанд бўлиб табассум қилишга ундаdi. Мартин оч ўтирган қунлари доим бутун дунёга сочилиб кетган минг-минглаб очлар ҳақида ўйлаган эди, лекин энди қорни тўйғандан кейин очлар ҳақида ташвиш қилмай қўйди, энди ўз муҳаббатига гарқ бўлган Мартин ер юзида яшовчи сон-саноқсиз ошиқлар ҳақида ўйлай бошлади. Ишқий шеърларнинг мисралари аста-секин эсига туша бошлади, натижада шундай ижодий эҳтирос таъсирига берилиб кетган Мартин трамвайдага икки квартал нарига ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди.

Мартин келганда Морзларнинг уйи меҳмонлар билан гавжум эди. Сан-Рафаэлдан Руф-

нинг иккита қиз холаваччаси меҳмон бўлиб келган эди, шу муносабат билан миссис Морз меҳмонларни зериктирмаслик баҳонаси билан ўз режасини – Руфъ атрофига ёшларни тўплаш режасини амалга оширишга киришган эди. У Мартиннинг келишга илож тополмаганидан фойдаланиб, ишни бошлаб юборган, шунинг учун ҳозир ишлар жуда авжида эди. Миссис Морз турмушда муваффақият қозонган ёки қозонаётган кишиларни уйига таклиф қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Шундай қилиб, меҳмонхонада Руфнинг холаваччалари – Дороти билан Флоренсдан бошқа яна иккита дорил-фунун муалими: бири – лотиншунос, иккинчиси – инглиз филологияси мутахассиси; Руфнинг мактабдош ўртоғи, яқинда Филиппиндан келган ёшгина қўшин зобити; Сан-Франциско-даги кредит жамиятининг бошлифи Жозеф Перкинснинг шахсий котиби Мелвилл фамилияли йигитча; ниҳоят, Стэнфорд дорилфунунида таълим олиб чиқиб, банклардан бирида бош бухгалтер лавозимида ишлаётган Ниль ва Қўшма клубларнинг аъзоси, сайлов кампаниялари вақтида республика партиясининг доимий ваъзхони, ўттиз беш ёшлардаги башанг йигит – ҳар жиҳатдан истиқболи порлоқ Чарльз Хэпгудлар бор эди. Хонимлардан бири – портретшунос рассом, иккинчисининг касби мусиқачи, учинчиси эса Сан-Францисконинг хароб маҳаллаларида ўзининг хайрия фаолияти билан ном чиқариб, жамиятшунослик фанлари доктори даражасига эришган эди. Айтгандай, миссис Морзнинг режасида аёллар унча муҳим роль ўйнамасдилар. Улар иккинчи даражадаги ўринда эди. Ахир муваффақият қозонган

ёшларни бирон нарса билан уйга жалб қилиш керак эди-да.

Руфь Мартинни меҳмонлар билан таништиришдан олдин унга:

– Сүхбат пайтида қизишиманг, – деб пичирлаб қўйди.

Мартин аввалига ўзини жуда ўнгайсиз ҳис қила бошлади; у яна бир вақтлардагидек, ҳаратат қилганида жиҳозлар ёки безак ашёларидан биронтасига тегиб кетишдан қўрқиб юрди. Бундан ташқари, меҳмонлар олдида ўзини ўнгайсиз сезди. У илгари ҳеч қачон шунча кўп атоқли кишилар билан бирга бўлган эмас эди. Хусусан, бош бухгалтер Хэргуд унда зўр таассурот қолдирди, шунинг учун Мартин фурсат келганда у билан яқиндан танишишга аҳд қилди. Мартин зоҳиран чўчиб турган бўлса ҳам, аслида ўзининг қудратига қаттиқ ишонар эди, шунинг учун ҳам, эркак ва аёллар билан куч синашишни сабрсизлик билан кутар, уларнинг Мартин бехабар бўлган яна нималарни китоблардан ва ҳаётдан ўргангандарини билишга ошиқарди.

Руфь унга қараб-қараб қўяркан, холаваччалири билан жуда баҳузур суҳбатлашаётганини кўриб бениҳоя таажжубланар, севинарди. Мартин чиндан ҳам ўтирган чоғида ўзини жуда хотиржам ҳис қиласди. Чунки у ул-булни ағдариб юборишдан хавотир олмасди. Руфь иккала холаваччасининг ҳам бамаъни ва ажойиб суҳбатдош эканлигини биларди, шунинг учун уйқуга ётаётганида, уларнинг Мартин ҳақида айтган мақтovларини эшитиб таажжубланди. Мартин эса ўз улфатлари даврасида ўтакетган асқиячи ва барча кечки йифинларда ҳамда якшанба кунги дала сайилларида йифилганлар-

нинг жони дили бўлишга одатланиб қолган эди, шунга кўра кутилмаганда бу ерда ҳам вақтичоғлик қилиш ва пайров сўзларни ишлатиш мумкинлигини сезди. Гўё муваффакият ҳомийси унинг орқасида тургандай ва гапларини маъқуллаб, елкасига қоқаётгандай туюларди; мана шунинг учун ҳам Мартин ҳеч тортинмасдан кулар, бошқаларни ҳам кулдирарди.

Йиғиннинг охирида Руф қўрққан воқеа юз берди. Мартин профессор Колдуэлл билан суҳбат қиласади, у қўлларини пахса қилиб гапирмаса ҳам, Руфъ унинг кўзларини бошқача чақнай бошлаганини, овози аста-секин баландлашиб, ёноқларига қон югура бошлаганини диққат-ла кузата бошлади. Ўзини тута олмайдиган ва файратини боса олмайдиган Мартин вазмин табиат ёш профессорнинг тамомила акси эди.

Лекин Мартин энди сиртқи одоб қоидалари ҳақида ўйламай қўйган эди. У ҳамсуҳбатининг нақадар маъдумотли ва ҳар томонлама таҳсил олган киши эканлигини дарҳол пайқади. Бунинг устига, профессор Колдуэлл Мартиннинг инглиз филологияси муаллимлари ҳақидаги умумий тасаввуридаги одамга асло ўхшамасди. Мартин профессорни ўз ихтисоси мавзуудан гап очишга мажбур қилишни жуда истарди, профессор аввалига гапни бошқа томонга буришга уриниб кўрган бўлса ҳам, Мартин охири ўз истагига эришди. Нима сабабдан ўлтиришларда ҳар кимнинг ўз касби ҳақида гапириши номатлуб деб ҳисоблашларига Мартин тушунмасди.

– Ахир бу бемаънилиқ-ку, – деган эди у Руфга бундан бир неча кун илгари, – нимага ҳар ким ўз касби кори тўғрисида суҳбатлашиши мум-

кин эмас? Бас, ҳар ким ўзининг кучли томони-ни кўрсата олмас экан, унда нима учун одам-лар тўпланишади? Инсон доим нимага кўпроқ қизиқса, унинг асосий машғулоти нима бўлса, ўз ҳаётини нимага бағишлиган бўлса, нима-ни ўйласа ва ҳаттоқи кеча-ю кундузи нимани орзу қиласа, у ана шу соҳада ҳаммадан куч-ли бўлади. Чунончи, мистер Бэтлер киборлар орасида расм бўлган одатга риоя этиб, бирдан Поль Верлэя ҳақида, немис драмаси ҳақида ёки д'Аннуңцио романлари ҳақида ўз фикр-ларини изҳор қилиб қолди деб фараз қилинг. Ҳамманинг юраги сиқилиб ўларди. Масалан, мен агар мистер Бэтлернинг гапларини эши-тишни истасам, унинг ҳуқуқшунослик ҳақида гапиришини афзал кўрардим. Бу соҳада унга ҳеч ким teng кела олмайди, умр эса қисқа, шу-нинг учун мен ҳамиша одамлардаги энг яхши жиҳатларни ўргангим келади.

— Бироқ, — деб эътиroz билдирган эди Руфъ, — ҳамма учун бир хилда қизиқарли бўлган мав-зулар ҳам бор.

— Йўқ, бу масалада сиз янгишдингиз, — деб Мартин ҳам эътиroz билдирган эди, — деяр-ли ҳар бир киши, ҳар бир гурӯҳ ўзидан юқо-рироқ табақадаги одамларга тақдид қиласи. Жамиятда энг олий табақадагилар кимлар? Ишёқмаслар, бадавлат ишёқмаслар. Одатда улар бирор иш билан машғул бўлган одамлар биладиган нарсалар ҳақида ҳеч қандай та-саввурга эга эмаслар. Улар бундай нарсалар тўғрисида суҳбатлашишдан зерикадилар, ана шунинг учун ҳам кўпчиллик ичida ҳар кимнинг касб-кори ҳақида суҳбат қуришини «адабсиз-лик» деб жар соладилар. Айни вақтда, улар

одамларнинг сухбат мавзуини ҳам тайинлаб берадилар. Янги опера, янги романлар, карта, бильярд ўйинлари, коктейль ичимликлари, автомобиллар, яхталар, от кўргазмалари, ов, балиқ тутиш ва ҳоказолар ҳақида, яъни, сезяпсизми, ишёқмасларга яхши таниш бўлган жамики нарсалар ҳақида сухбат қуриш мумкин эмиш... Аслини олганда, шунинг ўзи ишёқмасларнинг касб-коридир. Ҳаммадан қизиги шундаки, доно одамлар ёки ўзларини доно деб ҳисоблашларини истаганлар бундай пайтда тентак ва ялқовларнинг райига итоат этадилар. Лекин менга қолса, одамнинг фақат энг яхши жиҳатларини ўрганишни истардим. Буни сиз ҳар кимнинг касб-кори устидаги сухбат дейсизми, назокатсизлик дейсизми, нима деб атасангиз атайдеринг, менга барибир.

Аммо Руфъ Мартинни тушунмасди. Расм-одат бўлиб қолган нарсаларни қоралашини унинг қайсарлиги ва саркашлигидан деб биларди.

Ҳар ҳолда, Мартин ўзининг жиддийлиги билан профессор Колдуэллни қизиқтириб қўйди, уни ўзига таниш мавзуда гап очишга мажбур этди. Руфъ яқин келганда, Мартин гапираётган эди:

— Лекин сиз Калифорния дорилфунунида бундай сафсатани баён этишга журъат эта олмасангиз керак?

Профессор Колдуэлл елкасини қисди.

— Ҳар бир номусли солиқ тўловчи киши бир оз сиёсатчи бўлиши керак. Сакраменто²¹ бизга маблаг ажратади, шунга кўра, Сакраментони, университет маъмуриятини, партия матбуоти-

²¹ Сакраменто – Калифорния штатининг пойтахти.

ни, аниқроқ қилиб айтганда, иккала партия матбуотини эътиборга олишга тўғри келади.

— Бу тушунарли, лекин сизнинг ҳолингиз нима кечади? — деди Мартин. — Сиз ўзингизни қирғоқча отиб юборилган балиқдай ҳис қилишингиз керак!

— Бизнинг университетимиз ҳовузида менга ўхшаганлар жуда кам учрайди. Баъзан мен чиндан ҳам ўзимни қирғоқча улоқтирилган балиқдай ҳис қиласман ва Парижнинг бирон ерида нўноқ қаламкашлар орасида ёки лотин кварталининг сертўполон аҳди орасида ўзимни бирмунча дурустроқ ва эркинроқ ҳис қилган бўлардим деб ўйлай бошлайман. Ўшанда мен энг арzonбаҳо ресторонларда овқатланиб, кларет ичардим-у, коинот ҳақида бениҳоя дадил мулоҳазалар юритардим. Баъзида ўзимга ўзим радикал табиат одамдек туюламан. Бироқ, афсуски, ҳали мен пухта ўзлаштира олмаган масалалар жуда кўп! Мен муҳим масалаларни англаб олишга, хусусан, ҳаётнинг асосий масалаларини ўзлаштиришда менга халал берадиган маҳдудлигимни кўриб даҳшатга тушаман.

Мартин унинг гапини эшитиб ўтириб беихтиёр «Тропик шамол қўшифи»ни эслади.

*Куну тун уфуриб,
Елканлар кўксини қабартираман.*

Мартин бу сўзларни сал бўлмаса овоз чиқариб айтиб юборай деди. У профессорга қараб ўтириб, унинг шимоли-шарқдан эсадиган шиддатли, совуқ ва кучли шамолга ўхшаш жиҳатлари борлигини топди. Профессор ҳам мазкур шамол сингари вазмин ва инобатли эди, лекин унинг кишини ҳайратда қолдирадиган хислатлари ҳам бор эди. Шимоли-шарқий тропик

шамол ҳеч қачон жон-жаҳди билан ўша кучидан фойдаланмагани сингари, профессор ҳам, афтидан, ўз мулоҳазасини ҳеч қачон поёнига етказиб баён қилмаса керак, деб ўйлади Мартин. У образли мушоҳада қилиш қобилиятини йўқотмаган эди. Унинг мияси худди хотиралар ва уйдирмалар тўла каттакон омборга ўхшарди, омборнинг эшиги эса доимо очиқ турарди. Қандай кор-ҳол рўй бермасин, Мартиннинг хаёли ўша омбордан бир зумда бир-бирига ўхшаш ёки аксинча, бир-бирига зид нарсаларни олиб чиқарди-да, уни ёрқин образларда ифодалаб берарди. Бу иш тамомила файриихтиёрий равища бажариларди, мавжуд ҳаётдан олинган ҳар бир ҳодисага, албатта, хаёлан яратилган лавҳалар қўшилиб кетарди. Тунов куни Руфнинг кўзида рашиқдан пайдо бўлган учқунлар унга ой нуридаги пўртанани эслатганидек, ҳозир профессор Колдуэлл кўз олдида ботиб бораётган қуёш нурларидан қирмизи рангга бўялган денгиз манзарасини ва шимоли-шарқий тропик шамол қувоётган оқ қўпичли тўлқинларни келтиради. Унинг кўзи олдида ҳар дақиқа сайин шу тарзда ҳар тури манзаралар пайдо бўлар, аммо улар Мартиннинг фикр юритишига халал бериш у ёқда турсин, аксинча, унинг мулоҳазаларини равонлаштиради. Ана шу манзаралар, илгари Мартин бошидан кечирган ҳамма саргузаштларнинг, ўз кўзи билан кўрган ва китоблардан ўқиб билганинг акс садоси эди ҳамда улар муттасил – ҳушёрлик чоғида ҳам, уйқусида ҳам миясида ғужфон ўйнашарди.

Мана энди Мартин оқил ва ўқимишли профессор Колдуэллнинг равон нутқини эшитар-

кан, беихтиёр ўзининг ўтмишини эслади. У ўзининг илк ёшлиқ даврини, Стетсон фабрикасидан чиққан шляпани бошига яримта қилиб қўндириб, эгнига тугмаси икки ёқдама қадаладиган куртка кийган, йирик-йирик қадам ташлаб юрувчи ўйинқароқ йигит қиёфасида кўрди; бу йигитчанинг бирдан-бир орзуси полиция рухсат этган доирадан четга чиқмай, бебошлиқ, шўхлик қилиш эди. Мартин бу лавҳаларни хотирларкан, унинг бирон ерини юмшатиш ёки ёддан чиқаришни ўйламасди ҳам. Ҳа, у ўз ҳаётининг маълум бир даврида энг оддий уришқоқ, доимо полийия билан олишиб келган ва ишчи маҳалласининг номусли аҳолисига даҳшат соглан шайканинг бошлифи эди. Лекин энди унинг орзулари ўзгарди. У атрофига қараб яхши тарбия кўрган ва башанг кийинган эркаклару хонимларга кўз югуртирас, нафис маданият ҳавосидан нафас оларкан, шу чоқ унинг ёшлиқ даврини эслатувчи шарпа, икки ёқдама тугмаланадиган куртка кийиб, меҳмонхонага ёзилган гилам устидан алпанг-талпанг юриб келаверди. Ана шу кўча болалари шайкасининг бебош бошлифи энди мана бу Мартин Иденга айланиб, ҳозир юмшоқ курсида университет профессори билан бамайлихотир сұхбат қуриб ўтирибди.

Очиини айтганда, Мартин ҳалигача ҳаётда ўзининг чинакам ўрнини топа олгани йўх. У ҳамма ерда ҳам осонлик билан одамларга дарров эл бўлиб кетарди, доимо ҳамманинг ҳурматини қозонар, негаки ишда ҳам, ўйинда ҳам орқада қолмас, ўзини ҳимоя қила олар, шу билан бирга ўзига нисбатан ҳурмат уйғота оларди. Лекин у ҳеч ҳачон, ҳеч қаерда илдиз

ота олмасди. У ўз ўртоқларини хурсанд қила олар, лекин ўзининг ҳеч қачон кўнгли тинчимасди. Уни доимо аллақандай ташвиш безовта қилар, қулоғига доимо уни аллақаёқларга чорловчи садо эштиларди, шунинг учун у то китоблар, санъат ва муҳаббатга эришгунча ором тополмай бутун умрини дарбадарликда ўтказди. Мана энди, киборлар мәҳмонхонасида ўтирибди – ўзининг илгариги улфатлари орасида фақат у Морзлардек асилзодалар уйига баҳузур кела биларди.

Бу ҳақдаги мулоҳазаларнинг ҳеч бири Мартиннинг диққат билан қулоқ солишига халал бермасди. У ҳамсуҳбатининг тушунча доираси нақадар кенг эканлигини кўрди. У, ҳар ҳолда, Спенсер туфайли билимнинг умумий асосларидан боҳабар бўлса ҳам, ора-сира ўзи олган таҳсилнинг камчилик ва қусурларини сеза бошлади. Бу қусурларга барҳам бериш учун фақат вақт керак эди, холос. «Ана ўшанда, беллашамиз!» – деб ўйлади Мартин. Лекин ҳозирча у профессорнинг оғзидан чиққан ҳамма сўзларни эҳтиром билан тинглаб, ўзини унинг оёқлари остида ўтиргандай ҳис қиласди. Бироқ Мартин учун ҳамсуҳбатининг мулоҳазаларидағи заиф томонни аниқдаб олиш унчалик осон бўлмаса ҳам, у нарса суҳбат мавзуи ўзгарганда билиниб қоларди. Ниҳоят, Мартин бу заиф томоннинг нимадан иборат эканини аниқдаб олганидан кейин, профессор билан ораларидағи тенгсизлик ҳисси дарҳол ғойиб бўлди.

Руфъ уларнинг олдига иккинчи марта яқинлашганда, Мартин энди гап бошлаган эди.

– Сизнинг нимада адашаётганингизни ёки аниқроқ қилиб айтганда, фикрларингизнинг

заиф томони нимадалигини айтиб беришим мумкин, – деди у. – Сиз биологияни назарга илмайсиз, мулоҳазаларингизда мен шу нарсанни пайқадим. Яъни, мен жонсиз моддаларни жонлантириш борасида лабораторияда олиб бориладиган тажрибалардан тортиб, энг кенг миқёсдаги жамиятшунослик ва эстетик умумлашмаларгача ҳамма нарсани қамраб олган чинакам илмий биологияни назарда тутяпман.

Руфъ тамомила ҳанг-манг бўлиб қолди. У профессор Колдуэллинг лекциясини икки йил мобайнида эшитган, профессор унга донишмандликнинг қайнар булоги бўлиб туюлар эди.

— Гапингизга унчалик тушуна олмадим, – деди тараддувланиб профессор.

— Сизга изоҳлаб беришга ҳаракат қиласман, – деди Мартин. – Эсимда, Миср тарихини ўқиганимда, унда Миср санъатини тушуниш учун аввал шу мамлакатнинг шароитини ўрганиш лозим деган жумлани ўқиган эдим.

– Жуда тўғри, – деб эътироф этди профессор.

– Шунинг учун ҳам, – деб давом этди Мартин, – менимча, ўз навбатида, аввал ҳаётнинг ўзини нимадан ва қай тарзда ташкил топганини билиб олмасдан, мамлакатнинг хусусиятини ўрганиб бўлмайди. Қонулар, муассасалар, урф-одатларни ва динни, уларни яратган одамларни, ҳаттоқи, бу одамларнинг табиатини ўрганмай туриб, қандай қилиб тушуна оламиз? Адабиёт ҳам Миср ибодатхоналари ва эҳромлари сингари одам яратган нарса эмасми? Наҳотки коинотда бутун жаҳон такомили қонунига тобе бўлмаган бирон нарса бўлса? Мен айрим санъатларнинг такомил тарихи ишлаб чиқилганини биламан, лекин у юзаки ишланган, ме-

нимча. Бу ўринда инсон четда қолган. Чолгулардан арфа, скрипка такомили, мусиқа, рақс, қўшиқларнинг такомили фоят пухта ишланган. Лекин инсоннинг ўзи, у биринчи чолгу асбобини ясамасдан, илк дафъя қўшиқ куйламасдан бурун такомиллаша бошлаган аъзолари ҳақида нималарни айтиш мумкин? Сиз мана шуларни унутяпсиз, мен эса айнан шуни биология деб атайман. Бу ниҳоятда кенг маънодаги биологиядир. Мен жуда пойма-пой гапирияпман, лекин фикримга тушунишингизни истардим. Бу фикр сиз гапираётган пайтда миямга келди, шунинг учун уни дарҳол аниқ ифодалаб бера олмаяпман. Сиз масаланинг ҳамма томонини – унинг жамики омилларини қамраб олишга имкон бермайдиган инсоний маҳдудликни эслатиб ўтдингиз. Мана, ўзингиз инсоннинг жамики ишлари ва амалиётларнинг асоси бўлмиш биологик омилни, яъни, пировардида, ҳар қандай санъатга пойдервор бўладиган нарсани унутиб қўйяпсиз – ҳар ҳолда, менга шундай туюляпти.

Мартиннинг шу заҳотиёқ енгилиб, адойи таомом бўлмагани Руфни ажаблантириди; профессор Колдуэлл, афтидан, ҳамсуҳбатининг ёшлигини эътиборга олди, шекилли, унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Профессор бироз сукутдан сўнг, соатининг олтин занжирини ўйнаб гап бошлади:

— Биласизми, — деди у, — буюк бир одам, Жозеф Леконт исмли такомилшунос олим бир вақтда менга айнан шундай таъна қилган эди. Ҳозир у вафот этиб кетган, шунинг учун мени ҳеч ким фош қиломайди энди деб ўйлаб юрардим, аммо мана сизнинг сиймонгизда янги айловчини кўриб турибман. Назаримда,

сизнинг қоралашингизда ҳақиқатнинг муайян, ҳаттоки, жуда улкан ҳиссаси борга ўхшайди – буни эътироф этмай иложим йўқ. Мен ҳаддан ташқари классикага берилиб кетиб, Табииёт фанларининг тараққиётини унчалик яхши кузата олмабман; бунга сабаб, балки гайратнинг, ишга бўлган лаёқатнинг етишмовчилигиадир. Менинг ҳеч қачон биронта ҳам физика ё кимё лабораториясида бўлмаганимни билсангиз жуда ҳам ажабланардингиз. Афсуски, бу ҳақиқат. Мистер Иден, Леконт ҳам худди сиз сингари ҳақ эди, аммо қанчалик ҳақ эканингизни билолмайман.

Руфъ бир нарсани баҳона қилиб, Мартинни четта тортди ва пицирлаб деди:

— Профессорга жудаям ёпишиб олдингиз-ку. Балки бошқаларнинг ҳам у билан сухбатлашгиси келаётгандир.

— Афв этинг, — хижолат бўлиб фўлдиради Мартин, — уни мен сухбатга тортган эдим, сухбат ниҳоятда қизиқарли бўлганидан бошқаларни унтутиб қўйибман. Қисқаси, шу пайтгача мен ҳеч қачон бунаقا ақдли ва ўқимишли ҳамсухбатни учратмаган эдим. Кейин, биласизми? Илгарилари мен университетни битириб чиққан ёки жамиятда юксак мартабага эришган одамларнинг ҳаммаси ақл ва илм соҳасида худди шундай...

— Профессор файриоддий одам, — деб эътиroz билдириди Руфъ.

— Эҳтимол. Энди ким билан сухбат қуришимни истайсиз? Менга қаранг, яххиси, анави Хэпгуд билан учраштира қолинг.

Мартин бош бухгалтер билан ўн беш дақиқача сухбатлашди, буни кўрган Руфъ севгилиси-

нинг ўзини тутишидан терисига сифмай қувонарди. Мартиннинг кўзлари бирон марта ҳам чақнамади, ёноқлари бирон марта ҳам қизармади, шунинг учун Руфъ унинг хотиржамлик билан суҳбатлашишидан таажҷубда эди. Бильакс, банк арбоблари табақаси Мартин олдидаги бутунлай эътибордан қолди ва кеча охирiga борганда, банк арбоби – пасткаш одамнинг синоними²² экан деган фикр туғилди. Кўшин зобити ўз қисматидан беҳад мамнун, жуда оққўнгил, соғлом ва тамкин йигит экан. Унинг ҳам университетда икки йил муттасил ўқиганини эшишиб, Мартин жуда ҳайрон қолди, у олган илмлар қаёқда қолганига ҳеч ақди бовар қилмасди. Лекин шундай бўлса ҳам, зобит Мартинга Чарльз Хэпгуддан юз карра кўпроқ маъқул бўлди.

Кейинчалик Мартин魯фга шундай деган эди:

— У одамнинг пасткашлиги эмас, балки шу пасткашликин тумтароқди, ўзига бино қўйиб, такаббурлик билан изҳор этиши аччиғимни чиқарди. Қанча вақт кетади бундай баёнотга? Бу корчалон, ишчи партиясининг демократик партия билан қўшилганини айтиб бўлгунча, мен бутун реформация тарихини баён қилиб беришим мумкин эди. Покер ўйнайдиган қиморбоз учун қарта қофозлари қандай бўлса, унинг учун оғзидан чиқаётган сўзлар ҳам шундай. Бир кун эмас-бир кун бу ўйинни сизга амалда кўрсатаман.

— Унинг сизга ёқмаганига жуда афсусланяпман, – деб жавоб қилди Руфъ. – Уни мистер Бэтлер жуда яхши кўради. Мистер Бэтлер уни энг номусли ва ишончли киши деб айтади; уни

²² Синоним – маънодош сўз.

ҳар қандай банк муассасаси таяниши мумкин бўлган улкан қоя деб атайди.

— Мен бунга шубҳа қилмайман, ҳатто ундан эшитганим уч-тўрт оғиз сўз ҳам бунинг учун кифоя. Лекин энди менинг банкларга ҳеч қандай ҳурматим қолмади. Фикрларимни очиқдан-очиқ изҳор қилаётганим учун мендан хафа эмасмисиз, азизам?

— Асло! Бу жуда қизиқ.

— Ҳа, — деб таъкидлади Мартин, — ахир мен маданиятдан илк таассурот олаётган ёввойи одамман-да. Менинг бу таассуротларим маданиятли киши учун жуда мароқли бўлиб туюлиши керак, албатта.

— Холаваччаларим ҳақида қандай фикрдасиз? — деб сўради Руфъ.

— Улар бошқа аёллардан кўра кўпроқ ёқиши менга. Жуда хушчақчақ ва манманликни билмайдиган, содда табиат қизлар экан.

— Бундан чиқди, сизга бошқа аёллар ҳам ёқибди-да?

Мартин бош чайқади.

— Анави жамоат арбоби бўлган аёл, — ижтимоий масалалар тўғрисида валақрайдиган тўтиқушнинг ўзгинаси. Онт ичиб айтаманки, унинг қорнини ёрсангиз «алиф» чиқмайди. Портрет чизувчи рассом ниҳоятда нохуш аёл. Ҳэпгудга жуда муносиб бўларди-да у. Мусиқачи тўғрисида-ку гап бўлиши мумкин эмас! Билмадим, эҳтимол у яхши чалар, бармоқлари клавишлар устида тез йўргалар, лекин у мусиқа соҳасида ҳеч нимага тушунмайди.

— Аммо у жуда яхши чалади, — деб эътиroz билдиришга уриниб кўрди Руфъ.

— Ҳа, сиртдан қараган одамга жуда моҳирона чалаётганга ўхшайди, лекин у мусиқанинг

асл моҳиятини мутлақо тушунмайди. Мен ундан, сиз мусиқадан қандай дохилий мавҳум топасиз, деб сўрадим, биласизми, бу масала мени доим қизиқтиради, аммо у аёл, мусиқа жони дилим, у дунёдаги санъатлар ичидаги энг буюги, мусиқани мен жонимдан ҳам ортиқ кўраман, дейишдан бошқа ҳеч нима деб жавоб берга олмади.

— Сиз ҳаммани ҳам ўз касб-кори тўғрисида гапиришга мажбур этибсиз, — деди Руфъ ўпкаланиб.

— Тан оламан. Бироқ улар ўз касблари тўғрисида бамаънироқ бир гап айта олмаганларидан кейин, гапни биронта умумий мавзу устига кўчирганларида менинг қанчалик қийналишимни тасаввур қилиб кўринг. Мен бўлсам, бу одамлар маданиятнинг барча имтиёзларидан фойдалана олганлар деб ўйлабман... — Мартин бир он сукутга толди: бошига Стетсон шляпаси, эгнига икки ёқлама тугмаланадиган куртка кийган йигитнинг чайқалиб юриб хонага кириб келаётгани яна кўзига кўринди. — Ҳа, мен бўлсам, уйингизга тўпланганларнинг ҳаммаси ниҳоятда ақдли ва ўқимишли одамлар бўлса керак деб юрибман. Аммо улар билан қисқа муддатли мулоқотда бўлдим, энди хуласа чиқаришим мумкин; у одамларнинг аксаријати қип-қизил нодон одамлар, қолган тўқсон фоизи чидаб бўлмайдиган даражада руҳсиз одамлардир. Лекин профессор Колдуэлл улардан тамомила мустасно. У миясининг энг сўнгги ҳужайрасигача чинакам инсон.

Руфъ хурсанд бўлиб кетди.

— Менга профессор тўғрисида гапириб бering, — деди у, — ажойиб фазилатлари тўғрисида эмас, уни ўзим ҳам яхши биламан, унинг

сизга номаңқул жиҳатлари ҳақида гапириング. Жудаям билгим келади шуну.

— Тағин бирдан панд еб қолсам-чи, — деб ҳазил аралаш эътиroz билдирид Мартин, — оддин сиз гапириング. Ё сиз унинг фақат яхши томонларини биласизми?

— Мен икки курс лекциясини тингладим, икки йилдан кўпроқ биламан, шунинг учун ҳам сизнинг таассуротингизни билишга жуда қизиқаман.

— Хусусан, салбий томонлариними? Начора, марҳамат! Ўйлайманки, у сизнинг ҳурматэътиборингизга арзийдиган одам. Мен шу пайтгача учратган ҳамма одамлар орасида у энг ақлли, энг билимдон одам, лекин унинг кўнгли нотинч. Йўқ, кўнглингизга ёмон нарса келмасин! — деди Мартин. — Айтмоқчиманки, у нарсаларнинг энг чуқур моҳиятини кўрган-у, кейин жуда қўрқиб кетган ва ҳеч нарса кўрганим йўқ деб ўзини ўзи ишонтиromoқчи бўлган одамни эслатади. Фикримни аниқ баён этолмадимми? Бошқача йўл билан тушунтиришга уриниб кўраман. Сиз чакалакзор ичига яширинган, ибодатхонага олиб борадиган сўқмоқни топган бўлса ҳам, бу йўлдан бормаган одами тасаввур қилинг. Эҳтимол, унинг ибодатхонага кўзи тушгандир-у, лекин бу сароб эди деб ўзини ўзи ишонтиromoқчи бўлгандир. Ёки яна бошқа мисол. Бир киши савоб иш қилмоқчи бўлган-у, лекин уни зарур деб топмаган, оқибат ўша қўлидан келадиган ишни қилмаганилиги учун доим афсусланиб юради. У ўз иши эвазига оладиган мукофотдан ичида кулади, лекин қалбининг яна ҳам теранроқ бир ерида

шу мукофотни ва қилиши керак бўлган ишидан оладиган ҳузурини қўмсайди.

— Мен уни бундай тасаввур қилмайман, — деди Руфъ, — кейин, очиғини айтсан, нима демоқчи бўлганингизга унча яхши тушунмаяпман.

— Чунки ўзим ҳам ҳали мукаммал тушуниб олганим йўқ, — деди Мартин ўзини оқдамоқчи бўлгандай, — мантиқан асослай олмаяпман ҳам. Мен шундай ҳис этяпман, эҳтимол, янглишаётгандирман. Сиз, албатта, профессор Колдуэллни мендан яхшироқ билсангиз керак.

Морзларникида бўлган бу ўтириш Мартиннинг дилида жуда фалати ва бир-бирига зид ҳислар туғдирди. Қилмоқчи бўлган ишидан кўнгли совиди, ўзи юксак савияли деб ўйлаган одамлардан ҳафсаласи пир бўлди, ваҳоланки, Мартин уларнинг савияларига етишишни орзу қиласди. Иккинчи томондан, эришган муваффақияти унга далда берди. Эътибор қозониш у ўйлаганидан осон экан. Мартин юксакликка кўтарилиш қийинчиликларини енгиб олиш билан бирга (у сохта камтарлик юзасидан буни ўзидан яширишга уринмасди), ўзи тенглашмоқчи бўлган одамлардан юқорилаб кетган эди, профессор Колдуэлл бундан мустасно, албатта. Мартин ҳаётни ҳам, китобларни ҳам бу одамларнинг ҳаммасидан анча яхши биларди, шунинг учун улар ўз илмларини қайси бурчакларга ва ертўлаларга тиқиб ташлаганларини билолмай ҳайрон эди. У ҳали ўзининг ўта искеъдодли одам эканлигини хаёлига ҳам келтирмас, мутафаккирларни асло Морзларнинг меҳмонхонасидан ахтариш керак эмаслигини, бу мутафаккирлар ердан жуда баландда, од-

дий ҳаёт ташвишлари ва пасткашиклардан ниҳоятда йироқда парвоз қилиб юрувчи бургутларга ўхшашини ҳам билмас эди.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Омад Мартин Иден манзилини йўқотиб қўйди, баҳт элчилари унинг эшигини қоқмай қўйдилар. Мартин ҳаттоки якшанба ва байрам кунлари дам олмай, йигирма беш кун мобайнинда деярли ўттиз минг сўздан иборат «Шарманда бўлган қуёш» номли катта бир мақола ёза бошлади. Бу Метерлинк мактабига хос мистицизмга қарши пухта ўйланган ҳужум эди – мўъжизаларни орзу қилувчи хаёлпарастларга қарши позитив билимлар қалъасидан қилинган ҳужум эди; тўғри, бу мақоланинг ўзида ҳам мўъжиза унсурлари мавжуд эди, аммо улар фактларга зид эмасди. Мартин кейинроқ бу йирик мақоласига: «Мўъжиза коҳинлари» ва «Ўз шахсимиз меъёри» деган иккита кичик мақоласини ҳам илова қилди. Сўнг, учала мақола Мартиннинг ҳисобига таҳририятлар аро саёҳатга чиқди.

«Шарманда бўлган қуёш»га сарф бўлган йигирма беш кун мобайнинда Мартин ўзининг «даромад келтирувчи» асарларини олти ярим долларга сотишга муваффақ бўлди. Битта асарига у эллик цент, ҳафталик юмористик журналга юборилган бошқа бир асарига бир доллар олди. Бундан ташқари, яна иккита юмористик шеъридан бирини икки долларга, бошқасини уч долларга сотди. Ниҳоят, насияга мол олиш мумкин бўлмай қолгандан кейин (шундоқ ҳам баққол беш долларгача насияга мол берган

эди), Мартин яна велосипеди билан пальтосини олиб бориб гаровга қўйишга мажбур бўлди. Ёзув машинкасидан фойдаланаётгани учун яна ҳақ талаб қила бошладилар ва Мартинга шартга мувофиқ ҳақни бир ой олдиндан тўлаши кераклигини эслата бошладилар.

Бир неча майда-чўйда асарларига харидор топилганидан кўнгли кўтарилиган Мартин яна «даромадли» асарлар ёзишга киришмоқчи бўлди. Эҳтимол, шулар билан бир амаллаб кун кўриш мумкин бўлар. Унинг столи остида адабиёт агентликлари томонидан рад этилган йигирматача майда ҳикоялар тахланиб ётарди. У газетада босиладиган ҳикояларни қандай ёзиш ё ёзмасликни ўрганиш мақсадида ва шу йўсинда қатъий бир дастур ишлаб чиқиш ниятида мазкур ҳикояларини қайта ўқиб чиқди. У газетада босиладиган ҳикоялар фожиали бўлмаслиги керак, улар фалокат билан тугамаслиги керак ва услубининг гўзаллиги, гоясининг оригиналлиги, туйгуларнинг нозиклиги билан ажралиб турмаслиги керак деган фикрга келди. Аммо ҳикояда ҳис-туйфу албатта бўлиши, бўлганда ҳам ошиб-тошиб ётган бўлиши керак, бир вақтлар уни «қашшоқ бўлса ҳам, номусли бўлсин» деган мавзуда ёзилган тумтароқ ватанпарварлик руҳидаги мелодрама ва пьесаларни галёркада ўтириб олқишлишга даъват этган энг дабдабали ва олийжаноб туйгулар мавжуд бўлиши керак эди.

Мартин шу нарсаларни аниқлаб олиб, ўзи ишлаб чиққан дастур асосида ҳикоялар ёзишга киришди. Дастур уч қисмдан иборат эди:

1) икки ошиқ-маъшуқ бир-бирларидан жудо бўлишга мажбур;

2) биронта ҳодиса туфайли улар қайта топишадилар; 3) тўйга чорловчи қўнфироқ садолари. Учинчи қисм ўзгармас эди, лекин биринчи ва иккинчи қисмлар чексиз ўзгариб тура оларди. Ошиқ-маъшуқлар машъум англашилмовчилик, юз берган бирон тасодиф, ўзга ошиқ йигитнинг рашки, жоҳил ота-оналар, айёр ҳомийларнинг касрига қолиш ва ҳ. к. сабаблар туфайли ажрашиб кетиши мумкин эди; уларнинг қайта топишишига ошиқнинг ёки маъшуқаннинг биронта мардонавор иши, ҳомийнинг, ота-онанинг ёки рақибларнинг мажбурий ё ихтиёрий рози-rizолиги, биронта сирнинг кутилмагандага фош қилиниши, ошиқнинг фидойилиги ва шу каби сон-саноқсиз ҳодисалар сабабчи бўларди. Розилик билдириш учун қизнинг қўйган биринчи қадами жуда таъсирли чиқарди, Мартин бу мавзуни такомиллаштириш давомида яна кўп таъсирли воситалар ва найранглар ўйлаб чиқарди. У фақат бир нарсани ўз хоҳишича бажара олмасди: ҳар бир ҳикоянинг охирида, осмон узилиб ерга тушса ҳам, албатта тўйга чорловчи қўнфироқ садолари янграши керак эди. Ҳикоянинг ҳажми ҳам доимо муайян, яъни, энг кўпи бир ярим минг, энг ози бир минг икки юз сўздан иборат бўларди.

Бу хилдаги ҳикояларни ёзиш санъатини мукаммал ўзлаштириб олишдан олдин, Мартин беш-олтита схема тузиб одди ва ёзув жараёнида ҳикояни шу схемага мослаб бичиб-тўқииверди.

Бу – юқоридан пастга, пастдан юқорига, ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ҳам ўқилаверадиган, ҳеч мияни қотириб ўтирумай, доимо тўғри ва аниқ жавоб олиш мумкин бўлган математика жадвалига ўхшарди. Мартин мазкур схема-

лар асосида ярим соат ичидаёқ ўнлаб сюжет тузиб, бир четга олиб қўяр, кейин бўш вақтларида ёза бошларди. Одатда, буларни у кун бўйи жиддий ишлар билан шуғуллангандан кейин, уйқуга ётиш олдида ёзарди. Кейинчалик у Руфга, бундай ҳикояларни ҳатто тушимда ҳам яратса оладиган бўлиб қолдим, деб айтган эди. Энг муҳими – схема тузиб олиш, қолган иш ўз-ўзидан кетаверарди.

Мартин Иден ўз дастурининг амалий натижা беришига шубҳа қилмас эди. Шунга кўра, у дастлабки икки ҳикоясини таҳририятларга юборкан, уларнинг пул бўлишига ишончи комил эди. Дарҳақиқат, ўн кунлардан кейин Мартин ҳар бири тўрт долларли иккита чек олди.

Бу орада у журналистлар ҳақида янгидан-янги нохуш хабарлар топди. «Трансконтинентал ойлик журнали» унинг «Қўнфироқ садоси»ни босиб чиқарди, лекин чек юбормади. Мартин пулга муҳтоҷ эди, шунинг учун журналга мактуб ёзди. Чек ўрнига мужмал жавоб олди, жавоб хатида яна бирон нарсангизни юборинг деган илтимос ҳам бор эди. Мартин икки кун оч ўтириб, яна велосипедини гаровга қўйишга мажбур бўлди. У ўзининг беш доллар ҳақи борлигини ҳафтада икки бор «Ойлик» журналининг эсига солиб турди, лекин дастлабки жавоб тасодифан келган бўлса керак. «Ойлик» журнали мана бир неча йилдирки, зўрга кун кўриб келар, унинг на обуначилари ва на харидорлари қолган эди, у фақат ўз саҳифаларида босиладиган эълонлар ҳисобига (бу ҳам бўлса хайр-эҳсон учун бериларди) яшаб келардики, Мартин булардан бехабар эди. Шунингдек, у

«Ойлик» журнали ношир билан муҳаррир учун бирдан бир даромад манбай эканлигини ва бу даромадни улар фақат муаллифларга мунтазам равища ҳақ тўламаслик эвазига олишларини ҳам билмасди. Ношир Мартинга тегишли беш долларга ўзининг Аламададаги уйини бўяганини, бўяганда ҳам ўз қўли билан бўяганини, чунки бўёқчилар уюшмаси томонидан белгиланган ҳақни тўлашга пули етмаслигини, аммо у ёллаган биринчи штрейкбрехер аллаким томонидан атайлаб туртиб юборилган нарвондан йиқилиб оёғини синдирганини ва касалхонага жўнатилганини Мартин қаёқдан ҳам билсин.

Шунингдек, Мартин Чикаго газетаси қабул қилган «Хазина қидирувчилар» очерки учун тегадиган ўн долларни ҳам олмади. Очерк босилиб чиққан эди, у шаҳар қироатхонасидаги газеталарни кўриб чиқиб, бунга ишонч ҳосил қилди, лекин ноширдан ҳеч қандай жавоб ололмади. Унинг хатлари жавобсиз қоларди. Мактубларининг етиб борганига ишонч ҳосил қилиш учун Мартин буюртма хат ёзарди. Бу талончилик деган қарорга келди у, қуппа-кундуз куни совуқёнлик билан қилинган талончилик – у оч наҳор ўтирса-ю, унинг нон пулини, ягона имкониятини, унинг молини ўғирлашса.

«Ёшлик ва етуклик» ҳафталик журнали Мартин юборган йигирма минг сўздан иборат қиссасининг учдан икки қисмини босиб чиқарди-ю, бирдан бутунлай чиқмай қўйди. Шундай қилиб, ўн олти доллардан ҳам умид узилди.

Булар ҳам камдай, унинг энг яхши деб ҳи соблаган «Қозон» ҳикояси нест бўлиб кетди. Умидсизликка тушган Мартин сон-саноқсиз

журналлардан ниҳоят Сан-Францискода чиқадиган «Тўлқин»ни таnlаб, ҳикоясини шу журналга юборган эди. Негаки бу журналдан тез жавоб олиши мумкин эди: унинг таҳририяти яқинда, кўрфазнинг нариги соҳилида эди. Икки ҳафталардан кейин ўз ҳикоясининг журналнинг кўзга ташланадиган ерида расмлар билан безатилиб босилганини кўриб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Мартин севинчдан юраги гуп-гуп уриб, уйига қайтиб келди-да, бу энг яхши ҳикояси учун қанча ҳақ тўлашларини ўйлаб топишга уринди. У ҳикояни зудлик билан қабул қилиниб, босиб чиқарилганидан хурсанд эди. Тўғри, ношир ҳикоянинг қабул қилингани ҳақида хабар бермаган эди, лекин бу кутилмаган воқеа унга яна ҳам лаззатлироқ туюлди. Мартин бир-икки ҳафта кутди, кейин яна бир неча кун ўтгандан кейин сохта уятчанликни йиғишириб қўйиб: «Тўлқин»нинг муҳарририга, эҳтимол, иш бошқарувчининг эътиборсизлиги натижасида менинг арзимас ҳақимни юбориш унутилгандир деган мазмунда хат ёзди.

«Лоақал беш доллар тўлашса ҳам, – деб мулоҳаза қиласади Мартин, – шунга ловия билан нўхат сотиб олишим, кейин яна шунга ўхшаган ҳикоялардан беш-олтитасини ёзиб ташлассим мумкин».

Ниҳоят жавоб келди; бу жавоб хати ўзининг ўтакетган ҳаёсизлиги билан Мартинни донг қотириб қўйди:

«Бизга юборган ажойиб ҳикоянгиз учун сиздан беҳад миннатдормиз. Биз, таҳририят ходимлари, уни мароқ билан ўқиб чиқдик, ўзингиз кўргандирсиз, журнализмизнинг энг чирой-

ли ерида босиб чиқардик. Расмлар сизга манзур бўлгандир деб умид қиласиз.

Ёзган мактубингиз мазмунидан маълум бўлдики, сиз муаллифлик гонорари олишни умид қилибсиз. Афсуски, биз буютирилмаган асарлар учун ҳақ тўламаймиз, сизнинг ҳикоянгиз шулар жумласидан эди. Биз уни босмага қабул қиласканмиз, шартимиз сизга аён бўлса керак деб ўйлаган эдик, албатта. Бундай кўнгилсиз англашилмовчилик содир бўлганига афсусла нишдан ўзга иложимиз йўқ. Сизга яна бир бор миннатдорлик билдирамиз ва сиздан яна бирон нарса олишни умид қиласиз. Сизга ҳурмат билан ва ҳоказо».

Мактубнинг иловасида, одат бўйича «Тўлқин» ҳеч кимга бепул юборилмайди, лекин шунга қарамай, таҳририят Мартин Иденни келгуси йил обуначилар сафига киритишни ўзи учун зўр шараф деб билади, деб ёзилган эди.

Шу кўнгилсиз воқеадан сўнг Мартин доим қўлёзмасининг биринчи саҳифасига: «Одатдаги ставкангиз бўйича ҳақ олишга розиман» деб имзо чекадиган бўлди.

«Бир кун эмас-бир кун, – деб у ўзига тасалли берарди, – улар менинг одатдаги ставкам бўйича ҳақ тўлайдиган бўладилар!»

Бу пайтларда Мартин мустақил равища ка-молотга етиш эҳтиросига берилган эди; шунга кўра у «Қувноқ кўча», «Ҳаёт шароби», «Қувонч», «Денгиз қўшиқлари» ва бошқа илк асарлари-ни тинмай тузатар ва қайта-қайта ишларди. Унга ўн тўққиз соатлик иш куни яна озлик қила бошлади. Кўп йиллардан бери тамаки чекиб келаётган Мартин хуморини меҳнат билан унутишга уриниб, жон-жаҳди билан ўқир ва

ёзарди. Руфъ юборган дорини ёзув столи галадонининг энг узоқ бурчагига тиқиб ташлаган эди. Айниқса, оч пайтларида тамакисиз вақт ўтказиш мاشаққатли эди; у чекиши истагини унудишига қанчалик уринмасин, ҳеч эплай олмасди. Мартин буни ўзи қилган энг буюк жасорат деб ҳисоблар, Руфъ эса тўғри иш қиляпти деб ўйларди, холос. Руфъ Мартинга ваъда қилган дорисини тўғнағичлар сотиб олиш учун бериладиган пулга олган эди, лекин бир неча кундан кейин уни бутунлай эсидан чиқариб юборди.

Мартин ўзининг схема бўйича ёзган ҳикояларини ёмон кўрар, улардан куларди, лекин айнан ана шу ҳикояларга харидор топилиб турар эди. Шу ҳикоялар туфайли у қарзларидан узилди, ҳатто велосипедига янги шина ҳам сотиб олди. Уни шу ҳикоялар боқар, яна жиддий иш учун ҳам вақти қоларди. Бундан ташқари, «Оқ сичқон»дан олинган қирқ доллар ҳамиша Мартинга илҳом бағишлиб турарди. Ким билсин, биринчи даражали бошқа журналлар ҳам номаълум муаллифларга шунча, ҳаттоки ундан ҳам кўпроқ ҳақ тўларлар. Лекин энг муҳим вазифа ана шу биринчи даражали журналларда асарини бостириш йўлини топишдан иборат эди. Улар Мартиннинг энг яхши ҳикоя ва шеърларини кетма-кет рад этиб келардилар, ҳолбуки, мазкур журналларнинг ҳар сонида ўнлаб дидсиз ва бемаза нарсалар босиларди.

«Қани энди, – деб ўйларди баъзан Мартин, – шу такаббур ноширлардан биронтаси илтифот кўрсатиб, менга кўнглимни кўтарувчи бир сатргина хат ёсса! Эҳтимол, ижодим жуда ҳам файриоддийдир, эҳтимол, турли мулоҳазаларга кўра уларга тўғри келмаётгандир, лекин наҳот-

ки асарларимда жавобга арзийдиган ҳеч нарса бўлмаса».

Шундан кейин Мартин қўлига «Саргузашт»-ни ёки шунга ўхшаш бошқа ҳикояни олиб, юзинчи марта қайта ўқиб чиқаркан, ноширларнинг сукут сақлашлари сабабини аниқла-моқчи бўларди.

Калифорниянинг илиқ баҳори кириши билан Мартиннинг хузур-ҳаловатли кунлари тугади. Бир неча ҳафта мобайнида адабиёт агентлигининг негадир сукут сақлаши уни ташвишга солиб қўйди. Ниҳоят кунларнинг бирида схема бўйича ёзилган ўнта ҳикояси қайтиб келди. Кўлёзмаларга илова қилинган хатда, агентлик материалга кўмилиб кетган, шунга кўра бир неча ой давомида биронта ҳам янги қўлёзманни қабул қила олмайди, деб ёзилган эди. Мартин эса мана шу ўнта ҳикоядан умидвор бўлиб, кейинги кунларда ҳатто бирмунча серхаржроқ бўлиб қолган эди. Агентлик, одатда, бир ҳикояга беш доллардан тўлар ва ҳанузгача биронта ҳам ҳикоясини рад этмаган эди; шунинг учун ҳам Мартин худди жорий ҳисоб рақамида эллик доллар пули ётган одамдай иш тутган эди. Шундай қилиб, унинг учун тўсатдан оғир синовлар даври бошланди, натижада умидсизликка тушиб, эски ҳикояларини яна майда нашриётларга юбора бошлади; улар ҳикояларини босардилар-у, ҳақ тўламасдилар, янги асарларини эса йирик журналларга юборарди, лекин булар ҳақ ҳам тўламасдилар, босмасдилар ҳам. У яна гаровга мол қўйиладиган дўконга қатнай бошлади. Нью-Йорқда чиқадиган ҳафталик журналлар томонидан қабул қилинган бир неча кулгили шеърлари бир амаллаб

кунини ўтказишга имкон берди. Шунда у барча йирик журналларга: «Нима сабабдан менинг асарларимни босмайсизлар?» деб ёзишга журъат этди. «Ўзбошимчалик билан юборилган қўлёзмалар одатда муҳокама қилинмайди, босилаётган материалларнинг аксари қисми журналларнинг буюртмасига қўра номи чиқсан ва тажрибали муаллифлар томонидан ёзилади», деб жавоб қайташиди Мартинга.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Бу ёз Мартин Иден учун жуда оғир келди. Мұҳаррирлар ва тақризчилар дам олгани тарқалиб кетишган эди, шунга қўра одатда уч ҳафтада қайтадиган қўлёзмалар, энди таҳририятларда уч ойлаб ётиб қоларди. Мартинг тасалли берадиган бирдан-бир нарса шу эдики, маркага пул сарфлаш керак эмасди. Ёлғиз қароқчи журналчаларда ҳаёт қайнарди. Шунинг учун Мартин ўзининг барча илк асарлари «Марварид тутувчилар», «Денгизчининг касби», «Тошбақа ови», «Шимоли-шарқий тропик шамоли»ни шу журналчаларга юборди. Лекин бу қўлёзмалардан биронтасига ҳам ҳақ тўланмади. Тўғри, олти ой давом этган ёзишмалардан кейин Мартин «Тошбақа ови» учун гонорар сифатида хавфсиз устара, «Акрополь» журнали эса, «Шимоли-шарқий тропик шамоли» учун унга беш доллар пул ва беш йилга мазкур журналга бепул обуна қилишга ваъда берди, лекин ваъдасининг иккинчи қисминигина бажо этди.

Мартин диди нозик, лекин камбағал Бостон ноширларидан бирининг қуруқ ҳамёнидан Стивенсон ҳақида ёзган сонети учун бир амал-

лаб икки доллар ундириди. Сан-Франциско йирик темир йўл ширкати маблағига нашр этиладиган журналлардан бирининг муҳарририга Мартиннинг эндингина ёзид битирган икки юз сатри «Паризод ва марварид» номли ўтқир сатирик достони жуда ёқиб қолди. Муҳаррир достонга тўланадиган ҳақ эвазига Мартинга поездда юриш учун текин чипта тавсия қилди. Мартин, шу чиптани бошқага беришим мумкинми, деб сўраб хат ёзид юборди. Текин чиптадан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш мумкин эмаслигини ва демакки, бундан пул ишлаш имкони йўқлигини билгач, қўлёзмани қайтариб юборишларини талаб қилди. Орадан кўп ўтмай қўлёзма қайтиб келди, қўлёзма билан бирга муҳаррирнинг достонни журналда боса олмаганидан таассуфлангани ҳақидаги мактубини ҳам олди. Мартин қўлёзмани яна Сан-Францискога, бу сафар «Қовоқ ари» номли журналга юборди; бу журнални бир вақтлар ажойиб бир журналист ташкил қилган ва қисқа муддат ичиде унинг обрўсини жуда ошириб юборган эди. Бироқ, бахтга қарши, «Қовоқ ари»нинг баҳт юлдузи Мартин туғилмасдан анча олдин сўна бошлаган эди. Муҳаррир достон учун Мартинга ўн беш доллар ваъда қилди, лекин достон босилиб чиқди-ю, муҳаррир, афтидан, ваъдасини унутиб қўйди. Мартин жуда кўп марта хат ёзид, биронтасига ҳам жавоб олмагач, ниҳоят, ҳақоратомуз хат ёзган эди, журналнинг янги муҳарриридан совуққина хат олди; янги муҳаррир собиқ муҳаррирнинг хатоларига жавобгар эмаслиги, «Паризод ва марварид» достони ўзига мутлақо ёқмагани ҳақида ёзган эди.

Лекин Чикагода чиқадиган «Глобус» журнали Мартинни роса хуноб қилди. Мартин күп мулозазалардан сүнг, ниҳоят очдан ўлмаслик учун «Денгиз қўшиқлари»ни бостиришга қарор қилди. Ўнлаб журналлар рад этган бу шеърлар ниҳоят, «Глобус» таҳририятидан ўзига соқин «бошпана» топди. Туркумда ўттизта шеър бўлиб, Мартин ҳар бир шеърга бир доллардан олиши керак эди. Биринчи ойдаёқ тўртта шеъри босилиб чиқди, Мартин фурсат ўтмай, тўрт долларга чек олди; лекин у журнални ўқиди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди: Шеърларнинг сарлавҳалари ўзгартирилган эди: «Finis» сўзи «Финиш»²³ деб босилган: «Ёлғиз қоя қўшифи»-га «Маржон қояси қўшифи» деб ном қўйилган эди. Яна бир шеър мутлақо тўғри келмайдиган бошқа ном билан ўзгартирилган эди: «Медуза шуъласи» ўрнига муҳаррир «Қайтиш йўли» деб сарлавҳа қўйган эди. Шеърларнинг ўзи бундан ҳам бешбаттар бузилган эди. Мартин разабдан тишлирини гижирлатар, сочларини юларди. Жумлалар, сатрлар, бутун-бутун бандлар тушириб қолдирилган, чалкашиб кетган, жойи алмashiб кетганидан баъзи бандларни мутлақ тушуниб бўлмасди. Айрим мисралар тамомила бошқа шеър мисралари билан алмаштирилган эди. Мартин бундай ёвузлик бамаъни муҳаррирнинг қўлидан келишини тасаввур ҳам қила олмасди, бу иш босмахонанинг биронта дастёри ёки нусха кўчирувчининг ҳунари бўлса керак деб ўйларди. Мартин, шеърларимни босишини зуддик билан тўхтатиб, ўзимга қайтариб юборинг, деб талаб қилди, у дам ёлвориб,

²³ «Finis» (лотинча) – тамом; финиш (ингл.) – спортда юргурган одамнинг охирги марраси.

дам пўписа қилиб, ҳеч кетини узмай хат ёза-верди. Лекин ҳамма хатлари эътиборсиз қолди. Ҳар ойда журнал саҳифаларида унинг расво қилинган шеърлари босилиб чиқар ва Мартин ҳар ой сайин гонорар чеки олиб турарди.

Мартин шу муваффақиятсизликлар пайтида «Оқ сичқон»дан олган қирқ долларни эслаб, яна ўзига тасалли берарди-ю, лекин тирикчилик учун майдо-чуйда асарлар ёзишга тобора кўпроқ вақтини сарфларди. У кутилмаганда қишлоқ хўжалик ва тижорат журналларида «нон пули» чиқадиган жой топиб олди, у ҳатто ҳафталик диний журнал билан ҳам алоқа қилишга уриниб кўрди-ю, лекин бу ерда очликдан ўлиши муқаррарлигини англааб қолди.

Аҳвол танг бўлиб, қора костюм яна гаровга кўйилган пайтда, республика партияси округ қўмитаси эълон қилган танловда Мартин ютиб чиқди. Аслида, бу бир эмас, учта танлов бўлиб, Мартин учаласида ҳам голиб чиққан эди. У ўзидан, ўзининг шундай воситалар билан кун кўришидан аччиқ-аччиқ кулди. Унинг достони ўн доллар миқдоридаги биринчи мукофотга, ташвиқот қўшиғи беш долларли иккинчи мукофотга ва ниҳоят, республика партиясининг вазифалари ҳақидаги мақоласи йигирма беш долларли биринчи мукофотга сазовор бўлган эди. То пул олар чоги етиб келгунча севиниб юрди. Афтидан, қўмитада бирон ҳодиса юз берган бўлса керак, чунки аъзолар орасида бир банк эгаси ва бир сенатор бўлишига қарамай, қўмитада пул топилмади. Бу сансалорлик пайтида Мартин демократ партияси вазифаларини ҳам яхши ту-шунганини исбот қилиб, шундай танлов учун ёзган мақоласига биринчи мукофотни олди. Бу

ерда у ўзининг йигирма беш долларини ундириб олди. Республика танлови бўйича олиши керак бўлган қирқ долларни эса ололмади.

Мартин Руфъ билан учрашиш учун бир ҳийла ишлатишга мажбур бўлди. Шимолий Оклендан Морзларнинг уйига пиёда бориб келиш жуда кўп вақтни олгани учун Мартин велосипедини сотиб олиб, қора костюмини гаровга қолдирмоқчи бўлди. Велосипедда бориш ҳам вақтни тежар, ҳам ажойиб жисмоний машгулот эди. Бундан ташқари, унинг эгнидаги калта каноп шим ва эски тўр кўйлак велосипед мингандан киядиган кийимга жуда ўхшарди. Мартин тушки овқатдан кейин яна Руфъ билан велосипед сайрига чиқа бошлади. Уларнинг уйида энди Руфъ билан икки оғизгина гаплашишга ҳам имкон қолмаган эди, чунки миссис Морз менинг уйимда фақат киборлар кўнгил очиши мумкин деб тузган режасини амалга оширишда давом этарди. Морзларнинг меҳмонхонасига келиб турадиган асилизодалар ва яқингинада Мартиннинг зўр эҳтиромига сазовор бўлган шу жамоа намояндалари энди унинг фашига тегарди. Энди бу жамоа унга мумтоз бўлиб кўринмасди. Машаққатли турмуш, оғир иш ва доимий муваффақиятсизликлар Мартинни асабий ва сержаҳл қилиб қўйган эди, шунинг учун ҳам, бу одамларнинг бемаъни гаплари унинг аччифини чиқарарди. Лекин у мағрур бўлганидан қилмасди буни. У буюк мутафаккирларнинг китобларини ғоят зўр эҳтиром билан ўқир ва одамлар тўғрисида уларни мазкур мутафаккирларга қиёс қилиб туриб хукм чиқарарди. У Руфнинг уйида ҳанузгача биронта ҳам чинакам доно одамни

учратмаган эди; лекин ўша бир келганча қайтиб келмай қўйган профессор Колдуэлл бундан мустасно эди, албатта. Қолган ҳамма меҳмонлар аянчли ақидапарастлар, қисқа фикрли арзимас одамлар эди. Мартин уларнинг нодонлигидан ҳайратга келарди. Нега улар бу қадар нодон? Улар олган илмларини қаерга ташлаб келганлар? Ахир улар ҳам Мартин ўқиган китобларни ўқишишган-ку. Қандай қилиб улар бу китоблардан ҳеч қандай сабоқ ололмаганлар?

Дунёда заковатли одамлар, теран фикрли мутафаккирлар борлигини Мартин биларди. Унинг Морзлар муҳитидан ҳам юксалиб кетишига кўмаклашган китоблар бунинг энг яхши исботи эди. Ҳаттоқи «жамият» деб юритилувчи муҳитда ҳам Морзлар меҳмонхонасини тўлдирган кишилардан донороқ ва анча ажойиброқ одамларни учратиш мумкин эди, буни Мартин яхши биларди. Мартин ўқиган инглиз романларининг персонажлари киборлар меҳмонхонасида сиёсий ва фалсафий мавзуларда мубоҳаса юритарди. У наинки Англиянинг, ҳаттоқи Американинг ҳам йирик шаҳарларида салонлар мавжудлигини ва у ерларда санъат ва илмий тафаккур намояндалари тўпланишларини биларди. У илгари тентак эди, шунинг учун ишчилар табақасига мансуб бўлмаган ҳар бир яхши кийинган кимсани foят ўткир фаросатли, гўзаллик туйғусига бой одам деб тасаввур қиласди. Қотирма ёқа унга маданият аломати бўлиб туюлар, лекин дорилфунун дипломи билан чинакам таҳсил асло бир-бирига ўхшамаслигини билмасди.

Ҳай, майли! Юксалиш учун у ўзига ўзи йўл очади. Руфни ҳам эргаштириб кетади. Мар-

тин қизни жони дилидан севар ва унинг ҳар қандай муҳитда ҳам кишилар эътиборини ўзига тортиб туришига ишонар эди. Мартин ўзи яшаган муҳит бир вақтлар унга халақит бергани сингари, Руфъ туғилиб ўсган муҳит ҳам кўп жиҳатдан унга халақит беришини биларди. Шу чоққача Руфъ ўз савиясини оширишга имкон топа олмаган эди. Отасининг кабинетидаги китоблар, деворларга осилган суратлар, роялдаги ноталар – булар ҳаммаси фақат зоҳирий дабдаба эди. Морзлар ва уларнинг таниш-билишлари чинакам адабиёт, чинакам тасвирий санъат, чинакам мусиқа олдида кўр ва кар эдилар. Лекин энг муҳими, улар ҳаёт ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Улар ўзларини унитарийлар деб аташар, афтларига мўътадил шаккоклик ниқобини тутиб юришар, лекин позитив²⁴ фандан камида икки аср орқада қолган эдилар; улар ўрта аср кишиси сингари фикр юритишарди, дунёнинг яратилиши ва ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги мулоҳазалари, тош асридаги сингари, ҳатто ундан ҳам илгарироқ яшаган одамларники сингари беҳуда эди. Бу – энг биринчى маймунсимон одамни қоронгулиқдан қўрқишига мажбур этган, дастлабки яхудийларнинг миясида Момо Ҳавонинг Одам Ато қовурғасидан пайдо бўлгани тўғрисидаги фикрни туғдирган, Декарт онгида, дунё кишининг ўз аянчли шахсининг инъикоси, деган идеалистик тасаввурни вужудга келтирган, бир машҳур инглиз руҳонийисини қақшатқич сатирик асар ёзиб, тадрижий такомил устидан кулишга ва шу туфайли ўз исмини тарих саҳифаларида қора ҳарфлар билан ёзиб қолдиришга тарғиб этган метафизик эди.

²⁴ Тажрибага асосланган.

Мартин булар түғрисида ўйлаган сари, бу адвокату зобиту корчалону банкчилар билан ишчилар табақасига мансуб одамлар ўртасидаги бор-йўқ фарқ уларнинг турлича овқатлашиши, яшаши ва кийинишидан иборат, деган эътиқоди тобора кучая борди. Мартин китобларда ўқиб топган ва ўз қалбида ҳис қилган нарсалар у жамиятда ҳам, бу жамиятда ҳам йўқ эди: Морзлар ўз табақасига мансуб бўлган энг нуфузли асилизодаларни кўрсатдилар, аммо Мартин уларга қойил қолмади. Ҳаттоки судхўрнинг қашшоқ малайи ҳам Мартин Морзларнинг меҳмонхонасида учратган одамлардан анча идроклироқ эди. Мартин гаровга қўйган битта-ю битта костюмини сотиб олгандан кейин эса бу одамлар даврасида ўзини худди подачилар орасида яшашга мажбур бўлган шахзода сингари ўз қадр-қиммати оёқости бўлганини ҳис қила бошлади.

— Сиз социалистларни ёмон кўрасиз, улардан қўрқасиз, — деди Мартин бир куни овқат устида мистер Морзга, — лекин нега? Ахир сиз уларнинг ўзини ҳам, уларнинг назарияларини ҳам билмайсиз-ку.

Социализм ҳақидаги бу суҳбат миссис Морзнинг мистер Хэпгуд ҳақидаги ҳар сафарги мадҳиясидан кейин бошланиб кетган эди. Мартин ўзига бино қўйган бу пасткаш одамни кўргани кўзи йўқ эди, унинг түғрисида айтилган ҳар қандай сўз жиғибийронини чиқараарди.

— Ҳа, — деди Мартин, — Чарли Хэпгуддан умид катта, ҳамма шу тўғрида гапиради, бу тўғри. Мен ўйлайманки, у губернатор курсисига ўлишидан анча олдин ўтиради. Қўшма Штатлар сенатори бўлса ҳам ажаб эмас...

— Нега бундай дейсиз? — сўради миссис Морз.

— Мен унинг сайловолди кампаниясида сўзлаган нутқини эшилдим. Нутқи шу қадар аҳмоқона доно, чайналган ҳамда айни замонда шу қадар ишонарли эдики, сиёsat пешволари уни эътимодли ва хавфсиз одам деб ҳисоблашлари турган гап эди, унинг нутқидаги ҳаёсиз гаплар эса оддий сайловчининг ҳаёсизлигига мос тушарди. Ахир ҳар ким ҳам ўз фикрини, силлиқлаштирилган ва безатилган фикрини минбардан эшлишини хуш кўради-да.

— Назаримда, сиз мистер Хэпгудга ҳасад қилаётганга ўхшайсиз, — деди Руфь.

— Худо сақласин!

Мартиннинг чехрасида шундай қўрқув аломати пайдо бўлдики, миссис Морз уришадигандек тўрсайиб одди.

— Мистер Хэпгудни тентак демоқчи эмасмисиз? — деб совуққина сўради у.

— Оддий республикачидан ёки оддий демократдан аҳмоқроқ эмас, — деб эътиroz билдириди Мартин. — Уларнинг ҳаммаси ё муғамбир ёки аҳмоқ, лекин муғамбирлар озчиликни ташкил қиласди. Бирдан-бир ақлли республикачилар — миллионерлар ва билиб туриб уларга малайлик қилувчилардир. Булар, албатта, қаердан жиси келаётганини жуда яхши билишади.

— Мана, мен республикачиман, — деди мистер Морз жилмайиб туриб, — хўш, мени қайси тоифага қўшасиз?

— Сиз ўзингиз билмаган ҳолда уларга хизматкорсиз.

— Хизматкор?

— Ҳа, албатта. Сиз ахир корпорация учун хизмат қиляпсиз-ку. Сизнинг ишчилар орасида мижозларингиз йўқ, жиноий иш ҳам олиб бормайсиз. Сиз ўз хотинларини дўппослайдиган эрлар ёки киссавурлардан даромад кўрмайсиз. Сиз жамиятда энг муҳим ўрин тутган одамлар ҳисобига кун кўрасиз; зероки, ҳар қандай одам ҳам ўзини боқадиган киши учун хизмат қиласди. Албатта, сиз хизматкорсиз! Сиз ўзингиз хизмат қилаётган капиталистик ташкилотлар эҳтиёжини ҳимоя қилишдан манфатдорсиз.

Мистер Морзниң юзига хиёлгина қизил югурди.

— Сизга шуни айтиб қўймоқчиманки, сэр, — деди у, — сиз ашаддий социалистдек гапиряпсиз.

Ана шундан кейин Мартин социализм ҳақидаги ўз мулоҳазасини баён қиласди.

— Сиз социалистларни ёмон кўрасиз, улардан қўрқасиз. Нега шундай? Сиз ахир уларнинг ўзини ҳам, фикрларини ҳам билмайсиз-ку.

— Лекин сизнинг фикрларингиз, ҳар ҳолда, социалистларнинг фикрларига мос тушяпти, — деб эътироуз билдириди мистер Морз.

Руфъ ҳамсуҳбатларга ҳаяжон билан тикилар, миссис Морз эса Мартиннинг оила бошлиғи олдиди эътиборини йўқотаётганидан ич-ичидан севинарди.

— Модомики, мен республикачиларни тентак деб, озодлик, тенглик ва биродарликни ёрилган совун кўпигига ўхшатарканман, бундан социалистман деган хulosса чиқариб бўлмайди, — деди Мартин кулимсираб. — Агар мен Жеффферсоннинг ва унинг дунёқарашига таъсир этган ўша файри илмий фикр юритув-

чи французнинг мулоҳазаларига қўшилмаган эканман, бу ҳам менинг социалист деган ном олишим учун кифоя эмас. Сизга шуни айтиб қўяйки, мистер Морз, социализмга мендан кўра сиз анча яқинроқсиз; аслини суриштирганда, мен унинг энг ашаддий душманиман.

— Сиз, албатта ҳазил қилаётган бўлсангиз керак? — совуққина сўради мистер Морз.

— Асло. Гапим жиддий. Сиз тенгликка ишонасиз, аммо ўзингиз бутун фикру зикри шу тенгликни гумдон қилишга қаратилган капиталистик корпорацияларга хизмат қиласиз. Мени эса фақат шунинг учун социалист деб атайсизки, мен тенгликни инкор қиляпман, аслини олганда, айнан сиз ўзингизнинг бутун фаолиятингиз билан исботлаётган тамойилни тасдиқлаяпман. Республикачилар тўғри келган ҳамма ерда тенглик ҳақида жар солсалар ҳам, аслида улар тенгликнинг энг ашаддий душмандаридир. Улар тенглик деб, тенгликни йўқ қиласидар. Шунинг учун ҳам мен уларни аҳмоқ деб айтаяпман. Чунки шахсиятпарастман. Мен пойгада энг чаққон одам ўзишини, курашда энг кучли одам енгишини биламан. Бу ҳақиқатни биологиядан ўргандим, ҳар ҳолда менга шундай туюляпти. Такрор айтаманки, мен шахсиятпарастман, шахсиятпарастлар социалистларнинг азалий абадий душманидир.

— Бироқ ўзингиз ҳам социалистларнинг намойишларига бориб турасиз-ку, — деди мистер Морз аччиги чиқиб.

— Албатта. Худди душман қароргоҳида бўлган жосусдек. Бўлмаса, душманнинг кирди-корларини қандай қилиб билиб бўлади? Иннай-кейин, уларнинг намойишларида жуда вақтим

чоғ бўлади. Социалистлар ажойиб мубоҳасачи-лардир, шу билан бирга яхшими, ёмонми, ҳар ҳолда жуда қўп нарса ўқишишган. Уларниг ҳар бири социология ва бошқа «логия»лар тўғрисида оддий капиталистга нисбатан бирмунча кўпроқ биладилар. Ҳа, мен социалистларнинг намойишларида ўн мартача бўлганман, лекин бу билан социалист бўлиб қолганим йўқ, худди шунга ўхшаш, Чарли Хэпгуднинг ваъзхонлиги-дан республикачи ҳам бўлиб қолганим йўқ.

— Билмадим, билмадим, — деди мистер Морз тараддуланиб, — лекин негадир назаримда, социализмга ён босаётганга ўхшайсиз.

«Жин урсин сени, — деб ўйлади Мартин, — биронта ҳам сўзимга тушунмабди-ку! Деворга гапирибман-да! Олган таҳсиллари қаёқقا кетган ўзи бунинг?»

Шундай қилиб, Мартин ўз йўлида иқтисодга асосланган ахлоқ билан — синфий ахлоқ билан юзма-юз тўқнашдики, қўп ўтмай у Мартин учун чинакам қўриқчига айланди. Ундаги шахсий ахлоқнинг тамал тоши ақл-идрок эди, натижада, атрофидаги одамларнинг ахлоқ қоидалари, уларниг дабдабали суратда валақлашларидан ҳам кўпроқ жигига тегарди; уларниг ахлоқ қоидалари иқтисод, мавҳумот, кўнгли бўшлик ва тақлидчиликнинг ғалати қориши масидан иборат эди.

Бу ҳолни Мартин тасодифан ўз қариндошларининг хатти-ҳаракатида учратиб қолди. Опаси Мэриен бир заҳматкаш немис йигити билан танишган эди; у механик бўлиб, ўз касбини мукаммал ўрганиб олгандан кейин велосипед устаҳонаси очган эди; бундан ташқари, у арзон велосипедларни сотишга ваколат олиб, ду-

рустгина кун кечира бошлаган эди. Мэриен Мартиннинг олдига кириб, унаштирилганини айтди, кейин ҳазиллашиб укасининг қўлини олди-да, кафтидаги чивиқларга қараб унинг келажаги тўғрисида башорат қила бошлади.

Кейинги сафар Мэриен ўзи билан Герман Шмидтни бошлаб келди. Мартин уларнинг иккенин энг нафис иборалар билан табриклади, лекин бу табрик, афтидан, бефаросат куёвга унчалик маъқул тушмагандек эди, Мартин Мэриен келиб кетгандан кейин ёзган шеърларини ўқиб берган эди, кўнгил ғашлик яна кучайди. Бу опасига бағишлиланган «Фол очувчи қиз» номли нафис бир шеър эди. Мартин уни овоз чиқариб ўқиб бўлгач, меҳмонларнинг мамнун бўлмаганини кўриб таажжубланди. Аксинча, опаси куёв болага ҳаяжон билан тикилиб турарди, куёвнинг тўпори юзида эса қайгу-алам ифодаси кўзга ташланиб турарди. Хуллас, можаро шу билан тугади, меҳмонлар дарров жўнаб кетишиди, Мартин ҳам буни унугиб юборди, ҳолбуки, у қандай қилиб аёл киши, ишчилар табақасидан чиққан бўлса ҳам, ўз шаънига шеър ёзилганидан мамнун бўлмайди деб ҳайрон эди.

Бир неча кундан кейин Мэриен яна Мартиннинг олдига кирди, бу сафар у ёлғиз эди. У хонага кириб улгурмасдан укасининг номаъқул қилифидан ўпка қила бошлади.

— Нима гап ўзи, Мэриен? – деб сўради таажжубланган Мартин. – Бу гапингдан худди қариндошларингдан ёки ўз укангдан номус қилаётганга ўхшайсан.

— Ҳа, номус қиляпман, – деди қиз.

Мартин опасининг кўзларида алам ёшлари ни кўриб, тамоман эсанкираб қолди. Ҳар ҳолда, қиз жуда қаттиқ ранжиган эди.

— Наҳотки ўша Германинг уканинг ўз опаси ҳақида шеър ёзганидан рашк қилаётган бўлса?

— Ҳечам рашк қилаётгани йўқ, — деди Мэриен пиқирлаб йифлаб. — У буни келишмаган қилиқ, шарм... шармандалик деяпти.

Мартин ишонқирамай ҳуштак чалди, стол фаладонидан «Фол очувчи қиз»нинг бир нусхасини олди.

— Тушунолмадим, — деди у қоғозни опасига узатаркан, — ўзинг ўқиб кўр, нимаси шармандалик? Сен шундай деб айтдинг, шекилли?

— Герман айтгандан кейин тўғри-да, — деб эътиroz билдириди Мэриен афтини бужмайтириб, қоғозни ўзидан четлатаркан. — Буни йиртиб ташласин деб айтди у. Менинг хотиним ҳақида бундай нарсалар ёзишлирини ҳам, уни ҳамма ўқишини ҳам истамайман деб айтди. Бу шармандалик... Мен бунга чидай олмайман деди у.

— Менга қара, Мэриен, ахир бу гирт аҳмоқлик-ку, — деб Мартин гап бошлаган эди, лекин фикри ўзгарди.

Қархисида баҳтиқаро қиз ўтиради; унинг қаллиғига гап уқтириш қанчалик мушқул бўлса, бунга уқтириш ҳам шунча қийин эди. Мартин юз берган воқеанинг нақадар бемаънилигини тушуниб турган бўлса ҳам, итоат этишни маъқул кўрди. У:

— Ҳа, яхши, — деди-да, қўлёzmани майда-майда қилиб йиртиб, саватга ташлади.

«Фол очувчи қиз»нинг асосий нусхаси Нью-Йорк журналларидан бирининг таҳририятида ётгани учун кўнгли тинч эди. Мэриен билан унинг эри буни ҳеч қачон билмайдилар, шун-

га кўра, кичкинагина маъсум бир шеърнинг босилиб чиққанидан на улар, на Мартиннинг ўзи, на бутун дунё зарап кўради.

Мэриен тараддуланиб қўлини саватга чўзди.

— Майлими? – деб сўради у.

Мартин «ҳа» дегандек бош ирғади, сўнг бурдалаб ташланган қўлёзманинг бўлакларини териб чўнтағига солаётган опасининг ҳаракатини жимгина кузатиб турди: бу топширилган ишнинг муваффақият билан бажарилганинг далилий ашёси эди. Мэриеннинг бир ери Лиззи Коноллига ўхшарди; ҳолбуки, у театрда учратган ёш ишчи қиз қалбидаги оташ ва ҳаёт эҳтироси опасида йўқ эди. Лекин уларнинг кийинишлари, қилиқлари ва феъл-атворлари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшар эди. Мартин бирдан бу икки қизни Морзларнинг меҳмонхонасида тасаввур этиб, ўзини жилмайишдан тия олмади. Лекин бу қизиқ манзара кўзидан фойиб бўлди-ю, Мартинни ёлғизлик ҳисси ўз гирдобига тортди. Опаси ҳам, Морзларнинг меҳмонхонаси ҳам унинг йўлидаги маълум даврлар эди, холос. Буларнинг ҳаммаси орқада қолиб кетди. Мартин ўз китобларига завқ билан тикилди. Булар унинг бирдан-бир ва ҳамиша вафодор ҳамроҳлари эди.

— Нима? Нима дединг? – деб сўради у бирдан ажабланиб.

Мэриен саволини такрорлади.

— Нимага ишламаяпсан дегин? – Мартин кулиб юборди, аммо кулгиси унчалик самимий эмас эди, – ўша Германнинг сўраб келгин деб айтгандир-да?

Мэриен «йўқ» дегандек бош чайқади.

— Ёлғон гапирма, — деди Мартин қатъий оҳангда, қиз хижолатдан бошини хам қилди.
 — Бориб айт ўша Германингга, бировларнинг ишига суқилмасин. Унинг қаллифига бағишлиаб шеър ёзганимда, эҳтимол, аралашишга ҳаққи бордир, аммо ундан нариёғига тумшуғини тиқмасин. Билдингми? Демак, сен мендан ёзувчи чиқмайди деб ўйлаётган экансан-да? — деб давом этди у. — Мени йўлдан адашиб қолди, оиласизни шарманда қиляпти деб ўйлаётган экансан-да? Шундайми?

— Ўзингга биронта иш қидириб топсанг яхши бўларди, — қатъият билан деди Мэриен; Мартин опасининг самимият билан гапираётганини кўрди. — Герман айтадики...

— Жин урсин ўша Германингни! — Мартин очиқ юз билан опасининг гапини бўлди. — Ундан кўра, менга айт-чи, тўйларинг қачон ўзи? Кейин, ўша Германингдан бориб сўра, мендан тўёна олишингга лутфан ижозат берармикин?

Опаси кетгандан кейин Мартин аччиқ ис-теҳзо қилиб узоқ вақтгача шу можаро тўғрисида ўйлаб ўтирди. Ҳа, уларнинг ҳаммаси — опаси билан куёви ҳам, ўзи мансуб бўлган муҳит кишилари билан Руфнинг атрофидағи одамлар ҳам — ҳаммаси умумий андозага мослашадилар, ҳаммалари аввалдан ҳозирлаб қўйилган уч пулга арзимас қолипга солинган уч пулга қиммат ҳаёт кечирадилар. Бу аянчли маҳлуқлар ҳамиша бир-бирларига ер остидан қараб, ҳамиша бир-бирларига тақлид қилишга уринадилар, улар ўзлари тўдаклик чоғидан асир бўлиб қолган бемаъни қонун-қоидаларни бузмаслик учун ўз шахсий хислатларини йўқ

қилиб ташлашга, жонли ҳаётдан воз кечишига тайёрдирлар. Мартиннинг кўз олдидан таниш қиёфалар тизилишиб ўта бошлади: Бернард Хиггинботам мистер Бэтлер билан қўлтиқлашиб ўтди. Герман Шмидт Чарли Хэпгуд билан қучоқлашиб ўтди. Мартин уларнинг ҳаммасини жуфт-жуфт ва якка-якка ҳолда ўтишини диққат билан кўздан кечирди, уларнинг ҳаммасини ўзи ўқиган китоблардан ўрганганд ақлий ва ахлоқий қиймат андозаси билан ўлчади, лекин уларнинг биронтаси ҳам синовдан ўта олмади. Улкан қалб эгалари, буюк донишмандлар қани ўзи? – деб берган саволлари жавобсиз қолди. Ўзининг тор ҳужрасини тўлдирган пасткаш, бефаросат ва ахлоқсиз шарпалар оломони ичидаги донишмандлар кўринмасди. Мартин бу оломонга шу қадар нафрат билан қарадики, фақат Цирцея ўзининг чўчқаларига шундай нафрат ҳисси билан қараган бўлиши мумкин.

Шарпаларнинг энг сўнггиси фойиб бўлгач, бирдан кутилмаган ва чақирилмаган яна бир шарпа намоён бўлди; бу – бошига соябони жуда кенг шляпа, эгнига икки ёқлама тутгали куртка кийган алпанг-талпанг юрувчи йигит – узоқ ўтмишдаги Мартин Иден эди.

– Сен ҳам улардан қолишмасдинг, ошнам, – истехзо билан деди унга Мартин. – Сенинг ахлоқий тасаввуринг ҳам уларни кига ўхшарди, сен ҳам улардан ортиқ билмасдинг. Ҳеч нарса устида бош қотирмас, ташвишланмас эдинг. Худди кийимларнинг тайёрини сотиб олган-дек, фикрларни ҳам тайёр ҳолича ўзлаштирадинг. Сен бошқаларга маъқул тушган ишларни қиласдинг. Сени ўз тўдангга бошчилик қилиш-

га лойиқ деб топғанлари учун бошлиқ бўлдинг. Сенга ёққанлиги учун эмас – аслида сен бундай нарсалардан нафратланардинг – балки ўзгалар сени рағбатлантириб елкангга қоқиб қўйганлиги учун тўдага бошчилик қиласардинг, одамлар билан уришар эдинг. Сен Мой Қовоқча бўш келишни истамаганинг учун уни урдинг, шунинг учун ҳам унга бўш келишни истамадингки, вужудингда ибтидоий ваҳший одам қони бор эди, бунинг устига яна, эркак киши қаҳри қаттиқ, қонхўр ва бераҳм бўлиши керак, уриш, майиб қилиш фақат эркак кишининг иши деб қулоғингга қўйишган эди. Нега энди сен, зумраша ўртоқларингнинг қизларини ўзингга оғдириб олардинг? Улар сенга ёққанлиги учун эмас, балки сенинг хулқингни белгилаган атро-фингдаги одамларнинг айғир ва ёввойи такага хос табиати ҳамма нарсадан устун эди, холос. Мана, ўшандан бери анча-мунча вақт ўтиб кетди. Хўш, энди шуларнинг ҳаммаси тўғрисида қандай фикрдасан?

Гўё бу саволга жавобан, шарпанинг қиёфаси зудлик билан ўзгара бошлади. Дағал куртка билан чети кенг шляпа гойиб бўлди, уларнинг ўрнини оддий бир костюм олди; чеҳрасидаги шафқатсизлик ифодаси йўқолди, самимият ва нафосат туйғуси билан жонланган юзи ички шуъла билан ёришди. Шарпа энди ҳозирги Мартинга жуда ўхшаб кетарди; у стол олдида, чироқ шуъласи тушиб турган очиқ китоб устига энгашиб туради. Мартин китобнинг номига қаради. Бу «Эстетика асослари» эди. Шу заҳотиёқ Мартин кўланка билан қўшилиб кетди-ю, стол ёнида ўтириб, мутолаага берилди.

ҮТТИЗИНЧИ БОБ

Бундан бир йил бурун, бир-бирларига севги изҳор этган ўша мезон ойининг ажойиб куни сингари куз кунларидан бирида, Мартин ўзининг «Мұхабbat сонетлари»ни Руфга ўқиб ўтиради. Ҳозир ҳам ўтган йилдагидек тепаликлар орасида, ўзларининг севимли жойларида эдилар. Завқланган Руфь товуш чиқариб дам-бадам Мартиннинг ўқишини бўлиб турарди, шунинг учун ҳам Мартин қўлёзманинг сўнгти саҳифасини ўқиб бўлиб четга қўйгач, қизнинг нима дейишини ҳаяжон билан кута бошлади.

Руфь анча вақтгача сукут сақдаб ўтирди, ниҳоят, айтмоқчи бўлган фикрларини айтишга журъат эта олмаётгандай тутила-тутила гапира бошлади.

– Жуда гўзал шеърлар, – деди у. – Ҳа, албатта, улар жуда гўзал. Аммо сиз улар учун пул ололмайсиз-да. Яъни, нима демоқчи бўлганимни тушуняпсиз, – деди қиз ёлворувчи оҳангда. – Бу шеърларингизнинг ҳаётда ҳеч қандай қиммати йўқ. Бунинг боиси нимада эканлигини билмайман, балки айб талаб шартлари дадир, лекин сиз асарларингиз орқасидан кун кўра олмайсиз. Гапларимга тўғри тушунинг, азизим. Мен жуда фахранаман – акс ҳолда, аёл киши бўлмаган бўлардим – бу ажойиб шеърларнинг менга бағишланганидан мен фахранаман ва севинаман. Лекин бу шеърлар никоҳ қунимизни яқинлаштира олмайдилар-ку, шундай эмасми, Мартин? Мени тамагир қиз экан деб ўйламанг яна. Мен сизни севаман, шунинг учун доим келажагимизни ўйлайман. Ахир бир-биримизни севишимиз ҳақида аҳду пай-

мон қилганимизга бир йил бўлди, лекин тўй қунимиз илгари қанча узоқ бўлса, ҳали ҳам шу. Бу гапим сизга беҳаёлик бўлиб туюлмасин; гап менинг қалбим, менинг бутун ҳаётим тўғрисида бораётганини эсланг. Агар жудаям ёзишга майлингиз зўр бўлса, унда бирон газетадан иш топинг. Масалан, мухбир бўлсангиз бўлмайдими? Ҳеч бўлмагандা қисқа муддатга, а?

— Услубимни бузиб қўяман, — бўғиқ овоз билан жавоб қилди Мартин, — шу услубимни ишлаб чиқишим учун қанча меҳнат қилганимни сиз тасаввур ҳам қила олмайсиз.

— Ахир сиз пул топиш ниятида газеталарга фельетонлар ҳам ёзган эдингиз-ку. Улар услубингизни бузмадими?

— Бу тамомила бошқа нарса. Мен уларни кун бўйи жиддий асарлар ёзиш билан машғул бўлганимдан кейин, қийналиб, ичимдан сиқиб чиқарадим. Мухбир бўлиш — эртадан кечгача косиблик қилиш, шу ишга бутунлай шўнғиб кетиши демакдир. Ҳаёт қандайдир бир қуюнга ўхшаб қолади, на ўтмиш, на келажак бўлади-ю, фақат шу бир дақиқагина яшаб қолиш билан чекланади киши. Мухбир фақат мухбирлик тўғрисида ўйлай олади, аллақандай услуб тўғрисида бош қотиришга вақти ҳам бўлмайди. Мухбирлик бошқа, адабиёт бошқа. Услубим эндиғина шаклланган пайтда мухбирлик қилиш мен учун адабий ўлим бўларди. Ҳозир ҳам ҳар бир ёзган фельетоним, улардаги ҳар бир сўз мен учун азоб беради, улар ўзимга, гўзаллик ҳиссиётига қилинаётган жабрдир. Менга нақадар оғир эканлигини сиз тасаввур қилолмайсиз. Мен ўзимни жиноятчи деб ҳис қи-

лардим. «Жўн» ҳикояларимни сотиб олмай қўйишганида ҳатто ичимдан севинган ҳам эдим, ҳолбуки, бунинг натижасида костюмимни гаровга қўйишга мажбур эдим. Лекин «Муҳаббат сонетлари»ни ёзганимда дилим қандай роҳат қилганини билсангиз эди! Ахир ижод нашъаси – ер юзида энг олийжаноб қувонч-да. Бу қувонч жамики муҳтожликларим эвазига мени мукофотлади.

Руфъ учун «ижод нашъаси» қуруқ гап эканлигини Мартин билмас эди. Тўғри, қиз бу сўзларни сұҳбат пайтида тез-тез ишлатиб турарди, Мартиннинг ўзи ҳам ижод нашъаси ҳақида биринчи марта унинг оғзидан эшитган эди. Руфъ бу ҳақда ўқиган, университет профессорларининг лекцияларида эшитган, ҳаттоки санъатшунослик бакалаври даражаси учун имтиҳон топшираётганда ҳам тилга олган эди. Лекин унинг ўзи ҳар қандай мустақил фикрдан, ҳар қандай ижодий эҳтиросдан маҳрум эди, фақат бошқалар оғзидан эшитганларини такрорлай оларди, холос.

— Балки муҳаррир сизнинг «Денгиз қўшиқлари»нгизни тузатиб тўғри қилгандир? – деб сўради Руфъ. – Адабий асарга тўғри баҳо бера олмаган муҳаррир муҳаррир бўла олмас эди-да.

— Мана, ҳамма одатланган мулоҳазанинг илдиз отганига яна бир далил, – ўзи ёмон кўрган муҳаррирлар тоифаси тилга олингани учун жаҳди чиқиб кетган Мартин тажанг бўлиб эътироҳ билдириди. – Мавжуд нарса наинки тўғри деб, ҳатто энг асл нарса деб ҳисобланади. Биронта ҳодисанинг мавжудлиги мазкур ҳодисанинг тўғрилигини исботловчи далил деб эътироф этилади, шунга эътибор қилингки, яна ҳо-

зирги шароитдагина эмас, балки абадул-абад шундай. Албатта, авом эпақага келмайдиган нодон бўлгани учунгина бу сафсатага ишона-ди. Бундай одамларнинг фикр юритиш жараё-ни Вейнингер жуда яхши тасвирилаган. Фикр юрита олмайдиганлар ўзларини мутафаккир қилиб кўрсатадилар ва мустақил фикр юрита-диганларнинг тақдирини ҳал қиласидилар.

Руфъ ҳали бундай гапларни тушуниш дара-жасига етмаган бўлса керак деб чўчиган Мартин бирдан гапдан тўхтади.

— Вейнингернинг кимлигини мен билмай-ман, — деб эътиroz билдириди қиз, — сиз ҳамма нарсани умумлаштиришга бирам ишқибозсиз-ки, натижада мен фикрларингизни тушуна ол-май қоламан. Айтмоқчиманки, агар муҳаррир...

— Мен сизга айтмоқчиманки, — деб унинг сў-зини бўлди Мартин, — ўша муҳаррирларнинг ҳеч бўлмагандан тўқсон тўққиз фоизи омади келмаган одамлар, холос. Муваффақиятсизликка учраган ёзувчилар. Улар учун таҳририятда азият чекиб меҳнат қилиш ва тақдирлари жур-налнинг тарқалишига ҳамда ноширнинг удда-буронлигига боғлиқ эканлигини эътироф этиш ижод нашъасини суришдан кўра кўнгиллироқ деб ўйламанг. Улар ёзишга уриниб кўришган, аммо муваффақиятсизликка учраганлар. Мана шу ерга келганда, энг бемаъни ва кўпчилик-нинг фикрига зид фикр пайдо бўлади: адабий муваффақиятнинг барча эшикларини мана шу соқчи итлар, яъни, иши ўнгмаган адабиёт-чилар қўриқлайдилар. Муҳаррирлар, уларнинг ёрдамчилари, тақризчилар, умуман, қўлёзма-ларни ўқийдиганларнинг ҳаммаси бир вақтлар ёзувчи бўлишни орзу қиласидилар.

ган одамлардир. Адабиёт тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган, энг сўнгги босқичда туриши лозим бўлган мана шу одамлар нимани чоп қилиш кераг-у, нимани чоп қилиш керак эмаслигини ҳал қиласидилар. Мана шу истеъдодсиз ўртамиёна кишилар асарнинг оригиналлиги ва истеъдоди ҳақида мулоҳаза юритадилар. Уларнинг орқасида айнан шундай муваффақиятсизликка учраган танқидчилар турадилар. Улар ҳеч қачон шеър ёки насрой асар ёзишни орзу қилмаган, ёзиган кўрмаган деб айта кўрманг менга, ёзиган кўришган, лекин ҳеч вақо чиқмаган. Журналларда босилган танқидий мақолаларни ўқиганда, худди балиқ мойи ичгандек кўнглинг айнийди.

Хуллас, менинг бу барча тақризчилар ва ўзини танқидчи деб юрганлар ҳақида қандай фикрда эканлигимни яхши биласиз. Албатта, буюк танқидчилар ҳам бор, аммо улар думли юлдузлар сингари жуда сийрак учрайди. Агар мендан ҳам ёзувчи чиқмаса, бориб муҳаррирлик қиласан. Ҳар ҳолда, нон пули, наинки нон пули, ҳатто нонга суртиш учун сариёф пули ҳам топиб тураман-у.

Бироқ Руфнинг ўткир идроки ўз севгилисинг мулоҳазаларидаги зиддиятни шу заҳотиён пайқади.

— Хўш, яхши, Мартин, агар шундай экан, агар истеъдодли кишилар учун ҳам ҳамма эшиклар ёпиқ экан, унда буюк ёзувчилар қаердан чиқсан?

— Улар гайри имконий ишларнинг уддасидан чиқсанлар, — деб жавоб қилди Мартин, — улар шундай оташин, шундай порлоқ асарлар яратганларки, натижада фанимлари қуйиб кул

бўлиб кетган. Улар мингтадан битта одамга насиб бўладиган мўъжиза туфайли муваффақият қозонганлар. Улар Карлейлнинг енгилмас наҳангларига ўхшайди. Мен ҳам шундай қиламан. Мен файри имконий нарсага эришаман.

— Борди-ю, мағлубиятга учраб қолсангиз-чи? Мени ҳам ўйлашингиз керак-ку, Мартин!

— Мағлубиятга учрасамми? — гўё Руфъ ақл бовар қилмайдиган гап айтгандек, Мартин унга бир дақиқача тикилиб қолди. Сўнг унинг кўзлари муғомбирона чақнаб кетди. — Унда муҳаррир бўламан, сиз эса муҳаррирнинг хотини бўласиз!

Руфъ бу жавобдан норози бўлиб юзини жозибали тарзда бужмайтирди, Мартин эса шу заҳоти кетма-кет бўса олган эди, юзи очилиб кетди.

— Яхши, яхши, етар, — деб эътиroz билди-рарди Руфъ Мартин кучининг сеҳридан ўзини ирода кучи билан халос қилишга уриниб. — Мен дадам билан ҳам, ойим билан ҳам гаплашдим. Улар билан ҳеч қачон бунақа фижиллашмаган эдим. Мен талаб қилдим, уларга беҳурматлик қилдим, саркашлиқ этдим. Икковлари ҳам сизга қарши, лекин қаттиқ туриб сизни севишимни айтган эдим, ниҳоят, дадам сизни ўз конторасига ишга қабул қилишга рози бўлди. У ҳатто турмуш қуришимизга ва бирон ерда кичкинагина коттежда алоҳида яшашимизга имкон туғдириш учун ҳозирдан сизга каттароқ маош тўламоқчи. Бу зўр ҳиммат, шундай эмасми, Мартин?

Мартиннинг юрагини умидсизлик чанглаб сиққандай бўлди. У тамаки ва қофоз олгани беихтиёр қўлинни чўнтағига тиқди (лекин улар-

ни кўпдан бери ёнига солиб юрмасди) ва бир нима деб тўнфиллаб қўйди.

Руфъ гапида давом этди:

— Очигини айтдим, хафа бўлмайсиз, мен шунчаки вазиятни сизга билдириб қўйдим, очигини айтганда, сизнинг кескин мулоҳазаларингиз дадамга ҳеч ёқмайди, ундан ташқари, у сизни дангаса деб айтади. Мен-ку, дангаса эмаслигинизни биламан, жудаям кўп ишлайсиз.

«Йўқ, буни ҳатто сиз ҳам билмайсиз», – деб ўйлади Мартин, лекин овоз чиқариб бошқа нарсани сўради:

— Хўш, ўзингиз қандай фикрдасиз? Сизга ҳам менинг мулоҳазаларим ҳаддан ташқари кескин туюладими? – Мартин қизнинг кўзлалига тик қараб, унинг жавобини кутиб турди.

— Менга улар... шубҳали туюлади, – деб жавоб берди ниҳоят Руфъ.

Бу билан ҳамма гап айтиб бўлинган эди, шуннинг учун Мартиннинг кўзига ҳаёт бирданига шундай шумшук бўлиб кўриндики, у Руфнинг эҳтиётик билан қилган таклифини – отасининг конторасига ишга кириш таклифини тамомила унутиб юборди. Руфъ эса ҳозир қаттиқ талаб қилиш керакмаслигини ҳис қилиб, бу масалага қайтишга имкон берувчи қулай фурсат келгунча кутишга рози эди.

Лекин кўп кутишга тўғри келмади: Мартин, ўз навбатида, Руфдан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи бўлди. У Руфнинг қанчалик ўзига қаттиқ ишонишини кўрмоқчи эди. Бир ҳафтадан сўнг ҳар қайсиси ўз саволига жавоб олди.

Мартин ишни тезлаштирди: Руфга «Шарманда бўлган қуёш»ни ўқиб берди.

— Нега сиз мухбирлик билан шуғулланиши истамайсиз? – деди Руфъ Мартин мақолани ўқиб бўлганида. – Сиз ёзишни жуда яхши кўрасиз, албатта муваффақият қозонган бўлардингиз, ўсиб ном чиқарган журналист, биронта газетанинг махсус мухбири бўлардингиз. Ахир баъзи махсус мухбирлар жуда катта пул топишади, ундан ташқари улар бутун дунёни айланиди. Уларни, масалан, Стэнлига ўхшаб Африкага юборишиади, улар Ватиканга бориб папа билан мусоҳаба уюштиришиади, Тибетнинг сирли гўшаларини тадқиқ қилишиади.

— Демак, мақолам сизга ёқмабди-да? – деб сўради Мартин. – Бундан чиқди, сиз менинг журналист бўла олишимни фараз қиласиз-у, аммо ёзувчи бўлишимни асло тасаввур қила олмас экансиз-да?

— Йўқ, йўқ! Мақолангиз менга жудаям ёқди. У жуда яхши ёзилган. Лекин буларнинг ҳаммасига халқ тушунмайди деб қўрқаман. Ҳар ҳолда, менинг тушунишим учун жуда оғир. Жуда чиройли ёзилган, лекин мен деярли ҳеч нима тушунмадим. Биринчи навбатда, махсус илмий атамалар ҳаддан ташқари кўп. Сиз ҳаддан ошириб юборишини яхши кўрасиз, азизим, натижада ўзингизга тушунарли бўлиб туюлган нарсалар бизлар учун мутлақо мавхум бўлиб чиқади.

— Ҳа, мақолада фалсафий атамалар кўп, – деб фўлдиради Мартин.

Унинг ҳаяжони ҳали босилганича йўқ эди, чунки у ўзининг энг камолотга етган фикрларини овоз чиқариб ўқиб бўлган эди, шунинг учун ҳам Руфнинг мулоҳазаси уни довдиратиб қўйди.

— Майли, бу асар шакл жиҳатидан муваффақиятсиз чиққан бўлсин, – деб ўз фикрини

таъкидлашга уринарди Мартин, – ажабо, мазмуни сизни рағбатлантирумайдими?

Руфь бош чайқади.

— Йўқ. Мен илгари ўқиган нарсаларга сира ҳам ўхшамайди бу... Мен Метерлинкни ўқиганман, аммо унга мукаммал тушунган эдим.

— Сиз унинг ҳақиқатдан йироқ мавҳум фикрларига тушунганимисиз? – деб қичқириб юборди Мартин.

— Ҳа. Лекин сизнинг Метерлинкка ҳужум қилган мақолангизга мутлақо тушунмадим. Тўғри, агар оригиналлик тўғрисида гапириладиган бўлса...

Мартин сабри чидамагандек бир қўзғалиб қўйди-ю, лекин индамади. Кейин қулоғига Руфнинг сўzlари кирди:

— Хуллас, ижод сиз учун бир ўйинчоқ бўлди, – деди қиз, – у билан узоқ вақт овуниб келдингиз. Энди ҳаётга, бизнинг ҳаётимизга жиддий қарайдиган вақт келди, Мартин. Шу пайтгача сиз фақат ўзингиз учун яшаган эдингиз.

— Сиз хизматга киришимни истайсизми?

— Ҳа. Дадам сизга...

— Биламан, биламан, – деб унинг сўзини кескин бўлди, – лекин менга очифини айтинг: сиз менга энди ишонмайсизми?

Руфь индамай унинг қўлини сиқди. Кўзлари хираклашди.

— Сизга эмас... сизнинг ёзувчилигингида, жоним, – пичирлаб деди қиз.

— Сиз менинг деярли ҳамма асарларимни ўқиб чиқдингиз, – ҳамон ўша беомон дангаллик билан гапида давом этди Мартин, – улар ҳақида нима дейсиз? Сизнингча жуда ёмонми? Бошқаларнинг асарларидан ҳам баттарми?

— Бошқалар ўз асарлари учун пул оладилар.

— Бу жавоб эмас. Демак, сиз мени адабиётга истеъоди йўқ деб ҳисоблайсиз, шундайми?

— Хўп, яхши, саволингизга жавоб бераман, — Руфъ зўр-базўр ўзини қўлга олди. — Сизни ёзувчи бўлади деб ўйламайман. Мендан хафа бўлманг, азизим! Ахир ўзингиз сўрадингиз-ку. Ўзингиз биласиз, адабиётни мен сиздан кўра кўпроқ биламан.

— Ҳа, сиз санъат бакалаврисиз, — деди Мартин ўйчанлик билан, — сиз тушунишингиз керак... Лекин гап шунинг ўзидағина эмас, — деди у икковлари учун жуда изтиробли сукунатдан сўнг. — Мен ўз құдратимнинг нимада эканлигини биламан. Буни ҳеч ким мендан яхшироқ билмайди. Мен муваффақият қозонишими биламан. Мен ҳамма тўсиқдарни енгиб ўтаман. Шеърларда, мақолаларда, ҳикояларда ўз акси ни топиши зарур бўлган нарсалар мияда қайнаб ётибди. Лекин гапларимга ишонинг деб илтимос қилмоқчи эмасман. Менга ҳам, менинг адабий истеъодимга ҳам ишонманг. Сиздан бирдан-бир илтимосим — менинг муҳаббатимга ишонинг ва мени аввалгидек севинг. Бундан бир йил бурун икки йил муҳлат беришингизни ёлвориб сўраган эдим. Бир йил мана ўтиб кетди, лекин иккинчи йил ўтиб тамом бўлмасдан муваффақиятга эришишимга имоним комил. Бир вақтлар менга айтган гапингиз эсингиздами: ёзувчи бўлиш учун, аввал шогирд тушиб, синовдан ўтиш керак, деган эдингиз. Мана, синовдан ҳам ўтдим. Мен шошдим, синовдан қисқа муддатда ўтиб бўлдим. Жамики орзулаrimning сўнгти марраси сиз эдингиз, шунинг

учун сиз түгрингиздаги фикрлар менга күч бағишилаб турди. Хотиржам ором олиб ухлаш нима эканлигини аллақачон унтутиб юборган-лигимни биласизми? Менинг истаганча ухлаб, уйқуга түйганимдан кейин уйғонган вақтларымдан бери, назаримда, миллион-миллион йил ўтиб кетгандай туюлади баъзида. Энди соат жиринги овозидан уйғонаман. Ўзимга қанча вақт ухлашга ижозат беришимга қараб, соат құнғирофини муайян бир вақтта түгрилаб қўяман. Уйқу олдидан тушуниб туриб қиладиган энг сүнгги ишім: соатни бураб, чироқни ўчириш. Уйқум келаётганини пайқасам, қийин китобни қўйиб, бир қадар енгилроқ китобни мутолаа қила бошлайман. Борди-ю, бу китоб тепасида ҳам мудроқ босаверса, уйқуни қочириш учун бошимга муштлай бошлайман. Киплингнинг ухлаб қолищдан қўрққан одам ҳақида ёзгани эсингиздами? У тўшагига пўлат шпорни шундай қилиб ўрнатган эканки, ухлай бошласа, пўлат тиш баданига ботаркан. Мен ҳам шундай қилдим. Ярим кечагача, тунгি соат биргача, иккигача... ухламасликка аҳд қилдим. Маълум вақтгача шпор ухлагани қўймасди. Мен бир неча ойгача бу шпорни ўзимдан узоқлаштирамидим. Ниҳоят, шу даражага етдимки, беш ярим соатлик уйқу мен учун йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаловат бўлиб қолди. Ҳозир мен бор-йўғи тўрт соат ухлайман. Ҳамиша уйқуга түймаганимдан тинкам қурийди. Баъзи-баъзида бошим айланиб, фикрларим чалкашиб кетади – шу қадар ухлагим келади; баъзан қабр ороми менга энг зўр ҳузур-ҳаловатдек туюлади. Эсимга Лонгфеллонинг шеъри келади:

Денгиз сувининг муздек тубида,
Неки бор ухлайди тинч ва осуда.
Бир қадам ташласанг сувга мабодо,
Ҳамма нарса тугайди, бўлади адо.

Албатта, бу бемаънилик. Бу чарчаганликдан, асабнинг ниҳоятда ишдан чиққанлигидан. Лекин нима учун, ким учун шунча уриндим деган савол туғилади. Сиз учун. Шогирдлик муҳлатини қисқартириш учун, муваффақиятни тезлатиш учун. Энди шогирдлик даврим орқада қолди. Ўзимнинг нималарга қодир эканлигими биламан. Сизни ишонтириб айтаманки, мен бир ой ичида ўқиб ўзлаштирган нарсани ҳар қандай талаба бир йил мобайнида ҳам ўқиб тушира олмайди. Мен бунга аминман. Гапимга ишонаверинг. Агарда гапларимга тушунишингизни шунчалик истамаганимда бу ҳақда оғиз очмаган бўлардим. Мен мақтанаётганим йўқ. Мен ўзим ўқиб чиққан китобларга асосланиб гапиряпман. Сизнинг акаларингиз менинг олдимда нодон, ваҳший одамлар, улар ором олиб ухлаб ётган чоғда, мен китоблардан қанча нарса ўқиб ўрганганман. Бир вақтлар мен шуҳратни орзу қилгандим. Энди мен учун шуҳратнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Мен фақат сизни истайман. Сиз менга овқатдан ҳам, кийим-бошдан ҳам, ном чиқаришдан ҳам зарурсиз. Фақат қачон сийнангизга бош қўйиб, ниҳоят, маст уйқуга кетаркинман деб орзу қиласман. Орадан бир йил ҳам ўтмай бу орзуим рўёбга чиқади.

Яна қиз Мартиннинг кучи таъсирига берилди. Руфъ қанчалик кўпроқ қаршилик кўрсатса, Мартин уни ўзига шунча кўпроқ жалб этарди. Уни забт этган куч энди йигитнинг нигоҳдари-

да ўт бўлиб чақнар, унинг эҳтиросли нутқида эшитилар, унинг вужудида қайнаб тошарди. Шу чоқ, Руфнинг мустаҳкам, саботли табиати бир онга, фақат бир онгагина тараддуланиб, унинг кўзи олдида ҳақиқий Мартин Иден, ўқтам ва музаффар Мартин Иден намоён бўлди. Ваҳший ҳайвонларни ўргатувчилар ҳам баъзи-баъзида шубҳага тушиб қолгани сингари, Руфъ ҳам бу одамнинг қайсар табиатини бўйсундириш мумкинлигига шубҳа билан қарай бошлади.

— Гап яна мана бу ёқда, — деб давом этди Мартин. — Сиз мени севасиз. Лекин нима учун севасиз? Ахир мени ёзишга мажбур этаётган нарсанинг ўзи сизни ҳам мени севишга мажбур этади-ку. Сиз мени шунинг учун ҳам севасизки, атрофингизни ўраган ва биронтасига кўнгил қўйишингиз мумкин бўлган одамларга мен ўхшамайман. Мен конторада ишлаш учун, ҳисоб-китоб билан шуғуланиш учун, сансалорлик, лўттибозлиқ учун туғилган эмасман. Сиз мени шу ҳамма одамлар қилаётган ишни қилишга, улар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлишга мажбур қилиб кўринг, мен билан улар ўртасидаги фарқни барбод қиласиз, мени йўқ қиласиз, демакки, ўз севгингизни маҳв этасиз. Менга файрат бағишлиаган нарса — ижодга бўлган эҳтиросдир. Борди-ю, биронта оддий овсар одам бўлганимда, ёзувчи бўлишни орзу қилмасдим, шунингдек, сиз ҳам менга хотин бўлишни хоҳлашингиз амримаҳол бўларди.

— Ахир, нега энди? — деб унинг сўзини бўлди Руфъ, унинг юзаки бўлса ҳам, зийрак ақди шу заҳоти таққос қилиш мумкинлигини пайқади.

— Ахир, қандайдир бир доимий ҳаракат қилувчи машина тўғрисида умрбод бош қотириб,

бала-чақасини муҳтожлик ва маҳрумликка гирифтор этган тентаклар илгари замонларда ҳам бўлган-ку. Уларнинг хотинлари албатта севишган, биргаликда изтироб чекишган, лекин тентакликлари учун эмас, балки аниқроғи, шу тентакликларига қарамай севишган.

Мартин эътиroz билдириб жавоб қилди.

— Тўғри. Лекин мазкур тентаклардан бошқа ихтирочилар ҳам бўлган, улар умр бўйи мутлақо аниқ ва фойдали нарсаларни ихтиро қилиш билан шугулланганлар ва ниҳоят, ўз истакларига мушарраф бўлганлар. Мен ахир, мумкин бўлмаган ҳеч нарсани истамайман...

— Сиз ўзингиз «мумкин бўлмаган нарсага эришмоқчи» бўлганингизни айтувдингиз.

— Мажозий маънода айтган эдим. Мен, очиғи, ўзимдан оддин жуда-жуда кўп одамлар эришган нарсаларга интиlamан, яъни, ёзишни ва адабий меҳнат билан яшашни истайман.

Руфнинг сукут сақлаб ўтириши Мартиннинг жигига тегарди.

— Бундан чиқди, сиз буни ҳам доимо ҳаракат қилувчи машина сингари хом хаёл деб ҳисобларкансиз-да? – деб сўради Мартин.

Бунга жавобан қизнинг қўли – худди инжиқ боласини тинчитмоқчи бўлган онанинг қўлини эслатувчи меҳрибон қўллари Мартиннинг қўлини сиқиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, Мартин Руфъ учун фақат инжиқ бола, мумкин бўлмаган нарсага интилувчи тентак бола эди.

Руфъ ота-онасининг Мартинга қандай адовати борлигини яна бир бор эслатиб ўтди.

— Лекин сиз мени севасизми? – деб сўради йигит.

— Севаман, севаман! – деди қиз.

— Мен ҳам сизни севаман, шунинг учун улар менга ҳеч тўсиқлик қилолмайди. — Мартиннинг овози тантанавор янгради. — Модомики, мен сизнинг муҳаббатингизга ишонарканман, уларнинг нафратининг ҳеч дахли йўқ менга. Дунёда муҳаббатдан бошқа ҳамма нарса беқарор. Агар муҳаббатимиз ҳар қадамида қоқилиб йиқиладиган заиф, майиб-майриқ эмас, балки чин муҳаббат бўлса, у йўлидан адашмайди.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Кунларнинг бирида Мартин Бродвей кўчасида тасодифан опаси Гертруда билан учрашиб қолди. Бу, албатта, хийла ўнгайсизлик туғдирган учрашув бўлишига қарамай, баҳтли тасодиф эди. Муюлишда трамвай кутиб турган Гертруда Мартинни оддин кўрди-ю, дарҳол унинг сўлғин чеҳрасидаги маъюс ифода кўзига ташланди. Мартин ҳақиқатан ҳам жуда маъюс эди. У гаровга қўйган велосипеди устидан қўшимча қарз кўтаргани судхўрнинг олдига бориб, у билан келиша олмай, қуруқ қайтиб келаётган эди. Кузги лойгарчилик бошланган бўлгани учун Мартин велосипедини аллақачон гаровга қўйиб юборган эди, аммо қора костюмини, қандай бўлмасин, сақлаб қолишни истарди.

— Ахир қора костюмингиз бор-ку, — деди Мартиннинг буюмларини беш қўлдай биладиган судхўр. — Тағин уни анави яхудий Липкега гаровга қўйган бўлманг? Агар унақа бўлса...

У Мартинга ўқрайиб қараган эди, Мартин шоша-пиша жавоб берди:

— Йўқ, йўқ! Костюмимни гаровга қўйганим йўқ. Мен узиз яшай олмайман.

— Жуда соз, — деди судхўр бир оз юмшаб.
 — Лекин агар яна пул беришимни истасангиз,
 мен ҳам ўша костюмингизсиз яшай олмайман.
 Ахир менга ҳам бу иш эрмак эмас-ку.

— Велосипедим камида қирқ доллар туради,
 бунинг устига яна ҳеч кам-кўст ери йўқ, — деб
 эътиroz билдириди Мартин. — Сиз бўлсангиз эва-
 зига атиги етти доллар бердингиз! Етти доллар
 ҳам эмас! Олти-ю чорак! Фойдасини оддиндан
 оддингиз!

— Яна пул олмоқчи бўлсангиз, костюмин-
 гизни олиб келинг, — совуққонлик билан жавоб
 қилди судхўр, шундан кейин Мартин бутунлай
 тарвузи қўлтиғидан тушиб, димиқиб кетган
 торгина дўкондан югуриб чиқиб кетди. Гер-
 трудани хафа қилган нарса — юзидағи маъюс
 ифоданинг боиси мана шу эди.

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасдан, Теле-
 граф авенюга борадиган трамвай келиб қолди.
 Мартин опасининг тирсагидан ушлаб, трам-
 вайга чиқишига кўмаклашди, лекин опаси
 Мартин пиёда кетмоқчи бўлганини тушунди.
 Гертруда трамвай пиллапоясида туриб, Мар-
 тинга ўгирилди-да, унинг ич-ичига тушиб кет-
 ган кўзларини кўриб, юраги эзилиб кетди.

— Сен чиқмайсанми? — деб сўради опа.

Сўнг трамвайдан сакраб тушиб, укасининг
 ёнида қолди.

— Мен ҳамиша пиёда юраман, тоза ҳаво
 олиш учун, — деб тушунтирди Мартин.

— Ҳа, майли, мен ҳам озгина пиёда юра қо-
 лай, — деди Гертруда, — менга фойдаси бор.
 Кейинги пайтларда негадир мазам йўқроқ.

Мартин опасига ўгирилиб қараб, унинг ўзга-
 риб кетганини энди пайқади. Опаси кўриниш-

дан ҳорғин ва исқиরт эди, шишган юзининг қатлари уни хунук қилиб юборган ва бутун қиёфаси қандайдир кўпчиб, хом семиз бўлиб кетган эди, оёқларини судраб, бесўнақай одим отиши билан гўё соғлом ва хушчақчақ аёлнинг дадил ва эркин одим отишларини мазах қилаётганга ўхшарди.

— Сен, яххиси, трамвайни кут, — деди Мартин, нариги бекатга етишганда. У Гертруданинг ҳансираф қолганини сезган эди.

— Э, худо, ўзинг шафқат қил! Рост айтасан, чарчаб қолдим, — деди опа. — Аммо сен ҳам трамвайдага кетсанг бўларди. Ботинкангнинг тагчарми илиниб турибди. Шимолий Оклендга етиб бормасингдан ейилиб кетса керак.

— Уйда яна бир жуфт ботинкам бор, — деб жавоб қилди Мартин.

— Эртага тушки овқатга кел, — деди Гертруда бехосдан. — Бернард уйда бўлмайди, иш билан Сан-Леандрога кетади.

Мартин «йўқ» дегандай бош чайқади, лекин овқат сўзини эшитганда кўзларида чақнаб кетган ҳарислик аломатини яшира олмади.

— Чўнталингда бир пенс ҳам пулинг йўқ, Март, шунинг учун пиёда юрибсан. Тоза ҳавомиши!

Гертруда масхара қилиб, пиқиллаб кулиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин бундан ҳеч нима чиқмади.

— Шошма-чи...

У сумкасини ковлаб, Мартиннинг кафтига беш долларли танга қистирди.

— Яқинда туғилган кунинг бўлган эди, эсимдан чиқибди, — деб фўлдиради опа.

Мартин беихтиёр кафтидаги тангани сиқди ва шу заҳоти бу ҳадяни қабул қиласлиги ке-

раклигини англади-ю, лекин иккиланиб қолди. Ахир бу тилла танга ҳам овқат, ҳам ҳаёт, ҳам рүхий, ҳам жисмоний қучини тиклаш, ҳам янги ижодий файрат эди, яна ким билсин! Эҳтимол, у ҳали бундай тилла тангаларнинг бир талайини эргаштириб келадиган ажойиб асар ҳам ёзар. Сўнгги пайтда ёзилиб, маркага пул бўлмаганидан стол остида уюлиб ётган қўлёзмалар орасига ташланган иккита мақоласи ялт этиб кўзига кўриниб кетди. Мақолаларнинг йирик ҳарфлар билан ёзилган сарлавҳалари унинг кўзи олдида ловиллаб ёниб туради. Мақолалар «Ажойибот пири муғонлари» ва «Гўзаллик бешиги» деб аталаиди. Ҳали бу мақолаларини ҳеч қаерга юборганича йўқ эди, лекин уларнинг шу қабилидаги асарлари орасида энг яхшилари эканлигини биларди. Фақат марка сотиб олса бас. Бирдан миясида муваффақиятга ишонч туйфуси пайдо бўлди-ю, очлик шу туйфуни кучайтирди; у тангани шартта чўнтағига солиб қўйди.

— Сенга юз ҳисса кўпайтириб қайтараман, Гертруда, — деб у зўр-базўр гапира бошлади, чунки томогига бир нарса келиб тиқилган, кўзларида эса ёш ялтираб кўринди. — Гапларими ни эсингда тут! — деди у қатъий ишонч билан. — Орадан бир йил ҳам вақт ўтмай, сенга роса юз дона мана шунаقا тилла танга олиб келиб бераман. Гапимга ишонишингни сўрамайман. Фақат кутсанг бўлгани. Кейин ўзинг кўрасан!

Опаси ишонмасди, албатта. Лекин унинг ўзи негадир ўнғайсиз аҳволга тушиб, гапни нима билан чалғитишни билмай деди:

— Оч-наҳор яшаётганингни биламан, Мартин. Юзу кўзингдан кўриниб турибди. Хоҳлаған вақtingда овқатлангани келиб тур. Хиг-

гинботам бирон иш билан уйдан кетган пайтида ўзим хабар қиласман. Болалардан битта-яримтаси доим бориб айтиб келиши мумкин. Лекин Март...

Мартин опасининг нима демоқчилигини олдиндан биларди, чунки унинг нима демоқчи бўлгани аён эди.

— Бирон жойга ишга кирсанг бўлмасмикин?

— Сен мени ҳеч нарсага эриша олмайди деб ўйлайсанми? — деб сўради Мартин.

Гертруда бош чайқади.

— Менга ўзимдан бошқа ҳеч ким ишонмайди, Гертруда. — Бу гапни у аллақандай эҳтирос аралаш фуур билан айтди. — Мен жуда кўп ажойиб нарсалар ёзиб қўйганман, бир кун эмас, бир кун улар учун албатта пул оламан.

— Уларинг ажойиблигини қаердан биласан?

— Биламан-да... — Унинг адабиётдан, адабиёт тарихидан олган барча илмлари бирдан миясида жонланди, лекин у нимага асосланиб ўзига ишонганини опасига тушунтириб бера олмаслигини биларди. — Чунки менинг ҳикояларим журналларда босилаётган асарларнинг тўқсон тўққиз фоизидан афзалроқдир.

— Шундай бўлса ҳам, ўзингдан катта бамаъни маслаҳат берса қулоқ ос, — деди ўзининг ҳақлигига қатъий ишонган Гертруда. — Ҳа, бамаъни маслаҳатга қулоқ ос, — деб такрорлади у. — Эртага овқатлангани боргин.

Мартин уни трамвайга чиқариб қўйиб, ўзи почтага югуриб борди-да, опаси берган пулнинг уч долларига бирталай марка сотиб олди. Бир оздан сўнг, у Морзларникига кета туриб, йўл-йўлакай почта бўлимига кирди-да, бирталай семиз-семиз пакетларни жўнатди, бунинг

учун уч дона икки центли маркадан бошқа ҳамма маркалари сарф бўлди.

Бу Мартин учун унутилмас оқшом эди, чунки у шу кечада Рэсс Бриссенден билан танишган эди. Бриссенденниг Морзларникига қандай бориб қолганини, уни у ерга ким бошлаб борганини Мартин кейинчалик ҳам била олмади. Буни Руфдан сўраб олишга ҳам қизиқмади, негаки Бриссенден унга кўримсиз ва совуқ одамга ўхшаб туюлган эди. Орадан бир соат ўтганда, Мартин уни яна одобсиз ҳам деб топди: у ҳаддан ташқари бетакаллуфлик билан у хонадан бу хонага санғиб юрар, расмларга анграйиб қолар, столларда ётган ёки токчаларга терилган китобу журналларга тумшуғини тиқарди. Ниҳоят, у бошқа меҳмонларга парво қилмай, худди ўз уйидагидек креслога жойлашиб ўтириб олди-да, чўнтагидан аллақандай китобча чиқариб мутолаага тушиб кетди. У ўқиркан, паришонхотирлик билан ҳадеб сочини силаб қўярди. Мартин уни унутиб юбориб, фақат кечада охирида эслаб қолди; энди Бриссенден ёш аёллар даврасида ўтиради, унинг суҳбатидан аёлларнинг ғоят лаззатланаётгани яққол сезилиб турарди.

Мартин уйга кетаётганда тасодифан Бриссенденга етиб олди.

— Э-ҳа, сизмисиз, — деди Мартин.

Бриссенден унга жавобан лутфкорлик билан бир нима деб фўлдираб қўйди, лекин ҳар қалай Мартин билан ёнма-ён юриб кетди. Мартин ҳамроҳини суҳбатга тортишга ортиқ уринмади, шу зайдада улар сукут сақдаб бир неча квартални босиб ўтишди.

— Ўзига бино қўйган қари эшак!

Туйқисдан, шижаат билан айтилган бу гап Мартинни ҳанг-манг қилиб қўйди. Унинг кулгиси қистади, лекин айни вақтда Бриссенденга нисбатан нафрати ортиб бораётганини ҳис қилди. Улар яна бир квартал сукут сақлаб босиб ўтишгандан кейин Мартин Бриссенденнинг:

— Нима қилиб қатнаб юрибсиз у ерга? – деган гапини эшилди.

— Ўзингиз-чи? – деб сўради Мартин ҳам, ўз навбатида.

— Нимага борганимни билсан ўлай агар, – деб жавоб қилди Бриссенден. – Очифи, у ерда биринчи марта бўлишим. Кейин, ҳар суткада йигирма тўрт соат бор. Шу вақтни бир илож қилиб ўтказиш керак-ку ахир. Юинг, ичамиз.

— Юинг, – деб жавоб қилди Мартин.

У дарров гапга унагани учун ичида ўзини сўкиб қўйди. Уйда уни «жўн» бир иш кутарди; ундан ташқари, кечасига Вейсманнинг китоб-часини ўқиб кўрмоқчи, ҳар қандай романдан ҳам қизиқарлироқ бўлган Герберт Спенсер-нинг таржимаи ҳолини ўқиши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Шу турқи совуқ одам билан вақт ўтказишнинг нима ҳожати бор экан, деб ўйларди Мартин. Лекин уни жалб этган нарса ҳамроҳи ҳам, ичкилик ҳам эмас, балки шунга алоқадор бўлган ҳамма нарса, яъни: чироқларнинг ёруғ шуъласи, кўзгулар, қадаҳларнинг жарангига ва ярақлаши, майдан қизиган чехралар ва одамларнинг шанғиллаб гапиришлари эди. Ҳа, ҳа, ҳаётда муваффақият қозонгандан пулларини баҳузур ичкиликка сарфлай оладиган хушчақчақ ва беташвиш кишиларнинг овозлари. Мартин ёлғиз эди, унинг баҳтиқаролиги

ҳам ана шунда эди. Шунинг учун ҳам Бриссенденнинг таклифини бажону дил қабул қилди. Мартин «Қайнар булоқ» ни ташлаб, Жо билан видолашгандан бери, португалиялик баққол вино билан меҳмон қилгани ҳисобга олинмаса, бирон марта ҳам майхонага кирмаган эди. Миянинг чарчаши жисмоний ҳорғинликдек ичкилиқка майл уйғотмайди, шунинг учун ҳам, Мартиннинг ичкиси йўқ эди. Лекин ҳозир унинг ичкиси келиб қолди, аниқроғи, одамлар ичкилиқ ичиб, бақириб-чақириб, хоҳолаб кулаётган гала-ғовур қовоқхонага киргиси келди. «Fop» айнан шунақа қовоқхона эди. Бриссенден билан Мартин қулай чарм креслоларга баҳузур ястаниб ўтириб олиб, шотланд вискисини содали сув билан чапиштириб, майдалаб ўтиришди.

Суҳбатга киришиб кетишиди: улар ҳар тўғрида гаплашишаркан, фақат навбатма-навбат янгидан ичкилиқ буютириш учунгина суҳбатни тўхтатишарди. Ичкилиқ ичишда жуда чидамли Мартин ҳамкосасининг чидамлилигига таажжубланди. Унинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам жуда таажжубланди. Кўп ўтмай, Мартин Бриссенденнинг билимдонлигига, умуман, Мартин учратган иккинчи чинакам зиёли эканига ишонч ҳосил қилди.

Бундан ташқари, Бриссенденда яна профессор Колдуэллда бўлмаган жуда кўп хислатлар бор эди. Унинг гапларидан ўт чақнар, у ҳаддан ташқари серфаҳм, зеҳни ўткир эди, фикрлари қандайдир эркин парвоз қиласарди. У жуда чиройли гапиради. Юпқа лаблари орасидан худди чархда қайралгандек ўткир сўз-

лар отилиб чиқарди. У сўзлар найзадек тешиб, қиличдек чопарди. Шу дақиқанинг ўзида сўзларниг ўрнини равон, янгроқ жумлалар эгаллардики, бу жумлалар борлиқнинг тасаввур этиб бўлмайдиган гўзаллик шуъласини гўё ўзида яширган, кишини мафтун этувчи порлоқ образлар билан безатилган эди. Баъзан унинг нутқи бўрон, самовий кураш сари даъват этувчи жанговар бурғу сингари янграп, кумушдек жаранглар, юлдузлар оламининг совуқ шуъласидек ярақларди. Бу нутқда фан оламининг энг сўнгги ютуқлари қисқа ва аниқ ифодаланаради. Айни вақтда бу шоир нутқи эди, бу нутқ сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, лекин шу сўзлардан вужудга келувчи нозик, мураккаб тасаввурлар воситаси билангина ҳис қилишга имкон туғдирувчи фоят юксак муҳокамалар билан суғорилган эди. Ақли инсоний тажрибанинг қудрати етмаган аллақандай узоқ соҳаларга кириб борарди, ваҳоланки, буларни оддий тил билан тасвирлаб бўлмайдиганга ўхшарди. Лекин у нутқининг сеҳрли маҳорати билан оддий сўзлар орқали файриоддий маъноларни ифода эта оларди, буни ўртамиёна ақл эгалари англай олмасди-ю, лекин улар Мартин учун жуда яқин ва тушунарли эди.

Мартин Бриссенденга бўлган адovатинн бирпастда унутди. Унинг қаршисида шу чоққача фақат китоблардагина ўқиган нарса турарди. Унинг қаршисида мутафаккирнинг камолга етган орзузи, оёғига сажда қилса арзийдиган одам ўтиради. У ҳамсуҳбатининг гапларини завқ билан тингларкан, «мен унинг хоки-пойи бўлишга лойиқман», дер эди ичидা.

— Назаримда, сиз биологияни ўрганган күринасиз! – деди ниҳоят Мартин, ўзининг ҳам баъзи нарсаларга тушунишига маънодор шама қилиб.

Аммо Бриссенден инкор маъносида бош чайқаб, Мартинни ҳайрон қолдирди.

— Лекин сиз шундай фикрларни олдинга су-ряпсизки, биологияни билмай туриб, бундай хуласага келиш асло мумкин эмас, – деб гапда давом этди Мартин Бриссенденнинг таажжуб билан боқиб турганини пайқаб. – Сизнинг хуласаларингиз буюк олимлар юритган барча мулоҳазаларга жуда мос тушяпти. Сиз уларнинг асарларини ўқимаган бўлишингиз мумкин эмас.

— Бу гапингиздан бошим осмонга етди, – деб жавоб қилди Бриссенден, – менинг юзаки илмим ҳақиқатни англашим учун энг қисқа йўл очиб берганидан фоят мамнунман. Лекин ҳақманми, ҳақ эмасманми, менга барибир. Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Чунки инсон мутлақ ҳақиқатга ҳеч қачон эриша олмайди.

— Сиз Спенсернинг шогирди ва издоши экансиз! – завқ билан гапириб юборди Мартин.

— Мен ёшлик чоғимдан Спенсернинг китобларини ўқимаганман. Лекин бир вақтлар унинг «Тарбия»сини ўқиган эдим.

Мартин Бриссенденнинг бутун ақл-заковатини чукур таҳдил қилиб чиққач, ярим соатлардан кейин деди:

— Қани энди, мен ҳам шундай осонлик билан илм ололсам. Сизнинг гапларингизни эшитганда эътиrozга ўрин қолмайди – мени энг кўп таажжубга қўядиган жиҳатингиз мана шу. Сиз, илм-фан *aposteriori*²⁵ тиклаган нарсаларни тас-

²⁵ Тажриба асосида (лотинча)

диқдайсиз. Сиз дарҳол түгри хulosса чиқарасиз. Сиз чиндан ҳам ҳақиқатга олиб борадиган энг қисқа йўлни топиш бахтига мұяссар бўлгансиз, бу йўлни ёруғлик тезлигида учиб ўтгансиз. Бу энди қандайдир фавқултабиий истеъдоддир.

— Ҳа, муаллимларим ҳам, отам Жозеф ҳам, акам Лэттон ҳам доимо шунга ҳайрон бўлишарди, — деди Бриссенден. — Лекин бу ерда ҳеч қандай мўъжиза йўқ. Бахтимга мен ёш чофимдан католиклар коллежида ўқидим. Ўзингиз қаерда таҳсил кўргансиз?

Мартин унга ўзи ҳақида гапириб бераркан, айни вақтда Бриссенденни, юзининг киборларга хос бичимини, қиялаб тушган елкаларини, ёнидаги қурсига ташланган ва чўнтакларидан китоблар чиқиб турган пальтосини диққат билан кўздан кечира бошлади. Бриссенденнинг юзи ва ингичка қўллари офтобда қорайган эди, бу Мартинни ажаблантириди. Наҳотки, Бриссенден очиқ ҳавода сайд қилишни яхши кўрса? У қаерда бунчалик қорайганкин? Унда қандайдир дардчил, ғайритабиий бир ҳол сезиларди. Мартин Бриссенденнинг ичига кириб кетган юзи, чиройли қуш бурун, чўзинчоқ ва ориқ чехрасига назар ташларкан, доим шу тўғрида ўйларди. Унинг кўзларида кишини ўзига жалб этувчи ҳеч қандай ифода йўқ эди. Кўзлари унча катта ҳам, унчалик кичик ҳам эмас эди, тусини билиб бўлмайдиган бу қўй кўзлар махфий бир ўт билан ёнар ва уларда аллақандай антиқа, мунофиқона ва бир-бирига зид ифода мавжуд эди. Бу кўзлар мағруона, беадабона, баъзан ҳатто жаҳл билан боқарди, айни вақтда, негадир кишининг раҳмини ҳам келтиради. Мартиннинг Бриссенденга жуда-

ям раҳми келарди, қўп ўтмай бу ҳиснинг қаердан пайдо бўлганини ҳам англади.

Бриссенден яқинда Аризонадан келганини айтиб:

— Мен силман-да, — деди. — У ерда икки йилча яшадим; иқдимидан фойдаланиб даволандим.

— Энди бизнинг иқдимда яшашдан қўрқмайсизми?

— Қўрқмайман.

У Мартин айтган сўзни айнан тақорлади, лекин Бриссенденнинг дунёда ҳеч нимадан қўрқмаслигини Мартин шу заҳотиёқ англашиб олди. Унинг кўзлари сузилди, бурун катаклари кенгайди, юзида бургутларга хос бўлган қандайдир мағрурлик ва қатъият аломатлари пайдо бўлди. Мартин бу одамдан завқланиб кетганидан юраги турс-турс ура бошлади. «Намунча яхши», — деб ўйлади у, сўнг овоз чиқариб бир байт ўқиди:

*Ачичқ қисмат беомон эзган чогда ҳам,
Қонларга бўялган бошимни эгмам...*

— Сиз Гэнлини яхши кўрасизми? — деб сўради Бриссенден, унинг кўзларида дарҳол шафқат ва меҳрибонлик ифодаси кўринди.

— Бўлмасам-чи, уни севмай бўларканми? Оҳ, Гэнли! Буюк қалб! У ҳозирги пайтда асарлари журнallарда босилаётган қофиябозлар орасида худди хезалаклар орасида қад кўтарган гладиаторга ўхшайди.

— Журналларда босилаётган асарлар сизга ёқмайдими? — деб эҳтиётлик билан сўради Мартин.

— Сизга ёқадими? – деб Бриссенден шундай шанғиллаб гапирдики, Мартин ҳатто бир сесканиб тушди.

— Мен... Мен журналларга ёзиб турман, аниқроғи, ёзишга уринаман, – деб ғұлдиради Мартин.

— Үндай бўлса бир нав, – бирмунча юмшашиб деди Бриссенден. – Сиз ёзишга уриняпсиз, аммо ишингиз ўнгидан келмаяпти. Мен шунишини қадрлайман ва ҳурмат қиласман. Нималар ҳақида ёзаётганингизни тасаввур қиляпман. Бунинг учун асарларингизни ўқиб ўтиришим шарт эмас. Асарларингизда битта нуқсон бор, шу нуқсон сиз учун ҳамма таҳририятлар эшигини ёпиб қўяди. Асарларингизда теранлик мавжуд, журналлар учун у керак эмас. Журналларга ҳар хил бемаъни нарсалар керак, бунақа нарсалар керагича бориб туради, лекин сиздан эмас, албатта.

— Мен жўн ишлардан ҳам бош тортмайман, – деб эътиroz билдиради Мартин.

— Аксинча... – Бриссенден бир он жим қолиб, Мартинга, унинг қашшоқлигидан далолат берувчи эскирган галстуғи, қатирма бўлиб ялтиллаб турган енглари, титилиб кетган манжетларига тикилиб ҳаради; сўнг унинг ичига тушиб кетган юзларига узоқ қараб турди. – Аксинча, жўн иш сиздан ҳазар қиласди, шундай ҳазар қиласники, бу соҳада сиз ҳеч муваффақият қозона олмайсиз. Менга қаранг, азизим, агар сизни овқатга таклиф қилсан, хафа бўлмасмидингиз?

Мартин ўзини тута олмай қизара бошлаганини ҳис қилди, Бриссенден эса хохолаб, тантана қилгандек кулди.

— Қорни түқ одам бундай таклифдан хафа бўлмайди, – деди у.

— Сиз ибليس экансиз! – зарда билан бақириб юборди Мартин.

— Ахир сизга таклиф қилганим ҳам йўқ-ку.

— Таклиф қилиб кўринг эди!

— Шунақами? Ундай бўлса сизни ўзим билан овқатланишга таклиф этаман.

Бриссенден шу гапни айта туриб, ҳозироқ ресторанга бормоқчи бўлгандай ўрнидан қўзгалди.

Мартин муштларини тугди, чаккасида қон томирлари қаттиқ ура бошлади.

— Илон ютувчи машҳур сеҳргар! Илонларни тириклайнин ютади! Тириклайнин ютади!

– деб қичқирди Бриссенден ярмаркадаги от ўйиннинг жарчисига тақлид қилиб.

— Сизни чиндан ҳам тириклайнин ютиб юбо-ришим мумкин эди, – деди Мартин, ўз навбатида, касалдан чўпдек озиб кетган Бриссенденга ўқрайиб қараб.

— Лекин мен бунга арзимайман.

— Сиз эмас, иш арзимайди, – деди Мартин ва шу заҳоти чин кўнгилдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. – Мени мот қилдингиз, тан оламан, Бриссенден. Менинг очлигим табиий ҳол. Бундан уялмайман ҳам. Кўриб турибсизки, аҳамиятсиз хурофий одатлардан, бидъатдан нафратланаман, лекин сиз юзимга очиқдан-очиқ гапирудингиз, мен дарҳол мазкур хурофий одатлар қулига айланиб қолдим.

— Ҳа, хафа бўлдингиз, – деб тасдиқлади Бриссенден.

— Хафа бўлдим, тан оламан. Болалик чоғимиздан сингиб кетган одатлар бор. Мен кўп

нарсаларни ўрганган бўлсам ҳам, баъзи-баъзида чизиқдан чиқиб кетаман. Ҳар кимнинг ҳам ўзига хос нозик ери, бошқача қилиб айтганда, шкафидаги ўз скелети бор.

— Лекин сиз ҳозир шкафингиз эшигини бер-китиб қўйдингиз чоғи?

— Ҳа, бўлмасам-чи.

— Аниқми?

— Аниқ.

— Унда, юринг, овқатлангани борамиз.

— Юринг.

Мартин вискига ҳақ тўлаш учун чўнтағида-ги охирги икки долларни олди, лекин Бриссен-ден официантга у пулни олдирмай ўзи тўлади.

Мартин норози бўлгандай афтини бужмайтирган эди, лекин Бриссенден қўлини унинг елкасига дўстларча аста қўйди, шундан кейин Мартин ито-аткорлик билан пулини чўнтағига солди.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Эртаси куни Мария яна бир марта эсанки-раб қолди. Мартиннинг оддига яна бир фалати меҳмон келди. Лекин Мария бу сафар ўзини шу қадар тутиб олган эдикни, ҳатто одоб билан меҳмонни меҳмонхонада кутиб туришга таклиф қилди.

— Ўйингизга таклиф этилмаган бўлсам ҳам кириб келаверганимдан хафа эмасмисиз? – деб сўради Бриссенден.

— Йўқ, йўқ, нима деяпсиз? – деди Мартин меҳмоннинг қўлини маҳкам сиқиб кўришаркан, сўнг ягона курсини унга суриб қўйиб, ўзи каравотига ўтирди. – Лекин манзилимни қаёқ-дан билдингиз?

— Морзларникуга қўнгироқ қилдим. Телефонга мисс Морзнинг ўзи келди. Мана, ниҳоят ҳузурингиздаман.

Бриссенден қўлини пальтосининг чўнтағига тиқиб, кичик бир китоб олди.

— Мана бу — бир шоирнинг шеър тўплами сизга, — деди у китобни столга қўяркан, — ўқиб чиқиб, ўзингизга олиб қолаверинг. Олинг! — деб бақириб юборди у Мартиннинг эътиroz билдирувчи ишорасига жавобан. — Нима қиласман мен китобни? Бугун эрталаб яна қон қусдим. Вискингиз борми? Қанақа қилиб бўлсин! Бирпас сабр қилинг.

У дик этиб туриб чиқиб кетди. Мартин орқасидан қузатиб қоларкан, унинг бир вақтлар, эҳтимол, забардаст бўлган елкаларининг ботик кўкраклари томон чўкканини кўрди. Мартин иккита стакан олиб қўйиб, совға китобни ўқишига тутинди. Бу Генри Боган Марлоунинг охирги шеърлар тўплами эди.

— Шотланд вискиси йўқ, — деди қайтиб келган Бриссенден. — Ҳаромзода, фақат Америка вискисини сотиб ётибди. Шундай бўлса ҳам бир шиша олиб келавердим.

— Мен ҳозир болалардан биронтасини лимонга юбораман-да, кейин гроп қиласмиз, — деб таклиф киритди Мартин. — Қизиқ, шунақа китоби учун Марлоу қанча оларкин?

— Эллик долларча, — жавоб қилди Бриссенден, — бу ҳам ҳолва. Китобини босишига журъат этган ноширни топганига шукур қилаверсин.

— Бундан чиқди назм билан кун кўриб бўлмас экан-да?

Мартиннинг овозидан қаттиқ ранжигани сезилиб турарди.

— Албатта, яшаб бўлмайди! Қайси аҳмоқ умид қиласди? Қоғиябозлиқ – бошқа масала. Брюс, Виржиния Спринг ёки Сежвикка ўхшаганлар ишларини боплаб юрибдилар. Лекин ҳақиқий шоирлар... Сиз Марлоунинг қандай яшашини биласизми? У Пенсильванияда қолоқ ўқувчилар мактабида дарс беради, жаҳаннамнинг ер юзидағи бўлимлари ичида энг мудҳиши, шубҳасиз, шу мактабдир. Агар умримга эллик йил қўшиб берганда ҳам, мен у билан ўрин алмаштирган бўлардим. Ҳолбуки, унинг шеърлари ҳозирги шоирчаларнинг хом шеърлари орасида худди шиша парчалари орасида ётган ёқут доналари сингари ярақдайди. Танқидчилар унинг тўғрисида нима деб ёзишади денг! Лаънат ўша танқидчиларга, ўша димоғдор нодонларга!

— Умуман, ўзлари ёзувчи бўла олмаган одамлар ҳақиқий ёзувчилар ҳақида жуда кўп мулоҳаза юритишади, – деди Мартин, – чунончи, Стивенсон ҳақида не-не гийбатларни тўқимаган эдилар!

— Қўлансалар! – деди Бриссенден нафрат билан фижиниб. – Мен уларнинг тоифасини биламан. Улар Стивенсоннинг Дамъен отани ёқдаб ёзган мактуби учун умр бўйи чўқилашди, ҳар қайси сўзини биттама-битта таҳдил қилиб, биттама-битта тортиб кўришди ва...

— У аянч одамлар ўзларининг ўлчовлари билан ўлчашди, – деб қўшиб қўйди Мартин.

— Гапингиз ўринли. Ҳа, албатта! Стивенсондаги жамики гўзаллик, самимилик ва эзгуликни лойга қориб ташлаб, кейин рағбатлантирмақчи бўлгандек, елкаларига қоқиб қўйишар ва: «Баракалла! Кўппак Фидо!» дейишар-

ди. Туф! Ўлим түшагида ётган Ричард Ральф улар ҳақида: «Одамзод тоифасининг аянчли зағизонлари», – деган эди.

— Улар юлдузлар гардини чўқилаяптилар, – Мартин эҳтирос билан Бриссенденнинг гапига гап улаб кетди. – Улар буюк истеъдод эгасининг яшин тезлигида парвоз қилаётган фикрини илиб олишга уринадилар. Мен бир кун танқидчилар ҳақида, аниқроғи, тақризчилар ҳақида мақола ҳам ёзган эдим.

— Олинг бу ёқقا! – деди дарҳол Бриссенден.

Мартин стол остидан «Юлдузлар тўзони»-нинг бир нусхасини топиб олди, Бриссенден шу заҳотиёқ, дам-бадам пишқириб, қўлларини бир-бирига ишқаб ўқий бошлади; у ҳатто ича-ётган грогини ҳам унутиб қўйган эди.

— Ахир кўзи кўр паканалар мамлакатига учиб келган юлдузлар тўzonининг заррааси ўзингиз экансиз-ку! – деб қичқириб юборди мақолани ўқиб бўлган Бриссенден. – Албатта, мақолангизни олган биринчи журнал унга маҳкам ёпишиб олган бўлса керак-а?

Мартин хотира дафтарини очиб қаради.

— Бу мақолани йигирма еттига журнал рад этди.

Бриссенден хохолаб кула бошлаган эди, лекин йўтали тутиб қолди.

— Айтинг-чи, – деди у ниҳоят хирқироқ овоз билан, – сиз шеър ҳам ёзсангиз керак-а? Ўқигани беринг менга.

— Фақат бу ерда ўқиманг, – деб илтимос қилди ундан Мартин, – сиз билан суҳбатлашмоқчиман. Шеърларимни сизга бераман, уйингизга борганда ўқийсиз.

Бриссенден «Мұхаббат сонетлари» ва «Паризод ва марварид» түпламларини олиб уйига кетди. Эртаси куни у яна Мартинни книга келди, унинг биринчи айтган сўзи шу бўлди:

— Яна беринг.

У ҳамма шеърларни ўқиб чиқиб, Мартинни ҳақиқий шоир деб атади. Маълум бўлишича, Бриссенденning ўзи ҳам шеър ёзаркан.

Мартин Бриссенденning шеърларидан ҳайратга келди ва унинг ўз шеърларини бостиришга уриниб ҳам кўрмаганини эшитиб жуда таажжубланди.

— Журналларингизнинг ҳаммасига қиргин келсин! —деди Бриссенден Мартиннинг: «Бирон таҳририятга шеърларингизни юборсангиз бўларди», деб берган таклифига жавобан.

— Сиз гўзалликни фақат гўзаллик туфайли севинг, журналларни эса унутинг. Оббо, Мартин Иден-е! Сиз яххиси, кемага, денгизга қайтинг. Менинг берадиган маслаҳатим шу. Бу ерда, шу жирканч ахлатхонада нима бор сизга? Ахир сиз журналлар эҳтиёжини қондириш учун гўзалликни бир фоҳиша сифатида сотиб, ҳар куни ўз жонингизга суиқасд қиляпсиз-ку! Кечагина нима деб айтган эдингиз? Ҳа... «Инсон бебаҳо махлуқларнинг энг сўнггиси». Ахир шуҳрат сиз учун заҳар-ку. Мадҳиялар бўтқаси билан қорин тўйғизиш учун сиз ҳаддан ташқари мустақил, ҳаддан ташқари очиқ кўнгил ва ҳаддан ташқари ақлли одамсиз. Ҳеч қачон журналларга асарингизнинг бир сатрини ҳам сотмайсиз деб умид қиласман. Фақат гўзаллик учун хизмат қилиш керак. Шу гўзалликка хизмат қилинг-у, оломонни жаҳаннамга отинг! Муваффақиятми? Яна қандай муваффақи-

ят керак сизга? Сиз ахир Стивенсон ҳақидағи сонетингизда ҳам – кези келганды эътироф этиб ўтиш керак, бу сонетингиз Гэнлининг «Хаёллар»идан анча юқори туради – «Мұхаббат сонетлари»да ҳам, дөнгиз ҳақидағи шеърларингизда ҳам аллақачон муваффақиятта эришгансиз! Шоирнинг қувончи эришилган муваффақиятта эмас, ижоднинг ўзидадир. Мен билан баҳслашманг. Нима деётганимни яхши биламан. Буни ўзингиз ҳам тушунасиз. Сизни гўзаллик жароҳатлаган. Бу ҳеч битмайдиган жароҳат, бедаво дард, ўтда қиздирилиб, юракка санчилган пичоқ. Журналлар билан бош қотиришнинг нима ҳожати бор? Яхшиси, мақсадингиз фақат гўзаллик бўлсин. Нега энди гўзалликдан пул ишламоқчи бўласиз? Лекин барибир, бу ишингиздан ҳеч наф чиқмайди. Хотиржам бўлаверинг. Сиз ҳатто минг йил ичида чиққан журналларни ўқиб чиқинг, уларда ҳеч бўлмаганды Китснинг биргина сатрига арзийдиган биронта ҳам асар топа олмайсиз. Шуҳратни ҳам, олтинни ҳам унутинг-у, эртага-ёқ, дөнгиз сафарига жўнаб кетинг.

— Мен шуҳрат деб эмас, мұхаббат деб уриниб ётибман, — деб қулиб юборди Мартин. — Сизнинг оламингизда мұхаббатга ўрин бўлмаса керак. Менинг оламимда гўзаллик – мұхаббат чўриси.

Бриссенден унга завқ ва аянч билан қаради.

— Сиз ҳали жудаям ёшсиз-да, Мартин! Жуда-жуда ёшсиз! Сиз юксакларга парвоз қиласиз, лекин билиб қўйинг, қанотларингиз жудаям нафис. Куйдириб қўйманг тафин. Очифини айтганда, куйдирияпсиз. Шу «Мұхаббат сонет-

лари» қандайдир бир дүндиңчани тараннум этяпти... Шармандали!

— У шеърлар шунчаки дүндиңчани эмас, муҳаббатни тараннум этади, – деб эътиroz билдири Мартин ва яна кулиб юборди.

— Телбалик фалсафаси! – аччиғланиб деди Бриссенден. – Бангдан роса кайфим тарақ бўлган пайтларда хаёл суриб кетганимда, шундай қарорга келганиман. Эҳтиёт бўлинг! Бу буржуазия шаҳарлари сизни нобуд қилади. Мисол учун, ўша сиз билан танишганимиз уйни – яканчилар маконини олинг. Худо ҳаққи, ахлат ўрасидан ҳам баттар у ер. Бундай муҳитда соғ қолмайди киши. Беихтиёр нафасинг қайтиб кетади. Буни қарангки, на эркаклардан бўлсин, на аёллардан бўлсин, биронтаси ҳам бу разолатдан юқори қўтарила олмаса-я. Булар ҳаммаси айёр қорин бандалари, гоявий ва бадиий эҳтиёжлари чиганоқди қуртларнинг эҳтиёжидек қорин бандалари...

У бирдан тўхтаб Мартинга қаради. Бирдан хаёлига келган гумондан чеҳраси очилиб кетди. Шунда юзида даҳшат ва ҳайрат аломатлари пайдо бўлди.

— Ҳали сиз ўша ажиб «Муҳаббат сонетлари»нгизни анави оқ бадан урғочи маҳлуқ шаънига ёзган бўлманг?

Мартин шу заҳотиёқ, ўнг қўли билан Бриссенденнинг ҳиқилдоғидан бўғиб олиб, уни шундай қаттиқ силкидики, ҳамсуҳбатининг тишлари такиллаб кетди. Бироқ Мартин унинг кўзларида қўрқув аломатларини учратмади, унинг кўзларида фақат қандайдир қизиқиш ва иблисона истеҳзо акс этарди. Шундан кей-

ин Мартин ўзига келди, панжасини ёзиб, Бриссенденни ўрнига итариб юборди.

Бриссенден анчагача нафасини ростлай олмай ўтирди. Ниҳоят, нафасини ростлаб олгач, қулиб юборди.

— Жонимнинг қолганини қоқиб олганингизда борми, мени тоабад миннатдор қилган бўлардингиз, — деди у.

— Кейинги пайтларда асабим бузилган, — деб ўзини оқдашга тушди Мартин, — сизга қаттиқ азоб бермадимми? Ҳозир янги гротайёrlайман.

— Оббо ёш эллин-е! — деди Бриссенден. — Сиз гавдангизни унчалик қадрламайсиз. Жуда ҳам кучлисиз. Мисоли навқирон қоплондек! Шербач-чадек! Ҳа, ҳа! Бу сизга қимматга тушади.

— Яъни? — қизиқсиниб сўради Мартин унга стакан узатаркан. — Ичиб юборинг-у, хафа бўлманг.

— Бу кундай равшан, — Брессенден гротни ичаркан, маъқул дегандай қулимсиради, — хотинлар дастидан бўлади ҳаммаси. Улар сизни ҳозир қандай тинч қўйишмаса, айнан шу аҳволда ўла-ўлгунингизча тинч қўйишмайди. Ахир мен дунёга кеча келган эмасман. Лекин мени бўғишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Барибир, қўнглимдаги гапларнинг ҳаммасини юзингизга айтмай қўймайман. Биламан, бу сизнинг илк муҳаббатингиз, лекин гўзаллик ҳурмати, бундан кейинги сафар бунчалик бе-фарқ бўлманг. Ҳўш, бу буржуя қизларини бошингизга урасизми? Қўйинг, айланишманг уларга. Ўзингизга, ҳалиги «ҳаёт устидан ҳам, ўлим устидан ҳам қуладиган, то муҳаббат борича севадиган», юрагида ўти бор, зўр эҳтиросли аёллардан бирини топинг. Дунёда топилади

бундай аёллар, гапимга ишонаверинг, улар ҳам түқ буржуа ҳаётида туғилиб ўсган анави пасткаш ожиза сингари астойдил сева оладилар.

— Пасткаш ожиза? — деб қичқириб юборди Мартин ғазаб билан.

— Ҳа, худди ўшанинг ўзи! У болалик чоғидан миясига қуйиб қўйишган, ҳаммага маълум бўлган нарсалар тўғрисида вайсайди ва лекин чинакам ҳаётдан қўрқади. У сизни ўзича севади, Мартин, аммо ўзининг аянчли қоидаларини сиздан ҳам кўпроқ севади. Сизга эса буюк фидокорона муҳаббат керак, сизга озод қалб эгаси, кўримсиз куя эмас, ранг-баранг товлавувчи парвона керак. Аммо лекин ахийри бориб, ҳамма хотинлар ҳам жонингизга тегади, агар борди-ю, ўз баҳтингизга қарши бу дунёда узоқ яшаб қолсангиз, албатта. Лекин сиз узоқ яшай олмайсиз! Чунки сиз денгизга қайтишни истамаяпсиз-ку! То ўзингиз чириб йўқ бўлиб кеттунингизгача шу чиркин шаҳарларда тентираб юраверасиз.

— Нима десангиз денг, — деди Мартин, — барибири, мени фикримдан қайтара олмайсиз! Негаки сизнинг ўз ҳаёт фалсафангиз, менинг ўз яшаш фалсафам бор ва ҳар икковимиз ҳам ўзимизча ҳақмиз.

Уларнинг муҳаббат, журналлар ва бошқа жуда кўп нарсалар ҳақидаги фикрлари бир-бираiga тўғри келмасди, лекин шунга қарамай, бир-бирларини кўришмаса тура олмасдилар, натижада, Мартин Бриссенденни оддий дўстликдан бирмунча теранроқ туйфу билан яхши кўриб қолди. Улар ҳар куни учрашиб туришди, ҳолбуки, Бриссенден Мартиннинг дим хонасида бир соат ҳам чидаб ўтира олмасди.

Бриссенден ҳар келганида бир шиша виски олиб келарди, биронта ресторончада бирга овқатланишганида шотланд вискисини сода суви билан бирга чақыртиради. Бриссенден ҳамиша овқат ҳақини ўзи тўларди, шу Бриссенден туфайли Мартин жуда қўп хил нозик таомлардан тотиб кўрди, шампан виносининг ва рейивейи «гулдастаси»нинг нафосатини умрида биринчи марта билди.

Шуларга қарамай, Бриссенден Мартин учун жумбоқлигича қолаверди. Сиртдан қараганда, тарки дунё қилган одамни эслатувчи бу киши хасталигига қарамай ҳаёт лаззатини қадрларди. У ўлимдан қўрқмас, инсониятнинг жамики кун кечириш тарзидан аччиқ-аччиқ кулар ва айни вақтда, ҳаётнинг энг майдаги икир-чикирларигача зўр эҳтирос билан севарди. У ҳаёт шайдоси, унинг юрак тепишини ҳис этишга интиувчи девона эди, «ўзим бунёд бўлган самовий тўзон ичидаги кичик бир заррача бўлиб фимирашни истамайман», деган эди у бир кун. Бриссенден гиёхвандлик қилиб ҳам ўзини синаб кўрди, фақат янги ҳисларни бошидан кечириш мақсадидагина жуда гаройиб ишларга ҳам қўл урди. У кейин ташналиктин қондириш лаззатидан баҳраманд бўлиш учун уч кун муттасил сув ичмай юргани ҳақида Мартинга гапириб берди. Мартин унинг кимлигини, қаердан эканлигини ҳеч қачон била олмади. Бу ўтмиши ийқ одам эди, унинг келажакдаги ҳаёти яқин қолган ўлим билан узилар, ҳозир эса жўшқин ҳаёт қўйнида ўт бўлиб ёнарди.

ҮТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Мартиннинг аҳволи танг эди. У қанчалик тежаб-тергаб сарф қилмасин, адабий фаолиятидан келган даромад ҳатто бир амаллаб кун кечиришига ҳам етмасди. Ниҳоят, қора костюмини гаровга қўйишга мажбур бўлди, шу билан Морзларнинг Шукроналик куни тушлик овқатга таклифини қабул этиш имконидан маҳрум бўлди. Руфъ таклифнинг рад этиш сабабини билиб, жуда хафа бўлди, Мартин эса бу ҳолдан қатъий бир қарорга келди. У беш доллар ҳақини олгани «Трансконтинентал ойлик журнали» таҳририятига ўзи бориб, сўнг костюмини сошиб олмоқчи бўлди, шу ниятини Руфга айтиб, уларнига боришга ваъда берди.

Эрталаб у Мариядан ўн цент қарз олди. Қарзни Бриссендендан олгани маъқул эди-ю, лекин у тентак бирданига қаёққадир фойиб бўлган эди; мана, икки ҳафтадирки, Мартинникига келмас, Мартин эса, яна уни хафа қилиб қўймадиммикин, деб беҳуда бош қотиргани-қотирган эди. Ўн цент пул уни кўрфаздан паромда сузиб ўтиши учун керак эди, мана у Маркет-стрит бўйлаб кетиб бораркан, пулни ундира олмасам нима бўлади, деб ўйларди. Бу ҳолда унинг Оклендга қайтиши ҳам муаммо бўлиб қоларди, чунки Сан-Францискода паромга ўн цент қарз берадиган ҳеч қандай таниши йўқ эди.

«Трансконтинентал ойлик журнали»нинг эшиги қия очиқ эди, Мартин қўйидаги гапни эшишиб, беихтиёр тўхтаб қолди:

– Гап бунда эмас, мистер Форд. (Форд муҳаррирнинг фамилияси эканлигини Мартин би-

ларди.) Гап менинг ҳақимни тўлашга қодир ё қодир эмаслигингизда. Яъни, нақд тўлаш ҳақида. Журналингизнинг келгуси йилдаги истиқболи билан сариқ чақалик ишим йўқ. Менинг иш ҳақимни тўлашингизни талаб қиласман, вассалом. Огоҳлантириб қўяй, то иш ҳақимни охирги центигача тўламас экансиз, журналнинг янги йил сони босмага туширилмайди. Хайр! Пул топганингизда кирарсиз.

Эшик қаттиқ очилди ва Мартиннинг ёнидан бир одам муштларини тугиб, фўлдираб сўкинганча чопиб ўтиб кетди. Мартин яхшиси, чорак соатча кутиб турай деган қарорга келди. У бир оз кўчада тентираб юриб қайтиб келди-да, умрида биринчи марта таҳририят остонасидан ҳатлаб ўтди. Афтидан, бу ерда ташрифноманинг ҳожати йўқ эди, дастёр бола тўғридан-тўғри тўсиқ орқасига ўтиб, бир одам мистер Фордни сўраётганини айтди. Сўнг у қайтиб чиқиб, Мартинни муҳаррир кабинетига бошлаб кирди. Бу ерда, Мартин хона ҳаддан ташқари тартибсиз, ивирсиб ётганини кўриб ҳайрон қолди. Кейин у стол ортида ўтирган, афтидан хийла ёш кўринган, чаккаларига соқол қўйган жанобни кўрди; у жаноб Мартинга қизиқсиниб қараб ўтиарди. Мартин унинг қиёфасидаги беғамлик ифодасини кўриб ҳангманг бўлиб қолди. Афтидан, босмахона хўжайини билан бўлган можаро унинг кайфиятига заррача ҳам таъсир қилмаган кўринарди.

— Мен... мен Мартин Иденман, — деб гап бошлади Мартин («мен ҳам ўзимнинг беш долларимни олгани келдим», демоқчи бўлди).

Лекин унинг муҳаррир билан биринчи марта юзма-юз тўқнашиши эди, шунинг учун гап-

ни жаҳл билан бошлаш яхшимас деган қарорга келди. Бироқ мистер Форд Мартинни таажжублантириб:

— И-е, ростданми? — деб дик этиб ўрнидан туриб кетди-ю, бир зумда завқ-шавқ билан унинг қўлини сиқиб кўриша бошлади. — Сиз билан танишганимдан беҳад хурсанд бўлганимни билсангиз эди, мистер Иден. Сизни тез-тез ўйлаб турардим, қандай одамлигингиzinи тасаввур қилишга уринардим.

Мистер Форд бир оз орқага чекиниб, Мартиннинг ишлик костюмини, яъни, ҳозирги пайтда ягона костюмини завқ билан томоша қилди, бу костюмнинг чатишлиқ ва ямашлиқ ҳоли қолмагани яққол кўриниб турарди, рост, шимининг қатлари Мария Сильванинг дазмолида ҳафсала билан дазмолланган эди.

— Мен сизни анча катта ёшда бўлсангиз кепрак деб ўйловдим. Ҳикоянгизда пухта мулоҳазалар шундай кўп ва у шундай чиройли ёзилганки, чинакам шоҳона асар, асарингиздан уч-тўрт мисра ўқишим билан англадим буни. Биринчи марта ҳикоянгизни қандай ўқиб чиққанимни айтиб берайми сизга? Йўқ! Энг аввал сизни ўз ходимларимиз билан таништиromoқчиман.

Мистер Форд гапдан тўхтамай, уни умумий хонага бошлаб чиқди, у ерда Мартинни ўз муовини — мистер Уайт билан таништириди, мистер Уайт қўли муздек совуқ, қиёфаси безгак тутаётганга ўхшаган жиккаккина одам эди.

— Бу киши эса мистер Эндс. Мистер Эндс — бизнинг бошқарувчимиз.

Мартин қўзлари бежо, боши кал жанобнинг қўлини сиқди; бу жанобнинг юзи қордек оппоқ соқол билан безалган бўлса ҳам, ўзи ҳали унча

қари эмас эди, бу жанобнинг рафиқаси ҳар якшанба куни унинг соқолини чиройли қилиб дукартлаб, энсасини ҳам устара билан қириб қўяркан.

Учовлари Мартинни ўраб олиб, бир-биралининг сўзини бўлиб, уни шундай мақтай бошладиларки, ниҳоят, Мартин, булар гапни чалғитиб мени лақиллатишаётганга ўхшайди, деган хаёлга келди.

— Биз доим, нега таҳририятимизга келмай-сиз деб ҳайрон бўлардик! — деди мистер Уайт.

— Паромга пулим йўқ эди, — деб жавоб қилди Мартин, шу билан у ўзининг пулга қанчалик муҳтожлигини билдириди.

«Менинг «кишилик» костюмим, — деб ўйлади у ўзича, — бунинг жуда яхши исботи бўла олади».

Бундан кейинги суҳбат пайтида Мартин дам ўтмай нима мақсадда келганини шама қилиб турди. Лекин истеъододининг ихлосмандлари унинг шамаларини эшитмас эдилар. Улар Мартиннинг ҳикоясидан қандай завқлангандарини, хотинлари ва қариндош-уруглари қандай қойил қолганини тинмай гапирав эдилар. Лекин учаласидан биттаси ҳам унинг ҳақини тўлаш ҳақида лом-мим демади.

— Мен ҳикоянгизни биринчи марта қандай вазиятда ўқиб чиққанимни айтиб бермадим-а?

— деди мистер Форд. — Мен Нью-Йоркдан келаётган эдим, поезд Огденда тўхтаганида вагонга газетафуруш чиқди, унда «Трансконтинентал ойлик журнали»нинг охирги сони бор экан.

«Ё тавба, — деб ўйлади Мартин, — бу ҳаромзода Пульман поездидаги сайр қилиб юрса-ю, мен оч ўтирам, ўз пешана терим билан топган беш долларимни талаб қилиб ололмасам!» Мартиннинг фазаби қайнаб кетди. «Транскон-

тинентал ойлик журнали»дан етган озор бирдан тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кучайиб кетди; у бу пулни неча ой мобайнида кўзлари тўрт бўлиб кутганини, муҳтожлик ва очликда яшаганини эслади, кеча ҳам оч-наҳор ётиб қолганини, бугун эса туз ҳам тотмаганини эслади. Қони қайнаб миясига урди. Булар талончи ҳам эмас, шунчаки оддий киссавурлар! Улар сохта ваъдалар билан товламачилик қилиб, унинг ҳикоясини тортиб олган эдилар. Хўп, яхши! Мартин кўрсатиб қўяди уларга!

Шуни ўйлаб Мартин ўзига тегишли пулни батамом олмагунча таҳририятдан чиқмасликка аҳд қилди. Барибир, Оклендга қайтиши учун пули йўқ эди. Мартин ҳамон ўзини босиб турар, лекин юзида энди ваҳшиёна ифода пайдо бўла бошлаган эдики, бу ҳол ҳамсуҳбатларини довдиратиб, ҳаттоки чўчитиб юборди.

Улар яна жонларини жабборга бериб, ҳикояни бошларига кўтариб мақтай бошладилар. Мистер Форд «Кўнфироқ садоси»ни биринчи дафъя қандай ўқиганини яна ҳикоя қила бошлади, мистер Эндыс эса жиянининг бу ҳикоядан ўзини йўқотиб қўйганини, ваҳоланки, жияни унақа-бунақа аёл эмас, Аламедда мактаб муаллимаси эканлигини гапира бошлади.

— Мен ҳақимни олгани келдим, — деб гапни чўрт бўлди Мартин, — ҳаммангизга шу қадар ёқсан ҳикоям босилиб чиққандан кейин менга беш доллар тўлашингиз керак эди.

Мистер Форднинг юзида унинг ҳақини дарҳол тўлашга тайёрлик ифодаси намоён бўлди, чўнтакларини пайпаслаб кўрди ва мистер Эндысга ўгирилиб, пулини уйида унутиб қолдирганини айтди. Мистер Эндыс «чакки бўпти» де-

гандай унга қаради, лекин шу пайт унинг файриихтиёрий равишида қўли билан шимининг чўнтагини қоплаганини кўриб қолган Мартин ўша чўнтакда пул борлигини билди.

— Минг афсус, — деди мистер Эндс, — борйўқ пулимни ҳозиргина босмахонага бериб юборувдим-а. Ўйламасдан, жуда оз пул олиб келган эканман бугун, лекин... биласизми, кутилмаганда, босмахона хўжайини келиб қолиб, ҳали тўлов вақти келмаган бўлса ҳам, бир ҳожат чиқариб, аванс беришни илтимос қилди.

Икковлари мистер Уайтга қарашди, лекин у кулиб юбориб, елкасини қисиб қўйди. Ҳар ҳолда унинг виждони пок эди. У «Трансконтинентал ойлик журнали» га журналистика ишини ўрганиш учун ишга кирган эди, лекин унга асосан молия сиёсатини ўрганишга тўғри келди. «Ойлик» унга тўрт ойлик маошини тўламаган эди, лекин у муҳаррир муовинининг ҳақини тўлагандан кўра, босмахонани тинчтиш муҳимроқ эканига тушуниб қолган эди.

— Жуда чакки бўлди-да, — деди мистер Форд сурбетлик билан. — Сиз, мистер Иден, тўсатдан келиб қолдингиз. Лекин биз бундай қилсак. Эртага эрталабоқ сизга почта орқали чек юборсак. Мистер Эндс, мистер Иденнинг манзили борми сизда?

— О, бўлмасам-чи, мистер Иденнинг манзили ёзиб қўйилган, эртага эрталаб чек юборилади. — Мартин молия ва банк ишларига яхши тушунмасди, лекин у, агар улар эртага чек юбошибмоқчи экан, бу ишни ҳозир ҳам бемалол қилишлари мумкин-ку, деган қарорга келди.

— Демак, келишдик, мистер Иден, эртага сизга чек юборилади.

— Менга пул эртага эмас, бугун керак, — деди Мартин қатъий қилиб.

— Кўнгилсиз тасодифни қаранг-а! Агарда бошқа истаган қунингизда келганингизда ҳам... — деб мистер Форд гап бошлаган эди, аммо чамаси, табиатан бирмунча бетоқатроқ бўлган мистер Эндыс тўсатдан унинг сўзини бўлди.

— Мистер Форд сизга вазиятни тушунтириди-ку, — қўрслик билан деди у, — мен ҳам тушунтиридим. Чек эртага юборилади.

— Мен ҳам сизга тушунтириб айтяпман, — деди Мартин, — пул менга бугун керак!

Иш бошқарувчининг қўппол муомаласи Мартинга қаттиқ ботди; шунинг учун унга кўз-қулоқ бўлиб турди, инчунун «Ойлик»нинг кассаси, шубҳасиз, унинг чўнтағида эди.

Шу чоқ мистер Форд яна:

— Мен ночор аҳволга тушиб қолдим... — деб гап бошлади.

Мистер Эндыс эса сабрсизлик билан пошинасида орқасига ўгирилди ва хонадан чиқиб кетмоқчи бўлди. Мартин шу оннинг ўзида унга ташланиб, ҳиқилдоғига шундай ёпишдики, унинг қордек оппоқ, бежирим соқоли ўзининг шаклини йўқотмай қирқ беш даражали бурчак ясад тиккайиб қолди. Мистер Форд билан мистер Уайт, даҳшатдан сурат бўлиб қотиб, Мартин иш бошқарувчи ни худди эрон гиламини қоққандек силкитаёттанини бақрайиб томоша қилишди.

— Менга қаранг, ёш истеъодод эгаларининг кучидан фойдаланувчи муҳтарам зот, — деб бақирди Мартин, — пулни чиқаринг, йўқса,

ёнингиздаги пулнинг ҳаммасини ўзим қоқиб тушираман!

Сўнг у қўрқиб кетган томошабинларга ўгирилиб, қўшиб қўйди:

— Яххиси, аралаша қўрманглар... бўлмаса, сизлар ҳам шундай таъзирингизни ейсизки, туққан онангиз ҳам таниёлмай қолади.

Мистер Эндыс бўғила бошлади, Мартин ўз шартига унинг розилик бериши учун имкон туддириш мақсадида бир оз қўлини бўшатди. Иш бошқарувчи чўнтагини ковлаб, ниҳоят, тўрт доллару ўн беш цент чиқарди.

— Чўнтакни ағдаринг! – деб бақирди унга Мартин.

Яна ўн цент чиқди. Мартин ҳисобга тўғри бўлсин учун ўлжани икки марта санади.

— Энди навбат сизга! – деб қичқирди у мистер Фордга. – Менга яна етмиш беш цент етмайди!

Мистер Форд дарҳол чўнтакларидағи ҳамма нарсани одди, лекин бор-йўқ пули олтмиш цент чиқди.

— Яхшироқ қидиринг, – деди Мартин унга дағдаға қилиб, – нимчангиз чўнтагидан нима чиқиб турибди?

Мистер Форд ўзининг ҳалол одамлигини исботламоқчи бўлгандай, иккала чўнтакнинг ҳам астарини ағдариб кўрсатди. Унинг битта чўнтагидан тўрт бурчак картон тушди. Мистер Форд уни ердан олиб яна чўнтагига солмоқчи эди, лекин Мартин:

— Нима у? – деб юборди. – Паром чиптасими? Бу ёққа беринг? Бу ўн цент туради. Демак, энди қўлимда, агар чиптани ҳам қўшиб ҳисобланса, тўрт доллару тўқсон беш цент бор. Қани, яна беш цент чиқаринг!

У мистер Уайтга шундай ўқрайиб қарадики, бу нозик ниҳол жентльмен шу заҳотиёқ чўнтағидан никель танга чиқариб берди.

— Ташаккур, — деди Мартин улфатларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, — омон бўлинглар!

— Босқинчи — деб фижинди унинг орқасидан мистер Энды.

— Муттаҳам! — деб жавоб қилди унга Мартин эшикни «қарс» этиб ёпиб чиқиб кетаркан.

Мартин ғалабасидан шу қадар завқланиб кетган эдики, «Паризод ва марварид» учун «Қовоқ ари» бериши керак бўлган ўн беш доллар қарзини эслаб, шу заҳотиёқ уни ҳам ундиришга аҳд қилди. Лекин «Қовоқ ари» таҳририятида қандайдир соқоллари тоза олинган ёшлиар ўтиришарди, булар ҳаммани, дуч келган ҳар бир одамни ва шунингдек, бир-бирларини ҳам тунашга одатланиб қолган қип-қизил қароқчилар эди. Тўғри, Мартин жиҳозлардан баъзиларини синдиришга улгурди, аммо талабалик чоғларида атлетика бўйича мукофотлар олган муҳаррир иш бошқарувчи эълонлар йифувчи агент ва швейцар ёрдамида Мартинни эшикка чиқариб қўйди ва зинадан ўқдай отилиб тушибшига кўмаклашди.

— Келиб туринг, мистер Иден, сизни кўришга ҳамиша муштоқмиз! — деб унинг орқасидан хушчақчақ овоз билан бақиришди.

Мартин ҳам жилмайиб ўрнидан турди.

— Уф, — деб фўлдиради у. — Қойилман, йигитлар. «Трансконтинентал»даги қилтириқларга ўхшамас экансизлар!

Бунга жавобан яна хохолаб кулишди.

— Шуни эътироф этиш керакки, мистер Иден, — деди «Қовоқ ари»нинг муҳаррири, —

шоир учун ўзини бунчалик ҳимоя қилиш катта гап. Бу браулени қаерда ўргангансиз?

— Сиз икки қаватлама нельсонни қаерда ўрганган бўлсангиз, ўша ерда, — деб жавоб берди Мартин. — Ҳар ҳолда кўзингизнинг ости кўкариб чиқиши муқаррар!

— Ишонаманки, сизнинг гарданингиз қичиб қолади ҳали, — эҳтиром билан эътиroz билдирир. — Менга қаранг, шу иш шарафига қиттай-қиттай отмаймизми? Албатта, лат еган гардан шарафига эмас, танишганимиз шарафига.

— Мен енгилдим, демак, рози бўлиш керак, — деб жавоб қилди Мартин.

Шундан кейин, ҳаммалари — таловчилар ҳам, талангтан ҳам бир шиша виски ичишди, жангда кучлилар ғолиб чиқди, шунга кўра «Паризод ва марварид» учун бериладиган ўн беш доллар «Қовоқ ари»га тегишлайдир деб дўстона қарорга келдилар.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

Артур кўча эшик олдида қолди, Руфъ эса Мария Сильванинг уйи олдидаги пиллапоядан тез юриб чиқди. У ёзув машинкасининг чиқиласини эшилди, хонага кириб Мартинни аллақандай қўллэzmанинг охирги саҳифасини ёзиб тугатаётгани устидан чиқди. Руфъ Мартиннинг Шукроналик куни овқатлангани бориши-бормаслигини билиш учун атайлаб келган эди, лекин ижодий эҳтиросга берилиб кетган Мартин унга оғиз ҳам очирмади.

— Ижозат этсангиз, сизга шуни ўқиб берсам! — деди у машинкадан қофозларни олиб, нусхалирини ажратиб қўяркан. — Бу менинг энг кейинги

ҳикоям. Аввалги асарларимга сира ҳам ўхшамайди, мен ҳатто бу ҳақда ўйлагани ҳам қўрқяпман, лекин назаримда, яхшига ўхшаяпти. Мана, ўзингиз эшитинг. Ҳикояда Гавайи ҳаёти тасвирланади. Унга «Вики-Вики» деб ном қўйдим.

Мартиннинг юзи ҳаяжондан чўғдек ёнарди, ҳолбуки, Руфъ унинг кулбасида совуқдан дилдирап, Мартиннинг қўллари эса муздек эди.

Руфъ ҳикояни диққат билан тинглаётган бўлса ҳам, унга маъқул тушмаётгани юзидан яққол билиниб турарди. Мартин ўқиб бўлиб, ундан сўради:

— Тўғрисини айтинг, сизга ёқдими, йўқми?

— Би-билмадим, — деб жавоб қилди қиз, — буни бирон журналга ўтказиб бўлади деб ўйлайсизми?

— Менимча, ўтказиб бўлмаса керак, — деб эътироф этди Мартин. — Буни журналлар тушумайди. Аммо бу ерда соф ҳақиқат ёзилган.

— Нега энди сиз ҳадеб сотиб бўлмайдиган асарларни ёзганингиз-ёзган? — раҳмсизлик билан гапира бошлиди Руфъ. — Ахир сиз тирикчилик учун ёзасиз-ку?

— Ҳа, тўғри. Лекин қаҳрамоним мендан кучли чиқиб қолди. Мен ҳеч нарса қила олмадим. У воқеанинг фақат шу тарзда тугаллашимни талаб қилиб туриб олди.

— Лекин нега Вики-Викингизнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқади? Ахир ҳикояни ўқиган ҳар қандай одам унинг гапларидан шолғомдек қизариб кетади-ку. Демак, муҳаррирлар ҳикояни босмасликка ҳақлари бор.

— Ҳақиқий Вики-Вики худди шу хилда гапирган бўларди.

— Бу – дидсизлик.

— Бу – ҳаёт! – деди Мартин. – Бу – реал ҳаёт. Бу – ҳақиқат. Мен ҳаётни қандай мушоҳада қиласам, худди шундай тасвирлашим лозим.

Руфь ҳеч нима деб жавоб қилмади, шу пайт орага бир он ўнғайсиз жимлик чўкди. Мартин Руфни ҳаддан ортиқ севар, шунинг учун ҳам уни тушунмас эди, қиз эса уни шунинг учун тушунмас эдики, у Руфнинг одамлар ҳақидаги маҳдуд тушунча доирасига сифмасди.

— Ҳа, айтгандай, мен «Трансконтинентал ойлик журнали»дан пулимни олдим, – деди Мартин сұхбатни кишига оғир ботмайдиган мавзуга қўчиришга уриниб, сўнг таҳририятдаги уч оғайнини ботирлардан тўрт доллару тўқсон цента паром чиптасини қандай мусодара қилганини эслаб, хоҳолаб кулиб юборди.

— Жуда соз! Демак, борасиз-а? – деди Руфь севиниб кетиб. – Мен шуни билгани келувдим.

— Бораман? – у ҳайрон бўлиб қайта сўради.
– Қаёққа?

— Эртага бизникига, тушки овқатга. Пулни олган заҳотим костюмимни сотиб оламан деб айтувдингиз-ку.

— Буни бутунлай унутибман, – хижолат бўлиб деди Мартин. – Биласизми, гап бундай... Бугун эрталаб полисмен Мариянинг иккита сиғири билан бузогини ўтларни поймол қилгани учун олиб кетди, унинг жарима тўлашга пули йўқ эди... унинг учун мен тўлаб юбордим. Шундай қилиб, «Қўнфироқ садоси» учун олган гонораримнинг ҳаммаси Мариянинг сигирларини қайтиб олиш учун кетди.

— Демак, бора олмайсиз?

Мартин ўзининг оҳори кетган кийимиға назар ташлади.

— Бора олмайман.

Руфнинг мовий кўзлари жиққа ёшга тўлди, у Мартинга ўпкаланиб қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нима демади.

— Келаси йили Шукроналик куни сиз билан Дельмонико бўйида, ё Лондонда, ёки Парижда, ёинки кўнглингиз истаган ерда байрам қила-миз. Бунга менинг ишончим комил.

— Яқинда газеталарда шуни ўқидим, – деди Руфъ жавоб бериш ўрнига, – почта маҳкамасида бир неча ўрин бўшаётган экан. Ахир у ерда навбатингиз биринчи эди-ку?

Мартин чақириқ қофозини олган бўлса ҳам, бормаганини айтишга мажбур бўлди.

— Мен ўзимга, муваффақият қозонишимиға жуда қатъий ишонаман, – деб ўзини оқдай бошлади у. – Яна бир йилдан кейин мен ҳар қандай почта ходимидан ўн ҳисса кўпроқ пул ишлай бошлайман. Мана кўрасиз.

— Оҳ! –деб қўя қолди Руфъ. У ўрнидан туриб, қўлқопини кия бошлади. – Мен кетишим ке-рак, Мартин. Артур кутиб турибди.

Мартин уни маҳкам бағрига босиб ўпди, лекин Руфъ унинг эркалашларига парво қилмади. Унинг бадани одатдагидек сесканмади, у қўллари билан Мартиннинг бўйнидан қучоқладами, дудоқларини унинг лабларига босмади.

«Жаҳали чиқди, – деб ўйлади Мартин Руфни кузатиб қўйиб уйга қайтаркан. – Лекин нега? Албатта, полисмен келиб-келиб шу бугун си-гириларни тутиб олгани яхши бўлмади, лекин бу оддий кўнгилсиз ҳодиса-ку. Бунга ҳеч ким айбдор эмас». Бошқача иш кўришим мумкин эмасмиди, деган фикр Мартиннинг хаёлига ҳам келмаган эди. «Ҳа, албатта, – деган қарор-

га келди у ниҳоят, – мен унинг олдида почтадаги ишдән воз кечганим учун ҳам бир оз айборман. Ундан кейин «Вики-Вики» ҳам унга ёқмади».

Орқадан оёқ товуши эшитилди. Мартин ўтирилиб, эшик олдига яқинлашиб қолган почтачини кўрди. Мартин одатдаги ҳаяжон билан унинг қўлидан бир тўп қалин ва чўзинчоқ конвертларни олди. Улар орасида битта кичкина конверт ҳам бор эди. Унинг устида «Нью-Йорк ахбороти»нинг штампи бор эди. Мартин уни очишдан олдин бир оз тарафдудланиб қолди. Бу материалнинг қабул этилгани ҳақидаги хабар бўлиши мумкин эмасди. Чунки бу журналга биронта ҳам қўлёзма юбормаган эди. «Балки, – шу фикр хаёлига келганида у шамдек қотиб қолди, – балки менга мақола буютиришмоқчиидир?» Лекин шу заҳотиёқ бу дадил ва рўёбга чиқмайдиган орзуни хаёлидан қувди.

Конвертда муҳаррирнинг қисқагина расмий мактуби бўлиб, унда шу мактубга номаълум бир киши томонидан ёзилган хат илова қилингани айтилган эди; шу билан бирга муҳаррир Мартиндан ҳеч ташвиш тортмасликни илтимос қилган эди, чунки таҳририят ҳеч қандай номаълум киши ёзган хатга эътибор бермайди, деб ёзган эди.

Илова қилинган хат қўлда, босма ҳарфлар билан ёзилган эди. Бу фирт бемаъни, саводсиз ёзилган бўхтон бўлиб, у ерда ўз ҳикоя ва шеърларини журналларга юбориб турувчи «Мартин Иден исмли шахс» мутлақо ёзувчи эмас, у ҳикояларни эски журнallардан ўғирлайди ва машинкада кўчириб, ўз номидан юборади, деб ёзилган эди. Конверт устига «Сан-Леандро» почта штемпели босилган. Мартин мактуб

муаллифини дарҳол таниди. Унинг ҳар бир мисрасида Хиггинботамнинг грамматикаси, Хиггинботамнинг сўзлари, Хиггинботамнинг фикрлари кўзга ташланиб турарди. Мактуб муҳтарам поччасининг дағал қўллари билан битилгани яққол сезилиб турарди.

– Ахир нимага кераги бор экан, бу ифвонинг?
– деб сўрарди Мартин ўзидан ўзи. Бернард Хиггинботамга нима ёмонлик қилган эди? Бу ахир фирт бемаънилик, бефаросатлик-ку. Буни бошқача изоҳлаш ҳеч мумкин эмасди. Бир ҳафта ичида шарқий штатлардаги ҳар турли журнallардан яна ўнгача шу сингари мактублар келди. Муҳаррирлар жуда олийжаноблик қилишибди, деб ўйлади Мартин. Уларнинг кўпчилиги, Мартинни мутлақо танимаса ҳам, унга хайриҳоҳлик изҳор этишарди. Уларнинг бўхтонларга нафрат кўзи билан қарашлари ойдин эди. Мартинга зиён етказиш учун қилинган аҳмоқона ҳаракат амалга ошмади. Аксинча, бу ҳол унга фойда келтириши ҳам мумкин эди, негаки муҳаррирларнинг дикқатини ўзига жалб қилган эди. Улардан баъзилари, энди Мартиннинг ҳикоясини ўқиркан, буни номаълум киши ёзган хатда номи зикр этилган ўша Мартин Иден ёзган, деб эслайдиган бўладилар. Кейин – ким билсин дейсиз – шу нарса унинг асарлари тақдирига ижобий таъсир кўрсатса ҳам ажаб эмас!

Тахминан, шу пайтларда яна бир ҳодиса содир бўлдики, ундан кейин Мария Сильванинг олдида Мартин бирмунча эътибордан қолди. Кунларнинг бирида Мартин Мариянинг ошхонада юм-юм йиглаб, оғриқдан оҳ-воҳ чекаётгани устидан чиқиб қолди; оғир дазмолни

қимирлатишга унинг мадори йўқ эди. Мария грипп бўпти, деган қарорга келди шу заҳотиёқ. Мартин ва Бриссенден олиб келган шишалардан бирининг тагида қолган вискини ҳўплатиб, ўрнига ётқизди. Лекин Мария ўламан саттор, ётмайман деб туриб олди. У ҳадеб, кийимларни дазмоллаб бўлиб, шу бугун кечқуруноқ эгаларига элтиб беришим керак, йўқса эртага еттита болам оч қолади, дер эди.

Мартиннинг дазмолни қўлига олиб, ҳарир батист кофточкани дазмол тахтаси устига ташлаганини кўрган Мария (бу ҳақда у то ўла-ўлгунча гапириб юрди) ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Бу маҳалладаги энг олифта қиз Кэт Фленаганнинг энг яхши кофтаси эди. Мисс Фленаган, кофточкам нима қилиб бўлса ҳам кечқурунга тайёр бўлсин, деб тайинлаган эди. Унинг темирчи Жон Коллинз билан яқинлигини ҳамма биларди, Мариянинг эшитишига кўра, улар эртага «Олтин Қопқа» паркига сайд қилгани боришлири керак эди. Мария кофточкани Мартиндан қутқариб қоламан, деб бекорга овора бўлди. Мартин уни мажбуран курсига ўтқазиб қўйди. Мария бақрайганча Мартиннинг жон-жаҳди билан кийим дазмоллашини кузатиб ўтирди. Ўн дақиқадан кейин Мартин дазмолланган кофточкани Марияга узатди, Мариянинг ўзи ҳам бундай яхши дазмоллай олмасди, Мартин уни бунга иқрор бўлишга мажбур этди.

— Агар дазмол яна ҳам қизиган бўлганда, яна ҳам тезроқ дазмоллаган бўлардим, — деб тушунтирди у.

Лекин Мариянинг фикрига қараганда у дазмолни шундоқ ҳам жуда қиздириб юборибди.

— Сиз нотүгри сув пуркайсиз, — деди Мартин унга яна, — келинг, сизга йўлини кўрсатиб берай. Агар тез дазмолламоқчи бўлсангиз, сув пуркалган кийимни прессса бостириб қўйишингиз керак.

Мартин ертўладан ёғоч қути олиб чиқди, унга қопқоқ ясади, болалар топшириш учун йиққан темир-терсаклардан бирталайини олиб келди. Сув пуркалган кийимлар қутига тахланиб, устидан қопқоқ қўйилди, қопқоқ устига темир-терсак бостирилди. Шу билан тайёргарлик тугади.

— Энди қараб туринг, — деди Мартин белигача ялангоч бўлиб олиб, қизариб чўф бўлаёзган дазмолни қўлига оларкан.

Кейинчалик Мария кийимларни дазмоллаб бўлгач, Мартин жун кийимларни ювишни ҳам ўргатиб қўйганини ҳаммага гапириб юрди.

— У айтди: «Мария, катта аҳмоқ, меники ўргатади сизга». У ўргата бошлади. Ўн дақиқа машина тайёр. Бочка, икки таёқ яна фидирак гупчак. Мана!

Бундай асбоб ясашни Мартин «Қайнар Булоқ» кирхонасида Жодан ўрганган эди. Эски фидиракнинг таёқقا ўрнатилган гупчаги поршен вазифасини ўтарди. Таёқнинг иккинчи учига боғланган арқон ошхона шифтининг синчидан ўтказилган эдики, бу нарса поршени бир қўл билан ҳаракатга келтиришга имкон берарди; бочкага солинган жун кийимлар шу асбоб ёрдамида жуда яхши қоқиларди. Мария ҳатто болаларидан биттасини арқон тортишга қўйди, у Мартин Иденнинг ҳийласидан таажжубланарди.

Мартин ўз санъатини намойиш қилиб, кир ювишни такомиллаштириш билан Мария-

нинг меҳнатини енгиллаштирган бўлишига қарамай, айни вақтда, унинг назаридан қолди. Унинг сабиқ кир юувучи эканлиги маълум бўлгандан кейин, уни қуршаб олган романтик шуъла гўё тутундек тарқалиб кетди. Унинг китоблари, файтонда келувчи ёки ўзидан кейин виски шишаларини қолдириб кетувчи басавлат меҳмонлар – ҳаммаси Мариянинг кўзи олдида ўз жозибасини йўқотган эди. У оддий ишчи, худди Марияга ўхшаган ишчи экан, улар икковлари ҳам бир синфнинг намояндалири экан. Бу фикрдан Мартин унга яқинроқ, тушунарлироқ бўлиб қолди, лекин сирли жозиба йўқ бўлиб кетган эди.

Мартин қариндошларидан тобора узоқлаша борди. Мистер Хиггенботамнинг ўринсиз қилиғидан кейин, бўлғувси куёви – Герман Шмидт ҳам ҳунарини кўрсатди. Мартин бир кун бир неча шеър ва ҳикояларини ўтказишга муяссар бўлди ва қисман ўз аҳволини тиклаб олди. У баъзи баққолларнинг қарзини узди, костюми билан велосипедини ҳам сотиб олди. Велосипеднинг у ер-бу ерини тузатиш лозимлигини кўргач, бўлғувси куёвига дўстона муносабатини билдириш учун уни Герман Шмидтнинг устахонасига юборишга қарор қилди.

Ўша куни кечкуруноқ Мартин велосипедини олиб, таажжубланди ва мамнун бўлди. Чамаси, Шмидт ҳам унга ўзининг дўстона муносабатда эканини изҳор этмоқчи бўлган, шекили, велосипедини навбатдан ташқари тузатиб, яна уйига ҳам юборибди, ҳолбуки, биронта ҳам устахона бу ишни қилмас эди. Лекин Мартин велосипедини кўздан кечириб, унга қўл ҳам урилмаганини кўрди. У устахонага телे-

фон қилди, лекин Герман Шмидт «у билан борди-келди қилишни истамаслигини» айтды.

— Жаноб Герман Шмидт, — бамайлихотир гапира бошлади Мартин, — қулоғингиздан бирор марта чўзиб қўйиш учун хузурингизга ташриф буюрсам ҳам ажаб эмас.

— Агар менинг устахонамга келгудек бўлсангиз, — деб жавоб қилди у, — полицияга хабар қиласман! Мен сизга кўрсатиб қўяман! Хотиржам бўлинг, мени муштлашишга мажбур қила олмайсиз. Сизга ўхшаганлар менинг тентим эмас. Сиз ишёқмассиз, мени лақиллата олмайсиз. Опангизга уйланмоқчи эканман, бундан мени ҳақорат қилишингиз мумкин деган холоса чиқмайди. Нимага ишламайсиз, нега ҳалол пул топиб кун кўрмайсиз? А? Қани, жавоб беринг-чи!

Мартин ҳақиқий файласуф сингари фазабини ичига ютди-да, унга жавобан ҳуштак чалиб, гўшакни илиб қўйди. Аввалига кулгиси қистади, лекин кейинчалик ёлғизлик аста-секин унинг қалбини изтиробга сола бошлади.

Ҳеч ким уни тушунмас, ёлғиз Бриссендендан бошқа ҳеч кимга кераги йўқ эди, лекин Бриссенден ҳам қаёққадир фойиб бўлди.

Мартин сабзавот дўконидан ул-бул харид қилиб, кўчага чиққанида қош қорайиб қолган эди. Муюлишда трамвай тўхтади, унинг пиллапоясидан новча бир одам сакраб тушди. Мартиннинг юраги севинганидан бир сапчиб тушди. Бу Бриссенденнинг ўзгинаси эди, деразадан тушган ёруғда пальтосининг қаппайган чўнтаклари га Мартиннинг кўзи тушди. Унинг бир чўнтағигда китоб, иккинчисида эса шиша бор эди.

ҮТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Бриссенден узок өвөт күринмай кетганини Мартинга тушунтириб ўтирмади. Мартин ҳам ундан буни суриштирмади. У грог тўлдирилган стаканлардан қўтарилиган буғ орасидан дўстининг қони қочган, ориқ чеҳрасини кузатиб ўтиради.

Мартин унга сўнгти пайтда қилган ишлари тўғрисида гапириб бергандан кейин, Бриссенден:

— Мен ҳам қўл қовуштириб ўтирганим йўқ,
— деди.

У чўнтағидан бир қўлёзма олиб Мартинга узатди, Мартин сарлавҳасини ўқиб, савол на-
зари билан Бриссенденга қаради.

— Ҳа, ҳа, — деди Бриссенден истеҳзо билан, — сарлавҳаси чакки эмас-а, шундайми? «Эфеме-
рида»... бунақаси бўлмайди. Лекин бу сизнинг сўзингиз, эсингиздами, сиз инсон ҳақида гапир-
ганингизда уни «Эфемеридаларнинг сўнгтиси» деб, тирилган модда, қуёш остида ўз ўрни учун
курашаётган иссиқ жон бўлаги, деб таърифла-
ган эдингиз. Шу фикр миямга маҳкам ўтириб
қолган экан, ундан халос бўлиш учун бутун бир
достон ёзишга мажбур бўлдим! Қани, ўқиб чиқиб
бу борада ўз фикрингизни айтинг!

Мартин ўқиркан, ҳаяжондан гоҳ бўзарар, гоҳ
қизараарди. Бу фоят баркамол бадий асар эди.
Агар фикрнинг ҳар бир нозик оҳанги сўзларда
ўз ифодасини топган ерда асарнинг устун то-
мони ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда шакл
мазмундан устуналик қиласди дейиш мумкин,
шу билан бирга, сўз ифодаси шу қадар камо-
лотга етган эдиким, завққа тўлган Мартиннинг
нафаси қайтиб кетар ва кўзларидан ёш чиқар-

ди. Бу олти юз ё етти юз мисрадан иборат, жуда антиқа, хаёлий ва даҳшатли достон эди. Бундай асарни ёзиш мумкин эмасдай, уни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмасдай туюларди, аммо шунга қарамай, достон Мартиннинг кўз олдида ётарди. Бу достонда инсон ва унинг жамики изланишлари, унинг чексиз самони забт этиб, муттасил, энг олис сайдералар оламига яқинлашишга интилиши тасвиранган эди. Бу ҳали ўлмаган ва юраги сўнгги маротаба аста тепиб турган ўлимга маҳкум инсоннинг бош чаноғи ичидаги хаёлотнинг телбаларча жавлон уриши эди. Достоннинг тантанавор вазнида сайдераларнинг гувиллаши, бир-бiri билан тўқнашган метеорларнинг қасир-қусурлари, ўтли булутлар шуъласи билан ёритилган мудҳиш бўшлиқларда юлдузларнинг жангужадали, ниҳоят, шу овозлар орасидан инсоннинг ожиз товуши остин-устун бўлаётган дунёларнинг даҳшатли гулдуроси орасидан тўхтовсиз эшитилиб турадиган ҳазин бир шикоятдек қулоққа чалинарди.

Мартин ниҳоят тили калимага келиб, гапира бошлади.

— Ҳеч қачон бундай асар ёзилган эмас. Бу фоят ажойиб асар! Ажойиб! Мени эсанкиратиб қўйди! Бу буюк ва мангу масала ҳеч хаёлимдан нари кетмайди. Ақд бовар қилмайдиган нарсани англашга интилган инсоннинг тўхтовсиз эшитилиб турган заиф овози менинг қулоғимда ҳамиша янграб туради! У баайни филларнинг даҳшатли ўкириши ва арслонларнинг наъраси остида чивиннинг ўлим олдидан финифиллашига ўхшайди. Лекин бу финифиллашда зўр эҳтирос бор. Мен бемаъни гапларни валдираяпман,

шекилли, лекин бу асар мени тамомила ўзига ром қилиб қўйди. Сиз... Нима деб айтишни ҳам билмайман, сиз ниҳоятда улуф истеъдод эгаси-сиз. Лекин буни қандай яратдингиз? Қандай ижод қила олдингиз?

Мартин фақат нафасини ростлаб олиш учун-гина мадхия ўқишидан тўхтади.

— Мен энди ёзишни тарк этаман. Мен қофоз-ни ифлос қиласидиган оддий одамман. Сиз менга чинакам маҳорат нималигини намойиш қилдингиз. Сиз улуф истеъдодга моликсиз. Йўқ, ундан ҳам улуғсиз! Бу – телбалик яратган ҳақиқат. Бу – том маъноси билан ҳақиқатдир. Сиз ақидапараастсиз, тушуняпсизми? Ҳатточи, фан ҳам сизнинг фикрларингизни рад эта олмайди. Бу башорат қилувчи одамнинг құдратли шеър ёрдами билан бепоён фазо зулматидан ясаган ҳақиқати, гўзаллик ва буюклик мўъжизасидир. Бошқа ҳеч нима демайман! Мен оёқ остида қолиб, йўқ бўлиб кетдим! Йўқ, ҳар ҳолда, яна икки оғиз сўз айтаман: рухсат берсангиз, достонингизни биронта журналга жойлаштирам.

Бриссенден хохолаб кулиб юборди.

— Бутун христиан оламида бунаقا асарни босишга журъят этадиган биронта ҳам журнал топилмайди! Буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз!

— Йўқ, билмайман! Мен аминманки, бу асарга икки қўллаб ёпишиб олмайдиган биронта ҳам журнал бутун дунёда топилмайди. Ахир бундай асарлар юз йилда бир марта ёзилади-ку. Бу достон бир кунлик ҳам, бир йиллик ҳам эмас. Бу – асрий достон.

— Ҳа, балли, асрий!!

— Ўзингизни беадаб қилиб кўрсатманг! – деб эътиroz билдириди Мартин. – Муҳаррирларни жудаям бефаҳм деманг. Мен буни биламан. Мен билан бас бойлашасизми, «Эфемерида»нгизни мен тавсия этган биринчи журнал бўлмаса ҳам, иккинчиси албатта қабул қиласиди?

— Сиз билан бас бойлашишга халал берувчи бир сабаб бор, – деди Бриссенден ва бир оз жим туриб илова қилди. – Бу мен ёзган асарларим ичида энг яххиси. Буни жуда яхши биламан. Бу умрим охирида яратган энг юксак асарим. Мен бу достоним билан фоятда фахрланаман. Унинг олдида тиз чўкаман. Бу менга вискидан ҳам азиз. Мен бу энг мукаммал асарни ёзишни орзуладар сари толпинган ва хом хаёлга берилган ёшлик чоғимдаёқ орзу қилган эдим. Мана орзуимни рӯёбга чиқардим, бир оёғим гўрда турган пайтда рӯёбга чиқардим. Наҳотки, энди шу асаримни тўнгизлар оёғи остига ташласам! Бас бойлашмайман! Бу менини! Буни мен ижод этдим ва уни фақат сиз билан баҳам кўраман.

— Лекин қолганларни ҳам унутмаслигингиж керак! – деди Мартин. – Ахир гўзалликдан мақсад одамларни қувонтириш ва уларга лаззат бағишлишдан иборат!

— Яххиси, бу асар мени қувонтириб, менга лаззат бағишливерсин!!

— Худбинлик қилманг!

— Мен асло худбин эмасман! – Бриссенден ҳозир айтмоқчи бўлган гапидан лаззатлана бошлагандек жилмайиб қўйди. – Мен мисоли оч чўчқа сингари алтруистман²⁶.

²⁶ Алтруист – ўз манфаатидан воз кечиб, ўзгаларга яхшилик қилувчи одам.

Мартин қанча уринса ҳам Бриссенденни ахдидан қайтара олмади. Мартин журналлардан бу қадар нафратланишингиз бемаънилик ва мутаассиблик, сиз Эфесдаги Диана ибодатхонасига ўт қўйган Геростратдан минг марта бемаъни иш қиляпсиз, деб Бриссенденни ишонтирмоқчи бўлди. Бриссенден бош иргаб гротини ичib ўтиаркан, ҳаттоки ҳамсуҳбатининг журналларга таалукли гапларидан бошқа ҳамма соҳада ҳақ эканлигини эътироф ҳам этди. Унинг муҳаррирларга бўлган нафратининг чеки йўқ эди, у муҳаррирларни Мартиндан ҳам қаттиқ ҳақорат қиласади.

— Илтимос, достонимни машинкангизда бошиб берсангиз, — деди у, — сиз ҳар қандай котибдан минг карра яхшироқ босасиз. Энди сизга битта фойдали маслаҳат бермоқчиман.

— Бриссенден чўнтағидан қалин бир қўлёзма олди. — Бу сизнинг «Шарманда бўлган қуёш» деган мақолангиз. Уни уч марта ўқиб чиқдим! Қўлимдан келган энг юксак мақтовим шу. Сиз «Эфемерида»ни foят даража мақтаб юборганингиздан кейин жим бўлишим керак эди. Лекин сизга шу нарсани айтмоқчи эдим: агар «Шарманда бўлган қуёш» босилиб чиқса, жуда катта шов-шув бўлади. Шунинг натижасида энг шиддатли мунозара бошланадики, бу сиз учун энг яхши реклама бўлади.

Мартин хохолаб юборди.

— Бу мақоламни бирон журналга юборишни маслаҳат бермоқчимисиз?

— Агар мақолангизнинг босилиб чиқишини истасангиз, уни биронта журналга беришингизни асло маслаҳат кўрмайман. Уни йирик нашриётлардан бирига тавсия қилинг. Эҳти-

молки, уни ўша ерда биронта жинни ёки фирт маст тақризчи ўқиб чиқиб, ижобий фикр айтиб қолса. Ҳа, кўп китоб мутолаа қилганинг ҳаммаси Мартин Иденнинг миясида ҳазм бўлиб, «Шарманда бўлган қуёш»да изҳор этилибди. Шундай вақт келадики, Мартин Иденнинг номи оламга машҳур бўлади, у ўз шон-шуҳратининг улкан ҳиссасига шу мақола шарофати билан эга бўлади. Ношир ахтаринг, уни қанча тез топсангиз, шунча яхши!

Шу куни кечқурун Бриссенден Мартиннинг уйида алламаҳалгача ўтириб қолди. Кейин Мартин уни трамвайгача кузатиб қўйди, Бриссенден трамвайга чиқаётганида тўсатдан дўстининг қўлига фижимланган бир қоғоз тутқазди.

— Манавини олиб қўйинг, — деди у, — бугун пойгода омадим ўнгидан келиб қолди!

Занг чалиниб, трамвай жўнаб кетди. Мартин эса қўлида фижимланган қоғоз билан ҳайрон бўлганча туриб қолаверди. Мартин хонасига қайтиб киргандан кейин қоғозни очиб кўрди, бу юз долларлик қоғоз пул эди.

Мартин уни ҳеч суриштирмай сарфлай бошлиди. У дўстининг пули кўплигини яхши билар, бундан ташқари, ўзи ҳам яқин орада бу қарзимни узаман, деб ишонарди. Эртаси куни эрталаб у қарзларини тўлади, Марияга уч ойлик ижара ҳақини олдиндан бериб қўйди, ўзининг гаровга қўйган молларининг ҳаммасини сотиб олди. У Мэриенга тўёна қилди, Руфъ билан Гертрудага янги йил байрамига совфа сотиб олди. Бу ҳам оздек, Сильванинг ҳамма болалари билан Оклендга бориб, бир йил кечикиб бўлса ҳам, ваъдасининг устидан чиқди: у Марияга

ҳам, ҳамма болаларига ҳам ботинка олиб берди. Яна у болаларга оламжаҳон ўйинчоқлар ва шириналар олиб берди, болаларнинг жажжи қўллари совға-саломга тўлиб кетган эди.

Мартин бу тантанали юришга бош бўлиб, шириналар сотувчи дўконга кираркан, беҳосдан Руфъ билан унинг онасига тўқнаш келиб қолди. Миссис Морз қаттиқ хижолат бўлди, ҳатто魯фъ ҳам уялиб кетди. У зоҳирий одоб қоидаларига зўр аҳамият берарди, шунинг учун ўз севгилисини португалиялик бир гала жулдуурвоқи болалар орасида кўриш унинг учун жуда кўнгилсиз бир ҳол эди. Мартинда фуур ва ўзига нисбатан ҳурмат йўқлиги уни қаттиқ ранжитди. Энг хунуги шу бўлдики, бу юз берган ҳодиса Мартиннинг ўз муҳитидан кўтарилиб чиқа олмаслигини исботловчи яна бир далил эканлиги魯фга аён бўлди. Шунинг ўзи ҳам жуда кўнгилсиз ҳодиса эди, бутун дунё олдида – Руфнинг дунёси олдида буни кўз-кўз қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ эди. Гарчи鲁фъ билан Мартинни унаштириб қўйилгани сир тутилса ҳам, уларнинг ўзаро муносабати барчага аён эди, шириналар дўконида эса аксига, таниш-билишлар жуда кўп эди; улар ҳаммаси мисс Морзнинг қаллифини ўраб олган ажойиб болаларга қизиқсиниб қараб турардилар. Ўз муҳитининг содиқ қизи бўлган鲁фъ қўли очиқ Мартиннинг табиатини тушуна олмас эди. У хассос бўлганидан бу ҳодисани бир шармандалик деб тушунарди. Шу куни Морзларникига келган Мартин魯фни шундай ҳаяжонда кўрдики, ҳатто олиб келган совғасини чўнтагидан чиқаришга ҳам юраги дов бермади. У Руфнинг кўзларида биринчи марта ёш – газаб билан

алам ёшини кўрди, натижада бу манзара Мартинга шу қадар таъсир этди, у ичида ўзини ҳайвон деб атади, ҳолбуки, нима айб қилиб қўйганини унчалик тушунмасди ҳам. Ўз даврасига мансуб бўлган одамлар билан муомалада бўлгани учун уялиш Мартиннинг хаёлига ҳам келмаган эди, шунинг учун ҳам Мария Сильванинг болаларига совфа харид қилгани чиқиб, Руфни таҳқирлайдиган ҳеч иш қилгани йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, у Руфнинг изоҳларини тинглашга, юз берган воқеани, ҳаттоқи энг яхши аёлларда ҳам учрайдиган заифлик деб изоҳлаб, унинг инжиқдикларини бажону дил қабул этишга тайёр эди.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

Юринг, сизга «асл одамлар»ни кўрсатаман, – деди Бриссенден Мартинга январь оқшомларидан бирида.

Улар Сан-Францискода овқатланиб, энди Окленд паромига ўтиromoқчи бўлиб туришганда Бриссенденнинг Мартинга «асл одамлар»ни кўрсатгиси келиб қолди. У орқасига бурилиб пристандан узоқлашиб борар, этаклари ҳилпираётган плашчида худди кўланкага ўхшарди. Мартин унинг орқасидан зўрга етиб бораарди. Бриссенден йўл-йўлакай устига сават тўқилган флягаларда икки галлон портвейн сотиб олди ва шуларни қўлида ушлаганча Мишен-стрит бўйлаб кетаётган трамвайга сакраб чиқди; уч-тўрт шиша виски кўтариб олган Мартин ҳам унга эргашди. Мартиннинг хаёлидан бир зумгина «агар мени ҳозир Руфъ кўрса нима деб ўйлаган бўларди», деган фикр лип этиб ўтди,

аммо унинг фикри: ким ўзи у «асл одамлар?» деган бошқа фикр билан банд эди.

— Балки бугун у ерда ҳеч ким бўлмас, — деди Бриссенден, трамвайдан тушиб Маркет-стрит-нинг жанубидаги ишчи маҳалласининг жин кўчасига кириб боришаркан. — Унда сиз кўпдан бери ахтариб юрган нарсангизни кўролмайсиз.

— У нима ўзи? — деб сўради Мартин.

— Одамлар, лекин сизни биринчи учратганимда чайқовчилар маконида гужгон ўйнаган одамларга ўхшаш маҳмаданалар эмас, чинакам ақлли одамлар. Сиз кўп китоб мутолаа қилиб, ёлғизликдан изтироб чекардингиз! Лекин бугун мен сизни унча-мунча китоб ўқиган одамлар билан таништириб қўяман, бундан бўён ёлғиз бўлмайсиз.

— Уларнинг кети узилмайдиган мунозараларига унча қизиқмайман, — деб илова қилди Бриссенден яна бир квартал юриб ўтгач, — умуман, китобий фалсафани жиним суймайди, лекин булар, буржуазия тўнғизлари эмас, шубҳасиз, чинакам зиёлилардир! Лекин эҳтиёт бўлинг, нима тўғрида гап очилса ҳам, улар сизнинг тинка-мадорингизни қуритиб ташлайдилар.

У кўп юрганидан ҳансираф қолган бўлса ҳам, қўлидаги портвейн флягаларини Мартинга бермай борарди. Бир оздан сўнг яна гапида давом этди:

— Нортонни учратиб қолсак ҳам ажаб эмас. Нортон — идеалист. У Гарвард дорилфунунини битирган! Хотираси жуда кучли! Идеализм уни фалсафий анархизмга олиб келди, натижада оиласи ундан воз кечди. Унинг дадаси — темир йўл ширкатининг президенти, йирик миллионер, ўғли эса Фрискода ярим оч ҳолда тирик-

чилик қиласы, йигирма беш доллардан ойлик олиб, анахистлар журналчасига мұхаррирлик қиласы.

Мартин Сан-Францисконы, хусусан, шаҳарнинг шу қисмини яхши билмас эди, шунинг учун, Бриссенден уни қаёққа бошлаб кетаётганини ҳеч тушуна олмади.

— Ўша одамлар ҳақида яна гапириб беринг, — деди у. — Мен уларнинг кимлигини билмоқчиман. Турмуш тарзлари қандай? Бу ерга қандай келиб қолишган?

— Гамильтонни учратиб қосак ҳам яхши бўларди, — деди Бриссенден нафасини ростлаб олиш учун тўхтаб. — Аслида, унинг фамилияси икки қаватли: Страун-Гамильтон; у жанублик, қадимий оиладан, лекин табиатан дунёда тенги йўқ саёқ ва ялқов; ҳолбуки, у аллақандай бир кооперативда ҳафтасига олти долларга хизмат қиласы, аниқроғи, хизмат қилишга уринади. Ҳеч тузалмайдиган саёқ! У саёқ Сан-Францискога келиб қолган. Бир куни у паркдаги скамейкада қун бўйи туз тотмай ўтирди, лекин мен унга икки квартал наридаги ресторонга бориб овқат қилишни таклиф қилган эдим, менга нима деб жавоб қилди денг? «Овора бўламиз, қария. Яхшиси, менга бир қути папироқ олиб бера қолинг!» деди. Крейс уни материалистик монизм йўлига солиб юборгунча у ҳам сизга ўхшаш спенсерчи эди. У билан монизм ҳақида суҳбат қуришга уриниб кўриш керак. Нортон ҳам монист, лекин у идеалист монист. У ҳамиша Гамильтон ва Крейс билан баҳслашгани-баҳслашган.

— Крейс ким? — деб сўради Мартин.

— Мана, ҳозир ўшаникига кетяпмиз. Собиқ профессор... дорилфунундан ҳайдашган, од-

дий ҳодиса. Ақди қиличдай ўткир. Түгри келган ишни қилиб, кунини кечириб юради. Ҳаттоки күчада дастёрлик ҳам қилган. Ҳеч қандай бидъат-хурофотни тан олмайды. Ҳеч тап тортмай ўлукнинг кафанини ечиб олаверади. У билан буржуа аҳди ўргасидаги фарқ шундаки, у ўзини алдамасдан туриб, ўғирлик қиласверади. У Ницше, Шопенгауэр, Кант түгрисида, дуч келган нарса түгрида гапириши мумкин, лекин аслида фақат монизмга қизиқади. Ҳаттоки, ўз Мэриси ҳақида ҳам монизм ҳақида ўйлаганчалик ўйламайды. Геккелни худо деб билади. Уни ҳақорат қилишнинг бирдан-бир йўли Геккелга тил тегизишидир. Мана, етиб ҳам келдик.

Брессенден тепага чиқиш олдидан нафасини ростлаб олиш учун флягаларни зина пиллапоясига қўйди. Икки қаватли бу оддий уй муюлишда турар, биринчи қаватида салун ва баққоллик дўкони бор эди.

— Улфатлар шу ерда истиқомат қилишади, бутун иккинчи қаватни эгаллашган, — деди Брессенден, — лекин фақат Крейс икки хонали квартирада яшайди. Кетдик!

Тепада чироқ йўқ эди, лекин Брессенден қоронгида худди ажинадек дадил юриб борарди. У тўхтаб, Мартинга деди:

— Бу ерда яна Стивенс деган одам бор, тесософ. Жафи очилиб кетса, ҳар қандай одамни ҳам гапидан адаштириб юборади. Яқинда ресторанга идиш-товоқ юувучи бўлиб ишга кирди. Аъло навли сигараларни жуда яхши кўради, ошхонага кириб ўн центлик овқат ейиши, кейин эллик центга сигара сотиб олиб чекиши мумкин. Мен, ҳар эҳтимолга қарши, унинг учун икки дона сигара олиб келдим. Яна Пар-

ри исмли австралиялик йигит ҳам бор, бу – статист ва жонли спорт қомуси. Сиз ундан, Парағвайда минг түккіз юз учинчи йилда ғалла ҳосили қанақа бўлган эди ёки минг саккиз юз тўқсонинчи йилда Хитойга қанча инглиз матоси олиб кирилган ёхуд Жимми Брайт Battling Нельсонни енгган чоғда вазни қанча эди, ё бўлмаса минг саккиз юз олтмиш саккизинчи йилда Кўшма Штатларнинг ўрта вазндаги чемпиони ким эди, деб савол берсангиз, у ҳамма саволларингизга худди автомат сингари тез ва бехато жавоб қайтаради. Яна Энди деган ғишт терувчи ишчи ҳам бор, ҳар нарсага ўз нуқтаи назаридан қарайди, шахматни яхши ўйнайди; кейин нонвой Гарри бор, у ашаддий социалист ва касаба уюшмаси арбоби. Ҳа, айтгандай, ошпазлар билан официантларнинг иш ташлагани эсингиздами? Уни Гамильтон уюштирган. У уюшма ташкил қилиб, шу ерда, Крейснинг хонасида ўтириб иш ташлаш режасини ишлаб чиққан. Буни у эрмак учун қилган эди, кейин ялқовлигидан уюшма ишларида иштирок этмади. Агар хоҳласа, аллақачон катта лавозимга эришиши мумкин эди. Бу одам беҳад имкониятларга эга, аммо тасаввур қилиб бўлмас даражада ялқов.

Бриссенден қоронғида ҳамон юриб бораради, ниҳоят, улар эшик остидаги тирқишдан ёруғ тушиб турган хона олдига келишди. Эшикни тақирилатишди, «киринг!» деган овоз эшитилди. Киришлари билан Мартин Крейснинг қўлинини сиқиб кўришди. Крейс – тишлари оппоқ, сочи, мўйлови қоп-қора, кўзлари қора ва маънодор, ўқтам йигит эди. Вазмин табиат, сариқ сочли жувон Мэри ҳам ошхона, ҳам емакхона вази-

фасини ўтовчи кичкина хонада идиш-товоқ юварди. Биринчи хона ётоқхона ва меҳмонхона эди. Хонанинг у бошидан бу бошига тортилган арқонларга ювилган кийимлар осилган, шунинг учун ҳам Мартин хонага кирган заҳоти бурчакда гаплашиб ўтирган икки кишини пайқамади. Улар иккови Бриссенденни ва унинг қўлидаги флягаларини шод-хуррамлик билан қарши олишди, Мартин танишаркан, уларнинг Энди билан Парри эканлигини билди. Мартин Паррининг кечаги бокс ҳақидаги ҳикоясини берилиб тинглади. Бриссенден эса шишаларнинг оғзини очишига ва пунш тайёрлашга киришиб кетди. Унинг: «Ҳамма бу ерга тўплансин», деб айтган буйруғига биноан, Энди хонама-хона юриб ҳамма қўшниларни ҷақиргани чиқиб кетди.

– Бахтимиз бор экан, деярли ҳамма шу ерда, – деб пичирлади Бриссенден Мартинга. – Мана, Нортон билан Гамильтон. Юинг, сизни улар билан таништириб қўяй. Афсуски, Стивенс ҳали келмабди. Мен монизм ҳақида гап очиб кўраман. Аввал озгина қизишиб олишларига имкон бериш керак.

Аввалига сұхбат қовушмади, лекин Мартин бу одамлар заковатининг ўзига хослиги ва жонлилигини дарҳол пайқаб қойил қолди. Ҳар бир кишининг қараши бошқача эди, баъзида мулоҳазалари бир-бирига зид чиқарди; лекин ҳазилкашликлари, асқияларига қарамай, у одамларни асло саёз фикрли кишилар деб бўлмас эди. Мартин шу нарсани пайқадики, сұхбат қай мавзуда бормасин, бу одамлар ўзларининг теран маълумотлари борлигини намо-йиш қиласардилар, улар дунё ва жамият ҳақида қатъий ва аниқ фикрга эга эдилар. Улар тайёр

фикрларни ишлатмас, чинакам руҳий исёнкор эдилар, шунинг учун ҳам ҳар қандай разолатдан нафратланардилар. Мартин Морзлар уйида ҳеч қачон бу қадар ранг-бараң мавзуда гапиришларини әшитмаган, талаблари бу қадар ранг-бараңглигини күрмаган эди. Гүё бу ерда дунёдаги ҳар бир нарса түғрисида ҳам узлуксиз муҳокама юргизса бўларди. Суҳбат миссис Хэмфри Уорднинг охирги китобидан Шоунинг янги комедиясига, драманинг келажаги ҳақидаги мавзудан Мэнсфильд хотираасига ўтиб турарди. Улар эрталабки газеталарнинг бош мақолаларини мақташар ёки масхара қилишарди. Янги Зеландия ишчиларининг аҳволи ҳақида, Генри Жеймс ва Брэндер Мэтьюз ҳақида гапиришар, Германиянинг узоқ Шарқдаги сиёсати ва Сариқ фалокатнинг иқтисодий оқибати ҳақида мулоҳаза юритишар, Германиядаги сайловлар ва Бебелнинг сўнгги нутқи ҳақида баҳслашишар, маҳаллий сиёсатни, социалистик партия раҳбарлари орасида юз берган охирги ихтилофларни ва порт юк ташувчиларининг иш ташлашига сабабчи бўлган нарсалар түғрисида фикр юритишарди.

Мартин уларнинг ҳар бир соҳада ҳам жуда чуқур тушунчага эга эканликларини кўриб ҳайратда қолди. Улар газеталарда ҳам ҳеч қачон босилмаган нарсалардан хабардор эдилар, жамики сирли ишларни ипидан игнасигача билардилар. Бу суҳбатларга Мэри ҳам аралашшиб Мартинни ҳайрон қолдирди, аралашганда ҳам ўзининг нақадар ақлли ва билимдон эканлигини шундай намойиш қилдики, бундай ақлидрок ва теран билимни Мартин ўзига таниш бўлган биронта ҳам аёлда учратмаган эди.

Улар Суинберн билан Россети ҳақида сухбатлашиб, сүнг француз адабиётига күчди. Бу мавзуда Мэри шундай нарсаларни гапирдики, Мартин ўзини француз адабиётидан ҳеч нарса билмаслигини тушунди. Аммо Мартин Мэррининг Метерлинкни яхши кўришини сезиб қолиб, унга қарши пухта ўйланган далилларни рўкач қила бошлади; бу далиллар «Шарманда бўлган қуёш»га асос бўлган эди.

Яна бир неча одам келди, ниҳоят, Бриссенден жангни бошлашга аҳд қилганида хона тамаки тутунидан қоронфилашиб қолди.

– Бу ерда ишлов бериш керак бўлган янги материал бор, Крейс, – деди у, – бутун ёшлик эҳтироси билан Герберт Спенсерга шайдо бўлган гўр бир йигитча. Қани, уни Геккель мухлисига айлантириб кўринглар-чи!

Крейс худди электр токи юборилгандек бир сапчиб тушди, Нортон эса Мартинга ачингандай қараб қўйди-да, гёё ўзим ҳимоя қиласман, деб ваъда бераётгандек жилмайиб, унинг кўнглини кўтариб қўйди.

Крейс шу заҳотиёқ Мартинга ҳужум бошлади, лекин Нортон ҳам аста-секин гап бошлаб турди, ниҳоят, сухбат у билан Крейс ўртасидаги яккама-якка жангга айланди. Мартин бу мунозарани тингларкан, ўз қулоқларига ишонмасди, шу нарсаларнинг ҳаммаси унинг кўз ўнгига, яна қаерда денг, Маркет-стрит жанубидаги ишчи маҳалласида содир бўлаётганига ҳеч ақди бовар қиласди. У ўқиган китобларнинг ҳаммаси гёё шу одамлар тимсолида жонлангандек бўлди. Улар жаҳду жадал билан, иштиёқ билан гапиришарди, бошқаларни ғазаб ёки спирт ичимлиги қандай ҳаяжонлантирса,

ақл ўйини буларни ҳам шундай ҳаяжонга соларди. Бу Кант ва Спенсер сингари афсонавий авлиёларнинг китобий сўзларидан тузилган қурӯқ фалсафа эмас эди. Бу жонли фалсафа эди, у баҳслашувчиларнинг қонига ва жонига сингиб кетган, нутқларида қайнаб-тошар эди. Аста-секин бошқалар ҳам баҳсга аралашди, папиро-сларини тутатиб, бутун дикқат-эътиборлари билан мунозаранинг боришини кузатишиди.

Идеализм Мартинни ҳеч қачон қизиқтирмаган эди. Энди у Мартинга Нортоннинг баёнида янги бир кашфиётдек туюлди. Бироқ Мартинга рад қилиб бўлмайдигандек қўринган мантиқ Крейс билан Гамильтонни ишонтира олмади, улар Нортонни метафизик деб устидан кулардилар, Нортон эса, ўз навбатида, уларни метафизик деб атарди.

Ҳавода муттасил «феноменлар» ва «ноуменлар» деган сўзлар янграради. Крейс билан Гамильтон Нортонни, сен онгни онгнинг ўзидан келиб чиқиб изоҳдайсан, деб айблардилар. Нортон эса сизлар далиллар асосида эмас, тушунчалар асосида холоса чиқарасизлар, деб уларни суханбозликда айблар эди. Бу уларнинг жигибийронини чиқараарди. Уларнинг асосий тамойиллари ишни далиллардан бошламоқ ва далилларга ном бермоқ керак, деган холосадан иборат эди.

Нортон Кантнинг мураккаб муҳокамаларини таҳдил қилишга киришиб кетган эди, Крейс, эскича таълим олган ҳар бир ҳурматли немис файласуфи, ўлганидан кейин Оксфордга келиб истиқомат қиларкан, деб қўйди. Нортон Гамильтоннинг шартлилик қонунини тилга олган эди, унинг рақиблари шу заҳотиёқ айнан ўзлари шу қонунга асосланишларини айтдилар.

Мартин тиззаларини қучоқлаганча, завқдан-ганидан дир-дир титраб қулоқ солиб ўтиради. Нортон ҳақиқий спенсерпараст эмас эди, шунинг учун ҳам у баҳс қизиган пайтларда кўпроқ Мартинга мурожаат қиласр ва бошқа рақиблари билан қандай баҳслашса, у билан ҳам шундай баҳслашарди.

– Биласизми, Берклининг саволига ҳали ҳеч ким мукаммал жавоб бера олгани йўқ, – дерди у Мартинга ўгирилиб. – Герберт Спенсер бошқаларга нисбатан анча яқинлашиб келди-ю, лекин у ҳам, очигини айтганда, муфассал жавоб бера олмади. Унинг издошларидан энг довюраклари ҳам бундан нарига ўта олмайдилар. Мен Салибининг Спенсер ҳақидаги мақоласини ўқидим. Ҳаттоки у ҳам, Спенсер Берклига жавоб қайтаришга мұяссар бўлди деса бўлади, деб ёзибди.

– Юмнинг айтганлари эсингиздами?! – деди Гамильтон.

Нортон бош иргади, лекин Гамильтон буни бошқаларга изоҳдаб беришни маъқул кўрди:

– Юм, Берклининг далилларига ҳеч қандай жавоб беришнинг имкони йўқ, улар тамомила қониқарсиз далиллардир, деб айтган эди.

– Юм учун қониқарсиз, – деб эътиroz билдириди Нортон, – чунки Юм ҳам худди сизга ўхшаб фикр юритган, орангизда фақат битта фарқ бор: у ҳам бўлса, Берклига жавоб бериш мумкин эмаслигини эътироф этишга унинг ақди етибди.

Нортон гарчи мунозара чоғида ўзини йўқот-маса ҳам, жуда қизиққон ва жizzаки эди, Крейс билан Гамильтон эса душманининг заиф томонларини бафуржа, шошмай ўрганаётган

совуққон ваҳшийларни эслатишарди. Ҳадеб метафизик деб таъна қилишавергандан, кечанинг охирида жаҳди чиқиб кетган Нортон баҳсга астойдил берилиб кетиб, ўрнидан туриб кетмаслик учун икки қўли билан курсини маҳкам ушлаб оди ва ҳовурини боса олмай қўзларидан ўт сочиб, рақибларга қарши ҳужумга ўтди.

– Ҳа, яхши, геккелчилар, – деб қичқирди у, – эҳтимол, мен жодугар ёки дуохон сингари муҳокама юритаётгандирман, лекин ўзингиз қандай муҳокама юритяпсиз? Шуни билмоқчи эдим. Гарчи сиз лозим бўлган-бўлмаган ерда позитив фан ҳақида айюҳаннос солсангиз ҳам, аслида суянадиган ҳеч нимангиз йўқ-ку. Сиз нодон ақидапарастсиз! Ахир материалистик монизм мактаби вужудга келишидан анча олдин ҳаммаёқ шу қадар ўйиб ташланган эдики, ҳеч қандай пойдевор қўйишининг имкони қолмаган эди. Бу ишни Локк қилди! Жон Локк! Бундан икки юз йил бурун, ҳатто ундан ҳам олдинроқ Локк ўзининг «Инсон ақди устида тажриба»сида түфма фоя тушунчасининг бемаънилигини исбот қилган эди. Сизлар эса ҳалигача шу билан шуғулланиб юрибсиз. Бугун шу ерга тўпланганимиздан бери, ҳеч қандай түфма фоя йўқ, деб мени ишонтиromoқчи бўляпсиз. Бу нима демак? Бу – инсон олий ҳақиқатнинг тагига ета олмайди, демак. Туғилган чоғингизда миянгизда ҳеч вақо бўлмайди. Ундан кейинги олган ҳамма билимларингиз фақат феноменларга ва беш хил сезги аъзолари ёрдамида олган таассуротларингизга асосланади. Туғилган чоғингизда миянгизда мавжуд бўлмаган ноуменлар эса ундан кейин ҳам ҳеч йўл билан миянгизга кира олмайди.

— Тўғри эмас... — деб унинг сўзини бўлди Крейс.

— Олдин мен гапимни айтиб бўлай! — деб юборди Нортон. — Сизнинг ақдлингиз ҳисси-ётингизга у ё бу тарзда таъсир кўрсатувчи куч ва материянинг ўзаро таъсиринигина ўзлаштира олади. Кўряпсизми, баҳсимизга қу-лайлик туғдириш ниятида, мен ҳатто материяни мавжуд деб эътироф этишга ҳам тайёрман! Лекин ҳозир мен сизларни ўз далилларингиз билан янчидан ташлайман. Бошқа йўл йўқ, аф-суски, икковингиз ҳам абстракт тафаккурга қобил эмассизлар. Қани юксак позитив фан таълимотига асосланниб айтинг-чи, материя ҳақида нималарни биласиз? Сиз фақат идрок қилаётганингиз нарсаларни биласиз, яъни, яна ўша феноменларни биласиз. Сиз фақат мате-риядаги ўзгаришларни, аниқроғи, фақат ўзин-гиз ўзгариш деб фаҳмлаган нарсанигина ту-шуна оласиз. Позитив фан ёлғиз феноменларга асосланади, сиз тентаклар бўлсангиз, ўзин-гизни ноуменларга асосланган онтологлар деб ҳисоблайсиз. Ҳа, позитив фан фақат ташқи ҳодисаларга асосланниб иш кўради. Бир вақт-лар кимдир, ҳодисалар ҳақидағи фан ҳодиса-ларнинг ўзидан юксала олмайди, деб айтган эди. Сиз ҳатто Кантни рад эта олганингизда ҳам, Берклига жавоб бера олмайсиз; бироқ сиз Беркли ноҳақ деб айтасиз, чунки сизнинг на-зариянгиз худонинг борлигини инкор этади-ю, лекин материянинг мавжудлигига шубҳа қил-майди. Мен ҳозир фикрларимни тушунсинлар деб материянинг мавжудлигини эътироф эт-дим. Майли, позитивист бўлинг, лекин позитив фанлар орасида онтологияга ўрин йўқ. Демак,

уни ўз ҳолига қўйишингиз керак. Спенсер агиостик сифатида ҳақ, лекин агар Спенсер...

Бироқ охирги Окленд паромининг жўнашига оз вақт қолган эди, шунинг учун Бриссенден билан Мартин кетишга мажбур бўлдилар. Нортон гапида давом этаётган, Крейс билан Гамильтон эса худди қутурган този итлардек унга ташланиш учун қулай фурсат кутиб турган бир пайтда Бриссенден билан Мартин ҳеч кимга сездирмай хонадан чиқиб кетишиди.

– Сиз менга мўъжизакор бир ўлкани топиб бердингиз, – деди Мартин Бриссенденга, икковлари паромга чиқиб олишганидан кейин. – Бундай одамлар билан сухбат қургандан кейин яшаш керак эканлигини ҳис қила бошлайсан! Бошим айланиб кетди! Мен шу пайтгача идеализмнинг нималигини тузукроқ тушунмасдим. Ҳали ҳам уни ҳазм қила олмайман. Мен умрбод реалист бўлиб қолишимни биламан, шундай яратилган бўлсам керак-да. Лекин Крейс ва Гамильтон билан жон-жон деб баҳслашардим, Нортонга айтадиган икки-уч оғиз гап топардим. Спенсерга жиддий эътиroz билдирилганини кўрмадим. Мен биринчи марта циркка бориб келган боладай ҳаяжондаман. Ҳали яна жуда кўп мутолаа қилишим кераклигини пайқаяпман. Салибининг китобини топиш керак! Спенсернинг енгилмаслигига имоним комил. Келаси сафар мен ҳам мубоҳасага аралашаман...

Лекин Бриссенден бу пайт, ориқ иягини иссиқ шарфи билан ўраганча оғир-оғир нафас олиб, мудраб ўтирарди, унинг озғин гавдаси паррак ҳар айланганда силкиниб-силкиниб қўярди.

ҮТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Мартин эртасига эрталаб Бриссенденнинг маслаҳатига қулоқ солмай, «Шарманда бўлган қўёш»ни «Акрополь» журналига юборди. У журнallардан биронтаси, мақоламни албатта босади деган умидда эди, журналда муваффақият қозонганидан кейин китоб нашриётига йўл очиш осонлашарди. У «Эфемерида»ни ҳам машинкада кўчириб, журнал таҳририятига юборди. Бриссенденнинг муҳаррирлар ва журнallардан ниҳоят даражада қаттиқ нафратланишига қарамай, Мартин достон босилиши керак деган қатъий қарорга келди. У достонни муаллифнинг ижозатисиз бостиришни ўйлагмаган эди, албатта. У достонни биронта йирик журнал қабул қилишини истарди, ана ундан кейин Бриссенденнинг розилигини олса бўлади, деб ўйларди Мартин.

Мартин шу куни эрталабдан бошлаб, бундан уч ҳафтача бурун ўйлаб қўйган ва ўшандан бери қоғозга кўчирилишини кутиб ётган қиссасини ёзишга киришди. Бу денгиз ҳәётини реал характерлар ва реал воқеалар асосида тасвирловчи йигирманчи аср романтикасининг намунаси бўлган қизиқ сюжетли қисса бўлиши керак эди. Лекин асаддаги қизиқарли воқеалар замирида шундай бир нарса яшириниши керак эдики, уни саёз фаҳмли китобхон пайқай олмаса-да, қиссани ўқиганда ҳузур қилиши керак эди. Мартин учун бу қизиқарли воқеалар эмас, айнан ана ўша «бир нарса» қиссанинг энг муҳим жиҳати ҳисобланарди. Уни ҳамиша асарнинг фояси ўзига жалб қиласарди, сюжет эса шу фояга боғлиқ эди. У ўзи учун фояни аниқлаб

олиб, уни ниҳоятда равшан ифодалай оладиган воқеаларни ахтарарди. Қиссанинг номи «Кечиккан» деб аталиши ва ҳажми олтмиш минг сўздан ошмаслиги керак эди. Мартиннинг ишга қобилияти ва ижодий файрати эътиборга олинса, бу албатта арзимас бир иш эди. У қиссани ёзишга киришган биринчи куниёқ ўз санъаткорлик маҳоратидан жудаям лаззатланди. Энди, адабий шакл топишдаги нўноқлигим фикрларимни заифлаштириб қўяди, деб қўрқмасди. Мартин кўп ойлар мобайнида қунт билан, тиришиб, заҳмат чекиб, ниҳоят, ўзи орзу қилган самарарага эриши. Энди у ўз мақсади сари дадил ва оғишмай бориши мумкин, ишга бутун вужуди билан берилиб, ҳаётни ҳозир ҳар қачонгидан ҳам тўғри тушунаётганини ва уни тўғри тасвирлай олишини ҳис қиласди. Мартин «Кечиккан» қиссасида юз берган воқеий ҳодисани тасвирламоқчи ва ҳаққоний фикр юритувчи, ҳаққоний туйгули кишиларни кўрсатмоқчи бўлди. Аммо бундан ташқари, қиссада улкан сирли маъно, барча мамлакатлар, барча замонлар ва барча халқлар учун бир хилда адолатли бўлган гоя бўлиши керак эди. «Шуларнинг ҳаммасига Герберт Спенсер туфайли эришдим, – деб ўйлади Мартин курси суюнчигига ўзини ташлаб. – Ҳа, Герберт Спенсер туфайли, шу билан бирга, у қўлимга тутқазган, коинот сирларини очувчи ва такомил қонуни деб аталувчи калит туфайли эришдим!»

Мартин ҳозир ярататётган асарининг муҳимлигига жуда яхши тушунарди. Иш юришиб кетади! Юришиб кетди. Ниҳоят, у ҳар қандай журнал икки қўли билан ёпишиб оладиган нарса ёзади. Бутун қисса унинг кўзи олдида бутунлигича ўтли ҳарфлар билан ёниб турарди. Мар-

тин ишдан түхтаб, хотира дафтариға қиссанинг хотима қисмини қайд қилиб қўйди. Асарнинг бутун композицияси унга шу қадар равshan эди-ки, ҳатто унинг хотима қисмини ҳам олдиндан бемалол ёза олиши мумкин эди. У ўзининг ҳали тугалланмаган қиссасини бошқа ёзувчиларнинг денгиз ҳақидаги ҳикоялари билан муқояса қи-либ кўрди ва ўз асарининг бекиёс даражада юк-сак эканлигига ишонч ҳосил қилди.

– Фақат бир одам бунга тенг келадиган асар ёза олиши мумкин, – деб гўлдиради Мартин. – У ҳам бўлса Конрад. Лекин Конрад ҳам бу қисса учун Мартиннинг қўлини сиқиши ва: «Яхши ёзи-лиди, дўстим Мартин!» дейиши мумкин эди.

Мартин деярли кун бўйи ишлаб, бирдан Морзларникига овқатга таклиф этилганини эслаб қолди. У гаровга қўйилган қора костюмини Бриссенден туфайли қайтиб сотиб олган, энди унинг одамларга эл бўлиши учун яна имкон туғилган эди. Йўл-йўлакай кутубхонага кириб, Салибининг «Ҳаёт турқуми» деган китобини олди. У трамвайдага кетди. Юзлари ловлов ёнар, кўзларидан ўт чақнар, гўё бировга таҳдид қилаётгандай муштларини қисарди. У трамвайдан тушиб, қаҳру ғазаби тошган одамдай кўчадан шиддат билан юриб кетди ва Морзларнинг эшигидаги қўнфироқ тугма-сини шундай жаҳл билан босдики, шу заҳоти ҳушини йиғиб олди-да, кўнгли очилиб, хохолаб юборди. Лекин уйга кирди-ю, яна бир зумда юраги сиқилиб кетди. Бамисоли унинг қанотлари бирдан қайрилиб, илҳом чўққисидан ерга қулааб тушгандай бўлди.

Бриссенденнинг «Буржуа! Чайқовчилар!» деган севимли ибораларини эслади. «Хўш, нима бўпти? – жаҳл билан ўзига ўзи эътиroz билдириди у. – Ахир мен Руфнинг оиласига эмас, унинг ўзига уйланаман-ку!»

Мартиннинг назарида Руфъ бу қадар гўзал, бу қадар жўшқин ва айни вақтда бунчалик соғлом ва тароватли бўлиб кўринмаган эди. Қизнинг ёноқларига хиёлгина қизил югурди, Мартин унинг кўзларидан – у илк бор мангуллик учқуналарини кўрган мовий кўзларидан – ҳеч нигоҳини уза олмади. Рост, у кейинги пайтда илмий асарларни ўқишига берилиб кетиб, мангулликни унутиб қўйган эди, лекин энди у Руфнинг кўзларида тил билан айтилмаган бир далил борлигини кўрдики, у ҳар қандай далиллардан ҳам ишончлироқ, эди. Мартин бу кўзларда муҳаббат туйфусини ўқиди. Шу муҳаббат ўзининг ҳам кўзларида чақнаб турарди, бу муҳаббатнинг эса шубҳага эҳтиёжи йўқ, эди. Мартин бунга жон-жаҳди билан ишонарди.

Овқат олдидан Руфъ билан ўтказган яrim соат ичида у ўзини яна баҳтиёр ва мамнун ҳис қилди. Лекин овқат вақтида Мартин ниҳоятда чарчаганини сезди, бу кун бўйи ўтириб қаттиқ ишлашнинг натижаси эди. Кўзлари чарчаган, оғрирди, арзимаган нарса унинг асабига тегарди. Мартин шу стол ёнида зерикиб, ўйнаб-кулиб ўтирган пайтлар кўп бўлган эди, ваҳоланки, бу ерга биринчи марта келганида ўзини маданий кишилар орасига, юксак ва нафис маданий муҳитга тушиб қолгандек ҳис қилган эди; ҳозир у шуларни эслади. Чамаси, ўшанда эрмак бўлган ва кишиларда меҳрибонлик уйғотган эди. Қўрқув ва хижолатдан қора терга

ботган, овқатланиш қоидаларининг муракка-
блигидан довдираб қолган, тепасида қаққайиб
турган новча малайдан сиқилган одамови Мар-
тин, энди билимимни ҳам, ўзимда йўқ назокат
қоидаларини ҳам пеш қилишга уринмайман,
қандай бўлсам, ўзимни шундай тутаман, деган
қатъий қарорга келгунча, тасодифан кириб
қолган бу муҳитда не-не азоблар чеккан эди.

Мартин Руфга ялт этиб қараб қўйди: кема
йўловчиси хавф юз бериши ҳақида ўйлаганда,
нажот чамбараги жойидамикин деб худди шу
тарзда, қараб қўяди. Ҳа! Фақат шу нарсалар:
муҳаббат ва Руфъ замон синовларига бардош
бердилар. Қолган ҳамма нарса, Мартин китоб
мутолаасига берилиши билан саробдек ғойиб
бўлди. Лекин Руфъ ҳам, муҳаббат ҳам сароб
эмас эди. Мартин уларни биологик далиллар
билан оқлар эди. Муҳаббат ҳаётнинг энг юксак
зуҳури эди. Табиат уни севишга даъват этар
ва ҳар бир соғлом одам каби уни ҳам шунга
ҳозирларди. Табиат инсон жинсини такомил-
лаштириш учун ўн минг, юз минг – йўқ, мил-
лион асрлар мобайнида шу мақсадда уриниб
келди ва ниҳоят Мартин, шубҳасиз, шу ижо-
дининг тожи бўлди. Табиат Мартиннинг қал-
бига муҳаббат туйғусини солди, унинг қучини
сон-саноқсиз марта кучайтириб, Мартинга
хаёл суриш қобилиятини бахш этди ва ҳаяжон,
ижод, риёзат ва қувонч нималигини билсин
учун уни дунёга юборди, Мартин стол остида
Руфнинг қўлинини қаттиқ сиқди. Қиз ҳам унга
жавобан худди шундай унинг қўлинини қаттиқ
сиқиб қўйди. Шу заҳоти улар бир-бирларига
қараб қўйишиди, қизнинг қўзлари муҳаббат ва
мехр билан чақнаб кетди. Мартиннинг қўзлари

ҳам чақнаб турарди, аммо Руфнинг кўзидаги учқунларнинг аслида ўз нигоҳида ёниб турган ўтнинг акси эканлигини Мартин хаёлига ҳам келтирмас эди.

Мистер Морзнинг ўнг томонида, Мартин билан қарама-қарши штат олий судининг аъзоси судья Блоунт ўтиради. Мартин у билан илгарилари ҳам бир неча марта учрашган эди, лекин очиғини айтганда, уни унча хуш кўрмасди. Судья Руфнинг отаси билан касаба уюшмалари, сиёсий аҳвол ва социализм ҳақида сұхбатлашиб ўтиради. Мистер Морз Мартинни сұхбатта жалб қилишга уриниб, уни социалистик таълимот тарафдори деб атади. Судья Блоунт унга оталарча ачиниб қаради. Мартин эса мийигида кулиб қўйди.

– Ўтиб кетади, яхши йигит, – деди судья меҳрибонлик билан, – болалик касалининг энг яхши табиби – вақт! (Судья шундай деб, мистер Морзга ўгирилди.) Бундай пайтларда мен ҳеч баҳслашмайман: баҳслашиш касални қайсар қилиб қўяди, холос.

– Жуда тўғри фикр, – фуурур билан жавоб қилди мистер Морз, – лекин баъзи-баъзида дарднинг оқибатидан касални огоҳлантириб қўйиласа ёмон бўлмайди.

Мартин бир оз ўзини зўрлаб кулиб юборди. Кун шу қадар узун, иш шу қадар оғир бўлган эдики, у ўзининг чарчаганлигини сеза бошлади.

– Шак-шубҳа йўқки, ажойиб шифокорларсиз, – деди у, – лекин агар сизни касалнинг фикри озгина бўлса ҳам қизиқтирса, bemornинг, касалимни аниқдашда янглишдингиз, дейишига ижозат беринг. Аслида эса, менга юклайтганингиз касал билан ўзларингиз оғри-

гансиз. Ахир менга у касал асло юқмайди-ку. Сизни бу қадар ҳаяжонга солган социалистик фалсафанинг ёнидан ҳам ўтган эмасман.

– Дуруст, дуруст, – деб ғўлдиради судья, – айбни айловчига афдариш – мунозарада жуда ажойиб усул.

– Мен сизнинг сўзингизга асосланиб гапир-япман! – деди Мартин. Унинг кўзлари чақнаб кетса ҳам, лекин ўзини босиб турарди. – Гап шундаки, жаноб судья, мен сизнинг сайлов олди нутқларингизни эшитганман. Сиз фикрлашда оғир карвонлик қилиб, гарчи бу гап сизга унчалик тушунарли бўлмаса ҳам, барибир, бу менинг севимли иборам, мен ҳам рақобат, ҳам кучли рақибни сиқиб чиқариш тамойиллари тарафдориман деб ўзингизни ишонтирдингиз, лекин айни вақтда, кучли рақибнинг кучини қирқиши учун барча чораларни кўряпсиз.

– Яхши йигит!..

– Нутқларингизни эшитганимни унумтсанг! – деб унинг сўзини бўлди Мартин. – Сизнинг штатлар орасидаги савдонинг тартибини белгилаш, «Стандарт Ойл» компанияси билан темир йўл трести фаолиятини тартибга солиш, ўрмонларни, ҳоказо ва ҳоказоларни режали равища экспортуатация қилиш бобида тутган мавқеингиз уларни чеклаб қўйиш тадбирларни талаб қилишга, яъни, асл моҳиятини олганда, социалистлар мавқеига жуда мос тушади.

– Хўш, айтинг-чи, жон-жаҳди билан ҳокимият тепасига чиқишига интилувчиларнинг йўлини тўсиш керак эмасми, сизнингча?

– Гап унда эмас. Сизнинг фақат ташхис қўйишида янгишганингизни, мен социализм бактериясини ўзимга сира юқтиргмаганли-

гимни исботламоқчиман. Аксинча, мазкур зараркунанда бактерияни айнан сиз ўзингизга юқтиргансиз, – мен ана шу нарсани исботламоқчиман. Энди мен социализмнинг ашаддий душманиман, очиини айтганда, мен пуч гап, сафсаталар панасига яширинувчи сохта социализмнинг, яъни, сизнинг нокас демократиянгизнинг ҳам душманиман. Мен реакционерман, шу қадар эътиқодли реакционерманки, сохта ижтимоий муносабатлар қалпоғи остида яшаётган – сизлар, менинг дунёқарашибаримни ҳеч қачон англай олмайсизлар, негаки шу қалпоқча орқали биронта нарсани кўришга кўзингиз ниҳоятда ожизлик қиласди. Сиз ўзингизни кучлиларнинг ғалаба қозонишига ишонаётгандек қилиб кўрсатасиз, мен эса бунга чиндан ҳам ишонаман. Фарқ мана шунда. Ёшроқ вақтимда – атиги бундан бир неча ой муқаддам, мен ҳам сиз сингари ўйлардим. Биласизми, сизнинг фояларингиз, кези келганда маълум даражада менга таъсирини кўрсатган эди. Лекин чайқовчилар ва баққоллар – қўрқоқ маъмурлардир; уларнинг мақсадлари бойлик орттиришдан нарига ўтмайди, шунинг учун ҳам, гапнинг очиини айтадиган бўлсам, оқсуяклар менга кўпроқ маъқул тушиб қолди. Бу хонада ягона шахсиятпаст менман. Мен давлатдан ҳеч нима даъво қилмайман. Фақат кучли шахс, от устида жавлон урган отлиқ давлатни муқаррар инқизориздан сақлаб қолиши мумкин. Ницше ҳақ эди. Мен вақтни ўтказиб, Ницшенинг кимлигини сизларга тушунтириб ўтирумайман, лекин у ҳақ эди! Дунё кучлиларникидир, негаки улар қанчалик қудратли бўлсалар, шунчалик олийжаноб ҳамдирлар, улар

чайқовчилик ботқоғида типирчилаб ётмайдилар. Дунё асилзода киборларники, сариқ соч шайтон одамларники, муросасозлик қилмай, ҳамма вақт ҳаётга «лаббай» деб жавоб қилувчиларницидир. Ана шулар сизларни, яъни социализмдан кўркувчи ва ўзини шахсиятпаст деб кўрсатувчи социалистларни ямламай ютиб юборадилар. Қулларга хос ўртамиёналик сиёсатингиз сизни қутқара олмайди! Ҳа, албатта, буларнинг ҳаммаси сизга чигал жумбоқдай нарса, шунинг учун ортиқ жигингизга тегмоқчи эмасман. Лекин бир нарсани унутманг! Бутун Оклендни қидириб, чинакам шахсиятпастлардан беш-олтитасини ҳам топа олмайсиз, лекин ўшалардан бири камина қулингиз Мартин Идендир.

Мартин, мунозара тамом бўлди, дегандек Руфга ўгирилиб олди.

– Бугун жуда чарчадим, – деди у, – мен суҳбатга эмас, муҳаббатга муштоқман.

– Мени ишонтира олмадингиз. Ҳамма социалистлар иккюзламачи бўлади. Уларнинг бошқалардан ажратиб турувчи белгиси ҳам ана шу, – деди мистер Морз.

Лекин Мартин бу гапни жавобсиз қолдирди.

– Ҳечқиси йўқ! Ҳали сизни туппа-тузук республикачи қилиб қўямиз, – деди судья Блоунт.

– Бу ҳол юз беришдан аввал отлиқ етиб келади, – эҳтиром билан эътиroz билдириди Мартин ва яна Руфга ўгирилди.

Лекин мистер Морз Мартиндан норози эди. Бўлажак куёвнинг ишёқмаслиги ва иш фаолиятининг нормал, бамаъни турларидан нафратланиши унга ёқмасди; куёвининг мулоҳазалари унга ёт, феъл-авторини эса тушунмасди.

Шу пайт мистер Морз сұхбат мавзуини Герберт Спенсер таълимотига буриб юбормоқчи бўлди. Мистер Блоунт унинг гапини қувватлади. Файласуфнинг исмини эшитиши билан қулоги динг бўлган Мартин такаббурлик билан Спенсернинг ғояларини танқид қилаётган судьянинг овозини эшитиб қолди. Мистер Морз гўё: «Эшиятпизми, бўтам?» демоқчидай ўқтин-ўқтин Мартинга қараб қўярди.

– Маҳмадона ҳакка, – деб тўнфиллаб қўйди Мартин, сўнг яна Руфъ ва Артур билан гаплашиб ўтираверди.

Лекин кун бўйи ишлаб чарчаганлиги ва кечаги «асл одамлар» билан бўлган мубоҳасалар ўз таъсирини кўрсатди; боя трамвайдага ўқиган мақола унинг фазабини қўзитган, у ҳали ҳам жаҳддан тушмаган эди.

– Нима бўлди? – Мартиннинг зўр-базўр ўзини босиб ўтирганини пайқаган Руфъ ҳаяжон билан сўради.

– Таниб бўлмайдиган худодан бошқа худо йўқ, Герберт Спенсер эса унинг ердаги вакили, – деб юборди судья.

Мартин ялат этиб унга ўгирилди.

– Бозори ўтмай қолган сафсата, – деди у хотиржамлик билан. – Буни мен биринчи марта Сити-Холлпаркда бир ишчининг оғзидан эшитган эдим, у ишчи салгина ақллироқ бўлса чакки бўлмасди. Ўшандан бери бу жумлани тез-тез эшитиб тураман-у, ҳар сафар унинг қабиҳлигидан нафратланаман. Уялмадингизми? Сизнинг оғзингиздан чиқаётган сўзлар орасида у буюк ва олийжаноб кишининг исми мисоли кўлмак сувга томган бир томчи шабнамга ўхшайди. Мен сиздан нафратланаман!

Мартиннинг сўзлари хонада ўтирганларни худди момақалдироқ гулдуросидек ҳанг-манг қилиб қўйди. Судья Блоунт чўғдек қизариб кетди, орага машъум бир сукунат чўкди. Мистер Морз ичидан севинар, қизининг қаттиқ хижолат чекканини кўриб турарди. У ўз ниятига етди: у жини севмайдиган одамнинг табиий қўполлигини юзага чиқаришга сабабчи бўлди.

Руфъ ёлворувчи бир тарзда стол остида Мартиннинг қўлинини қисди, лекин энди Мартиннинг қони қайнаб кетган эди. Юксак лавозимдаги кишиларнинг димоғдорлиги ва калта-фаҳмлиги унинг жиғибийронини чиқарганди. Олий суд аъзоси! Тавба, бор-йўғи бундан икки-уч йил муқаддам Мартин бундай одамларни худо ярлақаган одамлар деб, уларга сажда қилишга ҳам тайёр эди.

Судья Блоунт ўзига келиб, Мартинга ҳатто зўрма-зўраки назокат билан қараб қўйди ва сұхбатни давом эттиришга уриниб кўрди, лекин фақат бу ердаги хонимлар туфайли шундай қилаётганини Мартин тушунди. Бу уни яна бешбаттар разаблантирди. Наҳотки ер юзида номус деган нарса қолмаган бўлса?

– Сиз баҳслашадиган одам мен эмасман! – деб қичқирди у. – Спенсернинг ватандошлири унинг тўғрисида қанчалик оз билишса, сиз ҳам шунча оз биласиз. Биламан, бунга сиз айбдор эмассиз! Бунга замонамиздаги умумий жаҳолат айбдор. Мен ҳали трамвайдага келаётганимда шундай жаҳолат намунаси билан танишишга мұяссар бўлдим! Кела туриб Салибининг Герберт Спенсер ҳақидаги мақоласини ўқидим. Сиз ҳам уни ўқиб чиқсангиз бўларди. Уни ҳамма ҳам ўқиса бўлади. Сиз уни хоҳла-

ган дўқонингиздан ва хоҳлаган кутубхонангиздан топишингиз мумкин. Салибининг бу буюк инсон ҳақида ёзганини ўқиб чиқсангиз, аминманки, ҳатто сиз ҳам ўзингизни ўнгайсиз ҳис қиласан бўлардингиз. Ўтакетган бу нодонлик олдида сизнинг нодонлигингиз ип эша олмай қолади. Спенсер билан ҳамнафас бўлишга ҳам лойиқ бўлмаган академия файласуфи уни «авом ҳалқ файласуфи» деб атабди. Имоним комилки, сиз Спенсернинг асарларидан ўн беттина ҳам ўқимагансиз, лекин сиздан кўра донороқ танқидчилар ҳам бўлган; улар сиздан кўп ўқимаган бўлсалар ҳам, Спенсернинг издошларига унинг ғояларини сохта деб айтиб, ҳаёсизлик билан шов-шув кўтаргандар. Тушуняпсизми? Буюк даҳоси илм-фаннынг турли соҳаларини қамраб олган инсоннинг ғояларини сохта деб жар согланлар; у психологиянинг отаси эди; у педагогика соҳасида йирик бурилиш ясади, Франциянинг аллақайси бир гўшасидаги қишлоқ болалари ҳам энди Спенсер тавсия қиласан усул ёрдами билан ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўрганмоқдалар. Спенсернинг хотирасини таҳқирловчи аянчли одамлар, айни вақтда, унинг ғояларини амалда татбиқ этиб, нон еб юрибдилар. Агар уларнинг бошлирида озми-кўпми ақд бўлса, шунга улар ёлғиз Спенсер туфайли эришганлар-ку! Агар Спенсер бўлмаганда, уларнинг мияларида тўтиқуш сингари ёдлаб олган зигирдаккина билимлари ҳам бўлмасди-ку. Судъя Блоунт, сизга нисбатан юқорироқ лавозимда бўлган Оксфорд ректори Фэрбэнксга ўхшаган биронта жаноб, келгуси авлод Спенсерни мутафаккир дейишидан кўра шоир ва хаёлпараст деб айтади, дейишига

журъят этяпти. Ким ўзи улар? – Акиллаган лайчалар! Биттаси «Асосий маншалар» адабий нафосатдан маҳрум эмас, деб айтибди. Бошқалар эса у ақд заҳматкаши, аммо оригинал мутафаккир эмас, деб қичқиришади. Акилловчи лайчалар! Акилловчи лайчалар галаси!

Мартин чуқур сукунатта чўкканча жим бўлиб қолди. Руфнинг оиласидагилар судья Блоунтни ҳурматли, хизмати улуғ одам деб иззат қилишарди, шунинг учун ҳам Мартиннинг қилиғи ҳаммани даҳшатта солиб қўйди. Зиёфат охири худди мотам маросимидағидек шумшук ўтди. Судья билан мистер Морз ўзаро шивирлаб гаплашиб ўтиришди; бошқаларнинг суҳбати эса ҳеч қовушмасди.

Овқатдан кейин, Мартин билан Руфъ ёлғиз қолишганда қаттиқ можаро бўлди.

– Сиз жуда ёмон одамсиз, – деди Руфъ дувдув кўз ёш тўкиб.

Лекин Мартин ҳали фазабдан тушмаган эди, шунга кўра, даҳшат солиб тўнғиллади:

– Ҳайвонлар! Вой, ҳайвонлар-е!

Руфъ Мартинга, судьяни ҳақорат қилдингиз, деган эди, у эътироуз билдириди:

– Уни нима деб ҳақорат қилибман? Рост гапни айтибми?

– Рост гапми, йўқми, менга барибир, – деб гапида давом этди Руфъ, – одобнинг ҳам маълум чегараси бор, одамларни ҳақорат қилишга сизга ҳеч ким ҳуқуқ берган эмас!

– Ҳақиқатни таҳқирлашга ким ҳуқуқ берган судья Блоунтга? – деди Мартин. – Аллақандай бир одамсифат маҳлуқни таҳқирлашдан ҳақиқатни таҳқирлаш минг карра ёмон. Лекин у бундан ҳам бешбаттар иш қилди! У аллақа-

чон ўлиб кетган энг буюк ва энг олийжаноб мутафаккирнинг номини қоралади. Вой, ҳайвонлар-е! Вой, ҳайвондан тарқаганлар-е!

Руфъ Мартиннинг қаҳридан қўрқиб кетди. Қиз уни бундай ғазабга минганини биринчи марта кўриб туриши эди, Руфъ ўз нуқтаи назаридан бемулоҳаза бўлиб кўринган бундай ғазабнинг боисини тушуна олмас эди. Айни шу дамда, Мартин Руфни бир вақтлардаги-дек шундай куч билан ўзига жазб қилдики, қиз ўзини тутиб туролмай, ҳеч кутилмаган бир пайтда унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди. Қиз содир бўлган воқеалардан таҳқирланган ва аччиқланган эди, аммо шунга қарамай боши Мартиннинг кўкрагида ётар, унга суқиларкан, йигитнинг гўлдирашини эшитарди:

– Ҳайвонлар,вой, ҳайвонлар-е!

Мартин ҳатто қуидаги гапларни айтганида ҳам, Руфъ бошини кўтармади:

– Мен энди ҳеч қачон зиёфатларингизни бузмайман, азизам. Дўстларингиз мени севмайди, мен ҳам уларга суйкалмайман. Мени улар қанчалик ёмон кўришса, мен ҳам уларни шундай ёмон кўраман. Туф! Улардан жирканаман! Буни қарангки, бир вақтлар мен катта лавозимдаги одамларга, данғиллама уйларда яшовчи дорилфунун дипломини олган, банкка пул қўйган одамларга ўзимни паст олиб, ҳавас билан қаарардим! Шу қадар гўл эканманки, уларни чинакам ҳурматга сазовор одамлар деб тасаввур қиласдим.

ҮТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

Юринг, социалистлар клубига борамиз, – деди Бриссенден. У бундан ярим соат олдин, кейинги уч кун ичида иккинчи марта қон құстганидан кейин әнді үзиге келган әди. Унинг титроқ құлларида ҳар вақтдагидек бир стакан виски бор әди.

– Нима қиласман у ерда? – деб сүради Мартин.

– Бегоналар учун беш дақықа сүзлашға рухсат берилади, – деди бемор, – сиз ҳам гапиришиңгиз мүмкин. Нима учун социализмга қаршилигингизни уларга айтаб берасиз. Улар ҳақида, уларнинг харобазорларда яшовчиларға хос ахлоқи ҳақида қандай фикрда эканлигингизни айтинг. Ницше фалсафасини юзларига солинг, ташвишга түшсиналар. Бундай мунозаралар уларга фойда, сизге ҳам зиён құлмайди! Үлмасымдан олдин социалист бўлиб олишиңгизни жуда ҳам истардим. Бу ҳаётингизга маъно бағишлайди, умидсизликка тушганиңгизда сизга мадад беради; умидсизликка тушишингиз эса муқаррар.

– Сизнинг, келиб-келиб, сиздек одамнинг социалист бўлганиңгизга ҳайронман, – деди Мартин, – ахир оломонни кўришга кўзингиз йўқ-ку. Чиндан ҳам, сиздек нафосат шайдоси бўлган одамнинг оломон манфаати ва орзулари билан нима иши бор? – Мартин таъна қилиб вискига ишора қилди, – сизни, афтидан, социализм қутқара олмаса керак.

– Мен оғир касалман, – деб жавоб берди Бриссенден. – Сизнинг йўлингиз бошқа. Сиз соппа-соғсиз, сиз ҳаётда ҳали қўп нарсаларни кўрасиз, шунга кўра ҳаётда ўзингизнинг бирон

мақсадингиз бўлиши керак. Менинг нима учун социалист бўлганимдан ажабланяпсизми? Ҳа, майли, айтиб бера қолай. Нега десангиз, социализм муқаррар; нега десангиз, ҳозирги тузум чириб қолган, энди кўпга бормайди; нега десангиз, сиз кутган отлиқлар замони ўтиб кетган. Қуллар отлиқча эргашмайди. Қуллар шу қадар кўпки, отлиқ узангига оёқ қўйиши билан, уни ерга тортиб туширадилар. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди, сиз уларнинг фалсафасини ҳазм қилишга мажбурсиз. Тўғри, унчалик ширали эмас у. Лекин бошқа илож йўқ. Сиз ўша Ницшеингиз foялари билан одамови бўлиб қолгансиз, Мартин. Ўтган нарса ўтиб кетди, тарих такрорланади деган одам ёлғон гапиради. Тўғри айтдингиз, мен оломонни ёқтирмайман, лекин иложим қанча? Отлиқни кутгандан фойда йўқ, мен ҳамма нарсани афзал кўришга ҳам тайёрман, фақат қўрқоқ буржуа тўнғизлари ҳукмронлик қилмаса бўлгани. Юринг. Бу ерда яна бирпас ўтирсам, фирт маст бўлиб қоламан! Докторнинг нима деганини биласизми? Э, қўйинг докторни! Мен уни шунақаям лақиллатиб алдагим келадики...

Якшанба оқшоми, Окленддаги социалистлар клубининг чоғроққина зали асосан ишчилар билан лиқ тўлган эди. Нотик, бамаъни яхудий, гарчи ўз нутқи билан Мартинда эътироз ҳисси уйғотган бўлса ҳам, Мартинга ёқиб қолди. Нотикнинг торгина елкалари ва ботиб кетган кўкраги, унинг ҳақиқий яхудий маҳалласи фарзанди эканлигидан далолат бериб турарди. Мартин унга тикиларкан, мискин ва ожиз қулларнинг бу дунёдаги бир ҳовуч зўравонлар билан, яъни, ўша қуллар устидан ҳукмронлик

қилиб келган ва ҳамиша ҳукмронлик қиладиган зўравонлар билан доимий жанг қилишини яққол тасаввур этди. Бу нимжон одам, Мартиннинг назарида, машаққатли ҳаёт йўлида зарурий биологик қонунга биноан қирилиб кетаётган заиф ва яшашга мувофиқлашмаган омманинг тимсоли эди. Улар ўлимга маҳкум эдилар. Уларнинг мураккаб фалсафаси ва чумолидек жамоамизга бўлган майлига қарамай, қудратли ва кучли одамларни деб табиат улардан воз кечган эди. Табиат ўзи яратганлардан энг нодирларини саралаб оларди, одамлар ҳам унга тақлид қилиб, олий нав сабзавотлар ва наслдор отларни кўпайтира бошладилар. Албатта, оламни яратган эгам бундан тузукроқ усул ҳам ўйлаб чиқиши мумкин эди, лекин одамлар жорий қилинган қонун-қоидаларни тан олишдан бошқа чоралари йўқ эди. Ўз-ўзидан маълум, ҳалок бўлиш олдидан улар социалистларга ўхшаб, ўзларини ҳар ёққа уриши, тиришиб-тирмашишлари мумкин, тўпланиб олишиб, бу дунё азобларини қандай қилиб енгиллаштириш ва бутун оламни қандай қилиб лақиллатиш ҳақида мулоҳаза юритишлари мумкин.

Мартин шундай ўйларди, Бриссенден уни сўзга чиқишига кўндирганидан кейин, Мартин шу мулоҳазаларини айтди. У минбарга чиқиб, одат бўйича раисга мурожаат қилди. У бояги яхудий гапираётганда миясига қуйилиб келган фикрларини тартибга солишга уриниб, бир оз тутилиб-тутилиб паст овоз билан гап бошлади. Бундай намойишларда ҳар қайси нотиқقا беш дақиқа вақт бериларди, Лекин бу берилган беш дақиқа тамом бўлганида, Мартин энди ўз

нүтқидан завқдана бошлаган, социалистлар-нинг назарияларини энди танқид қилишга киришган эди, лекин у тингловчиларни ўз нутқига қизиқтириб қўйғанлиги учун ҳамма раисдан вақтни чўзиб беришни талаб қилди. Одамлар бу бегона йигит сиймосида ўзларига муносиб рақибни кўриб, унинг ҳар бир сўзини диққат билан тингладилар. Мартин завқ-шавқ билан дангал гапира бошлади, у қуллар ахлоқига ҳужум қиласкан, қуллар деганимда мана шу тингловчиларимни назарда тутаман деб дангал айтди. У Спенсер ва Мальтусдан нақл келтирди ва дунёning тадрижий такомилининг биологик қонунига ҳамду сано ўқиди.

– Демак, – деб якунлади у ўз нутқини, – ёлғиз қуллардангина ташкил топган давлат яшай олмайди! Асосий такомил қонуни бу ўринда ҳам ўз таъсирини кўрсатади! Мен юқорида исботлаганимдек, яшаш учун курашда кучлилар ва кучлиларнинг авлоди тирик қолади, ожизлар ва уларнинг авлоди эса ўлимга маҳкумдир. Бу жараён натижасида авлоддан авлодга ўтган сари кучлининг кучи орта боради. Мана буни такомил дейдилар! Сиз қуллар эса – тўғри, киши ўзининг қуллигини тан олиши кўнгилсиз ҳол, албатта – сиз қуллар эса такомилнинг буюк қонунига тобе бўлмаган жамият ҳақида орзу қиласиз. Сиз заиф ва лаёқатсиз кишиларнинг нобуд бўлмаслигини истайсиз. Сиз ожиз одамларнинг кучлилар билан баробар, кўнгиллари истаганча овқат ейишини истайсиз. Сиз ожизларнинг кучлилар билан бир қаторда турмуш қуришларини ва насл қолдиришларини истайсиз. Лекин булар қандай натижа беради? Одамзоднинг кучи ва яшаш қобилияти авлод-

дан авлодга ўтган сари ривожланмайди. Аксинча, орқага кета беради. Мана, сизнинг «Куллик фалсафангиз»нинг Немезидаси²⁷. Сизнинг жамиятингиз – қуллар томонидан, қуллар номи билан қуллар учун яратилган жамият – мунтазам равишда заифлашиб, чирий бошлайди ва ниҳоят, тамомила нобуд бўлади. Эсингизда бўлсин, мен сентиментал ахлоқ эмас, биология қонунларига асосланиб хуроса чиқаряпман. Қуллар давлати яшай олмайди.

– Хўш, Қўшма Штатлар-чи? – деб қичқирди кимдир.

– Қўшма Штатлар? – деб эътиroz билдириди Мартин. – Ўн учта мустамлака ўз ҳукмдорларини қувиб юбориб, республика деган нарсани ташкил қилди. Қуллар ўзларига ўзлари хўжайин бўлишиди. Қилич билан давлатни бошқариб турган ҳукмдорлар қолмади. Бироқ қуллар ҳукмдорларсиз яшай олмас эдилар, оқибат, янги тоифа ҳукмдорлар пайдо бўлишиди. Булар довюрак, олийжаноб ва кучли одамлар эмас, балки аянчли ўргимчаклар, чайқовчилар ва судхўрлар эди! Ана ўшалар сизни қайтадан асорат домига солди, лекин бу ишни кучлилар сингари ошкора қилмадилар, балки ҳар турли найранглар, айёриклар, ёлғон ва бўхтонлар билан сездирмасдан қилдилар. Улар сизнинг судьяларингизни пора билан ўзларига оғдириб олди, қонунларингизни бузиб, ўғил-қизларингизни шундай асоратда сақламоқдаларки, қонуний тус олган қулликнинг жамики даҳшатлари унинг олдида ҳеч гап бўлмай қолди. Ҳозир

²⁷ Немизидаси – жазоси; немизида – қадимги юонон афсонасида жазо, ўч маъбудаси.

сизнинг икки миллион нафар фарзандларингиз Қўшма Штатларининг саноат хўжайинлари зулми остида заҳмат чекмоқда. Ўн миллион нафар қул бошпанасиз, оч-ялангоч кун кечирмоқда. Йўқ, қуллар давлати мустақил яшай олмайди, негаки бу тадрижий такомилнинг биология қонунига зиддир. Қуллар жамияти ташкил топиши билан дарҳол тушқунлик, насл айниши бошланади. Сиз тадрижий такомил қонунини инкор қиласизми? Яхши! Бўлмаса, сиз қайси қонунга суюнмоқчисиз? Уни бизга таърифлаб беринг. Балки аллақачон таърифлагандирсиз? Ундей бўлса, менга тушунтириб беринг уни.

Мартин залдагиларнинг бақириқ-чақириқлари остида ўз ўрнига бориб ўтирди. Йигирматача одам, менга сўз беринг, деб бирдан ўринларидан туришди. Улар жўшқин эҳтирос билан қўлларини пахса қилиб, залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида бирин-кетин Мартиннинг ҳужумини даф қиласар эдилар. Бу чинакам жанг эди, гояларнинг шиддатли тўқишиши эди. Кейинроқ нотиқларнинг нутқи умумий мавзуларга ўтиб кетган бўлса ҳам, аксарият бевосита Мартинга эътиroz билдирарди. Улар Мартин учун янги бўлган фикрларни баён қиласардилар; эски биологик қонунларни татбиқ қилиш учун янги имкониятлар борлигини кўрсатар эдилар. Улар мунозарарага муккасидан шўнғиб кетганлигидан одобни ҳам унутиб қўйган эдилар, шунинг учун раис уларни бир неча бор тартибга чақиришга мажбур бўлди.

Сенсация кетидан қувавериб ҳоддан тойган ёш бир мухбир тасодифан шу мажлисга келиб қолган эди. Унда на ақл-идрок ва на тажри-

ба бор эди. Унда фақат газета мухбирига хос сурбетлик бор эди. У мубоҳасанинг маъносига тушунмас, ҳаддан ташқари нодон эди. Бироқ у ўзига шундай бино қўйган эдики, мана бу ишчилар синфининг маҳмадона восvosларидан ўзини баланд тутарди. Шу билан бирга у юксак мавқедаги кишиларни, миллат ва газеталар сиёсатини белгилайдиган кучли одамларни жуда ҳурмат қиласарди. Унинг энг олий орзузи йўқни йўндиришга қурби етадиган биринчи даражали мухбир бўлишдан иборат эди.

У барибир суҳбатнинг нима тўғрисида бораётганини тушунмади. Тушунишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. У «инқилоб» сингари айрим сўзларга маҳкам ёпишиб олди. Палеонтолог бир дона топилган суюк орқали бутун бошли скелетни тиклагани сингари, бу мухбир ҳам эсида қолган ягона «инқилоб» сўзи билан бутун бошли нутқни тикламоқчи бўлди. Шу куни кечқурун нуқул шу иш билан шуғулланди, иши муваффақиятли чиқди. Мартиннинг нутқи ҳаммадан кўпроқ шов-шувга сабабчи бўлгани учун, мухбир Мартинни анархист деб тасвирлаб, ревакцион индивидуализмни энг ашаддий социализмга йўйди-да, ўзи ёзган нутқни Мартиннинг тили билан баён қилмоқчи бўлди. Мухбир йигитнинг адабий истеъдоди йўқ эмас эди, шунинг учун дарғазаб оломоннинг шов-шувни остида мушт дўлайтирган, бақириб-чақирган сочи узун баджаҳл одамларни, асаб касалига йўлиққан кишиларни жуда моҳирлик билан тасвирлади.

ҮТТИЗ ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ

Эртаси куни эрталаб Мартин қаҳва ичиб үти-
паркан, одати бўйича газеталарни кўздан ке-
чирди. У умрида биринчи марта ўз номини йи-
рик ҳарфлар билан газетанинг биринчи саҳи-
фасида босилганини кўрди. Ўзининг Окленд
социалистларининг энг йирик раҳбарларидан
бири эканини билиб, ҳанг-манг бўлиб қолди.
У мухбир йигит томонидан ёзилган ўзининг
оташин нутқига кўз югуртириб чиқди-ю, авва-
лига бу ҳаёсиз уйдирмадан жуда аччиқланди,
кейин кулиб юбориб, газетани улоқтириди.

– Буни ё биронта маст одам ёзган, ёки бу-
нинг замирида қандайдир бир жиноят ётибди,
– деди у Бриссенденга. У Мартиннига тушки
овқатдан кейин чарчаб келиб, хонадаги ягона
курсига чўккан эди. Мартиннинг ўзи эса одати
бўйича каравотда ўтиради.

– Сизга барибир эмасми? – деди Бриссенден.
– Наҳотки бу газетани ўқийдиган буржуазия
тўнғизларининг мулоҳазаларидан қўрқсангиз?

Мартин бир дақиқа ўйланиб қолди.

– Албатта, улар билан ҳеч қандай ишим йўқ.
Фақат бу нарса Руфнинг оиласи билан менинг
муносабатимни мушкуллаштириб қўймасми-
кин деб қўрқаман. Унинг отаси мени соци-
алист деб билади, мана бу бемаъни ахборот
унинг фикрини тасдиқлаши мумкин. Менинг
тўғримда нима ўйласа ҳам парво қилмайман,
лекин ҳар ҳолда... ҳе, нима фарқи бор? Сизга
буғун ёзганларимни ўқиб бермоқчиман. Ҳали
ҳам ўша «Кечиккан»ни ўқийман, албатта. Сал-
кам ярми тайёр бўлди.

Мартин энди ўқий бошлаган эди, бирдан Мария эшикни очди, хонага башанг кийинган бир йигитни киритди, йигит олазарак бўлиб, атрофга кўз югуртирди, бир зумгина керосин-кага ва ошхона вазифасини ўтовчи қутига тикилиб қолди, шундан сўнг Мартинга қаради.

– Ўтиринг! – деди Бриссенден.

Мартин меҳмонга жой бериш учун нарироқ сурилди-да, унга савол назари билан қаради.

– Мен сизнинг кечаги нутқингизни эшитдим, мистер Иден, – деб гап бошлади йигитча, бир оз сукутдан кейин, – газетада босиб чиқариш учун сиз билан суҳбатлашмоқчи эдим.

Бриссенден хохолаб кулиб юборди.

– Бу киши ҳам сизга ҳамкасб – социалистми? – деб сўради муҳбир Бриссенденга ялт этиб қараб ва бу тирик мурданинг тасвири газетхонда қанчалик кучли таассурот қолдиришини хаёлан тасаввур қилди.

– Ҳисоботни ҳали шу тирранча ёзган эканда? – деди ўйчанлик билан Мартин.

– Нега энди адабини бермай ўтирибсиз? – сўради Бриссенден. – Мен ҳозир беш дақиқагагина ўпкамнинг соғ бўлиши учун минг доллар берардим.

Ёш муҳбир бу суҳбатдан бир оз довдираб қолди, ҳамсуҳбатлар учун у гўё бу ерда йўқдай эди. Лекин у ҳозиргина социалистлар намойинши ҳақида ёзган ҳисоботи учун газета муҳаррирининг мақтоворига сазовор бўлиб, мавжуд тартибнинг уюшган душманлари раҳбари Мартин Иден билан мусоҳаба ўтказиш ҳақида топшириқ олган эди.

– Сизни суратга олсак қарши эмасмисиз, мистер Иден? – деб сўради йигит. – Ўзим би-

лан фотографни ҳам бошлаб келган эдим. У шошиляпти. Ҳадемай қуёш ботади дейди. Мусоҳабани эса кейин қиласкерамиз.

– Фотограф? – деди чүзид Бриссенден. – Нима қилиб ўтирибсиз, Мартин? Дўппосласангиз-чи!

– Қарияпман, шекилли, – деб жавоб қилди Мартин. – Дўппослашим кераклигини билиб турибман-у, лекин нечундир ҳафсалам келмаяпти. Нима кераги бор?

– Шўрлик онаси учун керак, – деб эътиroz билдириди Бриссенден.

– Балки мулоҳазангиз чиндан ҳам асослидир, – деб эътироф этди Мартин. – Лекин ба-рибир бу мулоҳаза гайратимни қўзғатмаяпти. Ахир биронта одамни дўппослаш учун куч-гайрат сарфлаш керак-ку. Дўппослашга арзийдими бу?

– Рост, арзимайди, – деб ўзҳ оҳангда гапни илиб кетди мухбир, ҳолбуки, унинг жавдира-ган кўзлари эшикни мўлжалларди.

– Албатта, бунинг ёзган нарсасида битта ҳам тўғри сўз йўқ, – деб давом этди Мартин Бриссенденга ўгирилиб.

– Биласизми, мен умумий тарзда тасвирила-ган эдим... – деб изоҳ беришга журъат этди йигитча. – Аммо сиз учун бу жуда ажойиб рекла-ма бўлди... Хўп деяверинг.

– Билиб қўйинг, Мартин, бу сиз учун рекла-ма-я! – жўшқин оҳангда деди Бриссенден.

– Ҳа, ҳа!.. Бу гапга қўшилишим керак.

– Ижозатингиз билан, мистер Иден, қаерда туғилгансиз? – деб сўради мухбир афтини диққат билан қулоқ солаётган одамнинг айтига ўхшатиб.

— Диққат қилинг, ҳеч нима ёзмаяпти-я, — деб гапга аралашди Бриссенден, — ҳаммасини ёдида сақдаб қолади.

— Мен учун шунинг ўзи кифоя, — йигитча зўр бериб ҳаяжонини яширишга уринарди. — Омилкор мухбир ҳеч нимани ёзмайди.

— Яққол кўриниб турибди кечаги ҳисоботингиздан, — Бриссенден ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик тарафдори эмасди, шунинг учун ҳам овозини ўзгартириб, бирдан қичқириб юборди:

— Мартин! Агар сиз дўппосламасангиз, ўзим дўппослайман буни! Ўлиб қолсам ҳам майли, дўппослайман!

— Шапатиласам, кифоя қилар дейман? — сўради Мартин.

Бриссенден ўйлаб туриб, кейин бош иргади.

Зум ўтмай мухбир Мартиннинг тиззасида юз тубан ётарди.

— Лекин тишлаш йўқ, — деб огоҳлантирди Мартин, — бўлмаса чиройликкина башарангизни пачақдаб ташлашга мажбур бўламан. Яхши бўлмайди.

Унинг ўнг қўли бир меъёрда кўтарилиб тушиб турди. Йигитча чинқирап, типирчилар, сўкинарди-ю, лекин тишлашга журъат эта олмасди. Бриссенден бу ҳолатни бамайлихотир кузатиб ўтиради. Фақат бир марта сабри чидамай, бўш шишани ушлаб олди-да:

— Келинг, менам ҳеч бўлмаса бир марта урай!
— деди.

— Афсуски, қурбим етмай қолди, — деди ниҳоят Мартин. — Қўлимда жон қолмади.

У мухбирнинг ёқасидан ушлаб бир силкиди-да, каравотга ўтқазди.

– Полицияга арз қиласман! Сизни қамоқقا олишади! – деб қичқирарди йигитча. Унинг чўғдек ёниб турган юзларидан алам ёшлари оқиб тушарди. – Бу қилмишингиз учун жавоб берасиз. Шошмай туриңг ҳали!

– Ана холос, – деди Мартин, – бу йигитча тойғоқ йўлдан кетаётганини ҳали ҳам тушунмабди-ку. Ҳали бу ўз биродари ҳақида ёлғоняшиқ гапларни ёзишга ёзибди-ю, бу ишининг виждонсизлик, адабсизлик эканини, эркак кишига номуносиб иш эканлигини негадир тушунмабди.

– Начора, менга тушунтириб қўйинг деб ўз оёғи билан келибди-ю, – деб гапга аралашди Бриссенден.

– Ҳа, келишга келди-ю, лекин мени бадном ва шарманда қилиб бўлиб, кейин келди. Энди баққолнинг менга насияга мол беришдан бош тортиши турган гап. Ҳаммадан ёмони шуки, бу болапақир то жуда ўткир муҳбир ва фоят зўр муттаҳам бўлгунча шу йўлдан кетаверади.

– Ҳали вақт бор, – деб эътиroz билдириди Бриссенден. – Бу йигитчани тўғри йўлга солиб юбориш балки сизнинг зиммангизга юклангандир. Э, нега энди менинг ҳам бир марта-гина уришимга йўл қўймадингиз? Бу савобли ишга шунақаям ҳисса қўшгим келган эдики!

– Икковингизни ҳам қамашади! – деди йўлдан озган банда пиқиллаб йифлаб. – Ҳ-ҳ-ҳайвонлар!

– Башараси ёқимтойгина экан, – деди Мартин бош чайқаб, – бекорга қўлимни оғритдим деб қўрқаман. Бу йигитчани тузатиб бўлмайди. У шубҳасиз жуда ўткир муҳбир бўлади. Бунда виждон деган нарсадан асар ҳам йўқ! Шунинг ўзи ўсишига имкон туғдиради.

Шу пайт йигитча, ҳамон қўлида шиша ушлаб ўтирган Бриссенденнинг ёнидан қўрқа-писа ўтиб, уйдан ўқдек отилиб чиқиб кетди.

Эртаси куни Мартин ўзи ҳақида жуда кўп янги ва қизиқ гапларни билди. «Ҳа, биз жамият душманимиз, – деганмиш у матбуот ходими билан суҳбатда, – лекин биз анархист эмасмиз! Биз социалистлармиз!» Мухбир бу икки йўналиш ўртасида айтарлик фарқ йўқдигини айтган экан, Мартин розилигини билдириш учун сукут сақлаб елкасини қисиб қўйғанмиш. Маълум бўлишича, Мартиннинг юзи беўхшов ва унда насли айниганини исботловчи жами аломатлар мавжуд эмиш. Унинг серқадоқ қўллари ва қонсираб чақнаб турувчи кўзлари жудаям бошқача эмиш.

Мартин деярли ҳар куни кечқурун ўзининг Сити Холл-паркдаги ишчилар намойишида нутқ сўзлаши, у ерда ҳалқ онгини заҳарловчи ҳамма анархист ва ташвиқотчилар ичida энг нуфузлиси бўлиб, ўта инқилобий нутқлар ижод этиши ҳақида ҳам ўқиди. Мухбир унинг ҳужрасини муфассал тасвирлаган, керосинкани, хонадаги ягона курсини ҳам унутмаган, шунингдек, у Мартиннинг ошнасини – бутун қиёфаси йигирма йилдан бери қамоқда ётиб, эндигина озодликка чиққан одамни эслатувчи мурдасифат саёқни – ранг-баранг бўёқлар билан ифодалаган эди.

Ёш мухбир жуда чаққон чиқиб қолди. У Мартин Иденнинг бутун оиласи ҳаётини исказ билибди ва мистер Хиггинботамнинг дўкони ва эшик олдида турган мистер Бернард Хиггинботамнинг фото суратини ҳам топибди. Мазкур жентльмен ўз қайнисининг социалистик

мuloҳазаларига қўшилиш у ёқда турсин, балки у билан ҳеч қандай муносабатда бўлишни истамайдиган ҳурматли ва бамаъни тижоратчи сифатида тасвирланган эди. Унинг гапига қараганда, Мартин Иден гирт ялқов, бир эмас, бир неча марта дурустгина жойлардан иш тавсия қилишган бўлишса ҳам, ишлашни истамаган ишёқмас экан, бир кун эмас, бир кун унинг турмага тушиши муқаррар экан. Мухбир Герман фон Шмидт билан ҳам суҳбатлашган эди. У Мартинни «Оила шаънига тушган доғ» деб атабди ва у ҳам Мартин билан қариндошлиқ қилишдан бош тортибди. «У менинг елкамга миниб олмоқчи бўлган эди, – дебди гап орасида Герман фон Шмидт, – лекин бу найранги ўтмади. Мен уни уйимга келмайдиган қилиб бездириб юбордим. Бунақа ишёқмасдан ҳеч хайрли иш кутиб бўлмайди!»

Мартин бу сафар чинакамига аччиқланганди. Бриссенденга бу гап худди эрмакдек туюлса ҳам, Мартинни тинчтишга қурби етмади. Мартин энди Руфга буни тушунтириш осон бўлмаслигини биларди. Қизнинг отаси эса фотиҳани бузиш учун бу бемаъни уйдирмадан албатта фойдаланса керак. Мартиннинг ноҳуш тахминлари хиёл вақт ўтмай тўғри бўлиб чиқди. Эртаси куни почтачи Руфнинг хатини олиб келди. Мартин мактубда кўнгилсиз гаплар ёзилганини олдиндан сезиб, шу заҳотиёқ конвертни очди-ю, почтачи орқасидан эшикни ҳам ёпмасдан ўқий бошлади.

Мартин мактубни ўқиркан, қўли беихтиёр чўнтагини ковлаб, доим ёнида юрадиган тамаки билан тамаки қофозини ахтара бошлади. Ҳолбуки, чўнтаги кўпдан бери бўм-бўш экан-

лигини тушунмас, ҳатто нима қидираётганини ҳам ўзи билмасди.

Мактуб хотиржамлик билан ёзилган эди. Үнда ҳеч қандай зардадан асар бўлмаса ҳам, лекин биринчи сатридан бошлаб то охирги сатригача ҳар қайси жумлада қизнинг ранжиғанлиги ва ихлоси қайтганлиги яққол сезилиб турарди. Ишончимни оқдамадингиз, деб ёзган эди Руфъ. Мартин ўзининг ножёя қилиқларини тарк этар, унга, яъни, Руфга бўлган муҳаббати туфайли камтарона ва тавфиқли ҳаёт ке-чиришга ҳақиқатан ҳам рози бўлар, деб ўйла-ган экан қиз. Энди бўлса, дадаси билан ойиси фотиҳани бузасан деб оёқдарини тираб туриб олишганмиш. Руфъ ҳам ота-онасининг далилларини эътироф этмай иложи йўқмиш. Икковлари орасидаги муносабатдан ҳеч қандай яхшилик кутиб бўлмасмиш. У бошидан янглишган экан. Мактубда биттагина таъна бор эди, ана шу таъна Мартинга айниқса қаттиқ ботди. «Агарда хизматга киришни хоҳлаганингизда, ҳаётда қандай бўлмасин ўз ўрнингизни топ-ганингизда, қандай яхши бўларди! – деб ёзган эди Руфъ. – Лекин бу мумкин эмас. Чунки сиз ҳавойи ва пала- partiш кун кечиришга одатланиб қолгансиз. Тушунаман, сизда айб йўқ. Сиз ўзингизнинг түфма табиатингизга ва олган тарбиянгизга биноан иш кўрдингиз. Мен сизни айбситаётганим ҳам йўқ. Мартин, гапимга тушунинг. Дадам билан ойим ҳақ эканлар: биз бир-биrimизга муносиб эмасмиз, шунисига ҳам шукурки, ўз вақтида пайқаб қолдик буни... Мен билан кўришишни ўйламанг ҳам, – деб ёзган эди у мактубнинг охирида, – бу учрашув икковимизга ҳам, ойимга ҳам жуда оғир

ботади. Ойимни қаттиқ хафа қилиб қўйганимни шундоқ ҳам сезиб турибман ва ҳали-бери бу гуноҳимни юва олмасам керак».

Мартин мактубни охиригача ўқиб чиқиб, яна бир сидра диққат билан ўқиди. Кейин ўтириб жавоб ёза бошлади. У социалистлар на-мойишида нима деб гапирган бўлса, ҳаммаси-ни батафсил ёзди ва газетани энг виждонсиз туҳматчиликда айблади. Ўзининг айбизлиги-ни исботлаш, изоҳлаш, мактуб охирида ёлво-рувчи ошиқ йигитнинг жўшқин нутқига айла-ниб кетди. «Менга албатта жавоб қилинг, – деб ёзди у, – фақат бир оғиз сўз – мени севасизми, йўқми? Энг муҳими шу».

Бироқ орадан бир кун, икки кун ўтса ҳам, жавоб келмади. «Кечиккан»нинг ўша саҳифаси ҳамон очиқлигича ётар, стол остидаги қайта-риб юборилган қўлёзмалар тўдаси эса тобора қўпаярди. Мартин умрида биринчи марта уй-қусизлик азобига учради. У Морзларни книга уч марта борди, аммо ҳар сафар уй хизматкори уни остонаядан ўтказмади. Бриссенден касал ётган эди, шунинг учун Мартин уни кўргани борганида ўз дардини айтишга тили бормасди.

Мартиннинг фами бошидан ошиб ётарди. Мухбирнинг қилағилиги ҳеч кутилмаган оқибат-ларга олиб келди. Португалиялик баққол унга насияга мол беришдан бош тортди, мен соғ америкалиkmан деб мақтанишни яхши кўра-диган сабзавотчи баққол эса Мартинни ватан хоини деб атади ва ватанпарварлик жазаваси тутиб, ҳатто унинг қарз қофозларини ҳам йир-тиб ташлади, дўконимга қарзингни ҳам тўла-гани кела кўрма, деди. Қўшниларнинг ҳамма-си Мартинга қарши эди, уларнинг ғазаби кун

сайин ортиб борарди. Сотқин социалист билан муомала қилишни ҳеч ким истамасди. Бечора Мария ваҳима ва шубҳа ичида қийналар, аммо у Мартинга содиқлигича қолган эди. Бир вақтлар Мартиннинг ҳузурига меҳмон олиб келган дабдабали файтонни унугтан қўшни болалари энди унга узоқдан «ялқов!», «саёқ!» деб қичқиришарди. Фақат Мариянинг болалари айнимас, Мартинни ёқлаб гапиришар, у деб кўпинча муштлашишарди ҳам. Кўз остини кўкартириб, бурнини қонатиб келган болаларини кўрган бечора Мария яна ҳам ночор аҳволга тушарди.

Мартин бир куни кўчада Гертрудани учратиб қолиб, илгари ҳам кўнгли сезиб юрган нарсаларни эшитди. Бернард Хиггинботам фазабланганидан ўзини қўярга жой топа олмаётганиш, Мартин оила аъзоларининг ҳаммасини шармисор қилди, уйимга келса оёфини уриб синдираман деганиш.

– Бирон ёққа кетсанг бўлармиди, Мартин, – деб ёлворди Гертруда. – Кетиб бошқа ерда биронта тузукроқ ишга жойлаш. Кейинчалик, ҳамма нарса бости-бости бўлиб кетгандан кейин яна қайтиб келиш қочмас.

Мартин бош чайқаб қўйди-ю, лекин нима учун кета олмаслигини опасига тушунтириб ўтирмади. Қандай қилиб ҳам тушунтириб бўлади! Ўзи билан қариндошлари орасида тубсиз жар пайдо бўлган. Энди бу жардан сакраб ўтишга қодир эмас! Ўзининг – нищепарастнинг социализмга муносабатини Гертрудага тушунтириб ўтириш кулгили бўларди! Бу одамларга ўз мулоҳазалари ва хатти-ҳаракатини изоҳлаб бериш учун инглиз тилида сўз йўқ эди. Уларнинг ҳамма гаплари Мартинни бир нар-

сага – ўзи учун биронта иш топишга ундарди. Ҳамма гап фақат шунда эди. Уларнинг мулоҳа-залири шундан нарига ўтмасди. Ўзинг учун жой топ! Ишга кир! Бечора оми қуллар, деб ўйларди Мартин Гертруданинг гапини тингларкан. Дунёнинг зўравонлар томонидан забт этилганидан ажабланмаса ҳам бўлади! Қуллар ўзларининг қуллик тасаввури доирасидан четга чиқа олмасдилар-да. «Иш» улар учун олтин санам эдиким, бу қуллар унга сифиниб, қаршисида итоаткорона тиз чўкардилар.

Гертруда унга пул таклиф қилган эди, лекин Мартин бошини сарак-сарак қилди, ҳолбуки, бир неча кундан кейин яна костюмини гаровга қўйишини яхши биларди.

– Ҳозирча Бернарднинг кўзига кўринмай тур, – деб таъкидларди унга Гертруда, – яна бир-икки ойдан кейин ҳовуридан тушиб қолади, ана ўшанда унга аравакаш бўлиб ёлланишинг мумкин, агар хоҳлассанг. Агар мен керак бўлиб қолсам, истаган вақтингда одам юбор, ўзим бораман. Эшитяпсанми?

Гертруда йиғлаб-сиқтаб нари кетди, Мартин эса опасининг ҳоргин одим отиб, зўр-базўр кетиб бораётганини кўриб, чидаб бўлмайдиган ҳасратдан юраги сиқилиб кетганини ҳис қилди. У опасининг орқасидан тикилиб турганда, ницшепарастлар биноси бирдан силкиниб, тебрана бошлади. Қандайдир қуллар тоифаси ҳақида мужаррад фикр юритиш яхши экан-у, аммо у назарияни ўзига яқин одамларга нисбатан татбиқ этиш унчалик осон эмас экан. Борди-ю, агар зўравонлар зулмидан эзилаётган ожиз ва мазлум шахсни мисол қилиб келтириш керак бўлса, Гертрудадан яхшироқ

мисол топиб бўлмайди. Мартин ҳатто кўпчиликнинг мулоҳазасига зид фикрдан маъюс жилмайиб қўйди. Юрагим бир орзиқиши билан ўз ақидамдан шубҳалана бошласам, роса қизиқ нищепараст эканман-да, деб ўйлади у, ахир бундай ўйлаб қарасанг, ҳозирги дақиқада мазкур қуллик ахлоқи ўз асарини кўрсатмаяптими, унинг опасига бўлган меҳрибонлиги қуллик туйғуси эмасми? Ҳақиқий кучли одам марҳамат ва шафқатдан юксак туриши лозим. Мазкур туйғулар қуллар маскани бўлмиш ертўлаларда пайдо бўлиб, у фақат заиф ва баҳтиқаро одамларнинг қисмати бўлган.

ҚИРҚИНЧИ БОБ

«Кечиккан» ёзилмай тўхтаб қолди. Мартиннинг таҳририятларга юборган қўлёзмалари стол остида сочилиб ётарди. Фақат битта қўлёзма ҳамон кезиб юрарди. Бу Бриссенденнинг «Эфемерида»си эди. Мартин велосипеди билан қора костюмини яна гаровга қўйди, ёзув машинкаси учун тўлов муддати яна ҳар сафаргидек кейинга сурилди. Лекин энди Мартин бунга парво қилмасди. У ҳаётда ўзи учун янги мақсад топиши керак эди, модомики, ҳали ўша мақсад топилмаган экан, ҳаёт ҳам гўё тўхтаб қолгандек туюларди.

Орадан бир неча ҳафта ўтди, кунлардан бир кун Мартин кўпдан бери қутиб юрган воқеа содир бўлди.

У кўчада Руфни учратиб қолди. Аммо қиз ёлғиз эмас, акаси Норман билан бирга келаётган эди, икковлари ҳам ўзларини Мартинни танимаганга солдилар, лекин Мартин уларга

яқинашмоқчи бўлганида, Норман уни синглисига яқин йўлатмасликка уринди.

– Агар синглимга тирғилмоқчи бўлсангиз,
– деди у, – полисмен чақираман, синглим сиз билан гаплашишни истамайди, сизнинг бу хириалигингиз унга ҳақоратдек туюлади.

– Яхшиси, мен билан жанжаллашманг, – маъюс қиёфада жавоб қилди Мартин, – акс ҳолда, чиндан ҳам полисмен чақиришингизга тўғри келади, унда сизнинг ҳам номингиз газетага тушади. Четга туриңг, ҳалақит берманг менга. Мен Руфь билан гаплашиб олишим керак.

– Мен сизнинг ўз оғзингиздан эшитмоқчиман, – деди у қизга.

Қиз аввалига бўздек оқариб кетди, вужудини титроқ босди, сўнг ўзини тутиб олиб, Мартинга савол назари билан қаради.

– Сизга юборган мактубимдаги саволимга жавоб беринг, – деб талаб қила бошлади у.

Норман тоқати тоқ бўлиб, типирчилаб қолган эди, Мартин бир қарашда уни ювош қилиб қўйди.

Руфь бош чайқади.

– Сиз ўз ихтиёргиз билан шу ишни қиласизми? – деб сўради Мартин.

– Ҳа, – деди қиз секингина, қатъий оҳангда, – ўз ихтиёrim билан. Сиз мени шарманда қилдингиз, таниш-билишлар билан кўришгани уяламан. Ҳозир ҳамманинг оғзида гап бўлиб қолдим. Сизга айтадиган гапим шу. Мени сиз баҳтиқаро қилдингиз, энди сиз билан учрашишни сира истамайман.

– Танишлар! Фийбатлар! Газетадаги бўхтонлар! Булар муҳаббатдан кучли бўла олмайди! Демак, сиз мени ҳеч қачон севмаган экансиз-да!

Руфнинг бўзарган юзи ўт бўлиб ёнди.

– Рўй берган шу воқеадан кейин-а? – деди қиз. – Мартин, нима деётганингизни ўзингиз ҳам билмаяпсиз! Мени ким деб ўйлайсиз?

– Кўряпсиз-ку, синглим сиз билан гаплашишни хоҳламаяпти! – деди Норман ва синглисини бу ердан олиб кетиш учун қўлтиқлаб олди.

Мартин уларнинг орқасидан қараб қолди, сўнг тамаки билан тамаки ўрайдиган қофоз олгани беихтиёр қўлини чўнтағига тиқди, лекин чўнтағига на тамаки ва на қофоз бор эди.

Шимолий Окленд яқин эмас эди, аммо Мартин бу йўлни қандай босиб ўтганини сезмади. У уйига келиб, каравотига ётгандан кейин ўзига келди ва гўё бирдан уйғониб кетган кишидек атрофига олазарак бўлиб аланглай бошлади. Стол устида ётган «Кечиккан»нинг қўлёзмаси қўзига ташланди; у курсини яқинроқ суриб қўлига ручка олди. Бошланган ишни охирига етказиб қўймагунча кўнгли тинчмайдиган одати бор эди унинг. Қархисида эса тугалланмаган иш ётарди. У бошқа иш билан шуғуланиш учун буни четга суриб қўйган эди. Энди ўша бошқа иш адойи тамом бўлди, яна навбат «Кечиккан»га келган эди. Мартин бундан кейин нима қилишини билмас эди. У фақат бир нарсани биларди: ҳаётнинг аллақайси бир босқичи поёнига етган эди ва нуқта қўйишидан олдин жумлани тугаллаш керак эди. Келажак уни қизиқтирмасди. Эҳтимолки, бундан кейин бошидан нелар кечишини ҳадемай билиб қолар. Лекин бунинг энди унчалик аҳамияти қолмаган эди. Ҳамма нарса ҳам аҳамиятсиз эди.

Мартин беш кун муттасил ҳеч қаёқса чиқмай, ҳеч ким билаи учрашмай «Кечиккан» устида ишлади, бир оз тамадди қилиб олиш учун-

гина ишдан тұхтар әди. Олтинчи куни әрталаб почтачи унга «Парфенон» мұҳаррирининг мактубини олиб келди. Мартин конвертни очди-ю, шу заҳоти «Эфемерида»нинг босмага қабул қилинганини билди.

«Биз поэмани мистер Картрайт Брюсга үқиғани берган әдик, – деб ёзған әди мұҳаррир, – у асарни маъқуллади ва биз уни ўз журнализмда бажону дил чоп этишга қарор қылдик. Биз поэмани журналнинг август сонига қолдира-ётган эканмиз, бунга сабаб шуки, июль сони териб бўлингган. Мистер Бриссенденга бизнинг чуқур миннатдорлигимизни ва қойил қолганимизни изҳор қилинг. Унинг портрети билан биографик маълумот юборишингизни илтимос қиласиз. Мабодо, тавсия қилинган гонорар оз кўринса, илтифот этиб, шартингизни телеграф орқали бизга хабар қилсангиз».

Тавсия қилинган гонорар миқдори уч юз эллик доллар бўлгани учун Мартин, телеграмма юборишининг ҳожати йўқ, деган қарорга келди. Энди фақат Бриссенденнинг розилигини олиш қолган әди. Барибир, Мартин ҳақ чиқди-ку. Чинакам поэзиянинг қадрига етадиган мұҳаррир ҳам бор экан. Белгиланган гонорар ҳам ҳаттоки «асрнинг дурдона поэмаси» учун ҳам катта әди. Бундан ташқари, Бриссенден жамики танқидчилар орасида ёлғиз шу Картрайт Брюсни ҳурмат қиласиди – буни Мартин биларди.

Мартин уйдан чиқиб трамвайга ўтирди, у кўз олдидан лип-лип ўтиб турган уйлар ва муюлишларга тиқилиб бораркан, на дўстининг муваффақияти ва на эришилган ғалаба уни ҳаяжонлантирмайды. Ўйлаб маъюс борарди. Қўшма Штатлардаги энг ўткир танқидчи

поэмага юксак баҳо берди, бас, шундай экан, чинакам санъат асари ахири бир кун келиб, ўзи учун матбуотга йўл очади, деб Мартин янглишмаган экан. Аммо энди унда аввалги иштиёқ қолмаган эди, шунинг учун ҳам у ҳозир Бриссенденга хушхабар етказгани эмас, қўпроқ шунчаки дўстини кўргани кетаётганини жуда яхши тушунарди.

«Кечиккан» устида ишлаган шу беш кун мобайнода Бриссендендан ҳеч хабар олмагани, ҳаттоқи уни бирон марта ҳам эсламагани энди хаёлига келди. Мартин ўзини қандайдир руҳан эсанкираб қолганини тушунди ва дўстидан хижолат қила бошлиди. Лекин шунда ҳам ўзини негадир лоқайд ҳис қиласарди. «Кечиккан» повести устида ишлаётгандагина руҳи кўтари-лар, бўлак ҳеч нима унга таъсир этмасди. Қолган ҳамма нарсага у парвойи фалак, мияси каракт бўлиб қолгандай эди. Трамвай физиллаб ўтиб бораётган кўчалардаги қайноқ ҳаёт ундан жуда олисда, мисоли хаёлдек туюларди, шунинг учун ҳам агар черков қўнфироқхонаси унинг кўз олдида бирдан қулаб тушса, унчалик ажабланмаган бўларди.

У меҳмонхонага кириб, шоша-пиша Бриссенденнинг хонасига чиқди ва бир дақиқадан сўнг яна шоша-пиша қайтиб тушди. Дўстининг хонаси бўм-бўш, ҳамма буюмлар ташқарига чиқариб қўйилган эди.

– Нима, мистер Бриссенден кўчиб кетдими?
– деб сўради портьедан. – Манзилини қолдирмадими?

Портье негадир унга фалати қараб қўйди.

– Ҳали ҳеч нимадан хабарингиз йўқми? – деди у.

Мартин «йўқ» дегандай бош чайқаб қўйди.

– Ҳамма газеталарда ёзишди-ку. Уни ўрнида ўлиб ётган ҳолда топишибди. Ўз жонига қасд қилибди! Бошидан отибди.

– Уни дафн этишдими?

Бу саволни гүё аллақандай бегона, нотаниш киши бергандай туюлди Мартинга.

– Йўқ. Тафтишдан сўнг жасадини Шарқقا юборишган эди. Қариндошлари чақиртирган адвокатлар ҳамма ишни бости-бости қилиб юборишиди.

– Нега бунчалик шошилишмаса? – деб юборди Мартин.

– Нега шошилишди дейсиз? Ахир бу воқеага беш кун бўлди-ку!

– Беш кун бўлди?

– Ҳа, беш кун.

Мартин:

– Шундай денг! – деб фўлдиради-да, меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Йўл-йўлакай у телеграфга кириб, «Парфенон» ноширига, поэмани чоп қилишингиз мумкин, деб телеграмма юборди. Телеграммани у пул тўлаб оладиган қилиб юборди, негаки чўнтағида фақат уйга қайтиш учун трамвайга етадиган беш цент пули қолган эди.

Мартин уйига қайтиб келиб, яна ишга киришди. Кунлар ва тунлар бири бирини қуваллашиб ўтиб борарди, у эса ҳамон стол олдида ўтириб, тинмай ёзарди. У деярли уйдан эшикка чиқмас, шўрва-шўлта ё бўтқа пиширишга бир нарсаси бўлса, пишириб истар-истамас овқатланар, ҳеч вақоси бўлмаса яна лоқайдик билан овқатсиз кун кечираверарди. Повесть бошдан оёқ олдиндан батафсил ўйлаб пишитилиб қўйилган бўлса ҳам, асар экспозициясини

бошқача тузишга қарор қилди, бунда повестнинг ҳажми яна йигирма минг сўзга ортарди. Повестни шунчалик зўр эътибор билан такоммиллаштиришга ҳожат бўлмаса ҳам, қайтадан ишлар, Мартин энди бошқача услубда ишлай олмасди. У атрофдаги нарсаларни идрок қилмай, эсанкираб, карахт бўлган одамдай ёзарди, худди арвоҳ ўзига таниш бўлган ерларда тентираб юргани каби, у ҳам ўзининг ўтмиш ҳаётидаги ижодий маҳоратига мурожаат қиласди. У кимнингдир: арвоҳ ўлганини билмай қолган марҳумнинг руҳидир, деган сўзларини эслади. Шунда Мартин: ўзим ҳам шу аҳволга тушиб қолмадиммикин? – деб бир зумгагина ўйланиб қолди.

Ниҳоят, «Кечиккан» повести ёзилиб бўлди. Ижарага асбоб берувчи маҳкама вакили ёзув машинкасини олиб кетгани келди ва Мартиннинг каравотида унинг сўнгги саҳифани ёзиб бўлишини кутиб ўтирди. «Тамом!» деб ёзди Мартин машинкада. Бу унинг чиндан ҳам тамом бўлгани эди. У бир оз енгил тортиб машинкани олиб уйдан чиқиб кетаётган вакилга қараб қолди. Шундан кейин ўзини «таппа» каравотга ташлади. Очликдан мажоли қолмаган эди. У ўттиз олти соатдан бери туз totмаган, шунга қарамай, бирон марта бўлсин, овқат ейиш эсига келмаган эди. У кўзларини юмиб, чалқанчасига тушиб ётарди, онгини аллақандай туман аста-секин чулғаб ола бошлади. У мудроқ ҳолда Бриссенден унга такрор-такрор ёд ўқиб берган аллақандай шеърни фўлдираб ўқирди. Мария эшик орқасида туриб, ўз мижозининг бир тарзда фўлдирашига ташвишланиб қулоқ соларди. Шеърдаги сўзларни Мария ҳеч

тушунмас, лекин Мартиннинг ўзи билан ўзи гаплашаётганидан хавотирда эди.

Чекил лира!

Қўшиғим тамом!

*Куйим аста сўнди ва топди барҳам,
Дардим бир шарпадек чўкди бу айём.*

Нурафион кўп олис ёқларга бу дам.

Чекил лира!

Қўшиғим тамом!

*Бир замон жўшардим дараҳт тубида,
Куйлардим ўрмонда, қайнарди илҳом.*

У дам ёш, баҳтиёр, дадилдим жуда.

*Энди-чи, куйлашига қолмади мажол,
Кўз ёши келади, йўқ дилда ором.*

Гўристон кезаман ўйчан ва беҳол.

Чекил лира!

Қўшиғим тамом!

Мария чидаб тура олмади, у печь олдига югуриб борди-да, товоқни тўлдириб шўрва сузди, ҳиммат қилиб қозон тагидаги майдада тўғралган жазлардан, картошкадан олиб солди-ю, Мартиннинг олдига юурди.

Мартин тирсагига таяниб ётиб, шўрвани ичаркан, ҳеч алаҳдаётганим йўқ, отдек соппа-соғман, деб Марияни ишонтирумоччи бўларди.

Мария чиқиб кетгандан кейин Мартин анчагача бир нуқтага маъносиз тикилиб, букчайиб ўтириди, ниҳоят, кўзи қаршисида ётган эрталабки почта билан келган журналга тушди. «Бу «Парфенон» бўлса керак, – деб ўйлади у, – «Парфенон»нинг август сони, «Эфемерида» шу сонида бўлиши керак. Қани энди, Бриссенден тирик бўлса!»

У журнални варақларкан, бирдан донг қотиб қолди: «Эфемерида»га жимжимадор сарлавҳа қўйилган ва Бердели услубидаги нақшлар билан безатилган эди; сарлавҳанинг бир томонида Бриссенденнинг, иккинчи томонида эса Британия элчиси сэр Жон Вэльюнинг портрети бор эди. Таҳририят томонидан ёзилган муқаддимада, сэр Жон Вэльюнинг яқинда, Америкада шоир йўқ деб айтган гапи келтирилиб, «Парфенон» ўз саҳифаларида «Эфемерида»ни босиб чиқариш билан унга: «Мана, сэр Жон Вэлью, қўриб қўйинг!» деётгандай эди. Картрайт Брюсни бу муқаддимада Американинг энг буюк танқидчиси деб атаган ва унинг: «Эфемерида» – Америка поэзиясининг энг буюк асаридир», деган гапи келтирилган эди. Муқаддима шундай сўзлар билан тугарди: «Биз «Эфемерида»нинг жами нафосатига баҳо беришга қодир эмасмиз; эҳтимолки, ҳеч қачон уни мукаммал баҳолай олмасмиз ҳам. Лекин биз поэмани қайта-қайта ўқирканмиз, мистер Бриссенден-нинг файриоддий сўз бойлигидан ҳайратга келдик ва ўзимизга ўзимиз, мистер Бриссенден бундай сўз хазинасини қандай қилиб ва қайси манбадан олдийкин ва уларни қандай қилиб бу қадар маҳорат билан уйғулаштирдийкин, деб қайта-қайта савол бердик».

Шундан кейин поэманинг ўзи босилган эди.

Мартин журнални қўлидан ерга тушириб юбориб; «Бечора Брис, ўлиб кетганинг яхши бўлган экан!» деб ўйлади.

Булар беор, қабиҳ сўзлар эди, аммо Мартин жирканчликни сезмади. Унинг аччиқдангиси келди, аммо бунга кучи етмади. У гўё овсар бўлиб қолган эди. Томирларида қон тўхтаб қол-

ган ва ғазабдан кўпира олмасди. Пировардида, бунинг нимасига ҳам ажабланиш керак? Бу гаплар Бриссенден қаттиқ нафратланган буржуазия жамияти руҳида ёзилган.

– Бечора Брис! – деб фўлдиради Мартин. – Бу гуноҳимни ҳеч қачон кечирмаган бўларди!

Мартин зўр-базўр ўрнидан туриб, илгари ёзув машинкаси учун қоғоз қўйиладиган ғаладонни тортди. Уни титиб, дўсти ёзган ўн битта шеърни топди. Мартин бу шеърларни ҳеч шошмасдан бирин-кетин йиртди-да, саватга ташлади. Сўнг яна каравотига ўтириб, нурсиз кўзлари билан бўшлиққа тиқилиб қолди.

Шу алфозда у қанча вақт ўтирганини ўзи ҳам билмасди; ниҳоят, унинг кўз олдидаги туманли бўшлиқда узун, оппоқ чизиқ пайдо бўлди. Бу фоят ажиб ҳол эди. Лекин Мартин яхшироқ тиқилиб қараган эди, у Тинч океанининг аллақаерида, маржон қоя яқинидаги тўлқин чизиги экан. Яна бир зумдан кейин у оппоқ кўпиклар орасида кичкинагина, кўхна қайиқни кўрди. Белига қирмизи мато тутган жигар ранг танли ёш худо қайиқнинг бош томонида эшкакларни тўлқинли сувга солиб ўтиради. Мартин уни таниди. Бу сардор Тамининг кенжা ўғли Моти эди, демак, бу Таити соҳили, маржон қоя ортида эса гўзал Папара мамлакати бор эди; у ерда, дарёнинг денгизга қўйилиш ерида сардорнинг қамишдан тўқилган кулбаси турарди.

Кеч кириб қолган, Моти балиқ овидан қайтаётган эди. У қоя устидан ошириб олиб ўтадиган қучли тўлқиннинг яқинлашишини кутарди. Мартин ўзини ҳам шу қайиқда кўрди, у бир эмас, бир неча марта Моти билан бирга

қайиқда сузган эди, бошлари узра улкан фируза тўлқин пайдо бўлган заҳоти, Мотининг ишораси билан апир-шапир эшкак солишга шай бўлиб турарди. Шу ондан бошлаб, у томошабин эмас, энди у ростдан ҳам қайиқда ўтирас ва Мотининг ваҳшиёна қичқириғи остида эшкак соларди. Улар гувиллаган ва шовиллаган даҳшатли тўлқинни ёриб, ҳамма ёқлари шалаббо бўлиб, олдинга ўқдек отилдилар ва бирдан ўзларини сокин, осойишта кўрфазда кўрдилар. Моти кулиб, шўр сув сачраган кўзларини ишқади, қайиқлари эса маржон орол соҳили томон сузиб бораарди; бу соҳилда сарвқомат, норжил хурмолари орасида Тамининг кулбаси ботиб бораётган қуёш шуъласида олтиндек товланиб турарди.

Бироқ бу манзара тўсатдан хиралашди ва Мартин ўзини яна ивирсиб ётган тор хужрасида кўрди. У Таитини яна кўз олдида гавдалантиришга қанча уринса ҳам бўлмади. Ҳозир у хурмозорда қўшиқ янграётганини, ойдин кечада қизлар ўйин тушаётганини биларди. Лекин у қофозлар уюлиб ётган столдан ва қўпдан бери ювилмай хиралашиб қолган деразадан бошка ҳеч нимани кўрмас эди. У инграб кўзларини юмди ва маст уйқуга кетди.

ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

Мартин кечаси билан донг қотиб ухлади, эрталаб почтачининг эшик тақирлатганидан уйғониб кетди. У келган мактубларни ҳоргин ва бепарволик билан оча бошлади. Таниқли «қароқчи» журналнинг муҳри босилган конверт ичидан йигирма икки долларга чек чиқди. Бу

пулни ундириш учун Мартин сал кам бир ярим йил овора бўлган эди. Аммо энди пул унгандан кейин, унга парво ҳам қилмай қўйди. Нашриёт чекини кўрганда ўзида йўқ хурсанд бўлиш қобилиятидан энди маҳрум бўлган эди. Илгари чеклар келажакдаги буюк муваффақиятлар гарови бўлиб туюларди, энди эса унинг қаршисида шунчаки, ул-бул овқат сотиб олишга ярайдиган оддий йигирма икки доллар ётарди, вассалом.

Почтачи айни вақтда яна ўн долларга чек олиб келган эди, бу Нью-Йорк журналларидан бири томонидан аллақачон қабул қилинган юмористик шеърларининг ҳақи эди. Мартиннинг миясига бир фикр келди ва шу захотиёқ унинг устида шошмай бош қотириб кўрди. У бундан буён нима қилишини билмас, унда мурайян бир иш қилиш истаги ҳам йўқ эди. Ҳолбуки, кун кўриши, қарзларини тўлаши лозим эди. Бу ўн долларни маркага сарфлаб, стол остида уюлиб ётган қўлёзмаларни яна саёҳатга жўнатгани маъқул эмасмикин? Битта-яримта қўлёзмани биронта таҳририят қабул қилиб қолса ажаб эмас. Бу ҳол Мартиннинг кун кечиришига бир қадар имкон берган бўларди. Мартин шундай қилди ҳам. У Окленд банкидан олган пулга марка сотиб олди. Лекин ҳужрасига қайтиб бориб овқат пишириш унга жуда мушкул туюлди. У биринчи марта ўзининг қарздорлигига парво қилмади. У уйда ўн беш-йигирма центга мириқиб овқатланиши мумкинлигини жуда яхши биларди. Лекин шундай қилиш ўрнига «Форум» кафесига бориб овқат буюртирди, бунга икки доллар кетди. Яна у хизмат ҳақи учун официантга йигирма беш цент ҳам берди ва Миср папироси учун эллик цент

харжлади. Руфъ чекишни тақиқлагандан бүён Мартин чекмай келарди. Энди эса ўзини чекиш лаззатидан маҳрум этиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ, папироснинг эса хумори жуда тутаётган эди. Пулни тежашнинг нима кераги бор? Тўғри, беш центга анча-мунча тамаки билан қирқ чекимга етадиган қофоз сотиб олиш мумкин, аммо бунда нима маъно бор? Пул унинг учун мутлақо аҳамиятсиз нарса; пулга ҳозир, бугун бирон нарса сотиб олиш мумкин эди, холос! Мартин рулсиз ва компассиз қолган эди, шунинг учун ҳеч қаёққа шошмас эди. У оқимга қараб сузиб бораркан, ҳаётни деярли ҳис қиласди; ҳаётни ҳис қилиш эса унинг юрагини зирқиратарди.

Бир-биридан фарқи бўлмаган кунлар бир-бирини қувалашиб ўта бошладилар; энди Мартин суткасига саккиз соатлаб ухларди. У янги чеклар келишини кутиб, ўн цент билан овқатланиш мумкин бўлган японларнинг ресторончаларида тамадди қилса ҳам, хийла семириб қолди. Юзлари тўлишди, чунки у энди кўп ухлар, оғир меҳнат билан ўзини қийнамасди. У ҳеч нима ёзмас, мутолаа қилиши керак бўлган китоблари эса токчада тинчгина дам олиб ётарди. Мартин кўпинча шаҳардан чиқиб кетиб, тепаликларга бориб ўтирап, кўп вақтини паркда ўтказарди. Унинг на дўстлари ва на таниш-билишлари бор эди, ўзи ҳам таниш ортиришни истамасди. Нима кераги бор? У беихтиёр кимнингдир турткисини кутар, бу туртки унинг тўхтаб қолган умр соатини яна юргизиб юбориши керак эди. Ҳозирча эса кечираётган ҳаёти зерикарли, ғашга тегувчи, самарасиз ва бутунлай маъносиз эди.

Бир кун у «асл одамлар» билан учрашгани Сан-Францискога бориб келмоқчи бўлди. Лекин остоная чиқиши билан, шартта орқасига бурилиб, шоша-пиша негрлар маҳалласининг гавжум кўчаларидан юриб кетди. Ҳозир яна фалсафий мубоҳасаларни эшитаман, деган фикрдан шундай қўрқиб кетдики, яна ўша «асл одамлар»дан биронтаси учраб, таниб қолмасин, деб қўрққанидан деярли чопиб кетди.

Баъзида у «Эфемерида» ҳақида нималар ёзишаётганини билиш учун журнал ва газеталарни варақларди. Поэма катта шов-шув кўтарган эди. Яна қанақа шов-шув денг! Уни ҳамма ўқиб чиққан ва ҳамма бу поэзиями, йўқми, деб мубоҳаса юритарди. Маҳаллий газеталар шу поэма муносабати билан илмий мақолалар, киноявий тақризлар, газетхонларнинг ҳаяжонли хатлари билан лиқ тўлган эди. Карнайлар садоси ва дўмбиравлар дўпир-дўпири остида Қўшма Штатларнинг энг буюк шоираси деб эълон қилинган Элен Делла Дельмар ўзи миниб ўтирган Пегасда²⁸ Бриссенденга жой бўшатишни истамади ва Бриссенден асло шоир эмас, деб газетхонларга узундан-узоқ мактублар ёзди.

«Парфенон» ўзининг навбатдаги сонида ўзи кўтарган шов-шувнинг самарасидан фойдалана бошлади, сэр Жон Вальюнинг устидан кулди ва ҳаёсизларча Бриссенденнинг ўлимидан реклама сифатида фойдалана бошлади. Ярим миллиондан ортиқ обуначимиз бор деб керилувчи бир газета Элен Делла Дельмарнинг

²⁸ Пегас – қадимги юнон афсонасида Зевснинг тулпороти. У туёғи билан депсинганде Иппокрен булоги пайдо бўлганки, ундан оқиб чиққан сув шоирларга илҳом бағишлиаган. Пегас – шоирона илҳом аргумоги.

Бриссенден устидан қулувчи поэмасини босиб чиқарди. Шу билан ҳам күнгли тинчимаган шоира «Эфемерида»га ҳажвий тақлид ҳам ёзди.

Мартин дўстининг бу кунларни кўрмай ўлиб кетганидан қайта-қайта севинарди. Бриссенден оломондан нафратланарди, энди эса унинг қалб орзуси ҳисобланган ана шу энг муқаддас асар, шу оломон оёғи остида топталаётган эди. У ижод этган нафис асар ҳар кўйга солинарди. Ҳар битта нўноқ қаламкаш Бриссенденнинг улугвор шухратининг шуъласида халқа ўзини кўрсата олганидан мамнун эди. Бир газета шундай деб ёзган эди: «Биз бир жентльмендан мактуб олдик, у бундан бир неча йил бурун худди шунаقا, аммо бирмунча яхшироқ поэма ижод этган экан». Бошқа бир газета Элен Делла Дельмарни ҳажвия ёзгани учун айблаб, жиддий тарзда шуни қайд этиб ўтган эди: «Мисс Дельмар мазкур ҳажвияни ёзганида, буюк шоир ҳамма вақт ўзга шоирни, эҳтимолки, ўзидан ҳам улугроқ бўлган шоирни ҳурмат қилиши кераклигини унутиб қўйган бўлса керак. Лекин шу нарса муқаррарки, мисс Дельмар «Эфемерида»нинг довруғига бир қадар ҳасад билан қараётган бўлса ҳам, ўзи бошқа ҳамма одамлар сингари ана шу асар таъсирида яшамоқда ва эҳтимолки, бир кун келиб унинг ўзи ҳам шу сингари асар ёзишга уриниб кўрса ажаб эмас».

Ваъзхонлар «Эфемерида»ни ўз ваъзлари учун мавзу қилиб олдилар, поэмани ёқламоқчи бўлган бир воизни файридин деб айладилар. Буюк поэма муҳтарам жамоа учун эрмак бўлиб қолди. Ҳазил-мутойиба шеърлар етказиб берувчиilar ва карикатурачилар бир-бирларига гал

бермай «Эфемерида» мавзуида газетхонларни кулдиришга уринардилар, фельетончилар ҳам ҳозиржавоблик машқини олишга ҳаракат қиласар, улар түқиган ҳикояга қараганда, Чарли Френшэм деган бир одам Арчи Женнинг исмли кишига бир сир айтганмиш: гүё «Эфемерида»нинг беш мисрасини ўқиган одам мажруҳ одамни калтаклар, ўн мисрасини ўқиса, ўзини дарёга отар эмиш.

Мартин кулмас, лекин газабдан тишини ҳам ғижирлатмас эди, у фақат оғир қайғуга ботган эди. Унинг матбуотга ва газетхонларга бўлган ишончининг барбод бўлиши вайрон бўлган муҳаббати олдида ҳеч гап эмас эди. Бриссенденнинг журнallар ҳақида айтган фикри тўғри чиқди. Мартин эса Бриссенденнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилиш учун бекорга шунча вақт сарфлаган экан. Журналлар Бриссенденнинг гумонини тасдиқлабгина қолмай, ундан ҳам ошириб юбордилар. «Начора, оқибат шу эканда», деб ўзига тасалли берарди Мартин маъюсланиб. У осмони фалакка парвоз қилмоқчи эди, лекин бадбўй ботқоққа қулаб тушди.

Яна кўз олдида узоқ Тaitининг гўзал ва порлоқ манзараси намоён бўлди. Мана, теп-текис Паумоту ороллари, мана бу тоғли Маркиз ороллари, Мартин кўпинча ўзини савдо кемаси палубасида тургандай ёки Папеэта қоялари ёинки Нукухиванинг маржон соҳиллари ёқалаб Тайохаэ кўрфазига кичкинагина, нозик катерда кетаётган-дек ҳис қиласди; кўрфазга борса Тамари унинг шарафига қабон сўяр, Тамарининг қизлари эса, ўйин-кулги билан қўшиқлар айтиб уни қуршаб олишар ва гулчамбарлар тақиб ясантиришарди. Тинч океани Мартинни астойдил ўзига чорлар,

Мартин ҳам бир кун эмас бир кун бу чақириққа лаббай деб жавоб беришини биларди. Ҳозир эса улуғ илм-маърифат салтанатига қылган узоқ, ма-шакқатли саёҳатидан кейин ҳордиқ чиқарип, оқимга қараб оқиб бораради.

Мартин «Парфенон»дан келган уч юз эллик долларли чекни олиб, уни Бриссенденга васий бўлган кишига берди ва тилхат олди, ўз навбатида, Бриссендендан юз доллар қарз эканлиги ҳақида унга тилхат бериб қўйди.

Бироқ Мартиннинг япон ресторанчаларида овқатланиши барҳам еган эди. У энди курашни тўхтатганда толе унга кулиб боқди. Лекин толе жуда кечикиб кулган эди. У «Миллениум»-дан келган конвертни ҳеч қандай иштиёқсиз очди, ундан уч юз долларга чек тушди. Бу «Саргузашт»нинг гонорари эди. Мартиннинг қарзлари, ижарага қўйилган қарзларининг фоизлари билан ҳисобланганда ҳам юз долларга етмасди. Мартин шу қарзларини тўлади. Бриссенденнинг васийига юз доллар юборди, шундан кейин ёнида яна юз доллар қолди. Бу унинг учун жуда катта пул эди. У ўзига яхши костюм буюртириди ва шаҳарнинг энг яхши кафеларида овқатлана бошлади. У ҳамон ўша Мариянинг уйидаги кичкина ҳужрада яшарди, лекин эгнидаги янги костюми қўни-қўшнига шундай зўр таъсир кўрсатдики, энди болалар томдан, девор бошидан туриб унга: «саёқ», «ишёқмас», деб қичқиришга журъат этолмасдилар.

Унинг Гавай ҳаётидан ёзилган «Вики-Вики» ҳикоясини «Уоррен ойлик журнали» икки юз эллик долларга сотиб олди. «Шимол ахбороти» унинг «Гўзаллик бешиги»ни босиб чиқар-

ди, «Макинтош» журнали эса Мэриен шаънига ёзилган «Фол очувчи қиз» шеърини қабул қилди. Мұҳаррирлар ва тақризчилар ёзги дам олишдан қайтган бўлсалар керак, қўлёзмалар файритабий тезлик билан шифиллаб кета бошлади. Икки йил мобайнида қатъиян рад этилиб келган бу асарларнинг энди суриштирмасдан қабул қилинишига Мартин ҳеч тушуна олмасди. Ахир у ёзган нарсалардан биронтаси ҳам нашр қилингани йўқ эди-ку. Уни ҳали ҳам Оклендан ташқарида ҳеч ким танимасди, унинг номини эшитган оклендикларнинг бир қисми «қизиллар»дан чиққан ашаддий социалист деб билардилар. Бу фақат тақдирнинг инжиқлиги эди, холос.

«Шарманда бўлган қуёш»ни бир неча журнал кетма-кет рад этгандан кейин, Мартин марҳум дўстининг маслаҳатини эслаб, уни биронта китоб нашриётига тавсия қилмоқчи бўлди. Бир қатор муваффақиятсизликдан кейин қўлёзма энг йирик фирмалардан бири «Синглтри, Дарилей ва ширкати» томонидан босмага қабул қилинди. Мартиннинг аванс сўраб ёзган хатига ношир: биз аванс бермаймиз, бу сингари китоблар одатда ўз харажатини ҳам қоплай олмайди, шунинг учун минг нусхадан ортиқ сота олишимизга кўзимиз етмайди, деб жавоб ёзди. Мартин ҳисоблаб чиқди: агар китоб бир доллардан сотилса унинг ўн беш фоизидан оладиган ҳақи юз эллик доллар бўларкан. Шундан кейин, агар яна ёзадиган бўлсам фақат бадиий асар ёзаман, деган қарорга келди. «Саргузашт» «Шарманда бўлган қуёш»дан тўрт марта қисқа эди, лекин унга икки ҳисса кўпроқ ҳақ тўлашди. Мана, ёзувчиларнинг гонорарлари ҳақидағи бир вақтлар газетадан ўқиган нарсаси ахир

тўғри чиқди. Биринчи даражали журналлар чиндан ҳам қўлёзмани қабул қилиш билан ҳақ тўларканлар, тўлаганда ҳам жуда яхши тўлашаркан. «Миллениум» журнали ҳар сўзга ҳатто икки центдан эмас, тўрт центдан тўлади. Ундан кейин, ҳақиқий адабий асар ҳар ҳолда пул эди, унинг асарларини сотиб оляптилар-ку, ахир. Шу фикр хаёлига келганда Мартин маъюс жилмайиб қўйди.

У «Синглтри, Дарилей ва ширкати» фирмасига: «Шарманда бўлган қуёш»ни юз долларга сотишга розиман, кейин китоб тамомила нашриёт ихтиёрига ўтади», деб хат ёзди, аммо нашриёт бу қалтис ишга журъат этмади. Шуниси ҳам борки, Мартин пулга муҳтож эмас эди, кейинги пайтларда унинг яна беш-олтига ҳикояси босмага қабул қилиниб, пули тўланган эди. Мартин ҳатто банкда бир неча юз доллар миқдорида жорий ҳисоб рақами ҳам очди. «Кечиккан» узоқ давом этмаган саргардонликдан кейин Мередит-Лоуэл нашриётидан ўзига маскан топди. Мартин Гертрудага унинг беш долларини юз ҳисса ошириб беришга сўз берганини эслаб қолди ва нашриётга беш юз доллар миқдорида аванс юборишларини сўраб мактуб ёзди. Беш юз долларга чек дарҳол келганини кўриб, Мартин ҳайрон қолди. Мартин пулни олтин тангага майдалатиб олиб Гертрудага, сенда гапим бор эди, деб телефон қилди.

Гертруда жудаям шошганидан ҳаллослаб келди. Хунук воқеа юз берганини кўнгли сезиб, у бисотидаги арзимаган пулининг ҳаммасини сумкасига солиб олган эди; у Мартиннинг бошига фалокат тушганига шунчалик ишонган эдики, келиши билан бошини укасининг кўк-

сига қўйиб юм-юм йифлаб, олиб келган пулинни унинг қўлига тутқиза бошлади.

– Ўзим оддингга борардим-у, лекин мистер Хиггинботам билан жанжаллашгим келмади! – деди Мартин. – Борсам, жанжаллашмай қолмасдим, албатта!

– Ҳечқиси йўқ, ҳадемай тинчиб қолади, – деб юпатарди уни опаси ва айни вақтда Мартинга нима бўлганини билишга уринарди. – Лекин тезроқ ишга кир. Бернард ҳалол меҳнат билан кун кечирган одамларни яхши кўради. Ўша газетадаги мақоладан фифони чиқиб кетди-да. Унинг бунаقا куфр бўлганини ҳеч кўрмаганман.

– Мен ишга киришни хоҳламайман, – жилмайиб туриб деди Мартин опасига, – буни менинг номимдан эрингга айтиб қўйишинг мумкин. Менга ҳеч қанака иш керак эмас. Мана сенга бунинг исботи.

Шу гапдан кейин у опасининг этагига юзта беш долларли ярақлаган олтин тангаларни жаранглатиб тўқди.

– Эсингдами, трамвайга пулим бўлмаганда, беш доллар берган эдинг? Мана ўша беш долларинг, яна сийловига турли ёшдаги аммо бир хил қийматдаги тўқсан тўққизта ака-укалари.

Гертруда бу ерга Мартиндан хавотир олиб ҳовлиқиб келган бўлса, энди уни ваҳима, даҳшат чулғаб олди. Шубҳага ўрин қолмаган эди. У энди гумон қилмас, унинг ишончи комил эди. У Мартинга қўрқув аралаш тиқилиб тураркан, гўё бу олтин тангалар уни жаҳаннам оташидай куйдираётгандай, бутун вужуди даф-даф титрарди.

– Ҳаммаси сеники! – деди кулиб Мартин.

Гертруда фарёд солиб ҳўнграб юборди.

– Шўрлик чирофим! Шўрлик бола! – деб йиғларди у.

Мартин бир зумга эсанкираб қолди. Лекин шу заҳотиёқ опасининг нега ҳаяжонлананаётганини пайқаб, китоб нашриётидан келган мактубни кўрсатди. Гертруда уни зўр-базўр ўқиб чиқиб, кўз ёшларини артди-да, ниҳоят, тараддудланиб сўради: Бундан чиқди, бу пулларни ҳалол йўл билан топгансан-а?

– Бўлмасам-чи! Мен уларни ҳатто қимор ўйнаб ютганим ҳам йўқ, меҳнат қилиб топдим.

Опасининг юзи аста-секин ёришди, у мактубни диққат билан яна ўқиб чиқди. Мартин шунча кўп пулни қайси хизмати эвазига олганини тушунтиргунча, жуда қийналиб кетди. Мана шу пуллар опасиники эканлигини, уларга Мартин муҳтож эмаслигини тушунтириш яна ҳам қийин бўлди.

– Бу пулларни банкка сенинг номингга қўйиб қўяман, – деган қарорга келди Гертруда.

– Йўқ! Агар олмасанг, Марияга бераман. Мария буларни нимага харжлашни билади. Мен уй ходимаси ёллаб, одамлардай дам олишингни талаб қиласман.

– Бориб Бернардга айтаман, – деди Гертруда ўрнидан тураркан.

Мартин бир оз хўмрайиб туриб, кейин кулиб юборди.

– Айт, айта қол, – деди у, – балки энди меҳмонга чақирав мени.

– Албатта чақиради! Ишончим комилки, энди чақиради, – деди опаси жон-жаҳди билан Мартиннинг бўйнидан қучоқлаб олиб.

ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Мартин зерика бошлади. У соғлом, кучли эркак эди, аммо қиладиган иши йўқ эди. У ёзишни тарқ этиб, китобларга қарамай қўйғандан кейин, Бриссенденнинг ўлимидан ва Руфъ билан алоқани узганидан кейин ҳаётида теран бир бўшлиқ пайдо бўлди. Бу бўшлиқни у ресторонлар, Миср папирослари билан тўлдиришга уриниб кўрди, лекин уринишлари зое кетди. Тўгри, жанубий денгизлар уни зўр бериб ўзига тортар, лекин назарида, ҳали бу ерда – Қўшма Штатларда ўйин тугамагандек эди. Яқинда унинг иккита китоби босмадан чиқади, балки, бошқаларини ҳам нашр қиладиган топилиб қолар. Бу эса пул дегани, жанубий денгизларга жўнаш учун қопчиқни олтинга тўлдириш керак, бунинг учун яна бир оз сабр қилса бўларди. У Маркиз оролларида бир гўзал водийни биларди, уни минг Чили долларига сотиб олиш мумкин эди. У водий тақасимон кўрфазчадан чўққилари булут билан ўпишган юксак тоғларнинг этакларигача чўзилган эди. У ерда тропик гуллар очилиб ётар, ёввойи чангальзорларида какликлар, қабонлар кўп, тоғларида эса ёввойи итлар таъқиб қилиб юрган ёввойи эчкилар сурув-сурув бўлиб ўтлаб юрарди. Бу табиатнинг қўл тегмаган гўшаси эди. У ерларга ҳеч одам оёғи етмаган эди. Шуларнинг ҳаммасини – водийни кўрфаз билан бирга қўшиб – бир минг Чили долларига сотиб олиш мумкин эди.

Яхши эсида бор, кўрфаз шамолдан яхши тўсилган, ўзи чуқур, йирик океан кемалари ҳам бу ерда лангар ташлаши мумкин, шунинг учун

ҳам Тинч океани маршрути ҳақида маълумот берувчи китобчада бу ер океаннинг шу қисмидаги энг яхши лиман деб тавсия қилинган эди. Мартин шхуна – яхтасимон тезюорар кема сотиб олади-да, марварид овлаш ва копра сотиш билан шуфулланади. Водийда унинг базаси бўлади. У ерда ўзига сардор Таминикига ўхшаган қамиш кулба қуради ва қора тан ерлилардан ишчи ёллайди. У Тайохаэдан келган воситачиларни, тижорат кемаларининг капитанларини, контрабандистларни ва бошпанасиз оқкўнгил денгизчиларни ўз кулбасида қабул қиласди. Унинг дастурхони ёзиглиқ бўлади, меҳмонларни шоҳона дабдаба билан кутиб олади. Эҳтимолки, ўша ерда у илгари ўқиган китобларини ва бошдан-оёқ хом хаёлдан иборат бўлган бу дунёни унугиб юборса.

Лекин бунинг учун Калифорнияда ҳақ деб ўтириб, қопчиғининг олтинга тўлишини кутиш керак. Пул унинг ҳамёнига энди оқиб кела бошлаган эди. Агар ҳеч бўлмаганда биттагина китоби яхши ўтса, қолган қўлёзмаларини осонгина пуллайди. Ҳам водий, ҳам кўрфаз, ҳам шхунага тезроқ мұяссар бўлиш учун яна кичик ҳикоялар ва шеърларни тўплаб чиқариши ҳам мумкин. Энди у ҳеч қачон ёзмайди. Буни Мартин қатъян ва узил-кесил ҳал қилган. Лекин ҳозир китоблари босилаётган пайтда бирон нарса билан банд бўлиш керак. Бундай лоқайдлик билан довдираб юриб бўлмайди.

У якшанба куни Шелл-Моунд-паркда гишт терувчиларнинг сайили бўлишини эшитиб қолди ва ўша ерга бормоқчи бўлди. Илгарилари у бундай сайилларга тез-тез қатнаб турарди, шунинг учун бунақа сайилнинг қандай ўтишини

жуда яхши биларди, ҳозир ҳам паркка кириши билан күнглида күпдан унутилиб юборган ҳислар уйғонганини сезди. Ҳарна бўлганда ҳам ишчи аҳди орасида у бегона эмас. У шу муҳитда туғилиб, шу муҳитда ўсди, қисқа муддатли жудоликдан кейин яна шу муҳит қучогига кирганидан хурсанд эди.

– Ие, ўзимизнинг Март-ку! – деган овозни эшитди у бирдан ва кимдир дўстларча қўлини унинг елкасига қўйди. – Қаёқларда юрибсан, қария! Денгиз сафарида мидинг, дейман? Қани, ўтири, тортамиз!

Мартиннинг ҳамма эски улфатлари шу ерда эди, факат онда-сонда нотаниш одамлар учраб қолар, эски ошналардан ҳам баъзи бирлали кўринмасди. Бу улфатларнинг фишт терувчиларга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, лекин бир вақтлардагидек улар рақс тушиш, шанғиллаб у ёқдан-бу ёқдан гаплашиш, куч синашиш мумкин бўлган биронта ҳам якшанбалик сайилни канда қилишмасди. Мартин улар билан ичишиб жонланиб кетди. Аҳмоқлигидан улфатларидан орқада қолган экан! Шу дақиқада у, агарда ўз муҳитимдан чиқиб кетмаганимда, китобий илмлар орқасидан қувиб, ўзини мендан юқори қўйган жамият кишиларига эргашмаганимда, минг карра бахтироқ бўлардим, деб қатъий ишонч ҳосил қилди. Бироқ пиво бир вақтлардагидек мазали эмас, таъми жуда бошқача эди. Чамаси, Бриссенден уни оддий пиво ичишдан бездирганга ўхшайди, балки ёшлиқдаги хушчақчак ўртоқлари билан дўсто на алоқа қилишдан бездирган нарса китоблардир? У бундай эмаслигига қаноат ҳосил қилиш учун рақс тушгани павильонга кетди. Бу ерда у

опасиникида ижарага турувчи сувсоз Жимми-ни кўриб қолди; у баланд бўйли сариқ соч қиз билан рақс тушаётган эди, қиз ҳам Мартинни кўриши билан Жиммини ташлаб, у билан рақс туша бошлади. Мартин билан сариқ соч қиз чирпирак бўлиб ўйинга тушаётганида Жиммининг ошналари уни мазах қила бошлашди.

– Бўлган-тургани шу, – деб жавоб қилди Жимми уларга. – Менинг жаҳлим чиқмайди. У билан дийдор кўришганимдан жудаям хурсандман! Рақс тушишни ҳам қийиб юборди-да, омон бўлгур! Биронта қиз ҳам ўзини тўхтатолмайди!

Лекин Мартин инсофга келиб, сариқ соч қизни Жиммининг олдига етаклаб олиб келиб берди, шундан кейин учовлари яна беш-олтита дўстлар билан бирга хохолаб кулишиб, вақтичоғлик қила бошлашди. Ҳаммалари Мартиннинг қайтиб келганидан хурсанд эди. Ҳали унинг битта ҳам китоби босмадан чиққани йўқ эди, демак, уларнинг Мартинга бўлган эҳтироми сохта эмасди. Улар уни қандай бўлса, шундайлигича севардилар. У ўзини қувфиндан қайтган шаҳзодадек ҳис қиласди, унинг танҳо қолган қалби шу самимий ва бевосита шодлик ҳароратидан исина бошлаган эди. У севинганидан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Чўн-такларида жиринглаган долларларни очиқ қўл билан харжлай бошлади: бир вақтлар, денгиз сафаридан қайтиб келгандა ҳам худди шундай сахийлик қиласди.

Мартин тўсатдан рақс тушаётганлар орасида Лиззи Коноллини кўриб қолди: у қандайдир бир ишчи йигитнинг қучогида чирпирак бўлиб айланарди. Бир оз вақтдан кейин павильонни

айланиб юриб, қизни муздек ичимликлар ичиладиган столча ёнида ўтирганини кўриб қолди ва унинг олдига борди. Лиззи Конолли уни кўриб ажабланди ва хурсанд бўлди. Улар ҳолаҳвол сўрашгандан кейин паркка боришиди, у ерда мусиқа овозини босиш учун бақириб гаплашиш шарт эмасди. Учрашувнинг биринчи дақиқасидаёқ қиз тамомила унинг ихтиёрида эканлиги Мартинга аён бўлди. Буни қизнинг чақнаб турган нам кўзларида ҳам, ҳаракатларидаги виқорли итоаткорликдан ҳам, Мартиннинг ҳар бир сўзини бутун вужуди билан берилиб тинглаётганидан ҳам пайқаш мумкин эди. Мартиннинг қаршисида турган қиз бир вақтлар у театрда учратган ёшгина қизга энди ўхшамас эди. Лиззи Конолли энди аёл эди, Мартин қизнинг тийрак, фурурли латофати гул-гул яшнаб кетганини дарҳол пайқади; тийраклиги ўша-ўша эди, лекин фурурини тийишга ўргангана ўхшайди.

– Соҳибжамол, ҳақиқий соҳибжамол, – деб пицирлади беихтиёр завқданиб кетган Мартин. Қиз ҳозир Мартиннинг бир имо-ишораси билан унинг кетидан дунёнинг нариги бурчига ҳам кетишдан тоймасди, буни йигит жуда яхши тушунарди.

Худди шу пайт у бошига келиб теккан қаттиқ зарбдан йиқилиб тушишига сал қолди. Зарб мушт билан урилган эди, урган одам Мартиннинг қуий жафини мўлжалга олган бўлса кераг-у, лекин шошганидан ва фазабланганидан хиёл янглишганга ўхшайди. Мартин орқасига ўгирилганда рақиб иккинчи марта мушт туширмоқчи бўлиб турган эди, Мартин эпчилик билан чап бериб қолди, мушт мўлжалга тегма-

ди, шунда Мартин чап қўли билан рақибини уриб йиқитди. Лекин у яна сапчиб ўрнидан туриб кетди. Мартин қархисида турган бу одамнинг fazabdan бужмайган башарасини кўраркан, нима қилиб бу одамнинг аччини чиқардим экан, деб таажжубда қолди. Бироқ бу таажжуб, рақибининг ҳамласини яна даф қилишга ва уни куч билан уриб қулатишга ха-лақит бермади. Жимми ва бошқа танишлар жанг бўлаётган ерга чопиб келаётган эдилар.

Мартин завқланганидан титради. Бир замонлардаги баҳтиёр кунлари: рақслар, ўйин-кулгилар, муштлашишлар яна қайтиб келган эди! У рақибини кўздан қочирмай туриб, ялт этиб Лиззи Коноллига қараб қўйди. Одатда бунақа муштлашишлар пайтида қизлар чинқириб юборишарди, лекин Лиззи чинқирмади. У нафасини ичига ютиб, бутун вужуди билан олдинга энгашганча қўлинни қўксига бо-сиб қараб турарди, ёноқлари лов-лов ёнар, кўзлари завқ-шавқдан порларди.

Бу орада, Мартинга ҳужум қилган одам сакраб ўрнидан турди, у Жимми ва унинг ўртоқла-ри қўлидан чиқишига уринарди.

– Бу қиз мени кутаётган эди! – деб қичқирди у fazab билан. – Мени кутаётган эди, мана-ви шилқим олиб кетиб қолди! Қўйворинг! Мен унга онасини кўрсатиб қўяман!

– Эсингни еб қўйибсан! – дерди Жимми йи-гитни маҳкам ушлаб туриб. – Бу ахир Март Иден бўлади. Сен, яххиси, у билан ўчакиша-ма. Шунақанги таъзиiringни берадики, онадан туғилганингга пушаймон бўлиб юрасан.

– Нега бўлмаса қизимни етаклаб кетади? – деб бақирди у.

– У саёқ голландияликни енгган, унинг қанақа йигит бўлганини ўзинг яхши биласан! Уни бешинчи қур олишувда йиқитди! Сен бўлсанг бир дақиқа ҳам бардош бера олмайсан. Билдингми?

Бу хабар, афтидан, йигитнинг бир оз ҳовурини босди; у Мартинни бошдан-оёқ диққат билан кузатиб чиқди, ҳамон чиранса ҳам энди аввалги жаҳлидан тушган эди.

– Ишонмайман.

– Саёқ голландиялик ҳам мана шунақа ишонмаган эди, – деб эътиroz билдириди Жимми. – Юр! Парво қилма бунга! Нима, бошқа қиз қуриб қоптими?

Йигит ниҳоят унинг гапига кўнди, шундан кейин улфатлар павильон томон кетишиди.

– Ким у? – деб сўради Мартин Лиззидан. – Нега бунчалик favго кўтарди?

Мартиндаги муштлашишга иштиёқ яна сўна бошлади, илгарилари бунинг акси бўларди. У ўз-ўзини таҳдил қилишга одатланганидак, бевосита ҳис қилиш ва фикр юритишдан маҳрум бўлганини эътироф этиб хафа бўларди.

Лиззи бош чайқаб қўйди.

– Шундай, бир йигит, – деди у, – кейинги пайтларда у билан бирга юрган эдим.

Бир оз сукутдан кейин яна илова қилди.

– Шунчаки зерикканимдан... Лекин мен ҳеч эсимдан чиқарганим йўқ... – қиз овозини пасайтириб, кўзларини бўшлиққа тикди. – Сиз турган ерда унга қиё ҳам боқмасдим!..

Мартин қизга тикиларкан, ҳозир қўл узатсам бас, қучофимга отилади, деб ўйларди; лекин қизнинг оддий сўзларини тингларкан, китобий тумтароқ сўзларга шунча катта эътибор

бериш шартмикин, деб ўйланиб қолди ва... қызга жавоб қилишни унутиб қўйди.

– Роса адабини бердингиз-да, – деди Лиззи кулиб.

– Чайир йигит экан, – олийжаноблик билан эътиroz билдириди Мартин. – Олиб кетишмагандан, у билан анча-мунча овора бўлган бўлардим.

– Сиз билан бирга кўрганим ўша ёш хоним ким эди? – деб сўраб қолди бирдан Лиззи.

– Шундай, бир таниш, – жавоб берди Мартин.

– Анча бўлди бунга, – хаёлга толиб деди қиз.

– Худди бундан минг йил илгари бўлганга ўхшайди!

Мартин жавоб қилмай, суҳбат мавзуини ўзгартириди. Улар ресторанга боришиди. Мартин винолар ва қимматбаҳо таомлар буюртириди, кейин то Лиззи чарчаб қолгунча у билан, ёлғиз у билан рақс тушди. Мартин жуда яхши рақс тушарди, шунинг учун қиз завқланганидан гўё қанот ҳосил қилгандай, оёфи ерга тегмай чириллаб айланарди; у бошини Мартиннинг қўксига қўйиб олган ва бу ҳолат мангу қадар давом этишини истарди. Кейин, улар яна паркка боришиди, у ерда эски ва ажойиб одат бўйича қиз майса устида ўтириди, Мартин эса бошини унинг тиззасига қўйиб ётди. Бир оздан кейин у мудраб кетди, қиз эса бутун вужудини қамраб олган ҳисга астойдил берилиб, меҳрибонлик билан унинг соchlарини силай бошлади.

Мартин бирдан кўзини очди ва қизнинг кўзлари латиф муҳаббат изҳор этаётганини пайқади. Қиз аввалига хижолат тортгандай бўлди, лекин шу заҳоти хушини йифиб олиб, Мартинга тик ва дадил боқди.

– Шунча йиллардан бери доим сизни кутган эдим, – деди қызы шитилар-шитилмас.

Мартин унинг рост гапираётганини, бу ажайиб ва гўзал ҳақиқат эканини ҳис қилди. Унинг кўнглида шайтон вассваса қила бошлиди; бу қизни хушбахт қилиш унинг қўлидан келарди. Модомики, баҳтиёр бўлиш унинг ўзига насиб бўлмаган экан, нечун ўзгани баҳтиёр қилмасин? У Лиззига уйланиб, уни ўзи билан Маркиз оролларига олиб кетиши мумкин эди. У шайтон вассвасасига учишни жудаям хоҳларди, лекин аллақандай дохилий овоз унга бундай қилмасликни буюарди. У ўз хоҳишига қарамай, ўз муҳаббатига содиқ қолган эди. Эркинлик ва енгилтаклик билан ўтган кунлар адогига етди. Уларни қайтариб бўлмасди. Мартин ўзгариб кетган эди, қанчалик ўзгарганини у фақат ҳозир англади.

– Мен эрлика ярамайман, Лиззи, – деди у жилмайиб.

Қизнинг қўли бир онга тўхтаб қолди, лекин кейин бармоқдари яна унинг сочини меҳрибонлик билан силай бошлиди. Мартин қизнинг юзида тўсатдан шиддатли ва кескин ифода пайдо бўлиб, тезда сўнганини, яна юзларига майин қизиллик югуриб, кўзлари мулоийм ва навозиш билан нигоҳ ташлаганини пайқади.

Лиззи:

– Мен ундей демоқчи эмасдим... – деб гап бошлиди-ю, тутилиб қолди. – Ҳар ҳолда мен учун бунинг фарқи йўқ. Ҳа, ҳа, фарқи йўқ менга, – деб такрорлади қиз. – Сиз билан дўст бўлганимдан фахрланаман. Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёрман. Бўлганим шу – онадан шу феълим билан туғилганман.

Мартин туриб ўтирди. У қизнинг қўлини олиб, уни меҳрибонлик билан сиқди, лекин бу ҳаракатида эҳтирос сезилмасди, меҳрибонлиги Лиззига совуқ туюлди.

– Бу ҳақда оғиз очмайлик, – деди қиз.

– Сиз жуда ажойиб, оқкўнгил қизсиз, – деди Мартин, – сиз билан дўст бўлганим учун мен фахрланишим керак. Мен фахрланаман, ҳа! Мен учун сиз бамисоли зулмат ичра бир шуъласиз, сиз менга нисбатан қанчалик инсофли бўлган бўлсангиз, мен ҳам сизга нисбатан шунчалик инсофли бўламан.

– Менга нисбатан инсофлисизми, йўқми, мен учун барибир. Мен билан қўнглингиз истаган ишни қилишингиз мумкин. Хоҳласангиз, лойга қориштириб, топтаб ташланг. Лекин буни фақат сиз қилишингиз мумкин, – деди қиз бошини виқор билан адл кўтариб, – мен болалик чоғимдан ўзимга ўзим хўжайин бўлишга одатланганман.

– Мана шунинг учун ҳам, мен сизга нисбатан инсофли бўлишим керак, – мулоиймлик билан деди Мартин, – сиз шундай чиройли ва олийжаноб қизсизки, мен ҳам сизга нисбатан олийжаноблик қилишим керак. Мен уйлана олмайман ва илгаригидек сева... ҳа, шунчаки сева олмайман ҳам. Бугун сиз билан учрашиб қолганимдан жуда афсусланяпман. Лекин ўзга иложим йўқ. Ҳеч бунаقا бўлади деб ўйламаган эдим. Ахир сизга муносабатим жуда яхши-ку, Лиззи, қанчалик яхшилигини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Бу ҳам оз, мен сизга қойилман, қаршингизда тиз чўкаман. Сиз ажойиб, чинакамига ажойиб қизсиз! Лекин бу гапларни сизга айтиб ўтиришдан нима фойда? Ме-

нинг қўлимдан фақат бир иш келади. Сизнинг турмушингиз оғир бўлган. Ижозат берсангиз, енгиллаштирсам! – Қизнинг қўзларида шодлик учқунлари чақнаб яна сўнди. – Яқинда мен кўп пул оламан! Жуда кўп пул!

Шу он Мартин водий ва кўрфазни ҳам, қамишдан қурилган кулба ва оқ яхтани ҳам унтиб юборди.

Бундай ўйлаб қаралса, нима керагиям бор буларнинг ҳаммасини! Ахир у истаган кемасида истаган томонга бемалол сафарга жўнаб кетиши мумкин.

– Шу... шуларни мен сизга бермоқчи эдим. Сиз ўқишига киришингиз ва бирон ҳунар ўрганишингиз мумкин. Стенографистка бўлишингиз мумкин. Мен ёрдам бераман. Балки, отонангиз ҳали тириқдир? Мен, масалан, уларга бақдоллик дўкони очиб беришим мумкин эди. Кўнглингиз нима тилайди, айтсангиз бўлди, ҳаммасини бажо келтираман.

Лиззи ёшсиз қўзларини бўшлиққа тикканча қимир этмай ўтирас, Мартинга жавоб ҳам қайтармасди. Қизнинг томофига бир нарса тиқилиб, нафас олишга халақит берарди, шу чоқ бирдан Мартин ҳам қизнинг қандай аҳволда эканини тушунди, унинг ҳам томофига бир нима қаттиқ ботди. Бу ҳақда гап очмаслик керак эди. Мартин тавсия қилаётган нарса қиз бермоқчи бўлган нарса олдида арзимаган маттаҳ эди. Мартин қизга ўзида ортиқча бўлган нарсани тавсия қилаётган эди ва шу нарсасиз ҳам куни ўтарди, қиз эса шарманда бўлишдан, гуноҳга ботишдан, мангу азобдан ҳам қўрқмай бутун борлигича ўзини унга топшираётган эди.

– Бу түгрида гаплашмайлик, – деди қиз ва томоғига тиқилиб нафас олишига халал берәтган нарсадан қутулиш учун йүтәлиб қўйди.
– Кетадиган вақт бўлди! Мен чарчадим!

Сайил тугаган, одамлар деярли тарқалиб бўлган эди. Лекин Мартин билан Лиззи дараҳтлар орасидан чиқиб, ўзларини кутиб турган бир тўда одамни кўришди. Мартин вазиятга дарров тушунди. Бу муштлашишга кўрилаётган тайёргарлик эди. Бу одамлар уларнинг ҳимоячилари эди. Ҳаммалари биргаликда паркнинг дарвозаси томон йўл олдилар, улардан сал нарироқда бошқа бир тўда ҳам дарвоза томон юриб бораради. Лиззининг омади юришмаган ошиғи таҳқирлангани учун қасос олиш мақсадида шерикларини тўплаган эди. Бир неча полисмен тўқнашув бўлишини сезиб, иккала тўдани ҳам Сан-Францискога борадиган поездгача кузатиб қўйишиди. Мартин Ўн олтинчи кўчада тушиб, Окленд трамвайига чиқиб оламан, деб Жиммини огоҳлантириб қўйди. Лиззи атрофидаги ҳодисаларга бепарво эди.

Поезд Ўн олтинчи кўчанинг оғзида тўхтади. Бу ерда йўловчиларни кутиб турган трамвай кондуктори сабрсизлик билан занг чаларди.

– Қани, қизни ол-да, жуфтакни ростла! – деб қичқирди Жимми. – Тез бўл! Уларни биз шу ерда тутиб турамиз.

Рақиблар тўдаси аввалига бу найрангдан эсанкираб қолишиди, лекин шу заҳотиёқ вагондан тушиб қочаётганларнинг изига тушишиди.

Трамвайдаги ўтирган йўловчилар чопиб келиб трамвайга чиққан ва бурчакдаги иккита бўш ўринга бориб ўтирган йигит билан қизга унча

аҳамият бермадилар. Трамвай зинасига чиқиб олиб, вагон ҳайдовчига:

– Қани, бўла қол, ошна, ҳайда трамвайнингни! – деб қичқирган Жиммига йигит билан қизнинг алоқаси борлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

Орадан бир зум ўтмай Жимми муштларини ишга солди, трамвайга сакраб чиқиб олмоқчи бўлган биринчи ҳарифни даф қилди. Ҳамма муштлар ишга тушиб кетди. Жиммининг ўртоқлари очиқ вагон ёқалаб чўзилган узун пиллапояни банд қилган эдилар ва ҳужумни мардларча қайтариб турардилар. Трамвай қаттиқ-қаттиқ занг чалиб ўрнидан қўзғалди ва Жиммининг дўстлари пиллапоядан сакраб тушиб қолдилар. Жанг майдони орқада қолиб кетди, лекин трамвайнинг бир бурчагида ўтирган олифта йигит билан дўндиққина ишчи қиз шу жанжалнинг сабабчиси экани бу ерда ўтирганларнинг хаёлига ҳам келмасди.

Тўқнашув Мартинни ҳаяжонга солиб қўйди. Унинг уришқоқдиги қўзғаб кетди. Лекин бир оздан сўнг яна одатдагидек қайфу-alamга ботди. У қартайиб қолган эди, бегам ёшликтаги бегам ўртоқларидан катта, ораларида бир неча юз йиллик фарқ бор эди. У ниҳоятда узоқ йўл босиб ўтди, энди орқага қайтиш тўғрисида ўйлаб ҳам бўлмасди. Ўзининг бир вақтлардаги ҳаёт кечириш тарзи ҳам уни энди қизиқтирмасди. Аввалги дўстлари унга бегона бўлиб қолган эдилар. Уларнинг турмуши, ўзи ичишни тарк этган арzon пиво сингари bemаза эди. У ҳаддан ташқари илгарилаб кетган эди. Мутолаа қилинган минглаб китоблар гўё девор

сингари уларни бир-бирларидан ажратиб турарди. У ўз ихтиёри билан ўзини бадарга қилди. Ақд-идрокнинг поёнсиз далаларига саёҳат қилиш истаги уни қамраб олди, лекин у ердан орқада қолган жойга қайтиш учун имкон йўқ эди. Бироқ у одамгарчиликдан чиқиб қолмади, ҳамон одамлар уни ўзига жалб қиласарди.

Лекин ҳозирча унинг янги ватани ҳам йўқ эди. Уни дўстлари ҳам, қариндошлари ҳам буржуа даврасидаги янги танишлари, ҳатто ўзи юксак қадрлаб, ҳурмат қилган мана бу қиз ҳам тушунмас эди. Шу ҳақда у ташвиш ва алам билан ўйларди.

Мартин қизни Олтинчи кўча билан Маркет-стрит ўртасидаги ишчилар маҳалласигача кузатиб қўйиб, у билан хайрлашаркан:

– Ярашинглар, – деб маслаҳат берди.

Бу билан Мартин бугун беихтиёр ўрнини эгаллаган ёш йигитни назарда тутаётган эди.

– Иложим йўқ... энди, – деб жавоб қилди қиз.

– Парво қилманг! – Шўх оҳангда деди Мартин.

– Бир имо қилсангиз бас, физиллаб келади.

– Гап бунда эмас, – деб лўндагина қилиб айтиб қўя қолди қиз.

Бу билан нима демоқчи бўлганини Мартин шу заҳотиёқ тушуниб олди.

Бирдан Лиззи унга талпинди. Бу ҳаракатда талаб ва ҳаёсизликни эслатувчи ҳеч қандай нарса йўқ эди. Бу қўрқа-писа қилинган итоаткорона ҳаракат эдиким, у Мартиннинг юрагини эзиб юборди. Унинг табиатидаги раҳмдиллик уйғонди. У Лиззини қучоқлаб астойдил ўпди; дунёда шу қиз дудоқларининг бўсасидан мусаффороқ ва маъсумроқ бўса бўлмаган эди.

– Э, худо, – деб пиқиллаб йиглади қиз. – Мен сиз учун жонимни қурбон қиласдым!.. Жонимни аямасдим.

Қиз бирдан Мартиннинг бағридан отилиб чиқди-да, дарвозага кириб, күздан фойиб бўлди. Мартиннинг кўзлари намланди.

– Мартин Иден, – деб гўлдиради у, – сен ҳеч қандай ёввойи ҳам эмассан, сендан дурустгина ницшепараст ҳам чиқмайди. Сен шу қизга уйланиб, уни хушбахт қилишинг керак эди, у баҳтга талпиняпти. Лекин бу сенинг қўлингдан келмайди. Бу албатта уят ва шармандалик! «Дарбадар қария нола чекади», деб гўлдиради у Гэнлини эслаб: «Ҳаётимиз хато-ю шармандаликдан иборат». Ҳа, ҳаётимиз хато-ю шармандаликдан иборат!

ҚИРҚ УЧИНЧИ БОВ

«Шарманда бўлган қуёш» октябрь ойида босмадан чиқди. Мартин ношир томонидан юборилган олтита китоб солинган почта бандеролини очаркан, қалби изтиробда, кўнгли фаш эди. Мабодо, шу ҳодиса бундан бир неча ой бурун содир бўлганда қандай зўр шодликка сабабчи бўларди, аммо ҳозирги совуқ лоқайд-лигим ўша шодликка асло ўхшамайди, деб ўйларди у. Қаршисида, стол устида унинг китоби, унинг биринчи китоби ётарди, юраги эса ҳеч воқеа содир бўлмагандай бир меъёрда тепар ва ҳасратдан бошқа нарсани сезмас эди. Энди бунинг аҳамияти қолгани йўқ. Жуда нари боргандা, бу китоб учун пул олади, холос, лекин энди унга пулнинг нима кераги бор?..

У китобининг бир нусхасини олиб, ошхонага чиқди-да, уни Марияга ҳадя қилди.

– Бу китобни мен ёзганман, – деб тушунтира бошлади у аёлнинг ҳайрон бўлиб турганини кўриб. – Мен буни мана шу ҳужрада ёзганман, ўйлайманки, сиз берган шўрва буни ёзишимда менга катта дармон бўлган. Буни олиб сақлаб қўйинг. Кўзингизга тушган пайтларда мени эслаб турасиз.

Мария олдида мақтанишни Мартин хаёлига ҳам келтирмаган эди. У фақат бу аёлнинг кўнглини кўтариб қўймоқчи, узоқ йиллик ишончни оқдамоқчи эди. Мария китобни меҳмонхонага олиб кириб, оилада сақланадиган таврот ёнига қўйди. Уйида истиқомат қилган киши томонидан ёзилган бу китоб унинг учун муқаддас бир хотира, дўстлик рамзи эди. Энди Мария ҳатто Мартиннинг бир вақтлар кирхонада оддий ишчи бўлиб ишлаганини ҳам унутиб юборган эди. У китобнинг бирон сатрини ҳам тушунмас, лекин шунга қарамай, унинг ҳар бир сатри ажойиб деб қатъий ишонарди. Бу оддий, соддадил, заҳматкаш аёл жуда қимматли бир фазилатга – одамларга ишониш фазилатига эга эди.

Мартин муаллиф нусхаларини қандай лоқайдлик билан қарши олган бўлса, газета-журналларда унинг асарлари ҳақида босилган фикр-мулоҳазаларни ҳам шундай лоқайд қарши олди; газетадаги мулоҳазаларни қирқиб тегишли одамларга юбориш шўъбаси Мартинга ҳар ҳафтада бунақа мулоҳазалардан анча-мунчасини юбориб турарди. Китоб жуда катта шов-шувга сабабчи бўлди, бу яққол кўриниб турарди. Ҳа, дуруст, демак, Мартиннинг қопчиғи тезроқ олtingга тўла-

ди. Лиззини дурустроқ ерга жойлаштириш мумкин, ҳамма берган ваъдаларини бажариши ва ахири қамишдан қурилган саройига бориб жойлашиши мумкин.

«Синглтри, Дарилей ва ширкати» нашриёти эҳтиёт шарт деб атиги бир ярим минг нусха босган эди, лекин дастлабки тақризлар чиқиши биланоқ, уни иккинчи марта, уч минг нусхада нашр қилишга тўғри келди, орадан кўп вақт ўтмай учинчи марта, бу сафар беш минг нусхада нашр қилинди. Лондон фирмаларидан бири китобнинг инглизча нашри ҳақида музокара юрита бошлади. Франция, Германия ва Скандинавия мамлакатларидан эса китобни таржима қилиш шартлари ҳақида мактублар кела бошлади. Метерлинк таълимоти ўз вақтида танқид қилина бошланган эди. Шиддатли мунозара авж олди. Салиби билан Геккель биринчи марта Мартинга маслакдош бўлишиб, «Шарманда бўлган қуёш»ни ёқлаб чиқишиди. Крукс билан Уоллес қарши чиқишиди, сэр Оливер Лож эса ўзининг хусусий космик фалсафаси фойдаси учун муросага келиш йўлини ахтара бошлади. Метерлинк тарафдорлари мистицизм байроби остига тўпланишди. Гўё бу урф тусини олган мавзуни бетараф туриб шарҳловчи бир қатор мақолалар ёзган Честертон бутун жаҳонни кулдирди, Бернард Шоу эса ўзининг ўткир мутойибалари селини халойиқ бошига ёғдирдики, бу сел баҳслашувчиларни ҳам, баҳс мавзуини ҳам кўмиб кетишига сал қолди. Бу йирик намояндалардан бошқа майдонга кичикроқ арбоблар ҳам отилиб чиққани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, хуллас, бу шовшув бутун оламга таралди.

«Бунақа воқеа ҳеч қачон бўлган эмас, – деб ёзган эди «Синглтри, Дарилей ва ширкати» фирмаси, – танқидий-фалсафий китоб худди романдек тарқаляпти. Бундай муносиб мавзуни топиш қийин, бунинг устига, мавжуд вазиятнинг ҳаддан ташқари қулайлиги ҳам қўл келди. Кўнглингиз тўқ бўлсин, вазиятдан имкони борича яхшироқ фойдаланиб қолишга ҳаракат қиласиз. Қўшма Штатлар билан Канадада китобингиз қирқ минг нусхада тарқалди, ҳозирги пайтда йигирма минг нусхада янги нашри босиляпти. Биз китобхонлар эҳтиёжини қондиришга зўрға улгуряпмиз. Иккинчи томондан эса, эҳтиёжни ошириш учун ўзимиз ҳам озмунча ҳаракат қилганимиз йўқ. Биз реклама учун беш минг доллардан ортиқ пул сарфладик. Бу китоб рекорд қўяди.

Ушбу билан бирга сизнинг навбатдаги китобингиз учун шартнома лойиҳасини қўшиб юбориш шарафига мұяссар бўлдик. Гонорарингиз миқдорини йигирма фоизга оширганимизга эътибор беринг – бу бизнинг нашриётимиздек йирик ширкатнинггина қўлидан келадиган энг юқори гонорар. Агар шартимизни мақбул кўрсангиз, марҳамат қилиб, шартномага китобингизнинг номини ёzsангиз. Биз китобингизнинг мазмуни ҳақида ҳеч қандай шарт қўймоқчи эмасмиз. Истаган мавзудаги, истаган китобингизни ёзаверинг. Агар биронта тайёр асарингиз бўлса, нур устига аъло нур. Пайсалга солиш керак эмас. «Темирни қизифида бос», деганлар.

Сиз имзо чеккан шартнома қўлимизга тегиши билан беш минг доллар миқдорида аванс юборамиз. Кўриб турибсизки, биз сизга ишонамиз ва масъулиятдан қўрқмаймиз. Балки сиз билан жами асарларингизни муайян бир

муддатга, чунончи, ўн йил муддат ичидә фақат бизнинг нашриётда нашр этиш ҳуқуқи ҳақида маҳсус келишиб олармиз. Хўп, бу масалага яна қайтамиз».

Мартин мактубни четга қўйиб, ҳисоб-китоб билан шуғуллана бошлади ва ўн беш центни олтмиш мингга қўпайтирган эди, ҳосил тўққиз минг доллар бўлди. У шартномага «Шодлик тутуни» деб янги китобининг номини ёзди-да, имзо чекди ва унинг ёнига йигирмата кичик ҳикояларини кўшиб, ноширга юборди; буларни у газета фельетони ёзиш усулини топмасдан олдин ёзган эди. Натижада, Америка почтасига хос суръат билан беш минг долларга чек келди.

– Бугун соат иккида мен билан шаҳарга борсангиз, Мария, – деди Мартин чекни олгач. – Ёки яххиси, роса соат иккида сиз билан Ўн тўртинчи кўча билан Бродвей муюлишида учрашсак.

Мария тайинланган вақтда етиб борди, у нима гап экан, деб жуда қизиқсина бошлаган эди, аммо қанча ўйламасин, гумони янги пойафзалдан нари ўтмади. Шунинг учун ҳам Мартин пойафзал дўкони ёнидан ўтиб кетиб, уни қандайдир бир маҳкамага бошлаб кирганида Мариянинг ҳафсаласи пир бўлди.

Шундан кейин юз берган воқеалар Мариянинг хотирасида ажойиб туш сингари умрбод сақланиб қолди. Башанг кийинган жентльменлар Марияга эҳтиром билан жилмайишиб, Мартин билан ва ўзаро суҳбатлашишарди. Машинка чиқилларди. Афтидан, жуда муҳим кўринган бир қофозга имзо чека бошлашди. Мария яшаб турган уйнинг эгаси ҳам шу ерда эди, у ҳам имзо чекди.

Улар күчага чиқишиганда уй эгаси Марияга деди:

– Ана энди, Мария, бу ой менга етти ярим доллар ижара ҳақи түламайсиз.

Мария таажжубдан лол бўлиб қолди.

– Бундан кейинги ойларда ҳам түламайсиз, – деб давом этди уй эгаси.

Гўё уй эгаси унга шафқат кўрсатгандай, Мария унга миннатдорчилик билдира бошлади. Лекин у фақат уйга келиб, қўни-қўшнилари билан ва биринчи галда португалиялик баққол билан гаплашгач, шунча йилдан бери ижара ҳақи тўлаб, яшаб келаётган шу кичкинагина уй бундан буён ўзининг хусусий мулкига айланганини тушунди.

Трамвайдан тушиб уйга кетаётган Мартинни кўрган португалиялик уни ўз дўстидек чақирди:

– Нега энди мендан ҳеч нима сотиб олмаяпсиз?

Мартин, ҳозир уйда овқат пиширмаяпман, деди, шундан кейин баққол уни ўзи билан бир шипса вино ичишга таклиф этди. У Мартинни дўконидаги энг яхши вино билан сийлади.

– Мария, – деди ўша куни кечқурун Мартин, – мен уйингиздан кетяпман. Ўзингиз ҳам яқинда бу ердан кетасиз. Энди уйингизни биронта одамга топшириб, ойма-ой ижара ҳақи олиб туришингиз мумкин. Сан-Леандродами, ё Хэйвордсдами, сут хўжалиги билан шуғулланувчи акангиз бор эди, шекилли? Гап бундай, мижозларингизнинг кирларини ювмасдан – тушуняпсизми? Ювмасдан қайтариб беринг-да, ўша Сан-Леандрога ёки Хэйвордсга, хуллас, акангизнинг олдига жўнанг... Айтинг, мен у билан гапла-

шишим керак. Мен Оклендда «Метрополь» меҳмонхонасида тураман. Балки, кўз остига олиб қўйган дурустроқ сут фермаси бордир.

Мана, Мария ҳам уй-жойли, ҳам фермали бўлиб олди; унинг қўлида оғир ишларни бажа-рувчи иккита ишчи ишларди, банқдаги жорий ҳисоб рақами эса болаларининг энди дуруст кийинган бўлишига ва мактабга қатнашига қарамай, тобора ўсиб борарди. Ҳаётда афсонавий шаҳзодани учратиш камдан-кам одамга насиб бўлади. Лекин оғир меҳнатдан боши гангигиб қолган ва ҳеч қандай шаҳзодани хаёлига ҳам келтирмаган Мария шундай шаҳзодани собиқ кирхона ишчиси сиймосида учратди.

Бу орада жамоатчилик Мартин Иден ким ўзи деб қизиқиб қолди. У ноширларга ўзи ҳақида биографик маълумот беришдан бош тортди, лекин газеталардан қутулиш унчалик осон эмасди. У Оклендда туғилган эди, шунинг учун мухбирлар Мартинни болалик чоғидан биладиган анча-мунча одамларни қидириб топишиди. Шундай қилиб, газеталарда унинг ким бўлган-у, ким бўлмагани; нима иш билан шуғулланган-у нима билан шуғулланмагани ҳақида муфассал маълумотлар босила бошлади. Мақолалар расм ва фотосуратлар билан безатилди, бир вақтлар Мартинни суратга олган уддабуррон фотограф топиленди, энди у суратларини боплаб пуллаб турарди. Мартин аввалига бу шов-шувга қарши чиқди, у ҳанузгача журналларга ва буржуа жамиятига адоват кўзи билан қарапарди. Лекин бора-бора қўникиб қолди, шундай қилса суяги тинчроқ бўларкан. Махсус мусоҳаба учун жуда узоқлардан келган мухбирларни қабул этмаслик унга ўнгайсиз бўлиб туоларди.

Бундан ташқари, у ёзувчиликни тарк этиб, китоб мутолаасини йифиштириб қўйгандан буён қунлари шу қадар секин ўтардики, вақтини бирон нарса билан банд қилиши керак бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам унга эрмак керак эди: журналистлар билан мусоҳаба юритиб, ўзининг адабий ва фалсафий назариясини изҳор этар, ҳатто бадавлат буржуа хонадонларининг таклифларини ҳам қабул қиласи эди. Бирдан у ўзини бениҳоя хотиржам ҳис эта бошлади. Унга ҳеч нарса таъсир қилмас эди. У ҳаммани ва ҳамма нарсани кечирди, ҳаттоки бир вақтлар уни хавфли социалист деб тасвирлаган ёш муҳбирнинг ҳам гуноҳидан ўтиб, фотосуратлар билан безалган бир саҳифали сухбат ўтказди.

Мартин ора-сира Лиззи билан кўришиб турарди, лекин қиз унинг бу қадар машҳур бўлиб кетганидан афсусланаётганини Мартин тушунарди. Улар ўртасидаги жарлик яна ҳам кенгайди. Эҳтимолки, Лиззи ана шу жарлик устига кўпприк ташлаш мақсадида Мартиннинг гапига кириб, кечки мактабга ва стенографисткалар курсига қатнай бошлагандир; энг моҳир машиначига жуда қиммат кўйлак тикирганининг боиси ҳам шудир. Қизнинг тез суръат билан илмни ўзлаштириши, охири, Мартинни тўғри иш қиляпманни ўзи, деб ўйлашга мажбур этди. Лиззи нимаики қилса, ҳаммасини Мартин туфайли қиласарди, буни Мартин яхши биларди. Қиз унинг кўз олдида юксалишни истар, Мартин қадрлайдиган хислатларни касб этишни истарди. Мартин эса, уни асло умидвор қилмас, у билан жуда камдан-кам учрашар, учрашгандаям доим худди ака сингилга қандай муомала қилса, шундай муомалада бўларди.

«Кечиккан»ни Мередит-Лоуэл нашриёти босиб чиқарған пайтда Мартин шұхрат чүққисида эди, бу повесть бадий асар бўлгани учун, «Шарманда бўлган қуёш»дан ҳам кўпроқ муваффақият қозонди. Мартиннинг бу иккала китоби ҳам бестселлерлар²⁹ орасида биринчи ўринда турардики, бундай ҳол деярли ҳеч қачон содир бўлмаган эди. Қизиқарли китоб шинавандалари ҳам, «Шарманда бўлган қуёш»нинг мухлислари бўлган жиддий китобхонлар ҳам повестни завқ билан ўқишаркан, унинг кучи ва муаллифнинг файритабиий маҳоратидан ҳайратга келишарди. Мартин Иден яқингинада мистицизмга назарий жиҳатдан муваффақиятли хужум қилган эди; энди у чинакам адабий асарнинг қандай бўлишини амалда ҳам исбот қилиб берди. Шундай қилиб, унда танқидчилик истеъоди билан бадий маҳорат бирга қўшилган эди.

Мартин буюк адабиёт уфқидан мисоли порлоқ юлдуздек учиб ўтарди. Пул деган дарёдай оқиб келар, шуҳрати мислсиз ортиб бораарди, аммо бу нарсалар уни қувонтиришдан кўра, кўпроқ эрмакка ўхшаб кўринарди. Арзимаган бир ҳодиса уни ҳайратда қолдирди, бу ҳодиса овоза бўлса жамоатчиликни ҳам қаттиқ ҳайратда қолдириши муқаррар эди. Аммо жамоатчиликни бу ҳодисанинг ўзи эмас, балки бу ҳодисадан Мартиннинг ҳайратда қолгани ажаблантирган бўларди... Судья Блоунт Мартинни уйига овқатга таклиф қилди! Бу аҳамиятсиз воқеа орадан кўп ўтмай Мартин учун буюк маъно касб этиши лозим эди. Ахир

²⁹ Бестселлерлар – кўп нусхада босилувчи бозори чаққон китоб.

у судья Блоунтни ҳақорат қилган эди-ку, унга ёмон муомала қилган эди-ку, энді бўлса судья Блоунт кўчада унга тўқнаш келиб, уни овқатга таклиф қилди. Мартин судья билан Морзлар-никида тез-тез учрашиб турганини ва ўшанда Мартинни уйига овқатга таклиф қилиш унинг хаёлига ҳам келмаганини эслади. «Нега ахир ўшанда таклиф қилмаган эди мени?» деб Мартин ўзига ўзи савол берарди. Ахир у ҳеч ҳам ўзгаргани йўқ-ку. Ҳалиям ўша-ўша Мартин Иден-ку. Сабаб нима? Сабаб фақат энді асарлари босилиб чиқаётганидами? Аммо у асарларини аллақачонлар ёзган эди-ку. Ўшандан бери ҳеч нима ёзгани ҳам йўқ. Ҳамма яхши асарларини у ўша пайтда, судья Блоунт умумнинг фикрига қўшилиб, Мартиннинг мулоҳазалари устидан ва Спенсерга ихлосманд бўлганидан кулган пайтларда ёзган эди-ку. Бундан чиқди, судья Блоунт уни ҳақиқий хизматлари учун эмас, аслида ўша хизматларининг инъикоси туфайли таклиф қилибди-да.

Мартин таклифни табассум билан қабул қилиди-ю, ўзининг кўнгилчанилигига ҳайрон бўлди. Дастурхон атрофида олти-еттита эътиборли зотлар хотинлари ва қизлари билан ўтирадилар. Мартин ҳамманинг диққат марказида эканлигини дарҳол сезиб қолди. Судья Блоунт Мартинга: сизни ўзимизнинг «Отикс» клубимизга аъзо қилиб рўйхатга олишга ижозат берсангиз, деди; судья Хэнуэл ҳамкасбининг таклифини қизғин маъқуллади: бу клубга кириш учун бадавлат бўлишнинг ўзи кифоя қilmай, яна бирон соҳада шуҳрат ҳам қозонган бўлиш шарт эди.

Мартин яна таажжубланди, лекин таклифни рад этди.

У ҳамон қўлёзмаларини тарқатиш билан машғул эди. Ноширлар унга мактуб кетидан мактуб юбориб, ҳол-жонига қўйишмасди. Ҳамма яқдиллик билан, уни энг ажойиб услубчи дер, асарларининг гўзал шакли остида бой мазмун борлигини эътироф этарди. «Шимол ахбороти» журнали «Гўзаллик бешиги»ни босиб бўлгач, шу тарздаги мақолаларингиздан яна бир нечасини юборинг, деб унга мурожаат қилди, Мартин ўз чўнтагини титкилаб, энди бу илтимосни қондирмоқчи бўлиб турган эди, шу чоқ «Бертон» журнали қизишиб кетиб, унинг бешта мақоласини ҳар бирига беш юз доллардан гонорар тўлаш шарти билан ўз журналида босишни таклиф қилиб қолди.

Мартин, агар беш юздан эмас, минг доллардан тўласалар рози эканлигини билдириб, хат ёзиб юборди. Ҳозир талаш бўлаётган қўлёзмалари бир вақтлар айнан шу журналлар томонидан рад этилгани унинг эсида эди. Мартин журналлардан келган лоқайд, бир хилдаги жавоб хатларини унугтаний ўқ эди. Улар Мартинни озмунча қийнашдими, энди у ҳам ўша ноширларни қийнагиси келди. «Бертон журнали» бешта мақола учун унинг ўзи айтган миқдорда ҳақ тўлади, қолган яна тўртта мақолани айнан шу шарт билан «Макинтош ойлиги» журнали илиб олиб кетди. «Тимол ахбороти» камбағал журнал эди, улар билан беллаша олмасди. Шу йўсинда «Ажойибот фидойилари», «Хаёлпрастлар», «Ўз шахсимиз меъёри», «Хом хаёллар фалсафаси», «Худо ва ҳайвон», «Санъат ва биология», «Танқид ва бир ёфи берк шиша найча»,

«Юлдузлар түзони», «Судхўрлик құдрати» мақолалари нашр этилди.

Ноширлар шарт қўйиши Мартиннинг ўзидан илтимос қилишарди, у ҳам буни бажону дил бажаарарди. Лекин фақат илгари ёзган асарларини бостираарди. Ҳар қандай янги ишдан у қатъиян бош тортарди. Қўлга яна қалам олишни ўйласа, юраги сиқилиб кетарди. У оломон қурбони бўлган Бриссенденни ҳеч унугани йўқ, шунинг учун ҳам ҳамон оломондан ҳазар қилас ва нафратланарди, ҳолбуки, халқ уни олқишларди. Ҳатто Мартин ўз шону шуҳратини Бриссенден хотирасига нисбатан таҳқир деб биларди. У жирканар, аммо қопчиғини олтинга тўлғазишга қатъий қарор қилгани учун ҳеч нарсадан тортинмасди.

Мартин бир неча марта ноширларнинг ушбу мазмундаги мактубларини олди:

«Бундан бир йилча муқаддам биз сизнинг бир туркум лирик шеърларингизни нашр этишдан воз кечиб баҳтсизликка учраган эдик. Шеърларингиз ўшанда ҳам бизда зўр таъсир қолдирган бўлса ҳам, лекин баъзи сабабларга кўра журналда боса олмаган эдик. Мабодо, ўша шеърларингиз ҳали чоп қилинмаган бўлса-ю, сиз марҳамат қилиб уларни бизга юборишига розилик билдирангиз, биз уларни зудлик билан босиб чиқарамиз ва сиз илтифот кўрсатиб белгилаган миқдорда гонорар юборамиз. Биз уларни сиз учун мақбул бўлган шарт билан алоҳида китоб қилиб чиқаришга ҳам розимиз».

Мартин ўзи ёзган шеърий трагедияни эслаб қолди ва шеърлар ўрнига шуни юборди. У асарини юборишдан олдин ўқиб чиқиб, унинг нақадар саёз ёзилгани ва тумтарақ сўзлар тў-

либ ётганидан ҳайратда қолди. Лекин шунга қарамай трагедияни юбораверди, журнал эса уни босиб чиқарди, босиб чиқаришга чиқарди-ю, кейин қаттиқ пушаймон бўлди. Журналхонлар нафратланиб, бундай bemаза нарсани маълум ва машҳур Мартин Иден ёзганига ишонмади. Бу қип-қизил қаллоблик ёки Мартин Иден Ота-Дюмага тақлид қилиб, ўзи учун асар ёзишни бошқаларга топширган, деб қичқира бошлишди. Лекин Мартин, бу асарини ёшлигида, адабиётга атак-чечак қилиб кирган чоғида ёзганлигини эътироф этиб, ноширлар ҳеч ҳол-жонига қўймаганлари учунгина матбуотда пайдо бўлиб қолганини тушунтирган эди, ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади, натижада журнал ўз муҳарририни янгилашга мажбур бўлди. Трагедия алоҳида китоб бўлиб чиқмади, аммо Мартин Иден ноширга асло раҳм қилмай, олган авансини қайтариб бермади.

«Колмэн ҳафталиги» унга камида уч юз долларга тушган узундан-узоқ телеграмма юбориб, унга йигирмата очерк ёзишни тавсия қилди ва ҳар бир очерк учун минг доллардан ваъда қилди. Бунинг учун Мартин нашриёт ҳисобига Кўшма Штатлар бўйлаб саёҳат қилиши ва ўзи қизиқсан мавзуларни танлаши керак эди. Телеграммада нашриёт режаларининг нақадар кенг ва ранг-баранг эканини кўрсатиш учун бир неча тахминий мавзулар санаб ўтилган эди. Мартиннинг олдига қўйилган бирдан-бир шарт Кўшма Штатлар ҳаётини акс эттириш эди.

Мартин бунга жавобан нашриёт ҳисобига телеграмма юбориб, унда бу ажойиб таклифдан фойдалана олмаслигидан қаттиқ афсуслашинини билдириди.

«Уоррен ойлик журнали»да босилган «Вики-Вики» повести ниҳоятда зўр муваффақият қозонди. Журналдан кейин кўп ўтмай нафис безаклар билан алоҳида китоб қилиб босилиб чиққан нашри бир неча кун ичида сотилиб бўлди. Ҳамма танқидчилар, бу асар «Шиша ичидаги жин» ва «Шагрен териси» каби класик адабиёт дурдоналари билан бир қаторда туришга арзийди, деб бир оғиздан эътироф эта бошладилар.

Бироқ «Шодлик тутуни» ҳикоялар тўплами бирмунча таажжуб билан, ҳатто совуқ қарши олинди. Буржуазия жамияти ҳаддан ташқари дадил холоса чиқарилганидан ва бидъатларга тамомила илтифотсизликдан хижолатда эди. Лекин Париж бу асарнинг эндиғина босилиб чиққан французча таржимасига маҳдиё бўлиб қолган вақтда, Англия билан Америка ҳам тўпламга маҳкам ёпишиб олди, ана шунда Мартин «Синглтри, Дарилей ва ширкати» нашриётидан учинчи китоби учун йигирма беш, тўртинчи китобига эса ўттиз фоиз ҳақ талаб қилди. Бу икки тўпламга Мартиннинг турли журналларда босилган ҳамма ҳикоялари кирди. «Қўнфироқ садоси» ва ҳамма «даҳшатли» ҳикоялари биринчи томни ташкил қилди. Иккинчи томга «Саргузашт», «Қозон», «Ҳаёт шароби», «Гирдоб», «Қувноқ кўча» ва яна бир неча ҳикоялари кирди. Бундан ташқари унинг ҳамма мақолалари бир тўплам, шеърлари ҳам бир тўплам бўлиб чиқди, шеър тўпламига «Денгиз қўшиқлари» ва «Муҳаббат сонетлари» кирди. Мартин «Муҳаббат сонетлари»ни китобга киритишдан олдин «Хотин-қизлар ҳамроҳи» журналида бостириб жуда катта гонорар олган эди.

Мартин энг охирги қўлёзмасини ҳам пулла-
гач, енгил нафас олди. Қамиш сарой ҳам, оқ
яхта ҳам энди қўл чўзса етадиган бўлиб қолди.
Ахийри у Бриссенденнинг биронта чинакам
бадиий асар журналларда босилмайди, деган
фикрини ҳар ҳолда рад этди-ку. Бриссенден-
нинг янглишганини ўз шахсий тажрибасида
аниқ кўрди. Шундай бўлса ҳам, ичида дўсти-
нинг ҳақ гапирганини Мартин эътироф этар-
ди. Ахир Мартиннинг муваффақиятга эриши-
шига асосан «Шарманда бўлган қуёш» сабабчи
бўлди-да. Қолган ҳамма асарлари тасодифан
ўзига йўл топди. Ахир айнан шу асарларининг
ўзи кўп йиллардан бери муттасил ҳамма жур-
наллар томонидан рад этиб келинган эди-ку.
Лекин «Шарманда бўлган қуёш»нинг босилиб
чиқиши шов-шув кўтариб, жонли мунозарага
сабабчи бўлди, Мартиннинг номини чиқарди.
«Шарманда бўлган қуёш» босилмагандага му-
боҳаса бўлмасди; китобнинг муваффақият қо-
зониши аслида бир мўъжиза бўлди. Буни ҳатто
«Синглтри, Дарилей ва ширкати» ҳам эътироф
эттаётган эди. Биринчи дафъа асарни бир минг
беш юз нусхадан ортиқ босишга бу ноширлар
ҳам журъат этмаган эди; тажрибакор ношир-
лар китобнинг бу қадар муваффақият қозон-
ганидан ҳайратда қолган эдилар. Бу муваффақият
уларга чиндан ҳам мўъжиза бўлиб ту-
юлди. Улар кейинчалик ҳам шу таассурот ости-
да яшадилар, шунинг учун уларнинг ҳар бир
мактубида Мартиннинг сирли муваффақияти-
дан ҳурмат аралаш ажабланганлари сезилиб
туради. Улар бунинг сабабини изоҳлашга ҳам
уринмасдилар. Бу ўринда изоҳнинг бўлиши
мумкин эмас эди. Воқеа юз берган эди, вас-

салом. Жами эҳтимол ва тахминларга қарши ўлароқ юз берган эди.

Мартин ўз шуҳратига унчалик маҳлиё бўлмас эди. Унинг китобларини буржуазия ўқир, қопчиғини олtingа тўлдираётган ҳам шу буржуазия эди, Мартин эса буржуазияни яхши биларди, шунинг учун ҳам, асарларимнинг нимасига қизиқишияти ўзи, деб ҳайрон бўларди. Уни кўкларга кўтариб мақтаган ва китобларини талашиб сотиб олаётган юз минглаб кишилар учун бу китобларнинг нафислиги ва мазмунининг мутлақо аҳамияти йўқ эди. Мартин шунчаки тақдирнинг арзандаси эди, худоларнинг анграйиб қолганлигидан фойдаланиб Парнасга миниб олган шуҳратталаб эди. Шу юз минглаб кишилар унинг китобларини ўқиб, ҳайратда қолардилар, бир вақтлар худди шу одамлар Бриссенденнинг «Эфемерида»сига айнан шундай ҳайвоний бефаҳмлик билан ташланган ва уни тилка-пора қилган эдилар, булар одам эмас, бировнинг олдида хушомад қилиб думини ликиллатувчи, бошқаларни эса ғиппа томогидан тишлаб олувчи разил бўрилар галасидир. Булар ҳаммаси тасодиф! Мартин «Эфемерида»нинг ўзи яратган ҳамма асарлардан бениҳоя юксак эканлигига илгари қандай ишонган бўлса, ҳозир ҳам шундай қаттиқ ишонарди. У асар Мартин ижод эта олган ҳамма асарлардан юксакда эди, бу бутун бир даврни ифода эта олган поэма эди. Бас, шундай экан, кечагина «Эфемерида»ни балчиқقا қориб ташлаган оломоннинг Мартин асарларига сажда қилиши қанчалик қийматга эга? Мартин кўнгли таскин топиб, енгил нафас олди. Энг охирги қўлёзмаси ҳам сотилиб бўлди, энди

ҳадемай бу ишларнинг ҳаммасига хотима берса бўлади.

ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ БОБ

Мистер Морз Мартин билан «Метрополь» меҳмонхонасининг вестибюлида учрашиб қолди. Бу ерга у тасодифан келганмиди ёки кўнглида Мартин Иденни учратиш нияти бормиди – Мартин иккинчи эҳтимолга мойил эди – лекин ҳар на бўлса ҳам, мистер Морз – Руфнинг отаси, ўз уйига кўймаган, никоҳ фотиҳасини бузган ўша мистер Морз уни уйига таклиф қилди!

Мартин аччиқданмади. У ҳатто ўзини ранжигандек ҳам ҳис қилмади. У сабр билан мистер Морзниңг таклифини тингларкан, бош эгиб келиш бу шўрликка осон бўлмаган бўлса керак, деб ўйлади. У таклифни рад этмади, балки файри муайян гаплар билан ташаккур билдириди, сўнг бутун оиланинг, биринчи галда миссис Морз билан Руфнинг ҳол-аҳволини сўради. Мартин Руфнинг номини хотиржамлик билан, ҳеч тутилмасдан тилга олди, миясига қон урмаганидан, юраги қаттиқ-қаттиқ тепа бошламаганидан ҳайратда қолди.

Мартинни чор атрофдан меҳмондорчиликка таклиф этишарди. Уни фақат овқатга таклиф қилиш учун у билан танишишга пайт пойлардилар. Мартин эса борган сари катта аҳамият касб эта бошлиётган бу ярамас вазиятга ҳамон тушуна олмай ҳайрон эди. Ҳаттоки, Бернард Хиггинботам ҳам уни бирдан уйига таклиф қилиб қолди. Бу Мартинни яна ҳам таажжубга солиб қўйди. У ўзининг очликдан ўлай деб сұлайиб қолган пайтларини, ўшанда ҳеч ким уни

овқатга таклиф қилмаганини эслай бошлади. Ваҳоланки, ўша пайтларда бундай таклифлар унга жуда қўй келарди, чунки у кундан кунга очликдан озиб, ранги кетиб, мажоли қурий бошлаган эди. Бу қандайдир соғлом фикрга зид нарса эди. У ҳафталаб оч ўтирганида уни овқатга таклиф қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди, энди бўлса юз минг киши тўядиган овқатга етадиган пули бўлганда, боз устига ҳеч иштаҳаси йўқ пайтида чор атрофдан уни зиёфатга таклиф қила бошлишди, Нимага бундай? На адолат бор эди бунда ва на унинг кўрсатган хизмати. У ўша-ўша Мартин Иденлигича қолган эди. Асарларининг ҳаммаси ўша оч-наҳор юрган кунларида, мистер ва миссис Морзлар уни ялқов ва саёқ деб атаб, Руфъ орқали унга маҳкамада хизматчи бўлиб ишлашни тавсия қилишган пайтларда ёзилган эди. Аммо улар ўша пайтларда ҳам Мартиннинг нима иш қиласётганидан хабардор эдилар-ку. У қўлёзмаларини Руфга ўқигани берарди, Руфъ эса уларни ота-онасига кўрсатиб туради. Уларнинг ўзи ҳам бу қўлёзмаларни ўқиган эдилар. Энди бўлса айнан ўша асарлари туфайли Мартиннинг номи газета-журналларда тилга олина бошлади, номи газета-журналларда тилга олингани учунгина Мартин улар учун азиз меҳмон бўлиб қолди.

Бир нарса жуда аниқ эди: Морзларга Мартин Иденнинг ўзининг ҳам, унинг ижодининг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Улар Мартиннинг ўзи ва ёзган асарлари туфайли эмас, балки Мартиннинг шуҳрати ва номи туфайли, эҳтимолки, унинг банкдаги ҳисоб рақамида ётган юз минг доллари туфайли у билан яқин му-

носабатда бўлишга интилардилар. Начора, буржуазия жамиятида инсонга баҳо беришнинг бирдан-бир ўлчови шу, бу одамлардан бошқа нарсани кутишнинг ўзи файритабий ҳол бўлур эди. Лекин Мартин такаббур одам эди. Бундай баҳога муҳтож эмас эди. Одамлар унинг ўзини ёки ижодини қадрлашларини истарди, аслида иккови ҳам бир нарса эди. Лиззи уни айнан шундай қадрларди. Ҳатто Мартиннинг асарлари ҳам унинг учун унчалик аҳамиятга эга эмас эди; ҳамма гап унинг ўзида эди. Жимми ва унинг ҳамма эски оғайнилари ҳам у билан худди шундай муносабатда эдилар. Илгарилари улар ўзларининг beminnat садоқатларини бир эмас, бир неча бор исбот қилган эдилар, энди Шелл-Моунд-паркда уюштирилган якшанбалик сайилда ҳам исбот қилдилар. Мартиннинг жами ёзганлари булар учун бир пул эди. Улар унинг ўзини, ўз ошналари, жонон йигит Мартин Иденни севишар ва унинг учун ўзларини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашга тайёр эдилар.

Руфнинг йўли бошқа эди. У Мартинни Мартин бўлгани учун севиб қолган, бу соҳада ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ эди. Лекин у Руфъ учун нақадар азиз бўлмасин, буржуазия бидъатлари устун чиқди. Қиз унинг машғулотини, асосан, даромад келтирмагани учун маъқулламаган эди. Мартиннинг «Муҳаббат сонетлари»га ҳам шу нуқтаи назардан баҳо берган эди. Шунинг учун ҳам у Мартиннинг хизматга киришини талаб қиласади. Тўғри, бу нарса қизнинг тилида «мавқе-га эга бўлиш» деб аталарди, аммо бу билан моҳият ўзгармасди. «Хизмат» сўзига эса, Мартин бир-мунча кўникиб қолган эди. Мартин унга ўзининг ҳамма асарларини: поэмаларини, ҳикояларини,

мақолаларини, «Вики-Вики»сини, «Шарманда бўлган куёш»ини – хуллас, ҳамма асарини ўқиб берган эди. Руфъ эса ўжарлигини қўймай, хизматга киришини, ишга жойлашишини маслаҳат берарди. О, қодир худо! Наҳотки, Мартин уйқусини ҳаром қилиб, фақат шу қизга муносиб бўлиш учунгина бутун кучини сарфлаб, молдай ишлаган бўлса!

Шу йўсинда энг арзимаган нарсалар каттава муҳим аҳамият касб этарди. Мартин ўзини соғлом ва тетик ҳис қилар, вақтида овқатланар, тўйиб-тўйиб ухлар, аммо ўша арзимаган нарса унга тинчлик бермасди. Илгари шу фикр уни қийноққа соларди. Мартин якшанба кунларидан бирида тушки овқат пайтида Бернард Хиггинботамнинг қаршисида ўтиаркан, қуидаги сўзларни қичқириб айтиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди:

– Ахир буларнинг ҳаммаси илгари ёзилган эди-қу! Мана ҳозир мени меҳмон қиляпсан, лекин илгари очимдан ўлиб кетсан ҳам парво қилмаган бўлар эдинг, хизматга кирмаганим учун уйингта киритмаган эдинг. Лекин асарларимнинг ҳаммасини ўша пайларда ёзган эдим. Энди бўлса гапларимни эҳтиром билан тинглаб, жимгина ўтирибсан, менга ихлос билан тикиласан, ҳар бир сўзимни эътибор билан тинглайсан. Мен сенга, сенинг партиянг порахўрлар ва фирибгарлардан ташкил топган деяпман-у, сен жаҳдинг чиқиш ўрнига хайрихоҳлик билан бош иргатасан, ҳаттоқи фикрими маъқуллашга ҳам тайёрсан. Хўш, нега бундай? Негаки мен маълум ва машҳур одамман! Негаки менинг пулим кўп! Лекин дурустгина, ақли расо йигит Мартин Иден бўлганим учун эмас! Агар мен ой яшил пишлоқдан қилинган

деб айтсам, шу заҳоти фикримга қўшилган бўлардинг, ҳеч бўлмаганда эътиroz билдиримасдинг, негаки менинг олтинларим кўп. Аммо бу олтинларни мен ишлаб топганман, сен мени сариқ чақага олмаган, одам қаторида ҳисобла-маган пайтларда ишлаб топганман».

Аммо Мартин бу гапларни қичқириб айтмади. Юраги сиқилиб кетаётган бўлса ҳам, сабр-тоқат билан лаблари жилмайиб турарди. Хиггинботам қайнисининг сукут сақлаб ўтирганини кўриб, ўзи гап бошлади. У, яъни, Бернард Хиггинботам ҳамма нарсага ўз меҳнати туфайли мусассар бўлган ва бундан фахрланиди. Унга ҳеч ким кўмаклашмаган, унга ҳеч ким миннат қилмайди. У ҳурматли одам, катта оиланинг бошлиғи, «Хиггинботамнинг чакана савдо дўкони» эса унинг файрат ва ҳиммати самарасидир. Ўзга эрлар ўз хотинини қанчалик севса, у ҳам «Хиггинботамнинг чакана савдо дўкони»ни шунчалик севади. У Мартинга юрагини очиб ташлаб, бу дўконни ишга солиб юбориш учун қанча қийналганини айта бошлади. Бундан ташқари, унинг яна битта режаси, жуда катта режаси бор. Маҳаллада аҳоли тобора кўпайиб боряпти. Бу дўкон ҳаммани таъминлай олмайди. Агар биронта каттароқ бино бўлганда, у савдо ишига баъзи бир янгиликлар киритиб, даромадни оширган бўларди. У буни албатта қиласи, лекин энг оддин у ёнидаги майдонни сотиб олиб, у ерга яна битта икки қаватли иморат қуриши керак. Уйнинг юқори қаватини ижарага қўяди-да, пастки қаватини дўконга қўшиб юборади. У иккала уйнинг у бошидан бу бошига чўзилган янги пешлавҳ ҳақида гапирганида ҳатто кўзлари ўтдек чақнаб кетди.

Мартин унинг гапларига деярли қулоқ солмас эди, «Илгари» сўзи ҳамон унинг қулоги остида жарангларди. Бу сўз унинг эс-хушини олиб қўйган эди, Мартин ундан албатта қутулиши керак.

– Бунга қанча кетади дединг? – бирдан сўраб қолди Мартин.

Поччаси кварталдаги савдо ишларининг келгусидаги режалари ҳақидаги валдирашини тўхтатиб, Мартинга бақрайиб қараб қолди. Бу нарсанинг қанчага тушиши ҳақида чурқ этиб ҳам оғиз очгани йўқ эди, лекин агар Мартин қизиқаётган бўлса, айтиши мумкин. У ҳаммасини ҳисоблаб қўйган.

– Ҳозирги нарх-навода, – деди у, – тўрт минга тушади.

– Пешлавҳ ҳам ичидами?

– Пешлавҳни ҳисоблаганим йўқ. Уй бўлса бўлди, пешлавҳ топилади.

– Майдон-чи?

– Яна уч минг керак бўлади.

Шундан кейин, Бернард Хиггинботам қовжираган лаблари билан тамшаниб, асабий ҳолатда бармоқдарини ўйнатиб, Мартиннинг чек ёзишига тикилиб ўтирди. Мартин чекни ёзиб бўлиб, уни Хиггинботамга узатди. Чек етти минг долларга ёзилган эди.

– Мен... мен олти фоиздан ортиқ фойда беролмайман, – деб фўлдиради Хиггинботам ҳаяжондан ҳирқираб қолган овоз билан.

Мартиннинг кулгиси келди, лекин бунинг ўрнига сўради:

– Бу қанча бўлади?

– Ҳозир ҳисоблаб кўрамиз. Олти фоиз... олти карра етти – тўрт юз йигирма доллар.

– Демак, ойига ўттиз беш доллардан тушар-кан... Шундайми?

Хиггинботам тасдиқ маъносида бош иргади.

– Дуруст, агар қаршилик қилмасанг, биз бундай қиласмиш. – Мартин шу сўзларни айтиб, Гертрудага қараб қўйди. – Асосий пул ўзингга сийлов, лекин бир шартим бор: ҳар ой ўттиз беш долларга уйингга ошпаз билан кир юувучи ёллайсан. Хуллас, агар сен уйдаги оғир ишларни Гертруда қилмаслигига кафил бўлсанг, етти минг доллар сеники бўлади. Розимисан?

Мистер Хиггинботам пишқириб нафас олди. Хотинини қора иш билан шуғулланмаслиги ҳақидаги талаб унга ҳақоратдек ботди. Бу ажойиб совфа худди усти зарҳалланган аччиқ ҳаб дорига ўхшар эди. Хотини иш қилмасмиш-а! Бундан унинг фигони чиқиб кетди.

– Ихтиёринг, – деди Мартин. – Бўлмаса, ҳар ойда ўттиз беш доллардан мен тўлаб тураман, лекин...

У чекка қўлинини чўзган эди, Бернард Хиггинботам шоша-пиша уни қўли билан қоплади ва:

– Мен розиман! Розиман! – деб юборди.

Мартин трамвайга чиқаркан, чарчаганини ва кўнгли ағдарилаётганини ҳис қилди. У орқасига ўгирилиб қараб, кўзи дўконнинг серҳашам пешлавҳига тушди. «Тўнфиз, – деб фўлдирди у, – шунақаям тўнфиз бўладими киши?»

«Макинтош журнали»да энг зўр рассомларнинг расмлари билан безатилган «Фолбин қиз» шеъри босилиб чиққанда, Герман Шмидт бу шеърни бир вақтлар адабсиз деб айтганини бирдан унугиб қўйди. Бу шеърни у ўз хотини шаънига ёзилгани ҳақида дуч келган одамга гапирап ва бу овоза газета мухбириининг қу-

логига бориб етиши учун астайдил уринарди. Мұхбир ҳам бирпасда фотограф билан рассомни бошлаб келиб қолди. Натижада, газетанинг якшанбалик сонига илова қилинган саҳифаларидан бирида Мәриеннинг жуда ҳам безак бериб ишланған портрети, Мартин Иденнинг ва унинг оиласи ҳәётига доир сирли воқеалар тафсилоти «Фолбин қызы»нинг тұла матни билан бирга босилиб чиқди, шеър журналнинг розилиги билан күчирилиб босилған эди. Бу ҳол ҳаммаёққа овоза бўлди, ён-атрофдаги қўшни хотинлар машҳур ёзувчининг опаси билан таниш бўлғанларидан фуурланишар, ҳанузгача у билан танишиш шарафига мұяссар бўлмаганлар эса бу камчилликка хотима беришга ошиқардилар. Герман Шмидт мамнуният билан қўлларини ишқалар эди, у ҳатто устахонаси учун янги дастгоҳ ҳам буюртириди.

– Бу ҳар қандай рекламадан ҳам яхши, – дерди у, – пул ҳам сарфланмайди.

– Уни меҳмонга чақирсак бўларди, – деб таклиф киритди Мәриен.

Мартин меҳмон бўлиб келди, кўтара савдо қилювчи семиз гўштфуруш билан ҳамда унинг ўзи сингари бақалоқ рафиқаси билан одоб сақлаб сухбатлашиб ўтириди, булар жуда бообрў одамлар бўлиб, чунончи, Герман Шмидт сингари ҳәётда ўзига ўзи йўл очаётган ёшларга фойдалари тегиши мумкин эди. Албатта, агар овқатга машҳур ёзувчи ҳам келади, деб ваъда қилишмаганда, улар икки дунёда ҳам Герман Шмидтникига оёқ қўймаган бўлар эдилар. Тинч океани велосипед ширкати агентлигининг бош мудири айнан шу хўракка илиниб келган эди. Герман Шмидт унга ҳадеб хушо-

мад қилар, чунки ундан ширкатнинг Окленддаги вакили лавозимини олиш ниятида эди. Хуллас, Герман ўз турмуш тарзини яхшилаш мақсадида Мартин Иден билан қариндошлигни тиклашга тайёр эди-ю, лекин кўнглида бу ишларнинг қандай содир бўлганига ҳеч тушуна олмасди. Кўпинча ярим кечада уйғониб кетар ва хотинини уйғотиб юбормасликка уриниб, Мартиннинг асарларини ўқир, аммо ҳар гал, бу китобларга фақат аҳмоқ одамлар пул тўлайди, деган фикрга келарди.

Мартин поччасининг ўзи ҳақида нималар ўйлаётганини жуда яхши тушунарди: у курсига ястаниб, Герман Шмидтни кузатиб ўтираркан, хаёлан унинг гарданига мушт туширади, эҳ, ўзига бино қўйган бадбашара немис, деб ўйларди у ичида. Шунга қарамай, унинг баъзи бир жиҳатлари Мартинга ёқсан эди. У қанчалик камбағал бўлмасин, қанчалик тезроқ бойишга уринмасин, ҳар ҳолда, Мэриеннинг уйрўзфор ишларини енгиллаштириш учун уй ходимаси ёллаган эди. Мартин овқатдан сўнг велосипед ширкати мудири билан гаплашиб олиб, Германни бир чеккага чақирди ва унга Окленддаги велосипед ва унинг қисмларини сотувчи энг яхши дўконнинг жиҳозларига маблағ ажратмоқчи бўлганини айтди. Мартин шу қадар сахий бўлиб кетдики, Германга, ўзингга яна битта гараж билан автомобиль устахонаси ҳам қидириб топ, деди, чунки у иккита корхонани ҳам жуда яхши бошқара олиши турган гап эди.

Мэриен Мартинни қучоқлаб туриб хайрлашаркан, укасига жиққа ёш кўзларини тикиб, уни яхши кўришини, уни доимо яхши кўрганини пичирлаб айтди. Лекин охирги сўзларни

айтаётганида бир оз дудукланиб қолди ва күз ёшлари селдай қуиилиб, укасини устма-уст ўпа бошлади. Мартин опаси бир вақтлар ундан шубҳалангани ва уни ишга киришга унdagани учун узр сўраётганини тушунди.

– Бунақада укангнинг пули кўпга чидамайди, – деди Герман Шмидт кечқурун хотинига.

– Фоиз ҳақида гапирган эдим, чунонам аччиғи чиқиб кетдики! Нима дейди, дегин? Менга фоиз у ёқда турсин, капиталнинг ўзи ҳам керакмас, дейди. Бу ҳақда яна бир марта оғиз очсанг, шу малла бошиングни пачақлаб ташлайман, дейди. Ҳа, худди шундай: «Малла бошигни» деб айтди. Лекинига у ишбилармон бўлмаса ҳам, барибир, азамат йигит. Энг муҳими – жуда катта ёрдами тегди менга!

Меҳмонга чақирувчи таклифномалар дўлдай ёғиларди, таклифномалар кўпайган сари Мартин шунча кўпроқ ҳайрон бўларди. У энг эски клублардан бирининг банкетига фахрий меҳмон бўлиб борди, умрбод фақат эшитган ва китоблардагина ўқиган одамлар даврасида ўтирди. Бу одамлар унга, «Трансконтинентал ойлик журнали»да «Қўнгироқ садоси»ни, «Қовоқ ари»да эса «Паризод билан марварид»ни ўқиб, буюк адаб дунёга келганини дарҳол тушундик, деб айтардилар. «Тавба, – деб ўйларди Мартин, – мен бўлсам, оч-ялангоч кун кечирган эдим. Нима учун булар мени ўша пайтларда бирон марта бўлсин овқатга таклиф қилишмади? Ўшанда таклиф қилишса, пўлатга сув юритгандай жуда қўл келарди. Ахир бу иккала асарим ҳам аллақачонлар ёзилган эди-ку. Модомики, сиз мени илгари қилган ишларим учун меҳмон қиласкансиз, бас, нима учун шу

овқаттағ чиндан ҳам муҳтож бўлган илгариғи пайтларимда меҳмон қилмадингиз? Ахир мен «Қўнфироқ садоси»да ҳам, «Паризод ва марварид»да ҳам биронта сўзни ўзгартирганим йўқ-ку. Йўқ, сиз мени асло қилган хизматларимни тақдирлаб меҳмон қилётганингиз йўқ, балки мени ҳамма меҳмонга таклиф қилаётгани учун, мени меҳмон қилишни энди шараф деб билганилари учун таклиф қиляпсиз. Шунинг учун ҳам мени меҳмон қиляпсизки, сизлар ҳайвонсизлар, пода-пода бўлиб юрувчи ҳайвонсизлар! Чунки сиз подага хос бўлган кўр-кўронга ва онгсиз туйфуга итоат этасиз, бу туйфу эса ҳозир сизга, Мартин Иденни меҳмон қилинг, деб даъват этяпти. Бироқ биронтангизнинг ҳам на Мартин Иден билан, на у қилган иш билан ишингиз бор, маъюс оҳангда у ўзига шундай дерди-да, ўрнидан туриб, қадаҳ кўтарганда айтилган ўткир ва таъсирчан сўзларга ўткир ва таъсирли гап билан жавоб берарди.

Уни ҳамма ерда шундай кутиб олардилар. У қаерда бўлмасин: хоҳ киборлар меҳмонхонаси, хоҳ адабий кечаларда – ҳамма ерда бир хил гапирадилар, яъни, «Қўнфироқ садоси» билан «Паризод ва марварид» босилиб чиққандан кейин буюк адид майдонга келгани дарҳол ҳаммага аён бўлди, дердилар. Лекин ҳамма вақт Мартиннинг кўнглида ҳамон ўша савол тихирлик билан уни безовта қилгани-қилган эди: «Бас, шундай экан, нима учун мени ўша пайтларда овқаттағ таклиф қилмадингиз? Ахир бу асарларимнинг ёзилганига жуда кўп вақт бўлди-ку. На «Қўнфироқ садоси»да, на «Паризод ва марварид»да заррача ўзгариш бўлди. Бу асарларим илгари ҳам худди ҳозиргидек жуда

ажайиб ва нафис эди. Лекин сиз мени на бу асарларим ва на бошқа асарларим ҳурмати меҳмон қиляпсиз. Сиз мени шунинг учун меҳмон қиляпсизки, ҳозир мени зиёфатга чақириш мода тусига кирган, шунинг учунки бутун пода: Мартин Иденни меҳмон қилиш керак, деган бир гапнинг жинниси бўлиб қолган».

Шундай дамларда кўпинча дабдабали йифин пайтларида бирдан Мартиннинг кўз олдида эгнига икки ёқлама тугмаланувчи камзул кийиб, бошига шляпасини бостириб олган ўйинқароқ йигит намоён бўларди. Бир куни Окленда, аёллар клубида ўтказилган адабий эрталиқ пайтида худди шундай ҳодиса юз берди. Мартин сахнага чиқиб, залнинг охирида, ўзига таниш бўлган камзул ва шляпа кийган ўша ўйинқароқ йигитни кўриб қолди. Беш юз нафар ясаниб келган хонимлар Мартин Иденнинг нимага тикилиб қолганини билиш учун бараварига орқаларига ўгирилдилар. Лекин очиқ йўлакда ҳеч нима йўқ эди. Мартин эса тикилиб тураркан, йигит тушмагур бошига ёпишиб қолган шляпасини қўлига олиш эсига келармикин, йўқми деб ўйларди. Шарпа юриб келиб сахнага чиқди. Мартин ўз ёшлигининг қўланкасига тикиларкан, ким бўлиши мумкин эди-ю, ким бўлди, деб ўйлаб, сал бўлмаса аламига чидолмай йифлаб юборай деди. Қўланка сахнадан юриб келиб, Мартинга жуда яқин келди-да, унинг баданига сингиб фойиб бўлди. Беш юз нафар хоним; ўзларининг қўлқоп кийган нафис қўллари билан уни олқишлай бошладилар. Улар бирдан хижолат ичида қолган машҳур меҳмоннинг кўнглини кўтармоқчи бўлган эдилар. Мартин иродасини

йиғиб, у шарпани ўзидан қувди, сүнг табассум билан гапира бошлади.

Бир куни күчада Мартинни муҳтарам ва оқкүнгил мактаб директори учратиб қолиб, Мартиннинг тўполончилиги ва уришқоқлиги учун мактабдан ҳайдашганида идорасида қандай қаттиқ жанжал бўлганини эслатди.

– Мен сизнинг «Қўнғироқ садоси» асарингизни ўқидим, – деди у, – уни биринчи марта босилиб чиққан чоғидаёқ ўқиган эдим. Жуда ажойиб асар! Эдгар Подан ҳеч қолишмайди! Ўша вақтдаёқ ўқиб чиқиб, ажойиб асар деган эдим.

«Ростдан-а? – деб юборишига сал қолди Мартиннинг. – Ўша пайтда күчада менга икки марта тўқнаш келган эдингиз, аммо мени танимаган ҳам эдингиз-ку, Иккала сафар ҳам мен очлигимдан битта-ю битта костюмимни гаровга қўйгани кетаётган эдим! Сиз мени танимаган эдингиз! Аммо асарларимнинг ҳаммаси ўша вақтда ёзилиб бўлган эди. Қандай қилиб мени энди таниб қолдингиз?»

– Мен кечагина хотиним билан сизни уйимизга таклиф қилиш ҳақида гаплашган эдим, борсангиз бошимиз осмонга етарди, – деб гапида давом этди директор, – хотиним ҳам сизни таклиф қилишимни илтимос қилди, ҳа, жуда ўтиниб илтимос қилди.

– Овқатлангани денг! –деб бехосдан бақириб юборди Мартин.

– Ҳа... ҳа... овқатлангани, – деб ғўлдиради гангиб қолган директор, – шундай, мен сизга айтсам... кекса муаллимингиз билан суҳбат қуриб... Оббо шоввоз-е! – У ҳазил қилиб, қўрқянини яширишга уринарди.

Мартин бир неча қадам юриб тўхтади ва чолнинг орқасидан қараб қолди.

– Нима қилиб қўйдим ўзи! – деб гўлдиради у. – Жудаям чўчитиб юбордим, шекилли!

ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

Бир куни Мартиннинг олдига Крейс – ўша, «асл одамлар»дан бўлган Крейс кириб келди. Уни кўриб севинганидан терисига сифмай кетган Мартин унинг ўта хаёлий корхона лойиҳаси ҳақидаги мулоҳазаларини тинглади, бу корхона Мартинни пулдор одам сифатида эмас, ёзувчи сифатида қизиқтириши керак эди. Крейс ўз лойиҳасини баён қилиб туриб, гап ўртасида бирдан «Шарманда бўлган қуёш» ҳақида гапира кетди ва у асарни телба одамнинг алжираши деб айтди.

– Лекин мен бу ерга фалсафа сотгани келганим йўқ, – деб у ўз сўзини ўзи бўлди. – Менинг корхонам қурилишига минг доллар пул қўясизми, йўқми? Шуни билмоқчиман.

– Йўқ, бу қадар телба эмасман, – деди Мартин. – Лекин бошқа иш қиласман. Сиз менинг жуда ажойиб бир кечада иштирок этишимга имкон бердингизки, буни ҳар қанча пулга ҳам топиб бўлмайди. Ҳозир менга пулнинг пўчоқча қадри қолгани йўқ. Мен сизга минг доллар бераман, аммо холис, фақат ўша унтуилмас кечада иштирок этганим учун миннатдорлик юзасидан бераман. Сизга пул керак, менда у ошиб-тошиб ётибди. Сиз пул олмоқчимисиз? Ҳеч қандай найрангбозлиknинг ҳожати йўқ. Мана, олинг!

Крейс бундан асло таажжубланмади. Чекни олди-да, чўнтағига солиб қўйди.

– Мазкур шарт бўйича сизга ҳар ҳафтада ўшанақа кеча уюштириб беришим мумкин.

– Кечикдингиз, – деб бош чайқади Мартин.
– Мен учун у биринчи ва охирги кеча эди. Мен ўзимни гўё бошқа бир оламда деб ҳис қилган эдим. Биламан, сиз учун у кечанинг ҳеч қандай маъниси йўқ эди. Лекин мен учун ўшанда ҳамма нарса фалати туялган эди. Энди буни такрорлаб бўлмайди. Мен фалсафага хотима бердим. Энди у тўғрисида эшишишга ҳам тобим йўқ.

– Умримда биринчи марта фалсафадан пул ишлашим, – деди Крейс эшик томон юаркан,
– уни ҳам худо кўп кўриб, бир зумда қиймати тушиб кетди.

Бир куни кўчада Мартиннинг ёнидан файтонда миссис Морз ўтиб қолди ва илжайиб Мартинга бош иргади. Мартин ҳам табассум қилиб, бошидан шляпасини олди. Бу учрашув йигитда ҳеч таъсир қолдирмади. Ваҳоланки, бир ой бурун учраганида юраги фаш бўлган бўларди, балки кулгили бўлиб кўринармиди, ана ўшанда у миссис Морзнинг нималарни ҳис қилганини тасаввур қилишга уриниб қўрарди. Ҳозир эса бу учрашув Мартиннинг эътиборини тортмади. Чунончи, марказий банк биноси ёки шаҳар маҳкамаси ёнидан ўтганини шу заҳоти-ёқ унтиб юборганидек, миссис Морз билан учрашганини ҳам дарҳол эсидан чиқариб юборди. Шунга қарамай унинг мияси ҳамон тўхтосиз, зўр шиддат билан ишларди. Ҳамон ўша «илгари» деган фикр унга тинчлик бермасди. Мартин эрталаблари уйқудан шу фикр билан

уйгонар, шу фикр уйқусида унга ҳаловат бермас эди. У ниманики күрса, эшитса, ҳис қылса, ҳаммаси шу «илгари» деган фикрга келиб тақаларди. Мартин мантиқий мулоҳаза юритиб, ниҳоят, мен энди ҳеч ким ҳам, ҳеч нима ҳам эмас эканман, деган шафқатсиз хулосага келди. Ўйинқароқ Мартин Иден ҳам, матрос Мартин Иден ҳам реал шахслар эдилар, улар чиндан ҳам бўлганлар. Лекин буюк адаб Мартин Иден ҳеч қачон бўлган эмас. Буюк ёзувчи Мартин оломон ўйлаб чиқарган нарса, оломон уни ўйинқароқ, матрос Март Иденнинг вужудига жойлаштирган эди. Лекин буларнинг ҳаммаси кўзбўямачилик эканлигини Мартиннинг ўзи биларди-ку. Оломон унинг ошқозони ғамини ер, унга сажда қиласади-ю, аммо Мартин асло улар ўйлаган афсонавий қаҳрамон эмас эди.

Мартин журналларда ўз ҳақидаги мақолаларни ўқир, у ерда муттасил босилиб турган ўз портретларини томоша қилиб, ўзини ўзи танимай қоларди. У ишчилар маҳалласида туғилиб ўсган, кун кечирган, севган, ҳаётдан қувонган эди. Одамлар билан яхши муомалада бўлган, тақдирнинг бевафолигига бамайлихотир бардош берган эди. Бегона юртларни кезган, ҳар қандай об-ҳавода ҳам ваҳтада турган, ўзига ўхшаган зумрашалар тўдасига бошчилик қилган йигит ҳам унинг ўзи эди. Биринчи марта кутубхонага борганида қатор-қатор тизилишиб турган сон-саноқсиз китобларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолган, кейин ўша китобларни ўқиб, уларни тушунадиган ҳам унинг ўзи эди. Тун ярим кечадан оғгунга қадар чироқни ўчирмай мутолаа қилган, ухламаслик учун тўшагига мих қўйган ва кейинчалик ўзи ҳам китоблар ёза бошлигар одам ҳам

ўзи эди. Лекин одамлар кимўзарга ўйнагандай меҳмон қилиб боқишига ошиқаётган мана шу еб тўймас одам у эмас эди.

Шунга қарамай баъзи нарсалар унинг кўнглини очарди. Ҳамма журналлар, Мартин Иденни кашф этиш шарафига биз мұяссар бўлганмиз, деб жар солишарди. «Уоррен ойлиги», муттасил равишда янги истеъдод эгаларини ахтариш билан машфул бўлишимиз натижасида, Мартин Иденни биринчи бўлиб биз топдик, деб ўз обуначиларини ишонтиришга уринарди. «Оқ сичқон» бу ишни биз қилганмиз деб даъво қиласади; «Шимол ахбороти» билан «Макинтош журнали» ҳам шундай даъво қила бошлидилар, бироқ орадан «Глобус» отилиб чиқди-ю, биринчи марта ўз саҳифаларида бузиб, расво қилиб босилган «Денгиз қўшиқлари»ни керилиб кўрсата бошлиди. Ўзи қарздор бўлган одамлардан бир амаллаб айёрлик билан қутулиб, яна чиқа бошлаган «Ёшлик ва етуклиқ» журнали ҳам Мартин Иденни биз кашф этганмиз, деб даъво қилди. Аммо энди у журнални фермер болаларидан бошқа ҳеч ким ўқимай қўйган эди. «Трансконтиненталь ойлик журнали»да машҳур муаллифнинг қандай кашф этилгани ҳақида мақола босилиб чиқди. «Қовоқ ари» таҳририяти бунга қизғин раддия билдириб, «Паризод ва марварид»ни биз босиб чиқдик, деб даъво қилди. «Синглтри Дарилей ва ширкати» нашриётининг овози бу шов-шувда эшилмай кетди. Нашриёт ўз журналига эга эмас эдики, унинг саҳифаларида у ўз ҳақини қатъият билан талаб қилсан.

Газеталар Мартин олган гонорарларни ҳисоблашарди. Баъзи бир журналлар тавсия қилган

имтиёзли шартлар қандайдир йўл билан ҳаммага овоза бўлиб кетди; оклендлик воизлар уни шафқат юзасидан садақа беришга даъват этардилар, ҳар хил чакана тамагирлар эса, ҳам оғзаки, ҳам ёзма илтимослар билан Мартинга тинчлик бермасдилар. Лекин хотинлар ҳаммадан ошиб тушди. Мартин Иденнинг фотосуратлари мамлакатнинг ҳамма томонига тарқалиб кетган эди, мухбирлар эса унинг «буғдой ранг юз»ини, «забардаст елкалар»ини, «сокин, порлоқ нигоҳ»ини, «зоҳидникуга ўхшаш ичига кириб кетган юзлар»ини аниқроқ тасвирилашга уринардилар. Мартин ўзининг жўшқин ёшлик йилларини эслаганда, бу «зоҳидникуга ўхшаш юзлар» ибораси айниқса кулгисини қистатди. У аёллар даврасида бўлган чоғларида кўпинча уларнинг маънодор, эркаловчи, тақдирловчи нигоҳларига кўзи тушар эди. Мартин Бриссенденнинг огоҳлантириб айтган гапларини эслаб кула бошлади. Йўқ, аёллар уни энди қийноққа сола олмайдилар. Бунга тамомила хотима берилган.

Бир куни Мартин Лиззини кечки мактабга кузатиб бораётганда, қиз ёнларидан ўтиб кетаётган бир башанг кийимли гўзал хонимнинг Мартинга кўз ташлаганини пайқаб қолди. Хоним керагидан хиёлгина ортиқ эътибор бериб, хиёлгина узоқроқ тикилган эди, шунинг учун Лиззининг жаҳди чиқиб қақшаб кетди, чунки у боқишининг маънисига дарҳол тушунган эди. Мартин қизнинг нима учун аччиқданганини билгач, бунаقا қарашларга кўпдан бери кўнишиб қолганини ва булар унга ҳеч таъсири қилмаслигини айтди.

– Бу мумкин эмас! – деб чинқириб юборди қиз кўзларидан ўт сочиб. – Демак, сиз касалсиз!

– Мен ҳеч қачон ҳозиргичалик соғлом бўлмаганман. Ҳатто беш қадоқ семирдим ҳам.

– Сизни жисман касалсиз деётганим йўқ, руҳан касалсиз, деяпман. Ичингизда биронта дардингиз бор. Ҳатто мен ҳам сезяпман буни! Лекин мен ким бўпман!

Мартин ўйга толиб қизнинг ёнида борарди.

– Мен шу дардан тезроқ қутулишингизни истадим! – деб юборди бирдан Лиззи. – Аёл кишининг бундай боқиши сиздай йигитга ҳеч кор қилмаслигига сира ишонмайман. Тамомила файритабиий ҳол бу! Ахир кичкина бола эмассиз-ку. Худо ҳаққи, мабодо, биронта аёл топилиб, сизни файратга солса, чин юракдан севинган бўлардим.

Мартин Лиззини кузатиб қўйиб, «Метрополь»га қайтиб келди.

У қимир этмай, ҳеч нарса тўғрисида ўйламай, бир нуқтага тикилганча креслода ўтиарди. Хотирасида фақат онда-сонда узоқ ўтмишдаги қандайдир воқеалар бирдан жонланар эди. Бу манзараларни худди туш кўраётгандай, ҳеч нарса тўғрисида ўйламай мушоҳада қиласиди. Лекин ухлаётгани йўқ эди. Бирдан сесканиб кетиб, соатига қаради. Соат роса саккиз эди. Қиладиган иши йўқ, аммо ётишга ҳали эрта эди. Яна ўйлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди, яна унинг кўз олдидан бир-бирларига эргашиб турли манзаралар ўта бошлади. Бу манзараларнинг биронтаси ҳам диққатга сазовор эмас эди. Ҳадеб кўзига қуёш шуълалари ёриб ўтган қуюқ япроқлар кўринаверарди.

Эшикни биروف тақирлатди, у кўзини очди. У ухлаётгани йўқ эди, шунинг учун эшик тақирлаши билан, телеграмма ё хат келгандир, кир-

хона хизматкори ювилган кийимларимни олиб келгандир, деб тасаввур қила бошлади. Негадир эсига Жо тушди ва Мартин, ҳозир Жо қаердайкин, деб ўзига савол бераркан:

– Киринг! –деб қичқирди.

У Жони ўйлаш билан банд бўлиб, эшик томонга ўтирилиб ҳам қарамади. Эшик оҳистагина очилди, лекин Мартин эшикнинг тақиллаганини гўё унтиб қўйгандай, ҳеч нарсани кўрмаётган кўзларини ҳамон бўшлиқقا тикиб ўтираверди. Бирдан орқасида аёл кишининг бўғиқ ва ҳазин йигиси эштилди. Мартин дик этиб ўрнидан туриб кетди.

– Руфъ! –деб юборди у ажабланиб. У кўрқиб кетаёзди.

Қизнинг рангида қон қолмаган, маъюс қиёфада эди. У бир қўли билан эшикни ушлаб, иккинчи қўлинини кўксига қўйганча, оstonада турарди. Сўнг у иккала қўлинини илтижо билан Мартинга чўзди-да, олдинга юра бошлади. Мартин Руфни креслога ўтқазаркан, қизнинг қўли муздек совуқ эканлигини пайқади. У ўзи учун бошқа креслони суриб, унинг бандига ўтирди. Мартин ҳаяжонланганидан тили калимага келмасди. Унинг Руфга бўлган муҳаббати аллақачон қалбининг теран ерига дафн этилган эди. Ҳозир «Метрополь» меҳмонхонаси ўрнида бирдан «Қайнар Булоқ» кирхонаси бир ҳафта ичидаги йиғилиб қолган кирлари билан пайдо бўлиб қолганда ўзини қандай ҳис қилса, ҳозир ҳам шундай ҳис қила бошлади. У бир неча бор гапга оғиз жуфтлади-ю, лекин ҳеч журъат эта олмади.

– Менинг бу ердалигимни ҳеч ким билмайди, – деди Руфъ оҳистагина ёлворувчи табасум билан.

– Нима дедингиз? – деб сўради Мартин.

У ўз овозини таний олмай ҳайратда қолди.

Руфъ гапини такрорлади.

– Э! – деди Мартин, унинг топган бор-йўқ гапи шу бўлди.

– Сизнинг меҳмонхонага кирганингизни кўрдим, бир оз кутиб туриб кетингиздан кирдим.

– Э! – деб такрорлади Мартин.

Ҳеч қачон унинг тили бу қадар лол бўлмаган эди. Унинг бутун фикрлари бирданига миясидан учиб кетди. У сукут сақлаб ўтириши ўнғайсиз туюла бошлаганини ҳис қилди, лекин ўлим таҳликасида турганда ҳам, гапни нимадан бошлашни била олмас эди. Бундан кўра, ўша «Қайнар Булоқ»قا бориб қолгани ҳам маъқул эди, индамасдан енгини шимарарди-ю, ишга тушиб кетаверарди.

– Демак, бирпас кутиб туриб, кейин кирдим денг, – ниҳоят гапирди Мартин.

Руфъ хиёл фамза билан бош иргади-да, кўксини ёпиб турган шарфни ечди.

– Аввал сизни кўчада анави қиз билан кўрдим...

– Ҳа, – деди Мартин соддагина қилиб, – мен уни кечки мактабга кузатиб қўйдим.

– Мени кўрганингиздан хурсанд эмасмисиз?

– деб сўради қиз яна бир оз сукунатдан сўнг.

– Хурсандман, жуда хурсандман, – деб жавоб қилди Мартин шоша-пиша, – лекин бу ерга ёлғиз ўзингиз келиб чакки қилмадингизмикин?

– Ҳеч кимга сездирмасдан ўтдим. Бу ерда эканлигимни ҳеч ким билмайди. Сизни жуда ям кўргим келган эди. Мен нақадар тентаклик қилганимни эътироф этгани келдим бу ерга.

Тоқатим тоқ бўлганидан келдим бу ерга. Қалбимнинг амри билан келдим. Бу ерга келишни истаганим учун келдим!

Руфъ ўрнидан туриб, Мартинга яқинлашди. У қўлини йигитнинг елкасига қўйганча чуқур ва қалта-қалта нафас олиб, бир зумгина шу алфозда туриб қолди, сўнг бирдан Мартинга энгашди. Оқкўнгил ва кўнгилчан Мартин қизни ўзидан итариб ташлаш мумкин, эмаслигини, унинг шаштини қайтариш, уни таҳқиrlаш демак эканини тушунди; бу эркак кишининг хотинга нисбатан қилган энг қаттиқ ҳақорати бўларди. У қизни қучоқлади, аммо унинг қучоғида на ҳарорат, на меҳр-муҳабbat бор эди. У қизни шунчаки қўллари орасига олган эди, вассалом. Қиз шоша-пиша унинг пинжига кирди, кафтларини унинг гарданига қўйди, бироқ бундан Мартиннинг аъзойи бадани бир вақтлардагидек жимиirlаб кетмади, у ўнгайлизланиб, уялиб кетди.

– Нега бунча титрайсиз? – деб сўради Мартин. – Совуқ қотдингизми? Каминга ўт қўйиб юборайми?

Мартин қизнинг қучоғидан чиқмоқчи бўлиб ҳаракат қилди, лекин қиз унга яна маҳкамроқ ёпишиб олди.

– Бу асабдан, – деди қиз тишлари такиллаб, – ҳозир ўтиб кетади. Мана яхши бўлиб қолдим.

Аста-секин унинг қалтираши босилди. Мартин уни ҳамон қучоқлаб турарди, лекин энди таажжубланмасди. Чунки энди у қизнинг нима мақсадда келганини биларди.

– Ойим мени Чарли Хэпгудга турмушга чиқишимни хоҳлаган эди, – деди қиз.

– Чарли Хэпгуд? Анави, қачон қарасанг оғзидан боди кириб шоди чиқадиган йигитчами?

– деб ғұлдиради Мартин. Бир оз сукутдан сүнг қўшиб қўйди. – Энди бўлса, ойингиз сизнинг менга турмушга чиқишингизни хоҳдаяпти.

Унинг гапида савол оҳанги йўқ эди. Бу сўзларни у ишонч билан гапирди ва шу чоқ қўз олдида ўзи олган гонорарларнинг кўп хонали рақамлари ирғишилаб ўйнай бошлади.

– Энди ойим эътиroz билдиrmайдилар, – деди Руфь.

– Ойингиз мени сизга муносиб эр бўлади, деб ҳисоблаяптиларми?

Руфь бошини ҳам қилди.

– Аммо мен ойингиз фотиҳамизни бузганидан кейин яхши бўлиб қолганим йўқ, – ўйчанлик билан гапира бошлади Мартин. – Мен ўзгарганим йўқ. Ҳали ҳам ўша Мартин Иденман. Мен ҳатто хийла айнидим ҳам, яна чекяпман. Мендан тамаки ҳиди келаётганини сезяпсизми?

Руфь жавоб бериш ўрнига ишва билан кафтини унинг оғзига босди, одатда, Мартин унинг кафтини ўпарди, лекин Мартиннинг лаблари қимир этмади. То Руфь қўлинни олгунча кутиб туриб, кейин гапини давом эттиради.

– Мен ўзгарганим йўқ. Хизматга ҳам кирганим йўқ. Иш қидириб кўрганим йўқ. Ҳаттоки, қидиришни ҳам истамайман. Мен ҳали ҳам, Герберт Спенсер улуғ ва олийжаноб одам, деган гапимда тураман. Судья Блоунт эса энг ярамас эшакдир. Мен кеча уникида овқатланган эдим, эшак эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

– Нега дадамнинг таклифини қабул қилмадингиз? – ўпкаланиб сўради Руфъ.

– Қаёқдан биласиз? Уни ким юборган эди? Ойингизми?

Руфъ жим эди.

– Албатта, ойингиз-да! Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. Кейин сиз ҳам, ойингизнинг талабига кўра келгандирсиз?

– Менинг бу ердалигимни ҳеч ким билмайди, – деб қизғин эътиroz билдириди Руфъ. – Ойим бундай иш қилишимга ҳеч қачон ижозат бермайдилар.

– Лекин менга турмушга чиқишингизга ижозат беришига ҳеч гумоним йўқ.

Руфъ зорланиб деди:

– О, Мартин, бунчалик бераҳм бўлманг! Сиз ҳатто мени бир марта ҳам ўпмадингиз. Тошга ўхшайсиз. Қандай ишга журъат этганимни бир ўйлаб кўринг! – қиз қўрқа-писа ва айни вақтда синчковлик билан атрофга кўз югутириб чиқди. – Қандай жойга келганимни бир ўйлаб кўринг.

«Мен жон-жон деб сизга қурбон бўлардим! Жон-жон деб қурбон бўлардим! – деган Лиззининг сўzlари Мартиннинг эсига тушди.

– Нега энди илгари журъат этмадингиз бунга? – деб сўради у жаҳл билан. – Каталакдек ҳужрада яшаганимда. Очликда кун кечирганимда. Ўша пайтда ҳам мен ўша-ўша Мартин Иден эдим – ҳам одам, ҳам ёзувчи сифатида. Кейинги пайтларда тез-тез ўзимга шу саволни бериб тураман, фақат сиз эмас, қолган ҳамма одамларни назарда тутиб айтяпман бу гапларни. Кўриб турибсизки, мен ҳеч ўзгарган эмасман, ҳолбуки, тўсатдан довруқ қозониб кетга-

ним, баъзан ўзимни ҳам шубҳага солиб қўяди. Лекин мен ўша-ўша Мартинман! Менинг бошим ҳам, елкаларим ҳам ўша, оёқ-қўлларимда ҳали ҳам ўнтадан бармоқ бор. Мен ҳеч қандай янги истеъдод ва янги фазилатим билан керила олмайман. Миям илгари қандай бўлса, шундайлигича қолган. Ҳатто ҳеч қандай янги адабий ёки фалсафий фикрлар ҳам туғилгани йўқ менда. Мен ҳеч кимга танилмай ёлғиз яшаган пайтимдан буён шахсий қийматим ҳеч ортгани йўқ. Бас, шундай экан, нега энди бирдан ҳамма ерда азиз меҳмон бўлиб қолдим. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, одамларга шахсан менинг ўзим керак эмас, чунки мен илгари улар қайрилиб қарашга ҳам оп қилгандари ўша Мартин Иденлигимча қолганман. Бундан чиқди, улар менинг шахсий фазилатимга ҳеч дахли бўлмаган, менга тегишлиги йўқ аллақандай бошқа бир нарсани қадрлар эканлар. Менинг нимами қадрлашларини айтамиси сизга? Ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлганимни қадрлашади. Лекин бу ҳурмат мендан ташқарида-ку. У ўзгалирнинг онгиди. Бундан ташқари, энди пулдор бўлганим учун ҳурмат қилишади. Лекин бу пуллар ҳам мендан четда. Улар ҳар хил Жон, Том, Жекларнинг банкларида, киссаларида ётибди. Хўш, сизга ҳам шу туфайли, шу пул билан шоншуҳрат туфайли керак бўлиб қолдимми?

– Сиз менинг қалбимни тилка-пора қилиб юбордингиз, – деб фарёд қилди Руфъ. – Сизни севишимни, бу ерга ҳам фақат сизни севганимдан келганимни ўзингиз биласиз!

– Гапларимга тўғри тушуна олмадингиз деб қўрқаман, – деб мулоийимгина гапирди Мартин. – Менга шу нарсани айтинг-чи: нима учун илгари,

мендан воз кечишига журъят эта олган пайтингизда мени ҳозиргичалик севмагансиз?

– Мени кечиринг, у гапларни унутинг! – деб жон-жаҳди билан чинқириб юборди қиз. – Мен сизни ҳамма вақт севганман! Эшитяпсизми: ҳамма вақт! Шунинг учун ҳам бу ерда, сизнинг қучоғингизда турибман.

– Ҳозир жуда эҳтиёткор бўлиб қолганман, ҳамма нарсани бамисоли тарозида тортиб кўраман. Шунга кўра, сизнинг муҳаббатингизни ҳам тарозида тортиб, унинг салмоғини билиб олмоқчиман.

Руфъ йигитнинг қучоғидан сирфалиб чиқиб қаддини ростлади-да, унга диққат билан тикилди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин индамай қўя қолди.

– Бу ҳақда менинг фикримни билишни истайсизми? – деб гапида давом этди Мартин.

– Ҳозирги мавқеимга эришганимдан кейин, мени ўз синфим кишиларидан бошқа ҳеч ким тан олмади. Китобларим ёзилиб бўлгандан кейин, қўлёзмаларимни ўқиганлардан биронтаси уларни маъқуллаб бир калима ҳам сўз айтмади. Аксинча, мени гўё қандайдир гуноҳ иш билан шуғулланган одамдай фараз қилишиб, ёзувчилик билан шуғулланаётганим учун қаттиқ койишиди. Ҳаммалари фақат «ишга кир» деб таъкидашди.

Руфъ эътиroz билдиromoқчи бўлгандай бир ҳаракат қилди.

– Ҳа, ҳа, – деб гапида давом этди Мартин, – фақат сиз иш ҳақида эмас, жамиятдаги мавқеим ҳақида гапирган эдингиз. «Иш» сўзи ҳам менинг ёзувчилик билан шуғулланишим сингари сизга ёқмасди. Бу сўз чиндан ҳам хийла қў-

пол! Лекин сизни ишонтириб айтаманки, менинг назаримда, гёё энг ашаддий жиноятычни түғри йўлга солмоқчи бўлгандай, мени ишга киришга даъват этишларингиз, ўша «иш» сўзидан ҳам қўйполроқ эди. Хўш, кейин нима бўлди? Китобларимнинг матбуотда пайдо бўлиши ва халқ мени ёзувчи деб эътироф этиши сизнинг ҳиссиётларингизда ўзгариш ҳосил қилди. Илгари сиз Мартин Иденга турмушга чиқишидан бош тортган эдингиз, ҳолбуки, унинг ҳамма асарлари ўша пайтдаёқ ёзилиб бўлган эди. Сизнинг унга бўлган муҳаббатингиз уччалик кучли эмас эди, шунинг учун ҳам унга хотин бўлишга журъат этолмагандингиз. Энди эса муҳаббатингиз етарли даражада кучли бўлиб қолибди, бу ажойиб ўзгаришнинг боиси, афтидан, айнан менинг шуҳрат қозонганимдан бўлса керак. Даромадларим ҳақида ҳозир гапирмоқчи эмасман, балки сиз улар ҳақида ўйлагандирсиз ҳам, ваҳоланки, ота-онангиз учун энг муҳим нарса шу даромадларим эканлиги муқаррар.

Булар менга манзур бўладиган нарсалар эмас! Энг ёмон томони шундаки, мени муҳаббатга, муқаддас муҳаббатга шубҳа билан қарашга мажбур этади! Наҳотки муҳаббат шоншуҳрат ва оломоннинг эътирофи билан тирик бўлса? Чамаси, шундайга ўхшайди! Бу тўғрида шу қадар кўп ўйладимки, бошим айланаб кетди.

– Шўрлик бош! – деб Руфъ меҳрибонлик билан Мартиннинг сочини силади. – Ҳечам айланмасин энди. Бошқатдан бошлаймиз, Мартин! Биламан, ойимнинг гапига кириб, енгилтаклик қилиб қўйдим. Ойимнинг гапига кирмаслигим керак эди. Лекин сиз ўзингиз заиф инсонлар-

га шафқат қилиш ҳақида күп гапирап эдин-гиз-ку. Менга ҳам шафқат қилинг. Хато қилиб қўйдим. Мени кечиринг!

– О, кечираман! – деди Мартин тоқатсизланиб, – кечирадиган нарса бўлмаганда, кечириш жуда осон! Сизнинг қилган ишингиз кечиримга муҳтож эмас. Ҳар ким ўзига маъқул тушган ишни қиласди. Ахир мен ҳам хизматга кирмаганим учун сиздан узр сўраб ўтирумайман-ку.

– Сизга яхшилик тилаган эдим, – деб шоша-пиша эътиroz билдириди Руфъ. – Сизни севганимдан кейин, яхшилик тиламай туролмасдим-да!

– Тўғри, лекин менга яхшилик тилайман деб, нобуд қилаёздингиз. Ҳа, ҳа! Менингижодимни, истиқболимни барбод қилаёздингиз! Мен табиатан реалистман, буржуазия маданияти эса реализмни ёқтирумайди. Буржуазия қўрқоқ. У ҳаётдан қўрқади. Сиз бўлсангиз мени ҳам ҳаётдан қўрқишига мажбур этмоқчи бўлдингиз. Сиз мени торгина бир катакка қамаб, маҳдуд, разил фикрларни қабул қилдирмоқчи бўлувдингиз. – Қиз эътиroz билдирмоқчи бўлган эди, лекин Мартин имо билан сўзини бўлди. – Разолат қанчалик самимий бўлмасин, ҳар ҳолда, разолат буржуазия маданиятининг, нозик буржуа маданиятининг асоси ҳисобланади. Сиз бўлсангиз менинг жўшқин қалбимни поймол қилиб, мени ҳам ўз одамларингиздан бирига айлантироқчи, ўз синфий гояларингизни, синфий ахлоқингизни, синфий бидъатларингизни талқин қилмоқчи бўлдингиз.

Мартин маъюс бош чайқаб қўйди.

– Сиз ҳозир ҳам мени тушунмаяпсиз, гапларимга сиз мен берган маънодан тамомила бош-

қача маъно беряпсиз. Менинг гапларим ҳаммаси сиз учун хаёлий гаплардир. Мен учун эса ҳақиқат. Жуда нари борса, тубанликдан чиққан бу қўпол йигит сизнинг синфингизни танқид қилгани ва уни разил деб атагани сизга бир овунчоқдек туюлади, сизни ажаблантиради.

Руфъ ҳоргин бошини унинг елкасига қўйди, қўйди-ю, яна асабдан дағ-дағ титрай бошлади. Мартин魯夫ъ гапирмасмикин деб бир дақиқача сукут сақдаб турди, сўнг гапини давом эттиради:

– Энди бўлса, сиз муҳаббатимизни қайта тикламоқчи бўляпсиз! Эр-хотин бўлишимизни истаяпсиз. Сиз мени хоҳлаяпсиз! Лекин гапими ни тўғри тушунинг, ахир китобларим нашр қилинмаган ва ҳеч кимнинг мақтовига сазовор бўлмаган бўлишим ҳам мумкин эди, шунга қарамай, мен қандай бўлсан шундайлигимча қолган бўлардим! Лекин сиз ўшанда ҳеч қачон менинг олдимга келмаган бўлардингиз! Ёлғиз шу китоблар туфайли... лаънати китоблар...

– Сўкинманг, – деб унинг гапини бўлди қиз.

Мартин заҳарханда қилиб деди:

– Ҳа, балли! Бутун баҳтингиз қиморга тикилгандан кейин қўпол сўз эшитишдан қўрқасиз. Сиз ҳали ҳам ҳаётдан қўрқасиз.

Руфъ бу сўзларни эшитиб сесканиб кетди, бу сўзлар билан魯夫ъинг бу ерга келишга ундан журъати бир пулга арзимайди деяётгандай эди, қизнинг назарида Мартин уни ноҳақ айблайлётган эди, шунинг учун ундан ранжиди.

Улар бир муддат сукут сақдаб ўтирилар; қиз, нима қилсам экан, деб ўйлаб азоб чекиб ўтирган бўлса, йигит ўзининг барбод бўлган муҳаббати ҳақида ўйлаб ўтириди. У魯фни ҳеч қачон чинакамига севмаганини аниқ тушунди.

У ўз тасаввурида бунёд этган самовий хилқатни, шеъриятнинг илҳом булоғи, нурағшон порлоқ сиймо бўлмиш Руфъ исмли малакни севар эди. Аммо буржуазия руҳи билан сугорилган ва буржуазия савияси билан чекланган ҳақиқий Руфни ҳеч қачон севган эмас эди.

Қиз бирдан гапира бошлади:

– Айтган гапларингизнинг кўпи ҳақ эканлигини эътироф этаман. Мен чиндан ҳам ҳаётдан қўрқар эдим. Мен сизни унчалик кучли севмагандим. Аммо энди чин муҳаббат билан севишни ўрганиб олдим. Мен сизни қандай бўлсангиз, шундайлигингизча севаман, илгари қандай бўлган бўлсангиз, ўша ҳолингизча севаман, сизни ҳозирги ҳолга келтирган сабаб туфайли севаман. Мен сизни ўзимнинг синфим кишиларидан ажратиб турувчи жами фазилатларингиз учун севаман. Сизнинг фикрларингизга баъзида тушунмасам ҳам майли. Уларни тушуниб оламан. Фикрларингизга тушуниш учун қўлимдан келганча ҳаракат қиласман! Папирос чекишингиз ҳам, сўкишингиз ҳам буларнинг ҳаммаси вужудингизнинг бир жузъидир ва мен сизни шунинг учун ҳам севаман. Мен кўп нарсани ўрганиб оламан. Ҳозир, ўн дақиқа ичида жуда кўп нарсани ўрганиб олдим. Илгарилари бу ерга келишга ҳеч журъат эта олармидим? О, Мартин!..

Руфъ юзини унинг қўксига қўйиб йифлаб юборди. Мартин уни бугун биринчи марта меҳрибонлик билан қучоқлади. Қиз буни сезиб, севинч тўла кўзларини унга тикди.

– Фурсат ўтган, – деди Мартин. У Лиззининг сўзларини эслади. – Мен касалман, Руфъ... Йўқ,

жисман эмас. Рұхан касалман, миям касал. Мен учун ҳеч нарсанинг қадр-қиймати қолмади. Күнглім ҳеч нима истамайды. Агарда бундан ярим йил олдин келганингизда әди, ҳамма нарса бошқача бўлиши мумкин әди. Лекин энди кечикдингиз, жудаям кечикдингиз!

– Йўқ, кеч эмас! – деб чинқириб юборди қиз. – Мен буни исботлаб бераман сизга. Менинг муҳаббатим қатъий эканлигини, муҳаббатим шу пайтгача ҳаётимда энг қадрли бўлган ҳамма нарсалардан ҳам қадрлироқ эканлигини сизга исбот қиласман. Мен буржуазия сажда қилган ҳамма нарсалардан воз кечишга ҳам тайёрман. Мен энди ҳаётдан кўрқмайман. Мен отамдан ҳам, онамдан ҳам юз ўгираман, номимни таҳқир гирдобига отаман. Мен ҳозироқ шу ерда сиз билан қолишга тайёрман, агар истасангиз, бу эркин муҳаббат бўлсин, шунинг ўзидан мен мағрурланишим ва қувонишим мумкин. Агар мен илгари ўз муҳаббатимга бевафолик қилган эканман, энди шу муҳаббатим туфайли илгари мени бундай хоинликка жалб қилган ҳамма нарсага хиёнат қилишга тайёрман.

Руфь Мартиннинг қаршисида турар, кўзлали чақнар әди.

– Кутяпман! – деб пицирлади қиз. – Мартин, «ҳа» деб жавоб беришингизни кутяпман. Менга бир қаранг.

«Нақадар соз, – деб ўйлади Мартин қизнинг чеҳрасига боқиб, – Руфь ўзининг ўтмишдаги хатоларини ювди, у чинакам аёл бўлди, ниҳоят у буржуазия урф-одатлари кишанини парчалаб ташлади. Буларнинг ҳаммаси жуда соз, муazzзам, олийжаноб иш. Лекин менга нима бўлди?»

Қизнинг журъати Мартинни ҳаяжонлантири-мади, вужудини титратмади. Мартин фақат ақл-идроқи билан Руфнинг хатти-ҳаракатини тақдирларди. Алангаланиш ўрнига совуққина тақдирлаш. Унинг юраги тез-тез урмади ҳам, ҳирси уйғонмади ҳам. Эсига яна Лиззининг сўзлари келди.

– Мен касалман, оғир касалман, – деди Мартин умидсизлик билан қўл силтаб... – Бу қадар қаттиқ бетоблигимни шу пайтгача пайқамаган эканман. Ичимда бир нима узилиб кетгандек. Мен ҳеч қачон ҳаётдан чўчиган эмасман, лекин ҳаёт лаззатидан маҳрум бўлишимни ҳеч қачон тасаввур этмаган эдим. Энди бўлса ҳаётдан тўйганим маълум бўлди. Менинг қалбимда ҳеч қандай орзу-истакдан асар қолмади. Мен ҳатто сизни ҳам истамайман! Кўряпсизми! Шунчалик касалман!

У бошини курси суянчиғига қўйиб, кўзлари-ни юмди, шунда, худди йиғлаб турган бола шаффоғ кўз ёшлари орасидан қуёшга боқиб бир зумда ҳамма аламларини унутиб юборгандай, Мартин ҳам тўятдан кўз олдида намоён бўлган манзарани – қуюқ япроқларни ёриб ўтган қуёш нурини кўриб, ўзининг касаллигини ҳам, Руфнинг шу ердалигини ҳам, бутун борлиқ оламни ҳам унутиб қўйган эди. Япроқлар ям-яшил, улар кўзни қамаштиради. Мартин япроқларга қараб кўзи оғрирди. Лекин ўзи ҳам сабабини билмай, кўзини япроқлардан узмай ўтиради.

У эшик бандининг фижирлаганидан ҳушига келди. Руфъ эшик олдида туради.

– Бу ердан қандай чиқиб кетаман? – мунгли овоз билан сўради у. – Қўрқаман.

– О, мени кечириңг! – деб юборди Мартин, дик этиб ўрнидан тураркан. – Менга нима бўлди, ўзим ҳам билмайман! Бу ердалигингиизни унудиб қўйибман.

У пешанасини ишқади.

– Ўзингиз қўряпсиз, жудаям соғ эмасман. Уйингизга кузатиб қўяман. Биз орқа эшикдан чиқамиз. Ҳеч ким сезмайди. Фақат ўртигингиизни юзингизга тушириб олинг.

Улар тор йўлаклардан ўтиб, фира-шира ёритилган зиналардан тушиб боришаркан, Руфъ Мартиннинг қўлини маҳкам ушлаб олган эди.

– Энди бу ёфи бехавотир, – деди қиз, кўчага чиққанда ва қўлини тортиб олмоқчи бўлди.

– Уйингизга кузатиб қўяман, – деди Мартин.

– Йўқ, йўқ, – деб эътиroz билдириди қиз, – кераги йўқ!

У яна қўлини тортиб олишга уринди. Бу нарса бирдан Мартинни қизиқтириб қўйди. Гўё қиз хавф-хатар даф бўлган пайтда бир нимадан чўчиётгандек кўринарди. Қиз гўё тезроқ ўзини Мартиндан қутқаришга уринаётганга ўхшарди. Мартин буни асабларнинг бузилганидан деб ўйлади. Шунинг учун у Руфнинг қўлини қўйиб юбормай, уларнинг уий томон бурилди. Улар муюлишга яқинлашганида, Мартин бирдан узун пальто кийган бир одамни кўриб қолди, у шоша-пиша дарвозадан кириб кетди. Мартин дарвоза ёнидан ўтиб бораркан, ичкарига кўз қирини ташлади-ю, нотаниш одамнинг ёқаси кўтарилган бўлишига қарамай таниди, у Руфнинг акаси Норман эди.

Мартин билан Руфъ деярли ҳеч нима ҳақида гаплашмай борардилар. Қиз маъюс, Мартин эса ҳамма нарсага бепарво эди. У Тинч океани орол-

ларига жүнаб кетаётганини айтди, қиз эса бе-хосдан Мартиннинг хонасига бостириб киргани учун ундан узр сўради. Вассалом. Улар Руфнинг эшиги олдида худди ҳеч қандай воқеа содир бўлмагандай хайрлашишди. Бир-бирларининг қўлларини сиқишиб, «Яхши ётиб туринг», ҳам дейишишди. Мартин яна одоб юзасидан шляпасини бир оз кўтариб қўйди. Эшик ёпишди. Мартин папирос тутатди-да, сўнг меҳмонхона томонга қайтди. У Норман яширинган дарвоза олдидан ўтиб кета туриб, шу ерда бир дақиқагина ўйга толиб туриб қолди.

– У мени алдабди, – деб овоз чиқариб ўйлади Мартин. – Ўз ихтиёrim билан қўрқмасдан иш кўрдим, деб мени ўз сўзига ишонтиromoқчи бўлди, ҳолбуки, акаси уни уйга қайтариб олиб кетиш учун пойлаб турган экан. – Мартин хохолаб кулиб юборди. – Оббо буржуйлар-е! Камбағал вақтимда унинг синглисига яқин ҳам йўлай олмаган эдим. Банқда пулим пайдо бўлгандан кейин эса унинг ўзи синглисини олдимга етаклаб олиб келибди!

Мартин энди йўлида давом этмоқчи бўлган эди, бирдан қандайдир бир саёқ унга тўқнаш келиб, тирсагига туртди:

– Бегим, 25 цент ҳадя қилинг! Тунаш учун пулим йўқ, – деди у.

Бу таниш овозни эшитиб Мартин ялат этиб қаради. Бир зумдан кейин у Жонинг қўлинин маҳкам сиқиб кўриша бошлади.

– Эсингдами, яна учрашамиз, деб айтган эдим сенга, – дерди Жо. – Кўнглим сезган эдида. Мана, ниҳоят учрашдик!

– Кўринишинг жуда яхши-ку! – деди Мартин завқланиб. – Ҳатто анча семириб ҳам қолибсан.

– Семирганим рост, – деб тасдиқлади Жо унинг гапини оғзи қулоғига етиб. – Саёқ бўлганимдан бўён ҳаётнинг лаззатини татий бошладим! Ўттиз қадоқ семирдим, ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман! Илгарилари ўлгудек ишлаб чўп-устухон бўлиб кетган эдим. Чамаси, саёқлик мижозимга ёқди шекилли!

– Лекин тунагани пул сўраб юрибсан-ку, – деб уни мазах қилди Мартин, – кеча хийла совуқ!

– Ҳм! Тунашга пул сўраяпман! – Жо чўнтағидан бир сиқим чақа пул олди. – Менга шунинг ўзиям етарли, – деб эътироф этди у, – лекин кўринишингдан жуда сахий одамга ўхшадинг. Шунинг учун сени мўлжалга олдим.

Мартин хохолаб қулиб юборди.

– Эҳ-ҳе, бу пулларинг ичкиликка ҳам етади-ю, – деди Мартин.

Жо жиддий қиёфада пулларини чўнтағига солиб қўйди.

– Бу менга тўғри келмайди! – деди у, – ичиши ташлаганман. Кўнглим тортмайди. Сен билан видолашганимдан кейин фақат бир марта қаттиқ маст бўлдим, ўшандаям аҳмоқдик қилиб оч қоринга ичиб қўйганимдан шундай бўлди. Мен молдек ишлаган пайтларимда, молдай ичардим. Энди одамларга ўхшаб яшай бошлаганимдан бўён одамларга ўхшаб ичадиган бўлганман! Баъзи-баъзида бир стакангина ичаман-у, бўлди қиласман!

Мартин Жо билан эртаси куни учрашиш тўғрисида келишиб олиб, меҳмонхонага кетди. У вестибуолга кириб, пароходлар жадвалига қаради. Яна беш кундан кейин Таити оролига «Марипоза» пароходи жўнаб кетаркан.

— Телефон орқали менга каюта олдириб қўйинг, — деди у портъега, — лекин юқорида бўлмасин, пастьда, чап томонда бўлсин. Унутмайсиз-а? Яхшиси, ёзиб қўйинг: чап томонда.

У хонасига кириб ўрнига ётди ва худди гўдаклардек бир зумда ухлаб кетди. Кечқурунги воқеалардан унинг миясида асар ҳам қолмаган эди. Унинг мияси энди таассуротларни сингдирмас эди. Ҳаттоқи Жони учратганида пайдо бўлган шодлиги ҳам бир зумда ўтиб кетди. Бу шодлик бир онгина давом этди, ундан кейин эса ўзининг собиқ ўртоғини учратиб қолганидан афсуслана бошлади, чунки у билан гаплашишни ҳам истамаган эди. Беш кундан кейин ўзи севган океанг сузиб кетиши ҳам уни севинтирмасди. У ҳузур қилиб қўзларини юмди, саккиз соат хотиржам ухлади. У уйқусида бетоқат бўлмади, туш ҳам кўрмади. Уйқу ҳамма нарсани унтишга ёрдам берарди, шунинг учун Мартин уйғониб кетганида ҳар сафар афсусланарди. Ҳаёт унинг тинкасини қуритар ва қийнар, вақт эса уни қаттиқ изтиробга соларди.

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

— Менга қара, Жо, — деб гап бошлади Мартин эртаси куни, — бу ерда, Йигирма саккизинчи кўчада бир француз бор. У пича пул жамғарибди, энди Францияга қайтмоқчи. Унинг яхши жиҳозланган кичкинагина кирхонаси бор. Агар бир жойда муқим яшаш ниятида бўлсанг, бу сен учун жуда қўл келади. Мана сенга пул, ўзингга дурустроқ костюм сотиб олгин-да, мана бу манзилга бор. Бу комиссионер, унга

айтиб қўйганман, биронта дурустроқ жой топиб беради сенга. У сен билан бориб, ҳаммасини кўрсатади. Агар кирхона сенга ёқса-ю, айтилган баҳосига – ўн икки минг долларга арзийди, деб ҳисобласанг, менга келиб айт, у сенини бўлади. Энди жўнаб қол! Мен бандман. Кейин бафуржা суҳбатлашамиз.

– Менга қара, Март, – Жо ичидан қайнаб келаетган ғазабини зўр-базўр босиб, секингина гапирди, – мен бу ерга сен билан кўришгани келганман. Билдингми? Сендан совфага кирхона олгани келганим йўқ! Оддинга эски қадр-донимни кўрай деб келсан-у, сен бўлсанг тумшугимга кирхонани тиқсанг! Мен сенга бир гап айтами? Бор, ўша кирхонанг билан бирга қўшмозор бўл!

Жо ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетмоқчи бўлган эди, лекин Мартин унинг елкасига чанг солиб, ўзига қаратди.

– Гап шу, Жо, – деди у, – агар менга шунаقا оҳанг қиласиган бўлсанг, эски одатим бўйича шунақаям дўппослайманки, онадан туғилганингга пушаймон бўласан! Билдингми? Хўш? Хоҳдайсанми?

Жо бир силкиниб, Мартинни итариб юбормоқчи бўлди, аммо уни ушлаб турган қўллар жудаям бақувват эди. Икковлари бир-бирларига ёпишиб, уй ичидаги чирпирак бўлиб айланади, йўл-йўлакай курсига бориб тушиб, уни синдиришди-да, ниҳоят, полга думалаб тушишди. Жо ерда чалқанча ётар, Мартин эса тиззасини унинг кўксига тираб устида ўтиради. Мартин Жони қўйиб юборганида у зўрга нафасини ростлаб олди.

— Мана энди гаплашса бўлади, — деди Мартин, — кўриб турибсанки, мен билан ўчакишмаганинг маъқул. Мен даставвал кирхона масаласини бирёқди қилмоқчиман. Ана ўшандан кейин келсанг, эски қадрдонлигимизни хотирлаб бошقا нарсалар тўғрисида суҳбатлашамиз. Сенга айтдим-ку, ҳозир бандман деб. Ўзинг кўр.

Худди шу пайт лакей бир тўп хат ва журналларни олиб кирди, бу эрталабки почта эди.

— Ўзинг ўйлаб кўр, ҳам суҳбатлашиб, ҳам шуларнинг ҳаммасини ўқиб бўладими? Бориб кирхона масаласини ҳал қилгин-да, кейин шу ерга қайтиб кел.

— Ҳа, бўлти, — истар-истамас рози бўлди Жо. — Сен шунчаки, мени бошингдан соқит қилмоқчисан деб ўйлабман, энди кўрсам, янгишган эканман. Аммо лекин мени боксада енга олмайсан, Март. Истаган нарсангдан ўйнайман.

— Яхши, биз кейин қўлқоп кийиб, куч синашиб қўрамиз, — деди кулиб Мартин.

— Албатта куч синашамиз! Олдин кирхонани сотиб олай, — деб Жо муштини дўлайтириб кўрсатди. — Буни кўрдингми? Ҳаш-паш дегунингча ерга қулатаман сени.

Жо ниҳоят чиқиб кетди, Мартин енгил нафас олди. У одамови бўлиб қолаётган эди. Одамлар билан муомала қилиш унга тобора қийин туюларди. Одидда одамлар бўлса, юраги сиқиляр, улар билан суҳбат қуришга мажбур бўлса, зардаси қайнарди. Одамлар унинг асабига тегарди, шунинг учун Мартин бирон киши билан учрашиб улгурмасдан, ундан қутулиш учун баҳона қидира бошларди.

Жо кетганидан кейин, Мартин келган хат ва журналларга дарров қарамади. У ярим соатча креслода ҳеч нима билан шуғулланмай ўтирди, унинг миясида, фақат ахён-аҳёнда, аллақандай узук-юлуқ фикрлар лип этиб ўтар, мудраган ақд мисоли учқундек чақнаб кетар эди.

Нихоят, у туриб келган почтани кўздан кечира бошлади. Ўндан ортиқ мактубнинг мазмуни автограф юборишни илтимос қилишдан иборат эди, бундай хатларни Мартин бир қарашда танирди; қолганлари моддий ёрдам сўровчи бир зайдаги илтимосномалар, доимий ҳаракатда бўлувчи механизм моделини қурган ихтироидан ва ер сатҳи ғовак курнинг ички қисмидир, деб исботламоқчи бўлган математикдан тортиб, коммунистик колония ташкил қилиш учун Мексикадаги Калифорния яриморолини сотиб олишга маблағ ажратиши сўровчи одамгача, ҳар хил антиқа хаёлпаст одамларнинг хатлари эди. Мартин билан танишишни истаган аёлларнинг ҳам мактублари бор эди; у хатлардан бирини ўқиб туриб жилмайиб қўйди: мактуб муаллифи ўзининг боадаб ва диёнатли аёл эканлигини исботлаш мақсадида мактуб ичига черковда доимий ўрин учун ҳақ тўлаган квитанциясини ҳам солиб юборибди.

Ноширлар ва муҳаррирлар уни хатга қўмиб ташлар: журналлар ундан мақолалар сўпар, китоб нашриётлари, янги китобингизни юборинг, деб ёлворишар эдилар, ҳамма унинг қўл-ёзмаларига муштоқ эди, лекин бир замонлар айнан шу шўрлик қўл-ёзмаларини таҳририятларга юбориш учун Мартин бор бисотини

гаровга қўяр эди. Мактублар орасида ҳеч кутилмаган чеклар ҳам – китобининг инглизча нашри учун юборилган ҳақ, хорижий нашриётлар юборган аванслар бор эди. Мартиннинг Англиядаги агенти Германияга унинг учта китобини таржима қилиш ҳуқуқи берилганини ёзибди; унинг асарлари Швецияда ҳам таржима қилина бошлаган эди, лекин Швеция Берн битимида иштирок этмаган эди, шунинг учун бу таржималар учун ҳеч қандай ҳақ олиб бўлмас эди. Россиядан ҳам талабнома келди, у ҳам мутлақо расмий эди, чунки бу мамлакат ҳам Берн битимида иштирок этмаган эди.

Мартин газета қирқмаларини юборувчи шўйбадан келган бирталай пакетларни очди ва ўзи ҳақида ва ниҳоятда тез ўсиб бораётган шуҳрати ҳақида ёзилган мақолаларни ўқий бошлади. У дадил бир ҳаракат билан халойиқقا бутун ҳамма асарларини намойиш қилди. Дафъатан шуҳрат қозонишининг боиси ҳам шундай бўлса керак. У зўр келиб оломон диққатини ўзига қаратди; Киплинг ҳам худди шундай бўлган эди; у ўлим тўшагида ётганида оломон подага хос савқ табиийлик билан унинг китобларига ташланган эди. Орадан яrim йил ўтгач, яна ўша оломон ўқиган китобларининг ҳеч ерига тушунмай, Киплингни оёқ остига олиб лойга қориштириб ташлади. Мартин шуларни эслаб жилмайиб қўйди. Ким билсин, балки яrim йилдан кейин у ҳам шу кўйга тушар. Лекин у оломонни алдайди. У пайтда Мартин бу ердан узоқда, жанубий дengизда бўлади, ўзининг қамиш кулбасини қуради, марварид ва кокос мafизи харид қилади, тўлқин устида

сув тагидаги қоялардан сакраб ўтади, акула тутади, Тайохаэ водийси яқинидаги воҳада ёввойи эчкиларни овлайди.

Худди шу пайт у ўзининг нақадар ночор аҳволда эканлигини яққол тасаввур қилди. У бирдан ўзини кўланкалар водийсида, ажал водийсида эканлигини англади. Унинг ҳаёти тугаган; умр қуёши сўниб, хиралашиб, бота бошлаган эди. У ҳозир жуда кўп ухлашини ва ухлаган сари яна кўпроқ ухлагиси келишини ўйлади, ҳолбуки, яқингинада уйқудан нафратланарди. Уйқу унинг ҳаётининг энг қимматли соатларини ўғирларди. Йигирма тўрт соатнинг тўрт соатини уйқу билан ўтказиш, тўрт соат камроқ яшаш демак эди. Ўшанда уйқудан жуда безган эди! Энди эса ҳаётдан шундай безган! Ҳаёт уни толиқтирап, ҳаёт аччиқ эди. Унинг ҳалокати ана шунда эди. Ҳаётга интилмайдиган одам ўлимга йўл ахтара бошлайди. Мартиннинг қалбида бир вақтлардаги ўз жонини сақдашга интилиш инстинкти уйғонди. Ҳа, тезроқ жўнаб кетиши керак. У хонага бир-бир кўз югуртириб чиқди-да, буюмларни йифишириш керак, деган фикрдан таъби хира бўлиб кетди. Лекин ҳали шошилмаса ҳам бўлади. Ҳозирча ул-бул харид қилиш билан шуғулланса бўларди.

У шляпасини кийиб кўчага чиқди ва эрталабки вақтини овчилар дўконида ўзига милиқ, патронлар ва балиқ тутиш асбоблари харид қилиш билан ўтказди. Олди-сотди учун керакли молларни эса, Таитига етиб олгандан кейин буютирмоқчи бўлди, чунки молларга бўлган талаб тез-тез ўзгариб туарди. Моллар-

ни Австралиядан ёздериб олса ҳам бўларди. Хаёлига келган бу фикрдан Мартин севиниб кетди. Бирон иш билан машғул бўлиш керак, деган фикр унга ҳаддан ташқари оғир кўринарди. Шунинг учун меҳмонхонага қайтаркан, уни кутиб турган роҳатбахш креслоси ҳақида ўйлаб ҳузур қилди, лекин бу креслосига Жо жойлашиб олганини кўриб, жаҳли чиққанидан чинқириб юбораёзди.

Жо кирхонадан мамнун эди. Ҳамма гаплар келишиб қўйилган, энди у эртадан бошлаб кирхонанинг ҳақиқий хўжайини бўлади. Мартин каравотга чўзилиб, кўзларини юмганича Жонинг гапларини эшишиб ётди. Мартиннинг хаёли аллақаёқларда, деярли онгидан ташқарида санғиб юрарди. Ўқтин-ўқтин у ўзини зўрлаб Жога бирон нима деб жавоб қилишга уринарди. Ахир Жони яхши кўрарди-да. Аммо Жонинг қалби ҳаддан зиёд ҳаёт завқи билан лиммо-лим эди, бу эса Мартинга жуда оғир ботар, унинг ҳоргин руҳини жуда оғир юкдек эзарди. Жо бир кун эмас, бир кун албатта бокс қўлқопларини кийиб олишамиз деганида, Мартин юрагида турган санчиқдан чинқириб юборишга сал қолди.

– Эсингда бўлсин, Жо! Сен кирхонангда, бир вақтлар «Қайнар булоқ»да айтган тартибларингни жорий қилишинг керак, – деди у. – Ҳеч қандай ортиқча ишлаш, тунда ишлаш бўлмасин. Одамларингга яхши ҳақ тўлайсан. Кейин, ҳеч қачон болаларни ишга ёлламайсан! Ҳеч қандай ишга!

Жо бош иргаб, чўнтагидан ён дафтарчасини олди.

– Бугун нонушта олдидан иш тартибини ёздим. Мана, эшит.

Үқий бошлади, Мартин эса маъқуллаб «ҳм, ҳм» деб ётарди, лекин ўзи фақат: «Қачон ахир даф бўларкин бу Жо?» деб ўйларди.

Мартин уйғонганида алламаҳал бўлиб қолган эди. Аста-секин у ҳушини йифиб, бўлган воқеаларни эслай бошлади. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Афтидан, Жо Мартиннинг ухлаб қолганини кўриб, сездирмай чиқиб кетганга ўхшайди. «Жуда баодоб иш қилибди», деб ўйлади Мартин. Кейин кўзларини юмиб, яна ухлаб кетди.

Кейинги кунларда Жо ўз ишларини тўғрилаш билан овора бўлиб, Мартиннинг фашига унчалик тегмади. Мартиннинг жўнаб кетиши арафасида газеталарда «Мартин Иден, «Марипоза»да денгиз сафарига чиқяпти» деган хабар босилиб чиқди. У ҳамон ўша жонини сақлашга интилувчи инстинктга итоат этиб, ўзини докторга кўрсатди, доктор уни синчиклаб кўриб чиқди. Ҳамма аъзолари соппа-соғ, ўпка ва юраги жуда ҳам яхши экан. Тиббиёт нуқтаи назаридан унинг ҳамма аъзолари бус-бутун, соғлом ва меъёрида ишлаётган экан.

– Ҳеч қандай касалингиз йўқ, мистер Иден, – деди врач, – мутлақо. Аъзойи баданингиз ҳайрон қоларли даражада соғлом, ҳавасим келади. Сиҳат-саломатлигингиз жуда яхши. Кўкрак қафасингиз зўр! Ҳар қандай овқатни ҳам ҳазм қила оладиган меъдангизни эътиборга олсак, бундай организм мустаҳкам соғлиқ ва куч-куват гаровидир. Бунаقا одам мингтадан, ҳатто ўн мингтадан битта чиқиб қолади. Сиз юз йил

яшашингиз мумкин, агар биронта баҳтсиз ҳодиса юз бермаса.

Лиззи унга түғри ташхис қўйган эди, бунга Мартин ишонди. У жисмонан соппа-соғ эди. Лекин унинг ичида қандайдир дарди бор эди, у фақат жанубий денгизлардагина бу дардига даво топиш умидида эди. Энг ёмони шу бўлдики, у энди сафарга отланганида бирдан йўлга чиқиши иштиёқи қолмади. Тинч океани назарида, буржуазия маданиятидан заррача ҳам дурустроқ эмасди. У саёҳат ҳақида ўйлаганида ҳеч қандай руҳий кўтариинкиликни сезмасди, билъакс, олдидаги сафар уни азобга солар, шунинг учун тезроқ кемага чиқа қолсан-у, ортиқ ҳеч ниманинг ташвишини қилмасам, ҳеч ни- мани ўйламасам, дерди.

Охирги кун Мартин учун чинакам азоб-уқубатли бўлди. Бернард Хиггинботам ва Гертруда болалари билан, Герман Шмидт Мэриен билан газеталардан Мартиннинг сафарга жўнаб кетаётганини билиб, видолашгани келишди. Ундан кейин Мартин баъзи ишларни битириш: чеклар бўйича ҳақ тўлаш, шилқим муҳбирларнинг истагини бажариш билан банд бўлди. Лиззи Конолли билан кечки мактаб остонасида оёқ устида хайрлашди. Меҳмонхонага қайтиб келиб, у ерда Жони учратди; Жо кун бўйи кирхонадан чиқмай ишлаб, кечқурун қўли бўшабди-ю, физиллаганча унинг олдига келибди. Бу ҳол Мартиннинг сабр косасини тошириб юборган бўлса ҳам, асаб билан кресло ёндорини чангллаганча ярим соатча ошнасининг валақлашига қулоқ солиб ўтиришга ўзини мажбур этди.

– Эсингда бўлсин, Жо, – деди у гап орасида, – бу кирхонага бирор сени боғлаб қўйгани йўқ. Кўнглинг истаган пайтда уни сотиб пулини кўкка совуриб юборишинг мумкин. Қачонки, бу иш жонингга тегса-ю яна дарбадарлик қилгинг келиб қолса, дарров жуфтакни ростла. Кўнглинг қандай яшашни истаса, шундай яшашга ҳаракат қил!

Жо бош чайқади.

– Йўқ, энди, мен катта йўлларда саргардон бўлиб юрмайман. Саёқ юриш жуда яхши нарса-ю, аммо бир томони ёмон-да, мен қизларни айтяпман. Қизларсиз туролмайман! Хоҳласанг-ҳоҳдамасанг шу. Лекин, ўзинг биласан, саёқ юриш учун сўққабош бўлиш керак. Баъзида, мусиқа садоси эшитилиб турган биронта уй олдидан ўтиб қоласан, деразадан қарасанг, дўндиққина ойим қизлар қордек оппоқ қўйлак кийишиб кула-кула рақс тушаётган бўлади! Эҳ, падарига лаънат! Туғилганингга пушаймон бўлиб кетасан киши. Мен боф сайрини, рақс тушишни, ойдин кечада кезиб юришни ва ҳоказоларни жуда яхши кўраман. Саёқ бўлиб юриш қаёқда-ю, кирхонага хўжайин бўлиб олиб, башанг кийиниб, чўнтакка ҳар эҳтимолга қарши бир сиқим доллар солиб юриш қаёқда! Кеча мен бу ерда бир дўндиқ қизни кўз остимга олиб қўйдим. Қани энди, ҳозирнинг ўзгинасида уйланиб ола қолсам, рост айтяпман. Кун бўйи ўша қизни эслаганимда, суюнганимдан юрагим қинидан чиқиб кетай дейди. Кўзлари чунонам мулоим, овози бўлса мисли нафис мусиқий куй. Оҳ, Март, нега энди уйланмайсан-а? Шунча пул билан энг гўзал қизга уйланиб олсанг бўлади!

Мартин жилмайиб қўйди ва нима учун одамларда уйланишга майл туғиларкин, деб ич-ичидан таажжубланди. Бу нарса Мартинга ҳам ғалати, ҳам тушуниб бўлмайдиган нарсадек туюлди.

У сафарга жўнаши олдидан «Марипоза» палубасида туриб, кузатувчилар орасида Лиззи Коноллини кўриб қолди. «Қизни ўзинг билан олиб кет», деб пичирлади унга дохилий бир овоз. «Ахир олийжаноблик кўрсатиш нечоғлик осон, қизни эса беҳад хушбахт қилган бўласан». Мартин бир сония олиб кетсаммикин, деб ўйланиб қолди, лекин шу заҳотиёқ бу ўй ваҳимага айланди. Мартиннинг чарчаган қалби норозилик билдириди. У пароход бортидан йироқлашаркан; «Йўқ, азизим, сен жуда оғир касалсан», деб пичирлади.

Мартин ўз каютасини ичидан беркитиб олди ва то пароход очиқ денгизга чиққунча ўша ерда ўтирди, Овқат пайтида кают-компанияда Мартинни энг фахрий ўринга – капитаннинг ўнг томонига ўтқаздилар, шу оннинг ўзида Мартин, «Марипоза»даги йўловчиларнинг ҳаммаси уни зўр эътибор билан кузатаётганини пайқади; саёҳатга чиққан маълум ва машҳур шахс одатда шундай эътиборга сазовор бўлар эди. Бироқ биронта ҳам машҳур шахснинг ўз атрофидаги кишилардан Мартинчалик ҳафсаласи пир бўлмаган эди. Бу буюк одам вақтнинг кўп қисмини палубада кўзини юмиб ётиш билан ўтказарди, кечқурун эса ётиб ухлагани ҳаммадан оддин кириб кетарди.

Бир-икки кундан кейин йўловчилар денгиз касалидан тузалиб ўзларига келишди, энди

улар эрталабдан кечгача салонма-салон кезиб юришар, палубани айланишарди. Мартин улар даврасида қанча кўп бўлса, шунча асабийлашарди. Ваҳоланки, у ўзининг ноҳақ эканлигини тушунарди. Ҳар не бўлганда ҳам булар дилбар ва хушфеъл кишилар эди, буни эътироф этишга ўзини мажбур қилган бўлса ҳам, барibir, «улар ҳаммаси буржуазияга ўхшашиб маънавий маҳдуд ва ақл бобида ожиз», деб кўнглидан ўтказиб кўярди. Мартин бу одамлар билан суҳбат қурганида зерикиб кетарди, назарида, улар оми ва бемаъни одамларга ўхшарди. Хушчақчақ ёшларнинг шов-шуви унинг асабига тегарди. Ёшлар бир ерда жим ўтиришолмас: палубанинг у бошидан бу бошига югуришар, серсо³⁰ ўйнашар, дельфинларни мароқ билан томоша қилишар, учувчи балиқлар галасини кўрганда чинқиришиб юборишарди.

Мартин кўп ухларди. У эрталабки нонуштадан кейин, шезлонгга етиб қўлига журнал олар, аммо уни ҳеч ўқиб тутгата олмасди. Босма сатрлар унинг кўзини тиндиради. У одамларнинг ёзиш учун мавзу топганидан ажабланар ва ажабланиб туриб, ўз креслосида тинчгина ухлаб кетарди. Иккинчи нонуштага занг чалинганида уйғониб кетиб, уйғониш кераклигидан аччиқланарди.

Бир кун Мартин уйқусини қочириш учун кубрикка матрослар олдига тушди. Лекин унинг назарида матрослар ҳам у матрос койкасида ётиб юрган пайтдан бери ўзгариб кетгандек туюлди. У ўзи билан бу меров, диққинафас, молсифат одамлар орасида ҳеч ўхшашлик

³⁰ Серсо – гардиш ўйини.

топа олмай, умидсизликка тушди. У ерда – юқорида, Мартин Иденнинг ҳеч кимга кераги йўқ эди, аммо бир вақтлар ўзи яхши билган ва севган ўз синфи кишилари даврасига ҳам энди қайта олмасди. Буларнинг ҳам Мартинга кераги йўқ эди. Улар ҳам биринчи даражали каюталарда кетаётган беақл йўловчилар сингари унинг асабини қўзитардилар.

Кўзи оғриган одамни порлоқ нур қанчалик қийнаса, ҳаёт ҳам Мартинни шунчалик қийноққа соларди, ҳаёт унинг қаршисида парпирраб турар ва камалак рангларида товланаркан, Мартинни азобларди. Чидаб бўлмайдиган даражада азобларди.

Мартин Иден умрида биринчи марта биринчи даражали каютада саёҳатга чиққан эди. Илгарилари шундай кемаларда сафарга чиққанида ё ваҳтада турар ёки қозонхонада қора терга тушиб ишларди. Ўшанда у кўпинча бошини люқдан чиқариб, палубада сайр қилиб юрган, чақчақлашган, сухбатлашган, бекор санғиб юрган башанг пассажирларни томоша қиласди; палуба тепасига тортилган чодир уларни офтоб ва шамолдан тўсиб турарди; улар нимаики нарсани ихтиёр қилсалар, оёқ-қўли чаққон стюардлар дарҳол истакларини бажо келтирадилар. Дим кўмирхонадан чиққан Мартин учун бу манзаралар аллақандай жаннатни эслатарди. Мана энди бўлса, унинг ўзи энг хурматли йўловчи сифатида, овқат пайтида капитаннинг ўнг ёнида ўтирибди, ҳамма унга эҳтиром билан тикиляпти-ю, айни вақтда, Мартиннинг ўзи кубрик ва қозонхонани йўқолган жаннатдек қўмсайди. У янги жаннатни топа ол-

мади, эскисидан эса тамоман ажраган эди.

Мартин қисман бўлса ҳам бирон нарса билан машғул бўлиш учун пароход хизматчилари билан сухбат қуриб, ўз баҳтини синааб кўрмоқчи бўлди. У механик ёрдамчиси билан гаплашган эди, у зиёли одам экан, шу заҳоти социалистик ташвиқот юргизиб, Мартиннинг чўнтагини памфлет ва варақалар билан тўлдирди. Мартин қулоқ соларкан, бир вақтлар ўзи эътиқод қилган Ницше фалсафасини эслади. Ахир буларда бир маъно борми ўзи? У телба Ницшенинг энг аҳмоқона қоидаларидан бирини эслади, мазкур қоидага биноан у ҳамма нарсани, ҳаттоқи ҳақиқатнинг ўзини ҳам шубҳа остига қўйган эди. Начора, эҳтимол, Ницше ҳақдир. Эҳтимол, ҳақиқат деган тушунчанинг ўзи бемаънилиkdir. Лекин бир зумда Мартиннинг мияси чарчаб қолди, энди у яна креслода чўзилиб ётиб, мудрай бошлаганидан хурсанд эди.

У пароходда кетаётганидан қанчалик машиқат чекаётган бўлмасин, оддинда уни бундан ҳам бешбаттар машаққатлар кутаётган эди. Пароход Таитига етиб борганида нима бўлади? Қанча ташвиш-у, қанча уринишлар! Мол ҳарид қилиши керак, Маркиз оролларига борадиган шхуна топиши керак, қанчадан-қанча ҳар турли зарур ва зерикарли ишларни қилиши керак. Ҳар сафар у ўзини иш ҳақида ўйлашга мажбур этаркан, бошига қандай мусибат тушишини яққол англай бошларди. Ҳа, энди у ўзини Кўланкалар водийсида ҳис қила бошлаган эди, лекин шуниси даҳшатли эдики, у ҳеч қандай қўрқувни ҳис қилмасди. Агарда у озгина бўлса ҳам чўчиса, ҳаётга қайтиши

мумкин эди, лекин у қўрқмасди, шунга кўра, тобора кўпроқ зулмат қўйнига кириб борарди. Унинг руҳини ҳеч нима, ҳаттоки, бир замонлар жон-дили билан севган нарсалар ҳам қувонтира олмас эди. Масалан, Мартинга кўпдан яхши таниш бўлган шимоли-шарқий гармсел «Марипоза» рўпарасидан эса бошлади, бироқ илгари-лари гўё шаробдек кайф берган бу шамол энди унинг фашига тегарди, холос. У ўтмиш кунлар ва тунларда энг қадрдон ҳамроҳи бўлган бу шамолнинг кутилмаган эркалашларидан ўзини олиб қочиш мақсадида креслосини бошқа ерга суриб қўйишларини буюрди.

Лекин «Марипоза» тропик иқдим доирасига кирганида, Мартин ўзини ниҳоятда баҳтиқаро ҳис қила бошлади. Унинг уйқуси қочиб кетди. У жудаям кўп ухлаган эди, энди эса беихтиёр бедор юриши, ҳаётга тикилиб, унинг ярақдашидан кўзлари қамашиши лозим эди. У безовта бўлиб, палубада санғиб юрарди. Ҳаво рутубатли ва иссик эди, ёмғир тез-тез ёғиб турган бўлса ҳам салқин тушмасди. Яшаш Мартин учун азоб эди. Баъзида ҳолдан толиб, креслога ўзини ташларди, лекин бир оз дамини олиб, яна ўрнидан турар ва у ёқдан бу ёққа тентираб юра бошларди. Ниҳоят, у ўзини қўлидаги журнални ўқиб битиришга мажбур этди ва кутубхонадан бир неча шеър тўпламларини олди. Лекин диққатини тўплай олмай, яна сайр қилишини давом эттирди.

Кечқурун Мартин ўз каютасига ҳаммадан кейин тушди, бироқ алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, ухлай олмади. Дам берувчи бирдан-бир восита ҳам ўз таъсир кучини йўқотган эди. Бу энди ҳаддан зиёд оғир дард эди!

У чироқ ёқиб, қўлига китоб олди. Бу Суинберннинг шеърлари эди. Мартин бир неча муддат китобни варақлаб ўтирди, шу пайт бирдан, уни қизиқиб ўқий бошлаганини пайқади. У бир шеърни ўқиб бўлиб, кейингисини ўқий бошлади, лекин яна олдингисига қайтди. Ниҳоят, у китобни кўксига тушириб юбориб, ўйга толди. Ҳа! Мана у! Мен учун зарур бўлган нарса шу! Таажжуб, нега илгари эсиға келмаган экан-а? Калаванинг учи бу ёқда экан-у; у ҳеч вақт файриихтиёрий равишда бу калава учини топа олмай келарди, энди бўлса, Суинберн унга энг қулай чора топиб берди. Мартинга ором керак эди, ором эса, шу ерда, ёнгинасида эди. У иллюминаторга қаради. Ҳа, у анчагина кенг экан. Жуда кўп вақтлардан бери биринчи марта севинчдан юраги шўх-шўх тепа бошлади. Ахийри ўз дардига даво топган эди. У китобни олиб, овоз чиқариб, салмоқ билан ўқиди:

*Ҳориб, чарчаб доимий қўнгил хушилашдан,
Ҳориб, чарчаб шоҳона базмлардан ҳам,
Қўрқув не, орзу не, билмай бир бошдан –
Илоҳларга шукrona айтамиз бу дам.
Шукrona айтамиз, юрак мангуга –
Талпинмай тин олгай, деб ахир бир кун,
Шукrona айтамиз, денгиз сувига
Жамики дарёлар жо бўлгани-чун.*

Мартин яна иллюминаторга қаради. Суинберн унга йўл кўрсатарди. Ҳаёт уни толиқтирас, аникроғи, чидағ бўлмайдиган даражада толиқтирувчи ва юракни сикувчи бўлиб қолган эди.

Шукrona айтамиз, юрак мангуга –
Талпинмай тин олгай, деб ахир бир кун!..

Ҳа, бунинг учун худоларга шукrona айтилса арзиди. Бу уларнинг дунёда ягона хайрли иши! Ҳаёт тоқат қилиб бўлмайдиган машаққатга айланганда ундан қутулиш нақадар осон-а!

Нимани кутяпти? Вақт етди.

Мартин бошини иллюминатордан чиқариб, пастга, сутдек оппоқ қўприкларга қаради. «Марипоза» сувга яrim белидан ботган эди, шунинг учун, қўлида осилса оёғи сувга тегиши мумкин эди. Сувга шалоплаб тушмайди. Ҳеч ким эшитмайди. Мартиннинг юзига сув сачради. У лабларида шўр сув мазасини мамнуният билан ҳис қилди. У ҳатто сўнгги қўшифимни ёзсаммикин, деб ўйлади! Лекин шу заҳотиёқ ўзини ўзи масхара қилди. Кейин бунга вақти ҳам йўқ эди. У ҳамма нарсага тезроқ барҳам беришни астойдил истарди.

Мартин эҳтиёт шарт, каютадаги чироқни ўчириб, оёғи билан иллюминатордан чиқа бошлиди. Елкалари тиқилиб қолган эди, у бир қўлини ёнига маҳкам босиб сиқилиб чиқа бошлиди. Пароходнинг бехосдан бир силкиниши унга ёрдам берди, у иллюминатордан чиқиб, қўлида осилиб қолди. Сўнг оёғи сувга тегиши билан қўлларини қўйиб юборди. Оппоқ илиқ сув уни ўз бағрига олди. «Марипоза», баъзи иллюминаторларидан ёруғ тушиб тургани учун, худди туйнуклари бор улкан қора деворга ўхшаб, Мартиннинг ёнидан сузиб ўтиб кетди. Пароход тез сузиб бораради. Мартин эс-хушини йифиб ултургунча пароходдан жуда узоқда

қолиб кетди, сүнг океаннинг қўпик қоплаган сатҳида бамайлихотир сузиг кетди.

Мартиннинг оқ баданини кўриб сузиг келган қилич балиқ унинг баданига санчилиди, Мартин кулиб юборди. Оғриқ унинг нима учун сувга тушганини эслатди. У сувдан сузиг чиқишига уриниб, асосий мақсадини унутиб қўйган эди. «Марипоза» чироқлари узоқда кўздан фойиб бўла бошлаган эди, Мартин эса, гўё бу ердан юз миль наридаги энг яқин соҳилгача сузиг етмоқчи бўлгандай, ҳамон сузиг борарди.

Бу файриихтиёрий ҳаёт инстинкти эди. Мартин сузишни тўхтатди, лекин оғзига сув кириши билан яна қўлларини ишга солди. «Ҳаётга иштиёқ», деб ўйлади у ва заҳарханда қилди. Ҳа, у иродали одам, унинг астойдил ҳаракат қилиб, ўзини йўқ қилишига етарли даражада мустаҳкам иродаси бор.

Мартин сувда тик турди. У сокин булутларга тикиларкан, айни вақтда ўпкасидаги бутун ҳавони чиқариб юборди. У сув қаърига тезроқ чўкиш мақсадида қудратли қўл ва оёқларини тез ҳаракатга келтириб, сувдан белигача кўтарилиди. У теран сув тубига мисоли оқ мармар ҳайкалдек қимир этмай чўкиши лозим. Мартин сув остига тушгач, нафас олиб, ичига сув торта бошлиди, бу ҳаракати билан тезроқ ҳушдан кетиш мақсадида наркотик дорини ичига тортган беморни эслатарди. Лекин сув томогига кириб, уни бўға бошлаган эди, у беихтиёр, инстинкт кучи билан сув бетига сузиг чиқди ва боши узра порлок юлдузларни кўрди!

Ҳаёт илинжи, деб ўйлади нафрат билан, нафас олмасликка беҳуда уринаркан. На илож,

бошқача йўл тутишга тўғри келади. У чуқур нафас олиб, ўпкасини ҳавога тўлдирди. Уммон тубига узоқроқ шўнгиш учун шунинг ўзи етарли. Сўнгра жаҳд билан ағдарилди-да, бор кучи ва бор иродасини ишга солиб, боши билан сувга шўнғиди. Чуқурроқ, фақат чуқурроқ. Кўзлари очик, шунинг учун сувнинг шаффоғ жилвасида изидан келаётган қилич балиқлар ҳам кўриниб турарди. Фақат унга ташланиб қолишмаса бўлди, бу зўриққан иродасини букиб қўйиши мумкин. Бироқ балиқлар тўдаси унга ташланмади ва у сўнгги марҳамати учун ҳаётдан миннатдор бўлди.

Пастга ва фақат пастга, оёқ-қўллари аллақачон толиқиб, аранг сузиб бораарди. Албатта, ҳозир қарийб уммон тубига етди. Сув босимидан қулоги шанғиллаб, боши фув-фув айланади. Буларнинг бари чидаб бўлмас азобга айланди, аммо у барибир қўл-оёқларини яна-да чуқурроқ тушишга мажбуrlаяпти. Ниҳоят иродаси букилди ва бўғзидан бутун ҳаво отилиб чиқди. Ҳаво пуфакчалари шитоб билан юқорига интиларкан, унинг ёноқдариға, кўзларига урилар, улардан аста сирпаниб ўтиб кетарди. Сўнг оғриқ келди, у бўғила бошлади. Бу азоб ўлим эмас, хиралашиб бораётган идрокида шундай фикр чақин урди. Ўлим азоб эмас. Бу даҳшатли бўғилиш – ҳаёт, ҳаёт азоби, унга ҳаёт бераётган сўнгги зарба.

Қайсар оёқ-қўллари кучсиз, жониқиб ҳаракатланар, тинимсиз юқорига талпинарди. Аммо Мартин уларни доғда қолдирди; уларни ҳаракатланишга ва курашишга ундовчи ҳаёт иштиёқини ҳам доғда қолдирди. Энди у ал-

лақачон жуда чуқурлаб кетган. Улар уни сув юзасига олиб чиқишига улгуролмайды. Назариды, уммон рүёлари оралаб аста-секин кетиб бораётгандек эди. Ҳар томонда ранглар жилваланиб, ажиб ёғду ўйнамоқда, уни қуршаб, атрофини тұлдирмоқда. Бу нима экан? Афтидан, маёққа ўхшайды, лекин у миясида – чақнаб, ёрқин нур каби күзни олмоқда. Оқ чақынлар тобора күпаймоқда. Шиддатли ва узоқ гумбурлашдан Мартин ўзини улкан ва чексиз пиллапоядан пастга томон қулаб кетаётгандек сезди. Мана, ниҳоят унинг қаърида зулмат ичига қулаб тушди. Буни элас-элас идрок қиласада эса, онг-шуури узилиб қолди.

ТАМОМ.

Адабий-бадиий нашр

ЖЕК ЛОНДОН

МАРТИН ИДЕН

Мұхаррирлар
Маъмурға ҚУТЛИЕВА,
Ҳасанбай ТЕШАБОЕВ

Мусаҳҳих
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий мұхаррир
Үйгүн СОЛИХОВ

Техник мұхаррир
Сурайә АХМЕДОВА

Компьютерда сақыфаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: № 252, 2014 йил 2 октябрда берилген.

Босишига 2015 йил 20 июнда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 19.0. Шартли босма тобоги 31.92.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қофози.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 128.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланды ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор – 8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278–30–52;

Маркетинг бўлими – 128–78–43. факс – 273–00–14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қўйидаги янги китобларни нашр этди:**

**ЭМИЛЬ ЗОЛЯ
«Аёл баҳти»
84x108 1/32, 608 бет, қаттиқ муқова**

Эмиль Золя – жаҳон адабиёти саҳнасида муносиб ўринга эга ижодкор. Ўзбек китобхони адибни «Ҳамал», «Парма ибодатхонаси» сингари бадиий жиҳатдан етук асарлари орқали севиб ўқииди.

Эмиль Золянинг навбатдаги – «Аёл баҳти» деб номланувчи янги таржима асарини сиз интиқ кутаётган «Камолот кутубхонаси» рукни орқали тақдим этмоқдамиз.

Асар йирик магазин эгаси Муре ва унинг тақдирини, қарашлари-ю, инсонларга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартириб юборган, айни пайтда йигитнинг чинакам севгисига сазовор бўлган камбағал қиз Дениза ҳақида. Якуни шу тарзда тугалланадиган асарлар кўп, аммо Эмиль Золянинг ҳар иккала қаҳрамони тақдирни сиз кутмаган нуқталарда туташади...

**МИХАИЛ ЛЕРМОНТОВ
«Замонамиз қаҳрамони»
84x108 1/32, 240 бет, юмшоқ муқова**

Михаил Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» қиссаси ўқувчини чинакамига ўйлантиради. Асар инсоний муносабатлар – дўстлик,

муҳаббат, садоқат ва хиёнат, ахлоқ қоидалари асосига қурилган. Бош қаҳрамон – Замона-миз қаҳрамони, яъни, Печорин ижобий образ дейиш мушкул, аммо унинг аниқ бир хислати-ни одамийликдан мутлақо йироқ деб баҳола-шимиз ҳам ўринли эмас. Замонамиз қаҳрамо-ни – ёзувчининг ўзи эътироф этганидек, одам-ларни қусурдан даволаш учун зарур бўладиган «аччиқ дори, ўткир ҳақиқат». Печорин бизнинг орамизда, бир ҳаводан нафас олаётган тани-шимиз ёки қўшнимиз. Унинг иллатини оши-риб, муқаррар жазога рўпара қилиш инсоний-ликка қанчалик хос? «Дарднинг қандай дард эканлигини кўрсатиб беришнинг ўзи кифоя, уни қандай даволашни худо билади».

ЎТКИР ҲОШИМОВ
«Дунёнинг ишлари»
84x108 1/32, 336 бет, юмшоқ муқова

XX аср ўзбек адабиётида ўз ўрни ва услубига эга бўлган адиб – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўт-кир Ҳошимов, айтиш мумкинки, XXI аср ўқув-чисининг ҳам севимли адиби бўлиб қолади.

Жонли ва ҳаётий тасвирлар, соф ўзбекона ёндашув ва ҳарактер, қаҳрамонлар ўртасида-ги суҳбатлар мутолааси ўқувчини ўз таъсирига олади. Нафақат миллат, балки чин инсонийлик тараннуми ёзувчи асарларида етакчилик қили-ши китобхон учун тарбиявий ва ҳаётий сабоқ бўлади. Хоҳ жиддий, хоҳ ҳажвий бўлсин Ўт-кир Ҳошимов асарларида ҳаёт қайнайди: унда ҳар биримиз ўзимизни, оиласизни, дўсту ёри-мизни, ҳатто ҳеч кимга ўхшамаган онамизни кўрамиз...

Бир инсон умрини қамраган роман бўлсин, қатор новеллалардан иборат қисса ёки ҳикоя бўлсин, жанридан қатъи назар, Ўткир Ҳошимов асарларида дунёнинг ишлари мужассам. Мутолаа ҳар қандай ўқувчи учун катта ҳаётий хулоса беришига ишонамиз.

САИД АҲМАД

«Уфқ»

84x108 1/32, 912 бет, қаттиқ муқова

Сайд Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси нафақат ёзувчи ижодида, балки ўзбек адабиётида янги жанр ҳисобланади. Ижодининг энг сермаҳсул даврида ёзган ушбу роман-трилогияда ёзувчи Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида ўзбек деҳқонларининг фронт орқасида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қиласиди, урушдан олдинги ва кейинги давр муаммолари ҳақида баҳс юритади.

Даврга хос қийинчиликлар, машаққатлар оғушида уруш ва меҳнат фронтига сафарбар қилинган ёшлар қалби жўшқинлик ва муҳаббат туйфулиридан йироқ эмас: Азизхон ва Лутфиниса, Низомжон ва Дилдор, Турсунбой ва Зебихон... Асарда ўт-олов бўлиб ёнган ошиқ-маъшуқларнинг ҳеч бирига висол насиб этмайди. Қийинчиликлардан кейин қаҳрамонлар яна севгига, садоқатга рўбарў бўлишади, аммо биринчи муҳаббат давр ва синовлар қаърига сингиб кетади...

Ўқувчи мутолаа давомида нафақат жонли тасвирлар орқали тарихий маълумотлар билан танишади, балки ҳаёт машаққатларидан сабоқ чиқаришга, инсонийлик ва муҳаббат айнан қийинчиликлар таъсирида тобланишига амин бўлади.

НИКОЛАЙ ГОГОЛ

«Тарас Булба»

84x108 1/32, 304 бет, юмшоқ муқова

Ўз даврида рус адабиётининг энг истеъоддли ёзувчиларидан саналган Николай Гоголнинг ижодий тажрибаси тутанмасдир. Гоголча услуб, гоголча тил, гоголча тасвир, гоголча юмор, гоголча реализм жаҳон ёзувчилари учун ўзига хос маҳорат мактаби. Икки қисмдан иборат ушбу китобда муаллифнинг қизиқарли қиссалари жамланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўша даврдаги халқ ҳаёти, жамиятнинг ўзига хос муаммолари енгил юмористик услубда ёритилган. Гогол асарларининг туб маъносини чуқур англаб, қаҳрамонлари билан яқиндан танишаркансаниз, одамзоднинг туғилиш, ейиш, ичишдан иборат ва ниҳоят пайманаси тўлганда оламдан ўтиши муқаррар бўлган бу ўткинчи дунёда ҳирс-ҳавас нимадан ўзи, дея ўйланиб қоласиз. Турмушнинг мажруҳ ва ҳажвий даражада бемаънилиги-ю ярамаслигини кўрасиз, бинобарин, асар қаҳрамонлари тақдирида қатнашасиз, улар устидан куласиз ва қайғусидан азобланасиз.

АНДРЕ МОРУА

«Чоршанба учун бинафшалар»

84x108 1/32, 216 бет, юмшоқ муқова

Асли исми Эмиль Соломон Вильгельм Эрзогъ бўлган Андре Моруанинг француз миллий адабиёти соҳасига қўшган ҳиссаси ниҳоятда чексиз. 200 га яқин китоб, 1000 дан зиёд мақола унинг бой адабий меросини ташкил этади.

Ёзувчи фақатгина буюк инсонлар ҳақида автобиографик асарлар ёзиш билан чекланиб қолмасдан, балки романлар, фалсафий эсслар, фантастик новеллалар, психологик ҳикоялар, тарихий ҳамда илмий-оммабоп жанрларда ҳам қалам тебратган.

Моруанинг «Чоршанба учун бинафшалар» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ушбу китоб Моруанинг ўзбек тилида чоп этилаётган илк тўпламидир.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

АНТОН ЧЕХОВ

«Буқаламун»

84x108 1/32, 296 бет, юмшоқ муқова

Жаҳон адабиёти ҳикоячилигини машҳур рус ёзувчиси Антон Чехов ижодисиз тасаввур қилиш мушкул. XIX асрнинг сўнгги чорагида рус китобхонлари эътирофига сазовор бўлган ёзувчи ҳикоялари XX асрнинг дастлабки йилларида ёзбек китобхонларига тақдим этилди. Абдулла Қодирий ва Чўлпон ҳам таржима орқали ҳикоянависликни айнан Антон Чеховдан ўрганганд бўлса ажаб эмас.

Адабиётимизда ҳикоячиликда бекиёс ўринга эга бўлган Абдулла Қаҳҳор таржималари эса Чехов ижодини ўзбек китобхонларига таништиришда асосий кўпприк бўлиб хизмат қилди.

Мазкур тўпламга яна қатор таржима ҳикоялар ҳам киритилдики, мазкур асарлар орқали Чеховнинг ҳаётий ва ижодий сабоқларидан баҳраманд бўласиз.

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ
«Одам бўлиш қийин»

84x108 1/32, 352 бет, юмшоқ муқова

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек настри ривожида ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг ўзига хос ўрни бор. Унинг ёшлар ҳаёти, маънавий-ахлоқий муаммолар, инсонларнинг мураккаб муносабатлари ҳақида яратилган роман, қисса ва ҳикоялари бугунги кунда ҳам севиб ўқиладиган асарлардир. Адиб болаларнинг бепоён орзуладар олами, ёшларнинг гоҳ лаззатли, гоҳ изтиробли муҳаббати, сидқу вафо, хиёнат, оталар ва болалар, умуман, турфа тоифадаги инсонлар ўртасидаги муносабатларни ғоят чуқур ва самимий тасвирлайди. Шунинг учун ҳам адибнинг асарлари ҳамон китобхонлар қалбини ром этиб келмоқда.

ЖАДИД АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ
«Одоб-ахлоқ қитоби»

84x108 1/32, 192 бет, юмшоқ муқова

Ўтган аср бошларида янги тузум мактабларининг ташкил этилиши нафақат давр фарзандларининг, балки миллат болаларининг маънавиятида туб бурилиши ясади, десак хато бўлмайди. Замон маърифатпарварлари ўқувчилар учун қатор дарсликлар яратишиди, рисолалар чоп этишиди, газета ва журналлар очишиди.

Бугунги ўқувчилар айнан ўша мақолаларни, асарларни, китобларни қайта-қайта ўқиши лозим, чунки устозларимизни, борингки устозларимизнинг устозларини маърифатга чорлаган,

илемга ошно қилган, зиёли қилган асарлар бу-
гунги давр учун ҳам қадрли, ҳам зарур.

Мазкур китобда XX аср бошларидағи адаби-
ёт – илм ва чин инсонийликка чорловчи асар-
лар жамланди.

ЖАННИ РОДАРИ

«Желсомино Ёлғончилар мамлакатида»

84x108 1/32, 336 бет, юмшоқ муқова

Чипполинонинг фаройиб саргузаштлари, у
кўрсатган жасорат ва мардликлар эсингизда
бўлса керак. Мана, сиз ўша ажойиб воқеалар
муаллифи, италян адиби Жанни Родари билан
яна бир бор учрашяпсиз. Бу китобда унинг «Уч
хотимали эртаклар» ва «Желсомино Ёлғончилар
мамлакатида» асарлари билан танишасиз. «Уч
хотимали эртаклар»да воқеа маълум нуқтага-
ча баён қилинади-да, сўнг у уч хил якунланади.
Агар сиз топафонлик қилиб, бу эртакларни
бошқачароқ якунлассангиз ва уни ўртоқларин-
гизга, укаларингизга айтиб берсангиз янада
яхши.

Қизиқарли воқеалардан иборат китоб сизга
мунтазир!

НИКОЛАЙ НОСОВ

«Билмасвой билан дўстларининг

бошидан кечирганлари»

84x108 1/32, 528 бет, қаттиқ муқова

Машҳур рус ёзувчиси Николай Носовнинг
«Билмасвой билан дўстларининг бошидан ке-
чирганлари» эртак-романи бугунги кунда бу-

тун жаҳон болаларининг севимли асарига айланиб улгурган, десак хато бўлмайди.

1954 йилда ёзилган ушбу асар 1958 йилда-ёқ болалар шоири – Пўлат Мўмин томонидан маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилди.

«Билмасвой Қуёш шаҳрида» деб номланган иккинчи асар эса муаллиф томонидан 1958 йилда ёзилган бўлиб, 1964 йилда ўзбек тилига яна Пўлат Мўмин томонидан таржима қилинган. 1987 йилга келиб, иккала асар бир китоб шаклида нашрдан чиққан.

Қарийб 30 йил аввал нашр этилган ушбу китобни қайта тайёрлашдан мақсадимиз – мактаб ёшидаги китобхонларимизни жаҳон адабиётидаги яна бир машҳур асар билан таништириш, бу орқали фарзандларимизнинг тафаккур ва тасаввур оламини янада кенгайтиришга қаратилган.

**КАРЛ КОЛЛОДИ
АЛЕКСЕЙ ТОЛСТОЙ
«Пиноккионинг бошидан кечирганлари»
«Буратино ва унинг саргузашлари»
84x108 1/32, 348 бет, қаттиқ муқова**

Ёғоч болалар... Дунёда шунақа болалар ҳам бормикан, дея ҳайратга тушаётгандирсиз. Бор ва бир куни уларга дуч келиб қолсангиз асло ажабланманг. Бундай болалар учрайди – агар уларнинг исми Пиноккио ва Буратино бўлса... Топилади – агар уларнинг оталари оққўнгил Жепетто ва Карло бўлса... Улар асло ер юзидан йўқолиб кетишмайди – агар иккисини ҳам зангори сочли қизлар Пари-ю Малвина қўлласа...

Ёғоч болалар ҳам оддий болалар сингари ўйнайди, кулади, йиглайди, энг асосийси, шұхлик қилишни жонларидан ҳам ортиқ күришади. Уларнинг биргина камчилиги вақтида илм ўрганишни исташмайди ва күпгина қулоқсиз болалар сингари уйдан қочиб, бирталай саргузаштларни ҳамда күнгилсиз воқеаларни бошдан кечирадилар. Масалан, Пиноккио Таралабедод мамлакатига бориб, әшакка айланиб қолади. Аҳмоқдар мамлакати аҳди ҳам Буратинони құчоқ очиб кутиб олмайди. Хүш, бу икки ёғоч бола қандай қилиб қийинчиликларни енгиб кетишаркин? Бу саволга жавобни китобни ўқиши жараённанда билиб оласиз.

ИВАН ТУРГЕНЕВ

«Оталар ва болалар»

84x108 1/32, 320 бет, қаттиқ муқова

Машхур рус ёзувчиси И.С.Тургеневнинг ўз даврида катта шуҳрат қозонган ушбу «Оталар ва болалар» романы рус адабиётшунослигиде ёзувчи изходининг чүққиси сифатида талқин этилади. Адіб бош қаҳрамон Базаров образида ҳурфикарлық ва янгилик сари интилиш каби фазилатларни мужассамлантирган. Асардаги воқеалар ўша даврда чирий бошлаган жамиятни шунчаки ислоҳ этиш эмас, балки пойдеворини тағ-туғи билан йўқ қилиб, янгисини барпо этиш кераклигини күрсатиб беради. Тургенев Базаровдаги нигилизмни (барча нарсаларни инкор қилиш) тасвиrlаш орқали рус ёшларига хос салбий жиҳатларни ҳам намоён этган. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилишга ўргатувчи

ушбу асар мутолааси китобхонга завқ багишлайди, деган умиддамиз.

СТЕНДАЛЬ

«Қизил ва қора»

84x108 1/32, 788 бет, қаттиқ муқова

Машхур француз ёзувчиси Стендалнинг «Қизил ва қора» романни ҳақли равишида дунё адабиёти дурданалари қаторидан ўрин олган.

Роман қаҳрамони бўлмиш Жюльен билан де Реналь хоним ўртасидаги муҳаббат шу қадар табиий ҳамда тиник тасвирланадики, китобхон беихтиёр уларнинг мусаффо туйғуларига мафтун бўлиб қолади.

Романда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва разиллик ўртасидаги кураш зўр куч билан тасвирлаб берилган. Асарнинг «Қизил ва қора» деб номланишининг боиси ҳам ана шунда.